

Кашими

русь

история

2


Қадимги дунё тарихи

II ҚИСМ

Ю. С. КРУШКОЛ
тахрири остида

«УЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ
Тошкент—1975

^"/•Издательство «Просвещение», М., 1971
~! ф«Укитувчи» нашриёти, 1975»



СССР Маориф министрлиги томонидан
педагогика институтлари учун ўқув
қўлланмаси сифатида рухсат этилган

«Кадимги Греция» бўлимнинг Кириш қисмини, II—V, VII, IX, XII, XIV, XVII, XVIII, XX бобларини ва Хотимани IТТ **Н. Пикус** | ёзган; I, VI, VIII, X, XI, XIII, XV, XVI, XIX бобларини Ю. С. Крушқол ёзган.

«Кадимги Рим» бўлимнинг I, IV, VII бобларини Н. Ф. Мургина ёзган, XIX, XX, XXII бобларини **И. А. Дворецкая** ёзган; шу бўлимнинг қолганларини А. Г. Бокшчанин ёзган, икки бўлимга доир хронология ва библиографияни ҳам шу киши тузган.

Русчадан Рустам Абдурахмонов
ва Абдулла Уразаев таржимаси

ҚАДИМГИ ГРЕЦИЯ

КИРИШ

Қадимги Греция тарихи қадимги Шарқ мамлакатлари тарихи билан бир вақтда ва у билан ўзаро алоқадор ҳолда ривожланди. Сўнги юз йил мобайнида ўтказилган археологик қазувларэрамиздан бурунги III минг йилликдаёқ Болқон ярим оролининг: жанубида ва унинг яқин теварак-атрофидаги оролларда ибтидоий-жамоа муносабатлари бузила борганлигини кўрсатди. Айрим жойларда дастлабки-синфий жамият ўчоқлари вужудга келиб, ривожлана бошлаган. Синфларнинг тузилиш процесслари Крит, Лемнос оролларида бошқа территориядан илгарироқ юз берган, қитъада эса бу процесслар бирмунча кейинроқ содир бўлган. Бу процесслар қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга ўчишлари ва ўзаро урушлар билан бирга борганки, бухақда кейинроқ юзга келган қадимги грек афсоналарида хотиралар сақланиб қолгай.

Грециянинг географик мавқеи қулай бўлгани ҳолда ерининг ниёбатан кам унумлиги, бир томондан, маҳаллий аҳолини қишлоқ хўжалигида ниҳоятда зўр бериб ишлашга, иккинчи томондан эса қўшнилари билан халқаро алоқаларни, мол айиробошлаш¹ ни ривожлантиришга мажбур этган. Бу ҳол ҳунармандчиликнинг ривожини тезлаштирган. Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши учун Болқонда етарли миқдорда хом ашё бўлган. •

Энг қадимги Грецияда антик мулк формасининг пайдо бўлиши учун дастлабки зарур шартлар ана шулардан иборат бўлиб, бу мулкнинг форма «тарихий таракқиёт процессида дастлабки қабилаларнинг кўпроқ серҳаракат ҳаёти, тақдири ва ўзгаришларининг»¹ натижаси эди. у "—_- . -

Қ, Маркс қадимги жамиятнинг ибтидоий жамоа тузумидан синфий тузумга ўтиши давридаги таракқиётини тадқиқ қилар • экан, 'бундай деб кўрсатган эди: «Айрим кишининг мулкидан фа^ат' биргалашиб меҳнат қилиш йўли бидан. нақадар камроқ фойдаланилган сари, яъни масалан, Шарқда суғориш системасидан фойдаланиш сингари, тарихий ҳаракат, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш қабиланинг соф табиий йўл билан таркиб топган характерини нақадар қатъият билан эмира борган сари^ қ-а

била ўзининг дастлабки манзилдан нақадар узоқлашиб, *бировларнинг* ерларини забт эта борган сари, демак, ҳар бир кишининг куч-ғайрати кўпроқ ривожланадиган буткул янги меҳнат шароитига туша борган сари... айрим кишининг ернинг *хусусий эгаси* бўлиб қолиши учун шу қадар кўпроқ шарт-шароит вужудга келадики, мазкур айрим киши парцеллага (бир парча ерга) эгалик қилиб уни ўзи ва оиласи алоҳида тарзда ишлайдиган бўлади».

Бу шарт-шароит майда мулкдорларни ўз мулкларини бир-галлашиб ҳимоя қилиш учун янги жамоаларга бирлашиш заруриятини туғдирди. Мана шунинг учун ҳам,— деб кўрсатган эди К. Маркс,— бир қанча оилалардан иборат бўлган жамоа даставвал ҳарбийча ташкил этилди... Шаҳарларда турар жойларнинг бир ерда тўпланиши — ана шу ҳарбий уюшманинг негизидир². Шундай жамоаларнинг синфий табақаланиши жараёнида шаҳар-давлатлар (полислар) пайдо бўлди ва бундай шаҳар-давлатларнинг мавжуд бўлиш қадимги грек қулдорлик жамияти учун характерлидир. Урушлар, қулфурушлардан қуллар сотиб олиш ва камбағаллашиб қолган ўз қабиладошларини қарзлар эвазига қул қилиб ишлатиш — полисларнинг граждандари учун қуллик манбаи эди. Синфий қураш натижасида грек полисларининг қўпчилигида қарз эвазига қул қилиб олиш бекор қилинди. Четдан келтирилган, қулларнинг меҳнатини эксплуатация қилиш кенгтарқалди, бу эса энг яққол кўриниб турган ва бизнинг фанимизда антик муносабатлар деб аталган қулдорлик муносабатларининг ривожланишига сабаб бўлди.

«Антик* қулдорлик жамияти» ва «антик қуллик» деган тушунчалар, дарсликларга қулдорлик муносабатларининг энг ривожланган ва соф формасининг эталони (намунаси) бўлиб кирди. Антик қуллик даставвал Грецияда кенг тарқалди, сўнгра қўшни территорияларга ёйилди. Яқин Шарқда грек-македон итилоларидан кейин қуллик маҳаллий қарамлик формалари билан бирга мавжуд эди.

Қадимги Греция тарихини беш даврга бўлиш мумкин:

1) эгей ёки крит-микена даври (эрамиздан аввалги Ш-И мингинчи йиллар), бу давр—уруғдошлик тузумининг бузилиши, айрим районларда илк синфий қулдорлик давлатяарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши даври бўлиб, у дорийларнинг қучиб келиши натижасида тамом бўлади;

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 46- том, I қисм, 465—466- бетлар.

² Уша жойда, 465- бет.

;

2) эрамиздан аввалги XI—IX асрлардаги Греция —бу давр дорийларнинг истилоларидан кейин ибтидоий жамоа муносабатларининг вақтинчалик қайтадан бунёдга келиши ҳамда ундан кейин антик мулкчилик формаси асосида синфий муносабатларнинг умумгрек рйвожланиши давридир;

3) архаик давр (эрамиздан аввалги VIII—VI асрлар) — бундан олдинги даврнинг давоми^ антик қулдорлик жамиятининг барқарор бўлиш вақти;

4) классик давр (эрамиздан аввалги V—IV асрлар)—антик полисларда қулдорлик муносабатларининг энг юкори даражада ривож топиши;

5) эллинизм даври (эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярми—I асрнинг ўрталари), бу давр—Эрон давлатининг грек-македон истилосига учраганидан кейин Яқин Шарқнинг кенг ерларида қулдорлик жамиятининг янада ривожланишидан иборатдир. Бу давр эллинизм дунёсининг ғарбий қисми Рим томонидан, шарқий қисми эса (Фротга қадар) Парфия томонидан забт этилиши билан тамомланди.

* *
*

Қадимги дунё микёсида қадимги Греция мйданияти айниқса юксак даражага етди. Унда аниқ, табиий ва гуманитар фанлар равнақ топди. Қадимги Грецияда фалсафанинг асосий йўналишлари пайдо бўлди ва ривожланди, тасвирий санъатлар, адабиёт ва маданиятнинг бошқа соҳалари порлоқ муваффақиятларга эришди. Грек тили ҳозирга қадар илмий терминологияда кенг қўлланилмоқда: Исмларимизнинг анчагина қисми грекчадан олинган. Кўп мақол ва маталлар, эртакларнинг сюжетлари қадимги Грецияга бориб тақалади. Қадимги грек трагедиялари ва комедиялари ҳозирга қадар ҳам жаҳон саҳнасидан тушмасдан ўйналиб келмоқда. Қадимги Грециянинг маданий мероси ҳоյатда буюқдир, уни ўрганиш самаралидир.

ҚАДИМГИ ГРЕЦИЯ ТАРИХИГА ВА ЭЛЛИНИЗМ ДАВРИГА ОИД МАНБАЛАР

Қадим замонлардан қолган ва шулар асосида биз ўтмиш тарихини тиклайдиган нарсаларнинг ҳаммаси— улар хоҳ тошга ва бошқа обидаларга ёзилган ёзув бўлсин, хоҳ антик автърнинг гувоҳлик беркб ёзиб қолдирган асарлари бўлсин, хоҳ бйно еки меҳнат куроли бўлсин — ана шуларнинг ҳаммаси бирон-бир.қадимги даврни ўрганиш ўчун манбадир.. Ушбу бўлимда биз.Г.рециява эллинизм тарихи билан вадемак, шу даврларгаоидманбалар билан танишамиз.

Манбалар икки асосий бўлимга—ёзма манбаларга ва ашёвий манбаларга бўлинади. Ҳар иккала манбалар ҳам Греция ва эллинизм тарихини ўрганиш ўчун бой материал бе-

1. Ёзма манбалар. Ёзма манбалар хилма-хйл бўлибПулар грек тарихчйларй, драматурглари, шоирларйнинг асарларидан, нотикларнинг нутқларидан, ниҳоят, кейинроқ вақтда ёзиб олинган дostonлар ва афсоналардан ҳамда папирусларга ёзилган ёзувларнинг текстлари, тошларга ва иДиШ товоқларга уйиб ёзилган ёзувлар.танга-чакалардан иборатдир. Бу кейингилар эеа айни бир вақтда ҳам ашёвий, ҳам ёзма манбалардир. Антик тарихчиларнинг асарлари Греция тарихига ойд-энг асосий ёзма манбалардйр.

Грецияда тарих фанй бйрданига вужудга келган эмас. Грекларнинг тасаввурича, тарих фан эмас, балки санъатдан ва панд-насихатдан иборат. Шу сабабли қадимги греклар бошқа фанлар сингари тарихнинг ҳам ўз дузаси бор, бу муза Клиодир, Клио бошқа музалар биланбир катордГсанъатлар худосиАлол «юн аёнлари орасида бўлган, деб ҳисоблаганлар- Греклар тарихий воқеалар тўғрисида чиройли ва панд-насихатли ҳикояни ҳаммадан кўпроқ кадрлаганлар. Улар, тарихнинг аслсий--вави-фаси панд-насихатдан иб^раф.~д^б~ҳисаблаганда.р^, * "Дастлабки вақтларда^д^шхц^аф^ деб аталувчи кишилар («логос^оўаж^графо» — «ёзаман» демакдир) шаҳарларнинг, "ВЗЗг^ да ўзлари туғилган шаҳарларнинг тарихи тўғрисида ёзганлар. Лагографлар эр^амиздан аввалги Х1.асрда ва V ягрнинг бонглярида яшаганлар. Уз асарларйда улар бирон шаҳарнинг тарихини ёзганлар, лекин улар бу тарихни афсоналар билан аралаш-

тириб юборганлар, чунки афсоналарни тарихий воқеа деб ишонганлар.

Догограф Гекатей Милетий (эрамиздан аввалги VI асрнинг иккинчи ярми — V асрнинг бошлари) ўзининг ер тасвиротида Грециянинг биринчи географик картасини чизиб берган. Афсуски, Гекатей Милетий асарларидан кичик-кичик парчаларгина қолган.

Эрамиздан аввалги V асрда чинакам тарихий асар яратган ҳақиқий тарихчи Геродот (эрамиздан аввалги 484—425 йиллар) яшаган, уни «тарихнинг отаси» деб атайдилар. У асли Кичик Осиёнинг гарбий соҳили жанубида жойлашган Галикарнасс шаҳридан келиб чиққан. Геродот кўп саёҳат қилган: Урта денгиздан то Элефантинагача бутун Мисрни айланиб чиққан, Эгей денгизидан тортиб то Эрон пойтахти Сузга қадар «шоҳ йўли» деб аталган йўлни босиб ўтган. У Шимолий Қора денгиз бўйларидаги даштларда ҳам бўлган, грек маърифатчилигининг маркази Афинада яшаган.

Геродот ёзган тарихнинг асосий мавзуи Греция-Эрон урушлари эди. Лекин унинг тарихи фақат уруш ҳаракатлари тасвирига қараганда анча кенгроқдир. Геродот асосий мавзуга кириш тариқасида Эрон давлати составига кирган мамлакатларни тасвирлаган ва Грециянинг ундан олдинги тарихини қисқача баён қилган.

Геродотнинг асари Греция-Эрон урушлари, архаик ва классик Греция, Скифия ва бутун Олдинги Шарқ тарихига оид муҳим манбадир. Баъзи мамлакатлар, масалан Лидия, фақат Геродот томонидан тасвирлаб ёзилган бўлиб, улар ҳақида биз деярли бошқа ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Геродотнинг тарихи догографларнинг асарларидан аввало шу билан фарқ қиладики, Геродот гарчи ибтидоий тарзда бўлсада, тарихий концепцияга (назарий қарашларга) эгалдир. Унинг тасавурича, тарихда ҳамма нарса худоларга ва тақдирга боғлиқ. Грекларнинг эронликлар устидан қозонган галабасини ҳам у худонинг иродасига боғлаб изоҳлайди. У ишончли фактларни беришга ҳаракат қилади, фақат ўз кўзи билан кўрган воқеаларни комил ишонч билан ёзади, лекин шу билан бирга бошқаларнинг унга айтганларини ҳам баён қилиб ўтади. У «Мен одамларнинг айтганларини ёзишга мажбурман, аммо ҳаммасига ишонишга мажбур эмасман»... деб ёзади. Шу тариқа унда тарихий манбаларга танқидий қараш бошланади.

Пелопоннес урушига бағишланган тарихнинг автори ва замондоши Фукидид (эрамиздан аввалги 460—359 йиллар) Геродотдан атиги йигирма тўрт ёш кичик эди. Лекин шундай бўлса ҳам у бошқа замон ва бошқа дунёқараш кишиси эди.

Фукидиднинг тарихи антик дунёнинг энг зўр тарихий асарларидан биридир. Бу тарих ўз тузилиши жиҳатидан, турли фактларнинг сабаблари ва натижаларини чуқур анализ қилиш жи-

ҳатидан ҳамда ўз тасвиротининг аниқлиги жиҳатидан жуда ажойибдир.

Фукидид биринчи бўлиб тарихни панд-насиҳат қилувчи фан деб ҳисоблаган эди. У ёзган эдики, тарихнинг мақсади, илгари ўйлаганларидек, ўтмиш ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб беришдан иборат эмасдир, унинг мақсади — воқеаларни ҳаққоний тасвирлаб беришдан иборат, токи авлодлар ундан фойда чиқара олсинлар. У ёзган эдики, бирон-бир аҳамиятсиз тарихий фактни тўғри ва оддийгина баён қилиш уни турли уйдирмалар билан безаб-бежашдан кўра хийла яхшироқдир.

Бу фикрлар, шубҳасиз, тарих фанида ўша замон учун прогрессив фикрлардир.

Фукидиднинг хизмати яна шундан ҳам иборатки, у ўз тарихида фақат ўз кўзи билан кўрган-билган кишиларнинг шаҳодатидангина фойдаланиб қолмасдан, шу билан бирга ҳужжатли манбалар — шартномалар ва ҳар хил обидаларга ёзилган ёзувлардан ҳам фойдаланган. Шу тариқа у биринчи бўлиб тарих соҳасига объектив манбаларни дохил қилган.

Фукидид тарихи ўша даврнинг илмий асаридир. У жиддий хронологик тарзда ёзилган, унда у ёки бошқа воқеаларнинг сабаб ва натижалари манбаларга асосланган ҳолда баён қилиб берилади. Фукидид тарихий тараққиётни турли хилдаги кишилар ва гуруҳлар манфаатларининг кураши натижаси деб қараган. Унинг тарихининг биринчи, муқаддима китобида энг қадим замонлардан бошлаб Греция тарихи қисқача баён қилинади.

Эрамиздан аввалги IV асрда тарихчи Ксенофонт (эрамиздан бурун 430—355 йиллар) шухрат қозонди. Унинг асарлари Геродот ва Фукидид асарларидан ўзининг очиқ сиёсий манфаатдорлиги билан фарқ қилади, лекин унинг асарлари Грециянинг эрамиздан аввалги IV асрдаги тарихи учун муҳим манбадир. Ксенофонт 120 дан ошиқ асар ёзган. Меҳнатсеварлиги учун унга «аттика асалариси» деб лақаб қўйилган.

Ксенофонтнинг асосий асарлари — грек давлатларининг тарихи бўлиб, улар «Эленика», «Анабасис», «Хўжалик ҳақида» трактат ва «Лакедемон политияси»дан иборат. Биринчи асарида у Фукидиднинг Пелопоннес уруши ҳақидаги тарихини эрамиздан аввалги 404 йилга етказиб тамомлаган ва сўнгра Греция тарихини ёзишни давом эттирган. «Анабасис» асарида у эрамиздан аввалги 401 йилда 10 000 грекнинг Эронга қилган юришини тасвирлаган. Ксенофонт эрамиздан аввалги IV асрнинг биринчи ярмида грек дунёсининг қимматли тасвирини чизиб беради ҳамда грекларнинг юриши вақтидаги Кичик Осиёни тасвирлаб кўрсатади.

«Хўжалик ҳақида»ги трактатида у эрамиздан аввалги IV асрда Грециянинг экономикасига оид муҳим фактларни ёритиб беради.

«Лакедемон политияси» асарида у Спартанинг консерватив аристократик тузумини идеаллаштиради.

Ксенофонт дунёқарашининг реакцион белгилари бор эди: у Эроннинг монархик тузумига, Спартанинг аристократик тартибларига хайрихоҳлик билан қарарди. Спарта эса ўша вақтда тезлик билан инқирозга юз тута бошлаган эди. Бу ҳол Ксенофонтни Греция тарихининг баъзи воқеаларини гаразли суратда баён қилишга олиб келди.

Эрамиздан аввалги IV асрда файласуф Аристотелнинг (эрамиздан аввалги 384—322 йиллар) «Афина политияси» номли тарихий асари ғоят муҳим асардир.

Аристотель умуман давлат ҳақида катта, асосли асар — полития тайёрлар экан, ўша даврдаги барча грек давлатларининг ва баъзи бошқа давлатларнинг сиёсий тузилишини ўрганишга қарор қилган. У шогирдлари билан бирга 158 полития ёзган, яъни айрим давлатларнинг сиёсий тузилишини тасвирлаб кўрсатган. Бизнинг давримизгача фақат «Афина политияси» етиб келган. Бу асар Мисрда ўтказилган археологик қазиншлар вақтида грек папирусларидан бирга ёзилган ҳолда топилган. Бу асар илк бор XIX аср охирида нашр этилган.

«Афина политияси» икки асосий қисмга бўлинади. Биринчи қисмда эрамиздан аввалги VII асрдан бошлаб Афина тарихи берилади, иккинчи қисмда Афина давлатини бошқариш обзори берилиб, Афинада қандай муассасалар ишлаганлиги, сайловлар қандай ўтганлиги ва ҳ. к. кўрсатилади.

«Афина политияси» эрамиздан аввалги V ва IV асрлардаги Афина демократиясининг тарихига ҳамда архаик даврдаги Афина тарихига оид муҳим манбадир.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида машҳур тарихчи Эфор яшаган. У Грециянинг умумий тарихини ёзган. Унинг асари яхлит ҳолида сақланиб қолмаган, фақат бошқа авторларнинг асарларида келтирилган нақллар ҳолида айрим парчаларгина сақланиб қолган. Эфор дорийларнинг бостириб киришидан бошлаб Грециянинг бутун тарихини тасвирлаган. Шу билан бирга унинг асарида фақат Болқон ярим оролидаги шаҳарларгина қаламга олинмай, балки Шарқдаги ва Ўрта денгизнинг ғарбидаги грек мустамлакалари ҳам тасвирлаб кўрсатилган. У услубнинг чиройли ва баённинг қизиқарли бўлиб чиқишига катта аҳамият берган, бу эса унинг тарихининг мазмунига салбий таъсир кўрсатган.

Эрамиздан аввалги II асрда грек тарихчиси Полибий (эрамиздан аввалги 200—120 йиллар) яшаган. Полибий даври Греция учун жуда қайғули бўлган. Бу давр Македония урушлари ва Грециянинг Рим томонидан асоратга солиниши даври эди. Полибий гаров тариқасида Римга юборилган.

Полибий Ўрта денгиз мамлакатларини ўз ичига олган «Умий тарих»ни ёзган, бу тарихдан бизга фақат учдан бир қисмигина етиб келган. Полибий тарихи муҳим тарихий манбадир. Полибий воқеаларни чуқур ўрганган, ҳодисаларнинг сабабли алоқасини аниқлаган ва ўз тасвиротини аниқ-равшан қилиб ёз-

ган. У Рим Урта денгизни забт этган даврни, эллинистик давлатларнинг Рим билан курашини акс эттирган.

Полибий тарихи эллинистик Греция, Македония, шарқий эллинистик давлатлар учун ҳамда Рим тарихи учун манбадир, чунки унда эллинистик давлатларнинг ички ҳолати ва Рим билан кураши тасвирлаб кўрсатилган.

Полибий ҳар бир давлатнинг тарихини якка ҳолда эмас, балки бошқа давлатлар билан ўзаро алоқадор ҳолда ўрғанмоқ керак, деб ҳисоблаган. У таъкидлаб кўрсатганки, мен умумий тарихни ёзаётиман, бу кишиларнинг фаолият натижасида ривож топган прагматик (амалий) тарихдир, менинг мақсадим— Римнинг нисбатан тез фурсатда эллинистик мамлакатларнинг кўп қисмини забт этишининг сабабини аниқлашдир. Келиб чиқиши ва дунёқараши жиҳатидан Полибий аристократ бўлган.

Эраимиздан аввалги Т яс^на^у^^е^Ш^Ш^^итлици (эраимиздан оурунЭБ—21 йиллар^ГяШаган. У Сицилиядатуўйлан ва ҳаётининг кўп ^P1^миш^"иу ерда~уГЙазган. ДирДор жаҳон тари-/ хига оид катта ^асдр =- крнх компйл^Ц^"- р.аиб^ниГ<£Г^ихии^ ку-^туЗ^ШЕгат^ео ахагай."Афсуски^Диддоф^^еди^й асар^ипинг кўп %&£)Ф|^ к.одган_қдшЗ?§^СЖаI|.уКатта ^имммз^-а^гдТ5(р^^~

~Езувчи Плутархнинг эрамйз I асрининг иккинчи ярмига^-Н асрнинг бошлариға оид асарлари Греция тарихи бўйичалхам, Рим тарихи бўйича ҳам жуда аҳамиятлидир;

Плутарх (эраимизнинг 46—126 йилларй) Грециянинг Херо-«ея шаҳрида туғилган, бу вақтда Греция Римнинг бир «йлояти эди. Плутарх Афйнада жуда ажойиб маълумот олғач.-сўнгра ўз ватанига қайтган ва ўмрининг охиригача ўша ерда йстнқомат қилган. "

Унинг асарларидан «Кйёсий биографиялар» айниқса-машхур бўлиб, бу асарларида у, аввал, бйрор машхур^грек арбобининг биографиясини, сўнгра унга ўхшаш Рим арбобининг биографиясини ёзган. Охирида мазкур шахсларни бир-^бирига таққрслаб кўрган ва уларнинг ўхшашлиги^ва тафовути хақида •сўзлаган.^)Кйдий сўратда айтганда у ёзгантаржймаи Холлар , тарих эмасдир, Ҳаттб унинг ўзи Хам бйр неча марта, мей тарихчи эмасман дёган, лекин айна вақтда^Плутарх атокли давлат арбобларининг ҳаёти ва фаолиятини тасвирлаб ёзар экан, воқеаларни, сиёсий таърифларни тилга рммасдан Ъ ўтиши мумкин эмас эди. Унинг асарларй яиа. шунингўчун ҳам беназир тарихий манбадан иборатдйрки, у ҳам Диодор сингари, бирграфияларда қадимги авторларнинг бизгача етиб кёлМагай асарларидан фойдаланган.

Машхўр тарихчйларнинг асарларидан ташқари баъзцтарихий асарлар ҳам сақланиб қолганки, уларнинг авторярай маълум эмасдйр. <<Псевдо-;КсенОфонт политияси» дёган -асар> ҳам шулар жумлаеяга кирадй. Бу асарни ким ёзганлиги аниқ маълум эмас. Аёвалларй уни Ксенофонт ёзган; дёб ўйлағайлару шу-

«инг учун ҳам уни «Ксенофонт политияси» деб атаганлар- Аммо энди маълумки, бу асарни Ксенофонт ёзиши мумкин эмас эди.

«Псевдо-Ксенофонт политияси»—Афина кулдорлик демократ[^]яси тузумининг танқидий таҳлилидан иборат. «Полития» атери Афина демократиясининг муҳолифидир. Умазкур демократияни аристократ ёки олигарх нуктаи назаридан танқид қилади. Шундай бўлса-да у Афина давлатининг бир қатор қоронғу томонларини, масалан, унинг ўз иттифоқчиларига муносабатини батамом ҳаққоний суратда кўрсатиб ўтади. Псевдо-Ксенофонтнинг асари Афина воқелигини ўрганиш материали сифатида жуда қимматлидир.

Ћомернинг «Илиада» ва «Одиссея» ; дostonлари тарихий манба сифатида айниқса катта ахамиятга эгадир. Ҳозирги вақтга қадар бу дostonлар энг қадимги Греция тарихи юзасидан деярли бирдан-бир йирик адабий манбадир. Гарчи бу дostonлар эрамиздан аввалги VIII аср бошларида ёзилган бўлса ҳамки, уларда анча илгари вақтда бўлган воқеалар баён қилинган, эрамиздан аввалги XI—IX асрлар давридаги Грециянинг экономикаси, ижтимоий уюшмаси ва идеологияси тасвирланган. Ҳозирги Вақтда биз энг қадимги давр тарихи юзасидан кўпгина археологик ёдгорликларга эгамиз, лекин бу билан тарихий манба сифатида Гомер дostonларининг қиммати: асло пасаймайди.

Қадимги Греция тарихининг илк архаик даври, социал-иқтисодий муносабатлари ва идеологияси Гесиоднинг «Меҳнатлар ва кунлар» ҳамда «Теогония» (худоларнинг шажараси) дostonларида акс эттирилган. Лирик шоирларнинг (Архилох, Алкей, Сафо, Солон, Феогнид, Пиндар ва кўпгина бошқа шоирларнинг) асарлари — архаик даврдан бошлаб Греция тарихи юзасидан муҳим манбалардир. Афинанинг буюк трагик шоирлари Эсхил, Софокл ва Еврипиднинг асарлари тарихий манбалар сифатида Шассик давр учун жудамуҳимдир. Бу шоирлар кўпинча мифологик сюжетлар асосида ёзилган ўз трагедияларида Грециянинг қлаесий даврдаги мураккаб ижтимоий ва сиёсий ҳаётини акс эттирганлар. Аристофан комедияларида эрамиздан "аввалги V асрнинг охири ва IV асрнинг бошларида Атиқанинг сиёсий ҳаёти ва майший; турмушининг порлоқ манзараси ўз аксини топган.

Нотикларнинг нутқлари тарихий манбалар сифатида жуда катта қимматга эга. Бу нутқларнинг муҳим ижобий хусусияти шуки, улар бизни ўзларига замондош бўлган воқеалар ғужғанитабево Сита олиб кириб, кўпинча бевосита «қундалик воқеалар» ни акс эттиради. Нутқлар мазмунининг еалбий хислати шуки, улар" ниҳоятда қизикқонлидир. Бу нутқлар суд мурофаасига ва сиёсатга оид нутқлар эди. Лисийнинг (эрамиздан аввалги асрнинг бошлари) суд мурофааларида еўзлаган нутқлари жуда муҳимдир, бу нутқларда савдо-сотик айниқса ғалла савдоси тавеифланади ва ўша замондаги савдоғарларнинг фаолият

• Тасвирланади. "ч" "»/»" •

Демосфеннинг (эрамиздан аввалги 384—322 йиллар): суд

муурофаасига ва сиёсатга доир нутклари Афина давлатининг экономикаси Ни ҳамда Шимолий Қора денгиз бўйларидаги сиёсий воқеаларни тавсифлайди, уларда савдо-сотик ҳақида, четдан келтирилган ва четга чиқарилган буюмлар ҳақида, қулдорлик ва қуллар ишлайдиган устaxonалар ва шу кабилар ҳақида маълумотлар брр.

Экономикани ўрганиш учун Лисий ва Демосфеннинг нутклари тенги топилмайдиган манбалардир. ,

Антик географларнинг асарлари жуда қимматли манбадир. Эрамиздан аввалги I асрнинг иккинчи ярмида-эрамизнинг I асрида яшаган географ Страбон асарларида хусусан тарихга оид кўп маълумотлар бор. У ўзининг «География» асарида турли мамлакатларнинг табиатига оид маълумотлар ҳақидагина сўзлаб қолмасдан, улардаги халқларнинг ҳаёти ва тарихи ҳақида ҳам сўзлайди.

Эрамизнинг II асрида Павсаний «Эллада тавсифи»да қадимги ёдгорликларни ёрқин тасвирлайди ва шу билан бирга турли афсоналарни нақл қилиб, бошқа манбалардан маълум бўлмаган воқеаларни билдиради.

Лойдан ясалган лавҳачаларга, тошларга ва сопол идишларга ўйиб ёзилган ёзувлар, яъни эпиграфик материаллар жуда муҳим манбадир-

Крит оролида ва Греция территориясида, Пилос ва Микенада ўтказилган қазувлар вақтида топилган лавҳачалардаги ёзувлар чизик хат деб аталувчи махсус ёзув билан ёзилган. Бу ёзувларни фақат бизнинг асримизнинг 50 - йилларидагина ўқиш мумкин бўлди. Бу ёзувли лавҳачалар эрамиздан бурунги II минг йилликдаги энг қадимги Грециянинг экономикасига ва ижтимоий муносабатларига оид ўзига хос бир манбадир.

Эрамиздан_аввалг.и.....VIII, аерддн^бошлаб греклар алифбо ишлатишга киришадилар. Бу алифбони ул^фТшитгй^шлардаТ! ўзлаштириб блиб, уни бир мунча қайтадан тузиб чиқаднлар. Худди шу вақтда 24 харфдан иборат грек алфавити яратилади. Рус алифбоси ҳам ана шу алфавитдан келиб чиққан.

Илк грек ёзувлари камдан-кам учрайди. Улардаги харфларнинг чизиклари жуда ҳам ўзгачадир. Грекларнинг буюмлардаги ёзувларининг кўпчилиги классик ёки эллинистик даврга (эрамиздан аввалги V асрдан I асргача бўлган даврга) тааллуқлидир.

Тошларга ва сопол буюмларга ўйиб ёзилган ёзувларни аниқлаш билан эпиграфика фани шуғулланади. Эпиграфикадан ташқари, папируслардаги ёзувларни ўрганадиган фан ҳам бор. Бу фан папирология деб аталади ва уэллинизм давридаги Рим, Византия ва араб ҳукмронлиги бошланиши давридаги грек папирусларини ўрганиш билан шуғулланади. Бу папируслар асосан Миср территориясида топилган. Мисрнинг иклими қуруқдир, шунинг учун ҳам бу папируслар у ердаги қумлар ичида минг йиллар давомида сақланган.

Эллинизм даврига оид папируслар жуда муҳим тарихи манбадир. Бу папируслар — молия ҳисоботларидан, қарз тилхатларидан, хатлардан, давлат қарорларидан, аҳоли ва мол-мулк рўйхатидан буйруқлар ва шу кабилардан иборат. Бундан ташқари, яна шундай папируслар топилганки, уларда бадиий асарлар ва тарихчиларнинг асарлари, масалан, Аристотелнинг «Афина политияси» ёзилган.

Молия ҳужжатлари ҳамда Миср ҳукуматининг қишлоқ хўжалигига тааллуқли буйруқлари эллинизм давридаги Миср экономикасини ўрганиш учун жуда ажойиб манбадир. Миср ҳукуматининг қарорлари, хусусий хатлар ва бошқа ҳужжатлар эллинистик давридаги Мисрнинг сиёсий тузумидан ва турмушидан далолат беради.

Танга-чақалар муҳим тарихий манбадир. Танга-чақаларни ўрганиш Греция тарихи учун ғоят аҳамиятлидир, чунки бу иш жамиятнинг ўша вақтдаги экономикасини очиб беради. Танганинг оғирлиги, металлнинг тозаллиги экономиканинг юксалишини ёки тушқунлигини кўрсатади. Қадимги Грециянинг танга-чака системаларининг турлича бўлиши турли шаҳарлар ва мамлакатлар орасидаги савдо-сотик ва сиёсий алоқаларни кўрсатади. Бирон жойда танга-чақаларнинг топилиши ундаги савдо-сотикдан дарак беради. Бундан ташқари, грек тангасининг ўзи техника ва санъат нуқтаи назаридан жуда қизиқарлидир. Грек тангаларида баъзан шундай ҳайкал ва биноларнинг расми солинганки, бу бино ва ҳайкаллар сақланиб қолмаган. Эллинистик давр подшоларининг тангалардаги суратлари ҳаммадан ишончлироқдир, чунки бу тангаларда уларнинг номи ҳам ёзилган бўлади.

Шундай қилиб, танга-чақаларни ўрганиш — экономика жиҳатдан ҳам, сиёсат жиҳатидан ҳам, маданият ва умуман идеология жиҳатидан ҳам манбадир.

2. Ашевий манбалар. Археологик манбалар Греция тарихини ўрганиш учун ғоят катта роль ўйнайди.¹ Бизнинг давримизга қадар грек биноларининг харобалари сақланиб қолган.

Архитектура ёдгорликлари турлича — қалъа деворларидан, ибодатхоналардан, жамоат биноларидан, уй-жойлардан, бозор иморатлари ва шу кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Археологик ёдгорликлар шу жиҳатдан қимматлики, улар қадим замоннинг қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилиги тўғрисида маълумотлар олишга имкон беради. Ковлаб топилган меҳнат қуроллари, устахоналар ва вино тайёрлаш ишхоналарининг қолдиклари ва шу кабилар ҳам бу жиҳатдан айниқса муҳимдир. Маркс бундай деб ёзган эди: «Иўқ бўлиб кетган ҳайвон турларининг сақланиб қолган суяқларининг тузилиши шу ҳайвонлар гавдасининг тузилишини ўрганиш учун нақадар аҳамиятли бўлса, меҳнат воситаларининг қолдиклари ҳам иўқ бўлиб кетган ижтимоий-иқтисодий формацияларни ўрганиш учун шу қадар аҳамиятлидир. Иқтисодий даврлар бир-биридан йималар ишлаб чиқарилгани билан эмас, балки қандай ишлаб чиқарилган

ни билан, қандай меҳнат воситалари ила ишлаб чиқарилгани билан фарқ қилади. Меҳнат воситалари кигаининг иш кучининг; нақадар ривож топганини ўлчайдиган бир меъёр бўлибгина. қолмай, балки меҳнатнинг қандай ижтимоий муносабатда амалга ошганини ҳам кўреатади»¹.

СССР территориясида (Керчь ва Тамань ярим оролларида), идиш-оёқ ясаладиган устахоналар, пиширилган лойдан ясалган хайкалчалар, қишлоқ хўжалик меҳнат қуроллари, вино тайёрланадиган ишхоналар ва шу қабилар топилган.

XIX ва XX асрларда ўтказилган археологик тадқиқотлар фан учун Греция тарихининг бир қанча даврларини — Энг қадимги* ёки Крит-Микена Грециясини очиб берди. Утган асрнинг 70-йилларига қадар Грециянинг эрампиздан аввалги IX—VIII асрлардан, яъни архаик давр деб аталувчи даврдан бошланадиган тарихи маълум эди. Гомер достонларида тасвирланган воқеалар, ни ҳақиқатда бўлган чин воқеалар деб кўр-кўрона ишонгад; хаваскор археолог Генрих Шлиман қадимги Троя жойлашган, территорияда қазув ўтказа бошлаган. XIX асрнинг 70 - йиллари, да у қадимги Троянинг харобаларини топган, кейинроқ эса у Микена ва Тирингда ҳам қазувлар ўтказган.

Греция тарихининг энг қадимги даврини тадқиқ қилишни инглиз археологи Эванс XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида давом эттирган. Эванс Крит оролида қазувлар ўтказиб, қадимги Крит аҳолисининг эрампиздан аввалги III—II; минг йилликларда мавжуд бўлган жуда ажойиб маданият бойликларини топган.

Асримизнинг 30-йилларидан бошлаб жанубий Грециянинг ғарбида қадимги Пилос шаҳри ўрнида бир сарой қавлаб топилган бўлиб, унда «чйзқкли» хатбилан езилган микен ёзувларининг катта архиви ҳам бўлган.

Архаик ва классик Греция, Афина, Олимпия, Дельфа ва шу қаби районлардаги грек шаҳарлари ва некрополларини қазиб кўриш асосида ўрганилмоқда.

Археологик тадқиқотлар эллинизм даврини қайтадан бунёд қилиш учун жуда кўп ишлар қилди. Қадимги Пергамда уткатилган қазувда айниқса катта ишлар қилинди. Ҳозирги Туркия, нинг Бергама шаҳри ўрнида қадимги Пергамнинг Акрополи ўрганиб чиқилди.

Ушбу асрда Месопотамия территориясида, Греция, Кипр, Италия ва Кичик Осиёнинг турли областларида ҳам катта-катта қазувлар ўтказилди.

Бизнинг Ватанимизнинг жанубида грек шаҳарларини ҳамда қадимги маҳаллий халқларнинг шаҳарлари ва қишлоқларини қазиб ишлари ҳамини олиб борилмоқда.

Ватанимизнинг жануб томонда археологик тадқиқотлар айниқса совет замонида кенг қулоч ёйди. Босфор археологик

экспедицияси Боспор подшолиги территориясида илгари маълум бўлмаган кўп шаҳарларни: Тиритака, Мирмекий, Илурат ва бошқа шаҳарларни қовлаб топди. Шу қазилмалар туфайли Боспор подшолиги тарихини ёзиш мумкин бўлди. Мазкур шаҳарларда: устахоналарнинг, вино тортадиган ишхоналарнинг, балик тузлайдиган ванналарнинг ва меҳнат қуроқларининг қолдиқлари топилдики, булар у ерда антик замонда экономиканинг ривокланганлигидан далолат беради. Ҳозирги Керчь территориясида Боспор подшрлигининг пойтахти Пантикапей ҳам қазилмоқда. Шимолий Кавказ соҳилидаги шаҳарлар: Фанагория, Патрей Го.ргиппия ва Капа шаҳарлари ҳам тадқиқ қилинмоқда.

Фақат соф грек шаҳарларигина ўрганилмасдан, шу билан бирга Маҳаллий халқлар, уларнинг шаҳарлари ва қишлоқлари ҳам ўрганилмоқда.

Сўнги вақтда археологиянинг янги тармоғи — сув ости археологияси ҳам кенг ривож топди. Фанагориянинг ер ости қисми тадқиқ этилди.

йирик меот шаҳри Танаисни тадқиқ қилиш юзасидан кўп ишлар; қилинди. Танаисда ўтказилган қазувлар ҳам Грецияга доир, ҳам маҳаллий халқларга доир жуда муҳим материал берди*.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлар — Греция тарихига ҳамда Греция билан маҳкам алоқада бўлган ва қадимги грек маданиятининг таъсирини бошдан кечирган халқларнинг тарихига оид асосий манбалардан биридир.

.. „...“;

II БОБ

..

ҚАДІМГИ ГРЕЦИЯНИНГ ТАБИАТИ ВА АҲОЛИСИ

Д. Рельефи. Греция Болқон ярим ороли территориясида в\$ Кичик Ос«ёнинг ғарбий соҳилида жойлашган.

Брдқон ярим ороли қирғоқларининг паст-баланд бўлиб кетганлиги натижасида Грецияда ҳеч бир жой йўқки у денгиздай узокда., жойлашган бўлсин. Бу эса денгиз кемачилигини ва балиқчиликни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эди." Болқон ярим оролидан ўтадиган тоғларнинг баландлиги ўр¹ таҷа. Бу тоғлар Македонияда ва Фракияда энг баландликка етади—бу Болқон тоғларидир! Жойнинг рельефи (юзаси) жуда нотеқис, Фақат иккита катта водий — шимолда Пеней дарёси бўйлаб кетган, Фессалия водийси ва жанубда Эврот дарёси бўйлаб кетган Лакония водийси — Болқон ярим оролининг жанубида серҳосил тупроққа.эга бўлган бирдан-бир катта текисликлардир.

2. Денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар. Болқон ярим оролининг Қадимги Греция ишғол қилган жанубий қисми Урта денгиз бўйлаб кетган.

Ярим оролнинг ғарбида Иония денгизи жойлашган. Болқон ярим ороли билан Кичик Осиё ярим ороли ўртасидан Эгей денгизи оқиб ўтади. Бу денгиз гўё унга чўкиб кетган афсонавий подшо Эгей номи билан аталган. Эгей денгизи Пропонтида (ҳозирги Мармар денгизи) билан Геллеспонт (ҳозирги Дарданель) бўғози орқали боғланади.

Мармар денгизи шунинг учун Пропонтида деб аталганки, у ҳақиқий денгиз Понт олдида бўлган. Пропонтидани Эвксин Понти (ҳозирги Қора денгиз) билан Фракия Боспори (ҳозирги Босфор) бўғози боғлайди.

Греklarга жуда илгари замонларда маълум бўлган Қора денгиз Понт, яъни «денгиз» деб аталган. Дарҳақиқат, «денгиз» тушунчаси бошқа ҳеч нима билан Қора денгизчалик боғланмаган, чунки ундаги қаттиқ пўртаналар ва чуқурлик уни шундай деб аташга сабаб бўлган. Қора денгизда кемачилик иши ривожлангач, уни Эвксин Понти, яъни меҳмондўст денгиз деб атай бошлаганлар.

3. Ороллар. Эгей денгизиди Болқон ярим ороли яқинида ҳам, Кичик Осиё яқинида ҳам кўп ороллар бор. Эгей денгизининг шимолида Фракия яқинида Фасос ороли жойлашган. Унинг жануби-шарқий томонида Самофракия ва Имборс ороллари бор. Кичик Осиё соҳили бўйлаб Спорада ороллари деб аталувчи қатор ороллар чўзилиб кетган. Бу тўдага Лесбос, Хиос, Самос ва Родос каби катта ороллар киради.

Болқон ярим оролидан тортиб, то Кичик Осиёга қадар ҳам Киклада («кикλος» — «доира» демакдир) ороллари деб аталувчи катта бир тўда ороллар қаторлашиб кетган. Бу ороллар жуда кўп, улардан бирин-кетин сузиб ўтиб осонгина Болқон ярим оролидан Кичик Осиёга бориш мумкин. Улардан энг асосийлари Парос, Кеос ҳамда Греция тарихида катта роль ўйнаган Делос ва бошқа ороллардир.

Болқон ярим оролининг жануб томонидан Кифера ороли жойлашган. Аттиканинг шимолий шарқий соҳилида энг катта орол бўлиб, бу орол материк Грецияси билан маҳкам боғланган Эвбея эди.

Грециянинг ғарбида Закинф, Кефалления, Итака (афсонавий Одиссейнинг ватани) ва Керкира каби анчагина катта ороллар бор. Болқон Грециясининг шимолида Халкидика ва Болқон ярим оролининг жанубий қисмида Пелопоннес деган йirik ярим ороллар жойлашган.

Эгей денгизининг шимол томонида Фракия жойлашган эди. Фракиянинг ғарб томонида бориш қийин бўлган Македония бўлиб, Адриатика денгизининг шарқий соҳилида эса қояли ёввойи мамлакат Иллирия жойлашган эди.

4. Иқлими. Грециянинг иқлими субтропик қуруқ иқлимдир. Денгиз яқин бўлганлиги учун ёзда у ерда унчалик иссиқ бўлмайди. Қиши майин илиқ, серёмғир. Қиш икки-уч ой давом этади.

Грециянинг табий шароити гарчи инсоннинг хўжалик фаолияти учун тўла мувофиқ бўлмаса-да, лекин ҳар ҳолда бирор хилдаги қишлоқ хўжалик ишлари ва бошқа касб-қор билан шугулланиш учун маълум даражада имконият берарди. Қирғоқларнинг паст-баландлиги, Кичик Осиёга ҳатто солда ёки қайиқда бориш осонлиги денгиз кемачилиги ва савдо-сотиқнинг жуда барвақт ривожланишига имкон берди. Бунинг устига денгизнинг яқинлиги балиқчилик билан шугулланишга имконият турдирди. Шунинг учун ҳам балиқ қадимги грекларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири эди.

Грецияда деҳқончилик асосан узумчилик ва боғдорчилик формасида ривож топди, чунки фақат икки водийдагина дон экини билан муваффақиятли шугулланиш мумкин эди. Боғдорчилик ва узумчилик биринчи даражада зарур бўлган маҳсулотларни — ўсимлик мойи ва вино берарди. Винога сув қўшилиб ичиларди ва бу грекларнинг асосий ичимлиги эди.

Турли хилдаги рудаларнинг мўллиги Грецияда металлургия ишлаб чиқаришининг жуда ривожланиб кетишига сабаб бўлди.

5. Минерал бойликлар. Греция қазилма рудаларга бой эди. Асл Грециянинг шимол томонида — Фракияда бой олтин конлари бор эди. Атикада ва Урта Грецияда машҳур кумуш-қўрғошин конлари мавжуд эди. Мис Эвбея оролидан ва Халкидика ярим оролидан («халкос» — «мис» демакдир) қазиб олинарди. Темир Лакония ва Пелопоннес территориясидан қазиб чиқариларди.

Греция бинокорлик материалларига, асосан оҳактош ва мрамарга бойдир. Хусусан Парос оролидан яхши мрамар қазиб олинарди. Парос мрамари ўзининг пиҳоятда оппоқлиги билан шуҳрат қозонган эди. Атикада ҳам оқ мрамар қазиб чиқариларди. Лекин бу мрамарнинг сифати Парос мрамаридан паст эди.

Мрамар денгизида ва Эгей денгизининг оролларида турли рангдаги — кул ранг, қора, зангори, пушти ва ҳоказо чизиқлари бўлган мрамар қазиб чиқариларди. Мрамар қадим замондан грек иморатларига ишлатиларди. У қиммат эмас эди. Шунинг учун уни фақат ҳайкаллар ва безаклар ясаш учунгина ишлатмасдан, бинолар қуриш учун ҳам ишлатардилар. Грек ибодатхоналари ва бошқа жамоат бинолари оҳактош ва мрамардан қурилар ёки мазкур биноларнинг деворлари шулар билан қопланарди.

6. Грециянинг областлари. Асли маънодаги Греция Фракия ва Македониянинг жануб томонида жойлашган эди. Греция уч қисмга: Шимолий Греция, Урта Греция ва Жанубий Греция ёки Пелопоннесга бўлинган эди. Грециянинг областлари тоғ тизмалари билан ажралиб турарди.

Шимолий Грецияда икки область: ғарбда йирик тоғли жойдан иборат Эпир области ва унинг шарқда катта ҳосилдор водийга эга Фессалия области бор эди.

Шимолий Грециядан Урта Греция баланд тизма тоғ билан

ажралган бўлиб, бу тоғдан Эгей денгизининг соҳил нишабидagi Фермопилия дараси орқали Утилар эди.

Урта Греция: Акарнания, Этолия, Фокида, Дорида, Опунт Локрида, Озоль Локрида, Беотия, Аттика ва Эвбея ороли областларига бўлинган эди. Булардан энг катталари Аттика ва Беотия областлари эди.

Пелопоннес Урта Греция билан торгина Истм бўйни орқали боғланарди. Жанубий Греция областлари: Ахайя, Элида, Аркадия, Коринф, Арголида, Лакония ва Мессения областларидир.

Бу областлардан баъзилари, масалан, Аттика, Лакония областлари, Греция тарихида жуда катта роль уйнаганлар. Бошқа областлар — Ахайя, Аркадия областлари — эса қишлоқ хўжалик районлари бўлиб қолган.

1. Аҳолиси. Болқон ярим оролининг жанубидаги ва унга туташадиган ороллардаги қадимги аҳоли ҳақида ҳали ҳозиргача етарли аниқ маълумотлар йўқ. Гомер достонларида ва грек тарихчиларининг асарларида сақланиб қолган ривоятларга кўра, мазкур районлардаги энг қадимги аҳоли орасида энг салмоқли қабилалар пеласлар бўлган. Лекин келиб чиқиши жиҳатидан уларнинг кимлиги равшан эмас. Геродот уларни грекларнинг қариндошлари деб ҳисоблаган. Критликларни энг қадимги орол қабилаларидан деб аташ мумкин, аммо уларнинг ҳам қайси этник гурӯҳга мансублиги ҳозирча номаълум. Эрамиздан аввалги III миңг йиллик охирида, археологик ёдгорликларга кўра, биз Болқон ярим оролининг жанубида энг қадимги грек қабилалари ахайяликлар билан учрашамиз. Бу қабилалар эрамиздан бурунги II миңг йиллик мобайнида синфий тузилиш процессларини бошдан кечирганлар. Эрамиздан аввалги XII асрда грек дорий қабилаларининг Болқон ярим оролининг жанубига кўчиши бошланган. Бу қабилалар илк синфий ахайя давлатларини тор-мор келтирганлар ва натижада қабилаларнинг янгидан бир жойдан иккинчи жойга кўчиши бошланган.


Эрамиздан аввалги I миңг йилликда қадимги грек қабилалари қуйидагича таркиб топиб, жойлашган: Грециянинг шимолида — Фессалияда ва Урта Грецияда — Беотияда эолияликлар истикомат қилганлар, худди шу қабилалар Эгей денгизининг шимолий қисмидаги оролларни, шу жумладан Лесбос оролини ҳамда Кичик Осиёнинг шимолий ғарбий соҳилини ишғол қилганлар. Урта Грециянинг шарқий қисмидаги Аттикани, Эвбея оролини, Эгей денгизининг марказий қисмидаги оролларни ионийлар ишғол қилганлар. Ахайяликлар Пелопоннеснинг шимолида ва марказида — Ахайяда ва Аркадияда сақлашиб қолганлар. Пелопоннеснинг қолган қисмида — Лакония, Мессения, Арголида, Коринф области ва Элидада дорийлар яшаганлар. Худди шу дорийлар Эгей денгизининг жанубидаги оролларда — Родосда, Критда ҳамда Кичик Осиё соҳилининг жанубий қисмида жойлашиб олганлар.

Греklar узоқ вақтгача умумий бир тилга эга бўлмаганлар ва кўндан-кўп шева — диалектларда сўзлаганлар, бу диалектлар кўпчиликка баб-баравар тушунарли бўлган. Улар орасидан уч асосий диалектни: ионий, эолий, дорий диалектларини ажратиб кўрсатмоқ керак. Ионий диалектидан афиналиклар сўзлаган аттика шеvasини фарқ қилиб қарамоқ керак. Ҳамма диалектлар адабий тил даражасига етганлар. Масалан, Геродот ионий диалектида ёзган, Фукидид ўз асарларини аттика шеvasида ёзган, ажойиб шоира Сафо ўз шеърларини эолий шеvasида яратган, Пиндар ўз гимнларини дорийча диалектда ёзган ва ҳоказо. Умумий грек койне («умумий») тили фақат эллинизм даврида таркиб топган.

Ш Б О В

ЭНГ ҚАДИМГИ ЭГЕЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ

1. Археологиянинг муваффақиятлари. Сўнги ўн йилликлар мобайнида ўтказилган қазувлар Болқон ярим оролининг жануби инсон яшаган энг қадимги масканлардан бири эканлигини кўрсатди. Бу ерда палеолит давридаёқ одамлар яшаган. Қазувлар эраמידан бурунги VI минг йилликдан бошлаб неолит дав-



Қадимги Троя.

ри бўлганлигини қайд этганлар. Неолит даврининг энг бошидан яшаш учун қулай оролар, энг аввал Крит ороли ишғол қилинган. Афтидан, эрамиздан бурунги V минг йилликдаёқ Критга Кичик Осиёдан кўчманчилар сузиб келишган бўлса керак. Кичик Осиёниқига ўхшаш бўлган археологик қолдиқлар ва қадимги грек афсоналарининг баъзи маълумотлари шунни кўрсатади.

Кейинчалик Крит аҳолиси ўз социал-иқтисодий тараққиётида Эгей дунёсининг бошқа районларидан ўтиб кетдилар.

Критни археологик ўрганишни XIX асрнинг 90-йилларидан Артур Эванс бошлади ва бу ўрганиш натижасида Критнинг энг қадимги тарихини тиклаш мумкин бўлди. 1900 йилдан бошлаб Артур Эванс қадимги Кноссни — энг қадимги Крит ҳокими Миноснинг грек афсоналарида шон-шухратга кўмилган пойтахтини системали суратда қазिशга киришди. Бошқа экспедициялар ҳам А. Эванс билан бир вақтда системали қазувлар ўтказдилар, Критнинг турли районларида археологик қазувлар ҳозирга қадар ҳам давом этмоқда.

Болқон ярим ороли жанубининг ва Кичик Осиё Эгей соҳилининг қадимги тарихини археологик тадқиқ қилиш Г. Шлиманнинг ташаббуси туфайли илгарироқ бошланган эди. 1870 йилда Г. Шлиман Туркия территориясида, Кичик Осиёнинг шимолигарбий қисмида, Ҳиссорлик тепасида дастлабки қазув ишларини бошлади. Г. Шлиман «Илиада»нинг тасвиротиға амал қилиб, мазкур тепа остида Гомер ҳикоя қилган Троянинг харобалари бўлиши керак, деб ўйлаган эди. У 1870 йилдан 1890 йилгача, орада баъзан танафуслар қилиб, Ҳиссорлик тепасида махсус қазувлар ўтказди ва натижада фақат Троянинг ўрнашган жойинигина топиб қолмасдан, балки шу билан бирга Эгей денгизининг энг қадимги маданиятиға оид жуда муҳим манбани ҳам топдики, буни у ҳатто хаёлиға ҳам келтирмаган эди. Бироқ Г. Шлиман қадимги Троя жойлашган ўринни топаркан, Троянинг харобалари жойлашган археологик қатламни аниқлашда адашган. У шунни ҳисобға олмаганки, эски шаҳар харобалари ўстида янги шаҳар қурилганда тепанинг янги қурувчилари одатда майдонни текислаганлар ва эски иморат қатламининг қолдиқларини қисман йўқ қилиб юборганлар. Шу сабабли Шлимандан кейин тадқиқот ўтказган олимлар авлоди тепанинг нишабларини қазиб кўришға алоҳида эътибор берганлар ва Гомер ҳикоя қилган Троянинг археологик қатлами ўрнини аниқлаб олганлар. Троя II қатламда эмас, балки VII А. қатламда экан.

Г. Шлиман Болқон Грециясида ҳам моддий маданиятнинг энг қадимги ёдгорликларини қазिशға асос солган эди. Турли вақтда (1874 йилдан 1885 йилгача) у Микенада, Орхоменда ва Тиринфда қазув ўтказди. Ушандан оуен ҳозирги кунға қадар турли мамлакатларнинг археологлари кучлари билан мазкур районларда ҳам, бир қанча бошқа районларда ҳам қазув ишлари давом эттирилмоқда.

Археологиянинг кашфиётлари туфайли олимлар қадимги грек афсоналарининг эртак қатламлари замиридан ҳақиқий тарихнинг тобора кўпроқ доналарини топиб олдилар ва топиб олмақдалар. Шундай қилиб, янги археологик материал асосида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «ўтмишдаги воқелик мифологиянинг фантастик образлари инъикосида намоён булади»¹ деган умумий хулосалари тасдиқланди.

Эгей маданияти ёлгорликларининг дастлабки археологик кашфиётлари Микена ва Критда қилинганлиги сабабли бу даврни кўп ҳолларда крит-микена даври деб атайдилар.

2. Крит-микена ёзувларини аниқлаш ишлари. А. Эванс XX асрнинг бошларидаёқ Кноссада ўтказилган қазувлар вақтида лойдан ясалган ва устига номаълум ёзувлар ёзилган лавҳачаларни топган эди. Кейин Критнинг бошқа жойларидан ҳам шу хилдаги лавҳачалардан оз-моз топилган эди. Шу билан бирга пиктографик ва иероглифик тасвирлар чизилган муҳрлар ҳам топилган эди. Фестда эса пиширилган лойдан ясалган кичкина бир диск топилиб, унинг устига ҳар икки томондан спиралсимон айлана шаклида пиктографик белгилар чизилган эди. Топилмаларнинг шароитига қараганда, пиктографлар ва иероглифлар Критда эрамыздан аввалги III ва II минг йилликлар орасидаёқ пайдо бўлган, деб айтиш мумкин. Улар асосида тахминан эрамыздан аввалги XVII асрда, бўғин чизиқли хат системаси пайдо бўлган.

Бу ёзув ундан кейинги асрларда ҳам мавжуд бўлиб келди. Эрамыздан аввалги XV асрдан бошлаб бу ёзувни аста-секин белгиларининг сони камроқ бўлган бошқа бўғинли ёзув суриб чиқарган. Бу ёзувларни ўргана бошлаган А. Эванс, қадимийроқ крит ёзувини А. чизиқли хат, кейинроқ қўлланилган ёзувини Б. чизиқли хат деб атаган. У мазкур хатларни аниқлаб олишга уринган, ammo фақат рақамларни ва ҳисоб системасини аниқлай олган холос. Бу система ўнликдан иборат экан.

1939 йилда К. Куруниотис ва К. Блеген раҳбарлигидаги грек-америка экспедицияси қадимги Пилос районида Пелопоннеснинг ғарбий соҳили яқинида крит-микена даврига оид бўлган ва Нестор саройи деб аталган бинони топган. Бу бинодан ўшанда пишиқ лойдан ясалган 600 дан ошиқ лавҳача топилган, лавҳачаларда. Б. чизиқли хат ёзуви бўлган ва улар эрамыздан аввалги XIII—XII асрларга тааллуқли бўлган. Ундан кейинги йилларда ҳам Пилосда Б. чизиқли хатлар ёзилган яна кўп лавҳачалар топилган. Бундан ташқари, бундай лавҳачаларни Микена, Тиринф ва бошқа жойлардан ҳам топганлар.

Б. чизиқли хатлар ёзилган бундай лавҳачалар ҳозирги вақтда бир неча мингги ташкил этади. Лекин олимларнинг бу лавҳачаларнинг тили грекча эмас, деган фикри мазкур Б. чизиқли хатни аниқлашга халақит бериб келди. Бир қанча олимлар бу номаъ-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 21-том, 103-бет.

лум тилни аниқлашга "уриндилар. Улар орасидан америкалик тадқиқотчи аёл А. Кобернинг асарларини ажратиб кўрсатмоқ керак. А. Кобер фақат охири тугамалари билан бир-биридан фарқ қиладиган сўзлардан жадваллар тузган ва сон белгиларидан ҳамда чизикли ёзувда бўғинли белгилар билан бир қаторда ишлатилган изоҳловчи тасвирлар (идеограммалар) дан фойдаланиб, мужской ва женский род отларининг, бирлик ва кўпликларнинг келишик тугамаларини аниқлаб чиққан. Лекин сўзларнинг қандай ўқилишини у аниқлай олмаган.

Атоқли болгар лингвисти В. Георгиев мазкур хат грек тилига яқинроқ бўлган миной тилида ёзилган, деган фаразга асосланиб уни аниқлашга уринган. У Б. чизикли хатнинг 12 бўғинли белгисининг маъносини тўғри аниқлашга ва шу белгилар билан ёзилган бир неча грек сўзларини ўқишга муваффақ бўлган. ЁШ инглиз архитектори Майкл Вентрисўзсалафларининг асарларини ўрганиб чиққач, 1952—1953 йилларда Б. чизикли хатнинг ёзувини аниқлаган.

У 14 ёшидан бошлаб Эгей маданиятига қизиққан ва чизикли хатнинг белгиларини ва кўшилишини ўрганган. Бир қанча мулохазаларга асосланиб, Вентрис бу ёзувларнинг тили қадимги грек тилидир, деб тўғри фараз қилган.

М. Вентрис чизикли хатни аниқлаш ва ўрганишни янада давом эттириш мақсадида бу ишга классик-филолог Ж. Чедвикни жалб этган. Вентрис 1956 йилда автомобиль ҳалокатида учраб фожиали ҳалок бўлганига қадар у билан бирга муваффақиятли ишлаган.

Совет тарих-филология фанида қадимги грек Б. чизикли хатига оид ёзувни ва тилини М. Вентрис методига асосланиб тадқиқ қилиш соҳасида С. Я. Лурьенинг хизмати айниқса каттадир.

Эгей соҳилида ва оролларда яшаган аҳоли ҳақида тахминан уларга замондош бўлган хетт ёзувларида муҳим материаллар бор. Хетт ёзувлари хеттларнинг ғарбий кўшниси бўлган кучли Ахиява давлати ҳақида маълумотлар беради. Гомер дostonларида ва умуман грек афсоналарида аҳайяликлар энг қадимги ва кучли грек қабилаларидан бири деб тилга олинган. Миср манбалари Нил ҳавзасига ҳужум қилган «денгиз халқлари» қаторида аҳайяликларни ҳам кўрсатиб ўтадилар. Шу сабабли Б. чизикли хат ёзувларига оид энг қадимги грек тилини одатда аҳайя тили деб атайдилар.

3. Эрамиздан аввалги III—II минг йилликларда Крит. Миср манбаларида Миср билан Крит ўртасида энг қадимий алоқалар борлиги қайд этилган. Бир қанча миср буюмлари Критда топилган бўлиб, бир қанча крит буюмлари, шунингдек критликларнинг тасвирлари Мисрда топилган. А. Эванс аниқлаган қатламлар ичидан Критда маҳаллий ёдгорликлар орасида ётган ва аниқ саналар қўйилган миср буюмлари топилди ва, аксинча, Мисрда маҳаллий яъни миср буюмлари орасидан крит буюмлари топилди. Ана шу материал асосида (асосан сопол идишлар-

даги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда) А. Эвансэнгқадимги Крит тарихини археологик жиҳатдан даврларга бўлишни ишлаб чиқди ва бунга Миср тарихининг Қадимги, Урта ва Янги пошлоқларга бўлиниш даврларни асос қилиб олди. Критдаги тегишли уч даврни ва эрамиздан аввалги III—II мингйилликлардаги бутун крит маданиятини А. Эванс афсонавий крит подшоси Минос номи билан миной даврлари деб атаган. Археологик жиҳатдан бундай даврларга бўлиниш оз-моз ўзгартишлар билан ҳозирга қадар ўз ахамиятини сақлаб келмоқда ва у қуйидагилардан иборат: 1) илк миной даври — эрамиздан аввалги 2800—2200 йиллар; 2) ўрта миной даври — эрамиздан аввалги 2200—1600 йиллар; 3) кеч миной даври — эрамиздан аввалги 1600—1300 йиллар. Уз навбатида бу даврлардан ҳар бири яна уч кичик даврга (1-, 2-, 3-) бўлинади.

Илк миной даври мобайнида Критда ибтидоий-жамоа муносабатларининг аста-секин парчаланиши юз бериб, у билан бирга мулкий табақаланиш ҳам содир бўла борди. Археологик қолдиқларнинг кўрсатишича, катта-катта тўғарак толослар (уруғ аъзоларининг коллектив сағаналари) ўша вақтда пайдо бўлган уруғ-қабилла зодагонларининг серхашам гиштин уйлари ва кам-бағалларнинг вайроғга кулбалари билан бир вақтда мавжуд бўлган. Қарийб эрамиздан аввалги 2200 йилда қабилалар иттифоклари пайдо бўлади ва бу иттифокларга ўша давр учун анча катта ҳисобланган Кносс, Маллия ва Фест аҳоли марказлари бошчилик қилади. Бу жойлар ўрта миной даврининг аввал бошидаёқ ибтидоий илк синфий давлатларга айланиб кетадилар. Крит Кипрнинг Эгей денгиздаги ороллар ва Болкон ярим оролининг жануби билан мис ва бронза ила савдо-сотик қилишига воситачи бўлган..

Эрамиздан аввалги III минг йилликда ривожланган бронза асрига ўтиш юз берган. Худди шу вақтда олтин ва эмалдан ясалган машҳур крит заргарлик буюмлари пайдо бўлади ва бу «буюмлар ўрта миной даври давомида такомиллашиб боради. Усимлик нақшлари билан безалган идиш-оёқлар ажойиб нафосати биян ажралиб туради. Қамарос ғоридан топилган идиш-оёқлар айниқса кўркам, Крит кулол—ҳайкалтарошлари юпка, хашам идишлардан ташқари, пишиқ лойдан маъбуда ва маъбудларнинг, одамлар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчаларини ясаганлар. Тошдан ва Африкадан келтирилган фил суягидан ўйма муҳрлар ясалган. Бадиий хунармандлик буюмлари билан бир қаторда кўп миқдорда сопол идишлар ва бошқа хўжалик буюмлари ҳам ясалди.

Муҳрларнинг мавжудлиги шахсий ва хусусий мулк ривожлангашгагина кўрсатади. Тахминан эрамиздан аввалги 2000 йилда Кноссда маҳаллий ҳокимнинг анча илгари қурилган қароргоҳи ўрнида жуда улкан ва мухташам сарой қурилган. Саройни вақт-вақти билан қайтадан қуриб турганлар. Бу сарой то эрамиздан аввалги XVI асргача мавжуд бўлган. Бу сарой бинолари-

нинг бутун бир комплексидан иборат бўлиб, икки қаватли, баъзиларнинг тахмшшча, уч ва ҳатто тўрт қаватли қилиб солингае. Пастки қаватдаги бинолар ёғду чиқариб турадиган қудуқлар ёрдамида ёритилган. Биноларнинг ҳатто деразалари ҳам бўлганлиги эҳтимол. Марказий тўғри бурчакли зал—мегарон оммавий йиғинлар ўтказиладиган жой бўлган. Сопол қувурлар системаси оркали ташланди сувлар оқизиб юборилган. Сарой биноларининг деворлари шувалиб, бўялган. Ҳашамдор хоналарнинг деворлари турли расмлар билан безалиб, уларга ўсимликларнинг, фантастик ҳайвонларнинг суратлари солинган ва саройда яшовчиларнинг ҳаётини тасвирловчи манзаралар чизилган. Крит архитекторлари бино шифтларини сақлаш учун ва безаб кўрсатиш мақсадида юқорига кенгайиб борувчи устунларни ишлатганлар.

Тахминан эрамиздан аввалги 1750 йилда Критда алғов-далғов воқеалар бўлган. Кносс ва Фестдаги саройлар вайрон қилинган. Аҳоли яшайдиган бошқа жойлар ҳам зарарланган. Нима воқеа бўлганлиги бизга номаълум.

Тез орада саройлар қайта тикланган. Кносс оролда устун аҳамиятга эга бўлган. Археологик нуқтани назардан қараганда оролнинг турли томонларидан Кноссга қараб кетган йўлларнинг қурилганлиги шундан далолат беради. Саройлар қайта қурилгандан кейин эрамиздаи аввалги XVIII асрнинг иккинчи ярмидан то эрамиздан аввалги XV асргача ўтган давр Кносс Миносининг ҳокимияти остида бирлаштиридган Крит давлатининг энг қудратли даври бўлган. Минос номини қадимги грек афсоналари ва қадимги грек тарихий традицияси бизга сақлаб қолдирган. Фукидиднинг хабар қилишича, бу Критнинг «таляссократия», яъни денгизларда ҳукмронлик қилиш даври бўлган. Крит Эгей денгизидаги бир қанча оролларни, Кичик Осиё соҳилидаги, Болкон соҳилидаги, шу жумладан Аттикадаги аҳоли яшайдиган манзилларни ўз ҳокимиятига бўйсундиради. Ривоятга кўра, Сицилияга қўниш учун муваффақиятсиз уринилади.

Критда дехкончилик ва чорвачилик юксак даражага етади, хунармандчилик ривожланади. Критликлар тажрибали ва жасур денгизчилар бўлиб, Урта Дентиз мамлакатлари билан қизгин муносабат боғлаганлар.

Қайтадан қуридган Кносс саройида деворларга солинган турли безакли расмлар зодагонларнинг ҳашами янада ортиб кетганлигини акс эттиради. Масалан, эрамиздан аввалги XVII асрга оид безакли расмлар жуда машхурдир. Сарой деворларида солинган бу расмларда сочлари мунчоклар тақилиб, мураккаб жимжимадор прическа қилинган, серхашам зангори кўйлақлар кийган ва бўйинларидаги маржонларини таннозона кеккайиб бармоқлари билан ўйнаб турган серпардоз сарой хонимлари тасвирланган. Анча кейинги даврдан деворларда сақланиб қолган расмларда акробатчи аёлларнинг қутурган буканинг бошидан ва белидан хавфли сакрашлари тасвирланган. Эҳти-

мол бу бирор диний маросимга оид мукаддас ҳаракат бўлиши мумкин.

Кносс саройида ва бошқа крит саройларида яшовчиларнинг дабдабали, ҳашаматли ҳаёти ва бошқа аҳолининг камбағаллиги археологик материалларда: турар жойларда, рўзгор буюмларида ва макбараларда тобора кескинроқ акс эттирилган. Саройларнинг омборхоналари, устахоналари ва турли ёрдамчи бинолар сарой хўжалигининг мураккаблигидан далолат беради. Аниклаб олинган ва устига Б. чизикли хат белтилари ёзилган еопол лавҳачаларнинг мазмуни ва улар орқали формал белгиларига қараб ўхшашлиги тахмин қилинган анча илгариги А.чизикли хат белгилари бўлган лавҳачаларнинг мазмуни бизга Кносс сарой хўжалиги билан етарли даражада танишиш имкониятини беради. Бундан ташқари, мазкур ёзувлар Критдаги социал-иқтисодий муносабатлар ҳақида билимларимизни чуқурлаштиради ва концертлаштиради, маъмурий тузилиш хусусиятлари билан, ҳарбий иш билан ва шу қабилар билан бизни таништиради-


, Сарой хўжалигига жуда кўп турли мутахассис ҳунармандлар-турли ёрдамчи ходимлар, хизматкорлар ва шу қабилар хизмат қилган. Буларнинг ҳаммаси пишиқ лойдан ясалган лавҳачалар рўйхатига номма-ном ёзиб қўйилган. Саройда хизмат қилувчи ходимлар орасида қуллар ҳам кўп бўлган. Флотдан ташқари Критда қуруқликдаги армия ҳам бўлиб, армия аскарлари жанг араваларида юрганлар. Давлат областлардан иборат бўлиб, бу областларни подшо ноиблари (пасиреве), оксқоллар кепгашлари (керосиялар) билан биргаликда идора қилганлар. Ерлар қисман жамоага қарашли бўлиб, қисман яқка тартибда ижарага берилган ва хусусий мулк бўлган. «Одиссея»да сақланиб қолган хотираларга кўра (XIX, 178—179) Крит ҳукмдори Минос фақат подшо бўлиб қолмасдан, шу билан бирга кохин ва умуман худо назар қилган шахс ҳисобланган. Ҳар ўн йилда у бош маъбуд билан диний мулоқотда бўлган ва ундан яна ўн йил подшоликқилишга фотиҳа олган. Подшонинг диний мартабаси бўлганлигини археология ҳам тасдиқлайди... Афтидан, кохин подшо Кноссдаги рангли бўртгирма расмда тасвирланган. Минос «Одиссея» да доно деб аталган. Бошқа афсоналардан билишимизча, Минос судья бўлган. Бу, афтидан илк синфий давлат ташкил топаётган даврда Крит ҳукмдорларининг қонун чиқарувчилиқ фаолиятини кўрсатса керак.

Крит ҳокимияти остида бўлган денгизнинг нариги томонидаги ерларни маҳаллий ҳокимлар идора қилганлар, улар Критга хирож тўлаб турганлар. Аттикада шундай бўлган. Аттика ривоятга кўра, орадан маълум вақт ўтгандан кейин, Критга баҳайбат махлуқ Минотаврнинг ейиши учун бир неча ёш ўғил ва қизини юбориб турган. Танаси одамга ва боши буқага ўхшаган бу баҳайбат махлуқ Кноссда йўллари чалкаш-чулкаш қилиб қурилган каттақон бинода — лабиринтда турган. Боши буқага ва танаси одамга ўхшаган қонхўр баҳайбат махлуқ ҳақидаги тасав-

вурдаэрамиздан аввалги, III ва II минг йилликларда тарқалган тотемизм элементлари аралаш энг қадимги диний эътиқод акс эттирилган. Хирож тариқасида юборилган одамлар қул қилиб ишлатилган бўлса керак. Лекин улардан айримлари худодлар ҳурбонлик қилинган бўлиши ҳам мумкин. Бахайбат махлуққа ем бўлиш учун юборилган ёш ўғил ва қизлар қаторида атайин Критга бориб Минотаврни ўлдирган ва Аттикани хирож тўлашдан озод қилган аттикалик қахрамон Тесея ҳақидагн •афсона, афтидан, Аттиканинг Критга қарам бўлишдан озод қилинганлиги ҳақидаги хотирани акс эттирса керак. Тесеянинг энг қадимги Афина давлатига асос солувчилардан бири деб ҳисобланиши бежиз эмасдир.

Денгизнинг нариги томоида Критга қарашли бошқа ерлар «и Минознинг ўғиллари идора қилган.

Қадимги критликларнинг дини археологик маълумотлардан маълум. Критликлар қатта ибодатхоналар қурмаганлар, балки кичкина-кичкина саждагоҳлар ва меҳроблар қуриш билан чекланганлар. Кўпдан-кўп расмлар ва ҳайкалчаларга қараганда,




Эрамиздан аввалги II минг йилликда Шарқий Урта денгиз.

критликларда энг катта худо аёл (Буюк маъбуда, Она) бўйиб, у ҳаёт бахш этган, ўсимликларни, хайвонларни ва одамларни химоя қилувчи бўлган. Бу маъбуда кўпинча ўғил-худо билан бир-• галикда тасвирлаб кўрсатилади. Буюк маъбудани башанг кийинган ва ҳар иккала кулида илон ушлаб турган аёл шаклида ҳам тасвирлаганлар. Критда эркак худо ҳам жуда машхур бўлиб, у икки ёклама болта (лабрис) шаклидаги (яъни унинг осмонда ҳам, ерда ҳам ҳокимлигини билдирувчи) худо тарзида тасвирланган. Эркак худо ҳам бука қиёфасида тасаввур қилинган. Критда диний маросимларни асосан аёллар адо этган. Грек афсоналари крит динининг грекларнинг кейинроқ юзага келган динига таъсири борлигидан далолат беради.

Болкон ярим оролининг жанубида, Эгей денгизи оролларида ва Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилида яшаган ахеяликлар эрамиздан бурунги XV асрда Критдаги илк кулдорлик давлатини забт этганлар. Ахеяликлар Крит хали мустақил бўлган даврдаёқ критча чизикли хатни ўз тилларидаги ёзув учун мослаштира бошлаганлар. Шу тариқа А. чизикли хат асосида Б. чизикли хат пайдо бўлган. Ахея Критининг ҳукмдори Б. чизикли хат билан ёзилган ёзувларда «ванака» деб аталади.

4. Эрамиздан аввалги III—II минг йилликларда Эллада ва Киклада. Крит тарихини археологик жиҳатдан даврларга бўлиш асосида Болкон ярим оролининг жанубини ва Эгей денгизидаги Киклада ороллари археологик жиҳатдан даврларга бўлиш ишлаб чиқилган. Эрамиздан аввалги III—II минг йилликлар даври материк (қуруклик) учун Эллада даври деб, ороллар учун эса Киклада даври деб аталган. Топилган маҳаллий археологик ёдгорликларга биноан илк эллада ва илк киклада даврлари эрамиздан аввалги 2600—2000 йиллар санаси билан, ўрта эллада даври эрамиздан аввалги 2000—1650 йиллар санаси билан, ўрта киклада даври



ша


Шох Атрей хазинаси.

эрамиздан аввалги 2000—1500 йиллар санаси билан, кеч эллада даври эрамиздан аввалги 1650—1100 йиллар, санаси билан, кеч киклада даври эса эрамиздан аввалги 1500—1200 йиллар санаси билан белгиланган. Утказилган қазувларнинг шароитларига қараб, барқарор бўлган илмий анъанага мувофик, кеч эллада даври яна микена даври деб ҳам аталади.

Материкда неолит даври Критдагига қараганда узоқроқ давом этган. Мис ва бронзани ўзлаштириш секинлик билан борган. Энг қадим замонларда материк ва Эгей денгизининг айрим ороллари, шунингдек Кичик Осиё соҳили греклардан бурунги қабилалар томонидан ишғол қилинган, бу қабилаларни антик грекларнинг ўзлари умумий ном билан пеласглар деб атаганлар.

¹ Эрамиздан аввалги III минг йилликда қабилаларнинг қандай кўчганликлари бизга яхши маълум эмас. Улар асосан Болкон ярим оролининг шимолий районларидан кўчганлар. Тахминан эрамиздан аввалги XXI—XX асрларда кўпгина энг қадимги грек қабилаларнинг кўчишлари содир бўлган. Бу группадаги қабилаларнинг энг машхур номи ахеяликлар бўлган, шунинг учун ҳам эрамиздан аввалги II минг йилликдаги Греция тарихини Ахея тарихи деб атай бошлаганлар.

Келгиндилар забот этилган қабилалар иттифокларининг манзилларини қисман талаганлар ва вайрон этганлар. Греклардан бурунги аҳолининг қолдиқлари аста-секин ахеяликлар билан ассимиляцияланиб кетган. Эрамиздан аввалги II минг йилликда ахеяликлар оролларида ва Кичик Осиё соҳилида жойлашиб олганлар. Критда бўлгани сингари, Болкон ярим оролининг



Микена қасридаги доира сағана.

жанубида ҳам синфий тузилишлар процесслари юз бера бошлайди. Сохилга яқин жойларда бу синфий тузилиш процесслари энг жадаллик билан борган. Ичкарироқдаги жойларда ибтидой-жамоа муносабатлари узок вақтгача сақланиб қолган. Пелопоннесда Микена, Тиринф, Пилос, Урта Грецияда Орхомен, Фива ва Афина, Фессалияда Иолк ва бошқалар илк синфий жамиятнинг каттарок марказлари бўлганлар. Бу жойларнинг ҳаммасида мустахкамланган қалъалар — қалин деворлар билан ўралган саройлар сақланиб қолган. Саройлар ёнида мол-мулки турли даражадаги маҳаллий аҳолининг турар жойлари бўлган. Булардан ташқари, яна бир қанча қишлоқлар ҳам бўлган. Критдаги аҳоли сингари, материк Грецияда яшовчи аҳоли ҳам дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Кўпдан-кўп касб-корлар ҳам юқори даражада такомиллашган. Бу процессларнинг ҳаммаси эрамыздан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ қайд этилган.

Уша маҳалдаёқ пайдо бўлган Микена тез орада ўша вақт нуктаи назаридан каттагина илк қулдорлик давлатининг марказига айланган. Микена истехкомидан ва ундан ташқарида бир неча ўнподшолик мақбаралари топилди. Таланмай қолган мақбаралардан археологлар бадий хунармандчиликка оид қимматбаҳо буюмларни ва портрет шаклидаги олтин никобларни топганлар. Мақбаралар икки хилда бўлган: бир хиллари шахта, яъни тўғри бурчак ўра шаклида бўлиб, қоя тошда ўйилган ва тепаси тош плиткалар билан ёпилган; иккинчи хиллари катта ҳажмдаги толослари (гумбазли мақбаралар) бўлиб, бу мақбаралар уларда кўмилган хукмдорларнинг дабдабасидан дарак бериб турган.

Микена саройи яқинида бой хунармандларнинг уйлари қовлаб топилган. Бир ёғфурушнинг уйидан Б.чизикли хат ёзилган 39 та сопол тахтача топиб олинган. Сфинкслар уйи деб аталган бошқа бир уйдан 10 та шундай тахтача топилган. Бу нарса ёзувнинг саройдан ташқарига ҳам тарқалганлигини кўрсатади.

Микена, Тиринф ва бошқа саройлардаги ички бинолар ҳар хилрасмлар (фрескалар) билан безатилган. Материк Грециядаги тасвирий санъатда уруш манзаралари ҳам учраб туради. Тиринфда топилган, икки қизнинг жанг аравасида учиб кетаётганлиги тасвирланган расм билан ёввойи чўчқани овлаш тасвирланган расм жуда машҳур расмлардир.

Асримизнинг 30-йилларидан бошлаб Мессения Пилосидаги саройда системали суратда казув иши олиб борилмоқда. Бу сарой Микена ва Тиринфдаги саройлар билан бир хилдadir. Мазкур саройдан Б. чизикли хат ёзилган жуда кўп сопол тахтачалар топилди. Мазмун жиҳатдан Кносс ёзувлари билан бир хилда бўлган бу ёзувларни ўрганиш асосида биз Пилос илк қулдорлик давлатининг социал-иқтисодий муносабатларини ва сиёсий тузилишини чуқур ва конкрет суратда қайта тиклай ола-

миз. Ер «халқ» мулки ва айрим кишиларнинг мулки булган. «Халқ» турлича ер участкаларини хизмат учун мукофот қилиб берган. Ер участкасининг ҳажми ер оладиган шахснинг мансаб-мартабасига қараб белгиланган. «Халқ» ўз ерини катта ва кичик участкалар тарзида ижарага ҳам берган ва ижара ҳақ» учун ҳосилнинг бир қисмини олиб қолган. Ер эгалари ҳам ерларни майда-майда участкаларга бўлиб ижарага берганлар. Ер участкаларининг ҳажми доннинг ўлчов миқдорига қараб ҳисоблаб берилган: халқдан олинадиган ернинг қанақа ер эканлиги жуда ҳам равшан эмас. Эҳтимолки, бу жамоа ери бўлиб, аста-секин давлат қарамоғига ўтиб борган бўлса керак.

Афтидан, бу ерларни бўлиб бериш халқ йиғинининг, «халқ»нинг қарори билан амалга оширилган- Лекин «халқ»дан олинadиган ер майдонининг аниқ ҳажмлари белгилаб қўйилган. Пилос давлатининг ҳукмдори — ванака —1800 дон ўлчови миқдорида ер участкаси олган. Унинг ёрдамчиси, кўшинлар қўмондонни — равакета — 600 дон ўлчови миқдорида еручасткаси олган. Бошқа мансабдор шахслар ўз мавкеларига қараб, камрок ер участкалари олганлар. Улар орасида кохинлар ва кохиналар кўзга кўринарли мавкени эгаллаганлар. Оддий эркин кишилар «халқ»дан ҳам, хусусий мулкдорлардан ҳам озгина ер участкаларини ижарага олганлар. Шундай қилиб, Пилос давлатида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг мураккаб, ҳали етарлича тадқиқ қилинмаган системаси бўлганки, унда эндигина юзага келаётган хусусий мулк сўниб бораётган жамоат традицияси шароитида пайдо бўлган, бирга яшаган ва ривожланган. Пилос саройида яшаган ва ғоят катта ер участкасига эга бўлган ванака ҳам бу ерни расман «халқ»дан олган.

Пилос подшолигида чорваччилик ривожланган. Турли касб-хунарлар юхори даражада такомиллашган. Хунармандлар ва кўп сонли турли мутахассис ходимлар сарой хўжалигига хизмат қилганлар. Лавҳачаларда хунармандларнинг, ижарачи деҳқонларнинг ва бошқа шахсларнинг номба-ном рўйхатлари бор. Сарой хўжалигида ва хусусий шахсларда қуллар (асосан, чўрилар) хизматкор бўлиб ишлаган. Қуллар вачўрилар тўп-тўп қилиниб масъул назоратчилар қўл остида сарой хўжалигида ишлатилганлар. Ҳамма хилдаги ишлар катъий суратда ҳисобга олиб борилган. Пилоснинг курукликдаги кўшини ва флрти бўлган, Давлат областларга бўлинган бўлиб, областларни, Критдаги сингари, ванакага (ҳукмдорга) қарам бўлган пасиревелар (ноиблар) идора қилганлар. Афтидан Ахайянинг бошқа давлатларида ҳам шунга ўхшаш шарт-шароит бўлган бўлса керак.

Соподдан ясалган лавҳачаларда антик даврда греклар топинган Посейдон, Гермес, Дионис, Зевс, Гера ва бошқа худолар тилга олиб ўтилган.

Езувларнинг мазмуни бошқа археологик ёдгорликларнинг ҳаммаси билан қўшилган ҳолда ва афсоналардан олинган янгя

маълумотлар билан уларни асосланган. Ҳа ҳетт ёзувларидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, бизга Ахайя давлатлари ўзларининг шарқий ва ғарбий қўшнилари билан қизғин алоқада бўлганликларини тасвирлаб беради. Ёдгорликларнинг бутун мажмуи Эгей дунёсининг муайян маданий умумиятидан дарак беради. Бироқ Ахайя давлатлари бирор тарзда мустаҳкам сиёсий бирликни ташкил этмаганлар. Улар ўртасида доимо урушлар бўлиб турганлиги ҳақидаги хотиралар афсоналарда сақланиб қолган. Ахайяликлар ҳатто узоқ ҳарбий сафарлар ҳам қилганлар. Эрамиздан бурунги XIII асрда «денгиз халқлари» қаторида улар икки марта Мисрга ҳужум қилганлар. Улар ҳетт подшолигининг заифлашувига қўмаклашганлар. Ҳетт ёзувларида Ахиява давлати куч жихатидан Ҳетт, Миср, Бобил (Вавилон), Оссурия давлатларига тенг қилиб тасвирланади. Критликлар билан ахайяликлар Урта денгизнинг шарқий соҳилига бориб кўнганлар ва ерда филистимликлар номи билан машҳур бўлганлар, шу ердаги бутун жой ва унга туташган жанубий Сурия территорияси Фаластин деб атала бошлаган.

Ахайяликларнинг сўнги катта уруш ҳаракатлари «Илиада» ва «Одиссея»да мадҳ этилган ва бошқа афсоналардан машҳур бўлган Троя урушидир. Сўнги археологик тадқиқотларга қўра, Троя уруши тахминан эрамиздан аввалги 1240 йилда содир бўлган. Кичик Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган ва яхши мустаҳкамланган Троя шаҳри унча катта бўлмаган ва лекин бой илк кулдорлик давлати экан. У Ҳетт давлати билан чегарадош бўлган. Троя Кичик ва Олд Осиёни Эгей дёнгизи ҳавзаси билан боғловчи муҳим стратегик ва савдо йўлларида жойлашган. «Илиада»да айтилишича, Трояда ўша вақтда Кичик Осиёнинг бутун ғарбида катта обрўга эга бўлган подшо Приам ҳукмдорлик қилган. Ахайя давлати «олтинга бой Микена» ҳукмдори Агамемнон бошчилигида денгизда таловчилик ва истишучилик юриши учун ўз кучларини бмрлаштирган. Ахайяликларнинг осонгина ғалабага эришиш умидлари пучга чиққан. Анъанага қўра, ахайяликлар жуда кўп куч сарфлаб ва кўпта-лафотлар бериб, 10 йиллик оғир урушдан кейингина Трояни олишга муваффақ бўлганлар.

5. Дорийларнинг кўчиши ва крит-микена жамиятининг ҳалок бўлиши. Б. чизикли хат ёзиқлик лой лавҳачаларнинг мазмуни эрамиздан аввалги XIII—XII асрларда ахайя жамиятининг кескин мулкый табақаланишидан далолат беради. Эҳтимолки, ахайяликларнинг уруш | ҳаракатлари ҳам худди шу ички социал сабаблар натижасида келиб чиққандир. Умуман крит-микена даврида Болқон ярим оролининг жанубидаги аҳоли социал жихатдан бир хилда бўлмаган. Кичик-кичик кулдорлик давлатларининг пайдо бўлишига олиб келган синфларнинг ташкил топиш процесслари ҳамма жойда эмас, балки асосан соҳилдаги айрим районларда юз берган. Микена, Тиринф, Пилос ва бошқа жойлардаги илк кулдорлик давлатлари аслида

бамисоли кўшни территориялардаги ибтидоий-жамоа муносабатлари денгиз ўртасидаги синфий жамиятнинг кичик-кичик оролларида иборат эди. Илк кулдорлик давлатлари куллар босиб олиш, хирож солиш ва шу каби мақсадлар билан жамоа аъзоларининг манзилларига доим хужум қилиб турганлар.

Шу сабабли, эрамыздан аввалги XII асрда уруғдошлик турмуши шароитида яшаган кўпдан-кўп грек дорий қабилалари Болкон ярим оролининг шимолроғидаги районлардан жанубга томон кўча бошлагач, улар илк синфий ахайя давлатлари томонидак жиддий қаршиликка учрамаганлар. Ахайя давлатларининг социал базаси ниҳоятда маҳдуд бўлган. Жуда кўп уруғдош манзиллар учун дорийларнинг бостириб қелиши қулликка солиниш хавфидан доимо бўқиб туришдан, Микенага, Тиринфга, Пилосга ва шу каби босқа давлатларга хирож тўлашдан қутулиш демак эди. Уз холига ташлаб қўйилган бу давлатлар нисбатан тез вақт ичида дорийлар томонидан тормор этилган ва йўқ қилиб ташланган. Социал, сиёсий ва маданий жиҳатдан анча ривож топган крит-микена давлатлари устидан дорийларнинг ғалаба қилишига яна шундай бир ҳолат ҳам ёрдам берганки, дорийлар илгари ўзлари яшаб турган жойнинг шароити туфайли Болкон ярим оролининг жанубига хужум бошлаганларида темир қуролга эга бўлганлар, ваҳоланки, ахайя давлатлари кўшинларининг ихтиёрида фақат бронза қурол бўлган. Дорийлар материкда Ахайя Грециясини забт этгандан кейин Критга бостириб қирғиб, уни ҳам истило қилганлар. Фақат кам унумли Аттика ўз мустақиллигини ҳимоя қилиб қолган. Пелопоннесга қараб бораётган дорийларнинг галалари Атиканинг қаршиликка дуч келганлар ва, эҳтимолки, унинг ерининг кам унумлигидан хабардор бўлгач, Атикани четлаб ўтиб кетганлар.

Пелопоннесдан қочган ахайя қочқоқлари қисман Аттикага бориб жон сақлаб қолганлар, лекин уларнинг кўпчилиги қисми Кичик Осиёнинг Эгей соҳилига сузиб ўтган. Троя уруши ҳақидаги афсоналар худди ана шу Кичик Осиёда сақланиб қолган, уларни кейинхалқ бахшилари ажойиб «Илиада» ва «Одиссея» дostonларида гулдаста қилганлар. Шу сабабли энг қадимги крит-микена маданияти элементларни сақлаб қолган кичик осийликгреклар ундан кейинги авлодлар аҳолиси орасида социал ва маданий жиҳатдан кўпроқ тараққий қилган кишилар бўлиб чиққанлар. Ахайя қочқоқлари Кипр оролига ўрнашиб олганлар ва у ерда ўзлари билан бўғинли чизикли хатни ҳам олиб келганлар. Бу хат асрлар давомида шаклан ўзгариб, у ерда то классик давргача мавжуд бўлиб келган.

Болкон Грецияси ва унинг яқинида жойлашган ороллар дорийлар истилосидан кейин социал жиҳатдан таназзуллашиб ҳамма жойда уруғдошлик муносабатларини жорий қилиш томонига юз тутдилар ва бу муносабатлар тор-мор қилинганилк синфий давлатларнинг кичик-кичик территорияларини ўз қолларига

тортидилар. Ахайя давлатлари йўқолди. Бўғинли ёзув унутилди. Тор-мор қилинишдағомон қолган Аттика, ҳам мазкур социал процеслар таъсири остида уруғдошлик муносабатларига қараб юз ўгирди. Лекин келгиндилар биланқисман ассимиляциялашиб қўйлиб кетган асосий аҳоли оммаси моҳият эътиббри билан та-иаззуллашиб кетмади, чунки крит-микена даврида улар ҳам уруғдошлик тузуми шароитида яшаган эдилар. Эндиликда дорийлар олиб келган темир қуруллар билан танишиш. Болқон ярим ороли жанубининг фақат айрим районлари. аҳолисининг эмас, балки барчааҳолисининг социал тараққиётини тезлаштирган.

IV БОБ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ ХІ—ІХ АСРЛАРДА ГРЕЦИЯ

1. Дорийларнинг кўчишининг оқибатлари. Кўчиб бостириб келган дорийлар ахайя илк қулдорлик давлатларини тор-мор/килдилар ва забт этдилар, бунинг натижасида Болқон ярим оролининг жанубидаги ва унинг яқин атрофида жойлашган ороллардаги аҳоли яна қайтадан ибтидоий муносабатлари гирдобига ташланди. Ахайя давлатларининг ҳукмдорларига қарам бўлган областларнинг ҳокимлари (пасиревелар) энди мустақил патриархал қабилаларнинг бошлиқлари — басилевслар бўлиб қолдилар. Ахайя давлатларида мавжуд бўлган халқийғинлари ЭНДИ катта аҳамият касб этди. Крит-микена жамияти даврида шарқий ва ғарбий кўшнилар билан жонланиб кетган алоқалар энди сусайди.

Бронза даври ўрнига темир даври келди. Агар крит-микена даврида синфларнинг ташкил топиши фақат соҳилдаги айрим районлардагина содир бўлиб, аҳолининг кўпчилиги ибтидоий-жамоа муносабатлари даражасида қолган бўлса, эндиликда, эрамиздан аввалги ХІ—ІХ асрларда, синфларнинг ташкил топиш процесси ҳақиқатда қадимги Грециянинг бутун территориясини қамраб олди. Бу ҳол крит-микена маданияти тор-мор қилингандан кейин содир бўлган вақтинчалик регрессив ижтимоий тараққиётнинг такрорланиш имкониятига йўл қўймади. Қадимги Греция тарихининг эрамиздан аввалги ХІ—ІХ асрлар давомидаги даврини аънага^кўра Гомер даври деб атайдилар. Бу ном афсонавий кўр бахши Гомер номидан олинган бўлиб, уни қадимги греклар «Илиада» ва «Одиссея» дostonларининг автори деб ҳисоблайдилар. Бу давр ҳақидаги бизнинг билимимиз узок вақтгача Гомерга нисбат берилган мазкур дostonлардан маълумот олиб келди- Лекин ҳозирги вақтда эрамиздан аввалги ХІ—ІХ асрларга оид катта археологик материал топилди, ҳар.иккала дoston мазмунини синчиклаб ўрганиш натижасида бу дostonлар турли вақтда ва узок вақт давомида юзага келганлиги исбот этилди, дostonларнинг турли хусусиятлари турли даврларни

акс эттириши исботланди. Шундай қилиб, «Гомер Грецияси» термини эскирди. • Бутун қадимги Греция территориясида ибтидоий патриархал муносабатлар узил-кесил бузилган бу даврни оддийгина қилиб унинг хронологик саналари билан белгилаш қулайроқ бўлса керак, бу давр ҳақидаги билимларимизнинг хозирги даражасига" мувофиқ келадиган бошқа ном хозирча тоғшланган эмас. ;

2. Гомер масаласи. Достонларнинг келиб чўқиши ва, демак, улардаги маълумотларнинг сифати масаласини антик замондаёқ текшира бошлаганлар.

Тарих фани ривожлана бориши билан Гомер достонларининг келиб чўқиши ҳақидаги масалани эрамининг XVII асрида Италияда Ж- Вико, XVIII асрнинг охирида Германияда Фр. Вольф янгидан ўртага қўйган эдилар. Буикки олим достонларнинг халқ ижодидан келиб чиққанлигини эътироф этганлар. Ана шу тариқа юзага келган Гомер масаласи хозирга қадар узил-кесил ҳал қилинган эмас.

Гомер масаласи юзасидан ғоят кўп адабиёт пайдо бўлганки, бу адабиётни уч асосий гурпуга бўлиш мумкин: индивидуал ижод назариялари, халқ достони назариялари, синтетик назариялар. Уз навбатида индивидуал ижод назариялари бу достонлар турли вақтда яшаган шоирлар томонидан яратилган, деб даъво қилувчиларга ва унитарийларга, яъни достонлар бир автор — Гомерники деб даъво қилувчиларга бўлинади.

XIX асрда турли шоирлар яратган «кичик қўшиқлар» деб аталувчи «назария» илгари сурилди- Гўё бу «кичик қўшиқлар» ўз-ўзича тўпланиб, кейинчалик Гомернинг ҳар иккала достони вужудга келган эмиш. «Уруғ назарияси» деб ном олган бошқа бир нуктаи назарга кўра «Илиада» ва «Одиссея»га даставвал кичикроқ бир поэма (уруғ) асос бўлган, сўнгра вақт ўтиб бориши билан, шоирларнинг янги авлодлари ижоди натижасида унга тафсилотлар ва янги эпизодлар қўшилиб борган. Унитарийлар (якка автор тарафдорлари) Гомер достонларининг яратилишида халқ ижоди жиддий қатнашганлигини инкор қилардилар ва бу достонларни Гомер яратган бадиий асар деб қарардилар.

XIX асрнинг охирида «Илиада» ва «Одиссея» коллектив эпик халқ ижодиётининг тадрижий табиий ривожлаиши натижасида халқдан келиб чиққанлиги ҳақидаги назария илгари сурилди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида синтетик назариялар пайдо бўлди, бу назарияларга кўра «Илиада» ва «Одиссея» халқ эпосидан иборат бўлиб, кейинчалик уларни халқ орасидан чиққан бир ёки икки геиал шоир ишлаб мукамаллаштирган.

Ҳар иккала достоннинг сюжетлари мўқена даврига бориб тақаладики, буни XIX ва XX асрнинг сўнги учинчи чорагидато-пилган кўпдан-кўп археологик материаллар тасдиқламоқда- Бу достонлар асрлар давомида яратилганлиги сабабли, уларда қа-мида турли-турли уч давр: крит-ммкс-на даври, эраминдан аввал-

ги XII асрнинг охиригача, асл гомер даври, эрамиздан аввалги XI—IX асрлар ва илк архаик давр, эрамиздан аввалгй VIII—VII асрлар ўз аксини топган. Турли вақтларга оид бу элементлар дostonларнинг мазмунида аралаштириб юборилган. Лекин шу нарсани етарли даражада қатъий аниқланган деб ҳисоблаш мумкинки, дostonларда тасвирланган ижтимоий муносабатлар асос эътибори билан дорийлар кўчишидан кейинги Греция учун характерлидир.

- Уша даврдаги қадимги грекларнинг ҳарбий ва тинч турмуши ҳар бири тугалланган юксак бадий асар бўлмиш дostonларда айниқса муфассал ва ёркин акс эттирилган. «Илиада»нинг сюжети шундан иборатки, фессалиялик қаҳрамон Ахилл Трояни камал қилган грек кўшинларининг сардори Агамемнон унинг гўзал асирасини тортиб олгани учун ғазабланади. Дostonдаги воқеа бир неча кунгина давом этади, лекин дostonга уланган ҳикоялар орқали биз ундан олдин ва кейин бўлиб ўтган воқеаларни билиб оламиз.

«Одиссея»нинг сюжети шундан иборатки, греклар Трояни вайрон қилганларидан кейин Грециянинг ғарбий соҳилида жойлашган кичкина Итака оролининг подшоси зукко Одиссей ўз ватанига қайтиб келади. Одиссей қайтиб келаётганида денгизлар худоси Посейдонни ғазаблантиради ва унинг томонидан ўн йил сарсон-саргардон бўлиб юришга маҳкум этилади. Бу дostonдаги воқеа ҳам атиги бир неча кун давом этиб, Одиссейнинг сарсон бўлиб юрган охириги йилидан бир неча кунлик воқеа тасвирланади. Одиссей бу воқеани ватанига қайтиш олдидан унга саройдан жой берган афсонавий Схерия оролининг подшосига ҳикоя қилиб беради. Дoston Одиссейнинг Итакага қайтиб келиши билан тамомланади.

3. Ер жамоаси. Ёркин тасвирланган Гомер дostonларининг материал асосида комил ишонч билан шуни қайд қилиш мумкинки, эрамиздан аввалги II ва I минг йилликлар сарҳадида ер жамоаси мавжуд бўлиб, унда ердан тенглик билан фойдаланилган ва ер доимо қайта-қайта бўлиниб турган. «Илиада»дан олинган қуйидаги парча буни кўрсатиб турибди.

...Икки киши умум пайкал ўртасида тураркаи,
Қўлларида ўлчагичу бахс айлашар уватда,
Ердан олай улушим деб улар қилишар жанжал... *

(XII, 421—423. Мухаммад Али таржимаси)

Одий жамоа аъзолари асосан арпа ва сабзавот экар эдилар. Чорвачилик тараққий қилган эди. Жамоа аъзолари ер участкаларини чек ташлаб олганлар. Ер участкасининг «клер» деб аталишининг ўзи ҳам шуни кўрсатиб турибди: «клер» сўзининг айнан таржимаси «чек» демакдир. Бироқ жамоа аъзолари орасида мулкый табақаланиш бошланган бўлиб, уруғ аристократияси ажралиб чикмоқда эди, бу аристократиянинг каттароқлари, яъни қабила бошлиқлари микена давридан мерос қилиб олинган

термин билан «басилейлар» деб аталадиган эди- Басилейлар ўз қариндошларига жамоа ерларидан катта-катта қесик участкалар — «теменлар» (бу термин ҳам микена давридан мерос бўлиб қолгав) ажратиб бера бошладилар. Теменларда аристократлар арпа ва бўғдой экар, тоқзорлар, полизлар, боғлар қураб эдилар. Аристократлар йирик ва майда чорва молларининг катта-катта подаларига эгалик қилганлар. Лекин басилейлар асосий эътиборни дон етиштиришга қаратганлар. Чунончи, рассомнинг Ахилл қалқониди чизган турмушга оид машхур манзараларида жамоа еридаги қишлоқ хўжалик ишлари, сўнг, басилей («подшо») темениди (участкасидаги) қишлоқ хўжалик ишлари акс эттирилган.,

Кейин подшо бўлагини боплаб чизган мусаввир:
Уткир ўрок билан ўрар мардикорлар ҳосилни.
Бирин-бирин ер бағирлаб қолмоқдалар бошоқлар,
Ғарамчилар похол чилвир билан боғлар пайдарпай.
Орта яна уч боғловчи. Болақайлар уларга
Сочик ётган бошоқларни келтирарлар кучоқлаб
Уртарокда барчасига термилганча турар жим,
Подшо асо тутган қўлда, дилда шодлиги чексиз

(«Илиада», XVIII, 550—557, Муҳаммад Али таржимаси)

-4. Мулкий табақаланиш. Бу вақтда бой хўжайинларга батрак бўлиб ишлайдиган камбағаллар — фетлар ва ҳатто ўз уруғдошлик жамоаси билан алоқасини йўқотган кишилар — зўр-базўр кун кўришга ва гадойлик қилишга мажбур бўлган мотанастрлар пайдо бўлган. Хали ўтмишдаги кўчишлар ва истилоларданок қақшаб қолган жамоа аста-секин парчаланиб кетган. Достонларнинг мазмунига қараганда, бу даврда ўз жамоалари билан алоқасини йўқотган кўпгина дарбадар хунармандлар бўлган. Бу хунармандларнинг маҳоратига муҳтож бўлган хўжайинлар натурал ҳақ бараварига ёллаганлар. Улар хунармандларни керакли материаллар билан таъминлаганлар. Қасб-хунарлао хали кўп тармоқларга бўлиниб кетмаган эди. Қўли гул деб аталувчи усталар хали кўп бўлган. Ҳатто басилейлар айрим хунарлардан хабардор бўлганлар ва бу билан фахрланганлар. Критмикена даврига нисбатан хунармандчилик техникасининг биоқадар пасайиб кетганлиги сезила бошланди, бироқ шундай, бўлса ҳам хунармандлар хизматига муҳтож истеъмолчилар тобора купайиб борди, чунки ибтидоий муносабатларнинг бузилиш процесси эндиликда ялпи тус олган эди. Бу ҳол қасб-хунарларнинг нисбатан тез такомиллашуви ва ихтисослашуви қўмақлашди. Темирчилик, дурадгорлик, қулоллик, қўнчилик, тўқувчилик, заргарлик ва бошқа қасб-хунарлар рявож топди.

5. Уруғдошлик тузумининг бузилиши. Савдо-сотик кам ривожланган. Басилейларнинг хўжаликлариди ортиқча буюмларни денгизнинг нариги томонидан келтирилган молларга алмаштирганлар. Қорамол — буқалар айирбошлаш товари бўлиб қолган. Савдо-сотик таловчилик ва денгиз қароқчилиги билан

боглиқ эди. Шу хилдаги савдо-сотик тасвироти «Илиада» ва «Одиссея»да мавжуддир. Бу дostonларнинг авторлари кишлок хўжалиги ва хунармандчилик билан шуғулланувчи кишиларга нззат-икром билан қарасалар, савдогарларга ёмон кўз биланка-райдилар. Бу ҳол яна Гомер давридаги хўжалик натурал харак-терда эканлигини кўрсатади.

Қабилаларо урушлар тез-тез бўлиб турар эди, турли ка-билалар аҳолиси аралаш-куралаш бўлиб кетар эди. Шу сабаб-ли қабилла бошликлари — филобасилейлар («фила» — «қабилла» демакдир) қабилани идора қилишдан кўра кўпроқ айни қабилла территориясида яшовчи аҳолини идора қиладиган бўлди-лар. Бу территорияни эркак жангчиларининг ёш авлоди кўриқ-лар, худди ана шу ёш жангчилар айни жойнинг ҳақиқий кучи эдилар. Бу лашқарга басилей кўмондонлик қилган, у гарчи қа-била бошлиғи деган унвонини сақлаб қолса-да, ҳақиқатда ма-ҳаллий лашқар бошлиғи эди. Уруғ ва қабилла халқ йиғинлари аста-секин мазкур жангчилар хал қилувчи роль ўйнамдиган йиғинларга айландилар.

Басилей мансаби аста-секин муайян бир аристократликуру-ғида наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган мансабга айлана борган. Қадим замондан уруғ оқсоқолларининг кенгаши сақла-ниб қолган бўлиб, у басилей ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисоб-ланган. Басилей ва оқсоқоллар кенгаши ўз* қарорларини акса-рияти жангчилардан иборат халқ йиғинининг муҳокамдсига ва тасдиқига ҳаволақилганлар. Патриархал муносабатлардан илк синфий кулдорлик жамиятига ўтиш давридаги бундай идора усу-лини Ф- Энгельс ўзининг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг ке-либ чиқиши» деган асарида «ҳарбий демократия» деб атайди. Ҳокимият ва суд хали халқдан ажратилмаган, қарорлар халқ йиғинларида ва суд коллегияларида очик қабул қилинган, суд коллегиялари ўз вазифаларини манзил майдонида очик бажар-ганлар.

Вақт ўтиши билан, мулкый табақаланиш, асосий аҳоли омма-сининг бирлашуви, уруғ йристократиясининг бойиши, камбағал-ларнинг бой кўшниларига иктисодий қарамлиги тобора ошиб борган сари, патриархат давридаёқ пайдо бўлган куллик ривож-лана борган сари, халқ йиғинларининг роли камайиб боради. Буни биз «Илиада» дostonида Троя ёнида грек жангчиларининг йиғини ёрқин тасвишлаб кўрсатилганидан ва «Одиссея»да Итака ороли аҳолисининг йиғини тасвиротидан кўриб турибмиз. Бу ман-заралар Гомер жамиятида вужудга келган социал зиддиятлар-ни акс эттирарди.

— ; Троя ёнида жангчилар йиғини грек қўшинларининг сардори Агамемнон томонидан Троя қамалининг 10 йилга чўзилиб кет-ганлиги муносабати билан уларнинг жанговар руҳини синаб кў-риш мақсадида чакирилган эди. Йиғинда оддий жангчиларнинг каифиятини ифодалаб нутқ сўзлаган Терсит басилейларни фош қилиб ташлаган. Шуниси кизикки, зодагонларнинг вакиллари

Терсит қўйган айбларни рад қилолмаганлар. Басилейлар учун нохуш' бўлган Терсит нутқини Одиссей тўхтатган. У Терситни тутиб олиб урган.

рГХалқ йиғинининг ахамияти батамом тушиб кетганлиги «Одиссея»да очик-ойдин тасвирланган. Итака оролида Одиссей 20 йил йўқ бўлган давр мобайнида халқ йиғини умуман қақирилмаган. Одиссейнинг ўғли Телемак йиғинни қақирганда зса йиғинга келган кишиларнинг ҳеч бири йиғин ким томонидан ва нима учун қақирилганлигини билмаган- Бу йиғин унда ҳозир бўлган аристократларнинг бири томонидан тўсатдан ва ўзбошимчалик билан ёпилган, чунки Телемак халқ муҳокамасига ҳавола қилган масала унга ёкмаган.

6. Патриархал қуллик. Гомер жамиятида патриархал қуллик мавжуд бўлиб, у басилейларнинг хўжаликларида жорий этилган. Қуллар асосан ҳарбий асирлардан тўпланган, бундан ташқари, уларни қароқчилар ҳам келтириб сотганлар. Қуллар савдогарлар томонидан сотилган ҳоллар ҳам бўлган. Қулдорнинг хўжалигида туғилган қуллар ҳам бўлган. Эркак қулларни чўпон қилиб ва боғбон қилиб ишлатганлар. Қул чўрилархам кўп бўлиб, уларни уй-рўзғор ишларида оксоч, ярғичокда ун тортувчи, мато тўкувчи сифатида ишлатганлар. Ҳар қандай итоатсизлик учун хўжайин қул ёки чўрини каттиқ қийнаб ўлдира олган.

7. Дорийлар кўчиб-бостириб келгандан кейин грек қабиаларининг жойлашуви. Дорийларнинг кўчиб-бостириб келиши грек қабиалариюшг знгкатта кўчиш ҳаракати.эди, шундан кейин Шимолий Грецияда ва Қичик Осиёнинг шимоли-ғарбий соҳилида эолийлар мустаҳкам ўрнашиб олганлар. Урта Грециянинг шарқий қисмини, Эгей денгизи ороллариининг кўпчилик қисмини ва Қичик Осиё ғарбий соҳилининг ўрталиғини ионийлар ишғол қилиб жойлашиб олганлар- Пелопоннесда, Крит оролида, Эгей денгизининг жанубий оролларида ва Қичик Осиё ғарбий соҳилининг жанубий қисмида дорийлар ўрнашиб олганлар- Қадимги ахаликлар Пелопоннеснинг шимолий.. ва марказий қисмида яшаб қолганлар ва уларнинг анчагин| қисми дорийлар истилоидан сўнг Кипрда ўрнашиб қолгаш

8. **Дин.** Гомер даврида қадимги грек динининг асосий белгилари тарқиб топган, бу динни одатда Фессалия ва Македония чегарасида жойлашган Олимп тоғи номи билан олимп дини деб атайдилар. Қадимги греклар бу тоғнинг қорли чўққисини ўз маъбудлари худоларининг маскани деб ҳисоблаганлар. Уларнинг диний тасаввурларига кўра, худоларнинг уч авлоди мавжуд бўлган. Кекса авлодларни кичик авлодлар ағдариб ташлаганлар. Қадимги истилолар ва қабиладар орасидаги кураш қадимги греклар онгида ана шу тарика фантастик формада акс этиб қолган. Учинчи авлодга мансуб худоларнинг бошлиғи Зевс бўлиб, у момақалдиروق ва чакмоқ худоси, табиатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари худоси ҳамда худоларнинг ва одамларнинг отаси ҳисобланган.

Синфий жамият ривожлангач, олимп худолари кулдорларнинг химоячилари бўлиб қолганлар. Зевс бош басилей сифатида дунёни идора қилган, у бошқа олимп худолари билан кенгашсада, лекин унинг фикри ҳал қилувчи роль ўйнаган. Сиртдан олимп худолари аристократларга ўхшаш бўлганлар. Олимп динининг шаклланиш даври уларнинг хаёлий ташкилотига ва уларнинг ташқи қиёфасига ана шу тариқа акс этган"- Бу дин ўз илдизлари билан крит-микена даврига бориб тақалади.

V **ВОБ**

АНТИК ГРЕЦИЯДА СИНФИЙ ЖАМИЯТНИНГ БОШЛАНИШИ

1. Полисларнинг ташкил топиши. Эрамиздан аввалги VIII—VI асрларда Грециянинг -ижтимоий тараққиёти Гомер даври охирларидан бошлаб ҳамма жойда юз берган илк синфий жамиятнинг қарор топиш процессининг давомидир. Эрамиздан аввалги VIII—VI асрлар даврини анъанага кўра кўпинча архаик, яъни дастлабки давр деб атайдилар, чунки XIX асрнинг учинчи чорағида бошланган ва ҳозиргача давом этаётган буюк археологик кашфиётларга қадар (бу ҳақда олдинги бобларда сўзлаб ўтилган эди) қадимги Греция тарихини одатда эрамиздан бурунги VIII асрдан бошлар эдилар. Бироқ мазкур терминни ҳозирги кунда ҳам сақлаш мумкин, чунки худди эрамиздан аввалги VIII—VI асрларда кулдорлик жамиятининг шаклланиши биринчи марта энг соф ва энг аниқ ифодаланган вариантда юз бермоқда эдики, бу давр фанда антик давр деган ном олган.

Дорийлар истилоси натижасида юз берган узилишдан сўнг Грецияда янгидан кичик-кичик кулдорлик давлатлари пайдо бўла бошлади. Бу давлатлар истехком билан ўраб олинган манзиллардан иборат бўлиб, уларда дехқонларнинг ва айнивақтда кулдорларнинг коллективлари яшаб, улар биргаликда ўзларининг умумий манфаатларини: истехком билан ўраб олинган манзил ёнидаги ўз мулклари бўлмиш ер участкаларини ва ўз мулклари бўлмиш қулларни химоя қилганлар. Бу давлат тузилишлари қадимги грекларда полислар, яъни шаҳар-давлатлар деб ном олган. Натурал хўжалик катта давлат бирлашмалари тузиш учун шарт-шароит туғдирмаган.

Жамоа ер эгаллиги асосан Гомер даврининг охирларида бузилиб кетганлиги сабабли, жамоа аъзоси бўлган дехқонларни Грециянинг кўп районларида крит-микена давридагидек, эксплуатация қилиш эндиликда мумкин бўлмай қолган. Бой ер эгалари ўз қарзларини тўлай олмайдиган камбағал қўшнилари қарз бадалига қул қилиб олганлар. Тобора кучайиб бораётган мулкий табақаланиш эндиликда бой ер эгалари ва кулдорларнинг хукмрон группасига айланган уруғ аристократияси билан Гомер

Давридаги оддий жамоа аъзоларининг авлодлари бўлмиш оддий аҳоли — кишлок ва шаҳар демоси — ўртасида кескин социал ва сиесий зиддиятлар туғдирган.

2. **Манбалар.** Эрамиздан аввалги VIII—VI асрлардаги Греция тарихига ойд манбалар турли вақтларда топилган археологик материаллардан, обидаларга ёзилган жуда оз миқдордаги ёзувлардан, қадимги грек тарихчиларининг — Геродот, Фукидид ва бошқаларнинг шу давр тўғрисидаги қисқа маълумотларидан иборатдир. Беотиялик шоир Гесиоднинг поэмалари ва лирик шоирлар шеърларининг фрагментлари муҳим аҳамиятга эгадир. Архаик даврнинг иккинчи ярмида янги манба — тангалар пайдо бўлади.

Гесиоднинг «Мехнат ва кунлар» номли дидактик поэмасида эрамиздан аввалги VII асрдаги социал-иқтисодий муносабатларни тавсифлаш учун айниқса муҳим материал бор. Поэмада Гесиоднинг ўзининг хўжалиги тасвирланади: беотиялик ўрта ҳолдекон, майда қулдор Гесиод ўзининг икки қули ва бир батраки билан биргаликда эртадан кечгача далада ишлаган. Гесиод дехқоннинг мехнатига ва умуман ҳар қандай мехнат фаолиятига ҳоят ҳурмат билан қарайди. У ўзининг қарчиғай ва булбул ҳақидаги масалида аристократларнинг адолатсизликлари ва жабрзулмларига пассив норозиликни юксак бадий формада мана бундай ифодалаган:

Подшоларга¹ масал айтай энди, улар нечоғ бефаҳм.
Мана бир кун иима демиш латиф хониш булбулга кирғий,
Чангалида тутганича булутлардан учаркан баланд.
Чиркилларди булбул шўрлик, эт-этига ботиб тирноқлар,
Қирғий эса хокимона сўз бошлади булбулга қараб:
«Мунчавало чиркиллайсан? Эй, бечора, сендан зўрманку,
Сен қай йўсин сайрама, олиб кетгум истаган ёкка,
Ёб қўй?{шим мумкин сени, ёки қўйиб юборишим ҳам.
Кучли билан қимки, бахс бойлашса унда заррача эс йўк,
Енга олмас — шўри қуриб хўрлигига хасрат қўшадир»
Мана шундай деди қирғий, йилдиримдай учқур қанот қуш.

(«Мехнат ва кунлар», 202—212, Мухаммад Али таржимасв)

Поэманинг мазмунига қараганда, Беотиядаги жамоа аллақачон бузилиб кетган. Фақат яйловлар ва ўрмонзорлар умумнинг: фойдаланишида қолган. Майда мулкдор дехқон фақат ҳосилсизликдан эмас, балки бой ва зодагон Қўшнилариининг макр-хийлашдан ҳам доимо буткул хонавайрон бўлиш хавфи остида яшатан. Гесиоднинг ўзида ҳам майда мулкчилик психологияси яққол кўриниб турибди. Унинг қўлидагй ер участкаси камликкилади. Шунинг учун у дехқонларга маслаҳат бериб, ҳар бир оилада битта ўғил: бўлса кифоя, ундан ортиқ бўлса, бир қадар тўқ турадуш кечириш учун шусиз ҳам етарли бўлмаган ер участкаси мерсосхўрлар ўртасида бўлиниб майдаланиб кетади, дейди. Гесиод, яна маслаҳат бериб айтадики, ўғлингиз ҳам «фақат бит-

¹ Гесиод аристократларни шундай атайди.

та ўғил қолдирсин» (378). Шум зарурат Гесиодни жуда тежаб-тергаб кўн кечириништа мажбур этади. У давлатманд ҳаёт кечириништа истайди, бошқаларнинг участкаларини сотиб олишни орзу қилади, лекин шу билан бирга ўз еримни қарз бадалига сотиб қўймасинлар, тагин, деб кўрқади. Илк қулдорлик жамиятида деҳқоннинг оғир аҳволда бўлиши Гесиодни инсон табиати ва кишиларнинг турмуш шароити аста-секин ёмонлашиб узоқ ўтмишдаги бахтли олтин даврдан Гесиод замонидаги кайғули темир даврга бораётганлиги ҳақида пессимистик хулоса чиқаришга олиб келади. Унинг замонидаги кишилар онгида синфий зулм бўлмаган ибтидоий жамоа муносабатлари ҳақидаги хотира ана шу тарика сакланиб қолган.

3. Қишлоқ ва шаҳар демоси. Гомер давридаёқ расм бўлган темир қуролларнинг ишлатилиши ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида меҳнат унумдорлигининг тез ўсиб бориши аҳолининг тобора кўпроқ табақаланишига, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ривожланишига, қулдорликнинг тараккий қилишига ёрдам берди. Ҳарбир полисдаги тубжой эркинаҳолисининг ҳаммасини расмангина ўз ичига олган, ҳукмрон қулдорлар синфининг юқори қатламига айланган насл-насабли аристократиянинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлиги энди социал ва сиёсий таракқиётнинг илгарилаб боришига тўсқинлик қила бошлади.

Бу орада полисларнинг шаҳар территориясининг ўзида хўнармандчилик ва савдо-сотик ривожланиб кетган эди. Шаҳар аҳолисида бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган янги даромад манбалари пайдо бўлди. Аста-секин эркин шаҳар аҳолисининг иқтисодий жиҳатдан аристократиядан мустақил савдо-хунармандчилик қатлами пайдо бўлиб, кучая боради, бу қатлам расман бўлса-да сиёсий ҳуқуқларга эга эди, чунки полиснинг бутун эркин тубжой аҳолиси — унинг граждандари ҳамда ибтидоий замонлардан мерос бўлиб қолган халқ йиғинининг аъзолари эдилар. Энди бу мажлис қулдорлик давлат ҳокимиятини олий органи бўлиб қолган эди. Қарзи эвазига қулларга айланг'лрилмаган деҳқонлар ҳам ўз полиси халқ йиғининингтабиий аъзолари эдилар. Сиёсий ҳуқуққа эга бўлган бутун ана шу эркин оддий халқ грекча демос деб аталарди. Амалда у қишлоқ ва шаҳар демосига бўлинарди. Қишлоқ ва шаҳар демосининг манфаатлари кўп ҳолларда бир-бирига мос келмас эди, лекин эрамитдан аввалгиУП—VI асрлардауларни аристократия ҳукмронлигига қарши умумий кураш бирлаштириб келган эди.,

4. Демоснинг аристократияга қарши кураши. Шаҳар демосининг иқтисодий мустақиллиги кўчайиб бориши билан у полисни бошқаришда иштирок этишга ва аристократия ҳокимиятини чеклашга эришиш учун актив ҳаракат қила бошлади. Шаҳар демоси унинг мол-мулкани ва савдо-хунармандчилик фаолиятини аристократиянинг суиистеъмоллардан химоя қиладиган қонунлар чиқаришни талаб қилди. Денгиз савдоси ривожланаётганли-

ги муносабати билан шаҳар демоси активроқ ташқи сиёсат юргизиш масаласини қўйди. Қишлоқ демоси қарз асоратидан қонунчилик йўли билан ҳимоя қилишга муҳтож эди вадехқонларнинг ер участкаларини босиб олишга хотима беришни талаб қиларди.

Социал-иктисодий тараққиёт процесси насл-насабли аристократияга ҳам дахл қилмоқда эди, улар ораеида ҳам мулкий табақаланиш юз бермоқда эди. Аристократларнинг, айниқса камбағаллашиб қолган аристократларнинг бир қисми устахоналар очиш ва савдо-сотикни ташкил қилиш билан ўзишуғуллана бошлади. Бу аристократларнинг манфаатлари шаҳар демоси юқори қатламларининг манфаатлари билан яқинлашган эди.

5. **Тирания.** Насл-насабли аристократиянинг ҳукмрон заминдорлар группаси етилиб қолган ислохотларни ўтказишга қаршилик кўрсата бошлади- Шу сабабли эрамиздан бурунги VII—VI асрларда шаҳар ва қишлоқ демоси ислохотлар учун қатъий курашга киришди- Савдо-хунармандчилик полисларининг кўпчилигида насл-насабли аристократия ҳокимияти ағдариб ташланди ва ҳокимият демоснинг вакиллари бўлмиш ҳукмдор тиранлар қўлига ўтди («тиран» («мустабид»), тушунчаси Греция тарихининг архаик даврида салбий маънога эга эмас эди).

Шу тариқа эрамиздан аввалги VII—VI асрларда иктисодий жиҳатдан ривожланган бир қанча полисларда давлат ҳокимиятининг янги формаси пайдо бўлдики, бу форма фанда бош ёки илк тирания номи билан машҳурдир. Тиранларнинг кўпчилик қисми демоснинг юқори қатламларига ёндошган аристократия группасидан чиққан кишилар эди. Улар зўр бериб эски зодагон аристократлар ҳуқуқларини чеклаш сиёсатини юргиздилар, уларга қарашли ерларнинг бир қисмини мусодара қилдилар, эски тартибларнинг энг актив тарафдорларини қириб ташладилар ёки ҳайдаб юбордилар. Лекин асли аристократлар уруғидан чиққан тиранлар кўпинча тутуруксиз сиёсат юргиздилар ва шу билан уларни юқори мартабага қўтарган демосни ўзларига қарши қуроллантирдилар.

Тирания нечоғли номукамал бўлишига қарамай, ўша вақтда прогрессив ҳокимият эди. Қўзғолон қўтарган демоснинг тепасига аристократиядан бўлган кишиларнинг чиқиб олганлигига сабаб шу эдикй, дастлабки пайтларда улар демоснинг ўз орасидан чиққан тубжой вакилларига қараганда давлат ишида катта тажрибага эга эдилар.

Тўнғич ёки илк тирания қисқа муддатли эди. Аристократлар ҳокимиятини емириб ташлаб, демоснинг фаолияти учун кенг майдон очиб бергандан кейин тиранлар энди керак бўлмай қолган эди. Тирания замонида демоснинг манфаатларини кўпроқ изчиллик билан ҳимоя қилган* сиёсатчилар етишиб чиқиб, сиёсий тажриба орттирган эдилар. Шунинг учун яна қўзғолонлар юз берди, аммо энди бу қўзғолонлар тиранияга қарши қаратилган эди.

6. Кулдорлик демократияси ва олигархия. Тирания ағдарилгандан кейин иктисодий жиҳатдан кўпроқ ривожланган полисларда одатда ғалаба қозонган демоснинг янги ҳокимият формалари барқарор қилинарди. Зодагонларнинг ҳуқуқлари чекланиб, ер мулклари мусодара қилингандан кейин граждандларнинг мулкӣ табақаланиши унчалик катта бўлмаган полисларда кулдорлик демократияси, яъни айни полисдаги эркин тубжой аҳоли демократияси пайдо бўлди. Аввал аристократлар ҳокимияти ва ундан кейин тирания ҳокимияти ағдариб ташланган полисларда эса мулкӣ табақаланиш кескин тусга кирган эди ва шунинг учун уларда олигархия (яъни озгина кишилар ҳокимияти) пайдо бўлган эди. Аристократия (бу ҳам-озгина кишилар ҳокимиятидир) билан олигархия ўртасидаги фарқни яхшилаб билиб олмақ керак. Аристократия уруғдошлик тузуми бузилгандан кейин дарҳол пайдо бўлган илк кулдорлик жамиятидаги ҳокимият эди. Иирик заминдорлар ва кулдорларнинг ҳукмрон аристократлар группасининг ҳокимияти фақат уларнинг иктисодий қувватига эмас, балки насл-насабига, уруғ-қабил аънаванасига ҳам асосланарди. Олигархия эса ҳокимият формаси сифатида юқориқ иктисодий ва социал даражада пайдо бўлади. Олигархия ҳокимияти уларнинг бойлигига ҳамда у билан боғлиқ бўлган иктисодий ва сиёсий қудратга асосланарди. Олигархлар составида демоснинг энг бой вакиллари бор эди, улар орасида насл-насабли аристократларнинг бой авлодлари ҳам бор эди.

Архаик даврнинг охирларида (эрамиздан бурунги VI асрда) пайдо бўлган кулдорлик демократияси ва кулдорлик олигархияси эрамиздан бурунги V асрда, яъни архаик даврдан кейинги классик даврда тўла ривож топди.

Аристократларнинг мағлубиятга учраши одатда полис территориясининг уруғ-қабиллага қараб бўлинишини ва кулдорлик жамиятининг янада ривожланишига ҳалақит бераётган ўтмишнинг бошқа сарқитларини тугатишга олиб келарди. Қаттиқ синфий ва сиёсий курашни мисоллар билан тасвирлаб кўрсатиш мумкин. Чунончи, Пелопоннеснинг шимолий қисмида жойлашган Сикиона шаҳрида эрамиздан аввалгӣ VI аср бошларида аристократлар ҳокимияти ағдариб ташлангандан кейин учта аристократик уруғ-қабил филаси ўрнига тўртта фила ташкил этилган. Тўртинчи филага полиснинг келиб чиқишидан қатъи назар ҳамма имтиёзсиз аҳолиси кирган. Янги фила архелайлар, яъни «халқ бошлиқлари» деб ном олган, илгариги аҳамиятини йўқотган эски аристократик филаларга эса «эшақхонйлар», «чўчкақахоналар» ва «чўчкақахоналар» детан йом берилди.

Эрамиздан аввалги VI асрда Мегара савдо хунармандчилик полисида ҳам аристократия ағдарилиб, тирания пайдо бўлган. Бу нолисидаги воқеаларнинг ёркин манзарасини бизга шоир Феогнид ўз элегияларида тасвирлаб қолдирган. Шоир Феогнид ҳам бошқа маҳаллий аристократлар қаторида ўз туғилган шаҳридан қувилган ва мол-мулкидан маҳрум этилган эди. Уғазабланиб,

демосга ва аристократлар ўрнини олган илк тиранияга нафрат билан қараган. Феогнид шеърларидан олинган парчаларга қараб, демоснинг аристократияга қарши курашининг сабаблари ва кескинлиги ҳақида фикр юргизиш мумкин.

Шахримиз ҳамон шундай ...аммо одамлар ўзга.
Конуни фарқ қилмаган, адолат — не — билмаган,
Кийим топмай, устига эчки тери ёпиниб,
Буғу каби далада ўтлаб юрган кимсалар —
Номдор саналур бугун. Номдор бўлдим, тамом,
Пасткашликка тутар юз. Ким ҳам чидайди бунга?.. (53—58)
...От, куй, эшакларни ҳам сайлаб-сайлаб оламиз,
Зотдор бўлса ва бизга яхши насл берса, деб.
Аммоки яхши одам уйланади тап тортмай
Палид, расво аёлга: пўли бўлсин ишкилиб.
Аёл ҳам жон деб тегар пасткаш эрга, у одам
, Бой бўлса бас. Шул эрур аёлга энг муҳими. (83—88)
(«Элегиялар», Мухаммад Али таржимаси)

Эраимиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошида Кичик Осиё ва Грецияда қумуш ва электра (қумуш билан олтиннинг табиий қотишмаси) тангаларнинг пайдо бўлиши. гуркираган социал-иқтисодий таракқиётнинг натижаси эди.

Кичик Осиёдаги грек шаҳарлари Болқон Грециясининг полисларига қараганда аристократия билан демос ўртасидаги кураш даврини илгарироқ кечирган ва бой савдо-хунармандчилик марказларига айланган эдилар. Бунга уларнинг қадимги грек ва қадимги шарқ дунёларининг туташган жойида эгаллаган транзит географик мавқеи ёрдамлашган эди. Утмишда аҳайя аҳолисининг бир қисми Болқон Грециясидаги дорийлардан Кичик Осиё соҳилига қочган эди. Бу ҳам худди Кичик Осиё соҳилида қадимги аҳайя маданияти элементларининг кўп миқдорда сақланиб қолишига ҳамда социал-иқтисодий ва маданий таракқиётининг узлуқсиз боришига ёрдамлашган эди. Шу сабабли ион грек полислари эраимиздан аввалги VII—VI асрларда ўша вақтдаги Грециянинг энг илғор райони эди. Улар орасида айниқса Милет ажралиб турарди.



7. Буюк грек мустамлакачилиги. Қадимги Грециянинг кўп районларида кишлок хўжалиги учун яроқли ерлар етарли бўлмаган бир вақтда мулкый табақаланиш ернинг етишмовчилигига эрта олиб келган. Кўпгина клерсиз граждандар пайдо бўлган.. Хунармандчиликда арзон қул меҳнатидан фойдаланишнинг ривожланиши бу граждандарнинг кўпчилигига хунарманд бўлиш имкониятини бермаган- Полиснинг кичик территорияси ва унинг паст иқтисодий даражаси камбағаллашиб қолган граждандарнинг фақат озгина қисмини ўз доирасида бир амаллаб қун кўришини таъмиилай олган, холос- К- Маркс ҳам бунга эътибор бериб ёзган эди: «Ишлаб чиқарувчи қучларнинг етарлича ривожланмаганлиги граждандлик ҳуқуқшш муайян миқдор нисбатига қарам қилиб қўйган эди ва бу нисбатни бузиш мумкин эмар эди. Бирдан-бир нажот йўли мажбурий муҳожирилик эди»¹.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс Соч., т. 8. стр 567—568.

Юкорида тасвирланган социал-иктисодий ва сиёсий тараққиёт ортиқча гражданларни ўз туғилиб ўсган полисларидан доимий ва ҳатто антик замон микёсида оммавий равишда кўчиришлари билан бирга борган. Бу кўчиришлар эрамиздан аввалги VIII аср охирларидан ваайниқса эрамиздан аввалги VII ва VI асрларда шу қадар кенг микёсда кўпайиб кетганки, тарихга улар буюк грек мустамлакачилиги номи билан кирган. Биринчи ва асосий сабабдан ташқари, колонизациянинг ривожланишига денгиз савдо-сотиғи ёрдам берган. Учинчи сабаб — бу даврда грек полисларида синфий ва сиёсий гурашнинг кескинлашуви бўлган. Одатда мағлубиятга учрагансоциал ва сиёсий гуруҳларнинг энг актив вакиллари туғилиб ўсган полисидан ё хайдаб юбориларди, ёки ихтиёрий равишда кўчиб кетишарди. Улар кемаларга тушиб Урта денгизнинг ёки унга туташ денгизлар соҳилидаги бирор манзйлига сузиб боришар, денгиз бўйидан кишлоқхўжалиги учун қулай бўлган, денгиз томони очиқ ва лекин денгиз тўлкинларидан қўлтиқча орқали етарлича химоя қилинган жой танлаб олардилар.

Аҳолининг бир қисмини туғилиб ўсган шахрдан кўчириш кўпинча ташкилий суратда бўларди. Бир группа кўчманчилар ўз ораларидан рахбар сайлар эдилар ва бу рахбар ойкист (асосчи) деб аталарди. Уртада пул йиғишиб, бир ёки бир неча кемани сафарга ҳозирлардилар. Бу кемаларга оз-моз запасларни, асбобларни, қуролларни ортиб, мусофир юртда апойкия (қолонич грекча шундай деб аталарди) таъсис этиш учун узоқйўлга равона бўлардилар. Янги жойда таниш бўлмаган келгиндиларга шубҳа билан ва баъзан ҳатто душманлик билан қарайдиган қабилалар билан қўшниликда биргалашиб истехком билан ўралган посёлка куриш, экин қилинадиган ерларни ўзлаштириш, маҳаллий аҳоли билан муносабатни йўлга қўйиш ва шу каби ишларни қилиш керак бўларди. Бундай шароитда уруғлар ва қасблар ўртасида илгари ўз ватанларида турган вақтларида мавжуд бўлган тоифавий бидъат ва адоватлар ўртадан кўтарилиб, орқага суриларди. Бу ҳол кўпчилик колонияларнинг социал-иктисодий жиҳатдан тез тараққий қилишига ёрдамлашди. Аммо улар билан колонияларни чиқариб юборган полислар ўртасида озми-кўпми яқин муносабат сақланиб қолганлиги сабабли, колониялар ўз метрополияларида, яъни она шаҳарларида (греклар колонияларни кўчириб юборган шаҳарларни шундай деб атардилар) ҳамижтимоий тараққиётни рағбатлантира бошладилар. Колониялар мустақил полислар (шаҳар-давлатлар) эдилар.

Даставвал греклар Эгей денгизининг шимолий соҳилини ўзлаштирганлар, ундан кейин эса грек колонизациясининг уч асосий йўналиши: ғарбий, жанубий ва шимоли-шарқий йўналишлари аниқланган. Грек денгизчилари Жанубий Италияга ва Сицилия оролига жуда эрта қўнганлар. Эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ Италиянинг ғарбий соҳилида грекларнинг Куми колонияси барпо этилган. Эрамиздан аввалги VIII асрнинг охирид



Эрамиздан авалги VIII—VI асрларда грек истилолари.

ва VII асрда Италиянинг жанубида Кротон, Сибарис, Тарент каби шаҳар-колониялар равнақ топган. Аини вақтда Сицилия соҳилларини колониялаштириш ҳам амалга оширилган. Бунда бир қанча шаҳарлар пайдо бўлиб, улардан энг каттаси Сиракуза экан.

Колониялаштириш Урта денгизнинг шимолий соҳили бўйлаб ғарбга томон яна давом эттирилган, чунки Урта денгизнинг ғарбий қисмининг жанубий соҳилида финикияликлар ҳукмронлик қилганлар, бунда улар ўзларининг Карфаген колониясини барпо этганлар. Италиянинг шимоли-ғарбий томонида грекларнинг* энг катта колонияси Массалия шаҳри бўлган (ҳозирги француз шаҳри Марсель районида).

Иониянинг архаик даврда энг гуркираб ривожланган грек савдо-хунармандчилик полислари Эвбея оролидаги Халкида ва Эретрия Коринф ва бошқалар колониялар ишғол қилганлар. Лекин умумий коидалардан истиснолар ҳам бўлган. Масалан, Италиянинг жанубида келгусидаги йирик грек колонияси Тарентни қолоқ Спартадан чиққан кишилар баргю этганлар; бу кишилар сиёсий сабабларга кўра Спартани тарк этганларг

Грек колонизацияси шиг жануб томондаги — Шимолий Африка соҳилидаги — иккинчи асосий йўналишида колониялар камрок бўлган, бу колониялар орасида дорийларнинг Болқон ярим-оролининг жануб томонида жойлашган Кирена колонияси муҳим аҳамиятга эга бўлган. Лекин эрамиздан бурунги VII асрнинг охирларида Нил дарёсининг хавзасида барпо этилган Навкратис шаҳри Африка соҳилидаги муҳим колония бўлган. Бу шаҳарнинг бошқа кўп грек колонияларидан фарқи шуки, уни 12 грек шаҳридан чиққан ва Миср билан савдо-сотик қилишдан манфаатдор бўлган кишилар биргалашиб барпо этганлар. Бу, шаҳар ички мустақиллигини сақлаган ҳолда, Миср маъмуриятига итоат қилган. Навкратис ўзаро фойдали- грек-миср савдо-сининг энг йирик маркази бўлиб қолган.

Грек колонизациясининг учинчи асоeий йўналиши, юкорида айтиб ўтилганидек, шимоли-шарқий йўналиш бўлган- Греклар Эгей денгизининг шимолий соҳилини ўзлаштириб олгандан кейин ўз колонияларини Геллеспонт қирғоғига (Дарданелл бўғози) сура бошлаганлар, сўнгра улар Пропонтиданинг (Мармар денгизи) жанубий (Осиё) қирғоғини ишғол қилишга киришганлар

ва ниҳоят Фракия Боспори (Босфор) сохилларига бориб жойлашганлар. Бу районларда барпо этилган колониялар орасида Мармар денгизининг Осиё томонидаги қирғоғида жойлашган савдохунармандчилик шаҳри Қизик айниқса муҳим ўрин тутган. Боспорнинг осиё қирғоғида Мармар денгизи ёнида дехкончилик колонияси Халкедон барпо этилган. Бирмунча кейинроқ Боспорнинг Европа томонидаги қирғоғида Олтин шох—Золотой Рог ёнида грекларнинг янги савдо колонияси Византий пайдо бўлиб, сўнгра бу шаҳар Қора денгиз бўйидаги йўлларда транзит порти бўлиб қолган ва бу портдан греклар асосан ғалла ташиб келтирган. Византий колонияси ўз тараққиётида дехкончилик колонияси Халкедондан тез орада ўзиб кетган.

Эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ греклар Босфордан Қора денгизнинг жанубий қирғоғи бўйлаб сузиб борганлар ва узок шарқ томонида темир ишланадиган жойда Синопа колониясини барпо этганлар. Лекин Қора денгиз бўйларига ундан кейин янада кириб бориш тўсқинликка учраган. Грециянинг шимолий шарқида жоёлашган, ороллари бўлмаган жўшқин Қора денгиз (бу денгиз эронча Ахшайна, яъни «қора» деб аталган, сувининг рангига қараб шундай деб ном берилган, чунки очик денгизда унинг суви маълум вақтгача қора бўлиб кўринади) трек денгизчилари учун қийинчилик туғдирган. Унинг қирғоқларида жанговар қабилалар жойлашган ва бир қанча жойлари савдогарлар ва қўчманчиларнинг келиб қўниши учун хавфли бўлган. Шу сабабли денгизнинг маҳаллий номини эшитган греклар уни ўзларича ўзгартириб, аввалида Понт Аксин, яъни «бадқовоқ денгиз» деб атаганлар.

Лекин вақт ўтиб бориши билан грек колониялари ҳар ҳолда аввал Қора денгизнинг ғарбий соҳилида пайдо бўлган, эрамиздан аввалги VII асрнинг охирида эса унинг шимолий соҳили ёнида Березань оролида Днепр-Буг лимани яқинида милетликларнинг кичикроқ грек савдо-сотик колонияси ҳам юзага келган. Унинг кетидан Шимолий Қора денгиз бўйларида бир қанча грек шаҳарлари қурилган— Маҳаллий қабилаларнинг насл-насабли аристократлари грек ҳунармандчилик буюмларини ғаллага ва бошқа озиқ-овқат моллари ва хом ашёга айирбошлаш йўли билан сотиб ола берганлар. Милетлик греклар Буг дарёсининг ўнг қирғоғида Днепр-Буг лимани ёнида Шимолий Қора денгиз бўйларидаги энг муҳим грек колонияларидан бири — Ольвияни барпо этганлар. Милетликлар эса Кримда Феодосия шаҳрини қурганлар. Қиммер Боспори (Қерчь бўғози) қирғоғида ҳозирги Қерчь шаҳри ўрнида Пантикапей шаҳрини барпо этганлар, бу шаҳар кейинчалик Шимолий Қора денгиз бўйида йирик марказ ва Боспор подшолигининг пойтахти бўлиб қолган. Кавказ қирғоғида милетликлар Диоскуриада колонияларини (ҳозирги Сухуми яқинида) барпо этганлар.

Иониялик греклар Тамань ярим оролида Кубань дарёси хавзасида бир қанча колониялар барпо этганлар, булар орасида

Фанагория колонияси айникса ажралиб турган. Греklar Меотидага ҳам (Азов денгизи) кириб, унинг шимолий-шарқий қирғоғида, ҳозирги Ростов-Дон яқинида энг шимолий колония Танаисни барпо қилганлар.

Кора денгизнинг жанубий қирғоғида жойлашган дорийлар колонияси Гераклеядан эрамиздан бурунги V асрнинг бошларида Кримнинг жанубий қирғоғига Херсонес колонияси қўчирилган (ҳозирги Севастополь яқинида).

8. Антик кулликнинг ривожланиши. Давлатманд хўжайинлар ўз хўжаликларида меҳнатидан фойдаланиладиган қарам аҳоли ёки етарли микдордаги камбағаллар шу жойда йўқлиги сабабли четдан келтирилган кулларни қўлаб сотиб ола бошлаганлар. Кул бозорлари пайдо бўлиб, қўпайиб кетган, бу бозорларда ҳарбий асирларни, қулфурушлар қароқчилардан сотиб олган кишиларни, қарзини тўлай олмаганлиги учун ёки қонунни бузгани учун жазо тариқасида кулларга айлантирилган кишиларни сотганлар. Қулфурушларнинг ва қул харид қилувчиларнинг нуктаи назарича, улар сотган ёки сотиб олган куллар одамликдан чиқиб, ўз хўжайинларининг буюмларига айланадилар. Кулларнинг бундай аҳволи қонун йўли билан мустаҳкамланган (грек тилида сотиб олинган кулларни билдириш учун «андраподон» деган махсус сўз пайдо бўлган, бунинг маъноси — «одам оёкли» демакдир). Шундай қилиб, архаик даврда грек йолисларида куллик энг соф ва кескин формасида пайдо бўлиб ривожланган ва у антик куллик деб ном олган.

Лекин грек метрополиясининг ҳам, колонияларининг ҳам турли районлари нотекис ривожланган. Болқон Грециясининг денгиз гаванларидан йироқдаги жойларида ибтидоий эскилик сарқитлари узок вақтгача сақланиб қолган. Бу полисларда эски аристократлар ҳукмрўйлик қилганлар. Улар секинлик билан аристократик олигархияга айланиб борганлар. Бу ерда тираниялар пайдо бўлмаган. Ҳақиқатда қулга айлантирилган қишлоқ аҳолиси маҳаллий аристократларга ёки олигархларга меҳнат қилиши лозим бўлган ва хўжайинлар қишлоқ заҳматқашларига фақат тирик юришига етар-етмас овқат қолдирганлар. Лакония, Арголида, Фессалия, Крит ва бошқа жойларда аҳвол шундай бўлган.

УЎБОВ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ VII—V АСРЛАРДА ҚАДИМГИ СПАРТА

Спарта давлати Пелопоннеснинг жанубида жойлашган. Бу давлатнинг пойтахти Спарта деб аталган, мамлакатнинг ўзи эса Лакония деб ном олган.

Фукидид, Ксенофонт, Аристотель ва Плутарх асарлари ҳамда спарталиқ шоир Тиртейнинг шеърлари Спарта давлатининг

тарихига оид энг асосий манбалардир. Бундан ташқари, археологик материаллар ҳам йил сайин тобора катта ахамият касб этмоқда-

1. Спарта давлатининг пайдо бўлиши- Спарта архаик Грециянинг энг қадимги давлати бўлиб, эрамыздан аввалги IX асрда дорий қабилалари кўчишининг энг сўнгги даврида пайдо бўлган; бу даврда Лакония, Аркадия ва Ахайядан бошқа ҳамма областлар илгарироқ бу ерга кўчиб келган дорийлар томонидан ишғол қилинган. Вақт эътибори билан дорий кўчманчиларининг бу сўнгги қабилалари узоқ кураш давомида, гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб бўлиб, Лаконияни забт этганлар. Дорийлар Лаконияни босиб олгандан кейин маҳаллий аҳолини ўзларига бўйсундирганлар. Эзиш аппаратиغا зарурият туғилган. Спарта давлати шу тарика пайдо бўлган.

Пелопоннес территориясига бостириб кирган дорийлар маҳаллий аҳолига нисбатан анча кам бўлганлиги ва бу истилочилар хали уруғдошлик тузумининг бузилиш босқичида турганликлари сабабли, уларнинг ҳукмронлиги жуда ўзига хос бир тарзда бўлган. Маҳаллий аҳоли ўз манзилида қолган-у. аммо келгиндилар учун ишлаши лозим бўлган. Аммо лекин тубжой аҳолининг ҳаёти қулларнинг ҳаётича ҳам қадрланмаган, чунки қулларни ўз хусусий мулки ҳисобловчи қулдорлар уларнинг ҳаётидан маълум даражада манфаатдор бўлганлар, бироқ маҳаллий аҳолига келганда, аксинча, улар сонининг кўпаймаслиги келгиндилар учун фойдали бўлган.

2. Спарта аҳолисининг состави. Серхосил водийларда яшган маҳаллий аҳоли ҳуқуқсиз илотларга айлантирилган. «Илот» номининг ўзи ҳозирга қадар ҳам равшан эмас- Бу ном бир вақтлар дорийлар забт этган Гелос шаҳри номидан келиб чиққач бўлса керак, деган фараз бор.

Истилочилар — дорийлар — ўзларини ўз бош шаҳри Спарта номи билан спарталиклар деб атаётганлар.

Пелопоннес территориясидаги тбғлижойларда яшовчи қабилалар ҳамда дорийларга ихтиёрий равишда бўйсунган ахайяликлар, периеклар кўшнилари деб аталган. Бу аҳоли гарчи тенг ҳуқуқли бўлмаса-да, лекин асоратга солинмаган.

Спарта аҳолисининг асосий синфлари — табақалари спарталиклар, периеклар, илотлар ана шу тарика вужудга келган.

3. Дехқончилик. Лакониянинг экономикаси жуда кам ривожланган ва ибтидоий даражада эди. Бунда асосий машғулот дехқончилик эди. Қадимги Спратодаер хусусий мулк эмас эди. Бутунер жамоага қарашли бўлиб, жамоа ўз аъзоларига вақтинча фойдаланиш учун алоҳида участкалар берибтурарди. Улар ерни сотолмас ва ижарага беролмас эдилар, чунки ер жамоа мулки эди. Ер жуда ибтидоийқуроллар: ибтидоий омор, мотиға билан ишланарди. Сули, арпа, буғдой, палба экардилар. Сабзавот ҳам ўстириларди. Спарталикнинг ўзиваунинг оиласи ўз участкасида ишламас эди. Унинг участкасини унга биркитиб қўйилган илот-

лар ишлаб экин-тикин қилар эдилар. Спарталиклар илотлардан кўрқар эдилар, шунинг учун кечаси битта ҳам илот Спарта шаҳри территориясида бўлмаслиги лозим эди. Илотлар ҳосилнинг миқдоридан қатъи назар натурал оброк тўлардилар, яъни ўзлари ишлаб экин-тикин қилган участканинг эгаси бўлмиш спарталикка маълум миқдорда дон, қора мол, ўсимлик мойи ва бошқа маҳсулотлар топширишлари керак эди. Бу оброк жуда катта эди, шунинг учун ҳам илотлар ўз оилалари билан қашшоқларча кун кечирардилар.

4. Хунармандчилик. Спартада хунармандчилик жуда кам ривожланган эди. Хунармандчилик билан периэklar шуғулланардилар. Улар энг зарур нарсаларнигина тайёрлар эдилар- Уйлар фақат икки асбоб: болта ва арра ёрдамида қуриларди. Куролларни такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил қилиш ҳақида ҳеч ким ўйламас эди, бунинг устига бу иш Спарта давлати томонидан тақйқлаб ҳам кўйилган эди- Шундай қилиб, кўп асрлар давомида Спарта хунармандчилиги тараққиётнинг муттасил паст даражасида туриб қолган эди.

5. Савдо-сотик. Спарта давлати ҳар қандай ташқи савдони тақйқлаб кўйган эди. Бирорта ҳам ажнабий савдогар Спартага келолмас эди. Бошқа мамлакатлардан ҳеч қандай товар келтирилмас эди. Савдо-сотик фақат мамлакат ичида маҳаллий бозорларда қилинарди. Спарта пулларининг ноқулайлиги ҳам савдо оборотларини қийинлаштириб кўйган эди. Пуллар темирдан бўлганлигидан жуда оғир эди. Бундан ташқари, озик-овқат маҳсулотларига ёки хунармандчилик буюмларига тўлаш учун бундай пуллардан кўп миқдорда керак эди. Пуллар ҳозиргидек ҳамёнларда олиб юрилмасдан, балки махсус омборларда сақланарди. Бозорга бормокчи бўлган киши бу пулларни аравага юклаб олиб бориши лозим эди. Бу вақтда бутун Грецияда қумуш пул юрса-да, лекин Спартада қумуш пулга рухсат этилмас эди ва савдо-сотикни қийинлаштириш учун атайин темир пул ишлатиларди. Спарта давлати шундайчоралар билан чет эллар таъсиридан сақланишга ва спарталикларни қаноатлантириб келаётган ибтидоий муносабатларнисақлаб қолишга интиларди, чунки бу муносабатлар илотларни эксплуатация қилиш асосида моддий фаровонликнинг керакли даражасини уларга таъминлаб берарди.

6. Спарталикларнинг турмуши ва тарбияси. Спартанинг имтиёзли синфи (табақаси) бўлган спарталиклар «тенглар жамоаси» деб аталадиган жамоани ташкил этардилар. Бу — уруғдошлик жамиятидан синфий жамиятга ўтиш даври учун характерли бўлган ҳарбий. демократия қолдиғи эди. Лекин «тенглар жамоаси» Спарта қулдорлик давлати шароитида илотлар ва периэklarни бостириш учун ҳукмрон синфнинг (спарталиклар табақасининг) ҳарбийлаштирилган бирлашмаси эканлиги маълум бўлди.

Спарталиклар ҳарбий иш билан шуғулланганлар. Фақат ана

шу харбий ишгина спарталикка муносиб машғулот ҳисобланган. Спартада кучли ва мустаҳкам жангчилар тарбиялаб етиштириш учун махсус тарбия системаси мавжуд бўлган.

Янги туғилган ҳар бир чақалокни Спарта олий маҳкамаси герусияга, яъни оксоколлар кенгашига олиб борганлар, шундаёқ махсус комиссияда чақалокни тирик қолдириш ёки ўлдириш кераклиги ҳал қилинган. Агар чақалок заиф ва дардчил туғилган бўлса, уни қоя устидан пастга улоқтириб юборганлар. Соғлом ва кучли чақалокни тирик қолдирганлар, лекин у етти ёшгача онаси қўлида тарбияланган. Сўнгра у жамоат мактабига бориб, то балоғат ёшига етгунча, яъни 18 ёшгача шу мактабда турган. Мактабда у истикомат қилган ва ўқиган. Мактабда тартиб-қоида жуда қаттиқ бўлган. Уғил болалар ёстиксиз қаттиқ бўйра устида ётиб, усларига енгилгина кўрпа ёпиб ухлаганлар. Уларнинг биттагина киядиган кийими плашч (гиматий) бўлган. Улар кишин-ёзин оёқ яланг ва бош яланг юришган. Улар исикка ҳам, совуқка ҳам баб-баравар чидамли бўлишлари лозим эди.

Спарта ўғил болаларини чидамли қилиб тарбиялаш учун уларни очликка ва ташналикка ўргатганлар. Баъзи кунларда уларга сира сув ичиртирмаганлар. Уларни баданнинг оғришига чидашга ҳам ўргатганлар. Шу мақсадда кичик ёшли гуруҳпадан катта ёшли гуруҳпага ўтганда ёш спарталикларни тантанали вазиятда калтаклаганлар. Калтаклаш маросимига қохина раҳбарлик қилган, калтаклаш чоғида қохина қўлида Артемиданинг кичкина ҳайкалчасини ушлаб турган. У қўлидаги ҳайкалчани юқори кўтарганда калтак зарби бўшашган, пастга туширганда эса калтак зарби кучайган. Калтаклаганда ҳеч бир спарталик ўғил бола додламаган ва инграмаган, чунки бу уят ҳисобланган.

Мактабда ўғил болалар жисмоний машқ ва харбийиш билан шуғулланганлар. Тарбиядан мақсад — кучли, чиниққан жангчи етиштириш эди. Улар ўқиш, ёзишни, ҳисоблашни, қўшиқ айтишни ва раке қилишни ўрганганлар, ватанпарварлик мавзуидаги шеърларни ёдлаганлар, фалсафа ва суҳандонлик билан шуғулланишга руҳсат этилмаган; Уғил болалар мумкин қадар қисқароқ сўзлашга ўргатилган (русча «говорить лаконично» деган ибора Лаконика мамлакати номидан олинган). Онанинг ўғлини урушга кузатаётганда айтадиган сўзлари бундай лаконизмга мисолдир. Она ўғлига қалқонни бера туриб: «Қалқон билан ёки қалқонда қайт» деган.

Грециянинг бирдан-бир мамлакати Спартада хотин-қизларни тарбиялашга катта эътибор берилган. Унда аёллар ҳаммининг ҳурматини қозонган. Спарталиклар, фақат соғлом онадан соғлом бола туғилади, деб ҳисоблаганлар. Шу сабабли қизлар уй-рўзгор иши билан шуғулланмаган. Бу ишларни йлот аёллари бажарган. Спарта аёлларай эса болалик чоғидан гимнастика ва спорт билан шуғулланганлар, улар ўғил болалар каби

қиш, ёзиш ва ҳисоблашни билганлар. Спартада гимнастика ва енгил атлетика бўйича мусобакалар ўтказиб турилган. Аванал йигитлар, сўнгра қизлар мусобакага чиқишган. Югуришда голиб чиққан спарталиқ қизнинг хайкали сақланиб қолган.

Спарталиқлар балоғат ёшига етгач, уйланиб оила қурганлар, лекин уларнинг уйлангандан кейин ҳам бутун ҳаёти соф ҳарбийча тарзда ўтган. Улар эртадан кечгача кун бўйи мактабда бирга ўқиган ўртоқлари билан ҳарбий отрядда бўлишган, бирга ҳарбий машқлар қилишган ва бирга овқатланишган. Улар аскарӣ бўлинмалар бўйича тушки овқат қилганлар. Бу тушки овқат Спартада фидития деб аталган, бошқа шахарлардаги греклар уни сиссития деб аташган.

Фидития аъзолари «тенглар жамоаси» ни ташкил этганлар ва ҳамма сиёсий ҳуқуқларга эга бўлганлар. Фидитияга аъзо бўлмоқ учун умумий тушки овқатга муайян миқдорда натура билан ҳақ тўлаш керак эди. Агар спарталиқ камбағаллашиб қолса ва тушки овқат ҳақини тўлай олмаса, фидитиядан чиққан исобланган ва шу билан «тенглар жамоаси»дан ҳам чиқиб қолган. У сиёсий ҳуқуқларини ҳам йўқотган.

Спартача тарбиянинг ҳам, спарталиқларнинг кейинги ҳаётининг бутун йўналиши ҳам мамлакатнинг ҳарбий қувватини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Спарталиқ энг аввал жангчи бўлиши лозим эди. Бу эса ташқи душманнинг яқинлигидан эмас, балки эзилган, душманлик кайфиятида бўлган илот аҳолиси билан доимо бирга яшашдан келиб чиққан зарурат эди.

7. Илотлар. Спарта давлатининг бутун фаолияти илотларни итотда тутишга қаратилган эди.

Илотлар бутунлай ҳуқуқсиз эдилар. Спарталиқ илотни ўлдиришга ҳақли эди. Бугина эмас, ҳар йилда бир марта «криптия» деган хунрезлик қилинарди («криптия» — грекча «ўлдириш» демакдир). Спарталиқ йигитлар кечалар бирга йиғилишиб, ўзларини танитмаслик учун никоб ва узун плашч кийиб олишар, сўнгра илотлар манзилига равона бўлишарди. Агар йўлда илотларни учратиб қолишса, ҳужум қилиб уларни ўлдиришарди. Спарталиқлар энг ёш ва қучли илотларни ўлдиришга ҳаракат қилардилар. Спартанинг бошқа аҳолисидан ажралиб туривд учун илотлар махсус кийим кийишар, бошларига эса ит терисидан телпак кийишарди. Армияда илотлар ёрдамчи ва зифаларни бажарардилар.

Бир сафар 2000 илот алоҳида шавкат кўрсатганида, спарталиқлар уларга озодлик ваъда қилиб, бўйинларига танланали гулчамбарлар осганлар ва худоларга сиғиниш баҳонаси билан уларни бир ибодатхонадан иккинчи ибодатхонага олиб боргандар. Бир мунча вақтдан кейин илотлар ном-нишонсиз йўқолган ва ўларнинг нима бўлганини ҳеч ким айта олмаган.

Бундай ваҳшийлик муносабатларига илотлар кўзғолон кўтариш билан жавоб берганлар. Эраמידан аввалги 464—455 йил-

лардаги кўзғолон айниқса катта кўзғолон эди. Бу қадимги Грецияда энг каттиқ синфий курашнинг юз бериши эди,

Илотлар кўзғолонлари — Грецияда кулларнинг биринчи кўзғолонларй эди. Илотлар бутун-бутун манзилларда биргаликда яшаганлари сабабли, уларнинг стихияли суратда кўтарилган кўзғолонларида уюшқоқлик элементлари намоён бўлган эди.

Илотларнинг ижтимоий аҳволи ва қандай синфга мансубли • ги масаласи илмий адабиётда бир неча марта ўртага қўйилди. Баъзи олимлар илотларни куллар эмас, балки крепостнойлар деб ҳисоблайдилар. Лекин Спарта кулдорлик жамиятининг иктисодий жиҳатдан тараккий қилмаганлигини, унинг хўжалиги архаик эканлигини, жамоа ер эгалиги мавжудлигини унутмаслик керак- Илртлар, шубҳасиз, куллар эдилар, чунки уларнинг аҳволи бошқа грёк давлатларидаги кулларнинг аҳволидан баттар эди. Антик авторлар бу ҳақда жуда кўп гапирдилар. Псевдо-Ксенофонтнинг «Полития»си буни айниқса яққол тасвирлаб беради.

Илотларнинг ҳаёти ҳеч нимага арзимас эди, криптиялар вақтида эса ҳатто уларни ўлдириш буюриларди-

Бошқа грек давлатларидаги куллар билан илотлар ўртасидаги фарқшунданиборат эдики, илотлар хусусий хўжайинларга эмас, балки бутун Спарта жамоасига қарашли эдилар, чунки Лакония илотларини кулликка солиш даврида спарталикларда ижтимоий жамоа муносабатлари ҳали йўқолган эмас эди.

Илотизм дорий қабилаларининг Пелопоннесни забт этиши натижасида юзага келган эди. Дорийлар томонидан забт этилган Фессалия ва Критда ҳам маҳаллий аҳоли кулликка солинган эди ва бу куллик илотларнинг куллигига ўхшарди.

8, Спарта давлати. Илотларни итоатда сақлаш қийин эди, чунки уларнинг сони спарталикларга қараганда бир неча марта ошиқ эди. Табиийки, Спарта давлати фақат ҳарбий куч билан сақлаиб қолиши мумкин эди. Биз юкорида кўрганимиздек, спарталикларнинг бутун ҳаёти ва тарбияси ана шу мақсадга бўйсундирилган эди.

Спарта давлатининг қонунчилик иши Ликургга нисбат берилади. Унинг афсонавий шахсми ёки, Плутарх тасвирлаганидек, Фукидид ва бошқа антик авторлар тилга олиб ўтганларидек, ҳақиқатда мавжуд бўлган шахсми ҳозирга қадар равшан эмас. Аммо спарталикларнинг урф-одатлари ва қонунлари Ликургнинг иродаси билан вужудга келган эмас, балки бутун куч-қувватни Спарта давлатининг ҳарбий тузумини мустаҳкамлашга қаратишдан иборат ҳаётий зарурият натижасида аста-секин таркиб топган.

Спарта давлатида биз ибтидоий жамоа тузумининг кўп қолдикларини учратамиз. Халқ йиғини (апелла) мавжуд бўлиб, унга 30 ёшга етган спарталик эркеклар кирган. Бу йиғинда, уруш ва сулҳ масалалари ҳал қилинган-, аммо унда овозга қўйиш одати бўлмаган. Ҳамма масала қичкирик билан ҳал этилган. Шуниси ҳам борки, оксоқоллардан бирортаси ҳозир бўлган тақдирдагина йиғин очик деб ҳисобланган. Агарда оксоқоллар йиғинни

чақиришга рози бўлмасалар, улар умуман йиғинга келмаганлар ва йиғин очилмаган. Спарта халқ йиғини реал кучга эга бўлмаган ва асосий давлат масалаларини хал қилмаган. Йиғин одатга кўра ҳар замонда бир чақириладиган бўлган.

Спартада айни бир вақтда икки подшо бўлган. Бири дорийларнинг Эврипонтид уруғидан, иккинчиси Ахайянинг Агиад уруғидан келиб чиққан. Афтидан, бу дуализм дорийлар Лаконияни истило қилган даврда бир-бирига қарши курашган ахайяқабилалари билан дорий қабилаларининг аристократик юқори қатламининг бирлашуви тўғрисидаги хотираларни акс эттирган бўлса керак.

Подшолар базилей ёки архагетлар деб аталган. Улар қохинлик мартабасига эга бўлиб, авлиё ҳисобланганлар. Уруш вақтида подшолар кўшинга кўмондонлик қилганлар. Улар Спарта давлатининг олий аристократик органи бўлмиш герусия составига кирганлар. Подшолар давлатда реал ҳокимиятга эга бўлмаганлар. Бугина эмас, ҳатти эфорлар, яъни Спартадати барча муассасалар устидан назорат қилувчи олий мансабдор шахслар бирон масала хусусида сўзлашиш учун подшони ўз ҳузурларига чақириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Агар подшо эфор ҳузурига келмаса, уйи зўрлаб олиб келганлар.

Эфорлар бешта бўлган. Уларни халқ йиғинида бир йилга сайлаганлар.

Энг кучли ва давлатни ҳақиқатан бошқарувчи орган герусия бўлган. Герусия («геронт» — «кекса» демакдир) Спартанинг энг зодагонваэнг мўътабар уруғларининг вакилларидан иборатоксоқоллар мажлисидир. Терусияга олтмиш ёшли 28 киши ва 30 ёшга етган икки подшо кирган. Агар подшолар ёш бўлса, подшо қариндошларидан бўлган васийлар герусияда уларнинг ваколатини адо этганлар. Геронтлар герусияда умрбод мажлис қилганлар. Геронтлардан бирортаси ўлиб қолса, бўшаб қолган ўринга янги геронт сайланган. Геронт ёши 60 дан кам бўлмаган, ўз номзодини халқ йиғинида (апеллада) таклиф этган спарталиклардан сайланган. Апелладан ажратилган махсус комиссияни ёпик бинога жойлаштирганлар. Шўндан кейин теронтга ўз номзодларини кўйган кишилар шу бино ёнидан ўтганлар. Комиссия ўтаётганларни кўрмасдан, қайси бири ўтаётганда апелладаги герантлар ҳаммадан каттиқроқ кичкирганини эшитиб тургаи ва шунга қараб сайланадиган номзодни аниқлаган. Шу номзод геронт қилиб сайланган. Эфорларни ҳам, Аристотель айтганидек, худди шундай «болаларча усул» билан сайлаганлар. Герусиянинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлган, шу сабабли подшоларнинг герусияда ҳеч қандай таъсири бўлмаган.

Спарта аристократлар давлати бўлиб, унда асосий ролни герусия ва эфорлар ўйнаган.

9. Пелопоннес иттифоқи. Пелопоннеснинг энг кучди давлати бўлган Спарта эрамиздан аввалги VI асрдаёқ икки марта қатқҚ УРУ¹¹ қилгандан кейин ғарб томонидаги серҳосил кўшни

мамлакат Мессенияни забт этган ва унинг аҳолисини илотларга айлантирган. Жанубий Греция территориясидаги Қолган давлатларга келганда, гарчи уларни Спарта забт этолмаган бўлса-да, лекин улар ҳам аста-секин унга бўйсунишга мажбур бўлганлар ва Пелопоннес иттифокини ташкил этганлар. Бу иттифоққа фақат Аргос билан Ахайя кирмаган, улар ўзларига мустақил бўлиб қолганлар. Аммо Урта Грецияда жойлашган Меғара Пелопоннес иттифокига кирган. Спарта Пелопоннес иттифокида асосий роль ўйнаган.

Спартанинг ва у бошчилик қилган Пеллопоннес иттифокининг ҳарбий жиҳатдан устунлиги бутун Грецияда ҳеч бир шакшубха туғдирмаган.

Ўз замонасида Спарта қўшини яхши ташкил этилган. Олдингакувиб борилаётган илотлар кетидан ёш спарталиқлар жангга киришган, ундан кейин ёши қайтганлар ва 60 ёшгача бўлган чоллар боришган. Спарталиқлар интизомли бўлганлар. Болалик чоғидан улар найза, қилич ва қалқон каби қуроолларни жуда яхши ишлата билганлар. Бу армия эрампиздан аввалги VI—V асрлардаги Грецияда энг яхши армия бўлган.

10. Спарта жамиятини идеаллаштиришни танқид. Илотларни эзишга асосланган Спарта аристократлар давлати буржуа историографиясида идеаллаштириб келинди. Айниқса немис реакция историография-тарихшунослиги уни жуда ошириб юборган эди. Фашист тарихчилари эса Спарта ижтимоий ва давлат тузумини, бўйсундирилган халқлар учун идеал тузум, деб намуца қилиб кўрсатган эдилар.

✂-; Европадаги ёки Америкадаги бирон-бир тарихчининг Спарта жамиятига ва давлатига ҳозирга қадар бўлган муносабатини унинг нечоғли реакция реакция ёки, аксинча, демократизацияга қараб ҳукм қилиш мумкин. Спарта олдида сажда қилиш—аристократиянинг зўравонлиги олдида ва энг ёмон формадаги куллик олдида сажда қилиш демакдир.

Спарта тузуми қадимги грек давлатлари орасида энг реакцияон тузум эди. Пелопоннес иттифокида гегемон бўлиб олган Спартанинг ўзи ҳам мазкур иттифоқ билан бирга Қадимги Грецияда пайдо бўлган антидемократик оқимлар ва ҳаракатларнинг ҳаммасини ҳамиша қўллаб-қўлтиқлаб келган.


VII ВОБ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ VII—VI АСРЛАРДА ҚАДИМГИ АТТИКА

1. **Манбалар.** Бошқа савдо-хунармандчилик полисларига нисбатан тарихий традицияда энг игухрат қозонган Афина полиси бошлиқ Аттиканинг социал-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тез тараққиёти бир мунча кейинроқ бошланган. Лекин тез орада Афина улардан ўтиб кетган ва узок вақтгача Грециянинг манзур

та маъруф савдо хунармандчилик ва маданий маркази бўлиб желган.

Эрамиздан аввалги VII асрдан бошлаб Афинанинг давлат тузуми таракқиёти тарихини Аристотель ўзининг «Афина поли­ тияси» деган машхур трактатида тасвирлаган, Геродот билан Фукидид ҳам бу давр хақида ўз «Тарихлари»да қисқача ёзиб қолдирганлар. Плутарх эрамиздан аввалги VI асрнинг бошлари­ да яшаган афина қонун чиқарувчиси Солоннинг таржимаи холи­ ни ёзган. Обидалардаги бирмунча ёзувлар, тангалар ва бошқа археологик манбалар ҳам сақланиб қолган.



Қадимги Атика

2. Табиий шароити. Аттика—Урта Грециянинг Эгей денгизи соҳилидаги тошлоқ ярим оролдан иборат. Аттикада серҳосил ерлар кам, аммо кулолчилик буюмлари ясаладиган яхши гилвата, кумуш, қўрғошин, мраммар сероб. Табиий шароити тоқзорлар ва зайтунзорлар барпо қилишучун жуда қулай. Бир неча қулай бухтаси ҳам бор. Озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги азалдан Аттика аҳолисини хунармандчилик ва денгиз еавдосв билан, ўз хунармандчилик буюмларини, жумладан сопол идишларини арпа ва буғдойга алмаштириб олиш билан шуғулланишга мажбур этган.

3. Афина аристократик полисининг ташкил топиши. Критмикена ва Гомер даврларига бориб такаладиган ривоятлар бизга кўпдан-кўп урушлар бўлганлигини ва бу урушлар давомида Афина атрофида Аттикада яшовчи ион қабилаларининг аста-секиц бирлашуви (грекча—«синойкисм») юзага келганлигини хабар қиладилар. Афсоналарга кўра эрамиздан бурунги II минг йилликдаёқ синойкисмни (бирлашувни) Тесей амалга оширган. Шу билан бирга Тесей эркин аҳолини уч тоифага: евпатридларга (яъни насл-насаби олижаноб бўлган аристократларга), геоморларга (ер участкаларига эгалик қилувчи дехқонларга) ва демидуруғларга (халқ учун ишловчи хунармандларга) бўлган. Бу тоифавий бўлинишда меҳнат тақсимоти ва қадимги жамоанинг парчаланиши процесслари акс эттирилган эди. Ҳақиқатда синойкисм кейинроқ, эрамиздан аввалги VII асрда, кўшни Элевсин шаҳрини Афинага қўшиб олиш билан тамомланган эди.

Ривоятларга кўра, энг қадим замонларда Афинада базилейлар ҳокимлик трглган. Базилейларнинг қароргоҳи денгиздан бир неча чақирим нарида жойлашган қоя тепасида истехком билан ўралган Акрополда бўлган. Базилейлар ҳокимияти аста-секин зодагонлар кенгаши томонидан чекланиб борилган. Бу зодагонлар кенгаши синфий жамиятга ўтаётганда кучайиб кетган насл-насабли аристократларнинг-евпатридларнинг манфаатлариний химоя қилган.

Бироқ базилей мансаби Афинада ҳеч қачон бекор, қилинмаган бўлса-да, у ўз сиёсий аҳамиятини аста-секин йўқотиб борган. Ижтимоий тараккиёт илгарилаб борган сайин тобора мураккаб-лашган бошқариш функциялари янги вазифаларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Зодагонлар кенгаши бу вазифаларни энди базилейлар зиммасига юкламаган, балки уларни бажариш учун янги лавозимлар таъсис этган. Ҳарбий ишнинг мураккаб-лашувни муносабати билан махсус аскарбошилик-политархлик лавозими ана шу тарика пайдо бўлган. Базилейнинг вазифалари доирасидан ҳарбий қўмондонлик лавозимининг олиб ташланиши унинг обрўсини жуда тўкиб қўйган.

Янги мансабдор шахс архонт (яъни бошлиқ ёки эл оғаси) эрамиздан аввалги IX—XIII асрлар давомида Афина аристократия полисининг бошлиғи бўлиб қолади, иккинчи ўринга тушиб қолган базилей мансаби эса вақт ўтиши билан фақат диний

вазифаларни бажарадиган бўлиб қолади. Бу мансабларнинг ҳаммасига халқ йиғини аввал умрбод, сўнгра 10 йиллик муддат билан аристократлар уруғидан бўлган шахсларни сайлаб қўяди. Эрамиздан аввалги VII асрнинг биринчи чорагида бу мансаблар бир йиллик бўлиб қолган.

Конунларни ёзиш учун бир йил муддатга олти фесмофетдав иборат коллегия сайланганлиги ҳақидаги хабарда демос билан аристократия ўртасида бошланган курашга сал ишора қилиб ўтилган. Бироқ конунлар узок вақтгача ҳамон ёзилмай қолган. Бунга оғиздан ўтиб борувчи аънаналарга биноан суд ишларини олиб борган евпатридлар қаршилик кўрсатишган. Хукмронлик қилувчи аристократлар, агар конунлар ёзиладиган бўлса, бизнинг чексиз ҳокимиятимизга путур етади, деб ўйлаганлар. Олти фесмофет бир йиллик муддатга мунтазам равишда сайланадиган судьяларга айланганлар. Архонт басилей ва полемархдан иборат эски коллегия улар билан тўлдирилган ва бу коллегия энди тўққиз архонт коллегияси деб атала бошлаган. Биринчи архонт архонт-эпоним номини олган, яъни у сайланган йил унинг номи билан белгиладиган бўлиб қолган.

Афинадаги халқ йиғини ҳам, бошқа полислардаги сингари, мустақил эмас эди. Афина аристократларининг олий конун чиқарувчи ва суд органи юқорида айтиб ўтилган зодагонлар кенгаши бўлиб, бу кенгаш уруш худоси Аресга аталган ва Акрополь яқинида жойлашган тепа устида—Ареопагда мажлис қилган. Шунинг учун кенгашнинг ўзини ҳам ареопаг деб атаётганлар. Ареопаг халқ йиғинига архонтликка навбатдаги номзодларни тавсия қилган. Архонтлар сайланганларидан кейин ўз фаолиятларида мазкур орган олдида жавобгар бўлганлар,, ҳокимият тепасида бир йил тургандан кейин улар кенгашнинг янги аъзолари бўлиб қолганлар.

4. Демоснинг аристократияга қарши кураши бошланиши. «Қилон ғалаёни». Жамоа уюшмаси батамом бузилган вақтга келганда евпатридлар водийлардаги деярли ҳамма энг яхши ерларни босиб олиб, собиқ жамоа аъзолари геоморларга кўпинча тоғ этакларидан, озгина, кам ҳосил ер участкаларини қолдирганлар. Ер участкаларининг оз миқдорда бўлиши кўп ўтмай геоморларни бой қўшнилари евпатридларга қарам аҳволга солиб қўйган. Янги ҳосилгача бир амаллаб кун кечириш учун геоморлар ўз участкаларини ёки хатто ўзларини гаровга қўйиб нагура билан қарз олишга мажбур бўлганлар. Олинган қарз ўз муддатида қайтарилмаса, геомор ўз улуш ерининг бир қисминдан ёки ҳаммасидан маҳрум қилинган, ер участкаси қарз берувчига ўтган, қарздор эса қарам ижарачига айланиб қолган. Агарда геомор қарзни ўзини гаровга қўйиб олган бўлса, қарзини муддатида тўлай олмаган тақдирда, у қарзи эвазига евпатриднинг қули бўлиб қолган.

Эрамиздан бурунги VII асрда Афинада хунармандчилик ва савдо-сотик ривожлана бошлаган. Евпатридлар орасида мулкий

табақаланиш юз беради. Улардан баъзилари хунармандчйлик устахоналари ташкил этиб, савдо-сотиқ билан шуғуллана бошлайдилар. Уларнинг манфаатлари евпатридларнинг асосий хукмрон группаси бўлган, геоморларнинг ер участкаларини босиб олиб, қарз бадалига уларни қулга айлантирган катта ер эгаларининг манфаатларига терс бўлиб қолади. Хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган евпатридлар ўз манфаатлари жихатидан шахар демосининг бой қатламларига якин эдилар.

Олимп ўйинларида ғолиб келиб Афинада машхур бўлган евпатрид Килон Афина тирани бўлиб олмоқ учун аристократия билан демос ўртасида кескинлашиб кетган муносабатлардан фойдаланиб қолишга аҳд қилган. Эрамиздан аввалгй қарийб 640 йилда у Зевс шарафига қилинган байрамда ўз мухлислари билан бирликда Акрополни босиб олган. Бирок Афина демоси евпатридларга қарши актив ҳаракат қилишга ҳали тайёр бўлмаган. Алкмеонидлар уруғидан бўлмиш архонт Мегакл раҳбарлигида евпатридлар Акрополни қамал қилишга муваффақ бўлганлар. Қилон қочиб қутулган, унинг мухлислари эса очликдан бутунлай ҳолдан кетгач, уларни қуршаб олган афиналикларга таслим бўлишга мажбур бўлганлар. Ғолиблар уларга ҳаётларини сақлаб қолишга ваъда берганлар, чунки қамалдагилар очликдан ва ташналиқдан Акрополь устида Афина меҳроби ёнида ўладилар ва бу билан муқаддас жойни харом қиладилар, деб қўрққанлар. Аммо Мегаклнинг мухлислари ўз сўзларида турмаганлар ва Килон тарафдорларининг муқаддас жойдан чиқишлари билан қириб ташлагаялар.

5. Драконт қонунлари. «Килон ғалаёни» устидан вақтинчалик ғалаба қилинишига қарамай, орадан бир неча йил ўтгач, Демоснинг давлатманд табақаларининг ҳамда уларга қўшилган бир қисм евпатридларнинг тазйиқи остида хукмрон аристократия жиддий ён беришга мажбур бўлиб, аллақачонлар ваъда қилинган ва лекин ҳамиша орқага суриб келинган қонунларни ёзишга розилик берган. Эрамиздан аввалги 621 йилда бу иш архонт-фесмофет Драконтга топширилган. Драконт ўзи қайтадан қараб, ёзиб чиққан Ҳуқуқ нормаларини ўша йилиёққалққа эълон қилган. Бу ҳуқуқ нормалари «Драконт қонунлари» номи билан тарихга кирган ва умуман ҳаддан ташқари қаттиқ қонунларнинг ифодаси бўлиб қолган. Драконт қонун-қоидаларининг ҳаддан ташқари қаттиклиги даставвал ўғирликучун бериладиган жазога оид эди. Ҳар қандай ўғирлик учун, ҳаттоки сабзавот ва ҳўл мева ўғирлаш каби майда ўғирлик учун ҳам ўлим жазоси берилган. Уғирлик учун бериладиган жазонинг қаттиклиги фақат Драконт қонунлари учун характерли бўлмасдан, умуман илк сийфий жамиятнинг қонунчилигига ҳам хос бўлиб, яқин ўтмишдаги кўпгина буюмларнинг коллектив мулклиги ўрнида пайдо бўлган хусусий мулкчйликнинг қарор топиши ва мустаҳкамланишини акс эттирарди.

Драконт томонидан одатдаги оғзаки ҳуқуқнинг ёзиб қўйилиши, хун олишнинг чекланиши; хусусий мулкнинг химоя қилиниши, суд ишларининг аниқланиши ўз замонаси учун прогрессив иш эди.

6. Солон ислохатлари. Қонунларнинг ёзиб қўйилиши демос билан евпатридлар ўртасидаги зиддиятларга хотима беролмади, чумки бу тадбир демоснинг иктисодий ахволига; бир қадар бўлса ҳам муҳим ўзгариш киритмади ва унинг сиёсий, илгарк-дек ҳуқуқсиз ҳолатига мутлақо дахл қилмади. Буорада демоснинг кучлари ошиб кетган эди. Тубжой демос бошқа полислардан келган келгинди греклар[^] билан тўлиб бормокда эди; тобора тезлашиб бораётган иктисодий тараққиёт мазкур келгинди грекларни Афинага тортди келтирмокда эди. Бу кишилар ҳар қандай сиёсий ҳуқуқлардан батамом маҳрум эдилар. Евпатридларнинг бир қисми тобора кўпроқ хонавайрон бўлмокда эди, кишлок демоси — геоморлар эса, қарзлари бадалига кўплабқулларга айланмокда эдилар.

Аристотелнинг хабар қилишича, халқ зодагонларга қарши кўзғолон кўтарган ва кураш узоқ давом этган. Лекин кескин кураш жараёнида душманларнинг кучлари тахминан баравар эканлиги маълум бўлган. Шу сабабли қарама-қарши томонлар бирмунча вақтдан кейин ҳар иккала томон учун мақбул келадиган воситачи—айсимнет сайлаб, унга Афина полисини бошқаришни ва янги қонунлар чиқаришни топшириш тўғрисида келишганлар. Шу мақсад билан ҳамда Саламин оролини забт этиш учун эрамиздан бурунги 594 йилда Солон архонт қилиб сайланган. Солон Кодрийлар уруғига—афсонавий Афина базилейи Кодр авлодларига мансуб бўлган евпатридлардан келиб чиққан. Лекин мулкй ахволига кўра Солон демоснинг ўрта табақаларига мансуб[^] бўлган ва савдо-сотик билан шуғулланган. У сиёсий манзуларда шеърлар ёзувчи машхур шоир бўлган. Айсимнет қилиб сайланишидан бир оз илгари Солон ўз шеърларини ўқиб бериш билан ватандошларини мардликка илҳомлантирган ва унинг ташаббуси билан Афинага қўшни ва мегарларга қарашли Саламин оролига ҳарбий экспедиция юборилган. Саламин ороли Афинанинг Пирей гаванига қирладиган жойни ўз назоратида[^] тутган ва шу сабабли уни эгаллаб олиш афиналиклар учун ҳаётий зарурат бўлган.

Солон томонидан юборилган Афина отрядлари уни эгаллаб олишга муваффақ бўлганлар.

Солон реформаларини иктисодий ва сиёсий реформаларга бўлиш мумкин. Қонун чиқарувчи сифатида Солон кишлок ва асосан шаҳар давлатманд демосининг ҳамда унга ёндашувчи евпатридларнинг манфаатларини химоя қилган; бу евпатридларнинг манфаатлари эндиликда деҳқончиликда эмас, балки савдо-сотикда ифодаланган. Солон ўз реформаларини кўпчилиги насибасидан маҳрум этилган граждандардан иборат халқ йиғинининг актив мададига таяниб амалга **оширган. Солоннинг** асосий

иктисодий реформаси «сисахфйя»—«юкни қоқиб ташлаш», яъни камбағалларнинг гаровга қўйилган ер участкаларидан қарздорлик тошларини олиб ташлаш деб аталади. Қарз берувчи евпатридлар камбағал қўшнига қарз берганларида унинг ер участкасида қанча қарз берилганлиги ёзилган тош устун қўйганлар. Қарздор қарзини тўлашга қурби етмаса, қарздорлик тоши ер участкасининг қарз берувчи қўлига ўтиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик шахсий озодлигини гаровга қўйиб қарз олган қарздорлар қарзларини тўлашга қурблари етмай қолганда, қарз бадалига қулликка тушганлар ва ҳатточет элга сотиб ҳам юборилганлар. Солон дехқонларнинг қарзларини бекор қилган, гаровга қўйилган ер участкаларини уларга қайтариб берган ва қарз бадалига қул қилишни абадул-абад бекор қилган. Бугина эмас, у қарз бадалига қул қилиб чет элга сотиб юборилганларни қидириб топиш тадбирини қўрган, уларнинг озодлик ҳақини тўлаб, ўз ватанига қайтарган. Шоир-публицист бўлган Солон ўз реформаларини шеър билан ёзиб чиққан. Бу шеърларнинг айрим парчалари Аристотель ва бошқа қадимги авторларнинг асарларида келтирилган нақллар сифатида бизгача етиб келган.

Солон васият қилувчининг қонуний фарзандлари бўлмаган тақдирдагина васият қилиш эркинлиги ҳақида қонун чиқарган. Натижада васият баҳонаси билан ерларни сота бошлаганлар. Аристотель Солон ер максимумини жорий қилиш ҳақида ҳам қонун чиқарганлигини ва бу қонунга биноан истаган миқдорда ер сотиб олиш мумкин эмаслигини айтади. Бироқ ернинг максимум миқдори қанчалиги бизга номаълум, Бундан ташқари, мазкур қонун аллақачон таркиб топган йирик ер эгаллигига тааллуқли бўлмаган. Лоақал мазкур қонуннинг қандай татбиқ қилинганлиги тўғрисида манбалар бизга ҳеч нимани билдирмайди. Шунга қайд қилиб ўтиш муҳимки, Солон реформаларидан кейин Аттика узоқ вақтгача ўрта ва майда ер эгаллиги мамлақати бўлиб қолган.

Солон Аттикадан четга дон чиқаришни тақиқлаган-у, аммо зайтун мойи чиқаришга рухсат этган. У тоқзорлар, боғлар ва поллизлар барпо этиб парвариш қилишни рағбатлантирадиган, қудуқлардан ва умуман суғориш системаларидан фойдаланишни тартибга соладиган қонунлар чиқарган.

Хунармандчилик ва савдо-сотикни ривожлантириш мақсадида Солон шундай бир қонун чиқарганки, бу қонунга, биноан агар ота ўз вақтида ўғлига бирон хунар ўргатмаган бўлса, ўғил қартайиб қолган отасига ёрдам беришдан бош тортишга ҳақли бўлган. Солон яна бекорчиликка қарши ҳам қонун чиқарган. Солонгача маҳаллий ва ҳатто уруғ ўртасидаги ўлчовлар ҳамда танга-чақалар муомалада бўлган. Солон ягона ўлчовлар жорий қилган ва пул ислохоти ўтказган. Пул ислохотига кўра эгина таланти ўрнига афиналиклар айниқса кўпроқ савдо-сотик қилишадиган районларда энг кўп тарқал-

ган @а ўлчови анча енгилроқ бўлган эвбей таланти жории қилинган.

- Солоннинг иктисодий реформаларига сиёсий реформалар қўшиб тўлдирилган. У ўша вақтгача мавжуд бўлиб келган генократияни («енос»—«уруғ» демакдир)—насл-насабли аристократия ҳокимиятини бекор қилган ва унинг ўрнига тимократияни («тима»—«баҳо, қиймат» демакдир), яъни мулккий цензга асосланган ҳокимиятни жорий этган ва шундай қилиб, аристократияни уруғдошлиқ тузуми саркитлари билан боғлиқ бўлган имтиёзлардан маҳрум қилган. Атиканинг барча граждандари, мулккий цензга кўра, тўрт даражага бўлинган. Цензга асос қилиб дехқончиликдан келган натурал даромад олинган. Ўз еридан камида 500 мединн сочилувчан ёки суюқ маҳсулот олган граждандарнинг ҳаммаси биринчи даражага киритилган (медимн—ўлчов хажми; турли вақтда у 41 литрдан тортиб то 52,5 литргача бўлган миқдорни ташкил этган). Улар пентакосиомединнлар, яъни беш юз ғалвирчилар деб аталган. Ўз еридан камидан 300 мединн миқдорида даромад олган граждандар иккинчи даражага киритилган. Улар суворийлар деб аталган, чунки улар ўз жанговар отлари билан отлиқ аскарлар сафида хизмат қилишлари лозим бўлган. Ўз еридан камида 200 мединн даромад олган граждандар учинчи даражага мансуб бўлган. Улар зевгитлар («зевгос»—«қўш» демакдир), яъни қўш ҳўкизлар деб аталган, Улар пиёда лашкарда хизмат қилишга ва ўз оғир кууролигаэга бўлишга мажбур эдилар. 200 мединндан кам даромад оладиган граждандар тўртинчи даражага киритилган. Улар фетлар (батрақлар) деб аталган. Ҳарбий хизматда улар ёрдамчи вазифаларни ўтаганлар ва енгил курулланган пиёда аскарларни ташкил этганлар. Энг бой даражадаги Афина граждандарининг—пентакосио — мединнларнинг — вазифаси ҳарбий кемаларни жиҳозлантириш ва уларни яхши саклашдан иборат эди.

Сўнгра Солон халқ йиғинида муҳокама қилинадиган ишларни тайёрлашни Ареопагинг ҳуқуқ доирасидан чиқариб ташлаб, уни заифлаштириб қўйган. Бу ишларни тайёрлаш учун Солон янги давлат органи — буле (400 лар кенгаши)ни тузган. Улар Атика қадимдан бўлиниб келган тўрт эски уруғдош фила (ка-џила) йиғинларида ҳар бир филадан 100 булечи ҳисобидан сайланган.

Солон реформалари натижасида халқ йиғини Атика ҳаётида хийла активроқ роль ўйнай бошлаган. Унда кундалик сиёсий ишлар муҳокама қилинган, архонтлар ва бошқа олий мансабдор шахслар сайланган, сўнгра уларнинг ҳаммалари ўз фаолиятлари ҳақида халқ йиғини олдида ҳисоб беришлари лозим бўлган. Халқ йиғини экклесия, яъни чорланганлар йиғини деб аталган, чунки йиғин қакириладиган кунни жарчилар бармаҳал ҳамма ёкка жар солиб эшиттирганлар, шу мақсадда улар бутун мамлакатни кезиб юрганлар.

Солон янги олий ҳакамлар судини—гелиэяни таъсис этган., Юкорида айтиб ўтилганидек, энди гражданданга унинг келиб чиқишига қараб эмас, балки мулкый цензига қараб баҳо бериларди. Архонтларни фақат биринчи мулкый даражага мансуб кишилардан, яъни пентакосоио—медимнлардан сайлаш мумкин эди. Фақат дастлабки уч даражага кирувчи граждандаргина буле аъзолари бўлиши мумкин эди. Фақатгина экклесияда—халқ йиғинида ва гелиэяда ҳакамлар судида тўрт мулкый даражанинг ҳаммасига мансуб граждандар иштирок этишлари мумкин эди.

Солоннинг реформалари уруғ аристократияси—евпатридларнинг ҳокимиятини чеклашга ва уруғ-қабила саркитларини тугатишга қаратилган эди. Евпатридлардан улар қарз бадалиги турли вақтда босиб олган ер участкаларий тортиб олингандан, қарзлар ва қарз учун қул қилишлар бекор қилингандан ва ер участкалари дехконларга қайтариб берилгандан¹ кейин кўп; майда мулкдорлар пайдо бўлганки, уларни энди евпатридлар қул қилолмаганлар. Бу реформалар чет эллардан қуллар сопиб олиб келтириш асосида қулдорлик хўжалигининг тараққий қилишига олиб келган эди, ва демак, антик кулликнинг ривожланишига асос солган эди. Эркин васиятларни жорий қилинганлиги ҳам ернинг хусусий мулк бўлишини ривожлантириб юборган эди ва у вақтгача евпатридлар қудратининг асосий таянчи бўлиб келган ернинг уруғ мулки бўлиши саркитларини заифлаштирган ва бекор қилган эди. Четга дон чиқаришнинг тақиқланиши ҳам евпатридларнинг манфаатларига тўқинарди, чунки Солон реформаларидан олдин буғдой ва арпани асосан шу евпатридлар етиштирар эдилар. Хунармандчилик ва савдо-сотикни ривожлантиришга қизиқтирувчи қонунлар шаҳар демоси ўрта табақаларининг аҳволини мустаҳкамларди. Сиёсий тимократик ценз реформаси евпатридларнинг уруғ аристократиясини турли мулкый даражаларга ҳамда бундан келиб чиқадиган турли ҳуқуқ ва мажбуриятларга бўлиб юборган эди. Лекин умуман олганда Солон реформалари маълум даражада компромисс (келишувчилик) реформалари эди. У Ареопагнинг қонун чиқариш ва назорат қилиш вазифаларини ўзида қолдирган эди, Аттиканинг тўрт уруғ қабиласига—филасига бўлиниши каби эски уруғ-қабила бўлинишини дахлсиз қолдирган эди, холбуки Солон реформаларидан илгарийек Аттикада территориянинг уруғ-қабила принципи билан бўлиниши бузилган эди. Ҳарбий кемалар қуришга бутун аҳолидан пул йиғиш учун Атика 48 территориал округга—навқарийга бўлинган эди.

Кўпчилиги бойлардан иборат бўлган евпатридлар ценз реформасидан кейин ҳам раҳбарлик мансабларини эгаллашлари мумкин эди. Атика экономикасининг унчалик юқори даражада эмаслиги шунда акс этган эдики, Солон мулкый цензни пул ҳисобидан эмас, балки натурал маҳсулот ҳисобидан белгилаган эди. Шундай бўлса-да Солон реформалари Аттиканинг ундан кейинги социал-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти учун ғоят катта

ахамиятга эга эди. Бу хусусда Ф. Энгельс бундай деб ёзган эди: «Солон... сиёсий революциялар деб аталувчи бир канча революцияларни кашф этди, айникса буни у мулк муносабатларига оғир ботадиган қилиб амалга оширди»¹,

Солон ўз реформалари билан табиий суратда ривожланиб келган социал-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни яққол очиб бердики, Солондан олдин ҳокимият тепасида турган евпатридарлар бу муносабатларга иўл бермаган эдилар. Солон ўз реформалари, билан евпатридарни ғазаблантирган эди. Лекин унинг реформаларидан демоснинг камбағал қатламлари ҳам норози эдилар. Ер улушларининг етарли бўлмаганлиги уларнинг кашшоқлик манбаи эди. Камбағаллар евпатридарга қарашли ерларнинг бир қисмишг тортиб олишни, уларни бўлиб, ўз майда участкаларига қўшиб беришни ва шу иўл билан мазкур участкалардан олинадиган ҳосилни ўлмас оқват даражасига етказишни талаб қилдилар. Лекин Солон бунга кўнмади. Бундан ташқари Солоннинг ценз реформаси граждандарнинг камроқ мол-мулки бўлган табақаларининг сиёсий ҳуқуқларини қирқиб куйган эди. Шу сабабли Солон архонт-айсидент сифатида ҳокимият тепасида бир йил тургандан кейин реформалардан мулкий ва сиёсий зарар кўрган, унинг реформаларини хаддан ошиш деб ҳисоблаган эски зодагонлар унга қарши чиқишди. Унинг реформаларини етарли эмас деб топган демоснинг куйи табақалари ҳам унга қарши чикди. Солон бирмунча вақт Афинадан чиқиб кетишга, мажбур бўлди.

Солон кетиб қолгандан кейин орадан кўп ўтмай, Атикада синфий ва сиёсий кураш ғоят кескинлашиб кетди. Узаро курашлар вақтида учта социал-сиёсий ва территориал гуруҳ ташкил топди: улар ер эгаларининг (кўпчилиги Солон қонунларини бекор қилишни истовчи евпатридарнинг) манфаатларини химоя қилувчи педизлар (серҳосил водийлар аҳолиси); паралийлар (соҳил аҳолиси)—Солон қонунларидан қаноатланган ва унинг ислохотларини мустақкамлашга ҳаракат қилган шаҳар ва қишлоқнинг ўрта мулкдорлари, савдогарлари ва хунармандлар ҳамда Солон қонунларини етарли эмас деб топган диакрийлар (тоғли районлар аҳолиси)дан иборат эди. Диакрийлар камбағал дехқонлардан иборат бўлиб, ўз ер участкаларининг микдорини кўпайтиришни ва сиёсий ҳуқуқларини кенгайтиришни талаб қилардилар. Фетлар даражасига мансуб бўлган шаҳар камбағаллари ҳам уларга қўшилардилар. Бу гуруҳларнинг раҳбарлари анъанага кўра манфаатдор аристократ уруғларнинг вакиллари эди. Энг радикал гуруҳ бўлган диакрийлар тепасида Писистрат турарди.

7. Писистрат тиранияси. Эрамиздан аввалги 560 йилда Писистрат диакрийларга таяниб, Акрополни забт этди ва давлат тўнтариши қилди. У тиран бўлиб қолди. Писистрат эрамиздан

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 21, стр. 114—115.

аввалги 594 йилдаёқ жуда ёшлик чоғида отрядга командирлик қилганда ном чиқарган эди. Бу отряд Саламин оролини меғараликлардан тортиб олиш учун Солон тапгаббуси билан юборилган эди. Саламинда ғал-аба қилингандан кейин Афинанинг камбағал гражданлари ер улушлари (клерлар) олган эдилар ва шундай қилиб саламинлик клерухлар бўлиб қолган эдилар.

Солон реформаларидан кейин социал-иқтисодий гурухларининг кураши даврида Писистратнинг шуҳрати ошиб кетди. Афтидан педиэйлар Писистратга суикасд уюштирган бўлсалар керак, лекин у кутулиб қолган. У қонга бўялган холда халқ йиғинига келган ва епатридларни унга ҳужум қилишда айблаган. Халқ йиғини камбағаллар овози билан Писистратни муҳофаза қилиш учун отряд тузишга қарор қилган. Писистратнинг соқчилари жуда камбағал бўлганларидан улар тўқмоқ билан қуролланганлар. Писистрат ана шу тўқмоқчилар отряди ёрдами билан эрамиздан бурунги 560 йилда ҳокимиятни қўлга олган. Бу факт ташкил топган Афина қулдорлик полисининг давлат уюшмаси жуда заифлигидан дарак беради.

Писистрат тиранлик мартабасига миниб олгач, Солон қонунларини бекор қилмаган, балки Солон ўз вақтида бошлаб берган социал-иқтисодий ва сиёсий реформаларни давом эттирган. У демос мартабага қўтарган тиран эди. Писистратнинг асосий социал таянчи диакрийлар, яъни қишлоқ камбағаллари эди. Писистрат епатридларнинг ўзига ашаддий душман бўлган аристократ уруғлари аъзоларининг бир қисм ерларини мусодара қилган. Эҳтимолки, у ўздақсқаларини кўпайтиришга муҳтож бўлган Аттика дехқонларининг бир қисмига шу ерларни улуш қилиб берган бўлиши ҳам мумкин. Писистратнинг давлат йўли билан узоқ муддатли кредит беришни жорий қилишдан иборат энг асосий тадбири кўп дехқонларнинг ахволини енгиллаштирган ва уларнинг хўжаликларини мустаҳкамлашга кўмаклашган. Бундан ташқари, у айрим камбағал хўжаликларни асбоб-ускуна билан таъминлаган. Илгари судга иши тушган кишилар албатта Афинага боришлари лозим бўлган. Писистрат дехқонларга суд ишларини юритишни енгиллаштириш учун демалар (қишлоқлар) бўйлаб Юрадиган махсус сайёр судлар лавозимини жорий қилган. У ўндан бир микдорда доимий даромад солиғи жорий қилиб, давлат хазинасини тартибга солган. Унинг тўқмоқчилар отрядитиран хузуридаги доиМий армиянинг ўзагига айлантирилган.

Шундай қилиб, Писистрат дехқонларнинг талабларини қисмангина қондирган. Диакрийлардан ташқари, у вақт-вақти билан паралийларга ҳам таянган ва, демак, шаҳар демосининг, яъни савдогарлар билан ҳунармандларнинг ҳам манфаатларини эътиборга олиши лозим бўлган. Писистрат уларнинг манфаатларини кўзлаб, актив ташқи сиёсат юргизган: Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмидаги Сигей портини забт этган, чунки бу порт Геллеспонт бўғозига кириладиган жойни назорат қилган ва Афина савдо-сотик қилиб юрган Қора денгиз бўйларига денгиздан йўл очган.

Хар ҳолда диакрийлар тираниянинг асоеий таянчи бўлиб қол-
.11. Бу ҳол Писистратнинг диний сиёсатида ўз аксини топган.
/ ўша вақтгача Атика қишлоқ хўжалигининг ва унга асослан-
ПН хунармандчиликнинг энг етакчи тармоқлари бўлган узумчи-
•Ик ва виночилик пири ҳисобланган ва қишлоқ демоси кенг
еуратда топиниб келган маъбуд Дионисга сиғинишни давлат дини
ддражасига кўтўрган. , Бундан ташқари, Писистрат Афина
Баҳрийни савдо-хунармандчилик ва маданият маркази сифа-
тида улуғлашга ҳаракат қилган. Шаҳарнинг химоячиси маъ-
буда Афина шарафига буюк Панафиней байрамлари ўтка-
шлган.

8. Тираниянинг қулаши. Лекин Писистрат ҳокимияти етарлича
мустаҳкам бўлмаган. Душманлари уни икки марта Афинадан
^айдаганлар. Одатда булар Писистратнинг диакрийлар мутта-
силоқ таянишидан норози бўлган педийлар ва уларга вақтинча
қўшилган паралийлар эдилар. Яекин Писистрат Афинага ҳоким-
лик қилишни яна қайтадан қўлга олишга муваффақ бўлган.
Иккинчи қувғиндан кейин қайтиб келгач, у ўз ҳокимлигининг
учинчи даврида тобора кучайиб бораётган паралийларга катта
этибор берган ва эрамиздан аввалги 527 йилда вафот этганига
қадар ҳокимият тепасида сақланибгина қолмасдан, балки
ҳокимиятни ўз ўғиллари -Гиппий ва Гиппарх Писистратларга
топширишга ҳам муваффақ бўлган.

Аммо тирания даври, яъни аристократия ҳокимиятида қулдор-
лик демократиясига ёки қулдорлик олигархиясига ўтиш даври
охирига етган эди. Евпатридларнинг кучига анча путур етказил-
ган эди. Тирания даврида кучайиб кетган шаҳар демоси сиёсий
тажриба орттирган эди ва қишлоқ. демоси билан шаҳар демоси
ўртасида жилпонғлаб юрган, бунинг уетиға аристократлар хо-
мийлигидан қутулган граждандарнинг сиёсий ҳуқуқларини
чеклаб келган тиранияга энди мухтож эмас эди.

Писистратлар даврида, бундан ташқари, яқинда пайдо бўлган
Эрон давлати томонидан Кичик Осиёнинг истило қилиниши
муносабати билан Грециянинг халқаро аҳволи умуман ёмонлаш-
ган эди. Афина Сигейдан ва Қора денгизга бориладиган бўғоз-
ларни назорат қидишдан маҳрум бўлган эди. Эроннинг ҳужуми
Афинанинг денгиз савдосига ғоят катта зарар етказган эди.
Гиппий ва Гиппархнинг шуҳрати сўнган эди. Узларини қон қак-
шатган тиранияни ёмон кўриб қолган евпатридларнинг қолдиқ-
лари ҳам ҳаракатга келган эди. Улар орасидан грек анъанасида
шуҳрат қозонган тиранкушлар Гармодий ва Аристокитон
етишиб чиққан эди. Улар Гиппархни ўлдиришга муваффақ бўл-
ган эдилар. Тирик қолган Гиппий террорчилик идора усулига
ўтган ва бу иши билан афиналикларнинг ялпи ғазабини Кўзғат-
ган эди. /,

Иккинчи томондан, Афинада демоснинг янада кучайишидан
хавотирланиб қолган ва тираниянинг зарбалари остида Афина
евпатридлари таназзулининг гувоҳи бўлган аристократлар

Сиартаси. ҳам Аттикада оталар тузумини, яъни аристократияни қайта тиклаш умидида Гиппийга қарши бош кўтариб чиққан эди. Спарталиклар ғалабага эришганлар ва эрамиздан аввалга 510 йилда Гиппийни Афинадан чиқиб кетишга мажбур этганлар. Тирания ағдариб ташланган. Бирок спарталикларнинг Афинада аристократияни қайта тиклашга уриниши шаҳарвақишлоқдемосининг ялпи қўзғирлон кўтаришига сабаб бўлган. Спарта отряди ва у қўллаб-қувватлаган Афина аристократлари тор-мор қилинган, Акрополда қамалган ва таслим бўлишган. Демос ғалаба қрзонган. Ғалаба қилган демократлар ўзларининг раҳбари деб билган, Писистратлар ва эски аристократларнинг ашадий душмани бўлган Алкмеонид Клисфен Афина ҳокимияти тепасига чиққан.

9. Клисфен ислохотлари..Эрамиздан аввалги 509 йилда Клисфен ислохотлар қилишга киришган. Унинг ислохотлари уруғ-қабила муносабатларининг қолдиқлари ва сарқитларини узиликесил тугатган ва Афина қулдорлик демократияси система.сини шакллантирган. Афина полиси бу демократияни оз-моз ўзгартишлар билан ўз равнақининг бутун даврида ва ҳатто (гарчи расман бўлса-да) деярли бутун мустақиллиги даврида сақлаб қолган.

Клисфеннинг энг асосий тадбири маъмури-территориал ислохот эди. У тўрт эски—уруғ-қабила филаларини тугатди ва улар ўрнида ўнта территориял фила ташкил этди. Шу билан бирга Аттиканинг социал белгисига мувофиқ табиий суратда таркиб топган уч қатта районга: шаҳар райони, соҳил райони ва ички районга бўлиниши. ҳисобга олинди. Дастлабки икки районда демос кўпчилик бўлиб, учинчи районда аристократия кўпчилик эди. Клисфен бу уч райондан ҳар бирини 10 триттийга бўлиб чиққан. Демак, бутун Аттика 30 триттийга бўлинган. Ҳар бир янги территориял фила уч триттийдан ташкил топган бўлиб, бу триттийлар ҳар учала райондан шаҳар, соҳил ва ички районлардан—биттадан олинган. Шуниси ҳам борки, ҳар бир фила қайси триттийлардан ташкил топиши чекташлаш йўли билан ҳал этилган. Шу сабабли айрим филаларнинг триттийлари ҳатто умумий чегараларга эга бўлмасликлари ҳам мумкин эди. Лекин бутун Аттиканинг территорияси кичик-кичик доиралардан иборат бўлиши каби бундай ҳолат бу хилдаги аралаш-қуралаш филаларни идора қилишни қийинлаштирмас эди. Бундан кузатилган мақсад—аҳолини бутунлай аралаштириб юбориш ва уруғ-қабила алоқаларининг қолдиқларини паришонқилиб ташлаш эди. Бунда шу нарса ҳам назарда тутилган эдики, ички районда аристократиянинг таъсири кучли эди. Шундай қилиб, агар шаҳар ва соҳил триттийларининг аҳолиси ҳар бир филадаги йиғинда етарли даражада ҳамфикр бўлсалар, у вақтда овозларнинг учдан икки қиемидан иборат кўпчилиги ҳаминша демосга берилиши таъминланган бўларди.

Клисфен Атиканинг бутун территориясини 100 та куйи бо л.1|гич территориал маъмурий-бирликка бўлиб чиққан ва хар пнрфилага 10 тадан тўғри келган бу куйи территориал маъмурий бўлинмалар демлар деб ном олган. Кейинчалик демлар сони кўпайтирилган. Афинанинг хар бир граждани ўзи келиб чиққан демга ёзилган. Узини уруғ-аймоқ билан аташ тақиқланган. Уруғдошлик алоқалари шу тарика бекор қилинган.

Филаларнинг сони ўзгариши муносабати билан Солоининг тўрт юзлар кенгаши беш юзлар (хар бир филадан 50 вакил хисобидан) кенгашига айлантирилган. Унинг халқ йиғини мухокамасига қўйиладиган ишларни тайёрлаш органи сифатидаги вазифаси кучайган. Беш юзлар кенгаши олий маъмурий орган бўлиб қолган. Унинг ўнинчи (набатчи) қисми йилнинг ўндан бир қисми давомида (35—36 кун) набатма-набат давлат вазифаларини бажариши лозим эди, бу вақт притания деб аталарди. Беш юзлар кенгашининг аъзолари (пританлар) филаларда сайланган номзодлардан чек ташлаш йўли билан бир йилга сайлаб қўйиларди. Архонтларнинг эски коллегияси ўз ахамиятини йўқотган эди. Клисфен территориал реформа ўтказаркан, Атикада кўпдан бери яшаб келган ва лекин мамлакатнинг туб жой аҳолиси бўлмаган анча шахсларни гражданлар каторига киритди. г

Клисфен даврида Афина гражданларининг энг оммавий органи бўлган олий ҳакамлар судининг—гелиэянинг роли кучайди. Гелиэяга гражданлар цензидан катъи назар бир йилга сайлаб қўйиларди. Улар набат билан турли суд комиссияларида суд ишларини бажарардилар. Тираниянинг қайта тикланишининг олдини олиш учун Клисфен «сополлаштириш»ни грекча «остракисм»ни («остракон»—«сопол» демакдир) жорий этган. Хар йилда бир марта халқ йиғини остракисмни ташкил этиш кераклиги ёки керакмаслигини хал қилган. Агар ижобий қарор қабул қилинса, орадан бирмунча вақт ўтгач, камида 6 минг граждандан иборат халқ йиғини чақирилган ва бу гражданлардан хар бири, унинг фикрича, Афина демократик тузуми учун хавфли бўлган сиёсий арбобнинг номини сополга ёзиб қўйган. Бу яширин овоз бериш натижасида кимга қарши кўпроқ овоз берилган бўлса, ўша шахс 10 йил муддат билан Афинадан қувилган, лекин у гражданлик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ва мол-мулки мусодара қилинмаган.

Клисфеннинг сўнги тадбирларидан бири—эрамиздан бурунги 502 йилда 10 стратег коллегиясини таъсис этишдан иборат эди. Бу стратеглар халқ йиғинида қўл кўтариб (хейротония) очик овоз бериш йўли билан бир йилга сайланганлар ва Афина халқ лашкарига галма-гал кўмондонлик қилганлар. Расман бу коллегиянинг раиси ҳисоблаёган эски архонт-полимархлик лавозими ўз ахамиятини йўқотган.

Клисефен ислохотлари билан Афина демократик кулдорлик полисининг шаклланиш процесси тугалланган. Ф. Энгельс Клисефен ислохотларини «уруғдошлик тузумининг сўнгги қолдиқларини»¹ узил-кесил ағдариб ташлаган революция деб, атаган.

VIII БОБ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ VII—VI АСРЛАРДА ГРЕК МАДАНИЯТИ

Архаик даврдаги грек маданияти эга бўлган хусусиятлар крит-микена даврига ва ундан кейин эрамыздан аввалги XI—IX асрларга—дорийларнинг кўчишлари ва истилолари даврига бориб тақалади, Бу маданият ўша вақтда барча хўжалик тармоқларида қўлланилган қўл меҳнати қуруллари базасида ривожланган. Бевосита ишлаб чиқарувчилар бўлмиш дёхқонлар ва, хунармандлар давлатмандроқ ва бойроқ грекларда қуллар бажариб келган ишларни бажарганлар. Қулдорлик муносабатлари аста-секин ривожланиб борган бўлса-да¹ лекин жйсманий меҳнат хали эркин кишини хўрловчи йш деб ҳисобланмаган. Дёхқоннинг меҳнати эса фахрли меҳнат ҳисобланган. Бу даврнинг техника даражаси ва шунга яраша муносабатлари гесиоднинг «Меҳнатлар ва кунлар» поэмасида ёрқин акс эттирилган.

Бу даврнинг дунёқараши ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари даражасига мувофиқ бўлган. Табиат ҳодисалари ва ижтимоий муносабатлар кўпинча диний руҳда талқин қилинган.

1. **Дин.** Грек дини крит-микена замонида ва уруғдошлик тузуми бузилаётган даврдаёқ (эрамыздан аввалги XI—IX асрларда) таркиб топа бошлайди. Эрамыздан аввалги VIII—VII асрларда бу дин тамомила ривож топган, Бу — антропоморфизмдан, яъни инсонни илохийлаштиришдан, худоларни ўлмайдиган ва абадий ёш бўлиб турадиган кучли, гўзал кишилар деб тасаввур қилишдан иборат эди.

Грекларнинг тасаввурига кўра, олам аввалида Хаосдан иборат бўлган, Ер—Гея ва ер ости олами Тартар ҳам бўлган.

Геядан унинг ўғли Уран—осмон худоси келиб чиққан. Уран билан Геядан титан Кронос туғилган ва ўз отаси Уранни ағдариб ташлаган.

Булар титанлар—катта худолар экан. Кроноздан Аид, Посейдон, Гестия, Деметра, Гера ва Зевс каби кичик худолар келиб чиққан.

Зевс бошлиқ кичик худолар—титанларнинг ҳукмронлигини ағдариб ташлаганлар ва оламни ўзлари идора қила бошлаганлар. Зевс бош худо, худолар отаси, чакмоқсочар ҳисоблаиған.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 21, стр. 117.

Всмон маъбудаси ва никоҳ хомийси Гера унинг хотини бўлган. Посейдон денгиз худоси сифатида эъзозланган. Деметра хосилдорлик ва дон экинлари маъбудаси бўлган, Гестия уй-рўзғор маъбудаси, Аид ер. ости оламининг худоси бўлган.

Зевснинг кўп фарзандлари—худодлар бўлган. Зевснинг калласидан чиққан Донишмандлик ва уруш маъбудаси Афина; рушнолик ва санъат худоси Аполлон, ой ва ов маъбудаси Артемида, темирчи худо Гефест ва бошқалар энг иззатли худодлар бўлганлар.

Гўзаллик ва севги маъбудаси Афродита Кипр ороли ёнида денгиз кўпигидан пайдо бўлган ва шунинг учун у Киприда ҳам деб аталади.

Гўзал йигитча қиёфасидаги Дионис узумчилик ва виночилик худоси деб айниқеа эъзозланган. Унинг хурматида Дионисия байрамлари қилинган.

Греклар бутун табиатни илохий мавжудотлар билан тўлдирганлар. Уларнинг назарича, чакалакзорларда дриадалар, нимфалар, эчкиоёқ сатирлар яшаган; денгизда наядалар ва сиреналар—аёл бошли кушлар яшаган.

Грецияда ярим худо-қахрамонлар эъзозланган. Грекларнинг фикрича, бу ярим худо-қахрамонлар худодлар билан одамларнинг никоҳидан келиб чиққан. 12 марта жасорат кўрсатган Геракл алоҳида хурматланган. У шер терисига бурканган ва таёқ билан қуролланган ҳолда тасвирланган. Геракл ёвузликка қарши курашиб, уни енгувчи олийжаноб киши образи эди.

2. Байрамлар. Қадимги Грецияда шундай маданий коидалар бўлганки, бу коидалар турли шаҳарларни бамисоли бир бутун қилиб боғлаган ва грек элини бирлаштирган. Болқон ярим оролининг шаҳарлари ўз байрамлари, уйинлари, оракуллари, (валийлари) билан грек элини бирлаштирувчи марказлар бўлган. Грецияда худодларга аталган махсус байрамлар мавжуд бўлган, бу байрамлар фақат диний характерга эга бўлмаган, чунки жисмоний тарбия мусобақалари ҳамда музика, қўшиқ ва шу қабилар мазкур байрамларнинг энг муҳим ишлари ҳисобланган. . . .

Бу байрамларга Грециянинг ҳамма лолисларидан одамлар йиғилиб келишган. Пелопоннесдаги Аргос шаҳрида Гера Аргосий шарафига ўтказилган байрамлар, Панафениялар, яъни Афинада маъбуда Афина шарафига ўтказилган байрамлар ва бошқалар машҳур байрамлар бўлган. Бу байрамлар чоғида Афинага Грециянинг энг хилма-хил шаҳарларидан кўп одам келган. Афинада аёлларнинг намоишлари айниқса шуҳрат қозонган. Одатда аёллар уйларидаги махсус биналарда—гинекеяларда ўтирганлар¹ ва деярли ҳеч жойга бормаганлар. Бирон жойга борганларида ё яқин қариндошлари билан ёки оқсочлари билан борганлар. Аммо Панафиния байрамларида аёллар маъбуда Афина шарафига бағишланган тантанали юришда қатнашганлар. Улар байрам либосларига ясаниб, бемалол кўчага

чиққанлар. Бу байрамлар тантанали суратда ўйин-кулги билан ўтказилган. Бу куни қўшиқлар айтишганлар, давра олиб рақсага тушганлар, лапарлар айтганлар, охирида театр томошалари кўйиб берилган.

3. Олимп ўйинлари. Байрамлардан ташқари, грекларни умумгрек мусобакалари бирлаштирган.

Пелопоннесда Олимпияда ўтган олимп ўйинлари айниқса донг таратган. Бу ўйинлар худоларнинг отаси, чакмоқсочар Олимпик Зевс шарафига ўтказилган. Олимпияда Зевснинг ибодатхонаси бўлиб, ибодатхонада мазкур худонинг каттакон ҳайкали турган.

Олимп ўйинлари ҳар тўрт йилда бир марта бешинчи йилга ўтар чоғида бошланган, бинобарин, қадимги греклар кейинчалик ўз вақт ҳисобларини олимпиадалар асосида юргиза бошлаганлар. Ривоятга кўра, биринчи олимпиада эрамиздан аввалги 776 йилда ўтказилган.

Ўйинлар вақтида бу ўйинларда ҳамма греклар катнаша олиши учун урушлар тўхтатилган. Шундай қилиб, олимп ўйинлари чинакам тинчлик даракчиси бўлган.

Олимп ўйинларигатрек дунёсининг жуда турли-туман шаҳарларидан кўп халойиқ йигилиб келган. Мусобакаларда югуриш, сакраш, диск иргитиш, аравачаларда от чоптириш ва бошқа кўпгина гимнастика машқлари ўтказилган. Бундан ташқари, драматурглар, шоирлар, ашулачилар ва созандалар ҳам мусобақа қилишган. Бу ўйинлар жисмоний тарбия учун ҳам, ақлий ва маънавий камолот учун ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Жисмоний машқларда эркаклар иштирок этган, аёллардан эса фақат спарталик қизлар катнашган.

Олимп ўйинларининг голиблари оддийгина мукофот—муқаддас зайтун дарахти баргларида тўкилган гулчамбар олганлар. Ғолиб ҳеч қандай қимматли буюмлар олмаган. Аммо бу зайтун гулчамбари олий фахрли мукофот ҳисобланган. Ғалаба қозонган киши ғоят даражада иззат-икром қилинган. Фақат ўзи эмас, оиласи ҳам, туғилган шаҳри ҳам жуда хурмат қилинган. Ғолиб шарафига қўшиқлар айтилган, шеърлар тўкилган. Ҳайкалтарошлар ғолибларнинг ҳайкалларини ясаганлар.

Ашулачилар, музикачиларнинг мусобакаларида ғолиб чиққанлар, дафна гулчамбари билан мукофотланганлар. Улар ҳам ҳамманинг иззат-икромига сазовор бўлган ва ўз шаҳрининг фахри ҳисобланган.

Олимп ўйинлари бутун Грециянинг маданий тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлди.

4. Оракуллар. Оракуллар ҳам умумгрек қоидаларига кирган.


Оракуллар туфайли герк қохинлари жуда катта фойда қўрганлар, чунки ўз саволларига жавоб олишни истаган кишиларнинг ҳаммаси пул ёки қимматли буюмлар садақа қилган. Оракуллар деганда айрим шахсларини эмас, балки қарама-қаршилик билан, яъни келажакдан хабар бериш билан шуғулланувчи

б.угуи-бугун ибодатхоналарни англамок керак. Фокидадаги Дельфалик оракул айникса донг таратган. Бу жойдаги тоғлар орасида бир дара бўлиб, унда зарарли буғ чикиб турган. Шу дара ёнида сепоя кўйилган ва унинг устига каромат қилувчи кохина Пифия ўтирган. Зарарли буғдан эсанкираб колган бу кохина хушини йўқотган. Шу онгсиз ҳолатида у тушуниб бўлмайдиган сўзларни айтиб жавраган, бу сўзларни кохинлар тушунтирганлар ва улар оракулга берилган саволларга жавоб қайтарганлар.

Дельфалик оракул жуда ном чиқарган ва фақат грек давлатларида эмас, балки, хатто, бошқа давлатларда ҳам шуҳрат қозонган. Оракуллар катта сиёсий роль ўйнаганлар ва сотқинликка мойил бўлганлар..

Оракулларнинг жавоблари шундай ифодаланганки, уларни турлича талқин қилиш мумкин эди, чунки ҳақиқатда оракул ҳеч нимани олдиндан айтолмас эди. Лекин кохинларга ўз обрўларини йўқотмаслик муҳим эди.

5. Фалсафа. Кичик Осиёдаги грек шаҳарларининг, уларнинг хунарамандчилик ва савдо-сотиғининг иқтисодий жиҳатдан анча тараққий қилиши муносабати билан, шаҳар демосининг роли ошиб боришй билан идеологиянинг кўриниши ўзгаради. Бу шаҳарлардаги кўп граждaнлар энди оламни диний нуқтаи назардан изохлаш билан қаноатланмайдилар ва моддий' оламдан жавоб излайдилар. Идеалистик қарашлар билан материалистик қарашлар ўртасида кураш боради ва бу курашда эрамиздан аввалги VII—VI асрларнинг материалистик фалсафаси пайдо бўлади.



Дельф. Аполлон ибодатхонасининг айвони.

Бу илк фалсафани стихияли ёки ибтидоий материализм-деб атайдилар. Милетда яшаган Фалес биринчи ана шундай файласуф бўлган, айти вақтда у физик ва математик ҳам бўлган. У, бутун оламнинг асоси—сувдир, деб таълим берган, Бутун олам сувдан пайдо бўлган ва шунинг учун бутун мавжудотнинг негизи сувдир.*Унинг шогирдларидан бири бўлмиш Анаксимен, бирламчи материя—«апейрон» бутун мавжудотнинг ибтидосидир, деб ҳисоблаган.

Анаксимандр оламнинг асоси — ҳаво, «эфир»дир, у бутун мавжудотга сингиб боради ва олам ундан келиб чиққан, деб таълим беради:

Файласуф Гераклит олам оловдан келиб чиққан, деб ҳисоблайди: «Олам—абдий алангаланиб ва абдий сўниб турадиган оловдир». Гераклит Эфес шаҳрида яшаган эди ва ўз фалсафасини шу ерда яратган эди.

Владимир Ильич Ленин ўзининг «Фалсафа дафтарлари»Да Гераклитни биринчи диалектик, деб атайди¹. Дарҳақиқат, Гераклит ерда нарсалар йўқдир, балки юз бериб турадиган процесслар бордир.деб таълим беради. «Хамма нарса оқиб туради, хамма нарса ўзгариб туради»,—Гераклитнинг асосий қоида-си ана шундан иборат. «Айти бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди, чунки биринчи тушганингизда сувнинг бир зарралари оқади, иккинчи марта тушганингизда эса сувнинг бошқа зарралари оқиб туради».

Фалес, Анаксимен ва Анаксимандр Милет мактабининг файласуфлари эдилар, яъни Милет шаҳридаги фалсафа мактабининг файласуфлари эдилар. Узининг соддалигига қарамай, бу фалсафа катта қимматга эга эди, чунки у худОларнинг яратувчилиқ кучини эмас, балки бирламчи материянинг ривожини оламнинг асоси, деб ҳисобларди.

Бироқ материалистик фалсафа билан бир қаторда идеалистик фалсафа ҳам мавжуд бўлиб, бу фалсафа оламнинг ибтидосини табиат ва унинг ходисаларида эмас, балки идеяларда деб биларди. Эрамиздан аввалги VI асрда Сицилияда яшаган Пифагор ана шундай идеалист файласуф эди. Пифагор грек математикасининг асосчиларидан биридир.

Пифагор фалсафаси идеалистик фалсафа эди. Пифагор сонларни ўрганган, шунинг учун унинг назарида олам муайян сонлар ва уларнинг ўзаро муносабатларидан иборат бўлиб кўринган. У Сицилияда пифагорчилар деб аталган, асосан аристократ оилалардан келиб чиққан ўз мухлисларидан иборат жамоа тузган.

6. Грек ёзуви. Озроқ ҳарфлардан иборат грек алифбе ёзуви эрамиздан аввалги IX—VIII асрларда финикияликлар алифбесидан фойдаланиш асосида юзага келган. Финикияликлар савдо

¹. Қаралсин: В. И. Ленин. Фалсафа дафтарлари. полн. собр. Сач, т. 29, стр. 311.

хи.собткитоби юргизар эканлар, уларви ёзиб бориш зарур бўлган, йммо.кўп сонли белгилари бўлган Шаркнинг қадимги ёзувини урганишга вақтлари ва имкониятлари бўлмаган. Ҳисоб-китобни ;Iкс эттирадиган ва узоқ ўрганишни талаб қилмайдиган қиска на аниқ алифбе керак эди. Финикияликлар 22 харфдан иборат-янги алифбе тузганлар, лекин бу харфлар фақат ундош товуга-ларни' билдирган.

Греklar финикияликларнинг I ёзуvidан фойдалангашкар, лекин уни ўзгартириб, фақат ундош товушларни эмас, балки унли товушларни ҳам билдирувчи алифбе тузганлар. Шундай қилиб, улар 24 харфдан иборат янги грек алифбесини яратганлар.

Биз учун грек алифбесининг • аҳамияти шунинг учун ҳам каттаки, кейинчалик славян алифбесига асос солган кишилар намуна тариқасида олиб, фақат ш, шч товушларини билдирувчи харфларни қўшганлар. Ҳозирга қадар биз ана шу ўзгартирилган алифбедан фойдаланиб келмоқдамиз.

7. Адабиёт. Янги алифбе ва ёзувнинг яратилиши грек адабиётининг ривожиди жуда муҳим қадам бўлган эди.

Эрамиздан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярмида Беотияда яшаган шоир Гесиод икки йирик адабий асар ёзган: биринчиси «Теогония» асари бўлиб, унда грекларнинг худолар ва оламнинг келиб чиқишига қарашлари баён қилинган; иккинчиси «Меҳнатлар ва кунлар» асари эди.

Эрамиздан аввалгқ VII—VI асрларда грек лирикаси пайдо бўлган ва жхсак даражада ривожланган. Бу—грек полисларида аристократия билан демократия ўртасида борган қаттиқ социал-иктисодий ва сиёсий кураш даври бўлган. Эрамиздан аввалги VII—VI асрлар даври ўзининг доимий кураши билан лирик шоирларнинг шеърларида ўз аксинитопган. Бу шеърлар қисқача бўлиб, ўша замондаги кишиларнинг кайфияти ва ўй-фикрларини ифодалаган. Улар озгина сўзларда кучли хис-туйғуларни, кайғу ва шодликни тасвирлаб кўрсатганлар.

«Лирика» сўзи ўша вақтда энг кўп ишлатиладиган музыка асоби-лиранинг номидан олинган. Одатда шеърый асарларлира музыкаси жўрлигида оханг билан декламация қилинган.

Грек лирикасига асос солган дастлабки шоирлардан бири Парос оролида туғилган Архилох бўлган. У аристократия билан демократия курашида қатнашган. Уз, шеърларидан бирида Архилох ҳаёт йўлида гоҳ омад келиб, гоҳ омад кетиб тургани ҳақида сўзлайди. Агар сени «енгсалар,—деяр эди у,—ғам ема, уйга бекиниб олиб, йиғлама. Омад келганда эви билан шодлан, кулфат тушганда эви билан кайғур. Инсон ҳаётидаги пинхона охангни билиб ол».

Архилох ёлланма аскар бўлиб Фракияда жанг қилган. Умри нима билаи тугаганлиги номаълум. Архилох тақдири—ўша, замонда сарсон-саргардон бўлиб, оч-яланғоч ва доим хавф-хатар остида яшагаиоддий кишининг ҳаёти намунасиدير.

Қадимги грек шеърларида қофия бўлмаган. Архилохнинг шеърлари грек лирикасининг охангдор вазнининг гўзал намуна-сидир. Кейинроқ кўп шоирлар Архилохнинг шеърининг принцип-ларига мослашиб, шеърлар ёзганлар.

Эрамиздан аввалги VI асрда Лесбос оролида шоир Алкей ва шоира Сафо донг таратганлар. Уларнинг ҳар иккови даставвал Митиленанинг катта маданий марказида яшаганлар.

Алкей гражданлик мавзуларида ҳам, шахсий мавзуларда ҳам шеърлар ёзган. У ҳам сиёсий фаолият билан шуғулланган ва аристократия тарафдори бўлган. Унинг «Кема» деган шеъри бунга энг яхши гувоҳдир. Бу шеърда у бўронда кеманинг хавф-ли сафарини тасвирлаган. Фарқ бўлаётган кема—бу аристокра-тиянинг аҳволи бўлиб, у даҳшатли довулдан аранг қутулиб чиқа-ди. Бундан ташқари, Алкей лирик шеърларида севги ва шароб-ни мадҳ қилган. Унинг Сафога бағишлаб ёзган шеъри машхур-дир. Алкей Лесбосдан Сицилияга муҳожир бўлиб кетишга мажбур бўлган ва ўз умрини ўша ерда тамомлаган.

Алкейнинг шеърлари ўзининг ғоят муסיқийлиги, кайфиятни. гўзал ифодалаб бериши ва ниҳоятда самимийлиги билан ҳозирга қадар ҳам кишини ўзига жазб қилиб келмоқда.

Лесбос оролидаги ўша Митиленада шоира Сафо яшаган. У ёш-лигида ўқиб яхши маълумот олган. Сафонинг Клеида исмли ок-мағиз қизи бўлиб шоира уни жуда севган. Сафонинг биродари энгилтаклик, айиш-ишрат билан кун кечирган. Шу сабабли Сафо каттик қайғурган ва биродарига кўп мотамсарошеърлар бағиш-лаган. Сафо ўзича бир нав ўқув юрти бўлган аёллартўпарағига бошчилик қилган. Бу тўгаракка шеърятни, лира чалишни ва бошқа санъатларни ўрганиш учун турли мамлакатлардан қизлар келишган. Уқишни тамомлагач, улар ўз юртларига қайтиб кетишган. Сафо дугоналарига шеърлар бағишлаб, бу шеърла-рида улар билан яқинда айрилиш тўғрисида ўз қайғуеини ифодалаган.

Сафо ҳаётнинг қувноқ дамлари ҳақида ҳам шеърлар ёзган.

Рохатни севаман,
Ёшликни севаман,
Шодликни севаман,
Хуш ёқар офтоб. •••
Кун нурин суймоқлик,
Хуснига тўймоқлик . . .
Ва меҳр қўймоқлик . . .
Қисматим ҳар тоб. . .

(«Парча», Мухаммад Али таржимаси)¹

Сафо тўйларда айтиладиган ашулаларни ёзган. Унинг севги ва гўзаллик маъбудаси Афродитага бағишлаб ёзган шеъри жуда машхурдир.

Сафонинг шеърлари ўша замондаги шоирларнинг энг яхши асарларидандир.

¹ «Лирика древней Эллады». М — Л. 1935, стр. 29.

• **Грек** -поэзияси Болқон ярим оролда хам ривожланиб борган. ;

Поэзия учун гўё ўрин йўқдек кўринган Спартада атокли шоир Тиртей яшаган. У ва*анпарварлик хис-гуйғуларини ва олимп ўйинларининг ғолибларини хамда Спартадаги гимнастика ва харбий мусобақа ғолибларини мадх этган, спарталикларнинг урф-одатлари ва жасоратларини куйлаган.

Тиртей ўз одаларида спарталикларни шавкатли жангчилар бўлишга даъват этган ва жанг майдонидак қочган ёки ўз ўртокларига хиёнат қилган кишининг шўри қурийдди, деган.

Грек масали хам машхурдир. Масалчилик адабий формасининг ўзи худди шу вақтда вужудга келган. Масал прозада ёзилган. Хайвонлар ва буюмлар замирида одамлар тасвирланган. Биринчи масалнавис Эзоп бўлган. Афсоналарга қараганда, Эзоп кул бўлган ва оғир хаёт кечирган.

Биз Эзопнинг хақиқий таржимаи холини бйлмаймиз. Фақат унинг Қичик Осиёда ягцаганлиги бизга маълум.

Эзоп қиска ва ўткир масаллар автори бўлиб, бу масалларда камбағаллар билан бойларнинг кўраши кўрсатилган. «Сен менга тега кўрма,—дейди сопол бочка ёғоч бочкага қараб.—Салгина тегсанг, мен шу захоти нобуд бўламан». Камбағалларнинг бойлар билан яқиндан таниш бўлиши камбағалларга ҳеч қандай, яхшилик келтирмаган.

• Эзопнинг масаллари кейинчалик Ж- Лафонтен, И. А. Крилов ва бошқа масалнавислар учун намуна бўлган.

Эрамиздан аввалги VI асрда сатирик поэма пайдо бўлади. «Сичқонлар билан қурбақалар уруши» поэмаси унинг намунаси-дир. Бу поэмани В. А. Жуковский рус тилига таржима қилган. • Сатирик поэмалар гекзаметр вазнида, яъни Гомер дostonлари ёзилгн шеър вазнида битилган.

8. **Санъат.** Ана шу даврда грек тасвирий санъати вужудга келади. Дастлабки вақтларда бу санъат архитектурада хам, хайкалтарошликда хам қадимги Шарқ санъатидан анча орқада қолади. Лекин эрамиздан аввалги VI асрнинг охирларидаёк грек санъати шу қадар ривожланганки, баъзи жиҳатлардан қадимги Шарқ санъатидан ошиб кётган.

Дастлабки пайтларда грек архитектураси мукамал бўлмаган. Эрамиздан аввалги VIII—VII асрлардаги грек ибодатхонаси уч томони девор билан тўсилган ва тўртинчи томони очик ёғоч иморатдан иборат бўлган. Тўртинчи томондан томни ушлаб туриш учун олдида устун тиркаб қўйилган. Одатда думалок шаклда бўлиб, яхшилаб силлиқ қилиб йўнилган. Тош меъморчилик пайдо бўлгандан кейин устунлар тошдан ясаб қўйилган. Шу тарика қатор устунлар (колонналар) пайдо бўлган.

Эрамиздан аввалги VII асрда баъзи ибодатхоналар хом ғишдан кўрилган. Кейинчаликтош меъморчилик ривожланиб кетади ва у грек архитектураси тараққиётининг энг охиригача давом> этиб келади.

Эрамиздан аввалги VII асрнинг охирларида ҳамма томондан устунлар билан ўралган янги шаклдаги ибодатхона вужудга келади. Худди шу вақтдан бошлаб дорийча ордер ёки услуб пайдо бўлади. Бу услуб, аввало, оддий тарздаги қатор устунлар учун характерлидир. Колонна таққурсига, ўзак ва тепакошга бўлинган. Дорийча устуларнинг қоши оддийгина, безаксиз" бўлган.

Грецияда хайкалтарошлик ҳам энг ибтидоий формалардан бошлаб ривожлана боради. Эрамиздан аввалги VIII асрда худоларнинг ёғоч суратлари ясалган. Бу суратлар кийинтирилиб, ибодатхоналарга қўйилган. Эрамиздан аввалги IX асрда грек тош хайкаллари пайдо бўлади. Дастлабки пайтларда бу хайкаллар ҳам жуда ибтидоий шаклда бўлиб, қўпол ишланган ёғочни эслатади. Масалан, Самрслик Геранинг хайкали шундай бўлиб, у ёғочдан ясалиб, кийинтирилган хайкалга ўхшарди. Унинг қадди-қомати деярли билинмайди. Хайкал дум-думалоқ қилиб ишланган. Эрамиздан аввалги VII асрнинг охирларида пайдо бўлган хайкаллар одамнинг қадди-қоматига ўхшаб кўринади. Масалан, Делослик Артемиданинг хайкали ана шундай. Унда гарчи жуда ибтидоий тарзда бўлса ҳамки, қадди-қомати аниқ кўриниб турарди; Бош, гавда, қўл ва оёқлар бор эди. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳали ясси ва схематик бўлган.

Эрамиздан аввалги VII асрда хайкаллар группалари пайдо бўлади. Масалан, Сицилия оролидаги Селинтус ибодатхонасида. бир группа кишиларнинг хайкаллари ясаб қўйилган бўлиб,.



Коринфдаги Аполлон ибодатхонаси.

улар орасида қахрамон Персей Медузаининг бошии қилич билан' чопаетганлиги тасвирланган. Бунда фигуралар анча яхши ишланган. Гавда ва ҳаракатлар мутаносиб равишда тасвирлаб кўрсатилган. Лекин юзлардаги жилмайиш ўша вақтдаги шартга кўра қотиб қолган. Персейнинг жилмайиб туриши тушунарли, албатта, лекин боши кесилаётган Медузанинг жилмайиб туриши ғалати. • - • .: / •

Ўша даврда худрларни тасвирлашдан ташқари, кўрсаткич деб аталувчи йигитчаларни тасвирлаш ҳам рассомнинг севикли сюжети бўлган. Худо Аполлон ҳам йигитча қиёфасида тасвирланган. Тенейлик Аполлон айниқса машҳур бўлган. У тикка ва ҳаракатсиз турган. Шу билан бирга унинг гавдаси мутаносиб равишда чиройли ишланиб, боши яхши ясалган. Юзда ўша архаик жилмайиш кўриниб турган.

Архаик даврнинг ҳайкаллари учун айниқса характерли бўлган нарса шуки, уларда сочларнинг таралиши ва кийимлар жуда синчиклаб ишлаingan. Мармарда ёки бошқа материалда' кокиллар, жингалак сочлар зўр маҳорат билан жуда нозик қилиб ишланганки, бундай чиройли сочларни биз Аполлон, Нике, Артемида ва бошқаларнинг ҳайкалларида кўраимиз. Кийимларнинг жимжималари жуда диққат билан тасвирланган, баъзан эса шундай моҳирлик билан ишланганки, мато кишининг кўзига шаффоф бўлиб кўринади. Эракарлар одатда ялонгоч ҳолда тасвирланган. Аёллар кўпинча кийимда тасвирланган.

Ўша замондаги ҳайкаллар бўялган. Бўёкнинг юклари, баъзан эса яхши сақланган бўёкнинг ўзи ҳайкалларда қолган. Айниқса бу архаик даврда кўпроқ учрайди.

Архаик ҳайкалтарошлик фигураларнинг ҳаракатсиз бўлишига қарамай, ўзининг сўнмас гўзаллигига эга бўлиб, юксак санъати билан кишини ҳайратда қолдиради.

Грек рассомлиги бизгача биноларнинг деворларида етиб келган. Том маънодаги картиналар Италиянинг жанубидаги шаҳарлар вайронларида, ер остидаги соғоналарнинг деворларида сақланиб қолган. Грекарлар хатто илк замонда ҳам вазаларга чиройли гуллар солганларки, булар ҳам қадимги рассомликнинг намунасидир.

Эраимиздан аввалги VI асрда қора фигурали вазалар ясалган, яъни табиий қўзғиш тусдаги вазалар устига қора лак билан ҳар, хил расмлар солинган. Баъзан расмлар бошдан оёқ «тимдалаб» чиқилган ва қизил, оқ бўёқлар билан бўялган. Фақат архаик даврдаги расмлар шундай усул билан ишланарди.

Коринф сарғишроқ гилватадан ясалган вазалар билан шухрат қозонган.

Эраимиздан аввалги VI йсрда Атикада ишлаб чиқарилган лак, гарчи эраимиздан аввалги V аср давридаги лакка тенглаша олмасадан, ҳар ҳолда бизнинг давримизгача ўчмасдан сақланиб қолган.

Вазалар яшашнинг ва ваза рассомлигининг бутун Грецияда тарқалганлиги кулолчилик хунарининг ва тасвирий санъатнинг юксак даражада эканлигидан далолат беради.

* *

Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда грек маданиятида антик синфий жамиятнинг қарор топишининг, уруғдошлик тузуми дунёқараши қолдиклари тугашининг, аристократия билан демос ўртасидаги курашнинг, антик қулдорлик полиси қарор топишининг алғов-далғовли даври акс эттирилган. Илмий билишнинг дастлабки муваффақиятлари акс эттирилган, дастлабки фалсафий системалар ифодаланган. Эрамиздан аввалги V—IV асрлар архаик' даврининг маданияти қурган пойдевор устида қадимги грек классикаси ўзининг порлоқ ривожига етдики, бу классика Европа маданияти унинг устида муваффақият билан ривожланиб келган ва ривожланаётган негизнинг каттагина ва муҳим қисмини ташкил этади.

IXBOB

ГРЕЦИЯ-ЭРОН УРУШЛАРИ

1. Манбалар. Греция-Эрон урушларига оид асосий манба Геродотнинг «Тарих» асари бўлиб, бу асар эрамиздан бурунги 478 йил воқеалари билаи узилиб қолади. Бир қанча қадимги грек тарихчилари бирон бир муносабат билан бу урушларнинг айрим воқеалари ва хусусиятлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Эсхил «Форслар» деган трагедиясида шохид ва бевосита иштирокчи сифатида Саламин ороли ёнида грекларнинг форслар билан қилган денгиз жангини ёрқин образларда тасвирлаган. Эраמידан аввалги V аср обидаларида бир қанча ёзувлар сақланиб қолган. Кейинроқ Греция-Эрон урушларини сицилиялик Диодор тасвирлаган. Плутарх ўша замонда Афинанинг атокли сиесий ва харбий арбоблари бўлмиш Фемистокл, Аристид ва Кимоннинг таржимаи ҳолларини ёзган. Афинада ва жанг бўлган бошқа жойларда ўтказилган археологик қазишларнинг материаллари муҳим ахамиятга эгадир.

2. Греция-Эрон урушлари арафасида Эрон ва греклар. Эрамиздан аввалги VI асрнинг ўрталарида пайдо бўлган ва эрамиздан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларни забт этган улкан Эрон давлати пбдшо Доро I даврида, эрамиздан аввалги VI асрнинг охирларида, ўз қудратининг чўққисига етган. Доро I даврида ғоят катта давлатни идора қилиш системаси ташкил этилган, қўшинлар ҳаракат қиладиган стратегик ва савдо йўллари такомиллаштирилган, истило қилинган қабилалар ва халқлардан мунтазам суратда тушиб турадиган бож-хирожлар Эрон пойтахтларига ташилган. Форслар ҳукмронлиги остида бўлган областлардан ҳар бирининг хуеу-

сиятлари ва ресурсларини ҳисобга олган ҳолда системали суратда катта бож-хирож ундирилиб турилиши натижасида мазкур областларнинг иқтисодий имкониятлари аста-секин тугаб борган. Шу сабабли Эрон давлати ҳаддан ташқари солиқ-ўлпонлар билан ҳали ҳолдан тойдирилмаган янги территориялар истило қилишга қизиққан. То куч етганга қадар олиб борилган янги ерларни истило қилшн ва Эрон давлати чегараларини кенгайтиришсиёсати унинг бутун давлат ва социал-иқтисрдий тузилишининг табиий натижаси бўлган. Эрамиздан аввалги VI асрдаёқ форслар Кичик Осиёнинг Эгей соҳилидаги бой грек полисларини забт этганлар, сўнгра улар Кичик Осиё соҳили ёнидаги айрим оролларни ва Эгей денгизининг шимолий қирғоқларидаги грек колонияларини бўйсундириб олганлар. Бу истилолар жараёнида форслар Мармар ва Қора денгизларнинг Европа қирғоқларида яшовчи фракияликлар ва скифларнинг жанговар қабилаларига дуч келганлар.

Доро I Эрон давлати учун зарур бўлган истилочилик сиёсатини давом эттириб ҳамда Кичик Осиё грекларининг соҳил бўйидаги бой шаҳарлари устидан ўз ҳокимлигини мустаҳкамлаш мақсадида эрамиздан аввалги 513 йилда Фракия орқали Шимолий Қора денгиз бўйларига скифларга қарши юриш бошлаган. Жуда хилма-хил қабилалардан тузилган Доро I армияси составида Кичик Осиё грекларининг ҳарбий бўлинмалари ҳамда Геллес-понт ва Қора денгизнинг Европа қирғоғидаги форсларга қарам бўлган грек шаҳарларидан тузилган отрядлар ҳам бўлган. Эрон армияси составида инженер-сапёр қисмлари бўлиб, уларда тажрибали грек инженерлари хизмат қилган. Уларнинг ёрдами билан Босфор орқали ва Дунай дарёси орқали понтон кўприклар қурилган.

Шимолий Қора денгиз бўйларининг табиий шароитлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмаган Доро I кўшинлари скифларнинг асосий қучларини тор-мор қилишга интилиб, эҳтиётсизлик билан Қора денгиз бўйларидаги сувсиз чўл-биёбонларнинг ичкарасига кириб кетганлар. Кўчманчи скифлар форсларнинг босқинига қарши курашда энг мақсадга мувофиқ тактика танлаганлар. Улар қатъий жангдан бош тортиб, Эрон армияси босиб келаётган йўллардаги қудуқларни ва озик-овқат маҳсулотларини йўқ қилганлар, форсларнинг ўз асосий қучларидан ажралиб қолган кичик-кичик отрядларини кириб ташлаганлар ва шундай ҳолатдаги отрядлар билан Эрон армиясини заифлаштириб, издан чиқарганлар. Доро I бир қанча муваффақиятсизликларга учрагандан кейин натижасиз юришни тўхтатишга ва орқага қайтишга мажбур бўлган.

Лекин бу юриш натижасида форслар Византияни ва Болкон ярим оролининг бутун шарқий қисмини эгаллаганлар. Македония форсларнинг олий ҳокимиятини тан олган. Эрон давлатининг чегаралари Грецияга жуда яқинлашиб қолган. Форслар Эгей денгизини Қора денгиз билан боғловчи бўғозларни эгаллаганлар

ва Грециянинг Шимолий Қора денгиз бўйлари билан алоқа йўларининг бузганлар. Илгарирок Мисрни забт этган форслар грекларнинг Навкратис билан савдо алоқаларини издан чиқарганлар. Шимолий Қора денгиз бўйларида ва Мисрдан Грецияга ғалла ва бошқа товарлар келиб турган. Форслар Грециянинг ашаддий рақобатчилари бўлмиш финикияликларнинг денгиз савдо-сотиғига ҳомийлик қилганлар. Кичик Осиё ва унинг яқинидаги ороларнинг греклари эрон солиқ системасининг бевосита зулмини ҳамда подшо томонидан маҳаллий олигархлар ва аристократлардан тайинланган золимларнинг жабрини ўз бўйинларида тортганлар.

Болқон Грецияси полисларининг яқин ўтмишда қаттиқ ички курашда уруғ аристократияси устидан ғалаба қозонган савдо, ҳунармандчилик аҳолисининг кенг оммаси энди кучли ва шафқатсиз ташқи душман билан тўқнаш келган. Кучларнинг жуда ҳам тенг эмаслигини англаш натижасидагина грек полисларининг демоси Эронга қарши актив ҳаракат қилиб чиқишдан ўзини саклаб қолган. Аксинча, бир қанча полисларда мағлубиятга учраган аристократия форсларнинг олий ҳокимиятини таниш эвазига Эрон подшосининг ёрдами соясида илгариги ҳукмронлик мавқеини қайтариб, олишга, аристократия ҳокимият тепасида туриб қолган полисларда эса форсларга таяниб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилган. Шундай қилиб, грекларнинг Эронга нисбатан ташқи сиёсатида бирлик бўлмаган. Эрон ҳукмрон доиралари буни билганлар ва куч жихатдан ўзларининг потенциал афзалликларига ишонган ҳолда сераҳоли ва бой Грецияни осонлик билан бўйсундириб олишга ва ундан янги катта даромадлар қўлга киритишга умид боғлаганлар. Истилочилик ҳаракатларини бошлаш учун фақат баҳона топилмай турган. Бу баҳонани грекларнинг ўзлари топиб бер/анлар.

3. Греция-Эрон урушларининг бошланиши. Кичик Осиёнинг грек шаҳарлари аҳолиси Эрон солиқ системасидан айниқса кўп жафо кўрган. Форслар томонидан қўйилган золим ҳокимларнинг суйистеъмоллари аҳолининг оғир аҳволини яна баттарроқ қилиб қўйган. Аста-секин шундай вазият юзага келганки, сал баҳона билан стихияли қўзғолон кўтарилиб кетиши мумкин бўлган.

Айни шу вақтда ички кураш натижасида Наксос оролида аристократия ағдариб ташланган ва қувиб юборилган. Наксос аристократлари Ионияга кочганлар. Улар ёрдам сўраб Милет тирани Аристагорга мурожаат қилганлар, Аристагор Наксос оролида аристократияни қайта тиклашга ва биратўла оролни Эронга бўйсундириб, подшога хизмат кўрсатишга қарор қилган. У Наксос оролини забт этиш учун ёрдам сўраб Доро I га мурожаат қилган. Лекин оролни истило қилишга муваффақ бўлинмаган. Шундан кейин, Геродотнинг айтишича, Аристагор Доро I нинг ғазабидан кўрқиб, Милетга қайтиб борган ва милетликларни эрон зулмига қарши қўзғолон кўтаришга даъват этган. Милетда стихияли қўзғолон эрамиздан аввалги 500 йилда бошланиб, Кичик Осиё грекларининг кўп шаҳарларига тез ёйилган

ра уни маҳаллий аҳоли—қарийлар қуйватлаб чиққан. Аристагор-Иинг ўзи тиранлик ҳокимиятидан воз кечган ва бошқа шаҳарлар-Даги тиранларни кўзғолончилар ағдариб ташлаганлар.

Ион кўзғолонининг дастлабки муваффақиятларга эришганли-п-шинг сабаби шу эдики, бу кўзғолон форслар учун кутилмаган ходиса бўлган, уларнинг Қичик Осиёнинг ғарбий қисмида етарли ҳарбий кучлари бўлмаган. Кўзғолончилар бунни яхши тушунган-лар. Аристагор ёрдам сўраш учун Болкон Грециясининг шаҳар-ларига жўнаб кетган. Лекин унда Эрон билан тўқнашувдан кўркканлар. Савдо-сотик йўлларини форслар назорат остига олишидан айниқса кўп жафо чеккан Афина аслида фақат рас-мий. йўсиндагина ёрдам беришга рози бўлган. У Эрон фло-тига қарши 20 ҳарбий кема юборган. Эвбейдаги Эретрия шаҳри 5 кема юборган. Бу орада кўзғолон бутун Кичик Осиё соҳилини қамраб олган ва ҳатто Кипрга ҳам ўтган. Шимол томонда у Византийга ва Пропонтиданинг Европа соҳилидаги грек шаҳарларига ёйилган. Лекин кучлар тенг бўлмаган. Эра-миздан аввалги 494 йилда кўзғолон тамоман бостирилган. Яқин-дагина гуллаб-яшнаб турган Иония батамом тушқунликка юз тутган.

4. Фортарнинг Грецияга қарши биринчи юриши. Афина ва Эретрия ионияликларга кўрсатган оз-моз ёрдами Доро I га Бол-кон Грециясига қарши биринчи юришни бошлаш учун баҳона бўлган. Эрамиздан аввалги 492 йилда курукликдаги кўп қўшин ва ҳарбий флот Эрон подшосининг куёви Мардоний кўмондонли-ги остида Грецияни истило қилиш учун равона бўлган. Курук-ликдаги қўшин Геллеспонтдан кечиб ўтган, йўл-йўлакай шаҳар ва қишлоқларни хонавайрон қилиб, Эгей денгизининг Фракия соҳили бўйлаб ҳаракат қилган. Ҳарбий-денгиз флоти соҳил бўй-лаб борган ва йўл-йўлакай Фасос оролини забт этган.

Фракиялик жанговар қабилалар жон-жаҳдлари билан ўзла-рини мудофаа қилганлар ва Халкидика ярим оролига яқинлашиб келган Эрон қўшинини бирмунча кучсизлантирганлар. Бунда шимолӣ Актэ буруни (ҳозирги Афон) ёнида денгизда ниҳоятда зўр бўрон кўтарилиб, Эрон флотининг кўп қисмини яксон этган. Натижада Мардоний Грецияга етолмасдан, ўзининг денгиздаги ва курукликдаги қолган-қутган кучлари билан чекинишга мажбур бўлган.

Эроннинг ҳукмрон доираларининг фикрича, (кутилмаган та-бий офат оқибатида тўхтаб қолган) ҳарбий намойиш грек по-лисларини даҳшатга солиши лозим эди ва ҳақиқатаи ҳам даҳ-шатга солган. Доро I Мардоний чекингандан кейин Грецияга элчилар юборган ва форсларга ер ва сув беришни, яъни Эрон давлатининг ўз устларидан ҳукмронлигини тан олишни талаб этган. Кўпчилик грек шаҳар-давлатлари бу талабни бажарган-лар ва форсларга расман бўйеунганлар. Фессалия ва Беотиянинг айрим полисларида маҳаллий аристократия ҳатто ўз ҳукмронли-гини сақлаб қолиш учун Эрон ёрдамига умидхам боғлатан. .Уша

вақтда энг кучли бўлган икки полисгина, яъни демократик Афина билан аристократик Спарта Доро I давводарига қарши очик суратда майдонга чиқишга журъат этган. Афинада Эроннинг талаблари халқ йиғинида муҳокама қилинаётган чоқда Эрон элчиларини ушлаб, қоядан улоқтирганлар. Спартада эса элчиларни, ерНИ ҳам, сувни ҳам шундан олсинлар, деб қудукқа ташлаганлар.

5. Форсларнинг Грецияга қарши иккинчи юриши. Форслар Афинани ўзларининг энг катта душмани ҳисоблаганлар. Эрамиздан аввалти 490 йилда Грецияга қарши иккинчи юриш бошланган. Бу юришдан мақсад аввало Эретрия ва Афинага қарши уруш очиш бўлган. Энди Эрон флоти тажрибали кўмондон Датис ва подшонинг жияни Артафери бошчилигида Киликия кирғокларидан сузиб кетган, Эгей денгизини кесиб ўтиб, Эвбеяга десант туширган ва Эретрияни тор-мор қилган. Сўнгра Эрон флоти Аттикага қараб йўл олган. Форслар билан бирга кемада сузиб

- борган ва Афинага яна қайтишни умид қилган собиқ Афина тирани Гиппийнинг маслаҳати билан Датис ўз кўшинларини Атиканинг шимоли-шарқий кирғоғига, Марафон қишлоғи ёнида, Афинадан 42 километр берида туширган. Атиканинг тоғли сохил бунда кенг водийни ташкил этган. Эрон кўмондонлиги ана шу водийдан Эрон армиясининг асосий кучларидан бири бўлган отлик аскарларнинг ҳаракатий учун фойдаланишни ўйлаган.

Эрон флотининг уруш ҳаракатлари ҳақидаги хабарлар гарчи Грецияда тез тарқалган бўлса-да, улар душманга яқдиллик билан зарба бериш учун грекларни сафарбар қилмаган. Аристократ гуруҳлари форсларнинг қайфиятичи изҳор қилганлар.

- Афинанинг ўзида эса ағдариб ташланган тиран Гиппийнинг - тарафдорлари бўлган. Лекин Афина демосининг жуда кўпчилиги
- ўз, ватанинингтўла мустақиллиги ва яқинда аристократия билан тирания устидан қозонилганғалаба натижасида қўлга киритилган социал-иқтисодий ва сиёсий вазиятни сақлаш учун сабот-матонат билан қаттиқ турган. Эрон кўшинларининг Марафон ёнига туширилганлиги хабари эшитилиши билан дарҳол Афинадаги барчаоғир қуролланган жангчи-гоплитлар лашқари, энгил қуролланган ҳамма ёрдамчи кўшинлар жанговар тайёрлик ҳолатига келтирилган. Ҳатто озодлик ваъда қилинган қўллар ҳам армия сафига киритилган. Халқ йиғини форсларнинг Афинага ҳужум қилишини кутиб турмасдан, Марафон ёнида жанг бошлашга қарор қилган. 10 мингга яқин аскар тўплашга муваффақ бўлинган ва бу кўшинга 11 кишидан, яъни 10 стратег ва бир архонтполемархдан иборат коллегия кўмондонлик қилган. Кўшни Беотиядаги кичкина Платея шаҳрининг бир неча юз жангчидан иборат отряди Афина отрядига келиб қўшилган.

Барча грекларга хавф солган ҳужум муносабати билан афиналиклар спарталиқлар билан муносабатлариёмонлашиб қолганига қарамай, ёрдам сўраб Спартага чопар юборилган. Лекин Спарта, тўлин ой чиқмасдан бурун бизнинг кўшинимиз ҳаракат қилолмайди, деб кутиб турган. Афиналиклар фақат ўзларига

мшонишга мажбур бўлганлар. Афина отряди Марафон водийси ёнидаги тепаликни ишғол қилишга ва Афинага бориладиган пўлни тўсишга муваффақ бўлганлар. Марафон водийсига тушган Эрон қўшини отлик аскарлардан ва пиёда камончилардан пборат бўлган, сон жиҳатдан.у грек қўшинидан ошиқ бўлган. Шу муносабат билан Афина стратеглари ўртасида, биринчи бўлиб жанг бошлашимиз керакми ёки мудофаа ташкил этишимиз керакми, деган масала устида ихтилоф чиққан. Стратег Мильтиаднинг биринчи бўлиб жанг бошлаш кераклиги тўғрисидаги фикри голиб чиққан. Мильтиад ўтмишда Эронга қарам шаҳар бўлган Фракиялик Херсонеснинг тирани бўлиб, бир вақтлар Эрон армиясига хизмат қилган. У форсларнинг тартибларини яхши билгани учун стратеглар жангга қўмондонлик қилишни унга топширганлар.

Анъанага кўра, стратеглар лашкарга навбатма-навбат бир кундан қўмондонлик қилганлар. Мильтиад қўмондонлик қиладиган кун келгач, у бўтун лашкарни жанговар тартибда сафлаган ва форсларга қарши хужумга ўтган. Мильтиаднинг аскарлари Датис ва Артаферн аскарларидан кам бўлганлиги сабабли, } қуршалиб қолишдан қўрққан ва шунинг учун ён томондаги сафини узунасига тахминан бир километр қилиб, водийнинг бутунисига энлаб чўзган. Унга ўрталикни заифлаштириб, ён томонларни кучайтиришга тўғри келган. Мильтиад ўз аскарларининг интизомига ва жанговар руҳига ишонган. Уларнинг орқа томонидан атиги бир неча километр нарида уларнинг оилалари ва мол-мулклари турган, уларнинг тақдири бу жангдаги ғалабага ёки мағлубиятга боғлиқ бўлган.

Форслар билан қўл жанги қилиш учун бир километрдан бир ярим километргача йўл босиш керак бўлган. Форсларининг жанговар сафи камончилар билан отликлар галма-гал, орқа-олдин қилиб тизилган ва қабила-қабила, элат-элат қилиб саф тортирилган- Эрон қўшинининг сафи ўртасида форслар бўлиб, ён томонларда форсларга қарам бўлган элатларнинг отрядлари турган-

Хужум қилаётган Афина гоплитлари учун энг хавфли масофа атаканинг сўнгги 100 метри бўлган, чункиэрон камончиларининг ўқлари худди шу масофага етган. Мильтиад гоплитларга бу масофадан югуриб ўтишни буюрган. Бу югуриш икки вазифаниҳал қилган: югуришнинг тезлиги форсларнинг ўқидан талафотни камайтирган, оғир қуролланган гоплитлар денгиз сал нишоб бўлиб кетган жайдан хужум қилаётганликлари сабабли уларнинг югуриши тобора жадаллашиб яна кучайган. Шундан кейин бошланган қўл жангида форСлар афиналикларнинг ён томонларини ёриб ўтганлар, аммо оғир қуроллаиан гоплитлар ён томонлардан уларнинг энгил қуролланган камончиларини ва отликларини уриб қайтарганлар. Сўнгра афиналикларнинг ёнлари бирга туташиб, ён томоннинг ўртасидан ёриб ўтган форсларни яксон қилиб ташлаган. Жанг Эгей денгизининг саёзлигида тамом бўлган. Афина-

ликлар форсларшгаг етти кемасини қўлга туширганлар, колганлари сузиб қочган.

Мильтиад форсларнинг ниятини пайқаган: улар Аттика ярим оролини айланаб ўтиб, химоясиз Афинага ҳужум қилмоқчи эканлар, чунки бу вақтда Афина лашкари Марафон ёнида бўлган. Шунинг учун Мильтиад ҳалок бўлган жангчиларни дафн этиш учунузойда кичиқроқ бир командани қолдирган-да> бутун лашкарга қиска тоғ йўлидан дарҳол Афинага қайтиб боришни буюрган. Бундан илгари, жангдан кейинок, ғалаба хабарини етказиш учун Афинага чопар юборилган. Ривоятга кўра «марафонча югуриш» жуда тез бўлган. Чопар Афинага югуриб борган-да, «Куво-нинглар, биз енгдик!» деб, шу захоти юраги ёрилиб ўлган.

Кўп ўтмай ғолиб лашкар Афинага қайтган ва Афина гаванлари: Фалерон, Мунихий ва Пирейни химоя қилиш учун дарҳол сохилга равона бўлган. Гоплитлар ўз вақтида етиб келиб, портлар ёнидаги истехкомларни ва денгиз қирғоғидаги бошқа мудофаа позицияларини ишғол қилганлар. Эрон ҳарбий кемалари эшакларда Аттика- соҳили бўйлаб сузиб бориб, Афина гоплитлари тоғли йўлдан тез марш билан босиб ўтиши лозим бўлган масофадан. анча кўп масофани босиб ўтиши керак бўлган. Эрон кемалари ўша вақтда Афинанинг катта порти ҳисобланган Фалерон порти ёнига келгач, Эрон кўмондонлиги кучли қирғоқ мудофаасини кўрган. Бу мудофаани боягина Марафонводийси Да форс кўшинини тор-мор қилган грек гоплитлари ташкил этган эдилар. Эрон флоти ҳужум қилишга журъат этолмай қайтиб кетган. Кўп ўтмай Аттикага ёрдам бериш учун Спарта отряди кечикиб келган-

6. Форсларнинг иккинчи юришидан кейинги даврда Эрон ва Греция. Афиналикларнинг Марафон ёнида форсларнинг кучли десанти устидан ғалаба қозонганлиги катта маънавий ва сиёсий аҳамиятга эга эди. Бу ғалаба грекларда Эрон агрессиясига қарши курашда ўз мустақиллигини сақлаб қола олишига ишонч туғдирган. Эрон истило қилган халқлар Марафон ёнида ўз зolimларининг мағлубиятга учраганлигини эшитгач, ҳаракатга келганлар. Эрон ҳукумати Грецияни истило қилишдан воз кечган эмас эди. Лекин ички ғалаёнлар узок вақтгача унга Грецияга қарши учинчи юришни уюштиришга имкон бермади. Эрамиздан аввалги 486 йилда Доро I ўлди.

Греклар нафасни ростлаб олиш учун туғилган тинчлик имкониятидан лозим даражада фойдалана олмадилар. Полислар орасида ўзаро машашалар давом этмоқда, олигархик ва демократик гуруҳлар ўртасида ихтилоф кучаймоқда эди. Эроннинг янгидан бостириб келиш хавфини ҳамма озми-кўпми яққол англамоқда эди. Эрон давлати территориясида кўзғолонлар бостирилганлиги ва Доронинг вориси Ксеркс (Кайхиров) Грецияни итоат қилдириш мақсадида юришга тайёрланаётганлиги тўғрисида Кичик Осиёдан хабарлар кела бошлагач, Фессалия билан, Беотия Эрон подшосининг олий ҳокимиятини тан олган. Ҳатто Пелопоннесда Аргос аввало Афинага қаршиқаратилган бўлажак урушда ўзининг бетарафлигини эълон қилди. Умумгрек муъта-

бар диний маркази бўлмиш Дельфада кўшни Беотия ва Фессалия таъсири кучли эди, бинобарин, оракул иккиланиш позиция-Сини тутди. Лекин бошқа грек давлатлари, гарчи ахиллик билан бўлмаса-да, ҳар ҳолда озми-кўпми даражада форсларга қаршилик кўрсатишга ҳозирлана бошладилар.

Афинадаги сиёсий кураш ва урушга тайёрланиш бизга яхши маълум,. Аттикада олдинда турган мудофаа урушида тутилади-ган стратегия масаласида Афина граждaнлари турли табақаларининг манфаатларини акс эттирувчи икки сиёсий гуруҳ—курукликдаги кучларва денгиздаги кучлар тарафдорлари ўртасида кураш борарди. Курукликдаги барча кучларни сафарбар қилиш тарафдорлари аристократ ер эгалари эдилар, аммо уларга жуда кўп деҳқонлар ҳам қўшилган эди, чунки бу деҳқонлар боскин бўлиб қолган тақдирда ўз хўжалиklarининг вайрон бўлишидан кўркар эдилар- Аттиканинг қишлоқ хўжалик аҳолиси курукликдаги чегара истехкомида жойлашган кучли армия ёрдамида душманни ўз территориясига қўймасликка умид қиларди. Курукликда уруш олиб бориш тарафдорларига консерватив оқим йўлини тутган ва ер эгалари манфаатларини акс эттирадиган обрўли сиёсий арбоб Аристид бошчилик қиларди.

Денгиздаги кучлар сиёсий гуруҳи савдо-хунармандчилик демоси манфаатларини акс эттирарди. Унга атоқли сиёсий арбоб Фемистокл бошчилик қиларди. У, форсларнинг сон жиҳатдан кўп бўлган армияси, агар чинакамига Грецияни итоат қилдиришни истаса, грекларнинг курукликдаги армиясини тамоман мажаклаб ташлайди, деб исбот қилмоқчи бўларди. Унинг фикрича, фақат денгизда тенг кучлар билан жанг қилиш ва, ҳатто, ғалаба қозониш мумкин эди, бунингучун бақувват ҳарбий денгиз флоти қуриш лозим эди. Бўрон чоғида Актэ буруни ёнида Эрон флоти ҳалокатга учрагандан кейин Мардонийнинг чекинишга мажбур бўлганлиги мисоли ҳаммининг эсида бўлса керак. Афиналикларининг аллақачонлардай бери ўз ғалласи етишмас эди. Денгизда ғалаба қозониш афиналикларга Шимолий Қора денгиз бўйлари-дан ғалла келтириш учун ҳам зарур эди. Фемистокл ер эгаларини узил-кесил ғалаба қилиш учун ўз хўжалиklarини вақтинча қурбон қилишга ва ҳамма куч ва маблағларни курукликдаги армияни кўпайтиришга эмас, балки флот қуришга сарфлашга чақирди. Бунда шу нарсани ҳам айтиб ўтмоқ керакки, савдо-хунармандчилик демосининг асосий маблағлари ерга эмас, балки хунармандчилик ва савдога сарф қилинган эди, шунинг учун қишлоқ хўжалиklarининг хонавайрон бўлишидан у ер эгаларига қараганда анча камроқ зарар кўрган бўларди.

Фемистокл қаттиқ сиёсий курашда савдогарлар, хунармандлар ва фетлар кенг оммасига суяниб, курукликдаги кучлар гуруҳининг қаршилигини енгди. Эрамиздан аввалги 483-482 йилларда Аристид остракцзм ёрдами билан Аттикадан қувилди. Фемистокл тез суръат билан ҳарбий-денгиз флоти қуришга киришди. Аттиканинг жанубий қисмида жойлашган Лаврион қумуш конла-


ридан қазиб олинган кумушлар флот қурилышини маблағ билан таъминлаб турди. Эрамиздан аввалги 480 йилга келганда Афина Грецияда энг кучли флотга эга бўлдики, бу флотда 180 триер, яъниучкаторданзшкакчилари бўлган тез юрар харбий кемалар бор эди.

7. Форсларнинг Грецияга қарши учинчи юриши. Айни шу вақтда форслар ғоят катта харбий кучлар тайёрлашни кенг авж олдириб юборганлар; бу кучлар денгиздан ва қуруқликдан Грецияга ҳужум қилиши керак эди. Кўшинлар тағин Эгей денгизининг илгари забт этилган шимолий соҳили бўйлаб бориши, флот эса қирғоққа яқинроқ жойдан сузиб бориши лозим эди. Ақтэ буруни ёнида флотнинг ҳалок бўлишига имкон бермаслик учун унинг торроқ қисмида кема қатнайдиған канал қазилди. Геродотнинг хабар қилишича, Грецияга гўё ёрдамчи -кучлари билан бирга 5 283 220 кишиданиборатармияҳужумқилган. Албатта, бу жуда муболаға. Ҳақиқатда эса ўша вақтда Ксеркс кўп бўлганда 150 минг киши тўплаши мумкин бўлган. Аммо шу ҳам мисли қўрилмаган жуда катта куч бўлган. Қсеркс ўз юришининг тўла ғалабасига ишончи комил бўлган ва шунинг учун у юриш олдидан кўраётган тайёргарлигини яширмаган.

Грецияда уруш олдидан ҳаммани ташвиш босди ва бу ташвиш грек полисларининг кўпини ўзаро уруш-талашни тўхтатишга ва бирлашишга мажбур этган. Эрамиздан аввалги 481 йилда Афина билан Спарта ўртасида иттифоқ тузилиб, бу иттифоққа бошқа грек полисларининг анчаси қўшилган. Лекин шундай бўлса-да ҳали тўла бирлик бўлмаган. Ҳатто Аттикада бир тўда аристократларнинг фитнаси очилган эди. Бу аристократлар Афинада ҳокимиятни қўлга олмоқчи ва форсларга итоат қилишни изҳор

этмоқчи бўлганлар.

Эрамиздан; - аввалги 480 йилнинг, кўкламида форсларнинг Грецияга учинчи юриши бошланди ва бу юришга Қсеркснинг ўзи бошчилик қилди. Ёзда эрон армияси Македонияга етиб борди, флоти эса Ақтэ бурниничетлаб каналдан омон-эсон ўтиб олди ва Халкидика ярим оролини айланиб ўтиб, Шимолий Грециянинг шарқий соҳилига чиқиб олди. Македония билан Фессалия Қсерксга итоат қилишди. Грек полислари- ор.асида қуруқ-



Саламин жанги.

лнкда энг кучли армияга эга бўлган Спарта билан Афина ҳамда форсларга қарши мудофаа иттифоқига кўшилган бошқа полислар ўртасида ҳаракатларнинг ҳамон келишмовчилик билан давом этаётганлиги форсларнинг ҳужумини енгиллаштирган.

Дастлабки пайтда греклар форсларни Фессалиянинг шимолроғида учратишни мўлжаллаганлар, лекин Фессалия форслар томонига ўтганлиги сабабли, улар Фессалия билан Урта Греция ўртасидаги чегарага чекиниб, Фермопил йўлаги ёнида мудофаа тутганлар. Бу жой тикка жарлик ёқасида бўлиб, тепадаги иссиқ чашмалардан нишаб билан оқиб тушган сув туфайли сирғанчик бўлган ва бир томони бориб ботқоқликка тақалган. Бу ердан Фессалиядан Урта Грецияга бориладиган йўл ўтган. Спарта—мудофаа иттифоқининг бошлиғи бўлган, чунки у Пелопоннес иттифоқига бош бўлиб, бутун Грециянинг гегемони (етакчиси) ҳисобланган. Лекин спарталиқлар илотларнинг кўзғолон кўтаришидан хавотирланиб, ўзларининг асосий кучларини Пелопоннесдан олиб чиқишдан қўрққанлар. Спарта ваъда қилган курукликдаги катта куч ўрнига Фермопилни ҳимоя қилиш учун подшо Леонид кўмондонлиги остида 300 спарталиқ ва 1000 перизкдан иборат бир отряд ажратган. Уларга келиб кўшилган бошқа грек отрядлари билан бирга Леонид ихтиёрида Фермопил ёнида 7200 аскар тўпланган.

Спарталиқлар ўз ички аҳволининг тақозосига кўра икки ёклама сиёсат олиб борардилар. Улар эрон босқинининг хавфини тушунардилар-у, лекин форсларга қарши озгина куч юбориш билан олдиндан Эрон шохининг мурувватига эришмоқчи ва шу тариқа форс кўшинларининг Пелопоннесга бостириб киришининг олдини олмоқчи бўлардилар. Эрон кўшинлари Пелопоннесга бостириб кирганда эса, бу ҳол илотларнинг кўзғолон кўтаришига сабаб бўлар ва бу бутун Спарта системасининг ҳалокатига олиб келган бўларди. Спарталиқлар айникса шундан кўпроқ қўрққанлар.

Леонид ўз кўшинлари билан икки кун давомида форсларнинг сон жиҳатдан ортиқ бўлган кучларининг атақаларини қаҳрамонларча қайтарган. Лекин бир* хоин топилиб, у форсларни айланма тоғ сўқмоқлари орқали Спарта подшосининг орқа томонига бошлаб борган. Шундан кейин Леонид ҳамма грек отрядларига чекинишни буюрган, ўзи эса 300 спарталиқ ва бошқа отрядлардан олинган бир оз серғайрат кишилар билан биргаликда форслар билан қаттиқ жанг қилиб ҳалок бўлган ва шу билан жанг майдонидан чекинмаслик кераклиги ҳақидаги Спарта қонунини адо этган.

Спарта подшоси ва унинг отрядининг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги Грецияда маънавий кўтаринкиликка сабаб бўлган. 271 триердан (ҳарбий кемадан) иборат иттифоқчи грек флоти Леонидга мадад бериб, Эвбея оролининг шимолий чеккасида (Артемия буруни ёнида) узок денгиз жанги олиб борган ва дам қолиб, дам мағлуб бўлиб келган эди. Учинчи куни Леонид отряди ҳалок бўлганлиги тўғрисида хабар келгач, грек флоти жанубга,

Атикага чекинган. Форслар ўрта Грецияга бостириб кириб, Афинани ишғол қилганлар ва вайрон этганлар. Спарталиклар Коринф бўйинини мустаҳкамлаганлар ва фақат Пелопоннесни мудофаа қилишни талаб этганлар. Афиналиклар Саламин ёнида катъий жангбошлашниталаб этишган. Фемистокл спарталикларнинг бош қўмондонини бу жангга зўра қўндирган ва Саламин ёнидаги бу жанг эрамиздан аввалги 480 йилнинг қўкламида бошланган. Бужангда ҳар иккала томондан кўп куч қатнашган. Фемистоклнинг плани форсларнинг кўпроқ кемаларини торгина Саламин бўғозига киритиш, шу йўл билан уларни маневр қилиш имкОниятидан маҳрум этиш ва озроқ тез юрар грек триерлари ёрдами билан уларни яқсон қилиб ташлашдан иборат эди. План муваффақиятли чикди. Эрон флоти тор-мор қилинди. Форслао Атикани ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Ксеркс Кичик Осиёга жўнаб қолди. Саламин жангида қатнашган улуғ шоир Эсхил ўзининг «Форслар» номли трагедиясида грекларни ғайратга солган зўр ватанпарварлик руҳини ва жангнинг боришини куйидаги шеърй сатрларда илҳом билан тасвирлаган:

«Эллада эрлари — деб келди садо. —
 Ватанни қутқаринг, жангларга кириг—>
 Хотин, бола-чака, ибодатхона,
 Оталар мазори — ҳаммаси учун!»
 Эшитилар форснинг суронлари ҳам,
 Фурсатни бой бермоқ мумкин эмасди:
 Юнонлар кемаси ёвга қарата
 Тумшуғин тўғрилаб жанг бошлар мана.
 Финикий кемасин безақларини
 Тезда уриб ташлар... Қизиб кетди жанг.
 Аввал қоим эди форслар қўшини;
 Аммо тўдалашиб қолиб бўғозда
 Кемалар қийнади бир-бирини хўп,
 Биттасин тумшуғи бйрига тегиб
 Оқибат, барчаси фарк бўлди сувга...


(Мухаммад Али таржимаси)

Грекларнинг Саламин ёнида форсларнинг денгизда сон жихатдан устун бўлган кучлари устидан қозонган ғалабаси урушнинг бутун боришида бурилиш ясади. Эрамиздан аввалги 479 йилда Мардоний қўмондонлиги остида форсларнинг курукликдаги армияси яна Атикага бостириб кирган ва қиска муддатда Афинани ишғол қилган. Яна кутиб туриш позициясини тутган спарталиклар Афина, Мегара ва Платеянинг талабига биноан актив ҳаракат бошлашга мажбур бўлганлар. Спарталиклар Урта Грецияга етиб боргач, Мардоний Атикадан Беотияга чекинган ва ўша ерда Платея ёнида эрамизда аввалги 479 йилда Спарта, Афина, Коринф ва бошқаларнинг бирлашган отрядлари билан форслар ўртасида катъий жанг бўлган. Форслар грекларга хужум қилганлар, лекин оғир қуроолланган грек гоплитлари уларни тор-мор қилган. Мардоний жангда ўлган. Форслар Фессалия орқали Фракияга чекинганлар. Греклар қўлига ғоят кат-

та ўлжа тушган. Платея ёнида бўлган жангда грекларнинг асо-СИИ кучларига Спарта подшоши Павсаний ва афиналик Аристид кўмондонлик қилган (форсларнинг босқини хавфи муносабати билан уруш ҳаракатлари олдидан бадарға қилинганларнинг ҳаммаси Афинага қайтариб келтирилган эди). Ривоятга кўра, гўё Платея ёнида бўлган жангнинг бир куниди Афина стратеги Ксантипп ва Спарта подшоши Леотихид кўмондонлиги остидаги грекфлоти, Саламин ёнидаги мағлубиятдан қутилиб қолган ва Самос ороли билан Кичик Осиёдаги Микале буруни ўртасида турган Эрон флотининг қолдиқларини яқсон қилиб ташлаган. Натижада Самос, Хиос ва Лесбос ороллари форсларга қарши чиқиб, грек иттифоқига қўшилган.

Уруш Греция доирасидан ташқарига чиққан ва денгизда ҳамда Қора денгиз бўғозлари районида давом этган. У мудофа урушидан греклар учун ҳужум урушига айлана бошлаган, чунки Эрон давлатининг ғоят катта потенциал кучлари Грецияда форсларнинг мағлубиятга учраганлиги тўғрисида хабар тарқалгандан кейин унингўз территориясида кўтарилган кўзғолонлар натижа-сида яна кўп даражада банд бўлиб қолган.

Грецияда ҳам кучлар нисбатида муҳим ўзгаришлар юз берган. Спарталиклар илотлардан хавотир олиб, ўз қўшинларини Пелопоннесдан узок вақтга ёки йироқроққа чиқара олмаганлар. Уруш ҳаракатлари узоклашиб борган сари спарталиқлар тобора пассивлашиб қолганлар. Эронга қарши урушга раҳбарлик қилиш тобора кўпроқ афиналиклар қўлига ўта борган. Эрамиздан аввалги 478 йилда, уруш ҳаракатлари •Византий райони-га ўтгач, Спарта урушда актив иштирок этишни тўхтатган ва эндиликда урушга тамомила Афина бошчилик қиладиган



*. ^ШхШ^куШмГ' ' ,
 "Ба/гала/ма»Й"\\(бошқа|Ш//Спарт



I / 26.9 га ўтар
 § • кечаси

• • 26.9 эргалаб

к * Жанг олдан грекларнинг бошқа
 ^*»** позицияга ўтиши


И^ Форслар х,ужуми

Г Грекларнинг қарши ҳужуми ва форс
 [к^шинининг таъйлиби ,

Платея ёнидаги жаиг.

бўлган. Форсларга қарши урушда собит кадамлик билан ғолибона қатнашиб келиши натижасида Афина Грециянинг ҳақиқий етакчиси бўлиб қолган.

8. 1-Афина денгиз иттифоқинингташқил топиши ва урушнинг тамом бўлиши. Эрамиздан аввалги 478 йилда форслар устидан узил-кесил ғалаба қозониш учун Афина форсларга қарши курашда иштирок этган барча полислар билан, шу жумладан, яқиндагина форслар зулмидан озод бўлган Кичик Осиёдаги грек шаҳарлари ва Эгей денгизи ороллари билан ҳам симмахия—ҳарбий иттифок тузган. Шу тариқа Афина раҳбарлиги остида Делос ёки 1-Афина денгиз иттифоқи вужудга келган ва бу иттифок Эрон билан урушни охириги ғалабага етказган. Бу иттифокнинг Делос



Грек-форс урушлари.

иттифоқи деб аталишининг сабаби шу эдики, иттифок хазиnasi реклар муқаддас деб билган Делос оролида туради, деб эълоч илинган эди. Иттифоқчилар, ҳар қайси ўз имкониятига қараб, арбий кемаларнива аскарларни таъминлаб туришлариваумумиттифоқ (яъни Афина) қўмондонлиги талаб қилганҳамонуларнининг ихтиёрига топширишлари лозим бўлган. Иттифоқнинг ҳарий кема ёки бир отряд аскар етказиб беришга қодир бўлмаган аъзолари пул тўлашлари керак бўлган. Иттифоқ кассасига тўланадиган пулларни— форосни (айнан «оғирлик»ни) анъана бўлиб қолган илгариги эрон хирожи миқдори асосида Аристид расамат қилиб чиққан.

Форслар билан уруш орада узилишлар билан то эрамиздан аввалги 449 йилга қадар давом этган. Мильтиаднинг ўғли талантлий флот дарғаси Кимон бу давр ичида форслар устидан бир неча бор порлоқ ғалаба қозонган. Уз мустақиллигини сақлаб қолгач, греклар Эроннинг вақтинча заифлашиб қолганидан фойдаланиб, шарқий Урта денгизнинг сохил бўйи районларига кучли ҳужўмга ўтганлар, Нил дельтасига муваффақиятсиз аскар туширганлар, лекин шундан кейин орадан кўп ўтмай ахволни тўғрилаб олганлар, Эрон флотини тор-мор келтириб, Қипрга (Саламин шаҳри ёнига) десант туширганлар.

Ҳар иккала томон урушда гоҳ енгиб, гоҳ енгилиб, ахийри эрамиздан аввалги 449 йилда сулҳ тузганлар. Бу сулҳ тинчлик музокараларида греклар томонининг вакили афиналик Қаллий номи билан Қаллий сулҳи деб аталди. Абадий тинчлик ўрнатилди. Форслар Кичиб Осиёдаги грек.шаҳарларини ва Эгей денгизидаги ҳамма оролларни мустақил деб таниганлар. Эрон ҳарбий-денгиз флотига Эгей денгизида сузиш тақиқланган. Афина I-Афинаденгиз иттифоқидан фойдаланиб, грек дунёсида энг қудратли давлат бўлиб қолган.

Греция-Эрон урушлари ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини Эрон истибдоди агрессиясидан сақлаб қолган грекларнинг ғалабаси билан тамомланган. Ораларида ихтилоф бўлишига қарамай, греклар қатъий пайтларда бирлашишни ва босқинчиларга қажатқич зарба беришни билардилар. Аммо греклар ўз қулдорчилик даврининг кишилари эдилар- Урушнинг иккинчи даврида, Эроннинг кучлари ҳолдан, кетганлигига ишоич ҳосил қилгач, грек аскарлари имкониятлари борича Эрон сохилларини талаганлар ва асирларни қулларга айлантирганлар.

Х БОБ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ V—IV АСРЛАРДА ГРЕЦИЯНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТУЗУМИ

1. **Куллик.** Эрамиздан аввалги V асрда Греция экономикаси жадал ривожлана бошлайди. Бу ривожланиш антик куллик формасига асосланган эди. Ф. Энгельс ёзган эдики, фақат куллик

кишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида ҳақиқий меҳнат тақсимотини вужудга келтириши мумкин эди ва ўша вақтдаги йшлаб чиқариш фақат кулликка асосланиши мумкин эди, «Фақат куллик дехқончилик билан саноат ўртасида меҳнат тақсимотини йирикрок миқёсда вужудга келтиришга имкон берди... Куллик бўлмаганда грек давлати, грек санъати ва грек фани ҳам бўлмас эди; куллик бўлмаганда Рим империяси ҳам бўлмас эди. Греция билан Рим асосини қурган пойдевор бўлмаганда эса, ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди»¹.

Эрамиздан аввалги VI—V- асрларда антик куллик формаси ривожланади. Бу даврда кулдорлик сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам ўсади. Кулларни эксплуатация қилиш эрамиздан аввалги VII асрда ва VI асрнинг бошларида қадимги Шарқда ва Грецияда кулларни эксплуатация қилишга қараганда кўпроқ жадаллашади.

Эрамиздан аввалги V асрда куллар кўплаб кела бошлайди. Бир томондан, бу Греция-Эрон урушларининг натижаси эди: кўп ҳарбийлар асир олиниб, сотилган эди. Лекин-бундан ташқари, грек дунёсининг чекка ўлкаларида, масалан, фракия, Кичик Осиё ва бошқа жойларда баъзи маҳаллий қабилалар ўз қўшинларига ҳужум қилиб, уларни асосан грекларга сотиш учун кул қилардилар.

Грецияда кул бозорлари бор эди. Улардан энг каттаси Хиос оролидаги кул бозори бўлиб, у қадимдан кулфурушлиги билан донг таратган эди. Бироқ, Хиосдан ташқари, бошқа грек шаҳарларида, масалан, Афинада ҳам куллар сотиларди.

Сотиб олувчилар товарни кўришлари учун кулларни яп-ялонғоч ҳолда сотардилар. Сотиб олувчи кулнинг муқулларини ушлаб кўрар, уни югуртириб, сакратиб қарарди ва шундан кейин унинг оёқлари бақувват эканлиги-эмаслигига, гавдаси яхши тузилган-тузилмаганлигига ишонч ҳосил қиларди. Хунараманд кул шу жойнинг ўзидаёқ кийим тикиши, темирни болғалаши ёки бошқа бирон хунарни бажариши керак эди. Артист куллар эса (улар кўп бўларди) ўз санъатларини намойиш қилишлари: ашула айтишлари, ўйинга тушишлари, фокус кўрсатишлари керак эди ва х. к. Биров онани, биров унинг болаларини сотиб олиши билан, яъни онанинг болаларидан ажратилиши билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Сотиб олинган кулни кейин бирон касали-борлиги билинса, сотиб олган киши унй илгариги эгасига қайтариб бериши мумкин эди.

Кулларнинг меҳнатидан кишлоқ хўжалигида, хунарамандчиликда ва конларда фойдаланилар эди. Бойларнинг уйларида улар хизматкор қилиб ишлатиларди.

Кўп буржуа олимлари, Грецияда ҳамма хунарлар эркин кишилар қўлида эди, деб ҳисоблайдилар. Аммо бу унчалик тўғри

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 20, стр. 185.

вмас. Дуруст, кулларнинг ўз "устахоналари йўқ, эди. Хўжайин (ркин киши эди, шунингдек, малакали усталарнинг кўпчилиги) ам эркин кишилар эдилар. Лекин ҳар қандай касб-корда ишлаб чиқариш процессининг шундай томонлари бор эдики, уларни кулларнинг меҳнатисиз бажариб бўлмас эди, чунки бу ишлар жуда катта жисмоний куч талаб қиларди.

Кенг тарқалган кулолчилик ҳунарида кулнинг меҳнати шундан иборат эдики, устахонага гилвата келтириш, уни қориш, тепкилаш ёки муштлаш керак бўларди. Идишларни пишириш учун хумдонга ўт ёқиш зарур эди. Бу ишларни ҳамда ўтин ташиб келтиришни куллар бажарардилар. Лекин, шубҳасиз, куллар кулолчилик чархидахамишлаб, идишсарваидишларга туткичлар ёпиштирар эдилар: чунки туткичлар алоҳида ясаларди. Вазаларга солинган нақшлар ва битилган ёзувлар баъзан кулларнинг рассом бўлганлигидан далолат беради. Масалан, вазалардан бирида «Менга Қул Скиф нақш солди» деб ёзилган. Ҳар бир устахонада ишловчиларнинг камида ярми куллар эди, деб тахмин қилиш: мумкин. Устахоналарда кулларга жуда шафқатсизлик билан муомала қилинарди. Беотияда ясалган бир вазада кулолчилик устахонаси тасвирланиб, унда қўл ва оёқларидан осиб қўйилган кулнинг расми солинган, Осиглик ҳолича унинг калтакланаётганлиги кўрсатилган.

Конларда кулларнинг меҳнати айниқса оғир бўлган. У вақтда конлар ёмон ускуналанган: штольнялар тор бўлиб, ёғоч нарвонлар тез-тез синиб турар ва бахтсиз ходисаларга сабаб бўларди. Ер ости ёритилмаган, одатда кул ўсимлик мойи солиб ёқилган кичкина лампани кўтариб юрган. Бу лампа тутаб хавони захарлаган. Иш куни чекланмаган эди. Назоратчилар камчи билан савалаб турадиган куллар ҳолдан тойгунча ишлаганлар. Кечалари чарчашдан йиқилиб қолишар, эрта саҳар яна ишга тушишлари керак эди. Чарчаганларга ва касалларга ҳеч қандай шафқат-мурувват бўлмаган. Ҳатто энг соғлом кул ҳам бундай ишга беш-йил чидай олмаган.

Кулдорлар конларда ишлатиш учун кулларни баъзан бошқа хўжайиндан ёллаб олганлар. Лекин агар кул ҳалок бўлса, ёлловчи ўлган кул ўрнига янги кул бериши керак эди.

Юридик жиҳатдан кул хўжайинюшг мулки ҳисобланган.

Гарчи баъзи давлатларда, масалан, Афинада кулни ўлдиришни тақиқловчи қонун бўлса-да, лекин амалда бу қонунга риоя қилинмаган. Кулни қилич билан ёки осиб ўлдириш мумкин эмас эди-ю, аммо ўлгунча калтаклаш ёки очликдан ўлдириш мумкин эди, чунки агар кул бирон жазо натижасида ўлса, кулдор айбдор ҳисобланмаган.

Афина судида, бошқа шаҳарларнинг судида ҳам, кул гувоҳликка ўтолмас эди. Лекин агарда кулнинг айтганлари «бадан товуши» бўлса, яъни қийноқ натижасида айтилган бўлса, у вақтда унинг айтганлари ҳақиқий ҳисобланган.

Куллар қонуний никоҳга киролмаганлар. Уларнинг амалдаги

эру хотинлик муносабатлари фақат бирга туришдан иборат бўлган, бу бирга туриш хўжайиннинг хохиши билан ҳар қачон бузилиши мумкин эди.

Куллар орасида педагоглар, врачлар, актёрлар, музикачилар ва раққослар бор эди. Ҳатто файласуф куллар ҳам мавжуд эди. Лекин бундай касб-хунарлар ҳеч бир ҳолда қулни хўжайиннинг жабр-зулмидан қутқаролмас эди. Кулдор қулни истаган куйига сола оларди.

Давлат қуллари ҳам мавжуд эди. Улар идораларда паст лавозимларда, маеалан, мирзалик, котиблик вазифаларида ишлардилар. Бундай қулларнинг аҳволи хусусий қул эгалари қўлидаги қулларнинг аҳволидан енгилроқ эди. Лекин бу қуллар ҳам доим сотилиши ёки бошқа ишга кўчирилиши мумкин, эди. Қулларга ҳамиша буюмга қаралгандек қараларди, улар билан ҳисоблашилмас эди.

2. **Синфий кураш.** Қулларнинг эксплуататорларга қарши кураши дастлабки вақтларда пассив характерга эга бўлган. Қуллар меҳнат қуро. лларинисиндилар, бузарваёмонишлар эдилар. Улар тез-тез қочиб кетганлар. Чунончи, Пелопоннес уруши вақтида (эрамиздан аввалги 431—404 йилларда) 20 мингдан ошиқ қул Афинадан қочиб, спарталиқлар томонига Дакелея шахрига кетган. Бу қочиш Пелопоннес урушида Афинанинг мағлуб бўлишининг муҳим сабабларидан бири бўлган, чунки қуллар уруш учун қурол-яроғ тайёрланадиган устахоналарни ишчи қучисиз қолдирганлар.

Лекин қулларнинг қочиши камдан-кам муваффақиятли бўлиб чиққан. Қочган қулларни одатда тутиб олишган ва эгаларига қайтарганлар, қул эгаси уларни жазолаган. Илотлар бирга яшаган қадимги Спартадагина эрамиздан аввалги V асрда илотларнинг катта ға бир қадар уюшган кўзғолонлари бўлган. Булардан энг йириги эрамиздан аввалги 464—455 йиллардаги кўзғолои бўлган, у ғоятда кенг микёсдаги кўзғолон бўлганлигидан 3-Мессения уруши деб ном олган ва спарталиқлар томонидан зўр машаққат билан бостирилган.

3. **Эркин ишлаб чиқарувчилар.** Қадимги Грецияда эрамиздан аввалги У—ГУасрларда эркин ишлаб чиқарувчилар бўлиб, улар хунармандчиликда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ишлар эдилар. Булар хунармандлар эдилар, уларнинг кичикроқ устахоналари бор эди. Бу устахоналарда уларнинг фақат яқин қариндошларигина баъзан улар билан бирга ишлардилар. Баъзан эса улар шунчаки устакорлар, ўз ишининг мутахассислари бўлган кишилар эдилар. Эркин усталар энг нозик ва малака талаб қиладиган ишларни бажарардилар. Кулолчиликда улар идишларни шаклга солар, пиширар ва уларга нақшлар чизардилар. Устахоналарда махсус рассомлар бўлиб, улар вазаларга гул ва нақш солардилар. Уларнинг кўпи чекиб қўйган имзолари орқали машхур бўлиб кетганлар. Металлургия устахоналарида эркин темирчилар бўлиб, улар металлдан чиройли қуроллар ва буюмлар ясардилар. Худди

греклар биринчи бўлиб пўлатдан буюм ясашни амалий равишда ўрганганликлари маълум.

Тош йўнувчи эркин усталар бинолар учун мраммарни ва бошқа материалларни чиройли қилиб ишлаганлар. Уймакор рассомлар тошга нақшлар ўйиб биноларни безатганлар.

Уша замонда Грецияда курол-яроғ мохирлик билан ясалган. Коринф устахоналари айникса донг таратган. Афинада ҳам куроллар ясалган. Эркин кишилар жуда хилма-хил хунарлар соҳасида ажойиб усталар бўлганлар. Лекин эрамиздан аввалги V—IV асрларда кулларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳамма соҳаларда ўсиб кетганлиги сабабли, эркин кишиларнинг меҳнат қилиш имкониятини аста-секин чеклаб борган ва уларнинг ижтимоий аҳолини пасайтириб, иккинчи навли кишиларга айлан-тириб қўйган.

4. Қишлоқ хўжалиги. Эрамиздан аввалги V—IV асрларда асосий қишлоқ хўжалик экинлари узум, зайтун, мева ва сабзавот экинлари (пиёз, саримсоқ ва ҳ. к.) эди.

Ғаллакорлик фақат яхши суғориладиган водийларда—Лако-яя, Мессения, Беотия ва Фессалияда таракқий қилган. Бугдой, арпа, сули экканлар. Уз ғаллалари етишмаган, шунинг учун ғаллани бошқа мамлакатлардан, асосан, Шимолий Қора денгиз бўйларида келтирганлар.

Ғаллакорликда плуг, тоқларга ишлов беришда мотиға, тоқ қайчи, дарахтларнинг остини юмшатиш учун белкурак ишлатилган. :

Эрамиздан аввалги V асрдан бошлаб вино тайёрлаш ва зайтун мойи олиш учун винохона ва жувозхона вужудга келган, чунки узум ва зайтун Греция қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари бўлган.

Пелопоннес урушига қадар майда деҳқонларга қарашли кичик-кичик ер улушлари—клерлар бўлган. Катта ер эғалиги оз бўлган. Лекин Пелопоннес уруши вақтида майда ишлаб чиқарувчилар хонавайрон бўлиб, йирикрок ер эғалиги ўсиб кетган. Эрамиздан бурунги V асрда қишлоқ хўжалигида Кул меҳнати эркин кишилар меҳнати билан рақобат қила бошлаган. Майда ер эғаси, албатта, катта ер эғаси билан рақобат қилолмаган, чунки катта ер эғаси ерни кулларнинг меҳнатидан фойдаланиб ишлаган!

5. Хунармандчилик. Эрамиздан аввалги V—IV асрларда бутун Грецияда хунармандчилик ривожланади. Афина хунармандчилиги кўп шаҳарлар учун намуна бўлади. Уша замонда Афинанинг ҳамма нарсалари—вазалари, матолари, пўлат ва темир буюмлари айникса қадрланган.

Турли хунармандчилик буюмлари ясайдиган устахоналар эргастериялар—«ишхоналар» («эрга»—«иш» демақдир) деб аталган. Эрамиздан аввалги V ва IV асрларда Афинадаги эргастериялар анчагина катта бўлган. Уларда ишловчилар сони 20—30 кйшига етган (устахона эғасининг оиласи билан ишлайдиган энг

майда болалар бундан истисно). Эрамиздан аввалги IV асрд' яхиаган машхур нотик Демосфен ўз отасининг куролсозлик уста хонасини тасвирлаган, Унинг айтишича, отасининг устахонасидг 33 га яқин қул ишлаган.

Аммо катта устахоналар деярли бўлмаган. Уша замоннинг манбаларидан фақат биттагина катта устахона борлиги маълум,. унда 120 қул ишлаган. Одатда эса устахоналарнинг ҳажми 20-30 юмушчидан ошмаган, 2 дан 10 нафаргача юмушчи (қул ва эркин киши) ишлайдиган устахоналар кўп бўлган.

Хунармандчиликнинг ривожланиши натижасида Афина бой шаҳар бўлиб қолган. Қуллар меҳнатига асосланган Афина ишлаб чиқарувчи кучлари ўша замои нуқтаи назаридан жуда юксак даражада бўлган.

6. Савдо. Афинада хунармандчиликнинг ривожланиши билан бирга ички ва, айниқса, ташқи савдо равнақ топиб борган. Афинадан беш километрли масофада жойлашган Пирей Аттиканинг асосий порти бўлиб, бу портга ажнабий савдо кемалари келиб турган. Пирей гавани жуда қулай, чунки у шамолдан бутунлай тўсилган, денгиздан бу гаванга ўтиладиган йўл эса жуда тўр. Бу гаванда кемалар довулнинг тинишини кутиб туришлари мумкин бўлган. Бу қадимги гавань ҳозирга қадар сақланиб келган.

Болкон Грецияси Урта деиғиз хавзасидаги кўп мамлакатлар билан савдо-сотик қилган. Тўғри, Улуғ Греция билан, яъни Сицилия ва Италия шаҳарлари билан савдо-сотик унча катта бўлмаган. Бу савдо-сотик билан Қоринф ва Пелопоннеснинг бошқа давлатлари шуғулланган. Афина бу бозорларга кириб олишга интиланган. Аммо Афина ўзининг барча иттифоқчилари билан, яъни Афина денгиз иттифокига кирган Кичик Осиё, Фракия шаҳарлари ва деярли бутун Эгей денгизи ороллари билан савдо-сотик қилган. Бундан ташқари, Афина ва умуман Болкон ярим-ороли греклари Геллеспонт (ҳозирги Дарданелл), Пропонтидан (Мармар денгизи) шаҳарлари билан ва Қора денгиз соҳияидаги шаҳарлар билан савдо-сотик қилган. Афиналиклар Шимолий Қора денгиз бўйларидаги бозорларни қанчалик қадрлаганликлари шу фактдан ҳам кўриниб турибдики, Афинанинг биринчи стратеги Перикл Қора денгизга экспедиция юборган.

Грецияга олиб келинадиган асосий нарса энг аввал ғалла бўлган. Ғалла Боспор подшолигидан келтирилган. Шимолий Қора денгиз бўйларидан балик, жумладан, осетра балиғи ҳам келтирилган.

Грецияга келтириладиган муҳим буюм—қуллар бўлган. Қулларни асосан Фракия ва Фригиядан ҳамда Шимолий Қора денгиз бўйларидан келтиришган. Қора денгиз бўйларидаги шаҳарлардан Грецияга қорамол ҳам келтирилган.

Афинага Фасос, Родос, Менд, Кид каби энг яхши нав винолар келтирилган.

7. Буржуа назарияларини танқид. Буржуа тарихчилари турли ^тда Греция экономикасига ногўғри қараб келган эдилар, Тарихчи-экономист К. Бюхер, Грецияда фақат соф натурал ШИҚ «ойкос» хўжалик бўлган, деб ҳисобларди. Унинг фикрича, лаб чиқарилган нарсаларнинг ҳаммаси истеъмол қилинган, до-сотик бўлмаган, фақат тасодифий айирбошлаш бўлган. XIX—XX асрнинг йирик тарихчиси Эдуард Мейер Греция жалиги тўғрисида ўз назариясини илгари сурди. Уни замо- • • шийлаштириб, капиталистик хўжалик деб ҳисоблади. Унинг тпхминича, қадимги Грецияда ҳал қилувчи нарса, капитализм дlvридаги сингари, ёлланма ишчиларнинг меҳнати бўлган. Узини- ниң «Антик дунёда куллик» деган асарида у, Грецияда куллар о. | бўлган ва улар хўжаликда ҳеч қандай кўзга кўринарли роль пшамаган, дейди.

Буржуа олимларининг ҳар иккала даъвоси янада ривожлан- тирилди. Э. Мейер назарияси кенг ёйилди. Ҳозирги капиталистик мамлакатларда кўп олимлар борки, улар қадимги Греция хўжа- лигини капиталистик хўжалик деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатда эса эрамиздан аввалги антик хўжалик ривожлан- ган кулдорлик хўжалиги эди. К- Маркс бундай деб кўрсатган эди: «Антик дунёда савдо-сотикнинг таъсири ва савдо капита- лининг ривожланиши натижасида доимо кулдорлик хўжалиги вужудга келади. Аксинча, ҳозирги дунёда у капиталистик ишлаб чиқариш усулига олиб келмоқда»¹. К- Маркс қадим замонда савдо-сотик ва пул муомаласи мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кулдорлик ишлаб чиқариш усули учун харак- терли нарса шуки, унда ривожланган ҳунармандчилик, савдо- сотик ва пул муомаласи мавжуд бўлган. Лекин шунга қарамай, у асосе эътибори билан натурал хўжалик бўлган. Оз-моз шаҳар- ларгагина биринчи даражали зарур буюмлар келтирилган. Кўп ҳолларда эса қишлоқжойларида ва шаҳарларда ўзлари ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол қилганлар. Асосан аҳоли учун кенг суратда зарур бўлмаган буюмлар билан савдо-сотик қилин- ган. Аммо Грециянинг ери ниҳоятда кам ҳосил бўлганлиги сабабли, греклар ҳамиша энг биринчи зарур буюмлари—ғалла- ни четдан келтирганлар, чунки ғалла уларнинг ўз юртида кам бўлган ва шунинг учун, албатта, улар биринчи навбатда ғаллага муҳтож бўлганлар. Айниқса Афинада ва, умуман, бутуи Атикада аҳвол шундай эди.

Пул муомаласига келганда, албатта, савдо-сотикнинг ривожи пулсиз мумкин эмас эди, шунинг учун Грецияда пулжудаэрта- ^ эрамиздан аввалги VII асрда пайдо бўлади, эрамиздан аввалги V асрга келганда эса пул муомаласи айниқса ривожланади. Пул тўлов воситаси бўлган, аммо баъзан пулларни йиғиб, кўмиб, ҳазина- на, омбор қилиб қўйганлар. Аммо пул ҳеч қачон капитализм давридаги сингари капитал ролини ўйнаган эмас. К. Маркс ёзган

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Соч., т. 25, I часть, стр. 364—365.

эдики, антик дунёда худди хазинанинг мавжудлиги бутун хўжаликнинг истеъмомчилик характеридан дарак берадики, у ўша даврда ҳеч қачон капиталистик хўжалик бўлиши мумкин эмас эди»¹.

XI БОБ

АФИНА ҚУЛДОРЛИК ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ РАВНАҚ ТОПИШИ

I. Афинанинг денгизчилик қудрати. Греция-Эрон урушлари аа 1- Афина денгиз иттифокининг ташкил топиши вақтида Афинанинг денгизчилик қудратига асос солиниб, ривожлана бошлаган. Солон реформаларига кўра Афинанинг барча граждани ўзлари мансуб бўлган мулкӣ даражага қараб маълум ҳарбий мажбуриятларни адо этганлар ва тегишли сиёсий ҳуқуқларга эга бўлганлар. Шу реформалардан кейин Афина камбағалларидан иборат бўлган фетлар Афина сиёсий структурасининг энг қуӣи босқичига тушиб қолганлар. Оғир қурол сотиб олиш учун уларнинг маблағи бўлмаган ва шунинг учун ёрдамчи отрядларда хизмат қилишга мажбур бўлганлар. Матросларга қимматбахо қуроллар керак бўлмаганлиги сабабли, фетлар қуруқликдаги ёрдамчи отрядларга хизмат қилишдан ташқари, кемаларда хизмат қилиш учун борганлар. Флот 1-Афина денгиз иттифокининг таянчи бўлиб қолганлиги учун фетлар ўз сиёсий аҳамияти жиҳатидан аста-секин Афина демосининг бошқа, давлатмандроқ ва имтиёзли даражалари—зевгитлар ва, хатто, қисман суворийлар билан тенглаша бошлаганлар. Фетлар эрамиздан аввалги V асрда Афина қудратининг таянчи бўлиб қолган.

Греция-Эрон урушларида Афина армиясини ташкил этувчи афиналик демос ғалаба қозонган. Бинобарин, табиӣиқи, демос Греция-Эрон урушлари давридаёқ юқори кўтарилиб, ҳокимиятга интилганлар. Бундан ташқари, худди демос ўша вақтдаги ишлаб чиқаришнинг ташкилотчиси бўлган, у ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган. Демос туфайли хўжалик ҳақиқатан равнақ топган.

Эрамиздан аввалги V асрда қишлоқ жойларида асосан қишлоқ демосининг вакиллари бўлмиш майда ва ўрта дехқонлар яшаганлар. Йирик ер эғалиги оз бўлган. Эрамиздан аввалги IV асрда йирик ер эғалиги ривожланади, аммо энди у аристократиянинг ҳукмронлиги асосида эмас, балки олигархиянинг ўсиши туфайли ривожланади.

Афина аристократлари аста-секин ўз раҳбарлик позицияларини йўқота бориб, қаршилик кўрсатишни давом эттирганлар. Греция-Эрон урушлари охиридаёқ аристократик ва демократик

Ифухлар ўртасида сиёсий кўраш бошланадй, бу гурухларни биз мнқ равишда партиялар деб атаймиз.

2. **Партиялар** кураши. Аристократлар партияси ҳарбий муваф-!• Ш пятлари туфайли Афинада биринчи роль ўйнашга интилган • бу партияга машхур саркарда Мильтиаднинг ўғли талантли Ёма дарғаси Кимон бошчилик қилган. Лекин аристократлар Бртиясининг кучлари қақшаб қолган. Аристократлар ўша вақт-III ишлаб чиқаришда энди кўзга кўринарли роль ўйнамаган-шр, уларнинг ер-мулклари эса камайиб борган.

Аристократлар ва уларга кўшилган бой гражданларнинг гу-ру,и ареопагга таяниб ва ахолининг урушда банд бўлган кўп-чмликдемократиккатламларинингАфинада йўқлигидан фойда-лапиб, вақтинча ўз ҳокимиятини кучайтирган. Аммо уруш хар-рпкатлари тугалланиб, жангчилар ва матрослар уйларига қай-тиб кёлган сари кенг демос оммасининг активлиги кучая борган. Дсмokratик партиянинг мухим вазифаси—ареопагнинг сиёсий (▷ункцияларини заифлаштириш бўлган.

3. **Эфиальт** реформалари. Эрамиздан аввалги 462 йилда демо-кратик партиянинг, йўлбошчиси Эфиальт реформаси—ислохоти ўтказилган. У ареопагни сиёсий муассаса сифатида йўқ қилиш-ии ўз олдига мақсад қилиб кўйган эди. Лекин бу органнинг обрў-эътибори жуда зўр бўлганлиги сабабли Эфиальт тўғридан-тўғри ҳаракат қилолмаган. У ареопагнинг айрим аъзоларини суд ншлари учун пора олишда айблайдиган материалларни тўплаган (ареопаг у вақтда Афинанинг олий суди бўлган). Очиб ташлан-ган фактлар ареопагнинг обрўсига путур етказган. Шунинг учун Эфиальт қуйидаги реформани ўтказишга муваффақ бўл-ган. Бундан буён ареопаг сиёсий контроль ҳокимиятидан махрум қилинган, энди у қасддан ўлдиришда ва куфронийликда айблаш-лардан бўлак ҳеч қандай суд ишларини хал қилолмаган. Қолган ишларнинг ҳаммаси ҳакамлар судига—гелиэяга топширилди. Ареопаг ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотди. Тўғри, Эфиальт бу реформани ўтказгани учун ўз ҳаётини қурбон қилган. Бу аристократларнинг ўч олиши эди, албатта.

4. **Перикл—Афина демократиясининг йўлбошчиси.** Эфиальт-нинг ҳалок бўлишига карамай, Афина демократик партияси ва Афина демоси ареопагни заифлаштириб, ўз сиёсий мавқеинк мустаҳкамлаб олди. Лекин аристократик ва демократик партия-лар ўртасидаги кураш кескинлашди.

Бу вақтда Мелесийнинг ўғли, тажрибали сиёсий арбоб Фуки-дид (тарихчи Фукидид эмас) аристократлар партиясининг йўл-бошчйси бўлади, Эфиальтнинг издоши Перикл эса демократик партиянинг йўлбошчиси бўлади. Букурашдадемос манфаатлари-ни химоя этган Перикл бошлиқ демократик партия ғалаба қр-зонади. Аристократлар раҳбари Фукидид Афинадан бадарға қилинади.

Перикл ҳам унинг авлодига мансуб бошқа сиёсий арбоблар сингари, аристократлардан бўлган. Унинг онаси машхур Алкме-



Перикл.

тун Грециянинг ҳам маданий маркази бўлган. Бу тўғаракда Периклнинг хотини, ўша замоннинг илғор аёли, асли милетлик Аспасия катта роль ўйнаган. Бу тўғаракда Периклнинг собик муаллими файласуф Анаксагор, ҳайкалтарош Фидий, тарихчи Геродот ва бошқалар катнашганлар. Бу тўғарак эрамиздан аввалги V асрда Грециянинг маданий тараққиётида ва билимдонлигида жуда катта роль ўйнаган.

Перикл кулдорлик демократияси идеяларига астойдил содик бўлган. У Афина демосининг турмушини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилган ва демоснинг манфаати йўлида сиёсий фаоллик кўрсатишни ўзининг бутун қатъининг мақсади қилиб қўйган. Бу тўғрида у Пелопоннес урушида дастлаб ҳалок бўлган жангчиларни дафн этиш маросимида сўзлаган нуткида гапирган. Бу нутқни тарихчи Фукидид ёзиб олган. Перикл Афина демократиясига ва эрамиздан аввалги V асрда ишланган санъат асарларига катта аҳамият берган. Унинг «Биз қисқа муддатда яратган нарсамиз қисқа муддат яшамаслиги керак»—деган сўзлари машҳурдир.

Перикл, қадимгиларнинг фикрича, юқумли касал—вабодан ўлган. Аммо афтидан, у тепкили терламанинг оғир формаларидан бирдан ўлган бўлиши мумкин. Улими олдидан у, ўз ҳаётингизда нимани энг муҳим ҳисоблайсиз, деган саволга: «Битта ҳам афиналик граждан менинг учун қора либос киймасин» деб жавоб берган¹.

Перикл демоснинг ўрта табақаларига таянган ва Афина граждандарининг камбағал табақаларини иш билан банд қилиш тўғрисида ҳаракат қилган, бунинг учун у шаҳар деворларини

¹ Афиналикларнинг қора либоси — яқин кишилари ўлгаида кийиладиган мотам кийими.

ЙМДа Афина билан Пирейни боғлайдиган деворларни куриш ва м\|-тахкамлаш ишини ташкил қилган, Перикл Афина халқ Сиичшида мустаҳкам кўпчиликка таянган ҳолда 15 йил ҳокимият пчшида турган.

5.- Афина демократиясининг сиёсий тузуми. Афина давлат ужпмиятининг асрсий органи Халқ йиғини—эклесия бўлган. Ёалқ йиғини Акрополь яқинида жойлашган ясси тепалик Пникс Ютида одатда камида ўн кунда бир марта тўпланган. Кейинвалик мажлислар Афина театрига кўчирилган. Халқ йиғинида ВО ёшга етган барча афиналик граждандлар қатнашган. Бошқа шахарлардан келган ва лекин Афинада йстйкомат қиладиган греклар—метеклар ҳамда куллар халқ йиғинига қўйилмаган.

Афина халқ йиғини Афина сиёсатининг ҳамма асосий масдлаларини қараб чиққан ва ҳал қилган, молия масалаларини қараб чиққан, уруш ва сулҳ масалаларини ҳал қилган, ўзга мамлакатлардан келган дипломатларнинг докладларини тингланган, шунингдек, жуда кўп кундалик масалайарни кўриб, ҳал этган. Афиналик ҳар бир граждан истаган масаласини халқ йиғинига қўйишга ҳақли бўлган. Қарор очиқ овоз бериш йўли билан, яъни қўл кўтариш билан қабул қилинган, баъзан ёпик овоз бериш йўли билан ҳам қабул қилинган. Ёпик овоз берганда кутига ё лўя, ё қора ва оқ тошчалар, ёки хат ёзилган синиқ сопол парчалари ташланган.

Халқ йиғинидан ташқари, бошқа демократик муассасалар ҳам бўлган, аммо ўз аҳамияти жиҳатидан улар халқ йиғинига тенглаша олмаган;

Демократик муассасаладан 'бири буле, яъни беш юзлар кенгаши бўлган. Бу кенгаш Клисфен замонидаёқ таъсис этилган. Беш юзлар кенгаши халқ йиғинида муҳокама қилинадиган кун тартибинини ва масалаларни тайёрлаган. Бундан ташқари, кенгаш Афинадаги мансабдор шахсларнинг ишларини қараб чиққан.

Гелиэя—^акамлар суди йирик демократик муассаса бўлган. Судьяларни барча афиналик граждандлар қуръа ташлаб сайлаганлар. Ҳаммаси бўлиб 6 минг судья сайланиб, буларда 5 минги ҳакам ва 1 минги запас бўлган. Афина суди 10 палатага бўлиниб, бу палаталар дикастериялар деб аталган ва бир қанча комиссиялардан иборат бўлган. Судьялар ва суд маҳкамаларининг бў қадар кўп бўлишининг сабаби шу бўлганки, улар фақат Афина граждандлари учун тузилмаган. Унда Афинанинг барча иттифокчилари ҳам, яъни ҳақиқатда Кичик Осиё, Жанубий Фракия соҳилларидаги ва Эгей денгизи оролларидаги аҳолининг деярли ҳаммаси суд қилиниши керак бўлган.

Афина судида суд қилинадиган ҳеч бир граждан унинг иши қайси дикастерияда кўрилишини билмаган. Бунини у суд бўладиган кунини ёки ундан бир кун олдин билган, холос. Даъвогар пора беролмаслиги учун шундай қоида жорий қилинган экан. Қадим замонда адвокатлар бўлмаган. Даъвогар ёки айбланувчининг

ўзи ўзини ҳимоя қилиб сўзлаган, унинг қариндошлари ҳам суд мажлисида чиқиб сўзлашлари мумкин бўлган.

Афинадаги стратеглар, яъни аскарбошилар коллегияси муҳим муассаса" бўлган. Коллегия 10 кишидан иборат бўлган. Бу коллегия Афина мудофаасини, қўшинларни, ҳарбий кемаларни, қалъалар ва ҳарбий гаванларни бошқарган. 10 стратегдан ҳар бирининг ўя.вазифаси бўлган. Биринчи стратег ҳам бўлган. Эра-миздан аввалги 444 йилдан 429 йилгача бу ловозимни Перикл эгаллаб келган.

Стратеглар коллегияси соф ҳарбий вазифалардан ташқари, халқаро масалалар билаи, бошқа давлатлараро муносабатлар боғлаш билан ҳам шуғулланган. Баъзи стратеглар зиммасига дипломатик миссиялар юкланган.

Греция-Эрон урушлари давомида Клисфен томонидан ҳарбий коллѐгия сифатидѐ тузилган стратеглар коллегияси аста-секин қўшимча давлат вазифалари билан кенгайиб борган ва эра-миздан аввалги V асрнинг иккинчи ярмига келганда ҳақиқат-да Афина давлатининг бош идора қилувчи коллегиясига ай-ланган.

Афинанинг ҳар бир граждани давлат лавозимини эгаллашга қобил ҳисобланган. Бинобарин, стратег ва хазиначи лавозимларидан бошқа ҳамма лавозимлар қуръа ташлаш йўли билан сайланган. Стратеглар очик овоз бериш йўли билан сайланган, чунки стратег бўлмоқ учун маълум даражада махсус тайѐргар-лик керак бўлган.

Афина қуддорлик демократияси Афина гражданларига катта ҳуқуқ берган. Афинанинг ҳар бир граждани мулкий аҳволи ва маълумотидан қатъи назар халқ йиғинида актив иштирок қили-ши мумкин бўлган.

Афина гражданлари аста-секин давлат лавозимларининг жуда кўпига сайланиш ҳуқуқини қўлга киритганлар.

Перикл даврида биричи марта давлат лавозимларига маош тўлаш жорий қилина бошлайди. Бундан мақсад — давлат лаво-зимларига сайланган камбағал кишилар ўзларининг бутун вақт-ларини давлат ишларини бажаришга сарфлашлари учун шароит туғдириш эди. Суд мажлисига борганлик учунўрта ҳол афина-ликнинг бир кунлик иш ҳақи, яъни икки обол тўланган. Бу пулга оддий ҳунармандга бир кунга керак бўлган нарсаларнинг ҳамма-сини сотиб олиш мумкин бўлган. Тўланадиган бу ҳақ диета деб аталарди.

Театрга борган кунга ҳам ҳақ тўланган, афиналик граждан махсус' театр пули олган ва ўша куни бу пулга овқат сотиб ол-ган.. Театр томошалари онглии гражданлар тарбиялаб етиштиря-^Ши лбзйм бўлган. Камбағалларнинг театрға боришинитаъмин-^лашучун жорий этилган театр пулидан мақсад ҳам шу бўлган.

Эр.'амиздан аввалги V асрнинг сўнгги ўн йилликлари мобай-нида ва эрамиздан аввалги IV асрнинг бйринчи ярмида Афинада аста-сѐкин давлат лавозимларининг деярли ҳаммасига ва ҳатто

влк йиғинига (зкклесияга) борганлик учун ҳам ҳақ тўлаш орий қилинган.

Лфинанинг ҳар бир граждани халқ йиғинига янги қонунлар ИОЙихасини тақдим қилишга ҳақли бўлган. Лекин қонун лойиҳа-йприни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш иши жуда мураккаб бўл-ИИ, уларнинг автор*ларининг жавобгарлиги эса жуда қаттиқ бўлган: агар янги қонун.лойиҳасини ўрганувчи комиссия ва халқ Ёмгини бу лойиҳа Афина давлат тузумига қарши қаратилган деб Топса, лойиҳа авторларига ҳатто ўлим жазоси берилган. Янги I оиун тасдиқлангандан кейин бир йил мобайнида ҳар бир афи-иалик граждан унга норозилик билдириши мумкин бўлган. Афи-ш ада таркиб топган давлат системасининг барқарорлиги ана шу Тарика таъминланган.

Афинада етакчи демократик муассасалар билан бир қаторда Эски муассасалар — ареопаг ва тўққиз архонт коллегияси ҳамда-Вом этиб ва ишлаб келган. Бироқ Эфиальт реформасидан кейин ареопаг ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотиб қўйган, архонт-лар коллегияси эса раҳбарлик органи бўлишдаи кўра кўпроқ фахрий давлат органи бўлиб қолган.

6. Афина қулдорлик демократиясининг чекланганлиги. Биз юқорида айтиб ўтган барча ҳуқуқлардан фақат афиналик граж-данлар фойдаланганлар, ваҳоланки ҳақиқатда улар Афина ва Аттика аҳолисининг ўндан бирини ташкил этганлар.

Афинада афиналик граждандардан ташқари, бошқа грек ша-харларидан келган метеклар ҳам истикомат қилган. Улар Милет, Самос ороли ва бошқа жойларнинг аҳолиси бўлган. Гарчи бу ки-шиларнинг Афинада устахоналари, баъзан эса уйлари бўлса-да, улар Афина граждандари ҳисобланмаганлар, Аксар метеклао Афинада кўп йиллардан бери истикомат қилганлар, баъзанулар-нинг оталари ва боболари Афинага кўчиб келишган, лекин шунга қарамай, метекнинг ўзи ҳам, унинг болалари ҳам сиёсий ҳуқуққа эга бўлмаган. Эрамиздан аввалги 451 йилда Перикл « соф граж-данликҳақида», яъни ким Афина граждани бўла олиши ҳақида 'Махсус қонун чиқарган. Бу қонунга кўра отаси ва онаси тўла ҳуқуқли афиналик бўлган кишиларгина граждандар қаторига қўшилган-

Афина аҳолисининг ярминий ташкил этган аёллар сиёсий Хў-қуқдан фойдаланмаганлар- Уларнинг халқ йиғинига боришлари, давлат лавозимларини эгаллашлари, театрга боришлари мумкин бўлмаган.

Афина давлатида ишлаб чиқариш қуллар меҳнатидан фойда-ланишга асосланган. Лекин қулларнинг ҳеч қандай гражданлик ва сиёсий ҳуқуқлари бўлмаган.

Демократия нечоғлик чекланган бўлишига қарамай, Афи-на давлати қулдорлик формацияси ҳукмронлиги даврида энг илғор давлат бўлган. К. Маркс Перикл даврини Афина демократияси энг юксак равнақ топган давр деб таърифла-ган эди.

Афина кулдорликдемократиясини идеаллаштириш XIX асрдаёқ кўринган эди. Бир вақтлар Грециянинг жуда мазмунли тарихини ёзган машхур инглиз тарихчиси Ж. Грот ана, шундай идеаллаштиришни бошлаб берган эди. У, Афина демократияси дунёда ҳозиргача бўлган ва бундан кейин бўладиган давлатлар ичида энг яхши давлат эди, деб ҳисобларди. Гротнинг бу талқинини бошқа тарихчилар илиб олган эдилар, унинг мухлислари ҳозир ҳам бор.

7. Афина «архэ»си. Афина демократиясининг салбий томонларидан бири унинг иттифоқчиларига муносабати эди. Греция-Эрон урушлари даврида I-Афина ёки Делос денгиз иттифоқи ташкил топган бўлиб, унинг ўз олдига қўйган мақсади Эрон билан урушни тўла ғалабага етказиш бўлган.

Греklar форслар устидан ғалаба қозонгандан кейин афиналиклар хазинани Делос оролидан Афинага келтирганлар. Шундаки қилиб, бу хазинадан қилинадиган харажатларни иттифоқчилар энди назорат қилолмаганлар. Тинчлик вақтида иттифоқчилар хазинага ҳамон форос тўлаб турганлар, форос энди Афина фойдасига тўланадиган хирожга айланган.

Шу тариқа I-Афина денгиз иттифоқи аста-секин Афина архэсига («архэ»—«ҳокимият», «ҳукмронлик» демакдир), яъни Афина денгиз давлатига айлана борган. Афиналиклар иттифоқчилардан хирож ундиришдан ташқари, уларнинг территорияларига ўз камбағал гражданларини кўчира ва ўша ерда уларга улуш ерлар (клерлар) тақсимлаб бера бошлаганлар. Афиналиклар клерухияларни жорий қилиш билан икки мақсадни кўзлаганлар: ўз юртлари Атикада социал шароитлар натижасида вужудга келган ер торлигини бартараф қилмоқчи ва иттифоқчилар устида ўз ҳукмронликларини ўрнатиш учун таянч базалар яратмоқчи бўлганлар. Клерухиялар ҳарбий-деҳқончилик манзиллари бўлган. Бирон иттифоқчи Афина маъмуриятларига итоат қилмай қўйган ёки кўзғолон кўтарган тақдирда клерухиялар дарҳол ҳарбий отрядга айланиб кетган ва бу отряд ўз манзили территориясини Афинадан келиб тушадиган жазо экспедицияси учун плацдарм сифатида ушлаб турган.

Форос ва клерухиялар иттифоқчиларнинг Афина ҳукмронлигидан норозилиklarининг манбаи бўлган. Лекин Афина архэсига (ҳукмронлигига) айланган I-Афина денгиз иттифоқи иттифоқчи демосга иттифоқчи полисларда ҳукмронлик мавқеини таъминлаб бериб, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ва Эгей денгизида савдо-сотик устунлигини қўлга киритишга кўмаклашмоқда эди, махаллий аристократия ва олигархияга қарши курашда иттифоқчи демос мавқеини кучайтирмоқда эди. Шу сабабли Афина архэси қарийб эрамиздан аввалги V асрнинг охиригача мавжуд бўлиб келган.

8. **Афинанингмаданий равиаки.** Эрамиздан аввалги V асрда Афинанинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жихатдан равақ топаётганлиги кўзга ташланади. Худди шу вақтда Афинада кўп

эргастрейлар, (устахоналар) ишлайди ва уларда юкорисифатли хунармандчилик буюмлари ясалади. Афинанинг савдо-сотиғи айниқса Эгей, Мармар ва Қора денгизларда жуда авж олган бўлади. Бу вақтда Афина Грециянинг энг кучли давлати эди.


XII ВОБ

ПЕЛОПОННЕС УРУШИ (ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ 431)—404- ЙИЛЛАР)

Пелопоннес урушини Фукидид ўз «Тарих»ида изчил суратда батафсил тасвирлаган. Лекин унинг ҳикояси эра미здан аввалги 411 йил воқеалари билан узилиб қолади. Урушнинг охири бизга Ксенофонтнинг «Греция тарихи»дан маълум. Бундан ташқари, унинг тасвири Диодорнинг «Тарихий кутубхона»сида сақланиб қолган. Мазкур даврнинг сиёсий ва ҳарбий арбобларининг (Перикл, Никий, Алкивиад, Лисандрнинг) таржимаи ҳолини Плутарх ёзган. Андокиднинг суд мажлисида сўзлаган ва бизгача етиб келган нутқи муҳимдир. Аристофаннинг Пелопоннес уруши вақтида ёзган комедиялари афиналикларнинг эрамиздан аввалги V асрнинг охиридаги турмуши ва кайфиятини акс эттиради. Обидалардаги ёзувлар ва, умуман, археологик ёдгорликлар марокли маълумотлар беради.

1. Урушнинг сабаб **ва баҳоналари**. Пелопоннес уруши қадимги Грециянинг қулдорлик жамиятида ички зиддиятларш-шг жам-

•111



Парфенон.

ланиши ва кескинлашуви натижасида келиб чиққан эдики, бу зиддиятларга областларнинг нотекис ривожланиши асос бўлган. Қолок Спартанинг 1-Афина денгиз иттифоқини заифлаштириш ёки қақшатиш ҳисобига Грецияда ўз сиёсий гегемонлигини қайта тиклашга интилиши Афинанинг иқтисодий жиҳатдан ривож топган рақобатчиларининг, асосан, Коринф ва Мегаранинг ўз савдо ва ҳунармандчилик муҳолифларини заифлаштириш истаги билан мослашиб тушган. Афинанинг Жанубий Италия ва Сицилияда мустаҳкамланиб олиш нияти Коринф ва Пелопоннес иттифоқи учун айниқса хавfli бўлган. Эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида грек полисларининг аксарияти ё 1-Афина денгиз иттифоқига, ё Пелопоннес иттифоқига кирганлиги сабабди уруш умумгрек тусини олган.

1-Афина денгиз иттифоқининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан гуркираб ривожланиши билан бир қаторда Афинанинг иттифоқчилар билан ҳам, бошқа грек полислари билан ҳам низожанжаллари кескинлашиб кетган.

Урушнинг бошланишини тезлаштирган биринчи можаро Коринфдан, Спартадан ва Афинадан йироқда—қадимги грекдунёсининг ғарбий чеккасидаги Эпидамн колониясида (Албаниядаги ҳозирги Дуррес шаҳри) ва Керкира оролида (ҳозирги Корфу ороли) юз берган-Бу—Грециядан Жанубий Италияга ва Сицилия оролига бориладиган денгиз каботаж кемалар қатнови йўлидаги икки муҳим бекаат бўлган. Эпидамнда демократик тўнтариш юз берган. Шахардан қочган олигархлар Эпидамнга ҳужум бошлаганлар. Эпидамнликлар ўз метрополияси Керкирадан ёрдам сўраса-да, ёрдам ололмаган, чунки Керкирада ўша вақтда олигархлар ҳокимлик қилган. Керкира ўз навбатида К^оринфнинг колонияси бўлганлиги сабабди, эпидамнликлар сўнгра коринфликлардан ёрдам сўрашга борганлар. Коринфликлар Эпидамнга ёрдам берганлар, лекин шу вақтдан Керкира уларга қарши бош кўтариб чиққан. Денгиз жангида керкираликлар коринфликларни енгилар, шундан сўнг коринфликлар реванш олиш учун дарҳол кенг тайёргарлик бошлаб юборганлар. Шундан кейин Керкира 1-Афина иттифоқига кирган, бу эса ушбу иттифоқ билан Пелопоннес ўртасида ўтмишда тузилган сулҳни бузиш эди. Сулҳ шартларида, иттифоқлар бир-биридан ўз томонига тарафдорлар тортмаслиги лозим, деб писанда қилинган эди. Афинанинг ёрдами керкираликларни коринфликлар билан бўлган денгиз жангида томонан мағлуб бўлишдан қутқазиб қолган. Шу тарихи Жанубий Италия ва Сицилияга бориладиган денгиз йўлида Коринф билан Афина ўртасида ҳарбий низо чиққан. Бу низода дембкШтик Афина Керкира олигархларига ёрдам берган, бу ёрдам ўз навбатида Эпидамн демократларига ёрдам берган олигархик Коринфнинг умумий душманига қарши қаратилган. Шундай қилиб Коринф билан Афинанинг иқтисодий манфаатлари уларнинг сиёсий тотувлиги устидан ғойиб келган.

Иккинчи можаро бевосита биринчи можародан кейин юз берган. Вокеалар Халкидика ярим оралидаги Коринф колоияси Потидеяда авж олиб кетган. Халкидика 1-Афина денгиз пт;гифокига аъзо бўлган, лекин айни вақтда, у Коринф билан ҳам маҳкам алоқада бўлган, бинобарин, Керкира билан орада низо чикқандан кейин Коринф Потидеяни Афинадан ажралишгаундаган. Афиналиклар Потидеяни қамал қилганлар, Коринф эса Потидеяга қуроли ёрдам берган. Мегара Коринф томонини олиб майдонга чикқан. Хар икки полис жон-жаҳдлари билан Спартани Афинага қарши уруш ҳаракатлари бошлашга ундаганлар. Шундан кейин учунчи можаро юз берган: Афина халк йиғини Мегара псефисмасини—1-Афина денгиз иттифоки аъзоларининг барча гаванларида Мегаранинг савдо кемаларига бойкот эълон қилган махсус қарорни тасдиқлаган. Эгей денгизи сохилларидаги барча шаҳарлар ва барча ороллар билан деярли танҳо ўзи савдо-сотик қилиб келган. Мегара савдо-хунармандчилик полиси нажотсиз аҳволга солиб қўйилган.

2. Архидам уруши (эрамиздан аввалги 431—421 йиллар). Коринф ва Мегаранинг тазйиқи остида спарталиклар Архидам II командаси остида Афинага қарши уруш ҳаракатларини бошлаб'юборганлар. Архидам II спарталикларнинг қурукликда устунлигини ҳисобга олган ҳолда урушни олиб бориш планини ишлаб чикқан. Шу сабабли бу уруш Пелопоннес уруши деб, унинг биринчи даври эса Архидам уруши деб ном олган. Архидам Аттикадаги иқтисодий ва сиёсий аҳволни ҳисобга олиб, унинг қишлоқ хўжалигини хонавайрон қилишга ва натижада қишлоқ демосини, яъни Аттика дехқонларини Периклга ва уни қўллаб-қувватлаб келган шаҳар демосига қарши ўчакиштиришга умид боғлаган. Бундан ташқари, Архидамнинг тахминича, Спарта қўшинлари қилган вайронгарчиликлар афиналикларни уларга қарши очик жанг билан чиқишга мажбур этиши керак эди, Афинанинг қурукликдаги кучлари Спарта кучларидан анча кам бўлганлиги сабабли спарталикларнинг ғалабаси шубҳасиз бўлиб кўринган.

Спарталикларнинг уруш олиб бориш планига афиналиклар Перикл ишлаб чикқан планни қарама-қарши қилиб қўйганлар. Спарталиклар қурукликдаги ўз ҳарбий кучларининг устунлигига асосланган бўлсалар, афиналиклар ўз ҳарбий-денгиз флотининг устунлигига асосланганлар. Аттиканинг спарталиклар босқини ҳавф солаётган районларининг қишлоқ аҳолиси Афина билан Пирей ўртасида узун девор билан тўсилган масофага вақтинча қўчирилиши лозим эди. Бу орада Афина ҳарбий-денгиз флоти Пелопоннесни қамал қилиши ва Коринфнинг Сицилия ҳамда Жанубий Италия билан савдо алоқаларини узиши керак эди. Пелопоннес иттифокининг иқтисодий потенциали имконияти афиналиклар ва уларнинг иттифоқчиларининг иқтисодий потенциалидан паст бўлган. Денгиз қамали пелопоннесликларни ҳолдан тойдириши керак эди. Афинани қурукликдан тўсиб турган ва уни

денгиз билан бблаган мустахамланган қалъа райони ўша замон даги уруш олиб бориш шароитига кўра душман ололмайдиган истехком бўлган. Бунинг устига спарталиклар қалъаларши олишни билмаганлар. Денгизда ҳукмронлик қилувчи афиналиклар узун деворлар химоясида узо^ вақтдавомида тубжой аҳолини ҳам, Афинага кўчирилган кишиларни ҳам озуқа билан таъминлай олганлар. Перикл планининг камчилиги шундан иборат бўлганки, унда деҳқонларнинг мажбурий эвакуация қилиниши ва душман кўшинлари уларнинг ер участкаларини вайрон қилишлари эҳтимоли кўзда тутилмаган.

Спарта кўшинлари Афинанинг шимол ва ғарб томонларида жойлашган деҳқон хўжалиқларини вайрон қилган бўлсалар-да, лекин афиналикларни катъий жангга торта олмаганлар. Спарталикларнинг ўзлари озуқа масаласида мушкул аҳволга тушиб қолганлар, чунки улар ўзлари ишғол қилган жойларни шип-шийдан қилган эдилар, натижада улар икки ойдан кейин Аттикани бўшатиб, Пелопоннесга қайтишга мажбур бўлганлар. Эрамиздан аввалги 430 йилда босқин такрорланган. Уша йили Афина бопшга қутилмаган қулфат тушган: Афина кемалари шарқдан оғир юкумли касал эпидемиясини Пирейга олиб келган эдилар. Жуд^ кўп қочоқларнинг қалъа деворлари ортида ифлос шароитда яшаши орқасида эпидемия тезлик билан Афинага тарқалган ва қўл кишиларни ҳалок қилган. Манбаларда бу касал вабо деб аталган. Бу эпидемия маҳаллий характерга эга бўлган. Бу касал Афинани кучсизлантирган-у лекин одамсиз қолдирмаган, вабо бўлганида унинг ҳамма аҳолиси қирилиб кетган бўларди. Бу касал вабо бўлганида афиналиклар 14 йилдан кейин Сицилияга экспедиция юборолмас эдилар. Афтидан, бу терлама касалининг хилларидан бири бўлган.

Халқ, айниқса деҳқонлар Периклни Афинанинг бошига тушган қулфатларнинг айбори деб ҳисоблаганлар ва натижада эрамиздан аввалги 430-йилда Перикл ҳокимиятдан четлатилган. Лекин орадан кўп ўтмай уни оқладилар ва эрамиздан аввалги 429 йилга уни яна қайтадан биринчи стратег қилиб сайладилар. Аммо қартайиб қолган Перикл ўзи юкумли касалдан ўлди.

Перикл ўлгандан кейин Афинада урушни давом эттириш тарафдорлари билан сулҳ музокаралари бошлашга ҳаракат қилиб юрган доиралар ўртасида кураш кескинлашган. Уруш тарафдорлари ғолиб чиққан. Кўнчилик устахонасининг эгаси Клеон раҳбарликни ўз қўлига олгаш Клеон ўз сиёсатида демоснинг ка-мбағалдашиб қолган, Спарта устидан ғалаба қилиш натижасида ўз ишларини тўғрилаб олиш умидида юрган қисмнинг манфаатларини акс эттирган. Лекин эпидемиядан кўп зарар кўрган Афинанинг заифлашиб қолиши шунга олиб келганки, 1 - Афина иттифоқи аъзолари орасида Афинага қарши аристократия ва олигархия гуруҳларининг активлиги кучайган. Бу гуруҳларга Спарта кучли ёрдам бериб турган. Эрамиздан аввалги

йилда Митилена шахрида (Лесбос оролида) кўзғолон к
ЛГан, бу кўзғолонни афиналиклар зўрға бостирганлар.
ми;дан аввалги 425 йилда Керкира оролида кўзғолон кўтарил-
•Н, бу кўзғолон натижасида ҳокимиятни маҳаллий аристократ-
ир кўлга олганлар. Аристократия билан демос ўртасидаги
Иттиқ ўзаро уруш давомида ҳар икки томои йиртқиқчиликни
учпга чиқарган ва ҳар иккала томон курашга қулларни қатнаш-
ш)ган Афина ёрдами билан Керкирада, ниҳоят, демократлар
и>либ чиққанлар.

Талофатлардан бир қадар ўнгланиб олган афиналиклар эра-
мпздан аввалги 425 йилда Спартага қарши урушни кучайтирган.
Флотга қўмондонлик қилган Афина стратеги Демосфен Пело-
шшнеснинг ғарбий соҳилини янгидан камал қилган, қирғоққа
нскари туширган ва Мессенияда жойлашган Пилос портини эгал-
лаган. Афиналиклар бу ерда яшовчи спарталиқ илотларни кўз-
голон кўтартиришига ундаганлар. Спарталиқлар афиналикларни
Пилосдан уриб чиқаролмаган бўлсалар-да, кичикрок Сфактерия
оролини ишғол қилганлар. Бу орол Афина кемаларига Пилос
гаванидан чиқиш йўлини бекитиб қўйган. Шундан кейин Афина
халқ йиғинининг қарорига биноан, Клеоннинг ўзи бошлиқ бир
•скадри Демосфенга ёрдамга юборилган.

Тажрибали флот дарғаси Демосфен Клеон эскадраси яқин-
лашиб келаётганлиги ҳақида хабар олгач, душман сафини ёриб
ўтиб, унга пешвоз чиққан. Бирлашган кучларга қўмондонлик
қилган Демосфен ва Клеон Сфактерия оролида спарталиқлар-
пи тор-мор қилишга ва улардан омон қолганларини асир қилиб
олишга муваффақ бўлганлар. Асирлар орасида кўпгина спарта-
лик аристократлар бўлган. Энди спарталиқлар сулҳ сўрай бош-
лаганлар. Лекин уруш тарафдорларининг кучайиб кетган гуруҳи
Клеоннинг талаби билан Спарта қабул қилолмайдиган шартлар-
ни таклиф қилган ва натижада уруш давом этган.

Тажрибали саркарда Брасид таклифига мувофиқ спарталиқ-
лар куруқликдаги кучлар билан Эгей денгизининг шимолида афи-
налиқларнинг ҳаётий жихатдан муҳим марказларига қарши зар-
ба тайёрлаганлар. Афиналиклар Фракияда Амфиполь портини
эгаллаб, ундан Эгей денгизининг бутун шимолий қисмини ва Ко-
ра денгиз бўғозларига ўтиладиган йўлни назорат қилиб турган-
лар. Амфиполь яқинида ўз олтин ва рангли металл конлари би-
лан машҳур бўлган Пангей тоғи бўлиб, уни ҳам афиналиклар
эгаллаган эдилар. Брасид ўз отряди билан тез юриб шимолга
ўтган ва Халкидиқа ярим оролидаги бир қанча шахарларни забт
этган, сўнгра Амфиполни ишғол қилган. Бу эса Афинанинг ман-
фаатларига ва обрўсига жуда қаттиқ зарба берган.

Амфиполь районида аҳволни тузатиш учун Клеоннинг ўзи
юборилган. Бироқ унга тўсатдан Брасид ҳужум қилиб тор-мор
қилиб ташлаган. Қаттиқ жангда ҳар иккала саркарда Клеон ва
Брасид ҳалок бўлган. Лекин Амфиполь зрамиздан аввалги 422
йилда Афинанинг қўлидан бутунлай кетган.

Амфиполь ёнида Клеон ҳалок бўлгандан ва кўшинлари мағлубиятга учрагандан кейин сулҳ тузиш тарафдорларининг таъсирп кучайган. Сулҳ тарафдорларига Никий бошчилик қилган. Никип энди Афинанинг ташки сиёсати раҳбари бўлиб қолган. Ҳар иккп томон—Пелопоннес ва 1- Афина денгиз иттифоқлари — гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг. ғалабаси билан ўн йил давом этган урушдан толиққан. Сулҳ музокаралари бошланган ва эрамиздан аввалги 421 йилда Афина билан Спарта ўртасида 50 йиллик сулҳ тузилган, бу сулҳ унинг ташаббускори номи билан Никий- сулҳи деб ном олган. Никий сулҳининг шартларига кўра, спарталиқлар ва афиналиқлар уларнинг кўшинлари ишғол қилган территорияларни баб-бараварига бўшатишлари ваўзаро асирларни алмаштириб олишлари лозим бўлган. Бундан ташқарй, қуллар (илотлар) кўзғолон кўтарган тақдирда афиналиқлар спарталиқларга ёрдам беришга ваъда қилганлар. Сулҳ шартлари тўла-тўқис бажарилмаган. Афиналиқлар Мессения Пилосида, спарталиқлар эса Фракияда (Амфиполда) қолганлар. Спартанинг иттифоқчилари бўлмиш Коринф, Мегара ва Фива Никий сулҳини тан олмаганлар.

3. Сицилия экспедицияси. Пелопоннес урушини келтириб чиқарган зиддиятлар илгаригича ҳал қилинмай қолган. Душман томонларнинг кучлари тахминан баравар бўлган. Болкон ярим оролини ва унга яқин ороларни бўлиб олиш билан чекланган уруш қаттароқ натижаларга олиб. келмаган. Афина флоти томонидан Пелопоннеснинг номунтазам қамал қилиниши Пелопоннес иттифоқини бўшаштира олмаган. Афина демосининг савдо-хунармандчйлик қатламлари урушнинг дуранг тамом бўлганидан норози бўлганлар. Ривожланиб бораётган қулдорлик экономикаси •Афина томонидан назорат қилинадиган территорияларни кенгайтиришни талаб этган, шу сабабли урушни янгидан бошлаш майли яна пайдо бўлган.

Экспансия сиёсатининг тарафдорларига Периклнинг қариндоши Алкивиад бош бўлган. У Пелопоннесни ғалла ва бошқа, товарлар билан таъминлаб турган бой ва гавжум Сицилия оролини истило қилишни таклифётган. Сицилия греқларининг бир қисми аристократик ва олигархик идора усуларини қувватлаган, аммо демократия тарафдорлари ҳам бўлган. Афина демоси мабодо Сицилияга Афина- кўшинлари юборилган тақдирда худди ана шу демократия тарафдорларига умид боғлаган.

Сицилияга ҳарбий экспедиция юбориш плани муваффақият қозонган тақдирда Спартани мағлубиятга олиб келиши ва Афинани фақат Болконда эмас, балки ғарбда ҳам Улуғ Грециянинг гегемони (етакчиси) қилиб қўйиши лозим эди. Бинобарин, бу план Афинада кенг шуҳрат таратган. Узининг туб асоси билан бу планда авантюризм элементлари бўлган. Афинада ва, умуман, Грецияда ҳеч ким Сицилиянинг аниқ ҳажмини, унинг аҳолисининг сонини ва кайфиятини билмаган. Уша замоннинг транспорт имкониятларига кўра Сицилия Грециядан жуда узок бўлган. Бу

оролни истило қилиш мақсадида катта денгиз.экспедицияси юбориш ҳатарли ва мушқул иш бўлган.. Афинада экспедициянинг Никий бошлиқ муҳолифлари⁴ бўлган. Бироқ Алкивиад бошлиқ экспедиция юбориш тарафдорлари ғолиб чиққан. Афина халқ Гшвини Сицилияга хужумга тайёрланиш ва' уни амалга ошириш ҳақида қарор чиқарган. Урушдан хонавайрон бўлган Аттика аҳолиси ўз ишларини Сицилия ресурслари ҳисобидан тўғрилаб олишни мўлжаллаган.

Эрамиздан аввалги 415 йилга келганда афиналиклар 260 га яқин ҳарбий ва юк кемасини, 32 мингдан ошиқ гоплит, матрос ва эшқакчини Алкивиад ва Никий қўмондонлиги остида сафарга ҳозирлаганлар. Бу экспедицияга Афинанинг барча асосий ресурслари сарфланган ва ҳарбий мажбурияти 'бўлган ёшларнинг деярли ҳаммаси сафарбар қилинган. Форос (хирож) микдори оширилган, бу эса Афинаиттифоқчиларининг норозилигига сабаб бўлган. Аттикада ва ундан ташқарида сиёсий вазиятнинг нечоғлиқ кескинлиги Афинада юз берган можародан кўриниб турганки, бу можаро Пелопоннес урушининг ундан кейинги бориши учун-катта оқибатларга олиб келган.

Афина флоти Сицилияга жўнашидан биркун бурун кечаси номаълум шахслар жуда кўп гермадарни — тош устунларни шикастлантирганлар. Бу устунларнинг тепасида саёҳат ва тижорат ҳомийси бўлмиш маъбуд Гермеснинг бюсти ўрнатилган эди. Бу худони таққирлаш, куфроний иш бўлиб, бунинг учун ўлим жазоси бериларди.

Жуда қаттиқ куфт-ков қилинишига қарамай жиноятчилар топилмаган. Аммо шаҳараа гермаларни Алкивиад ва унинг дўстлари шикастлантирган деган миш-миш тарқалган. Тергов бошланган. Алкивиадга бу куфроний ишга дахли йўқлигини исботлашга имкон бермаганлар. Флот Алкивиад, Никий ва Ламах қўмондонлигида Сицилияга жўнаши керак эди ва белгилангаи вақтда у жўнаб кетган.

Афина флоти Сицилия соқилларига етиб боргаида. Афинадан ҳукумат кемаси Алкивиадни олқб кетгани келган. У гермаларни шикастлантиришда айбланиб судга чақирилган эди. Лекин Алкивиад Спартага кочиб кетган. Афина халқ йиғини уни сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилган. Шундан кейин Алкивиад спарталикларга Афина ҳарбий сирларини айтиб берган ва шу билан Сицилия соқиллари ёнида жанг қилаётган Афина флотига зарар етказган. Алкивиад афиналиклардан ўч олишни давом эттириб, спарталикларга маслаҳат бериб, Афинага қарши урушни янгидан бошлаганда Аттикага қисқа-қисқа муддатларда бостириб кириш каби эски тактикани тақрорламаслик керак, балкиунинг территориясидан мустаҳкамланган аҳоли пунктини забт этиб, унда' Спарта кўшинлари учун доимий база вужудга келтириш ва шу ердан туриб мамлакатни узлуксиз вайрон қила бериш керак, деб айтган. Шундай қилиб, Алкивиад соткинга ва ватан хоинига айланган.

Алкивиад қочгандан кейин СицилиясоҳиллариёнидагиАфина флотига Никий ва Ламах бош бўлиб қолган. Сицилиядаги грекларнинг кўпчилик афиналикларни совуқ ва ҳатто душманлик назари билан қарши олган. Никий урушнинг тўхталишига умид қилган ва актив уруш ҳаракатлари бошлаган пайсалга солиб турган, шу билан у Сиракузага мудофаага яхшилаб тайёрланишга имкон берган, чунки Сицилия экспедицияси асосан Сиракузага қарши юборилган. Кўп ўтмай Ламах ҳалок бўлган. Афина флоти яқсон қилинган, сиракузаликлар ва спарталикларнинг бирлашган кучлари томонидан қуршаб олинган курукликдаги кўшин мажбуран таслим бўлган. Никий билан Демосфен Сиракузада қатл этилган, асир қилиб олинган афиналик аскарлар эса қул қилиб сотилган.

4. Декелея уруши (эрамиздан аввалги 413—404 йиллар). Сицилияда Афина кўшини ва флоти ҳалок бўлиши билан деярли айни бир вақтда спарталиклар Аттикага бостириб қирганлар ва унинг шимоли-шарқидаги мустаҳкамланган аҳоли пункти Декелеяни забт этганлар. Улар афиналикларга қарши доимий уруш ҳаракатлари олиб бориш учун унда база қуриб олганлар ва Эвбея ороли билан алоқани кесиб қўйганлар, чунки Эвбеядан Аттикага озик-рвқат маҳсулотлари юбориб турилган. Спарталиклар Афина қулларига мурожаат қилиб, Декелеяга қочишга даъват этганлар ва уларга озодлик беришни ваъда қилганлар. 20 мингдан ошиқ қулар, асосан ҳунармандлар спарталиклар томонига қочиб ўтган. Кўп устахоналарда ва қисман Лаврион конларида иш тўхтаб қолган.

Декелея Афинадан 22 километрли масофада жойлашган. Спарталикларнинг доимо Афинага ҳужум қилиши хавфи туғилган. Қуролланган аҳоли навбатма-навбат туну кун шаҳар деворлари устида қорувлик қилган. Бундай вазиятда иттифокчилар Афинадан ажралиб кета бошлаганлар.

Ҳамон спарталиклар билан ҳамкорлик қилаётган Алкивиад уларга кучли ҳарбий-денгиз флоти тузиш учун Спартага маблағ бериш тўғрисида Эрон ноиб Тиссаферн билан сўзлашишни маслаҳат берган. Спарталиклар, эрамизданаввалги412—411 йиллар мобайнида Тиссаферн орқали Эрон шоҳи билан махфий шартномалар тузганлар. Спарталиклар ғалаба қилган тақдирда Грециянинг Кичик Осиёдаги территориясининг ҳаммасини, яъни Греция-Эрон урушлари вақтида грекларнинг ғалабаси натижасида форслар зулмидан озод қилинган территорияларни*Эронга кечиб беришга ваъда қилганлар.

Тиссаферн билан музокаралар вақтида Спарта раҳбарлари Алкивиад, сиёсий найранг ишлатмаётирми, деб ундан шубҳалана бошлаганлар. Унинг хизматига энди Спарта муҳтож бўлмай қолган эди, бинобарин уни ўлдиришга қарор қилинди. Бирок Алкивиад Эронга Тиссаферн олдига қочиб кетди.

Афиналиклар бутун кучларини флотни қайта тиклашга ва иттифокчилар билан алоқани мустаҳкамлашга сарф қилдилар.

Улар ҳатто фороһни (хирожни) ёёор килдилар ва унинг ўрнига 5 процентлик денгиз божи белгидадилар. Флот қисман қайта тикланган.

Лекин эрамиздан аввалги 411 йилда Афинада олигархлоо тўнтариши бўлган- Уша вақтда халқ йиғинида демократроқ элементилар бўлмаган эдн, улар флотда эдилар. Шу сабабли бой граждaнларнинг тазйиқи остида халқ йиғини хокимиятни олигархларга топширишга ва тенг ҳуқуқли граждaнлар сонини камай-тиришга рози бўлди. Олигархлар урушдан толиққан Атика аҳолисига Спарта олигархлари билан сулҳ тузиш тўғрисида сўзлашишга ваъда берганлар. Ашаддий олигархлардан Антифонт, Писандр, Фриних, мўътадил олигарх Ферамен ва бошқалар Афина давлат ўзгаришининг раҳбарлари эдилар. Беш юзлар кенгаши бекор қилинди. Унинг ўрнига расмангина эски тўрт юзлар кенгаши қайта тикланди ва унга энг бой граждaнлар кирди. Тенг ҳуқуқли граждaнлар сони гоплит бўдиб хизмат қилишга етарли маблағи бўлган 5 минг граждaндан иборат қилиб қўйилган.

Спарта билан олиб борилган музокаралар натижа бермаган, чунки спарталиқлар Афина архэсини тугатишни талаб қилганлар. Ҳар қандай обрў-эйтиборини тез йўқотиб қўйган олигархлар террор ёрдамида сақланиб турганлар. Энг аввал бошдан олигархлар мавкеининг жуда номустаҳкам эканлигининг сабаби яна шу бўлганки, демократиянинг таянчи бўлган, ўша вақтда Самос ороли ёнида турган Афина флоти олигархияни тан олмагаи. Дастлаб музокаралар олиб бориб келишилгандан кейин Самосга Алкивиад келган. У Спарта тартибларини билган ва эндиликда Спарта флотини тор-мор қилишни таклиф этган ва Тиссаферн ёрдами билан Афинада олигархларни ағдариб ташлашни ваъда қилган. Самосдаги Афина аскарлари ва матрослари Фрасибул, Фрасилл ва Алкивиаддан иборат янги стратегларни сайлаганлар. Алкивиад кўмондонлиги остида бўлган икки жангда Афина флоти Абидос ёнида эрамиздан аввалги 410 йилда Эрон пулига қурилган Спарта флоти устидан икки марта порлоқ ғалаба қозонган. Афинага ғалла келтириш қайта тикланган. Сулҳ тузиш тўғрисидаги ваъдасини бажармаган ашаддий тўрт юзлар олигархияси хокимиятни Ферамен бошлиқ 5 минглар мўътадил олигархиясига топширишга мажбур-бўлган. Лекин бу хокимият ҳам эрамиздан аввалги 410 йилда ағдариб ташланган. Худди ўша йили Алкивиад, Фрасибул ва Фрасилл бошлиқ демократик Афина флоти Пирейга келган ва аҳоли томонидан тантанали кутиб олинган.

Алкивиад Самосда бўлган чоғидаёқ афиналиклардан ўтиниб гуноҳини кечиртирган эди, ғолиб флот билан ва ғалла ортилган кемалар билан Афинага келгандан кейин эса, Афинанинг стратег-автократори (яъни уруш вақти муносабати билан чексиз хокимиятга эга бўлган стратег) қилиб сайланган. Лекин Афина демосининг маҳаллий лидерлари Алкивиаднинг тиранияга интилишидан ҳаққоний суратда гумонсирадилар. Эрамиздан аввалги

406 йилда Нотий буруни ёнида Афина флотининг бир қисми Спарта эскадрасидан мағлубиятга учраган. Гарчи бу воқеа Алкивиаднинг йўқлигида содир бўлган бўлса-да, халқ йиғинининг уни ношудликда айблашига бахона бўлган. У янги муддатга қайтадан сайланмади ва Фракия Херсонесидаги ўз мулкига хамишаликка кетиб қолди.

Нотий буруни ёнида мағлубиятга учрагандан кейин бутун қолган Афина ҳарбийкемалари Лесбос оролида Митилена шаҳри гаванига кириб бекинган. Спарта флоти гаванга кириладиган жойни қамал қилган. Афиналиклар сўнги маблағларини тўплаб ва эшқакчилар қилиб қўйилган бир қанча метеклар ва қулларга граждандан ҳуқуқи эҳсон қилиб, тез фурсат ичида янги флот куриб олганлар. Бу флот саккиз стратег қўмондонлиги остида худди ўша эрамиздан аввалги 406 йилда Аргинус ороллари ёнида бўлган жангда Спарта флоти устидан порлоқ ғалаба қозонган. Ҳақиқатда Афинанинг Эгей денгизидаги гегемонияси қайта тикланган. Лекин Афина халқ йиғинида демократик ва олигархик гуруҳларнинг кескинлашиб кетган кураши натижасида бу ғалаба мотамга айланган. Аргинус ороллари ёнидаги ғалабадан бевосита кейин денгиз бўрони бошланиб кетган. Бир неча Афина кемаси нобуд бўлган. Аммо энг асосий масала шунда здики, жангда ҳалок бўлганларни дафн этиш топширилган команда бўроннинг касофати билан лозим бўлган диний маросимни адо қилолмаган. Бу эса ўша замондаги кишиларнинг эътиқодича шаккоклик зди. Ҳалок бўлганларнинг қариндошларикўпчилигида дафн этиш командасидаги айбдорлардан бўлган ва жазодан кўрққан олигархлар таъсири остида кўпчилиги Демократлардан иборат бўлган стратегларни жинояткорона совуққонликда айблаганлар. Халқ йиғини озгина кўп овоз билан шоша-пиша стратегларни ўлим жазосига қукм қилган. Ҳукм қилинганлар орасида Периклнинг ўғли ҳам бўлган. Стратеглар қатл этилгандан кейин афиналиклар ақл-хушларини йиғиб олдилар ва ўлгандан кейин уларни оқладилар. Қўмондонлардан маҳрум бўлиб қолган флот яқинида эришилган ғалабадан фойдалана олмади.

Спарталиклар форслар ёрдами билан тез муддатда янги флот куриб олдилар. Бу флотталантли наварх Лисандр раҳбарлигида Афинани Қора денгиз бўйларидан келтирилган ғалла билан таъминлашга йўл қўймаслик учун Геллеспонтда тўпланиб олган. Афинафлоти ҳам шу вақтда Геллеспонтда турган. Лисандрэрамиздан аввалги 405 йилда унга тўсатдан ҳужум қилган ва Эчкисой (грекча «Эгос-потамос») ёнида бўлган жангда уни яқсон қилиб ташлаган. Бу жангдаги мағлубият афиналикларниозик-овқат маҳсулотлари келтиришдан маҳрум қилган. Орадани кўп ўтмай, Афинани курукликдан Декелеядан келган Спарта кўшинлари, денгиздан эса Лисандр флоти кураша олган. Афинада очарчилик бошланган. Мўътадил олигархларнинг раҳбари Ферамени бой ва давлатманд граждандар орасидаги нуфузидан фойдаланиб, уларга сулҳ музокаралари юргизиш учун Спартага бориши-

ни айтган, лекин у ўз ватандошларини алдаган. У спарталиклар юртида уч кун бўлиб, ҳеч қандай музокара олиб бормаган, чунки олигархлар демосдан бекитикча таслим бўлишга майл кўрсатмокда эдилар. Ферамен Афинага курук қайтиб келгач, очликдан тамоман мадори қуриган афиналиклар эрамиздан аввалги 404 йилнинг апрелидасла таслим бўлганлар. Спарталиклар шаҳарга кирганлар. Афинани Пирей билан боғлайдиган ва унинг хавфсизлигини таъминлаб келган узун девор Спарта музикасининг садолари остида ағдарилган. Афина архэси тарқатилган. Афина Пелопоннес иттифоқи составига киритилган. Демократия ўрнини олигархия эгаллаган. Афинанинг собиқ иттифокчиларининг Спарта «озод қилган» полисларига Спарта гарнизонлари жойлаштирилган ва олигархик тўнтаришлар қилинган.

5. Ўттизлар тиранияси ва демократиянинг қайта тикланиши. Афинада халқ мажлиси Спарта тазйиқи остида Ферамен тақдим этган ўттиз олигархдан иборат комиссия сайлаган. Бу комиссия янги давлат тузумининг асосларини ишлаб чиқиши керак бўлган. Лекин бунинг ўрнига комиссия спарталиклар отрядига таянган ҳолда амалда Афинанинг ҳукумати бўлиб олган. Машҳур олигархлардан Критий ва Ферамен ўттизларга бош бўлдилар. Улар террористик идора усулини ўрнатиб, ўз сиёсий муҳолифларини ва умуман кўзларига шубҳали бўлиб кўринган кишиларнинг ҳаммасини ваҳшийларча жазолаганлар. Улар аҳоли ниталаганлар ва ҳатто ўз хоҳишларича танлаган бой граждандарни ва метекларни ўлдира бошлаганлар, уларнинг мол-мулкни ўз фойдаларига мусодара қилганлар. Бу ишларнинг ҳаммаси асосан Критийнинг ўзбошимчалиги билан қилинган. Кўпроқ эҳтиёткор бўлган Ферамен воровилик билдирганда, Критий ва ашаддий олигархларнинг буйруғи билан уни қатл этганлар. Аҳоли Афинадан қоча бошлаган. Собиқ демократ стратеглардан бири бўлмиш Фрасибул Беотияга қочиб бекинган. У афиналик қочоқлардан отряд тузиб, чегарадаги Афина истехкоми Филани забт этган. Олигархларнинг Фрасибул отрядини йўқ қилишга уринишлари чиппақка чикқаи. Фрасибул Пирейга яқинлашиб борган. Йўл-йўлакай унинг отряди тез кўпая борган. Аҳоли олигархларга қарши бош кўтариб чикмокда эди. Бир неча қаттиқ жангларда олигархлар ва спарталиклар мағлубиятга учраганлар. Олигархлар Мунихия ёнидаги жангда узил-кесил тор-мор қилинган. Критий ўлдирилган.

Эрамиздан аввалги 403 йилда Афинада демократия қайта тикланган. Умумий амнистия эълон қилинган. Лекин ўттизлар комиссияси кейинчалик «ўттиз тиран» лақабини олган ва ўз жиноятлари учун жазага тортилган. Афина Пелопоннес иттифоқи азбоси бўлиб қола берган.

*

Бир оз танаффус билан 27 йил давом этган қаттиқ ўзаро Пелопоннес уруши қолоқ Спартанинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан хийла тараққий қилган Афина устидан ғалабаси билан тамблан-

ган. Афина демократикхукумати бир қанча хатоларга йўл қўйган, бухатолар орасидаэнг оғири Сицилия экспедицияси бўлган. Лекин Спарта ҳатто афиналиклар Сицилияда халокатга учраганларидан кейин ҳам фақат Эроннинг ёрдами билангина Афинани енгиши мумкин бўлган. Шундай қилиб, Афинанингмағлубиятига халқаро вазият ҳам ёрдамлашган. Аммо Афинанинг муваффақиятсизлигининг илдизи Афина демократиясининг чеклангашшида ҳам эди; бу демократия ўзи тузган архэда кулларнигина эмас, балки ўз иттифоқчиларини ҳам эксплуатация қилувчи гегемонга айланган эди. 1-Афина денгиз иттифоқини вужудга келтирган социал-иктисодий тараққиёт кенг бирлашувни, полис доирасида чекланиб қолишни бартараф қилишни талаб этарди. Лекин 1-Афина денгиз иттифоқи буни бартараф этолмаган.

Пелопоннес уруши бутун Грецияни жуда заифлаштириб қўйган, унинг иктисодий потенциалига путур етказган.

хшвов

КЛАССИК ДАВРДАГИ ГРЕК МАДАНИЯТИ

1. К. Маркс ва Ф. Энгельс грек маданияти ҳақида. К- Маркс ва Ф. Энгельс грек маданиятига ва уни ўрганишга жуда катта аҳамият берардилар. Маркс грек санъати ва эпосининг ҳозирги замон кишиси учун қандай аҳамияти борлиги ҳақида бундай деб ёзган эди: «Қийинчилик шундаки, улар ҳамон бизга бадиий завқ беришда давом этмоқда ва маълум жиҳатдан норма бўлиб ВЙ этиб бўлмайдиган намуна бўлиб хизматқилмоқда»¹. Маркс грек маданиятининг ўзига хос хусусиятини ва биз учун унинг алоҳида бадиий қимматини шундай иборат деб билардики, у инсоният болалигининг такрорланмас ва жозибадор даврининг классик маданияти эди: «...Инсоният жамиятининг болалиги, ҳаммадан гўзалроқ ривожланган жойда, биз учун абадий нафосатга, ҳеч қачон такрорланмайдиган босқичга, нега. эга бўл;масин? Греklar нормал болалар эдилар. Биз учун улар санъатининг жозибаси у ўсиб камол топган ноетук ижтимоий босқичга зид эмасдир. Аксинча, у мазкурбосқичнинг натижасидир: ва у шу билан "чамбарчас боғлиқдирки, у ўзи пайдо бўлган ноетук ижтимоий шароитдагина юзага келиши мумкин эди ва ҳеч қачон у янгидан такрорланиши мумкин эмас»². Энгельс грек фалсафасининг тараққиёт даражасининг хилма-хиллиги ва фикрлаш маданияти ҳақида бундай деб ёзган эди: «Бу ҳол кичкина бир халқнинг эришгаф ютуқларига... бизни тобора қайта ва қайта мурожаат этишга мажбур қиладиган сабаблардан биридир, бу халқнинг универсал истъдоди ва фаолияти инсоният тараққиёти тарихида унга шундай ўринни таъминлаб бердики, бошқа ҳеч бир халқ бу ўринга

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 12, стр. 737.

² К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 12, стр. 737—738.

],но қилолмайди... Грек философиясининг хилма-хил формарида дунёкарашнинг кейинроқ даврлардаги деярли ҳамма типлари куртак ҳолида, туғилиш жараёнида мавжуд эди.»¹

Ҳозирги замон маданияти ўзининг кўп кўринишлари жиҳатидан қадимги Грециянинг кўп қиррали маданиятига бориб такалади. Техника ва фан, фалсафа элементлари, адабиёт, архитектура ва тасвирий санъатнинг турли формалари жаҳон маданияти муваффақиятли суратда ривожланиб келган ва ривожланаётган асоснинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолди.

2. Қадимги Грецияда фалсафа. Архаик даврда, классик замондаёқ табиат ва кишиларнинг фаолияти устидан олиб борилган кузатишларнинг натижаларини умумлаштиришга интилишнинг оқибатида фалсафий-эстетик фикр раванқ топди. Фан сифатида грек фалсафаси пайдо бўлиши процессидаёқ матерциализм билан идеализм ўртасида бошланган кураш бу тез ва порлок тараққиётга кўмаклашди.

Стихияли материалистларнинг таълимоти янада ривож топди. Чунончи, Периклнинг дўсти файласуф Анаксагор ўз салафларининг материянинг умуман табиати ҳақидаги стихияли-материалистик умумлашмаларини ривожлантираркан, материянинг тузилиши билан қизикди. У ҳамма жисмлар энг майда зарраларнинг тегишли сифатидан: ҳаво — энгмайда ҳаво заррачаларидан, дарахт—энг майда ёғоч зарраларидан, металл—тегишли металл зарраларидан, гўшт—энг майда гўшт зарраларидан тузилган ва ,х к., деб таълим берарди. Бироқ материянинг тузилишини материалистик нуқтай назардан изоҳлаш билан бирга у материянинг келиб чиқишига сабаб «олабий ақл» деб ҳисобларди.

Абдералик Демократнинг (эраמידан аввалги 460—370 йиллар), бутун коинот, шу жумладан бизнинг еримиз ҳам, барча буюмлар ҳам, одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам модда жиҳатидан бир хил, лекин форма ва ҳажми жиҳатидан тўрли хил бўлгзн энг майда зарралар — атомлардан иборатдир, деган таълимоти қадимги грек материалистик фалсафасининг чўққиси эдш Демокритнинг таълимотига кўра, атом—абдий ваўзгармас материянинг энг майда қисмчаси бўлиб, бу қисмчанинг сўнгра бўлиниши мумкин эмасдир («атом»—қадимги грекча маънода «бўлинмас» демакдир). Демокрит, коинотда фақат абдий ҳаракат қиладиган атомлар ва бўшлиқ мавжуддир, деб ҳисобларди. Атомлар ўз ҳаракати вақтида тўқнашишиб, коинотдаги нарсаларнинг жуда хилма-хиллигидан иборат энг турли-туман кўшилмаларни ҳосил қиладилар. Демокритнинг фикрича, бу предметлар то уларни ташкил этувчи атомлар кўшилмалари парчаланиб кетгунча мавжуд бўлиб туради. Демокритнинг атомистик назарияси фан ва фалсафанинг ундан кейинги бутун тараққиётига ғоят катта прогрессив таъсир кўрсатди. Демокрит ҳаракат—материянинг

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 20, стр. 369.

азалий хусусиятидир, деган коидани биринчи бўлиб якқол ифодалаб берди. Унинг таълимоти механистик материализмда иборат.

Архаик даврнингва классик давр биринчи ярмининг файласуфлари табиатни, коинотни материалистик ёки идеалистик нуқтаи назардан билишга ва ўрганишга асосий аҳамият берадилар. Лекин билимлар жамғарила ва ижтимоии муносабатлар мураккаблаша борган сари қадимги грек файласуфлари олдада янги проблемалар пайдо бўлди. «Усиб бораётган индивидуализм ва субъективизм биринчи навбатда космос проблемаларни эмас, балки инсон проблемаларини, абадий ҳаракат қилувчи ва жонлантириб кўрсатилувчи материянинг объектив ва виқорли-хайкалий тасвири проблемаларини эмас, балки инсоннинг субъектив ички дунёси теранлигига, унинг психологиясига, унинг жуда тез суратда мустақилликни ва ҳатто анархизмни талаб ҳшш бошлаган кечинмаларига кириш проблемаларини ўртага қўйишни талаб қилмоқда эди»¹.

Бу проблемалар эрамиздан аввалги Уасрнинг иккинчм ярмида янги типдаги файласуфни ва фалсафада бир қанча янги оқимларни вужудга келтирдик, бу фалсафий оқимларнинг вакиллари софистлар, яъни донишмандлар деган умумий ном олди.

Эрамиздан аввалги V асрда Грециядаги, айниқса Афина ва бошқа демократик полислардаги шарт-шароит суҳандонликни—• тингловчиларни ва суҳбатдошларни ишонтириш санъатиини эгаллаш эҳтиёжини туғдирди. Кезиб юрувчи донишмандлик муаллимлари—софистлар тегишли ҳақ бадалига истаган кинлиларга суҳандонлик санъатини ва билимларини ўргатар эдилар.. Уларнинг таълимоти субъективистик ва анархистик таълимот эди. Софистлар ўз фаолияти процессида ўз билимларининг пухталиги масаласини, уларни текшириш мумкинми-йўқми, улар чинми ёки чин эмасми деган масалани ўртага қўйишлари лозим эди. Бундай масаланинг қўйилиши философ-софистларнинг хизмдтидир. Лекин улар ҳақиқат мезоии тўғрисидаги саволга ижобий жавоб беролмаган эдилар.

Кекса софистларнинг кўзга кўринарли вакиллари: бири Протагор эди. У «инсон ҳамма нарсаларнинг мезонидир»,., яъни нарсалар ўз-ўзлигича ҳеч қандай хусусиятга эга эмасдир, балки бу хусусиятларга уларнинг инсонга бўлган муносабатларига қараб эга бўлади, деб таълим беради. Протагорнинг таълим беришича, қора ҳам, оқ ҳам, яхши ҳам, ёмон ҳам йўқ, бу сифатларнинг ҳаммасини предметларга ва ходисаларга инсюн ўз баҳоларида ўзбошимчалик билан нисбат беради. Нарсала:рнинг мохиятига бундай субъектив қараш фақат философиянинг ундан кейинги тараққиётигагина эмас, балки софистларнинг амалий фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди. Улар турли хилдаги сўз! най-

¹ А. Ф. Л о с е в. История античной эстетики. .Софистн. Сократ. Платон М., 1969, стр. 7.

раиглари ёрдами билан бир-бирини истисно қилувчи, бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган икки даъводан бирининг мутлақ ҳаққонийлигини исбот қила олардилар. Софистлар таълимотининг асоси объектив ҳақиқатнинг мавжудлигига ишонмасликдир.

Атоқли файласуф Сократ ёки Сукрот (эрамиздан аввалги •171—399 йиллар) софистлар орасидан чиқиб, улардан ажралиб Кетган эди. Сократ ҳам инсон, ақл проблемасига қизикқан эди. Сократ ўзининг бутун умри давомида битта ҳам асар ёзмаган бўлса-да, унинг фалсафаси жуда машҳур эди ва кўп шогирдлари бор эди. Сократ мактабларда дарс бермас, лекциялар ўқимас эди, балки Афинани, бозорни, одам кўп бўлган жойларни, афиналикларнинг севадиган сайргоҳи Пропилеяни ва бошқа жойларни айланиб юрар ва ўз шогирдлари билан суҳбатлашарди. Сократнинг фақат аристократлар ва бойлардан эмас, балки оддий кишилардан ҳам кўп шогирдлари бор эди.

Ҳақиқат мезонини излашда Сократ софистлардан нари ўтиб кетди. У аниқ бир метод топишга интиларди. Унинг фикрича, бу метод аввало ўз-ўзини билишдан иборат эди. Бошланғич нуқта қилиб олинган асосни Сократ афоризм тарзида: «Мен ҳеч нима билмаслигимни биламан» деб ифодалаган эди. Бу қоида мутафаккирни ғаразли фикрлар айтишдан эҳтиёт қиларди. Билиш фикрловчи ва ҳаракат қилувчи руҳий вужуд сифатида ўз-ўзини синчиклаб анализ қилишдан бошланарди. Сократнинг фикрича, ўз руҳий аппаратининг механизмини анализ қилишни тугаллагандан кейин, донишманд ҳаёт проблемасини тўғри ҳал қилиши, объектив суратда мавжуд бўлган руҳнинг моҳиятини тушуниши, яъни объектив суратда мавжуд бўлган ҳақиқатни тушуниши мумкин эди. Шундан кейин донишманд мазкур ҳақиқатни мумкин қадар кўпроқ кишиларга ўргатиши лозим эди.

Ҳақиқатни билиш мумкин эмас, деб ўйловчи софистлардан фарқли ўларок, Сократ ҳақиқат баҳс-мунозарада билинади, деб ҳисобларди. Донишманд билдирмасдан, усталик билан эслатма саволлар бериш йўли билан баҳс-мунозара жараёнида ҳамсуҳбатларига ўз идеяларини уқтиради, натижада уларда, ҳақиқатни ўзимиз билиб олдик, деган тасаввур ҳосил бўлади. Баҳс-мунозара юриштининг бундай методи «сократча диалог» деган ном олди. Сократ ўз умумлашмаларини индукция методи асосида қурарди, яъни кўп жузъий ҳодисаларни ўрганиш асосида умумий хулосаларга келарди.

Сократ ўз таълимотида одамларни тенглаштиришга қарши чиқиб, уларни ҳақиқатни билганлар ва билмаганларга ажратарди. Унинг таълимоти баъзи хусусиятлари жиҳатидан Афина демократиясига қарши чиққан олигархларга ёқиб тушарди. Шу сабабли Афинада қулдорлик демократияси қайта тиклангандан кейин Сократ худосизликда, мавжуд тузумни кўпорлида ва ёшларни бузишда айбланиб, эрамиздан аввалги 399 йилда суд қи-

линди ва катл этилди. Суд хукмига мувофиқ у цикута гиёҳидпп тайёрланган бир пйёла захарни ичиб ўлди.

Идеалистик фалсафа эрамиздан аввалги IV асрнинг бириичи ярмида яшаган атоқли файласуф Платон ёки Афлотун (эрамиздан аввалги 427—347 йиллар) асарларида янада ривожлангилди.

Платон зодагон ва бой оиладан чиққан бўлиб, яхшитарбиява маълумот олган эди. У Сократнинг шогирди эди ва ўз устозининг суҳбатларини ёзиб олган эди.

Платон объектив идеалист эди, яъни объектив оламнинг мавжудлигини тан оларди, лекин объектив оламини у фақат нариги дунёга хос ҳақиқий реал идеялар оламининг инъикоси, махсули деб ҳисобларди. Унинг фикрича, масалан, нариги дунёда от идеяси мавжуддир, бу идея бизнинг дунёмизда реал отда гавдалангандир. Масалан, стол, турли хайвонлар ва х. к. идеяси мавжуддир, аммо реал предметлар уларнинг фақат инъикоси, гавдаланишидир, холос. Платоннинг фикрича, ҳақиқат айрим эмас, балки фақат умумийдир. Отлар турлича бўлади, туғилади, ўлади, аммо от идеясининг ўзи абадий ва ўзгармасдир. Идея, Платоннинг фикрича, нарсаларнинг ниҳоясига етган умумлашувидир. Унда нарсанинг принципининг ўзи, унинг тузилиш ва билиниш модели ва методи жо бўлгандир.

:Кишиларнинг идеялари, яъни уларнинг рухлари ер юзида бўлганда улар ўзлари келган ҳақиқий у дунёга хос идеялар тўғрисидаги хотираларни ўзларида сақлайдилар. Платоннинг фикрича, худди анашухотиралар бизнинг олам ҳақидагй билимларимиздир. Ёнсон дунё идеяларини нечоғлик яхши эсласа, у шу қадар кўп билган бўлади. Бу платонча билиш назарияси реакцион назариядир., чунки у актив илмий изланишни, илмий тараққиётни инкор этади.

Платон философияси антик объектив идеализм коидаларини айниқсаякқол иф-одалаб берган эди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин грек философияси ва умуман философия тараққийсининг икки асосий йўлини: Демокрит йўлини, яъни материализмни ва Платон йўлини, яъни идеализмни таққослаб кўради¹.

Эрамиздан аввалги V асрнинг охири—IV асрнинг бошларида бошланган кулдорлик полислари системасининг социал-иктисодий ва сиёсий кризиси софистларни ва Сократни ҳам ижтимоий муносабатларга диққат билан эътибор беришга мажбур этган эди. Эрамиздан аввалги IV асрда файласуфлар ижтимоий проблемалар билан яна кўпроқ кизиккан эдилар. Платон ҳам бу проблемалар билан астойдил кизикиб кетган эди. Афина кулдорлик демократиясига душман ва аристократик ҳамда олигархик тузум тарафдори бўлган Платон идеал давлат-полис лойиҳасини таклиф этдики, бу лойиҳага Спартаинг идеаллаштирилган тузуми асос қилиб олинган эди.

¹ Каралсин: В. И. Л е н и н. Полн. собр. соч., т. 18, стр. 131.

Платоннинг фйкрича, унинг идеал давлатининг барча гражд-инлари уч группага бўлинади. Биринчи группа философлардан ппорат бўлиб, улар аскарларга таянган ҳолда давлатни бошқариш билан шуғулланадилар ҳамда фанларни ва санъатларни ўрганадилар. Философлар ва аскарлар Платоннинг идеал поли-Сида имтиёзли группалар эдилар. Иккинчи группа аскарлардан нборат бўлиб, улар ҳарбий иш билан ва давлат мудофааси билан шуғулланадилар. Улар жамоа бўлиб яшайдилар, уларнинг оилалари ва хўсусий, Мулки бўлмайди, бунда мақсад шуки, улар ўз полисини бошқариш ва мудофаа қилиш каби бевосита вазифаларидан чалғимасликлари керак.

Учинчи группа «хунармандлар» дан, яъни жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи кишилардан иборат. Уларнинг вазифаси кишлок хўжалиги ва хунармандчилик маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқаришдир. «Хунармандлар» давлатни бошқариш билан ҳам, философия билан ҳам, фан билан ҳам, санъат билан ҳам шуғулланмасликлари лозим. Уларнинг қисмати— фақат хўжалик иши ва жисмоний меҳнатдир. Платонча иерархия зинапоясининг энг қуйи босқичида энг оғир жисмоний ишларни бажарувчи куллар турарди. Аёлларни. Платон ақл-идроқда эркаклар билан тенг деб ҳисобларди, шунинг учун ҳам аёллар ҳуқуқ ва вазифада эркаклар билан тамоман тенглаштирилган эди. ,

Платоннинг идеал давлат ҳақидаги утопик назарияси реакция назариядир, чунки бу назария жамиятнинг касталарга қараб тузилишининг мустаҳкамлигини даъво қиладики, бу жамиятда фақат имтиёзли юкори табакагина маданиятнинг барча ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга ҳақлидир. Жамиятнинг «бошқа аъзолари ҳуқуқсиз ва мазлум бўлиб қола беради. Платон назариясини хаамиша реакционерлар қўллаб-қувватлаб келганлиги ҳеч бир ажабланарли эмасдир.

Бироқ мавҳум тафаккурни ривожлантириш соҳасида эркаклар билан аёлларнинг тенглиги масаласида Платон қадимги грек маданиятига ижобий ҳиссасини қўшди. Платон талантли <сўз санъаткори эди. Унинг услуби етук грек классикасининг барча ютуқларини ўзига жамлаб олган эди. Уз фалсафий асарларини у одатда драмалаштириб, ўз таълимотини диалоглар шаклида баён қиларди.

Машҳур Аристотель ёки Арасту (эраимздан аввалги 384—322 йиллар) қадимги Грециянинг улуғ философи ва олими эди. Маркс Аристотель ғояларига юксак баҳо бериб, бу мутафаккир бутун антик маърифатчиликка яқун ясади, деб ёзган эди. Аристотель Македония пйдшолари саройида яшаган врачнинг ўғлк эди. , .

• Аристотель ўз фалсафасида ҳам материалистик, ҳам идеалистик қарашларни қўшиб юборган эди. У реал суратда мавжуд бўлган олами тан оларди. У форма ва мазмун ҳақидаги таълимотни яратиб, ҳодисанинг моҳияти билан бу ҳодиса бурканади-

ган формани бир-бирдан фарк қилиб қарарди. Мазмуи бил форма ўртасидаги муносабатни Аристотель диалектик тарв тушунарди.

Аристотель ҳар томонлама ва чуқур фикрли олим эди. У ўзи ни кўрсатмаган билим соҳаси йўқ.деса бўлади. Аристотель т| бийёт илмининг, тарихнинг, давлат ҳуқуқининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилди, социология, адабиёт назарияси асосла рини яратди, формал логика системасини ишлаб чикди ва кўм гина бошқа илмий ишларни қилди.

Маркс биринчи экономист сифатида майдонга чиккан пу олимга _юксак баҳо бериб, Аристотель қиймат проблемасигл яқинлашиб борган эди, деб ҳисоблади: «Аристотелнинг заковатп худди шунда' намоён бўладики, товарлар қийматининг ифода-сида у тенглик муносабатини очиб беради»¹. Лекин кулдорлик жамиятида иқтисодий муносабатлар ривожланмаганлигидап Аристотель; К. Маркс ёзганидек, қиймат тушунчасини аниқ таъ-рифлаб беролмаган эди.

Платон сингари, Аристотель ҳам давлат тўғрисида ўз таъли-мотини яратди. Лекин у бу проблемага бутунлай бошқача қара-ди'. Аристотель, идеал давлат ҳақида сўзлашдан олдин реал, мавжуд давлатларни ўрганмоқ керак, деб ҳисобларди. Шу са-бабли у ўз шогирдлари билан биргаликда Грециядаги ва ундан ташқаридаги 158 давлатнинг қонунларини ўрганиш ва ёзиб чи-қиш юзасидан ғоят катта иш қилди. Унинг ўзи «Афина полития-си» ни—Афина давлат тузуми ҳақидаги асарни ёзди. Шундав кейин у тўпланган ва системалаштирилган материални умум-лаштиришга киришди. Давлат тузуми ва ижтимоий муносабат-лар тўғрисидаги ўй-фикрларнинг натижаси ўлароқ Аристо-телнинг «Политика» номли катта тарихий-социологик асари майдонга келди.

Аристотель, уч типдаги давлат: монархия (яъни бир шахс-нинг идора қилиши), аристократия (яъни озгина шахсларнинг идора қилиши) ва демократия (яъни ҳамманинг идора қилиши) мавжуд, деган хулосага келди. Шу билан бирга у, монарх ҳам, озгина кишиларнинг вакиллари ҳам, демократия ҳам агар фа-қат халқнинг бахт-саодати учун қайғурса, мазкур давлат фор-маларининг ҳаммаси ҳам яхши, деб ҳисобларди. Лекин шу бил-лан бирга давлатнинг бу формаларидан ҳар бири, унингфикрича^ зарарли бўлиши ва айниб идора усулининг энг ёмон формасига айланиб кетиши мумкин. Чунончи, монархия айниб тиранияга^ яъни бир шахснинг назоратсиз ҳукмронлик қилишига, аристо-кратия айниб олигархияга, яъни ҳамма ноз-неъматларни ўзиникп қилиб олувчи озгина шахслар ҳукмронлигига айланиб кетиши мумкин. Демократия эса айниб охлократияга, яъни оломон—қо-ра халқ ҳукмронлигига айланиб кетиши мумкин. Аристотель ўзи Афина демократиясини унча хуш кўрмас эди, уни худди охло-

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 23, етр. 70.

ЛПИА деб ҳисобларди. У озгина шахслар—аристократлар

- усулининг тарафдори эди.

Ул даврининг фарзанди бўлган, ўз асарларида ўша даврнинг Вкобий ҳислатларини ҳам, маҳдудлигини ҳам акс эттирган Аристотель куллиқнинг ва кулдорлик тузумининг идеологи эди. ,У Юликнинг бўлишини зарур ва ҳаққоний деб ҳисобларди, чунки ^уллар ўз ташки қиёфаси жиҳатидан ҳам, ўз рухий тузилиши кихатидан ҳам итоат қилиш учун яратилгандир. У, инсоният жлмиятида табиатан ҳукмронлик қилиш қобилиятига эга бўлган жаноблар ва итоат қилиш учун яратилган куллар мавжуд, деб хирэбларди. Аристотель кулларнинг меҳнатидан фойдаланишни зарур деб ҳисобларди, чунки куллар меҳнати ўрнига машиналар ишлатилиши мумкинлигини тасаввур қилолмас эди.

Аристотель асарларида ўша замон маданиятининг ютуқлари ва камчиликлари акс эттирилган. Аристотель философиянинг асосий проблемаларига диалектик тарзда қарарди, у бир қанча фанларнинг асосчиси эди. У идеализм билан материализм ўртасида иккиланиб, турли проблемалар ва объектларни ўрганишнинг материалистик методларини татбиқ этди, аммо бутун табиий тараққиётни у дастлабки туртки билан изоҳлардики, гўё қачондир «оламий ақл» бу турткини амалга оширғай эмиш. •

Аристотель қадимги Грециянинг энг йирик эстетиги ҳам эди. У машҳур «Поэтика» ни — санъатнинг моҳияти ва унинг жинс ва турларга бўлиниши ҳақидаги китобни яратди. Аристотель «Поэтика» си санъатнинг табиати ҳақида ундан кейинги ҳамма таълимотлар учун асос бўлди.

3. Грек театри. Қадимги грек маданиятининг эиг ажойиб ходисаларидан бири театрди. Театр кишлок хўжалиги ва деҳқонларнинг хомийси бўлмиш худо Дионис байрами вақтида ижро этиладиган халқ кўшиқлари ва ўйинлари асосида пайдо бўлган. Худо Дионис табиат кучларини ҳосил қилувчи маъбуд бўлган. Унга сифиниш кишлок хўжалигини олиб боришнинг машаққатлари ва қувончларини акс эттирган. Қадимги Грециянинг табиий шароитига кўра, кишлок хўжалиги асосан узумчиликдан иборат эди. Токлар барг чиқарган баҳорда кўкламги Дионисия байрамлари қилинган, узум узиладиган кузда эса кузги Дионисия байрамлари қилинган. Бу байрам айниқса қувноқ бўлган. Янги тортилган винолардан ичишиб, давра олиб лапар айтганлар, кўшиқлар айтиб, рақсга тушганлар.

Дионис шарафига айтиладиган маросим кўшиқларининг — дифирамбларнинг ижрочилари эчки терисига бурканиб чиққанлар. «Трагедия» сўзи, «такалар кўшиғи» ана шундан келиб чиққан (грекча «трагос»—«така», «оде»—«кўшиқ» демакдир). Дифирамблардан грек трагедияси пайдо бўлган.

Дионис шарафига айтиладиган бир қанча кўшиқлар шўх кулгили бўлган. Ана шулардан комедия келиб чиққан.

К п п ^ у ш и К л а 1 б ? ш л 2 в ч и б о ш ч и л
 Бошловчи корифей деб-аталган ва хор билан Дионис ҳақида с ч
 Йо^нлав Т Ги Г л о в ч и Г Р н К и ч ^ б и р Т е п а ^ в ^ р а г и д а ^ з и л ш
 угирганлар, унда қорифей хор билан бирга қўшиқ айтган Томо
 нлабинлар яхши кўриши ва эшитишиуч/н корифл билан бирин
 шабинляп ? Л с у с С а л г з н т э х т а ч о р п о я У с ч д а \ , р и ш г а н , т о м о
 Ж Г ^ х л я п ? Л с у с Ф ^ т е а т р ш а к л и д а к е т м а - к е т ^ к а т о р л а ш т и р и О
 қуирилган скамейкаларда утиришган.

Театр-томошалар ана шу тарика пайдо бўлган
 сахна\д?б^Гт^ал?я^тР^к1^Г»^дан^б^ў^лган^-,^А^Р^с^ч^ар^ўйнайдиган жой
 сахна д_е_б аталган. Бу суз «скена» сўзидан олинган бўлиб маъ-
 носи чодир демакдир. Дастлабки вақтларда бу ҳақиқатан чод_и_о
 булиб, унда артистлар кийинишган. Сахнада худо Дионис шап_я_и
 1^и^ш^г^я^5^у^р^б^о^н^л^и^к^э^х^р^о^м^и^т^у^р^г^а^н^п^а^с^т^д^а^ сахна олдида хор жой
 ўтирадиган^у^ ^ н ^ Г ^ д е б н о м о л г а н , С у н г Р а т о м о ш а б ^ и н л а р
 ^ ^ Д ^ ^ - ж о и л а ш г а и - Грек театри хашиш!

м^нпР^о^Т^е^а^р^л^а^р^и^2^0^_^2^5^м^и^н^г^г^а^ч^ а томошабини сиғдирган Шу
 Ж^а^л^г^а^н^ ^ Г^а^л^т^о^м^о^ж^а^л^а^р^н^и^н^г^у^з^и^г^а^х^о^с^а^л^о^д^а^д^е^х^н^и!
 Касибулган. Аеллар ролини фақат эркаклар ўйнаганлао Артист-
 ни ҳамма томошабинлар кўриши ва эшитиши учунуэтик^а^ш^г,
 кийи^г^я^ч^1^1^1^1^3^1^1^3^6^0^1^3^6^ Ўйнаган Дамма ^ & р л ^ П Ж
 нин о Л , х а р б и р р о л ^ у ч у н з л о х и д а н и т ^ 0 6 и й и л г а е . Н и к о б -
 нинг оғзидан товушни баланд килувчи рупор (карнайча) чикиб
 турган. Қадимги грек театрлари ажойиб акуст^а^га эга бўлган

.....!



•pp»-. *4<ар*

^•Ш:Ш?

, ■■■ .

Эпидаврдаги театр.


Ма-бодо сахнага бирор танга тушиб кетгудаи булса, унинг жарангй улкан театрнинг орқа қаторларига ҳам баралла эшитилган.

Қадимги Грецияда театр-томошалар қўнгил очиш эмас, балки муқаддас бурчни адо этиш ҳисобланган. Унда ҳар бир гражданинг иштирок этиши шарт бўлган. Перикл замонидан бошлаб, Лфина гражданиларига театрга бориш учун давлат хазинасидан махсус театр пули берганлар. Театр тарбия мактаби бўлиб, унда қўйиладиган пьесаларда ахлоқ, сиёсат ва идеологиянинг энг муҳим масалалари таҳлил этилган.

Театр-томошалар йилига катта байрам кунларида бир неча марта қўйилиб, қаторасига бир неча кун давом этгаи. Ҳар сафар уч трагедия ва уч комедия қўйилган. Демак, греклар эртадан-кечгача театр-томоша қилганлар.

4. Адабиёт. Қулдорлик демократияси ривожланиши билан, айникса Афинада, адабиётнинг оммавий тури бўлмиш драматик томошалар тараққий қилади. Бу драматик томошалар эса оммавий халқ байрамлари асосида трагедиялар ва комедиялар шаклида пайдо бўлади.

Бутун қадимги грек маданияти сингари, трагедия ҳам мифология асосида пайдо бўлган. Лекин биз шуни назарда тутмоғимиз лозимки, «антик мифология ҳаракатсиз, бамисоли қотиб қолган манзарадан иборат эмасдир; бу мифология унинг қарор



Қурбонлик келтириш. Дионис театридаги тасвир. Афина.

топишида, ишлаб чиқарувчи кучлар таракқиётини акс этирунчи доимий ҳаракатида олиб қаралмоғи лозим»¹. Классика даврид! мифология полис идеологиясини тарқатувчи ва ифодалончи бўлиб қолади. Шоирлар ўз трагедияларига ўша замондаги грек жамиятини тўлкинлантирган ғояларни жо қилар эдилар. Бу ҳол қадимги Грецияда трагедияларнинг ғоят катта шухрат таратп шига сабаб бўлди ва уларни ўша даврнинг жонли ва ёрқин ҳуж жатига айлантирди.

Эрамиздан аввалги VI—V асрларда Афинада энг атокли грек шоирлари я.шаб, ижод этганлар. Улар фақат грек классиклари эмас, балки жаҳон адабиётининг ҳам классикларидирлар. Улар дан каттаси Эсхил (эрамиздан аввалги 525—456 йиллар) бўлиб, уни Энгельс ҳаққоний суратда «трагедиянинг отаси» деб атаган эди². Эсхил тиранияга қарши кураш ва қулдорлик демократия-сининг раванқ топиши даврида яшаган эди ва Греция-Эрон урушларида иштирок қилган эди. Эсхил трагедиялари ўз образ-ларининг улуғвор куч ва озодлик ғоялари жиҳатидан ажойиб асарлардир. Эсхилнинг энг машҳур трагедияси «Занжирбанд Прометей» дир. Трагедияга паҳловон Прометейнинг одамларга олов олиб бориб бергани учун тортган азоб-укубати хаҳидаги аф-сона асос қилиб олинган. Прометей Зевснинг мустабид ҳокимия-тига қарши чиқади. Трагедияда эрамиздан аввалги VI асрнинг охирларида Афинада ағдариб ташланган тиранияга қарши но-розилик акс эттирилган.

Прометей образи К. Маркснинг севимли образи эди. Уни Маркс философия тарихида, хақиқат йўлида азоб чекканлардан бири, деб атаган эди.

Эсхил мифология мавзуларида ёзилган трагедиялардан таш-қари, «Форслар» деган ажойиб ватанпарварлик трагедиясини ёз-ди. Бу трагедияда Греция-Эрон урушларида грекларнинг ғалаба-си ва Эроннинг мағлубияти тасвирланади. Бу трагедияда Эсхил ўзи ҳам иштирок этган Саламин жанги тасвирланган.

Афинанинг раванқ топиш давридаги иккинчи ажойиб трагик шоир Софокл эди (эрамиздан аввалги 496—406 йиллар). Эсхил сингари, Софокл ҳам кўп трагедиялар ёзган бўлиб, улардан фа-кат еттитаси бизга етиб келган.*.

Софокл инсоннинг ижодий меҳнатини мадҳ этади. Лекин шу билан бирга Софокл инсон ҳаётини бўғувчи тақдир идеясига ҳам мурожаат қилади. Инсон нимаики қилса, ҳаммаси кўр-кўрона тақдирга боғлиқ. Ахир, грек мифологиясига кўра, тақдир ило-ҳалари бўлмиш уч ожаза Мойра ҳар бир кишининг ҳаёт ришта-сини тўқишади-ку.

Софоклнинг энг зўр трагедияси «Шоҳ Эдип» дир. Бу траге-дияда инсоннинг тақдир олдида ожизлиги ғояси, айникса яққол

¹ А. Ф. Лосев. Античная мифология в её историческом развитии. М., 1957, стр. 84.

² Қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 36, стр. 333.

ўрсатилган ва айна вақтда Эдипнинг олижаноб образида тақирга қарши норозилик гавдалантирилган. Шох Эдип бутун умри уйи у туғилган чоқда маъбудлар айтган дахшатли қароматнинг ўёбга чиқмаслигига интилади. Лекин унинг хохишидан ташқари, маъбудлар айтган қаромат рўёбга чиқа бошлайди. Кейин билсаки, у дахШатли жиноятчи экан, ўз отасини ўлдириб, ўз онасига уйланган экан.

Бу трагедиядан ташқари, Софокл яна бир қанча ажойиб трагедиялар ёзган. Улар орасида «Электра» трагедияси алоҳида ажралиб туради.

Грециянинг учинчи улуғ трагедик шоири Еврипиддир (эрамиздан аввалги 480—406 йиллар). У ёзган трагедиялар ҳис-туйғуларни анализ қилишга бағишланган бўлиб, бу ҳис-туйғулар инсоннинг бахтсизлигига ва ҳалокатига сабаб бўлади. Шуниси ғалатики, Еврипидда шум тақдир идеяси йўқдир. Унинг пьесаларида, Софоклдаги сингари, инсоннинг ҳаракатларини тақдир идора қилмайди, балки одамларнинг ўзлари ўз ҳаётларини яратадилар. Лекин уларнинг ҳис-туйғулари баъзан тақдирдан кўра кўпроқ машъум бўлиб қолади.; Унинг трагедияларидан «Медея» айниқса машҳурдир. Бу трагедия аламзада аёлнинг азоб-уқубатига ва интиқомига бағишланган.

«Ифегения Авлидада» трагедиясининг қаҳрамони Ифегения грекларнинг Троя урушида ғалаба қозониши учун ўз жонини қурбон қилади ва ихтиёрий равишда ўлимига рози бўлади. «Ипполит» трагедиясида Ипполитнинг ўғай онаси Федранинг азоб-уқубатлари тасвирланади. Федра Ипполитни ўлгудек еевади. Угай ўғлини ўзи билан жиноятқорона алоқа қилдиришга қўндиролмагач, ахири, ўч олиш мақсадида Ипполитни ҳалок қилади.

Еврипид ўз трагедияларида эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида шахс манфаатлари билан полисинг энг эски традициялари ўртасидаги конфликтни акс эттирди.

Грек трагедияси ўз кучи, фавқулодда ифодалилиги, юксак ғоявийлиги ва образларнинг забардастлиги жиҳатидан драматургиянинг энг яхши намуналаридан биридир.

Грек комедиясининг классиги Аристофандир (эрамиздан аввалги 450—388 йиллар). Унинг комедияларининг мазмуни ўша замондаги грек ҳаётининг, ҳақиқий энциклопедиясидир.

Аристофан комедияларидаги воқеалар Пелопоннес уруши даврида ва тинчлик даврида юз беради. Аристофан уруш ҳаракатларидан айниқса кўп азоб чеккан қиндлоқ аҳолисининг манфаатларини акс эттирган, шу сабабли у ўзининг бир қанча комедияларида жон-жаҳди билан урушга қарши чиққан. У тинчлик тарафдори эди. Шаҳар демоси уруш олиб бориш тарафдори бўлганлиги сабабли, Аристофан уни қаттиқ танқид қилади ва, ундан кулади. Унинг комедияларида машҳур сиёсий арбоблар ҳам, саркардалар ҳам, хунарамандлар ҳам, дехқонлар, ҳам, қуллар ҳам кўринади. Уша замонда Аристофан тўхталиб ўтмаган бирон хо-

диса бўлмаса керак. Унинг «Тинчлик», «Аёллар халқ йиғинид!» ва бошқа комедиялари айниқса ажралиб туради. АристофЦ шаҳар демосининг заифлигини ва турли сиёсий партияларнги курашини «Суворийлар» деган машҳур комедиясида тасвирл.1 ган. Бу комедияда демократия йўлбошчиси Клеон масҳара км либ кулинади.

Анъанавий қарашларнинг тарафдори бўлган Аристофан софи стларнинг ва Сократнинг назарияларига қарши чикади. Чуикп уларни эски тиргақларнинг тагига болта урган кишилар деб хп-соблайди. Бинобарин, «Булутлар» комедияси уларга қарши кара тилган эди. «Курбақалар» комедиясида Аристофан Еврипидни масҳара қилиб кулган эди. Аристофан комедиялари кескин сиё-сий мазмунга эга бўлиб, кўпинча сиёсий памфлетлар тарзида ёрқин халқ тили билан ёзилган эди.

5. Архитектура, ҳайкалтарошлик, рассомлик. Қадимги грек архитектураси ва умуман тасвирий санъати, қадимги грек мада-ниятининг бошқа элементлари сингари, ундан кейинги замонлар-нинг бадий тараккиётига ажралмас қисм бўлиб маҳкам кириб олди. Уларнинг элементлари ҳозирги вақтда ҳам яшамоқда.

Классик даврда Грецияда ибодатхоналар, театрлар, мажлис бинолари — булеветериялар етакчи архитектура иншоотлари эди. Эрамиздан аввалги V асрда шаҳарларни планлаштириш пайдо бўлади. Лекин ибодатхона ҳамон асосий архитектура иншооти бўлиб қола беради.

Грек меъморлари бинонинг кўтарувчи ва кўтарилиувчи қисм-ларининг мувофиқ келишининг қаттиқ тартибини ишлаб чиққан-лар. Бу тартиб ибодатхона биноларида айниқса яққол кўрсатил-ган. Бу тартибни ёки ордерни архаик даврдаёқ кўриш мумкин. Дастлабки вақтларда ибодатхоналар ёғочдан ясалган. Улар тўғ-ри бурчак шаклида бўлган. Том маълум М/асофада устунлар устида ўрнатилган. Кейинчалик ибодатхоналар тошдан ясалади-ган бўлган. Ёғоч устунлар ўрнини тош^устунлар эгаллаган. ЁМ-ғир сувлари оқиб тушадиган вертикал тарновлар — каннелюрлар илгари қандай ёғоч устунга ўйилган бўлса, энди худди ўша тарзда тош устунга ўйилган. Каннелюрлар тикка қаторлашиб кет-ган тош устунларни яққол намоиш қилганлар.

Энг эрта пайдо бўлан ордер ёки услуб дорий услуби эди. До-рийча услубда қурилган бинолар жуда оддий бўлган. Дорийча устунлар тошдан ясалган маҳсус тагкурси устига эмас, балки тўғридан-тўғри полда ўрнатилган. Устунларнинг тепа қисми, яъни капители жуда содда бўлиб, четдан қараганда трапеция шаклида кўринган. Дорийча тош устунларнинг ўзи йўғон ва ба-кувват бўлган.

Эрамиздан аввалги V асрда бошқа бир услуб — ионийча ус-луб расм бўлади. Бу услубда қурилган бинолар дорийча услуб-дагига нисбатан ихчамроқ, устунлари ингичкароқ ва келишган-роқ бўлган. Устунлар энди пол устига қўйилмасдан, балки тош тагкурси — база устига қўйилган, устунларнинг қоши — капи-

•рли энди икки гажакли нақшлар — волютлар билан безатилган. Цшшйча услубда курилган бинолар дорийча услубдагига ка-ИГаида мураккаброқ нақшлар билан безатилган.

Эрамиздан аввалги IV асрда коринфча уелуб расм бўла бош-•йган. Унинг ионийча услубдан фарқи шуки, унинг устунлари учунроқ (ордерга мутаносиб равишда), тагкурсиси ва қоши анча мураккаб бўлиб, аканф ўсимлиги япроқлари билан безатилган.

Бизнинг замонамизгача Афина акрополида сақланиб қолган Пәрфенон ва Эрехтейон ибодатхоналари грек архитектурасининг •пї машхур намуналаридир.

Ажойиб Пәрфенон ибодатхонаси маъбуда Афинага бағишлан-ган. Ҳозирга қадар ҳам у жаҳон архитектурасининг дурдонаси ,улсобланади. Пәрфеноннинг устунлари дорийча услубда бўлса-да, лекин бутун бинонинг тарз-таровати ионийча услубдир. Пәрфенон қаршисида турган Эрехтейон ҳам грек архитектураси-йинг машхур ёдгорлигидир. Бу бино соф ионийча услубда курил-ган. Унинг устунлари ниҳоятда келишган ва нафисдир. Кариати-далар деб аталмиш қиз ҳайкаллари ҳам ажойибдир, улар устунлар ўрнида ибодатхона девори олдидаги кичкина пешай-воннинг томини сақлаб туришади.

Эрамиздан аввалги IV асрда қадимги Афина марказида афи-иалик граждон Лисикратга қўйилган ёдгорлик ҳайкалини ҳам ко-ринфча услубнинг намунаси ҳисоблаш мумкин. У ҳам бизнинг за-монамизгача сақланиб қолган. •

Грек ҳайкалтарошлиги дастлабки вақтларда, эрамиздан ав-валги VII асрда, ҳадимги Шарк ҳайкалтарошлигидан анча орқа-да қолган бўлиб, жуда примитив шаклда эди. Эрамиздан аввалги VI асрда Грецияда одамнинг фигурасини ва юзини ҳайкал шак-лида тасвирлаш такомиллашади-ю, лекин фигуралар ҳаракатсиз бўлади. Фақат эрамиздан аввалги V асрдан эътиборан грек ҳай-калтарошлигининг равнақи бошланади. Ҳайкалтарошлик энди одамнинг фигураси ва юзини, тўғри тасвирлабгина қолмасдан, ҳаракатни ҳам акс эттирадиган бўлади. Эрамиздан аввалги V асрда Мирон, Поликлет ва Фидий айниқса машхур ҳайкалта-рошлар эдилар.

Мирон дискоболни ҳайкалтарошлик санъати билан тасвир-лаш авторидир. Ҳайкалтарош ҳаракатни шу қадар жонли тасвир-лаганки, бамисоли томошабин ёш йигитнинг тез бурилиб дискни иргитаётганини кўргандек бўлади. Мироннинг «Афина билан Марсий» деган ҳайкаллар группасида ҳам ҳар иккала фигура худди ҳаракат қилаётгандек ҳис этилади. Марсий иккинчи дара-жали ўрмон маъбуди бўлиб, у маъбуда Афинанинг жаҳлини чи-қарган. Ҳайкаллар группаси ана шу манзарани тасвирлаб кўрса-тади.

Аргос ҳайкалтароши Поликлет асосан гўзал ёш ўсмирларни— идеал граждонларни тасвирлаган. Унинг «Найзабардор» ва «Диодумен» (ёш ўсмир бошнга бойланган" бинтни тўғрилаб тур-ган бўлади) ҳайкаллари айниқса машхурдир. Мусобақада ғолиб

чикқан ёш йигитчаларни тасвирловчи бу иккала хайкал ғоят *Нй* фис ва қувват ифодасидир.

Поликлет санъатда фақат амалиётчи эмас, балки назариётчи ҳам эди. У греклар эрамиздан аввалги V асрда тасаввур қилган идеал одам гавдасини ясаш қонун-қоидаларини яратган эди.

Периклнинг дўстларидан бири энг йирик грек хайкалтароши Фидий эди. Унинг асарлари гўзал ва улуғвордир. Унинг Парфенонда турган, олтин, ёғоч ва фил суягидан ясалган маъбуда Афина хайкали энг машхурдир. Бу хайкалнинг баландлиғи 12,5 метр. Олимпияда Фидий Зевс Олимпийнинг тахтда ўтирган вазиятдаги хайкалини ясаган. Бу хайкал ҳам ғоят улкан бўлиб, ўша усулда ясалган. Бундан ташқари, Фидий асарлари билан Парфенон безатилган.

Акрополнинг ўртасида Афина Промахоснинг (яъни олдинда туриб жангқилаётган Афинанинг) хайкали турарди. Бу маъбуда бошида дубулға, қўлида баланд кўтарилган найза. Найзанинг ўткир учидаги зарҳал яраклаб турарди. Хайкал баланд такурси устига қўйилган. Пирейдан бир неча километр нарида денгизда кемаларда сузиб бораётган кишилар бу найзани баралла кўрардилар. Фидий маъбудлар ва маъбудаларни тасвирлар экан, уларнинг баркамоллигини ва ҳашаматини бўрттириб кўрсатарди.

Бутениал хайкалтарошларнинг асарларидан ташқари, номлари номаълум бўлган бошқа кўп асарлар ҳам бор. 15-16 ёшда бўлиб, олимпия ўйинларида ғолиб чикқан югурувчи кизнинг хайкали айникса чиройли.

Эрамиздан аввалги IV асрда қадимги грек хайкалтарошлигининг характери ўзгарган. Бу нарса янги ижтимоий шароитлар, полиснинг кризисга учраши, аҳоли ўртасида мулкый табақаланишнинг янада кучайиши, ўша даврнинг алғов-далғов воқеалари билан боғлиқ эди.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг улуғ хайкалтароши Пракситель бўлиб, у асосан маъбудлар ва маъбудаларни чиройли, латофатли йигитлар ва ёш жувонлар шаклида тасвирлаган. Унинг гўдак Дионис билан ўйнаб турган ёш маъбуд «Гермес» асари айникса донг таратган. Унинг Книдлик Афродита хайкали ҳам машхурдир. Фидийнинг улуғвор маъбудларидан фаркли ўларок, Пракситель яратган маъбудлар бепарво нозик бўлиб, улар гарчи қалбларни ларзага солмасалар-да, ҳозирга қадар ҳам санъат муҳлисларини хайратда қолдириб келмоқда. Эрамиздан аввалги IV асрда қадар хайкалтарошлар аёлларни фақат кийим билан тасвирлаган бўлсалар, Пракситель биринчи марта маъбуда Афродитани яланғоч ҳолда акс эттирди. Праксителнинг ижоди, бир томондан бойларнинг, яъни аҳолининг ўзига тўқ табақаларининг идеологиясини акс эттирган бўлса, иккинчи томондан полис динининг анъанавий қарашларига путур еткази бошлаган эди.

Эрамиздан аввалги V асрда яшаган Скопас грек хайкалтарошлигида алоҳида ўрин тутади. У одамларнинг жисмоний ва

рухий азобларини тасвирлаган. Унинг жон ҳолатда югуриб кетаётган Менада хайкали ҳамда Тегейдаги фронтон группасига оид нрадоржангчиларнинг маъюсбошлари машҳурдир. Афсуски, бу хайкаллар яхши сақланмаган. Скопаснинг хайкаллари кенг оманинг оғир ахволини, эрамиздан аввалги IV асрда грек кулдорлик полисларининг кризиси вақтида азоб-укубатларга, уруш-талашларга тўлган оғир ахволни акс эттирган.

Классик давр билан эллинистик давр чегарасида, эрамиздан аввалги IV асрнинг ўртаси ва охирида яшаб ижод қилган машҳур хайкалтарош Лисипп эди. У жисмоний ва иродаси кучли кишиларни тасвирлаган. Унинг «Геракл»и ва ўз баданини қашлағич оилан тозаловчи «Апоксиомен»и ана шундай паҳлавон кишилардир. Лисипп яхши портретист бўлган, у Александр Македонский хайкалининг авторидир.

Лисипп Александр Македонский даврини ва унинг истилоларини акс эттирган. Поликлет сингари, у ҳам санъат назариётчиси бўлган. Поликлет эрамиздан аввалги V асрда чорпахил кишиларнинг тасвири учун расм қилган конун-қоидалар эрамиздан аввалги IV асрдаги грекларни каноатлантirmay қўйган. Лисипп ўз паҳлавонларини (атлетларини) қадди-қомати баландроқ ва Праксителдан фарқли ўлароқ, серғайрат ва серҳаракат тарзда тасвирлаган.

Полисларнинг тангликка учраши ва индивидуализмнинг ривожланиши хайкалтарошлик портретида ўз аксини топган. Эрамиздан аввалги V асрда полис граждaнларининг портретлари аслига монандлигига ҳали унчалик аҳамият бермаганлар. Бу ҳолни эрамиздан аввалги V асрнинг биринчи ярмидан сақланиб қолган хайкалтарошлик портретларида айниқса яққол кўриш мумкин. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшашдир. Бироқ эрамиздан аввалги IV асрда хайкалтарошлар ўз қаҳрамонлари ва буюртмачиларининг индивидуал белгиларини акс эттиришга ҳаракат қила бошлаганлар.

Қадимги Грецияда рассомлик кенг тарқалган, лекин афсуски, бизнинг замонамизгача унинг намуналари деярли сақланиб қолмаган. Грек рассомларининг фреска ва мозаикалари учун одатда мифологиянинг айрим манзаралари сюжет бўлган, лекин замон воқеаларини ва грекларнинг турмушини акс эттирувчи картиналар ҳам бўлган. Италиянинг жанубидава СССРнинг жанубида археологлар томонидан топилган сағаналардаги фрескалар, бизгача қўплаб етиб келган қизил фигурали ва қора фигурали гулдор вазалар монументал ва станокли грек рассомлиги ҳақида ҳозирги вақтда бизга тасаввур беради. Эртaroқ даврда пиширилган гилватанинг қизғишроқ табиий фонидаги қора фигурали вазалар сюжетларни қора фигураларда акс эттирганлар. Бирмунча кейинроқ қизил фигурали вазалар ясай бошлаганлар ва улардаги қора фонни пиширилган гилватанинг табиий рангидаги очик пушти фигуралар ўраб турган. Вазаларга нақш солувчи рассомлар шу тарика сюжетни батафсилроқ акс эттира

1?*: V;! 1 1 H 1
) *%...; ^к uй M1 1H1 Ш \$Я Ш
 A " ^ \$ Ш II | / | II ШШШ




Афондаги Афииа, ибодатхонаси. Дорийча услуб.

олганлар. Кейинроқ даврга оид айрим фреска-мозаикалар мақбараларда сақланиб қолган. Яқиндагина Италиянинг жанубида грек мақбараларида классик даврга оид фрескалар топилгая.

Дин грек классик маданиятининг муҳим таркибий қисми бўлган. Дин архитектураининг, тасвирий санъатнинг, адабиётнинг ажойиб ёдгорликларида ҳам ўз аксини топган. Қадимги грек динининг асосий формалари архаик даврдаёқ таркиб топган, унинг илдизлари эса энг қадимги крит-микена даврига ва қадимги шарқ таъсирларига бориб тақалади.

Қабилалараро ва полислараро алоқаларшга, кенгайиши натижасида греклар ўз кўшнилариининг маъбудлари билан ва йироқ жойларнинг маъбудлари билан танишганлар. Кўпинча маъбудлар бир хилдаги вазифаларни бажарганлар, лекин уларнинг номлари ҳар хил бўлган ва аксинча. Асрлар ўтиб бориши билан маъбудлар ўзларининг эски хусусиятларини йўқотганлар ва янги хусусиятларга эга бўлганлар ёки янги вазифалар эски вазифалар билан қўшилиб юра берган. Ибтидоий жамоадан" синфий жамиятга ўтиш даврида маъбудлар ҳақидаги тасаввурлар, айниқса кўп ўзгариб кетган. Ана шуларшга ҳаммаси эрамиздан аввалги VIII—VII асрларнинг чегарасидаёқ кўпдан-кўп маҳаллий ва озми-кўпми умумгрек маъбудларини текшириб чиқиб, уларни тартибга солишга эҳтиёж туғдирган. Диний мифология Гесиод томонидан тартибга солинган шаклидан то антик даврнинг охиригача грекларнинг тасаввурларида асосан мавжуд бўлиб келган. Греклар учинчи авлодга оид бош маъбудаларни



ЯНяви *m#Шm" m*

яш& РЯИ
ТдМИ!

Ш1«
1111

Саламин (Кипр ороли) шаҳаридаги гимнасиум. Коринфча услуб.

*m*В5.ШЭШЖЖЭ":Г1Ш
; ич-«»Т *•:—, ...•л/да-Ку»*

У ^ в ^ м ^ ^ ^ а ш

| ^ : 3 || 11Ш
ДК.-К"Р"••••: "••••••••••

::аШт::Г-31ш 1ЯШ111Ш

Ж^Й?: в в Й в « : " Г : » | Г'Й! №«• < П
Ш'ШКЯиШШШШШ':МШЬШШО

^^Йяи*

Афинадаги Эрехтейон ибодатхонасининг кариатидалари.

Фессалия билан Македония чегарасида жойлашган бирдан - корли чўкки бўлмиш Олимп тоғида ўрнаштирганлар. Класч нк даврда эса сўз самовий Олимп устида борган.

Бир қанча маъбудлар ва маъбудаларнинг вазифалари кўпинча бир-бирини такрорлаган. Табиат қучлари ва кишилар фаолп тининг ҳамма турлари ўз хоМий-маъбудларига эга бўлганл.ф Масадан, маъбуд Гермес савдо-сотикни бошқарган, муттаҳлм ларнинг ҳамда хабарчилар ва сайёҳларнинг хомийси бўлган. Х | асосий белгилари жиҳатидан патриархат ва синфий жамиятга ўтиш даврида, уруғ аристократиясининг ҳукмронлиги даврида олимп дини бир қанча ибтидоий жамоа белгиларини еаклаб қолган. Зевс гўё патриархал маъбудлар уругининг бошлиғи бўлпол улар билан Олимпда кенгашиган, аммо қарорни якка ўзи қабул қилган. Қулдорлик жамияти пайдо бўлиб, ривожлана боришп билан маъбудлар синфий жамиятнинг ва давлатнинг хомийлари бўлиб қолганлар. Ҳар бир полисининг ўз химоячи маъбуди бўлган, гражднлар шу маъбуд ёки маъбуданинг давлат микёсида сиғиниш маросимини адо этишга мажбур бўлганлар. Афина полисининг хомийси маъбуд Афина бўлиб, Коринфнинг химоячиси Аполлон бўлган ва ҳ. к.

Грек динида тотемизм қолдиқлари бўлган, яъни ҳар бир маъбуд ёки маъбудага бирон ҳайвон ёки қуш аталган.

Асосий маъбудлардан ташқари, греклар яна кўпдан-кўп иккинчи даражалимаъбудларга: нимфаларга, кентаврларга топинганлар. Маъбудларнинг одди аеллар оилан алоқасидан туғилган ярим маъбудларни греклар қахрамонлар деб атаганлар. Қахрамонлар ўзлари туғилган полисларни химоя қилганлар, одамларнинг бахт-саодати учун бирор хил топшириқларни адо этганлар. Замон ўтиб бориши билан маъбудлар ҳақидаги тасаввурлар ўзгарган, эски диний эътиқодлар кейинги авлодларни қаноатлантирмай қўйган, эски дин тангликка учраган, маъбудларга янги муносабатлар пайдо бўлган, уларга янги мазмун берилган, одамларнинг тасаввурларида ўзгарган ижтимоий муносабатларга кўпроқ мувофиқ келадиган янги маъбудлар пайдо бўлган.

1,3

ШШШ

m
w

< **ШШШШ**

• **ШШ*ШШ:Ш**

• **4ШШШШШ**

***ШШШШ-ШШШШ**

ШШШШШШШШ

6-ШШШШШ

“Ш”
“Ш”

11111

ШШШШШШШШ

:ШШ*Ш

ШШШШШШШШ

/ШШШШШШШШШШ

ШШШШШШШШ

ЯМ§ШШ4

Гермесшшг боши. Хайкалтарош
Пракситель.

Полис дини эски диний тасаввурларининг ана шундай тангликка учраганлиги ҳақидд эрамиздан аввалги IV асрдан дараклар етиб келган. Бу дараклар ўша замоннинг адабиётида, санъатида ва фалсафий қарашларида ўз аксини топган.

XIV БОВ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ IV АСРДА ГРЕЦИЯ

Болкон, орол, Кичик Осиё Грециясининг кўп районларини хонавайрон қилган Пелопоннес урушини келтириб чиқарган социал-иктисодий тараққиёт уруш тамом бўлгандан кейин ҳам давом этган. Грек дунёсининг ички ишларига араллашиб, спарталикларга ёрдам бериб келган Эрон Спарта билан Афина ўртасида сулҳ тузилгандан кейин ҳам ўзининг аралашув сиёсатини давом эттирган.

Грециянинг янги гегемони Спарта грек дунёсида ўз раҳбарлик ролини амалга оширишда мағлубиятга учраган Афина эга бўлган даражада социал-иктисодий ва сиёсий тажрибага эга эмас эди. Эрамиздан аввалги IV асрнинг биринчи ярмидаги ички ва халқаро вазият эса эрамиздан аввалги V асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмидаги вазиятдан мураккаброқэди. Бу даврда грек ҳаётини белгилаб берувчи асосий факторлар кулдорлик товар хўжалигининг янада ўсишидан ва бу ўсишнинг натижаси сифатида илғор, иктисодий жихатдан тараққий қилган полисларда эркин аҳолининг табақаланишидан ҳамда Болкон Грециясининг жанубий, ғарбий ва шимолий қисмида илгари қолоқ бўлган районларда экономиканинг ривожланишидан иборат. Бу факторлар қадимги грек жамиятида синфий курашни кескинлаштирди ва товарлар сотишни қийинлаштирди. Заиф полис давлатлари эса бунинг устига тағин кулдорларни хонавайрон қилинган халқ оммасининг ғазабидан амин саклашга ожиз ҳам эдилар.

1. Манбалар. Грециянинг эрамиздан аввалги IV асрнинг биринчи ярмидаги тарихи тарихий манбаларда гарчи бир текисда бўлмаса-да, умуман қониқарли ақс эттирилган. Ҳатто Грециянинг Ксенофонт томонидан ёзилган умумий тарихи ҳам мавжуддир. Ксенофонт томонидан бошқа асарлар ҳам ёзилган бўлиб, бу асарларда ўша замондаги Греция ҳаётининг турли томонларини ойдинлаштирувчи бой материал тўпланган. Унинг маълумотларини эрамиздан аввалги IV асрда яшаган бошқа авторларнинг; Аристотель, Лисий ва қисман Демосфен асарлари ёрдамида тўлдириш ва анчагина даражада текшириб кўриш мумкин. Аристократ комедияларида ва бадий адабиётнинг бошқа асарларида ҳам қимматли материал бор.

Кўпчилиги бизга етиб келмаган асарлар асосида узоқ ўтмиш ҳақида асарлар ёзган кейинги авторлардан Диодор билан Плу-

тархни кўрсатиш мумкин. Обидалардаги ёзувлар ва танга-чаШлар ҳам бизнинг бу давр тўғрисидаги билимларимизни аниқлашга ёрдам беради.

2. Болкон Грецияси полисларининг социал-иқтисодий кризиси. Пелопоннес уруши эраמידан аввалги V асрдаёқ кўзга кўринадиган бошланган процессни тездаштириб, хунармандчиликни, савдо-сотикда ва денгизчиликда эксплуатация қилинаётган куллар сонини кўпайтирди. Пелопоннес урушидан кейин куллар меҳнатидан қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланиш кўпаяди. В ҳол хунармандларнинг, юк ташувчиларнинг, батракларнинг шу кабиларнинг аҳволига ҳалокатли таъсир этган. Улар лшш пен-пролетариатларга айланиб, онда-сонда учраб қоладиган ишдан оладиган ҳақ билан ҳамда кулдорлар давлатишиш кулларни эксплуатация қилишидан келадиган маблағлардап на мағлуб қилинган мамлакатлардан олинадиган хирождан бериД турадиган арзимас садақаси ҳисобига яшаганлар. Улар кулдорлик жамиятининг паразит элементлари орасида энг паст табақа эдилар. Ишлаб чиқариш меҳнатига, кулларнинг иши, деб нафратланиб қараш худди ана шу даврдакэнг расм бўлган. Бухол камбағалларнинг аҳволини янада кўпроқ ёмонлаштирган, чупки ҳалол меҳнат қилиб пул топиш йўлини излашга рағбатни сусайтирган.

Кўп деҳқонлар ва хунармандлар қатнашган уруш ҳаракатлари кўп йиллар давом этганлиги сабабли бир қанча ер участкалари қаровсиз, ташланди бўлиб қолган. Омади келган кулдорлар ана шу ер участкаларини босиб олган ёки арзон баҳода сотиб олганлар. Ерлар, куллар ва бошқа турдаги мол-мулклар қисман қайтадан тақсимланиб, озгина кишилар қўлида тўпланиб қолган. Лекин бу процессни бўрттириб кўрсатиш ярамайди. Грек полислари шароитида айниқса катта ер-мулкларнинг ёки устакхоналарнинг айрим шахслар қўлида мавжуд бўлиши мумкин эмас эди! Кўпинча савдо-судхўрлик капиталининг айрим қўлларда тўпланиши кўринади, шу билан бирга савдогарлар ва судхўрлар айни вақтда ерларни қўлга киритиб олишга ҳам интиланганлар. Бинобарин, ҳатто товар ишлаб чиқариш энг тараққий қилган даврларда ҳам кулдорлик жамиятининг натурал асоси ана шунда намён бўлган. Бой кулдор-плутократлар (яъни «ўз бойлиги билан кучлилар») айни бир вақтда ҳам судхўр, ҳам савдогар, ҳам ер эгаси бўлганлар.

Амалда ана шулар иқтисодий жиҳатдан тараққий қилган грек полисларининг ички ва ташқи сиёсатида таъсир кўрсатиб турганлар.

Утмишда классик кулдорлик полисининг таянчи ўрта ҳол гражданлар бўлиб, бу гражданлар, барҳам топган полисининг идеологи бўлмиш Аристотелнинг таъбирича, энг яхши давлат идора усулини—политияни ташкил этганлар. Урта ва майда кулдорлар полис халқ лашкарида ҳам хизмат қилганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрдаги демократик полислардаги халқ йиғинларида биз бутунлай бошқача манзарани кўрамыз. Сиртдан ҳеч қандай муҳим ўзгаришлар бўлмаган. Афинада ҳаттодемократик белгилар кучайган: сайлаб қўйиладиган кўплавозимларга давлат томонидан маош тўланган (граждандарга ҳатто халқ йиғинига бориш учун ҳам маош тўланган). Лекин сиртки демократлаштириш замирида граждандарнинг хонавайрон бўлиши ҳамда давлат лавозимларининг ва халқ йиғинида қатнашишнинг ярим қашшоқ граждандарнинг озгина бўлса-да, доимий даромад манбаига айланиши пинҳон бўлган, чунки ҳокимият тепасида турган плутократлар ва олигархлар бу ярим қашшоқ граждандарни ана шундай садақа бериш йўли билан боқиб турганлар. Халқ йиғини одатда бойларнинг хошишига қараб иш тутган. Лекин юракда тугилиб ётган қаҳр-ғазаб баъза сиртга отилиб чиққан, натижада камбағал граждандар халқ йиғинида йирик мулкдорларга бир йўла фавқулудда солиқ солиш, улардан биронтасини ёки бир нечтасини қисман ёки тўла экспроприация қилиш ҳақида қонун чиқартиришга муваффақ бўлганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрдаги полисларда эски шаҳар халқ лашкари ўз аҳамиятини йўқотган. Граждандарнинг ўрта табақаси барҳам еган, ваҳоланки халқ лашкарининг асосий кучлари ана шу табақадан иборат бўлган. Камбағалларнинг қурол-яроғ сотиб олиб халқ лашкари сафига боришга маблағи бўлмаган ва бунинг устига плутократларнинг манфаати учун жанг қилишга уларнинг истаги ҳам бўлмаган.

Эрамиздан аввалги V асрнинг охирилари — IV асрнинг бошларида Грецияда ёлланма аскарларнинг отрядлари тез фурсатда ҳарбий кучларнинг асосий тури бўлиб қолган. Ёлланма аскарлар илгари ҳам оз-моз бўлган, лекин эндиликда улар оммавий тус олган.

Қулдорлик жамиятининг ривожланиши шароитида камбағаллашиб қолган оммаучуноғир аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ёлланма аскарлар сафига киришдан иборат эди.

3. Ёлланма аскарлар сонининг ўсиши ва кейинги тираниялар.

Грецияда аскарга эҳтиёж ҳамиша катта эди, эрамиздан аввалги IV асрда эса урушлар тез-тез бўлиб турганлиги сабабли бу эҳтиёж яна ортди. Эрон шоҳлари ва Миср фиръавнлари, грек ёлланма аскарларни кўплаб ўзларига хизматга торта бошладилар. Ёлланувчилар мутахассис аскарлар бўлганлиги сабабли, уларнинг кўпайиши грекларнинг ҳарбий ишида ҳам янги даврни ташкил этарди. Грецияда тажрибали аскарларнинг маҳсус бозорлари пайдо бўлган, бу бозорларда ҳукумат ва аскарбошилар уларнинг қўшинларида хизмат қилишни истовчилар билан шарт-номалар тузганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрда ёлланма аскарлар ва уларнинг аскарбошилари грек полисларининг сиёсий ҳаётида катта роль ўйнай бошлаганлар. Ёлланма аскар отрядлари полисларда ҳукмрон олигархияларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлар эдилар, чун-

ки бу олигархиялар ўзларидаги камбағаллашиб қолган демо-
нинг норозилигини бостириш учун ҳарбий қучга муҳтож эди-
лар. Лекин баъзан шундай ҳоллар ҳам бўлардики, худди шу
аскарлар ўларни ёллаб келтирган ҳукуматни ағдариб ташлар ва
ўз аскарбошилари тирани деб эълон қилардилар.

Юқорида айтқб ўтилган эрамиздан аввалги VII—VI асрлар
даги «илк» тираниялардан фарқ қилиш учун илмий адабиётда/1
одатда «кейинги» ёки «кичик» тираниялар деб аталадиган ана
шу тираниялар, шундай қилиб, эрамиздан аввалги V асрнинг
охирлари — IV асрнинг бошларида қулдорлик жамиятининг та-
раққиёти шароитидан туғилган эди.

Манбаларнинг хабар қилишича, синфий ва сиёсий курашда
баъзан қуллар ҳам қатнашган. Аммо эрамиздан аввалги IV аср-
да Грецияда қулларнинг мустақил бош кўтариб чиқишлари ҳа-
қида манбаларда, Спартадаги илотлар кўзғолонлари тўғрисида-
ги маълумотларни истисно қилганда, деярли ҳеч қандай маълум-
отлар сақланиб қолмаган. Ёлланма аскарлар ҳокимияти одат-
да қисқа муддатли бўларди, чунки бу кишилар аслида синфий
қиёфасини йўқотган элементлар бўлиб, уларда ҳарбий касб за-
минида уюшмачилик белгилари таркибтопа бошлаган эди. Улар
камбағаллашиб қолган демоснинг бевосита манфаатларидан
қисман ажралган бўлиб, кимнинг ҳисобидан бўлишидан қатъ
назар, фақат бойиш мақсадини кўзлардилар. Ёлланма аскар-
ларнинг суиистеъмоллари натижасида уларэзаётгантиахарликг
лар кўзғолонлар кўтаришар ва тиранларни қувиб юборарди-
лар. «Тирания» («истибдод») сўзининг салбий маъноси худди
эрамиздан аввалги IV асрда пайдо бўлади.

4. Грек полисларининг социал-сиёсий кризиси. Қуллар бажар-
радиган хунармандчилик иши кўп маблағ сарфлашни талаб
қилмаган ва умуман қадимги дунё хўжалигининг унчалик кў
бўлмаган эҳтиёжи ва истеъмолчилик характери билан чеклан-
ган. Бойларнинг бўш маблағлари зеб-зийнатга сарфланган, бу
эса социал тенгсизлики янада яққолроқ намоён қилар ва бой-
лар билан камбағаллар ўртасидаги антагонизмни кучайтирган.
Жамғарилган бойликларнинг бйр қисми хазина-дафинага ай-
лантирилиб, ўғирлаш ва мусодара қилинишдан эҳтиёт чораси
сифатида ерга кўмилган.

Ички полис бозори хаамиша чекланган эди, бунинг натижаси-
да эрамиздан аввалги V асрдаёқ полисларнинг союзларга бир-
лашуви юзага келади. Эрамиздан аввалги IV асрда ички бозор
яна кўпроқ тораяди. Эркин аҳоли кенг қатламларининг хонавай-
рон бўлиши уларнинг харид қобилиятини пасайтиради. Қуллар
кўпиича ҳеч нима сотиб олмаганлар. Бой ер эгалари ўз қуллари
ишлаган буюмлардан фойдаланиб, маҳаллий товарларни сотиб
олмаганлар. Грециянинг қолган районлари қулчилик таракқиё-
тига қадам қўйган эди, бинобарин, Афина, Коринф ва бошқа
савдо хунармандчилик марказларида ишлаб чиқарилган товар-
ларни кам сотиб олганлар. Усиб кетган қуллик хунармандчили-

ги эса ишлаб чиқарилган буюмларни сотишга мухтож бўлган. Полисларнинг тор чегаралари қуддорлик жамиятининг иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишини қийинлаштирган. Қуддорлик жамиятининг анча илк босқичида кескинлашган синфий кураш шароитида пайдо бўлган полислар қуддорларнинг манфаатларини ва мол-мулкларини яхши ҳимоя қилмаганлар. Полислар етарли даражада кучли бўлмаган. Социал кризис устига полис давлат устқурмасининг сиёсий кризиси келиб қўшилди.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг биринчи ярмида умумгрек шароити ана шундан иборат бўлиб, бу шароитни шахар-давлат (полис) доирасидаги грек қуддорлик жамиятининг социал ва сиёсий кризиси деб тавсифлаш мумкин. Бу яхлит ҳолдаги қуддорлик системасининг кризиси эмас эди. Бу кризис кўпроқ тараккий қилган классик полисларда пайдо бўлди ва қуддорлик ҳўжалиги тараккийнинг натижаси сифатида Грециянинг кўп қисмида ёйилди.

5. Кризисни бартараф қилиш йўллари кидириш. Сиёсий арбоблар, файласуфлар ва грек қуддорларининг бошқа идеологлари классик полисларнинг грек қуддорлик жамияти тушиб қолган социал ва сиёсий мушкулотдан қутулиш йўлини излаш билан банд бўлганлар. Улар орасида реалроқ позицияни тутган киши Исократ бўлган. Тантанали нутқ формасида ёзилган «Панегирика» сиёсий трактатида Исократ грекларни Кичик Осиёни истило қилиш, талаш ва шу тариқа ўз ишларини тўғрилаб олиш учун бирлашишга даъват этган. Грекларнинг ўзқучлари билан бирлашиш имкони бўлмагач, Исократ грек полисларини Филипп Македонскийга бўйсундириш тарафдори бўлади ва унинг раҳбарлиги остида Кичик Осиёни забт этиш фикрини илгари суради/Исократ грек аҳолисининг бой табақалариманфаатини акс эттирган. Бундан қўзланган мақсад жўн эди. Эрамиздан аввалги V асрнинг охиридаги воқеалар Эрон истибдоди жуда заифлашиб қолганлигини грекларга яққол кўрсатган эди, шунинг учун унинг ғарбий қисмида жойлашган Кичик Осиё истило қилиш учун қулай ёўлиб қолган эди.

6. Спарта гегемонияси ва спартанинги ички аҳволи. Эрон ёрдами билан Афина мағлуб қилингач Спарта Грецияга яна гегемон бўлиб олган. Аскарбошилар — гармоствлар — бошчилигида Спарта ҳарбий отрядлари афиналиклар ҳокимиятидан расмий равишда «озод қилинган», грек полисларида жойлаштирилган ва улар шахарларни талашга киришганлар. Гарчи Спарта Пелопоннес уруши жараёнида ўз аҳолисини ташқи таъсирлардан ажратиб сақлаш сиёсатида барҳам берган бўлса-да, лекин социал-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қолоқ бўлган Спарта эрамиздан аввалги IV асрнинг бошларида Грециянинг гегемони бўлиш қабл ўз олдида турган мураккаб вазифаларни удалай олмаган. Спарта Греция устидан ҳақиқий назорат ўрнатишга муваффақ бўлолмаган. Аксинча, сунъий яққаланишдан узил-кесил қутулиб чиққан Спарта жамияти Грециянинг иқтисодий ва сиёсий жиҳат-

дан ривожланган районларининг кучли таъсирига олинган. ; »Миздан аввалги V ва IV асрлар чегарасида кучайиб кетган мулк кий табақаланиш Спарта қонунчилигида ҳам ўз ифодасишг..... ган. Спарта тарихида биринчи марта ўлароқ спарталиқлар..... ер участкаларини васият қилиб қолдириш ва инъом қилиш тўрри сотиши эфор Эпитадей қонунига биноан амалда ер участкаларшш сотиш ва сотиб олишга рухсат этилган. Спарталиқлар ўртасид| кўп микдорда қумуш ва хатто олтин пуллар тарқала бошлаган

Пелопоннес иттифоқида хамиша кескин бўлган синфий қу> раш Спартада ниҳоятда шиддатли тусга кирган. Эрамиздан аввалги 399 йилда эфорлар фитнани қош қилганлар. Бу фитиада Спарта «тенглар жамоаси» ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва спарта тузумини*қайта қуриш мақсадида бирлашган илотлар, периэқлар ва гипомейонлар — «таназзуллашган», яъни камбағаллашган спарталиқлар қатнашганлар. Фитнага серғайрат ва аҳоли ўртасида обрўси баландёшгипомейон Кинадон раҳбарлик қилган. Фитначиларни бир хоин тутиб берган ва спарталиқлар уларни ваҳшийларча жазолаганлар.

Пелопоннесда асрлардан бери сақланиб келган архаик муносабатларнинг тез емирилаётганлиги муносабати билан умумий хонавайронлик айниқса жуда ёмон тус олган. Кўп пелопоннесликлар ватанни тарк этиб, ёлланма аскар бўлиб қолганлар. Тенар бурунида (Пелопоннеснинг жанубида) ёлланувчиларнинг энг катта бозорларидан бирипайдо бўлган. Бу бозорлар умумгрек ва маълум даражада халқаро аҳамиятга эга бўлган.

7. Шахзода Кир ёллаган 10 минг грекнинг юриши. Шу вақтга яқин Эронда шох Доро II ўлган ва Доро II нинг ворислари бўлмиш Артаксеркс II билан унинг укаси, Кичик Осиёнинг сатрапи Кир ўртасида тахт учун қураш. бошланган.

Кир Византиядаги Спарта гармони Клеархга муурожаат қилиб, унга грек аскарлари отрядини ёллаб беришни таклиф этган. Клеарх асосан пелопоннесликлардан иборат 10 мингдан ошиқ аскар ёллаган.

Эрамиздан аввалги 401 йилда Кунакс қишлоғи ёнида (Вавилондан бир неча километрлик масофада) бўлган жангда греклар ғалаба қозонганлар. Лекин жангда Кир ўлган ва ғолиб грек ёлланма аскарлари бошлиқсиз қолганлар. Шундан кейин улар ўзлари яқинда тор-мор қилган Эрон аскарбошисига хизматга кирмоқчи бўлганлар. Эрон лашкарбошиси музокара вақтида грек командирларини ўлдиришни буюрган ва шундай қилиб ўзи учун хавфли бўлган бутун отрядни осонлик билан қириб ташламоқч/1 бўлган. Бироқ ёлланма аскарлар бўш келмаганлар. Улар янги командирлар сайлаганлар. Бу командирлар орасида бўлажак ёзувчи ва тарихчи Қсенофонт ҳам бўлган. Қсенофонт кейинчалик «Анабасис» деган махсус асарида бу юришни тасвирлаган. Душманлар билан жангларда сийраклашиб қолган грек ёлланма аскарлар отряди Артаксеркснинг уни йўқ қилишга ҳаракат қилишига қарамай, эрамиздан аввалги 400 йилда Грецияга қайтган.

10 минг грекнинг чекиниши эрамиздан аввалги IV асрнинг бошларига келганда Эрон нечоғли заифлашиб қолганлигини кўрсатарди. Клеарх Спарта гармости бўлганлиги, Кирнинг ёллайма аскарлар отрядида эса кўп пелопоннесликлар хизматқилганлиги сабабли, Эрон билан Спарта ўртасидаги муносабатлар Г>узилиди. Аммо 10 минг грекнинг чекиниши ўз ахамияти жиҳатидан Эрон-Спарта муносабатлари доирасидан чиқиб кетди. Грек кулдорларининг агрессив доиралари Эроннинг заифлиги тўғрисида тегишли хулоса чиқариб олдилар.

8. 10 минг грек чекинишидан кейин Эрон-Спарта муносабатлари. Коринф уруши. Анталкид сулҳи. Кир халок бўлгандан кейин Кичик Осиёга сатрап қилиниб Тиссаферн тайинланган эди. Тиссаферн Кичик Осиёдаги грек шаҳарларини Эронга умрбод қўшиб олишга интиланлиги сабабли у билан Спарта ўртасида низо, чиққан. Гарчи Пелопоннес уруши вақтида Спарта Эрон билан шартнома тузиб, унинг Кичик Осиё устидан ҳокимлигини тан олган бўлса-да, лекин энди Грецияга гегемон бўлиб олган, Спарта ўз ваъдасини бузишга уринган. Бунинг натижасида Спарта билан Эрон орасида уруш чиқиб, бу уруш эрамиздан аввалги 399 йилдан 394 йилгача давом этган.

Ҳар иккала томондан сусткашлик билан олиб борилган урушнинг сўнгги йилларида подшо Агесилай Спарта қўшинларига қўмондон қилиб тайинланган ва у Сарда ёнидаги жангда эронликларотрядини мағлубиятга учратган. Лекин Эрон дипломатияси Спарта устидан қатъийроқ ғалабага эришган. Форслар Спартанинг гегемониясидан айниқса норози бўлган Фива, Афина, Коринф ва Аргосни пул билан таъминлаганлар.

Бақувват қралиция ташкилотиб, бу • коалиция эрамиздан аввалги 395 йилда Спартага қарши уруш ҳаракатлари бошлаган. Иттифоқчиларнинг қўшинлари Истмада ўрнашиб олган. Агесилай Осиёда урушни тўхатиб, қурукликдаги йўл билан Пелопоннесда Спартага ёрдамга боришга, мажбур бўлган, чунки Эгей денгизини Эрон харбий-денгиз флоти назорат қилган ва бу флотнинг қўмондони эронликларга хизматга кирган Афина стратеги Конон бўлган. Конон Кичик Осиё соҳили яқинидаги Книда енида бўлган жангда Спарта флотини тор-мор қилган. Эроннинг молиявий ёрдамидан маҳрум бўлган спарталиклар халок бўлган флот ўрнига янгисини қурулмаст эдилар. Конон эса Афинага келган. У Пелопоннес урушидан кейин спарталиклар бузиб ташлаган Афина узун деворларини ҳамда Афина ва Пирейнинг бошқа истехкомларини қайта тиклаш учун Эрондан 50 талант қарз олиб келган. Деворлар ва истехкомлар қайта тикланган. Спартага қарши коалициянинг асосий уруш ҳаракатлари Коринф яқинидаги Истмада борганлиги ва Коринфнинг ўзи ҳам бу урушда қатнашганлиги сабабли, одатда Коринф уруши деб аталади. Бу уруш эрамиздан аввалги 395 йилдан 387 йилгача давом этган. Эрамиздан аввалги 390 йилда Коринф ёнида бўлган жайғда Афина стратеги Ификратнинг порлоқ ғалабаси натижасида

спарталикларнинг қисман зришган муваффақиятлари тугатилдп Ификратнинг пелтастлардан (юпка совулар ва кўн қалқонлар билан енгил қуролланган аскарлардан) иборат маневрчи отряди Спарта гоплитларининг оғир қуролланган ва тез ҳаракат кило.:: майдиган ён томонлардаги аскарлари устидан ғолиб келган.

Спартанинг мағлубияти ва Спартага қарши коалициянипг кучайиши Эроннинг мўлжалига кирмаган, бинобарин Эрон Спартага ёрдам бера бошлаган, Эроннинг тазйиқи остида Коринф уруши тўхтатилган ва эрамиздан аввалги 387 йилда Эроннинг пойтахти Сузда сулҳ тузилган ва бу сулҳ музокараларида иштирок этган Спарта элчиларининг бошлиғи Ацталкид номи билан Анталкид сулҳи деб аталади. Сулҳ шартлари Спарта элчиларининг розилиги билан Эрон шоҳи томонидан қолган барча грек давлатларига буюриб қабул қилдирилганлиги сабабли бу сулҳ «шоҳ сулҳи» деган ғалати номни ҳам олган. Бу сулҳ грек кучларини заифлаштиришга ва бўлиб-бўлиб ташлашга уринган Эрон дипломатиясининг муваффақияти бўлган.

Умумгрек гегемони сифатида Спарта барча греклар номидан Греция-Эрон урушлари истилоларининг кўп қисмидан воз кечган. Кичик Осиёдаги грек шаҳарлари яна Эрон ҳокимияти остига ўтган. Эрон харбий-денгиз флоти амалдагина эмас, балки расмий жихатдан ҳам Эгей денгизига кириш ҳуқуқини олган. Грецияда Пелопоннес иттифоқидан бошқа ҳеч қандай иттифоқлар бўлмаслиги керак эди.

Спарта «шоҳ» сулҳи моддаларига таянган ҳолда Болкон Грециясида бирдан-бир каттарқ давлат бўлиб қолиш учун барча, ҳатто майда иттифоқларни ҳам тугатиш сиёсатини юргизишга уринган. Аввал бошда спарталиклар бунга муваффақ бўлганлар. Эрамиздан аввалги 382 йилда Фивани истило қилиш Спарта ҳужумчилик сиёсатининг сўнгги вақтинчалик муваффақияти бўлган. Лекин Спартанинг кучайиши Афинанинг қаршилик кўрсатишига сабаб бўлган. Бинобарин, Афина Фивадан қочғая демократларга Фивада тўнтариш қилишга тайёрланишда ёрдам кўрсатган.

9. Фиванинг юксалиши. 2-Афинаденгиз иттифоқининг ташкил топиши. Фитначилар кечаси Фивага кириб олиб, олигархларни ўлдирганлар, Спарта отрядини эса таслим бўлишга мажбур этганлар. Эрамиздан аввалги 379 йилда Фивада демократия таъсис* этилган ва Беотия полисларининг, иттифоқлари қайта тикланган. Бу иттифоққа Фива бошчилик қилган. Фивага ва Беотия иттифоқига бошчилик қилиш учун бир неча беотархдан иборат кенгаш сайлаб қўйилган. Улардан Пелопид ва Эпаминод энг мўътабари ва ички ҳамда ташқи сиёсатнинг амалий раҳбарлари эдилар.

Спартанинг Фивада ўз ҳокимиятини қайта тиклаш учун кучи йўқлиги аниқлангач, Афина эрамиздан аввалги 378 йилда Анталкид сулҳини бузиб, 2-Афина денгиз иттифоқини тузишга муваффақ бўлган. Бу иттифоқ 1-Афина денгиз иттифоқига қараганда

пнча кам сонли бўлган, Кичик Осиёдаги грек полислари унга киролмаган; Спарта эҳтиёт чораси юзасидан полисларни Анталкид сулхига мувофиқ Эронга кечиб берган. Гарчи иттифоқчилар Лфина ўтмишда уларни йтоат қилдиришга уринганини унутмаган бўлсалар-да, лекин уларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари кўп жihatдан Афина манфаатлари билан мос бўлиб тушган. Ривожланиб бораётган қулдорлик хўжаликларинийг манфаатлари шундай бирлашувни талаб қилган. Спартанинг сиёсати бу интилишларга терс келган.

2-Афина денгиз иттифоқини тузганда иттифоқчилар Афина томонидан улуғ давлатчилик сиёсатининг ортиқ қайта такрорланмаслиги тўғрисида гарантия талаб қилганлар. Заифлашиб қолган Афина иттифоқчилар территориясида клерухиялар жорий этишдан, форос ундиришдан ва уларнинг ички ишларига аралашидан воз кечган. Афинада синедрион — иттифоқчилар вакилларининг кенгаши йиғила бошлаган. Бу кенгаш составида Афина вакиллари бўлмаган, Кенгаш ҳамма энг муҳим иттифоқ ишларини дастлаб текшириб чиқарди. Синедрион қарорлари сўнгра Афина халқ йиғинида қараб чиқилар ва тасдиқланарди. Лекин молия масалалари синедрионда узил-кесил хал қилинарди.

2-Афина денгиз иттифоқи аъзоларининг сони у яшаб келган дастлабки уч йил мобайнида кўпайиб, 70 дан ошган. Афина ҳарбий-денгиз флоти қуриб олган ва денгизда спарталиклар устидан бир неча бор ғалаба қозонган.

10. Пелопоннес иттифоқининг бузилиши. Фиванинг гегемонияси. Эрамиздан аввалги 374 йилги сулҳ шартномасида Спарта 2-Афина денгиз иттифоқи мавжудлигини тан олишга мажбур бўлган. /

Спартага энг қаттиқ қаршилик кўрсатган Фива бўлган. Шундан кейин спарталиклар нарбатдаги умумгрек сулҳ битимини бузиб, Фивага қарши актив ҳаракат бошлаганлар.

Фива қўшинининг бошлиғи беотиялик Эпаминонд жангчиларни сафлаш ва жанг олиб боришнинг «қия пона» деб аталувчи янги тактикасини қўлланган. Бу тактиканинг моҳияти шундаа иборат бўлганки, қўшинлар анъанага кўра бир текида сафланмасдан, балки сўл ён томон зарбдор колонна билан кучайтирилиб тахминан 50 қатор ичкари киритилган. Сафнинг охириг қаторлари Пелопид кўмондонлиги остидаги махсус сараланган «мукаддас отряд» дан иборат бўлган. Бундан ташқари, Фива қўшини составида отлик аскарлар ҳам бўлган. Бу тактикадаги янгилик шундан иборатки, кучлар бир участкада тўпланиб, айн.ч шу жойда душман ён томонларини ёриб ўтиш учун қатъий устунлик ҳосил қилиш керак бўлган.

Эрамиздан аввалги 371 йилда Беотиянинг Левктра шаҳри ёнида бостириб кирган спарталиклар билан бўлган жангда Эпаминонд душманининг ўнг қанотига қарши «қияпона» нимуваффақият билан татбиқ этган. Бу жанг бутун Грецияга спарталиқ-

ларнинг анъанавий ҳарбий усуллари қолоқлигини яна бир марта кўрсатган ва Спартанинг обрў-эътиборига қаттиқ зарба бўлиб тушган. Аркадиянинг таклифига биноан Эпаминонд Пелопоннесга бостириб кирган. Пелопоннес иттифоқи бузилган. Аркадия ва Мессения ўз мустақиллигини эълон қилишган. Лекин фиваликларнинг кучи ундан кейинги ҳужум учун етарли эмаслиги маълум бўлган. Эпаминонд Спарта яқинида намойишкорона саф тортиб ўтиш билан чекланган ва Пелопоннесни тарк этган.

Эрамиздан аввалги 367 йилда Эрон шоҳи Беотия иттифоқини тан олган. Эпаминонд ва Пелопид раҳбарлигида ҳаракат қилаётган Фива Грециянинг гегемони бўлишга уринган, лекин бу мақсадига тўла эришолмаган.

Беотия кишлоқ ҳўжалик мамлакати бўлиб, ресурслари чекланган эди. Актив ташки сиёсат Беотия дехконларининг фаровонлигига путур етказган, Фива Спарта уетидан ғалаба қозонгандан ва Пелопоннеситтифоқи бузилгандан кейин Афина мағлуб Спарта билан яқинлашган. Ахайя, Аркадиянинг бир қисми ва Элида Пелопоннесда Фивага қарши чиқишган. Грецияда эрамиздан аввалги IV асрда грек давлатларининг, гегемонлик ролини олишга даъво қилган энг кучли давлатга қарши, одатдаги бирлашуви юзага келган.

Эрамиздан аввалги 363—362 йилларда Эпаминонд Фиванинг обрўсини кучайтириш мақсадида янгидан Пелопоннесга бостириб кирган. Лакония чегараси яқинида жойлашган Мантиней ёнида эрамиздан аввалги 362 йилда бўлган жангда фиваликлар спарталиклар устидан яна ғалаба қозонганлар, лекин Эпаминонд қаттиқ ярадор бўлиб жаиг майдонида ўлган.

11- 2-Афина денгиз иттифоқининг бузилиши. Гегемония учун курашда холдан тойган Фива Грецияда раҳбарлик ролини қўлдан бериб қўйди. 2-Афина денгиз иттифоқи ҳамон каттагина бирлашма бўлиб қолмоқда эди. Бинобарин, Афина, сиёсий арбобларининг фикрига кўра, ўзининг ўтмишдаги қудратини қайта тиклаш учун қулай вазиятдан фойдаланиб, қолишга шошилган. Афина 1-Афина денгиз иттифоқида қўлланган практикасини қайтадан қўлланишга, яъни клерухияларни кўчириб боришга ва иттифоқчилардан уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмасдан мунтазам суратда хирожларни ундириб олишга уринган. Бу нарса 2-Афина иттифоқининг бузилишига сабаб бўлган. «Иттифоқчилар уруши» деган урўш келиб чиққан (эрамиздан аввалги 357—355 йиллар). Афина флоти мағлубиятга учрайди. 2-Афина денгиз иттифоқи 22 йил яшагандан кейин тарқалиб кетади.

ГРЕЦИЯДА МАКЕДОНИЯ ГЕГЕМОНИЯСИНИНГ УРНАТИЛИШИ

I. Македон қабилалари ва Македония давлатининг ташкил юпиши. Грециянинг шимол томонида Болкон ярим оролида Мамдония жойлашган. Унинг шимоли-шарқий қисми баланд тоғлар билан қопланган бўлиб, жануби-ғарбий қисми текисликдан иборат. Македония тоғлари машҳур баланд тоғлардир ва Болкон ярим оролининг жанубий қисмида ҳам чиқиб бўлмайдиган баланд тоғлар бор. Македонияда энг қадим замонда аҳоли яшаган. Унинг территориясида яшаган қабилалар грек қабилалари бўлмаган, лекин уларнинг бир қисми грекларга қариндош бўлган бўлиши эҳтимол. Бу қабилалар, афтидан, фракияликларга мансуб бўлса керак. Македония Греция билан чегарадош бўлганлиги сабабли, унинг тили грек тилининг таъсирида ривожланган. Аммо ҳар ҳолда бу грек тили эмас, балки македон тили бўлган, унинг составига кейинчалик баъзи грек сўзлари ва иборалари кирган. Македонияликлар комати баланд, жисмоний бақувват, сарғиш соч ва кўйкўз кишилардир.

Дастлабки вақтларда македонияликлар қабила-қабила бўлиб яшаганлар, сўнгра эса қабила иттифоқларини ташкиллаганлар. Македонияликлар асосан чорвачилик билан, айниқса от урчиқчилик иарвариш қилиш билан шуғулланганлар. Македониянинг баланд тоғларида ва тоғларнинг этакларидаги водийларда ўтлоқларнинг кўплиги чорвачиликни ривожлантиришга катта имкоият яратган. Дехқончилик иккинчи даражали ахамиятга эга бўлиб, текисликларда ривожланган. ;

Македон қабилалари иттифоқида эрамиздан аввалги V асрадаёқ уруғдошлик тузумининг ҳамма бузилиш аломатлари кўрина бошлаган эди. Қабилалар тепасида қабила бошлиқлари турарди ва улар ўз қариндошлари ҳамда бой кўшчилари билан бирликда уруғ зодагонларининг кучли табақасини ташкил этган.

Македонияда подшо ҳокимияти бош қабила бошлиғининг бошқа қабилалар бошлиқлари устидан ҳокимияти сифатида эрамиздан аввалги VI асрнинг охири — V асрнинг бошларидаёқ вужудга кела бошлайди. Лекин подшо бу вақтда обрўли македон аристократлари, ер эгалари ўртасида фақат биринчи бўлган, холос. Табиийки, Македония подшолари ўз ҳокимиятини мустақамлаш бошлаган ва ўз мустақиллиги билан уларга халақит бераётган аристократларнинг юқори табақасига қарши кураш олиб бооган. Подшо давлатманд дехқонлардан бўлган жангчиларга, македон халқининг оддий қисмига таянган. Шу сабабли ҳатто подшо ҳокимияти пайдо бўлгандан кейин ҳам Македонияда халқ йиғинлари ёки, тўғрироғи, кўшинларнинг йиғинлари йиғилиб турган ва уларда асосий масалалар ҳал қилинган. Агар кўшинлар йиғини подшони тасдиқламаса, уни

подшо деб⁴ эълон қилиш мумкинэмас эди. Кейинчалик бу мажлис Филипп Македонийни ҳам, унинг ўғли машхур Александрни ҳам тасдиқлаган эди. Қўшиннинг бундай ҳокимиятга эга бўлиши, шубҳасиз ҳарбий демократиянинг қолдиғи эди.

Эрамиздан аввалги VI—V асрларда Македониянинг ижтимоий тузумини архаик даврнинг бошларидаги грек жамяти билан тенглаштириш мумкин, бу вақтда қадимғи Грециянинг бир қанча жойларида хали қабила бошлиқларининг ва жангчилар йиғинининг ҳокимияти мавҷуд эди.

Аста-секин, экономиканинг ривожланиб бориши ва бу ривожланиш тақозоси билан синфий қуддорлик жамятининг ўсиши, қулфурушлиқнинг аҳамияти ошиб бориши натижасида Македониянинг Греция билан ва унинг бошқа қўшнилари билан алоқаси кенгайиб боради.

Табиийки, синфий қуддорлик жамяти ташкил топганда қуддорлик давлати ҳам ривожланиб, мустақамланиб боради. Илгариги ҳарбий демократия тепасида анча кучли ҳокимиятга эга подшо турган монархияга ўрин бўшатиб беради.

Греция-Эрон урушлари вақтида Македония Эронга бўйсуннишга иажбур бўлган эди, греклар ғалаба қозонгандан кейин эса у I-Афина денгиз иттифоқига аъзо бўлиб кирди. Эрамиздан аввалги V—IV асрларда грек маданиятининг македон аҳолисининг аристократик табақаларига таъсири ҳамиша кучайиб борган. Аммо иккинчи томондан, Македониянинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучайиши натижасида у билан Афина архэси ўртасида ва бошқа грек давлатлари, айниқса Грециянинг шимолий қисмидаги давлатлар ўртасида низо чиқади. Эрамиздан аввалги V асрнинг охирида—IV асрнинг бошларида Македония қадимғи Греция микёсида каттагина салмоққа эга бўлиб олган эди-ю, лекин хали ҳам етарли даражада марказлашган давлатга эга эмас эди.

2. Филипп II Македонскийнинг реформалари (эрамиздан аввалги 359—336 йиллар). Македониянинг биринчи йирик давлат арбоби подшо Филипп II Македоний эди. У тахтга ворислик ҳуқуқига эга бўлганлиги учун эмас, балки ўз жияни подшо Аминтани четлатиш йўли билан чиқиб олди. У Аминтанинг регенти эди, Филипп II даврида Македония монархияси марказлашган давлатга айланади-

Филипп II катта реформалар ўтказди- Биринчи реформа маъмурий ва ҳарбий реформа эди. У македон армиясини анча кучайтирди ва қуйидаги ўзгаришларни қилди.

Қўпдан бери Македонияда оғир қуролланган аристократ аскарлардан иборат отликлар ҳамда дехқонлардан иборат пиёда лашкар бор эди. Филипп II қўшинларнинг бу икки турини қайтадан курди. У Македониянинг тоғли районларидан унда ҳокимлик қилувчи ярим мустақил аристократларни ўз пойтахти Пеллага чақириб, улардан подшонинг сарой гетайрлари (дўстлари) тузди, уларнинг оғир қуролланган отлик отрядларини эса доимий

жанговар кўшинга айлантирди. Шундай қилиб, жойларда ариетократия ҳокимияти заифлаштирилади, отлик аскарларэса кучайтирилади. Дехконлардан иборат пиёда лашкарни Фшшпп II греклардан ўртак олиб, оғир қуролланган аскарлар фалангасига айлантиради ва уларни махсус ҳарбий таълимдан ўтказди. Лскарлар бир неча қатор қилиб сафланган. Олдинги қаторлао кўндан ясалган катта қалқонлар билан пана қилинарди. Орқадаги қаторларнинг узун найза-сарислари бор эди, шу билан бирга ҳар бир кейинги қатор узунроқ (2 метрдан 6 метргача) найзага эга эди. Орқада турган аскарлар бу найзаларни олдинда турган аскарларнинг қаторлари орасидан ўтказиб тур*ар, балки, ҳатто уларнинг елкаларига кўйиб турардилар. Ҳамма жангчилар каттиқ белгиланган тартибга риоя қилишлари ва аскарбошиларнинг буйруғини аниқ бажаришлари лозим эди. Қалқонлар паноҳида кўп найзалар диққайиб турган сафлар қудратли куч бўлиб кўринадиган фаланганинг камчилиги унинг бесўнақайлиги эди. Орқадаги аскарларнинг найзалари олдиндаги аскарларнинг қаторлари орасидан ўтиб турганлиги македонча фаланганинг маневр билан ҳаракат қилишига имкон бермас эди. Бу фалангага душман ён томонлардан ва орқа Томондан осонлик билан зарба бера оларди.

Филипп II бу ҳолатни ҳисобга олиб, аскарларни комбинациялаштирилган шаклда тузишни жорий этди. Бу тузилиш тартибининг марказида юқорида айтиб ўтилган оғир қуролланган пиёда аскарлар отряди туриши керак эди. Бу отряднинг ён томонларини ва орқа томонини оғир ва енгил қуролланган отликлар кўриқлаб турарди, олдинда енгил қуролланган пиёдалар билан енгил қуролланган отликлар жойлашган бўлиб, жангни ҳам шулар бошлар эдилар. Лекин душманга асосий зарбани оғир қуролланган жангчиларнинг марказий пиёдалар отряди берарди. Кўшинни бундай комбинациялаштирилган шаклда тузиш македонча фаланга деган ном олди ва ўша вақтдаги уруш олиб бориш методлари шароитида бу фаланга узоқ вақтгача енгилмас тартиб бўлиб келди. Бу ҳарбий реформа зодагонлар ва уларнинг отликлари (гетайрлар) родини бўшаштирди ва пиёдаларга таянган подшо ҳокимиятини кучайтирди.

Иккинчи муҳим тадбир — пул реформаси эди. Уша вақтда Грецияда валюта сифатида факат кумуш танга юрарди. Эронда эса подшо Доро I олтин тавга жорий қилган эди ва бу танга доройи деб аталарди- Грек ва эронлик савдогарлар одатда олтин тангани кумуш тангадан афзал кўрардилар ва бундан Эрон савдоси анча манфаат кўрарди. Филипп II Македонский македон пул муомаласини халқаро бозорда барқарор ва ҳукмрон қилишга қарор қилди. Кумуш танга билан бир қаторда у олтин танга ҳам зарб этишни буюрди ва бу танга унинг номи билан «филиппик» деб атала бошлади. Бу олтин танга ўша вақтдаги аттикача пул системасида чиқарилган эди. Филипп Македонский «филиппик»ни «доройи»дан бир неча юз грамм оғирроқ қилиб чиқарди.

подшо деб эълон қшшш мумкин эмас эди. Кейинчалик бумажлие Филипп Македонийни ҳам, унинг ўғли машхур Александрни ҳам тасдиқлаган эди. Қўшиннинг бундай ҳокимиятга эга бўлиши, шубҳасиз ҳарбий демократиянинг қолдиғи эди.

Эрамиздан аввалги VI—V асрларда Македониянинг ижтимоий тузумини архаик даврнинг бошларидаги грек жамияти билан тенглаштириш мумкин, бу вақтда қадимги Грециянинг бир қанча жойларида ҳали қабила бошлиқларининг ва жангчилар йиғинининг ҳокимияти мавқуд эди.

Аста-секин, экономиканинг ривожланиб бориши ва бу ривожланиш тақозоси билан синфий қулдорлик жамиятининг ўсиши, қулфурушликнинг ахамияти ошиб бориши натижасида Македониянинг Греция билан ва унинг бошқа қўшнилари билан алоқаси кенгайиб боради.

Табийки, синфий қулдорлик жамияти ташкил топганда қулдорлик давлати ҳам ривожланиб, мустақамланиб боради. Илгариги ҳарбий демократия тепасида анча кучли ҳокимиятга эга подшо турган монархияга ўрин бўшатиб беради.

Греция-Эрон урушлари вақтида Македония Эронга бўйсуннишга мажбур бўлган эди, греклар ғалаба қозонгандан кейин эса у I-Афина денгиз иттифоқиға аъзо бўлиб кирди. Эрамиздан аввалги V—IV асрларда грек маданиятининг македон аҳолисининг аристократик табақаларига таъсири хамиша кучайиб борган. Аммо иккинчи томондан, Македониянинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кучайиши натижасида у билан Афина архэси ўртасида ва бошқа грек давлатлари, айникса Грециянинг шимолий қисмидаги давлатлар ўртасида низо чиқади. Эрамиздан аввалги V асрнинг охирида — IV асрнинг бошларида Македония қадимги Греция микёсида каттагина салмоққа эга бўлиб олган эди-ю, лекин ҳали ҳам етарли даражада марказлашган давлатга эга эмас эди.

2. Филипп II Македонскийнинг реформалари (эрамиздан аввалги 359—336 йиллар). Македониянинг биринчи йирик давлат арбоби подшо Филипп II Македоний эди. У тахтга ворислик ҳуқуқиға эга бўлганлиғи учун эмас. балки ўз жияни подшо Аминтани четлатиш йўли билан чиқиб олди. У Аминтанинг регенти эди, Филипп II даврида Македония монархияси марказлашган давлатға айланади-

Филипп II катта реформалар ўтказди- Биринчи реформа маъмурий ва ҳарбий реформа эди. У македон армиясини анча кучайтирди ва қуйидаги ўзгаришларни қилди.

Кўпдан бери Македонияда оғир қуролланган аристократ аскарлардан иборат отликлар ҳамда дехконлардан иборат пиёда лашкар бор эди. Филипп II қўшинларнинг бу икки турини қайтадан қурди. У Македониянинг тоғли районларидан унда ҳокимлик қилувчи ярим мустақил аристократларни ўз пойтахти Пеллага чақириб, улардан подшонинг сарой гетайрлари (дўстлари) тузди, уларнинг оғир қуролланган отлик отрядларини эса доимий

Жгшговар кўшинга айлантирди. Шундай қилиб, жойларда аристократия ҳокимияти заифлаштирилади, отлик аскарлар эса кучайтирилади. Дехқонлардан иборат пиёда лашкарни Филипп II греклардан ўрнак олиб, оғир қуроолланган аскарлар фалангасига айлантиради ва уларни махсус ҳарбий таълимдан ўтказди. Аскарлар бир неча қатор қилиб сафланган. Олдинги қаторлао кўндан ясалган қатта қалқонлар билан пана қилинарди. Орқадаги қаторларнинг узун найза-сарислари бор эди, шу билан бирга ҳар бир кейинги қатор узунрок (2 метрдан 6 метргача) найзага эга эди. Орқада турган аскарлар бу найзаларни олдинда турган аскарларнинг қаторлари орасидан ўтказиб тур'ар, балки, ҳатто уларнинг елкаларига қўйиб турардилар. Ҳамма жангчилар қаттиқ белгиланган тартибга риоя қилишлари ва аскарбошиларнинг буйруғини аниқ бажаришлари лозим эди. Қалқонлар панохида кўп найзалар диққайиб турган сафлар қудратли куч бўлиб кўринарди. Фаланганинг камчилиги унинг бесўнақайлиги эди. Орқадаги аскарларнинг найзалари олдиндаги аскарларнинг қаторлари орасидан ўтиб турганлиги македонча фаланганинг маневр билан ҳаракат қилишига имкон бермас эди. Бу фалангага душман ён томонлардан ва орқа томондан осонлик билан зарба бера оларди.

Филипп II бу ҳолатни ҳисобга олиб, аскарларни комбинациялаштирилган шаклда тузишни жорий этди. Бу тузилиш тартибининг марказида юқорида айтиб ўтилган оғир қуроолланган пиёда аскарлар отряди туриши керак эди. Бу отряднинг ён томонларини ва орқа томонини оғир ва енгил қуроолланган отликлар кўриқлаб турарди, олдинда енгил қуроолланган пиёдалар билан енгил қуроолланган отликлар жойлашган бўлиб, жангни ҳам шулар бошлар эдилар. Лекин душманга асосий зарбани оғир қуроолланган жангчиларнинг марказий пиёдалар отряди берарди. Кўшинни бундай комбинациялаштирилган шаклда тузиш македонча фаланга деган ном олди ва ўша вақтдаги уруш олиб бориш методлари шароитида бу фаланга узок вақтгача енгилмас тартиб бўлиб келди. Бу ҳарбий реформа зодагонлар ва уларнинг отликлари (гетайрлар) ролини бўшаштирди ва пиёдаларга таянган подшо ҳокимиятини кучайтирди.

Иккинчи муҳим тадбир — пул реформаси эди. Уша вақтда Грецияда валюта сифатида фақат қумуш танга юрарди. Эронда эса подшо Доро I олтин танга жорий қилган эди ва бу танга доройи деб аталарди. Грек ва эронлик савдогарлар одатда олтин тангани қумуш тангадан афзал кўрардилар ва бундан Эрон савдоси анча манфаат кўрарди. Филипп II Македонский македон пул муомаласини халқаро бозорда барқарор ва ҳукмрон қилишга қарор қилди. Қумуш танга билан бир қаторда у олтин танга ҳам зарб этишни буюрди ва бу танга унинг номи билан «филиппик» деб атала бошлади. Бу олтин танга ўша вақтдаги антикача пул системасида чиқарилган эди. Филипп Македонский «филиппик»ни «доройи»дан бир неча юз грамм оғирроқ қилиб чиқарди.

Ватижада зронлик савдогарлар ҳам, грек ва македон савдогарлари ҳам «филгашик»ни «доройи»дан афзал кўрдилар, бу эса; ўша вақтдаги халқаро бозорда «филиппик»ни устун қилиб қўйди. Бу пул реформаси эрамиздан аввалги 356 йилда ўтказилган эдн.

Харбий маъмурий ва пул реформалари натижасида Македониянинг ҳам харбий, ҳам иктисодий аҳволи мустаҳкамланди, унинг марказий ҳокимияти кучайди.

3. «Муқаддас уруш». Филипп Македон армиясини мустаҳкамлагач, мамлакатни бошқаришни марказлаштиргач ва мамлакат экономикасини кўтаргач, мамлакат территориясини кенгайтириш сиёсатини юргиза бошлади. У Фракия соҳилидаги грек шаҳарларини истило қилди ёки шартномага мувофиқ ўз мамлакатига қўшиб олди. Фақат истило қилиш эмас, балки одамларни пора билан сотиб олиш ҳам мазкур шаҳарларни бўйсундириш методи бўлган. Грек шаҳарларидан ташқари, айрим қабилалар, масалан, гетлар ҳам қўшиб олинган. Македониянинг мулки Дунайгача чўзилди. Филипп II Иллириянинг ёввойи тоғ қабилалари яшайдиган қисмини Македонияга қўшиб олди. Шундай қилиб, Македония территорияси жуда кенгайиб кетган.

Филипп Грецияни ҳам Македонияга қўшиб олишга интилган. Лекин бу ишни куч билан қилиш мақсадга мувофиқ эмас эди, шунинг учун у грек шаҳар-давлатлари ишларига аралашиб учун бирон баҳона топилишини кутиб турган. Тез орада бундай баҳона ҳам топилган. Фокида территориясида Дельфа орақули бор эди. Греклар ҳам, ажнабийлар ҳам Дельфа орақули ибодатхонасига кўп хайр-эҳсонлар, шу жумладан олтин буюмлар, қимматбаҳо қуруллар келтирардилар. Садақа, хайр-эҳсонлар, ибодатхона омборида сақланарди. Эрамиздан аввалги 355 йилда Фокида аҳолиси бу хазинани талаб кетишган. Дельфа қохинлари талаб кетилган буюмларни қайтаришга уринганлар, ўғриларга қарши қурашда уларнинг тарафдорлари ҳам бўлган.

Фива фокидаликларга «Муқаддас уруш» эълон қилган. Бу урушга фессалияликлар ҳам қўшилган. Фессалияликлар уруш ҳаракатлари давомида Филипп II дан ёрдам сўраганлар. Аввалида у муваффақиятсизликка учраган. Эрамиздан аввалги 352 йилда Филипп II грек шаҳарлариорасида шухраткозони шучунянгидан «Муқаддас уруш»га аралашади, фокидаликларни тор-мор келтиради ва македон армиясини Фессалияга киритади. Ҳақиқатда эса у Фессалияни босиб олган эди, чунки македон қўшинлари Фессалиядан кетмасдан туриб қолган. Эрамиздан аввалги 346 йилда Филипп II Фокидага бостириб киради, Дельфа ибодатхонасининг хазинасини талагаиларни тутиб олади ва жазолайди, талаб кетилган хазинани ибодатхонага қайтаради. Шу билан у Дельфа ибодатхонасининг ҳимоячиси бўлиб қолади. Бунга миннатдорчилик юзасидан Македонияни Дельфа амфиктеонаси, яъни Дельфа муқаддас отини кўриқловчи давлатлар иттифоқи аъзолари қаторига киритадилар. Бундай унвон Филипп учун фахрли эди ва

у бу унвондан Урта Грецияда ўз таъсирини мустахкамлаш учун фойдаланади.

4. Афинада Македонияга қарши ва тарафдор партиялар. Грек давлатларида Македониянинг кучайиши уларнинг мустақиллигига хавф солишини тушуна. бошлайдилар. Бироқ эрамиздак аввалги IV асрнинг ўрталарида Грециянинг социал-иқтисодий ва сиёсий ахволи жуда мураккаб бўлган. Қескин синфий ва социал табақаланиш грекларнинг македон босқинига қаршилик кўрсатишини бўшаштириб қўйган. Аҳолининг бойроқ ва бадавлатроқ табақалари македон хавфига пассив қараганлар ва хатто македон гегемониясига рози ҳам бўлганлар, чунки македон гегемонияси сиёсий мустақилликни йўқотиш ёки анча қисқартириш эвазига уларга ўз полисларида ҳукмрон мавқеини таъминлаб бериши мумкин эди. Аҳолининг демократик кучлари, айниқса Афинадаги демократик кучлар ҳамда аҳолининг Шимолий Қора денгиз бўйлари билан савдо-сотик манфаатлари боғлиқ бўлган бой табақаларида бир қисми Македонияга қарши чиккан. Бир қанча полисларда Македонияга қарши ва унга тарафдор сиёсий гуруҳлар пайдо бўлади. Афинадаги бу партиялар айниқса анча катта бўлган ва улар ҳозирги замон фанига етарли даражада яхши маълумдир.

Филипп II нинг таъсири ва Македониянинг кучайиши грекшахарларига мустақилликдан маҳрум бўлиш хавфини солаётганлигини Афинадаги демократик табақалар жуда яхши тушунардилар. Афинада Македонияга қарши партияга Демосфен (эрамиздан аввалги 384—322 йиллар) бошчилик қиларди. У ниҳоятда суҳандон киши эди. Унинг нутқлари бу вақтда Филипп II Македонскийнинг сиёсатига қарши қаратилган эди. •

Эрамиздан аввалги V асрдаги демократия эндиликда эрамиздан аввалги IV асрда қайта тикланиши мумкин эмас эди, чунки тобора кучайиб бораётган мулкий табақаланиш, иқтисодий алоқаларнинг территория доирасида кенгайиб бориши классик даврдаги полисларга қараганда йирикроқ сиёсий бирлашмаларни талаб қилмоқда эди. Афина демосининг камбағаллашиб қолган кенг оммаси Македонияга қарши партияни қўллаб-қувватлайди, чунки бу омма, Афина олигархлари Филипп ёрдами билан демократияни афдариб ташлайди, иштирок қилганларга ҳақ тўланадиган оммавий демократик муассасаларни тугатади, деб кўрқарди. Қулдорлик ривожланиб бораётган шароитда эса демократик йиғилишларда иштирок қилганлик учун ҳақ тўлаш доимий маоши бўлмаган граждандарга ҳаётий зарурият ва мадад эди.

Шимолий Қора денгиз бўйларида четга ғалла чиқарувчи бой савдогарлар Македониянинг савдо рақобатидан хавотирланганлар. Ниҳоят, қурулсоз усталар, македон истилоси ўзаро урушларни камайтириб қўяди, деб кўрққанлар, шунинг учун улар ҳам Демосфеини қўллаб-қувватлаганлар.

Олигархларнинг манфаатларини ақс эттирган Македония тарафдорлари партияси яхдитроқ бўлган. У Македониянинг таъ-

сирина қувватларди ва Афинани Филипп II га бўйсундиришга тайёр эди. Бу партиянинг раҳбарлари орасида Эсхия ва Исократ каби икки машҳур нотик бор эди.

Македонияга қарши партияний Эрон қўллаб-қувватларди, чунки Эрон Македониянинг кучайишидан кўрқарди. Македония тарафдорлари партияси фақат Грецияни истило қилишга эмас, балки Эроннинг ғарбий сатраплиklarини ҳам истило қилиш ва талашга тайёрланаётган Филиппнинг режаларини қувватларди.

5. Филипп II нинг Грецияда Македон гегемониясини ўрнаттиши. «Муқаддас уруш» натижасида Филипп II нинг Урта Грецияга суқулиб киришига Афинадаги Македония тарафдорлари партиясининг сиёсати қўмақлашади. Шу партиянинг ташаббуси билан Филипп II Дельфа ибодатхона округини унинг Дельфага қарашли «муқаддас давлат»га тажовуз қилган қўшнилardan химоя қилиш бахонаси билан ўз қўшинларини яна Урта Грецияга бошлаб киради. Фива ва Афина учун хавфли вазият вужудга келади. Филипп II агрессив сиёсатининг ашаддий душмани, Македонияга қарши партияинг раҳбари Демосфен антимакедон коалиция тузишга муваффақ бўлади. Бу коалицияга Афинадан ташқари, Фива, Қоринф, Мегара ва бошқа полислар кириб, ўша вақт учун каттагина армияни ташкил этадилар. Спарта коалицияга иштирок этишдан бош тортади.

Қатъий жанг эрамиздан аввалги 338 йилда Беотияда Херонея шаҳри ёнида бўлади. Жанг македон армиясининг грек армиясидан устунлигини кўрсатади. Филипп II ғалаба қилади. Бу жангда энг масъулиятли қанот бўлган сўл қанотга Филиппнинг ўғли, эндигина 18 га кирган Александр қўмондонлик қилади.

6. Қоринфда панэллин конгресси. Филипп Македонскийнинг ғалабасидан кейин грек шаҳарлари ўз қисматлари нима бўлишини дахшат билан кутганлар. Аммо Филипп ўзини уста дипломат тарзида тутди. У грек шаҳарларини ғорат қилмади ёки уларга зулм қилмади. Аксинча, Филипп, грек шаҳарлари эркиндир ва ўзларининг иттифоқи ҳақида сўзлашиб-қелишиб олишлари лозим, деб эълон қилди ва шу мақсадда эрамиздан аввалги 337 йилда Қоринфда панэллин (яъни умумгрек) конгрессини чақирди. Бу конгрессда Болкон ярим оролидати, Спартадан ташқари, барча грек шаҳар-давлатлари иштирок этди.

Филипп конгрессда ўзиин панарокда тутишга ҳаракат қилди. Натижада конгресс қатнашчиларига грек давлатлари ўз тақдирини эркинлик билан ҳал қилаётгандек туюлди. Ҳақиқатда эса Қоринф конгресси Македониянинг қуроли бўлиб, амалда барча грек давлатлари унга бўйсунган эди- Қоринф конгресси ўз вакилларини сайлади. Бу вакиллар Қоринфда муқим туриб, македон подшоси гегемонияси остида тузилган грек шаҳар-давлатлари иттифоқига раҳбарлик қилиши лозим эди. Қоринф конгресси қуйидаги қарорларни тасдиқлади.

Барча грек шаҳарлари тинч яшашлари, бир-бирларининг

ички ишларига аралашмасликлари ва ўзаро уруш олиб бормасликлари лозим. Агар ораларида ихтилоф чикса, улар ўз масалаларини хал этишни сўраб Коринф конгресси вакилларига мурожаат қилишлари керак.

Грек шаҳарлари конгресс қарорлари даврида эга бўлган давлат тузумини ўзгартира олмас эдилар.

Ерларни қайтадан бўлиш, қарзларни бекор қилиш тақиқланган эди, яъни хусусий мулк мустаҳкамланмоқда эди. Узаро урушлар вақтида қуллардан фойдаланиш мақсадида қулларни озод қилиш тақиқланган эди. Шундай қилиб, қулдорлик тартибининг тиргақлари мустаҳкамланмоқда эди.

Хамма грек шаҳарлари Эронга қарши урушга тайёрланишлари лозим эдики, бу масала Коринф конгрессида хал қилиб қўйилган эди. Филипп II грек шаҳарлари ва Македония армиясининг бош қўмондони қилиб тайинланган эди.

Коринф конгрессининг мазқуц қарорига биноан Филипп II Македонский Эронга юриш қилишга тайёрлана бошлади. Бунинг учун асосан македон қўшинлари тўпланди. Филиппнинг қариндоши Ат?гал бошлиқ кичик бир отряд Қичик Осиёга юборилди. Атал у ерда македон армиясини кутиб турган ҳолда чекланган ҳарбий операциялар ўтказиши лозим эди. Шарққа юриш Греция-Эрон урушлари вақтида грекларнинг бахтсизлиги учун форслардан ўч олиш ва Кичик Осиё грекларини Эрон зулмидан қутқариш ҳамда бир вақтлар Ксеркс ўлжа қилиб Эронга олиб кетган грек маъбудларининг ҳайкалларини Эрон асоратидан халос қилиб қайтариш шиори остида тайёрланди.

XVI ВОБ

АЛЕКСАНДР МАКЕДОНСКИЙ МОНАРХИЯСИ

1. Филипп II Македонскийнинг вафоти ва Александрнинг подшо қилиб қўтарилиши. Эрамиздан аввалги 336 йилда белгиланган Эронга қарши уруш бошлаш орқага сурилди. Эрамиздан аввалги 336 йилда Филипп II Македониянинг кўхна пойтахти Эгида ўз қизининг тўйида ўлдирилди. Уни ўлдирган қотилни ушлаб олиб қийнадилар, лекин у ҳеч нимани айтмади ва қийноқда ўлди. Филиппнинг ўлдирилиши сабаби тўғрисида турлича гап-сўз юради. Бировлар, қотил Филиппнинг хотини Олимпиаданинг хоҳиши билан уни ўлдирган дейишарди, чунки бу вақтда Филипп хотини билан ажралган ва Атталнинг жиянига уйланоқчи бўлиб юрган эди. Бошқалар, Филипп македон аристократиясининг топшириғи билан ўлдирилган, дейишарди, чунки Филипп даврида ўз нуфузидан махрум бўлган бу аристократия ўз ҳокимиятини қайта тиклаш ниятида эди. Яна бировлар, Филипп форсларнинг қутқуси билан ўлдирилган, дейишарди, чунки Эрон урушнинг кейинга сурилишидан манфаатдор эди. Филиппнинг ўғли Александр ана шу учинчи гапга ишонди. Эронга қарши

уруш қилиш баҳоналари қаторига у отасининг ўлими учун қасос олиш баҳонасини ҳам қўшди.

Филипп ўлдирилгандан кейин саросималйк бошланиб, тахт даъвогарлари пайдо бўлади. Қўшин Александрни қувватлаб чиқди. Кўп ўтмай унинг онаси Олимпиада етиб келади, шундан кейин отасига содиқ бўлган барча лашкарбошиларни ўз томонига тортган Александр қўшинлар йиғинида Македония подшоси деб эълон қилинади. Шундай қилиб, Александр қонуний тахт вориси деб эълон қилинади.

Гарчи Македонияда Александрнинг ҳокимияти эълон қилинган бўлса-да, Македония ўзига итоат қилдирган грек шаҳарлари ва маҳаллий қабилалар марказий ҳокимиятнинг заифлигига умид боғлаб, ундан ажрала бошлайдилар.

Демосфен байрам либосини кийган ва бошига зафар чамбараги қўйган ҳолда Афина халқ йиғинига келади ва шодлик билан Филиппнинг ўлганини эълон қилади. Афина Македониядағ ажралади. Коринф конгрессида қатнашган бошқа кўп грек шаҳарлари ҳам, масалан, Фива, ҳамда фракияликларнинг тоғли қабилалари, тоғли иллирия қабилалари ажралдилар. Лекин Македония бу вақтда қучли қулдорлик давлати бўлиб, жуда яхши армияси бор эди, шў сабабли Александр илгариги ҳамма мулкларини қайтариб олишга муваффақ бўлади.

2. Шимолга юриш. Эрамиздан аввалги 335 йилда Александр Македонский ажралиб кетган Фракия қабилаларини бўйсундириш учун шимолга юриш бошлади. Юриш қийин бўлган. Тоғликлар тоғлар устидан туриб македон аскарлари устига оғир арваларни ағдарганлар, лекин аскарлар ерга ётиб олиб, ўзларини қалқон билан пана қилганлар.

Македон армияси Фракия қабилалари устидан ғалаба қозонади ва ҳатто Филипп II замонида Македонияга қарашли бўлмаган ерларни ҳам истило қилади.

Афина ва Фива бошлиқ грек шаҳарлари Македониядан ажралди, деган овоза Александрнинг қулоғига етади. Бироқ Александр иллирия қабилаларини қайтариб олишга аҳд қилади ва Фракиядан Иллирияга йўл олади. Унинг юриши бунда айниқса қийин бўлади. Тоғлар баланд, тоғлик қабилалар эса дов юрак эди. Кўп машаққатлар билан юриш қилгандан кейин Александр иллирияликларни Македонияга яна итоат қилдиришга муваффақ бўлади.

3. Фиванинг қулаши. Александр кўзғолон кўтарган Фива устига қўшин тортиб боради ва уни қамал қилади. Фиваликлар душманнинг жонли қучларини яқсон қилиш учун хуружлар қилиб турадилар. Бир сафар шундай хуружларидан бирида македонияликлар Фивага бостириб қирадилар ва қайта туриб уларга дарвозаларни очиб берган. фиваликлар билан бирликда шаҳарга қирадилар. Даҳшатли қирғин бошланади ва натижада Фива олинади. Фива аҳолиси қул қилиб олиб кетилади, шаҳар эса яқсон қилиб ташланади. Ишнинг бундай чаппасига айланиши

бошқа грек шахарларини чўчитиб қўйди ва улар Македонияга бўйеунишни изхор зта бошладилар. Афинада каттиқ жазодан кўркиб турардилар, лекин Александр афиналикларга хайрихоҳлик билан қаради, чунки унинг устози философ Аристотель ўз шогирди дилига грек маданиятига ва унинг маркази Афинага хурмат билан қараш ҳиссини жо қилган эди. Александр Афинани томоша қилиш учун борганида ҳамма уни тўла итоат билан қутиб олади.

4. Эронга юриш қилишга тайёрланиш. Александр Грецияда ўз ҳокимиятини батамом қайта тиклагандан кейин Эронга юриш қилишга тайёрлана бошлади, чунки бу юришни унинг отаси амалга оширолмаган эди. Эрамиздан аввалги 334 йилнинг бутун киши қўшинларни тўплаш ва таълим бериш билан ўтди. Қўшинлар Фракия соҳилидаги Амфиполь шахрида тўпланган эди.

Александр Македонскийнинг армияси кўп эмас эди. У 30 минг пиёда аскардан ва 5 минг отлиқ аскардан иборат эди, аммо бу армия Филипп II Эпаминонд ҳарбий тузилиш асосида жорий қилган янги ҳарбий тузумдан жуда яхши таълим олган эди. Бундан ташқари, македон армиясида йўллар қурадиган махсус отрядлар, қалъаларни олиш учун мосламаларга хизмат қиладиган отрядлар ва бошқа хил отрядлар бор эдики, бундай нарсаларнинг ҳеч бири грек армиясида йўқ эди.

Армия эрамиздан аввалги 334 йилнинг баҳорида юриш бошлади. Александр ўзи йўқлик вақтида Македонияни бошқариб туришни Филиппнинг дўстларидан бири бўлмиш Антипатрга топширади.

Эроннинг бу вақтда мудофаага тайёр эмаслиги маълум бўлади. Бу улкан давлат ўз қўшинларини икки йил ичида тўплаб олиши мумкин эди. Александр сардорлигидаги қўшинларнинг соҳилга келиб қўнишига тўсқинлик қилиш мумкин эди, лекин форслар ҳеч нима қилмадилар, натижада Александр бемалол Геллеспонтдан сузиб ўтди. Эрон давлати қулаш олдида турган эди, уни ўзаро уруш-жанжаллар кемирмоқда эди. Эрамиздан аввалги 338 йилда подшо Артаксеркс III ўлдирилгандан кейин икки йил давомида бўлиб турган ғалаёнлар мамлакатни яна кўпроқ заифлаштирган эди. Эрамиздан аввалги 336 йилда бир тўда сарой аҳли подшо хонадони аъзоларидан Кодомонни тахтга чиқаришди ва у Дорос III (эрамиздан аввалги 336—330 йиллар) номи билан подшолик қилди. Эрон давлатида бирлик йўқ эди. Сатраплар, (ноиблар) мустақилликка интилардилар. Марказий ҳокимият жуда заиф эди. Турли хилдаги солиқлар ва суиистеъмоллар Кичик Осиё аҳолисини маҳаллий Эрон маъмурларига қарши қўзғатмоқда эди. Ана шу ҳолатларнинг ҳаммаси Александрга Осиёга бостириб киришга қўмаклашди.

5. Граница ёнидаги жанг. Эрамиздан аввалги IV асрда грек ёллашма аскарлари отряди доим Эрон армиясида хизмат қиларди. Елланма-аскарлар бошлиғи Мемнон подшога бутун Кичик Осиёни тарқ этиб, ҳамма чорва молларини ҳайдаб кетишни, ша-

харларни ваирон қилишни ва қудукларни қўмиб ташлашни таклиф этди ва бунинг натижасида Александр ўз армияси билан ташналик ва очликдан ҳалок бўлади, деди. Эҳтимол, бу план реал бўлиши мумкин эди, лекин Кичик Осиёдаги Эрон сатраплари ўз мулкларини хонавайрон қилишни ва қўлдан беришни истамадилар ва Доро III дан уларнинг планини қабул қилишни, яъни Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмидаги барча мавжуд қўшинлар билан Александрга қарши жанг қилишни қаттиқ тўриб тадаб этдилар.

Эрон шоҳи Доро III грекларга йшонмайди, уларнинг планини рад этади. Эрон армиясининг илғор қисми грек ёлланма аскарлари билан бйрга Александрни армияси билан Граник сойи бўйида учратади ва эрамиздан аввалги 334 йилда шу ерда жанг бўлади, Македон армияси сойни кечиб ўтиб, форслар турган тепаликни атака қилади. Улар бу ишда зўр ғайрат ва шижоат кўрсатадилар. Форслар тор-мор келтирилади, грек ёлланма аскарлари эса форслар билан алоқаси ёмон бўлгани учун жангга кирмайди.

6. Кичик Осиёга юриш. Македон армияси Граник ёнида ғалаба қилгандан кейин Кичик Осиё соҳили бўйлаб жанубга йўл олади. Бу йўлдан бориш шунинг учун зарур эдики, Эрон ҳарбий флотини сохил яқинида тўхташдан маҳрум қилиш ва шу билан унинг Эгей денгизига уруш ҳаракатлари олиб боришини қийинлаштириш керак эди. Бундан ташқари, Александр сиёсий мақсадларни ҳам кўзлаган эди: у Кичик Осиё грекларини Эрон асо-ратидан озод қилмоқчи бўлади.

Кичик Осиёнинг аҳолиси ўзини турлича тутди. Демократик шаҳарларнинг аҳолиси сафларида 5 минг грек ҳам бўлган македон армиясига дарвозаларни очиб беради. Олигархия зодагонлари Эрон ҳимояси остида ҳукмронлик қилган бошқа шаҳарлар македонларга ва грекларга қаршилик кўрсатадилар. Александр) сиёсий мулоҳазаларни ўйлаб, Кичик Осиёда кулдорлик демократиясини Қувватлайди, ваҳоланки Болқон Грециясида у олигархларга таянган.

Форслар Граник ёнида мағлуб бўлгандан кейин Доро III грек Мемнонни бош қўмондон қилиб тайинлайди. Мемнон Милетни мустаҳкамлашга киришади-ю, лекин ўзи тўсатдан вафот этади. Форслар мустаҳкамлаган Кичик Осиё шаҳри Милет македон армиясидан ўзини сабот-матонат билан мудофаа қилади. Лекия бу вақтда Александрнинг ихтиёрида грек флоти бўлган. Милет қуруқликдан ва денгиздан камал қилиб олинади ва ишғол этилади. Александр ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Кичик Осиёнинг ичкарасига, Каппадокияга қараб йўл олди. У ердаги маҳаллий қабилалар Эрон давлати фукоролигида яшасалар ҳам, форсларга бўйсунмай яшар эдилар. Улар Македония армиясини хайрихоҳлик билан кутиб олдилар.

Эрамиздан аввалги 333 йилнинг бутун қишини Александр Кичик Осиёнинг марказида ўтказди, чунки бу ернинг қиши қаг-



А - Анфиноль
 А-А-Александрия-
 (Лександретта)
 ЁЛ ЗОСФОР ПОДШОЛИГИ

ПШШЗр.ав. 336к. Маквдония
 Александрия билан
 шрифтлик яаяяятао
 иттифок, даалатлар
 Лександрдан «устакли
 ддлалар

Александр кШинларининг
 мришларин:
 " " ЯЛЛИРИЯ БАФракция клола-
 ларига карши
 * * * * * рқкиш диврига, карши
 ^ ^ ^ ЗРОНгуудриш

- Нерх флоти ўтган йўл
 -- Энг мух им жангла
 * Энг мух им жангликлар оулган
 жоклар ва йулар
 @ Узоқ, камап қилинган шауурлар

Александр Македониялик истило қилган тер-
 риториялар
 Александр Македониялик барпо қилган шахдрпир
 300 0 300 600 кн

Македониялик Александрнинг юришлари,

тиқ бўлиб, изғирин совук эди ва қор ёғиб турарди, бундай ша- роитда македон армияси жанговар ҳаракат қилолмас эди,

Бу орада шоҳ Доро III қўшин тортиб Александр томон кела бошлаган эди. Эрон армияси секинлик билан ҳаракат қиларди, чунки шоҳнинг қаровони жуда узун эди.

Қишининг охирида, Қичик Осиёда дарёлардан муз кўча бош- лагач, Александр шоша-пиша юришга отланади. У форслар Урта денгизга ўтиладиган Қиликия дарвозасини ёпиб қўяди, деб кўр- қарди. Македон армияси Қиликия дарвозасидан ўтиб, Урта ден- гиз бўйидаги Тарс шаҳрига чиқади. Шу ердан Александр Сурияга қўшин тортиб кетади.

7. Исс ёнидаги жанг. Македония армияси билан Эрон армияси Урта денгизнинг шимоли-шарқий қирғоғидаги Исс деган жойда тўкнаш келади. Доро III ўз армиясини шундай тартибда туза- дики, натижада энг яхши қучлар: шоҳ отряди ва Эрон лашкар- бошиларининг энг тажрибали отрядлари унинг марказида ту- ришади. Эрон армиясида сўл томон ҳам қучли бўлган. Жанг бошланганда форслар македонларнинг ўнг қанотини сиқиб қў- йишади, бу қанотга Филипп II нинг энг яқин дўсти, энг тажри- бали лашкарбоши Парменион бошчилик қиларди. Фақат Алек- сандрнинг ёрдамга етиб келишигина македон армиясининг ўнг қанотини қутқариб қолади.

Александр шоҳ Доро III турган Эрон армияси марказига от- лик аскарларини йўллади, форслар эса жойнинг шароити ноқу- лай бўлганлигидан бутун қўшинини тезда жангга соломмайди. Қаттиқ жангдан кейин Эрон армияси тор-мор келтирилади. Ма- кедонлар шоҳнинг ҳамма от-араваларини қўлга киритадилар. Бу қарвонда Доро III нинг оиласи ҳам бор эди.

8. Сурияга ва Финикияга юриш. Исс ёнидаги жангдан сўнг Александр Сурия ва Финикия томон йўл олади. Финикия ша- харларидан фақат Тир қаршилиқ кўрсатади. Бу шаҳарни Алек- сандр етти ойгача ололмайди. Тир қисман соҳилда, қисман эса мустақамланган оролда жойлашган. Александр денгизга туп- рок ташлаб, унинг уетида ходалардан қатор ғовлар ўрнатишнк буюради. У шу йўл билан Тирни штурм қилмоқчи бўлади. Тир аҳолиси қахрамонларча қаршилиқ кўрсатади. Улар ғов қилин- ган ходаларга камондан ёндирилган ўқ отиб уларни ёндира бе- радилар. Аммо Александр чекинмайди. Ниҳоят, зўр машаққат билан у Тирни олишга муваффақ бўлади. Жазо шафқатсиз бўла- ди: қалъа вайрон қилиб ташланади, 30 мингга яқин шаҳао аҳо- лиси қул қилиб сотилади.

Александр Финикияда турганида Доро III унга қуйидаги шартлар билан сулҳ таклиф қилган эди: мен сенга бутун Қичик Осиёни ўз мулкинг қилиб бераман, Эрон хазинасиюшг ярминни ва катта қизимни сенга бераман. Бу таклиф ҳарбий кенгашда қа- раб чиқилганда, Александр, хўш бу ҳақда македон лашкарбо- шиларининг фикри қандай, деб сўрайди. Лашкарбошилардан энг каттаси, Филипп II нинг дўсти Парменион: «Агар мен Алек-

сандр бўлганимда, бу шартларга рози бўлардим»—дейди. Бунга жавобан Александр: «Агар мен Парменион бўлганимда мен ҳам рози бўлардим, аммо мен Александр бўлганим учун бунга рози бўлолмайман»—дейди. Шундан кейин Доро III га бундай жавоб тайёрланади: «Сиз форслар Греция-Эрон урушлари вақтида Грецияни вайрон қилдингиз, сиз форслар менинг отам Филиппни ўлдирдингиз...» Доронинг таклифи тўғрисида Александр унга жавоб қилади: Мен Кичик Осиёни олишни истамайман, чунки бутун Эронни забт этаман, Эрон хазинасининг ярмини олмайман, чунки тез кунда у хазинанинг барига эга бўламан, агар сенинг катта-кизингга уйланмоқчи бўлсам, дарров уйланаман, чунки у менинг қўлимда асира бўлиб ўтирибди.

Шундай қилиб, сулҳ тўғрисидаги таклиф рад қилинади. Лекин ҳарбий кенгаш Александр қўшинининг қўмондонлари сос тавида урушни давом эттиришга қарши оппозиция бошланаётганлигини кўрсатди. Македон зодагонлари (Парменион уларнинг энг кўзга кўринган намояндаларидан бири эди) бундан кейин истилолар давом эта бериши натижасида бизлар орқага сурилиб қоламиз, чунки Александр забт этилган мамлакатларнинг маҳаллий аристократиясига заруран таянишга мажбур бўлади, деб хавотир оладилар.

9. Мисрга юриш. Александр Финикиядан сафарини жанубга қараб давом эттиради. Паластинда ҳам у қаршиликка учрайди-ю, лекин бу қаршилик Финикиядагидан кучсизроқ бўлади.

Эрамиздан аввалги 332 йилда Александр Мисрга қўшинтортиб боради. Унинг мақсади Эрон давлати составига кирган, бу энг бой мамлакатни эгаллаш ва Шарққа юриш қилган чоқда ўз орқа томонини мустаҳкамлаб олиш эди. Мисрликлар македон қўшинларини табрикладилар. Эрон сатрапи (ноиб) Александрга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади, балки, аксинча, кохинлар Оилан бирга Александрни табрик қилиб чиққанларнинг тантанали юришига бошчилик қилди. Манбаларда тасвирланишича, байрамдагидек намойиш қилиб, маъбудларнинг суратларини, кучок-кучок гулларни ва пальма шоҳчаларини қўтариб чиққан халойиқ шарқий чегара ёнида македон аскарларини тантанали кутиб олган. Александрнинг оёғи остига гилам пояндозлар ёзганлар, унинг йўлига пальма шоҳчалари сочганлар. Мисрликларнинг шодлигининг боиси шу эдики, Эрон асоратига барҳам берилган эди. Аклли давлат арбоби бўлган Александр дарҳол Миср маъбудларига қурбонлик қилиш истагини билдирган ва кохинлардан буни қандай қилишни ўргатишни сўраган. Миср зодагонлари, кохинлари, оддий халқи ёш истилочи Александрнинг Миср динига ва Миср урф-одатларига ҳурмат билан қарашини кўриб хурсанд бўлганлар.

Миср кохинлари Александрни фиръавн деб эълон қилганлар. Энг қадимги анъанага кўра фиръавн куёш маъбуди Амоннинг ўғли ва, демак, бахтли ер маъбуди бўлганлиги сабабли, Александр ҳам маъбуд деб эълон қилинган. Александр ғарбий дашт-

ликдаги Сива воҳасига маъбуд Амон ибодатхонасига сафар қилган. Греklar Амонни Зевс билан тенглаштириб қараганлар вч унинг"ибодатхонасида турувчи оракулни хурматлаганлар. Маъбуд Амон оракулининг жавоблари Александрнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Бундан ташқари, Александрни илоҳийлаштириш унинг ҳокимиятини истило қилинган территорияларда жуда мақбул қилиб қўйган, чунки Шарқда подшо ҳокимияти азалдан илоҳийлаштириб келинган. Эрамиздан бурунги 332 йилда Александр Урта денгиз қирғоғида Нил дельтасида Александрия (Искандария) шаҳрини барпо этган, Тақдир насиб қилиб, бу шаҳар эллинизм даврида ва ундан кейинги вақтда катта сиёсий, иқтисодий ва маданий роль ўйнаган. Шаҳар муайян планга биноан тўғри бурчак билан бир-бирини кесиб ўтадиган тик кўчалар билан қурилган.

10. Месопотамияга юриш. Эрамиздан бурунги 331 йилнинг баҳорида Александр Мисрни тарк этиб, Байнаннаҳрга қараб йўл олган. У ерда Доро III нинг қўшинлари аллақачон тўпланиб бўлган. Эрон шоҳи катта армия тўплаган, шу билан бирга отлик аскарлар тўплашга алоҳида аҳамият берган. Отлик қўшинлар Суэдий ва Бактриядан келишган. Ғилдиракларига узун ўткир ўроқлар ўрнатилган ҳарбий аравачалар ясатилган.

11. Гавгамела ёнидаги жанг ва унинг оқибатлари.' Доро III нинг армияси Месопотамияга яқинлашиб бориб, Оссуриянинг илгариги пойтахти Ниивея яқинидаги Гавгамела деган жойда тўхтаган. Доро Александр армиясини қуршаб олиш мақсадида ўз отлик аскарларига маневр қилиш имкониятини бериш учун текисликда позиция ишғол қилган. Шундан сўнг Гавгамелага узок йўл босиб ҳориган македон армияси ҳам етиб келган.

Гавгамела ёнида жанг қонли ва қаттиқ бўлди. Шарқий сатрапликлардан келиб форслар томонида жанг қилган аскарлар ажойиб чавандоз бўлганлар ва улар матонатли жангчилар эканликларини кўрсатганлар. Жанг гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг ғалабаси билан кечкурунгача давом этган ва ахири македонларнинг ғалабаси билан тамомланган. Доро III қолган-қутган аскарлари билан, худди Исс ёнидаги жангдан кейин қочганидек, Шарққа қараб қочади. Александр учун бу жанг унинг бутун юриши даврида энг оғир жанг эди.

Гавгамела ёнидаги жангда ғалаба қозонгандан кейин Александр Вавилонни эгаллайди, сангра Сузани ҳам ишғол қилади. Александр Сузадан Эронистонга — Эрон давлатининг туб қисмига йўл олади. Форслар қаршилиқ кўрсатишга уринадилар, лекин Гавгамела ёнидаги жангдан кейин Эроннинг асосий қучлари яқсон этилган эди, хазинанинг кўп. қисми қўлдан кетган эди, энг бой областлар Александрнинг қўлига ўтган эди. Эрон армиясининг қолган-қутгани қадимий Эрон пойтахти Персеполь ёнидаги жангда тор-мор қилинади ва пойтахт олиниб яқсон қилиб ташланади. Ғалаба байрами вақтида Александрнинг буйруғи

•билан Қсеркснинг хашаматли саройи, Греция-Эрон урушларн учун интиком нишонаси ўларок, ёндириб юборилди,

Персеполда қишлаб қолгандан ва эрамиздан аввалги 330 йилда бутун Эронистонни эгаллагандан кейин македон армияси .Мидияни истило қилишга киришади. Қолган-қутган армияси билан ўзининг сўнгги, тўртинчи пойтахти (Мидиянинг собиқ лойтахти) Иқботани (Хамадон)да турган Доро III Урта Осиё томонга қараб чекинади. Александр Иқботанида Парменионни ноиб қилиб қолдиради, ўзи эса асосий кучлари билан Шарқий Эрон сатрапликларини итоат қилдириш учун Шарққа қараб юришини давом эттиради.

12. Доро III нинг ўлими. Эрон шоҳи Доро III қочиб чекина-•ёпан чокда Бактрия сатрапи Бесс йўлда уни ушлаб олади. вэ ундан, Эронни халок қилдинг, энди тахтдан воз кеч, деб талао қилади. Доро унамайди. Шундан кейин Александрнинг отряди улар устига бостириб келаётганини кўргач, Бесс Дорони ўлд-ради ва жасадини йўлга чиқариб ташлайди.

Уруш давом этади. Бесс Урта Осиёга қочади ва ўзини Эрон шоҳи Артаксеркс IV деб эълон қилади. Бирок Артаксеркс (Бесс) кўп ўтмай македонлар томонидан ушлаб олинади. Александр уни қаттиқ қийноққа солади ва дақшатли суратда қатл этади. Энди Александр ўзини Эрон шоҳларининг вориси ва шоҳ Доронч ўлдирганларнинг қасоскори деб эълон қилади.

13. Урта Осиёга юриш. Македонларнинг ундан кейинги Шарқ-ка юриши ҳарбий мулохазалар билан қилинади, чунки Эрон давлатининг шарқий қисмига форслар армиясининг қолдиқлари чекинган эди ва бўйсунмаган сатраплар унда тўпланган эдик. Александрнинг кўшинлари тоғли довлонни — Иқботанининг шарқ томонида ва Гургон (Қаспий) деиғизининг жануб томонида жойлашган Гургон дарвозасидан ўтиб, Урта Осиёгажиради.

Сўнгра македон армияси Ҳикдикуш тоғлари орқали машақ-катли юриш қилади. Александр ўз кўшини билан Бактрияга ки-ради. Бу вақтда Бактрия тепасида аристократлар ва ер эгалари турган кўпдан-кўп князликлардан иборат эди. Бу мамлакатда мустақкамланган қалъалар кўп эди, бинобарин, македон армия-сига бу қалъаларни қаттиқ ҳужум билан олишга тўғри келади.

Урта Осиёда македон армияси оғир аҳволга тушиб қолади. Ярим мустақил ёки ҳақиқатда мустақил бўлган воҳалар ва тоғ-ли районларнинг аҳолиси истилочиларни қаттиқ партизанлик уруши билан кутиб олади. Бунда Александр Шарқ билан ўз алоқаларини мустақкамлаш учун бактриялик қатта бир княз-нинг қизига уйланади. Никоҳ тўйи зўр дабдаба билан байрам қилинади, шундан сўнг Александрнинг кўшини Суғдиёнга қараб кетади.

I

Александр қарийб икки йил Мароқанда шаҳрида (ҳозирги Самарқанд яқинида) туради, чунки унга эрксевар суғдлар ва уларга яқин турган скифлар билан кураш олиб боришга тўғри келади.

Македонлар ҳокимиятига қарши кўтарилган энг катта қў-<голон Спитомен кўзғолони эди. Спитомен суғд қабилаларини ў| атрофида бирлаштирган эди. Александр кўзғолончилар биланД каттиқ курашишга мажбур бўлади ва узоқ вақтгача кимнинг ғолиб келиши номаълум эди. Бироқ Спитоменга хиёнат қилинади, унинг армияси ҳар томонга тарқалиб кетади. Александр суғд қишлоқлари ва шаҳарларини яқсон қилади ва ёндиради.

14. Ҳиндистонга **юриш**. Бактрия билан Суғдийён бўйсуйдирилгач, Александр Ҳиндистонга йўл олади. Мўъжизалар маскани бўлган афсонавий Ҳиндистон Александрни хамиша ўзига тортарди. Унинг қўшини даставвал Ҳинд водийсидаги Панжга кирарди. Александр хинд князларининг бир қисмини ўз томонига оғдириб олишга муваффақ бўлади. Ҳинд водийсида у подшо Порга қарши уруш ҳаракатлари олиб боради. Гидасп ёнида македон армияси билан-хинд қўшинлари ўртасида жанг бўлади. Ҳинд армиясининг жаиговар филлари бўлиб, македон армиясининг отлари улардан ж^/да кўрқарди. Бироқ филларга қарши курага чораси топиладй. Македонлар уларнинг орқа томбнидан писиб бориб, оёқ пайларини қирқиб ташлайдилар. Македонлар ғалаба қозонадилар. Александр хинд подшоликлари территорияларини Македониядан туриб бошқариш мумкин эмаслигини жуда яхши тушунарди, шунинг учун у хинд сз^лтонларига уларнинг подшоликларини қолдиради. Бу давлатлар Македониянинг вассал подшоликлари бўлиб қолади.

Александр Ганг водийсига жилиш ниятида эди, лекин унга етиб боролмайди. Бу вақтда ёгингарчилик палласи бошланган эди. Македон аскарлари безгак ва бошқа касалликлар билан оғрий бошлайдилар. Македон армияси Ганг водийсиГа Александрга эргашиб боришдан бош тортади.

Шундай қилиб, Александр армияси фақат Ҳинд' ирмоғи Гифасистгача бориб, шундан сўнг; орқага қайтишга мажбур бўлади.

15. Юришдан қайтиш. Александр янги мамлакатлар орқали қисқароқ ва қулайроқ йўл топишни истарди. Унинг буйруғига биноан кемалар қурилади. Македон армияси шу кемаларга тушиб Ҳинд дарёсидан Ҳинд океанигача сузиб боради. Сўнгра армия иКки қисмга бўлинади. Курукликдаги бир қисми Александр бошчилигида кимсасиз Гедрозия чўли орқали йўл олади, иккинчи қисми Александрнинг ёрдамчиларидан бири бўлмиш Неарх бошчилигида кемаларда Ҳинд океани, Эрон кўрфазидан сузиб ўтиб, Фрот орқали Вавилонга чиқиши лозим эди. Александр Вавилонни ўзининг улкан монархияси учун пойтахт қилиб танлаган эди.

Македон армияси Гедрозия чўли.орқалий ҳаракат қилганда маҳаллий аҳолига Ҳинд океанининг бутун соҳили бўйлаб армик ўтадиган.йўлда қудуқлар казиб қўйиш ёки идишларда сув тўлдириб қўйиш буюрилган эди. Яекин бу ишларнинг биттаси ҳам қилинмади. Иссиқ шамол одамларни қумга қўмиб ташларди. Сув ва озуқа тамом бўлади. Македон армияси ҳеч бир жангда

Лу ҳалокатли чўлу биёбондан ўтилгандагидек кўп одамни нобуд қилмаган эди. Сафда армиянинг учдан бири қолади.

Кўшин чўлдан ўтиб серхосил Кармонияга киргандан кейин мълум бўлдики, Александрнинг флоти Ҳиндокеанида бўрондан югтик шикастланибди, кемаларда сузиб борган матрослар ва солдатлар эса ташналикдан ҳалок бўлишибди, чунки уларнинг ичадиган суви йўқ эди. Армиянинг ҳар иккала қисми ниҳоят кўшилиб Вавилонга келишди. Бу юришнинг тамомланиши эди. Шундай қилиб, юриш 10 йил — эрамиздан аввалги 334 йилдан-324 йилгача — давом этди.

16. Александр Македонскийнинг давлати. Шарқий юриш вақтида Греция билан Шарқ ўртасида янги савдо алоқалари пайдо бўлди, Болқон ярим оролидан тортиб то Ҳиндистон территориясигача янги улкан давлат ташкил топди. Бу давлат ўз ҳажми-жихатидан Эрондан устун турарди. У энди бошқача идора қилинарди. Александр илгаригидек сатрапияларга (округларга) бўлинишни қолдирди. Бу округларнинг тепасида сатрапияларнинг ҳокимлари туришарди, улар одатда шарқ халқларининг вакиллари эдилар, аммо улар сатраплар каби ўзига мустақил ҳокимлар эмас эдилар, балки ўша сатрапияда истиқомат қилувчи. македон ноибига бўйсунилари лозим эди. Ҳар бир округ Александрнинг марказий ҳокимиятига итоат қиларди, Александр ҳар бир округнинг ишларига шахсан аралашарди ва баъзан сатрапларни мансабдан олиб ташлаб, қатл этарди. Порахўрликни ва аҳолидан қонунсиз сойқлар олишни илдизи билан қуритишга эътибор бериладиган бўлган эди.

Юришдан кейин Александр сафарнинг тамомланишини муносиб равишда байрам қилишга қарор қилди. Бу байрамни илгариги пойтахтларидан бири Сузада ўтказиш белгиланди. Байрамда ҳамма аскарлар ва маҳаллий аҳолининг кўп қисми, биринчи; галда аристократлар иштирок этдилар. Байрамда фавқулодда тўй ўтказилади. Ун минг аскар маҳаллий аёлларга уйланади.

Шарқий юришдаги ғалабани байрам қилгач, Александр ўз монархиясининг ички ишлари билан ҳамда ўзи азму қарор қилган ғарбий юришга тайёрланиш билан шуғулланади.

Лекин шу вақтда Описда македон аскарларининг қўзғолон бўлади. Гап шундаки, Александр ўз аскарларини муқофотлаб уларига—Македонияга юборишга қарор қилган эди; Македониядан эса янги кўшин келиши керак эди. Лекин аскарлар кетишдан қатъий бош торгадилар. Улар тўпланиб тура берадилар ва Александрга, биз сени бойликка, ҳокимиятга ва ғалабага эриштирадик, энди ҳаммасига эга бўлганингдан кейин бизни ҳайдаб қутулмоқчимисан, дейдилар. Александр бу вақтда форслар билан зиёфатхўрлик қилиб, аскарларига жўрттага, мен сизларга муҳтож эмасман, деган ишорани қилган эди. Лекин аскарлар Александрни чақириб чиқадилар, у нутқ сўзлаб, мен македон кўшинини ееваман, аммо бу кўшин ношукурлик қияпти, дейди». У аскарларта қараб яна дейдики, мен сизларни Македонияга

хайдамайман, ким қолишни истаса шу ерда қолаверсин. Шундам кейин тинчлик ўрнатилиб, қўшинлар Шарқда қолишган.

Эрамиздан аввалги 323 йилда Македония ноиби Антипатр Александрдан, ноибликни қолдириб, янги қўшин билан менинг хузуримга келинг, деган буйруқ олади. Бу иш Александриипг онаси Олимпиаданинг хохиши билан қилинган эди.

Александр Вавилонга келади.⁸ Бу вақтда Антипатр ўз ўғилларини қўшин билан унинг олдига юборади, ўзи эса Македонияда қолади. Антипатр ҳам, унинг ўғиллари ҳам Александрнинг буйруғидан норози эдилар. Антипатр Македониянинг хокими бўлиб қола бериш учун ҳамма чорани кўради.

Антипатрнинг кичик ўғли Иолла катта зиёфат бериб, зиёфатга Александрни ҳам таклиф этади. Зиёфат уч кун давом этади. Зиёфатдан қайтиб келгач, Александр оғир касал бўлади. Ун иккинчи кун кечқурун у вафот этади. Бу маҳал Александр 33 ёшда эди.. Афтидан, у захарланган бўлса керак.

Александрни дафн этиб улгурмасдан унинг лашкар бошилари ва ёрдамчилари ўртасида. низо-талаш бошланиб кетади. Ниҳоят, Александрнинг шахсий соқчиларидан бири Пердикка регент қилиб тайинланади ва вақтинча давлатни идора қилишга киришади.

Александрнинг юришлари истилочилик характерида бўлишига қарамай, македонлар тузган янги давлат ўз экономикаси, сиёсий тузуми ва маданияти жиҳатидан, шубҳасиз, қадимги Эронга нисбатан анча прогрессив бўлган.

XVII BOB

ЭЛЛИНИСТИК ДАВЛАТЛАР

1. Эллинизм тушунчаси. Эллинизм даври деганда Греция, Македония, Шарқий Урта денгиз мамлакатлари, Эрон, Урта Осиёва уларга туташувчи районлар тарихининг Александр Македонский истилоларидан кейинги қарийб 300 йиллик даври тушунилади. Бу давр эллинистик мамлакатларни ғарб томондан Римнинг, шарқ томондан Парфиянинг забт этиши билан томонланади. Эрамиздан аввалги 30- йилни эллинизм даври тарихини тугалловчи анъанавий сана деб ҳисоблайдилар, чунки худди шу санада Птолемейларнинг сўнгги мустақил эллинистик подшолиги (Миср) Рим томонидан забт этилганэди. «Эллинизм»терминини биринчи бўлиб бундан юз йилдан кўпроқ вақт илгари немис тарихчиси И. Дройзен ишлатган эди.

Эллинизм даврининг буржуа историографияси замонавий тусга кирмоқда. Грек-македон истилолари одатда «маданий капиталистик» Ғарбнинг «қолоқ феодал» Шарққа ҳужуми деб қаралади.

Совет тарих фани эллинизм даври шаркий — Урта денгиз кулдорлик жамиятининг ва унга туташувчи ҳамда у билан маҳкам алоқада бўлган Эрон ва Урта Осиё территориялари тараққийоти тарихида бир давр эканлигини кўрсатди. Сўнгги вақтгача шундай тарихида бир давр эканлигини кўрсатди. Сўнгги вақтгача шундай тарихида бир давр эканлигини кўрсатди. Сўнгги вақтгача шундай тарихида бир давр эканлигини кўрсатди. Сўнгги вақтгача шундай тарихида бир давр эканлигини кўрсатди.

Эллинизм даври қадимги грек ва қадимги шарқ социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларининг маҳкам қўшилиб кетиши ва бир-бирига таъсир кўрсатиши давридир. Айни вақтда грекларнинг Яқин Шарқни илгари мисли кўрилмаган микёсларда колонизация қилиши юзага келади. Собик Эрон истибдодий территориясида катта-катта эллинистик монархиялар пайдо бўлиб, улар қадимги грек полисларини ҳам, маҳаллий қабилаларнинг иттифоқларини ҳам, қадимги шарқ хунармандчилиги ва савдо марказларини ҳам ўзларига қўшиб оладилар ёки ўз таъсирларига бўйсундирадилар.

Усиб бораётган товар ишлаб чиқариши шароитида кулдорлик ҳамда маҳаллий аҳолининг турли қарам қатламларини эксплуатация қилиш кучайиб кетди, улар орасида лсамоа аъзолари бўлган деҳқонлар айниқса кўп эди.

Совет тарихчиларининг сўнгги йилларда қилган ишлари нуктаи назаридан қараб, эллинизм даврининг тавсифини аниқлаш мумкин. Тўла асос билан бу даврни Урта денгиз кулдорлик жамиятиинг ва Шарқда унга туташувчи территорияларнинг тараққийотидаги олий босқичнинг бошланишининг маҳаллий конкрет варианты деб ҳисоблаш мумкин, бу жамият кейинроқ, Рим ҳукмронлиги замонларидаёқ узил-кесил тамоматига етди. Эллинизм даври учун, айниқса эрамаиздан аввалги II ва I асрлар учун характерли нарса шуки, бу даврда синфий кураш кескинлашиб, натижада деҳқонлар ва хунармандлар оммавий равишда ўз жойларини ва қасб-корларини ташлаб кета бошлайдилар, деҳқонлар, хунармандлар ва кулдорларнинг оммавий қўзғолонлари эллинистик давлатларни туб негизларигача ларзага келтиради. ,

Бизнинг замонамизгача етиб келган манбаларда эллинизм даврининг тарихи бир текисда ёритилмайти. Даврнинг қисқача обзори Помпей Трогнинг тарих конспектида сакланиб қолган бўлиб, бу конспектни мазкур автор тасвирлаган воқеалардан бир неча аср ўтгандан кейин Юстин тузган. Эрамаиздан аввалги IV асрнинг охири Диодор ёзган, эрамаиздан аввалги III асрнинг охири ва II асрнинг биринчи ярмини Полибий ёзган. Римнинг

Шарққа қилган агрессияси муносабати билан эллинистикдапллт лар ҳаётининг сўнгги асрини Ливий билан Апниан ёзган. Оин далардаги ёзувлар эллинизм даври учун ғоят муҳим аҳамиятт эгадир, Миср учун эса, бундан ташқари, қўшни эллинистик мамлакатлардаги ижтимоий-муносабатларни билвосита ёритувчи «ўпдан-қўп папируслар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Қирқ йилдан ошиқ давом этган ўзаро урушлардан ва ўзаро урушлар даврининг охирида галатлар босқини қайтарилгандаи кейин, фақат эрамиздан аввалги III асрнинг 70-йилларидагина, «исбатан осойишталик замони бошланди. Александр Македонскийнинг парчаланиб кетган давлати территориясида асосий эллинистик давлатларнинг чегаралари узил-кесил белгиланиб расмийлашди.

2. Эллинистик Миср (Птолемейлар подшолиги). Энг қудратли эллинистик давлатлардан бири Миср эди. Унияг пойтахтп Александрия энг йирик порт, Шарқий Урта дегизнинг савдо-хуяармандчилик ва маданий маркази эди. Папирусларда ёзилган ғоят кўп амалий, расмий ва хусурий ҳужжатларни Мисрнинг курук замини¹ биз учун сақлаб келган. Бу ҳужжатлар мазкур давлатнинг социал-иқтисодий ва сиёсий муносабатларини, маъмурий системасини ва ҳаётининг бошқа томонларини хийла муфассал ёритади ва шу билан бирга биринчи манбалардан ўрганишга имкон беради. Бизда эллинистик дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакати тўғрисида бундай маълумотлар йўқ. Шунинг учун айрим эллинистик мамлакатлар тарихининг обзорини Птолемейлар жамияти ва давлатининг тавсифидан бошлаш ҳаммадан кўра фойдалироқдир. Унинг асосий территорияси—Нил ҳавзаси ва Нил водийси (хора)—энг эскича номларга¹ бўлинишни сақлаб қолган. Ҳар бир ном тепасида подшо томонидан тайинланган стратег турган. Номнинг девонхонасини ва архивини мирзо — мунший (подшонинг бош котиби) идора қилган. Номнинг молия ва хўжалик маъмурияти тепасида иқтисодчи турган. Маъмурий жиҳатдан номлар топархияларга, топархиялар эса комаларга (қишлоқларга) бўлинган. Мисрликлар фақат энг паст лавозимларни эгаллай олганлар. Масалан, қишлоқ оксоқоли — комарх ва қишлоқ мирзоси—кома котиби каби лавозимлар. Юқорироқ лавозимларни греклар ёки эллинлаштирилган бошқа ажнабийлар ишғол қилган.

Мисрнинг асосий территориясида уч грек шаҳри: Александрия, Птолемайда ва Навкратис жойлашган.

Ҳашаматли пойтахт Александрияда дабдабали маҳаллалар билан хароб'а паст кўчалар қўшилиб кетган эди. Бу хароба кўчаларда турли қабилаларга маисуб меҳнаткаш камбағаллар истиқомат қилар ва улар имтиёзли озчиликнинг, яъни одатда македон ва греклардан иборат Александрия граждaнларининг хизматини қиларди.

¹ Ном — вилоят маъносида (ред).

Лександрияда подшо саройи бор эди. Подшо саройига ман-К амалдорлар подшонинг маслахатчилари эдилар ва подшо-ПШ «кариндошлари», «дўстлари» ва шу каби фахрли унвонга • Р эдилар.. Улар орасидан подшо катта амалдорларни тайиндирди. Булардан энг каттаси бутун молия маъмуриятининг сар-Кри — диюкет (бошқарувчи) бўлиб, у мамлакатни идора қилиш чча подшоинг ўнг кўли эди. Подшо ва малика илоҳийлаштирилган эди.

Птолемейлар давлати Мисрдан ташқарида бир қанча территорияларга эга эди. Улардан асосийлари Африкада Мисрнинг арбида Киренаика, Осиёда Кипр ороли, Жанубий Сурия, Финикия, Кйчик Осиёнинг жанубидаги ва ғарбидаги соҳилнинг анча қисми ҳамда унда жойлашган грек шаҳарлари ва.Эгей денгизидаги оролардан иборат эди.

Бу мулклар одатда ўз маҳаллий бошқармасини сақлаб қолган бўлса-да, птолемейлар ноибларининг назорати остида иш олиб борарди. Птолемейлар катта флотга эга бўлиб, эрамиздан аввалги III асрда Урта денгизнинг шарқий қисмидаги денгиз йўлларини назорат қилардилар ва Қизил денгиз орқали Шарққа бориладиган денгиз йўлини ўз қўлларида сақлардилар.

Қадимги Миср анъанасига биноан ва истилочилик- ҳуқуқига кўра Птолемейлар бутун Миср ерининг эгалари эдилар. Ерушталарининг ҳақиқий эгалари" корандалар деб қараларди ва ердан фойдаланганлари учун турли солиқлар, тўловлар тўлар ва турли мажбуриятларни бажарардилар. Аҳолининг имтнэзли табақалари солиқларга шам-тўлардилар ва мажбуриятлардан пул • бериб қутулишлари мумкин эди.

Миср ерларининг анча қисмини дехқонлар подшо молня маъмурияти—4Неа¹ ИдирНеаттага¹ТТГДМс¹тийс¹тида ишлардилар ваНэутр¹*¹лар хуж¹дишу¹д.хами,шд 5ПОДШолик ери» деб аХ¹-^{алл.т¹} -Миср ер¹г¹ирвдинг иккинчи қисгкЖП¹подшо а¹сарларТаТкохиггларга, амалдорларга ва шу қабиларга фойдаланиш учун берарди. Эрамиздан аввалги III асрда бу хилдаги ерлар кимга тегишли бўлишига қараб клерухлар ери, ибодатхона ери, инъом қилинган ер деб аталарди, эрамиздан аввалги II асрда эса улар умумий ном билан кечиб берилган ер деб аталадиган бўлди.

Асосий аҳоли оммаси—миср дехқонлари (хужжатларда лаон—одамлар деб аталувчилар)данваподшо дехқонлари¹ (базилка георга деб аталувчилар) дан иборат эди. Улар кишлоқдл яшардилар ва расман жамоа ташкилотини сақлаб келардилар, жамоа ташкилоти ҳуқумат учун қулай эди, чунки у солиқларни йиғиб олишни, дехқонларни ва хунармандларни турли натура мажбуриятларини бажаришга жалб этишни осонлаштиради. Дехқонларга эса бу ташкилот энди жабр қила бошлаган эди.

¹ «Подшодехқонлари» составида подшо ерини ижарага олган бойлар ҳам бор эди. Лекин бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг асосий оммаси (подшо дехқонлари) лаойдан иборат эди.

Кўп д^хконлар ўзқишлоқларидан кетиб, бошқа жойларда яшамокда ва ишламокда эдилар. Дехқонларни ердан . фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун подшо билан маълум муддатда шартнома тузишга мажбур қилардилар. Шартлар* бир томонлама—подшо молия маъмурияти томонидан белгиланар эди. Шартномалар вақт-вақти билан ёппасига қайта тузиларди.

Дехқонлар асосан бугдой экар эдилар, бундан ташқари зиғир ҳам экиларди, зиғирнинг пояси газлама тўқишга кетса, донк мой олишга ишлатиларди; яна турли хилдаги мойли экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиларди. Экиш учун уруғликлар қарз тариқасида давлат омборларидан бериларди. Экинни экиш, парвариш қилиш ва ўриб-йиғиб олиш подшо молия маъмурияти ва полициянинг қаттиқ назорати остида ўтарди. Хосилни йиғиб олгач, подшо дехқонлари уни энг яқин подшо хирмонига олиб боришлари ва у ерда ҳам назорат остида уни яичишлари ҳамда шу ернинг ўзидаёқ кўпдан-кўп натура билан тўланадиган солиқларни тўлашлари лозим эди. Бу солиқларнинг энг каттаси экфорион, яъни ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган рента-солиқ эди. Подшо дехқонлари қарзга олган уруғликларипи қайтаришлари керак эди. Ҳамма тўловлар тўлаб бўлинганда кейин хосилнинг қолгани расмий равишда^«озод бўлиб», упи расмий терминология билан айтганда «соф даромад» тариқасида дехқон подшо хирмонидан уйига олиб кетиши мумкин эди. Бу хосил жуда деганда дехқоннинг ярим оч-ярим тўқ яшашига зўрға етадиган ўлмас овқат эди. Шунинг уч^ш дехқонлар оммаси.ўзхўжалигини юритишга қизиқмас, подшо маъмуриятига пассив қаршилиқ кўрсатарди.

Подшо томонидан подшолик ерларидан олинган дои чет элгз чиқариларди ва асосий меҳнаткаш аҳолининг қашшоқлашгйга хисобига подшонинг асосий даромадини ташкил этарди.

Подшолик еридан ташқари, клерухлар, яъни колонист-аскарлар ерлари ҳам кўп эди; бу мустамлакачи аскарлар ўз хизмат-лари учун подшоликдан қўшин тўрига ва лавозимига қараб турли миқдорда ер участкалари олардилар. Клерухлар энг оғир рента-солиқни — экфориопни — тўламас эдилар ва ер участкаларининг катта қисмига ўз хоҳишларича истаган экинни экар олардилар. Клерухларнинг ерларида кўпинча дехқонлар ва куллар ишларди, чунки клерух ўзи ҳарбий хизматда банд бўларди.

Ибодатхона ерлари яна кўпроқ имтиёзли эди, бундай ерлар Мисрнинг ҳамма жойида бор эди. Ибодатхона ерларидан келадиган солиқлар кохинлар ихтиёрига тушарди ва улар бу солиқларнинг маълум қисмини подшо хазинасига топширардилар. Ибодатхона ерларида подшо дехқонлари ва турли хилдаги ибодатхона куллари ишлардилар. Ибодатхона ерларида қадим замонлардан бери шундай хўжалик ривожланиб келардики, бу хўжалик кўп жиҳатдан птолемейлар подшолиги хўжалиги учун намуна эди. Ибодатхона ерларининг кўп қисми кохинларнинг хоҳишлари билан экиларди.

Олий социал категориядаги ерлар инъом ерларидан иборат Оўлиб, бу ерларнинг эгалари солиқлариинг анча қисмини тўлашдан озод қилинган эдилар. Инъом ерлар катта-катта участкалар билан (10 минг арурагача¹) турли амалдорларнинг тасарруфига бериларди. Уларнинг мураккаб комплекс хўжаликлариди подшо деҳқонларидан бўлган ёлланма батрақлар ва турли хунармандлар ишлардилар. Бундан ташқари, инъом ерларда қишлоқ хўжалигида ва хунармандчиликда қуллар меҳнатидан кўп фойдаланиларди.

Подшо хўжалигида деҳқончиликдан ташқари, ер ости конларини ишлаш, бир неча хунармандчилик ишлари, ички ва ташқи савдо билан ҳам шуғулланарди. Птолемейлар ҳукумати экономиканинг бу тармоқларини қисман ёки тўла монополия қилиб олган эди. Птолемейлар солиқлар ва монополияларнинг кўп қисминий «ким ошди» қилиб маълум муддатда ижарага берардилар. Тўда-тўда бойлар бу ҳуқуқни сотиб олиб, подшо хазинасига энг кўп солиқ йиғиб берар ёки монопол товарларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келган энг кўп фойдани топширардилар.

Монополия қилинган кўпдан-кўп хунармандчилик ишхоналарида қарам хунармандлар—гипотелейслар—ишларди, уларнинг ижтимоий аҳволи кўп жиҳатда*н подшо деҳқонлариини энг паст табақасининг аҳволини эслатарди.

Птолемейлар истило қилинган ерлардаги деҳқонлар ва хунармандларни бевосита қулдорлик методлари билан эксплуатация қилиб, сотиб олинган қулларга унчалик муҳтож эмас эдилар. Бинобарин, бундай қуллар Мисрда масалан, Греция, Пергам, Финикия, СурияДагига нисбатан хийла кам эди. Бу ҳол Птолемейлар давлатида қулдорлик жамиятининг маҳаллий хусусияти эди.

3. Салавкийлар **подшолиги**. Эрамиздаи аввалги III асрда эллинистик дунё территориясининг кўп қисмини Салавкийлар давлати назорат қиларди. Уз составининг мураккаблигига кўра бу давлат Птолемейлар давлатига қараганда анча кейин писбатан барқарорроқ чегараларда ташкил топди.


Салавкийлар Урта денгизни Урта Шарқ мамлакатлари билан боғловчи қарвон ва сув йўлларида ҳукмронлик қиларди.р ва Марказий Осиё ҳамда Ҳиндистон орқали ҳатто Хитой билан савдо-сотик қилардилар. Бу савдо-сотикда Салавкийларнинг Птолемейлардан иборат рақобатчилари бўлиб, улар Жанубий Суриядаги ва Қизил денгиздаги савдо йўлларини ўз қўлларида сақлардилар. Дастлабки вақтларда Салавкийлар Месопотамиянинг шарқ томонида — Эрон ва Урта Осиёда кенг территорияларга эгалик қилардилар ва бу территориялар Ҳиндистонга бориб тақаларди. Салавкийлар давлати қабила ва халқларнинг қурамаси бўлиб, ўзига ном қилиб оладиган бирон асосий элати

¹ Арура 0,2756 гектарга баравар келарди.

йўқ эди ва бинобарин, мамлакатни' идора қилувчи подшо сулоласи номи билан машхур эди.

Давлат тузилишида Салавкийлар, Птолемейлар сингари, махаллий ва грек-македон тажрибасидан фойдаландилар. Улар мзъмурий жиҳатдан сатрапияларга бўлинишни саклаб қолдилар ва лекйн уларнинг тепасига подшо ноиблари бўлмиш стратегларни бош қилиб қўйдилар. Сатрапиялар <гиппархияларга бўлиниб, уларнинг тепасида гиппархлар бош бўлиб турарди. Эллинистик Мисрда бўлгани сингари, бутун мамлакат грек шаҳарларига ва хорага бўлинади. Хоранинг бутун ери принцип жиҳатдан подшолик ёри эди. Лекин Салавкийлар давлатидаги грек шаҳарлари ва хоранинг состави Птолемейлар давлатидагига иисбатан анча мураккаб эди. Салавкийлар ўз давлатини мустахкамлаш мақсадида грекча типда кўп шаҳар-қалъалар барпо этдилар ва курдилар. Бу Шаҳар-қалъалар Эгей денгизидан тортиб, то Ҳиндистонгача бутун мамлакатда савдо ва стратегия йўлларида қурилгаи эди. Шаҳарларда грек полисининг тўла ёки қисмий ташкилоти бўлиб, бу ташкилотлар, Птолемейлар давлатида бўлгани сингари, пировард натижада подшога қарам эдилар. Айрим грек шаҳарлари каттагина савдо хунармандчилик ва маданият маркази эдилар.'

Салавкийлар давлатида хора туб подшо ерларидан иборат бўлиб, бу ерларни қарам жамоачи деҳқонлар ишлардилар ва улар ҳам лаой деб аталардилар. Улар ўз участкаларида подшо молия маъмурияти чиповникларининг назорати.остида ишлар ва ҳссилнинг ўндан бнринн подшога тўлардилар. Уларнинг ғазнага тўлайдиган асосий тўлови птолемейларнинг экфорионидан кам-



Апомеянинг асосий кўчаси.

ИЖ эди, бунинг сабаби шу.эдики, Салавкийлар ўзларининг ғоят улкан территорияларини, Птолемейлар сингари, ўзлаштира ол-Иаган эдилар, шунинг учун улар асосий аҳоли оммаси билан кўп /1,;)ражада ҳисоблашишлари лозим эди.

Эллинистик Мисрда бўлгани сингари, Салавкийлар давлати-да ҳам турли категориядаги кечиб берилган ерлар бор эди. Бу •грларнинг эгалари улардан Птолемейлар давлатидагига кара-ганда хийла мустақилроқ фойдаланар эдилар. Маҳаллий қадимий ибодатхоналарга тегйшли бўлган ва_ мўътабар кохин-лар томонидан бошқариладиган территориялар алоҳида аха-миятга эга эди. Бу территориялардан кўпи амалда ўзига мўста-қил эди. Ибодатхона территорияларидан ташқари, маҳаллий династиялар бошқарадиган қабила ва давлатбирлашмаларихам муҳим роль ўйнардилар. Салавкийлар ҳукумати ҳам уларнинг мададига умид боғларди.

Бутун мамлакатни Оронтдаги Антихияда турувчи подшо ва подшо сарой аҳли бошқарарди. Мисрда бўлгани сингарн, Салав-кийлар династиясишгаг подшолари ва маликалари ҳам илохий-лаштириларди. «Ишлар мудирини» унвонига эга бўлган амалдор подшонинг бевосита ёрдамчиси эди.

Македонлардан, грёклардан ва турли эллинлаштирилган эле-ментлардан иборат армия хамиша Салавкийларнинг бош таянчи эди. Салавкийлар грек шаҳарларининг имтиёзли граждaнларива ҳарбий манзиллар—катойкияларда истикомат қилувчи граждaн-лардан ташқари, эллинлаштирилган чиновникларнинг сертар-моқ армиясига, маҳаллий ер ва савдо аристократиясига, кохин-ларга ҳам таянарди, Греция, Сурия, Финикия. ва Мссонотамия шаҳарларида антик куллик формалари ривожлангап эди. Катой-кияларда — ҳарбий манзилларда — клерухларнинг ерларида ҳам куллик ривожланган эди. Ибодатхона хўжаликларида энг эски ибодатхона қуллари билан бир қаторда сотиб олингап куллар сони ҳам кўпайиб борарди. Солиқларнинг кўпини Салагн<ийлар пул билан йиғиб олишни афзал кўрардилар, аммо эиг муҳим со-лиқлар масалан, ер солиғи натурал шаклда олинарди. Салавкий-лар давлатидаги солиқ системаси Птолемейлар системасига ўх-шашэди, Кулдорлар антиКуллардан ва қадимгишарқ типидаги куллардан ташқари, маҳаллий дехқон аҳолиси (лаой)пи ҳамэкс-плуатация қилардилар, мазкур дехқонларнинг бусиз ҳам оғир аҳволй истилочилар кўлида яна баттарроқ оғирлашган эди..

Салавкийлар давлатининг чегаралари ҳеч қачон барқарор бўлган эмас. Эрамиздан аввалги III асрнинг ўрталарида Салав-кийлар Эронни ва Урта Осиёни кўлдан берган эдилар.

4. Грек-Бақтрия подшолиги. Салавкий хмакедон-грек армия-сннинг маҳаллий аристократлар мадади билан кўтарган кўзғо-лони натижасиДа Урта Осиёда мустақил Грек-Бақтрия эллини-стик подшолиги ташкил топди. Деярли айни бир вақтда бу кодшоликнинг ғарб томонида, Каспий денгизи билан Эрон кўрфа-зи орасида, Эрон территориясида маҳаллий қабилаларнинг эл%

линистик истилочиларга қарши қўзғолони бўлди. Махаллш"» аҳолининг антиэллинистик озодлик курашининг натижаси ўларок мустақил Парфия подшолиги ташкил топди. Эхтимолки, бу антиэллинистик қўзғолон Салавкийларнинг Бактриядаги ноиб Диодотга ўзининг узокдаги, шимолий Сурияда турувчи султоига қарши бош кўтаришга ва мустақил ҳукумат тузиш ёрдам билан ҳукмрон синфнинг грек-македон юқори табақасининг мазкеини мустаҳкамлашга бир боис бўлгандир. Бу эса Бактрия аристократияси учун ҳам маълум даражада манфаатли эди, бинобарин, бу аристократия Диодотга мадад берган эди. Бошқа эллинистик подшолар сингари, Диодот ҳам армияга таянарди.

Грек-Бактрия подшолиги тарихига доир манбалар кам ва узук-юлукдир. Унинг тўғрисида қадимги грек географларида, хинд ва хитой ёзувчиларида маълумотлар учрайди. Археологик материаллар, жумладан танга-чақалар Грек-Бактрия тарихини ўрганишда катта роль ўйнайди.

5. Пергам подшолиги. Салавкийлар давлати ташкил топаётган даврдаёқ унинг ғарб томонида бир неча кичик-кичик давлатлар ажралиб чиққан ёки ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб олган эди. Улар орасида эрамиздан аввалги III асрда айниқса эллинистик Пергам давлати кўзга кўринарли роль ўйнай бошлаган эди.

Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмида Болкон ороли, Қорз денгиз бўйлари билан Эллинистик Шарқ ўртасида жойлашган Пергам подшолиги эллинистик дунёнинг каттагина еавдо-хунармандчилик ва маданий маркази эди. Серхосил ерлар кишлок хўжалигини ривожлантиришга ва ундан ғоят катта фойда кўришга имкон берарди.

Подшолыкнинг пойтахти Пергам шаҳри расман грек полиси хисобланар ва хўжакўрсинга унинг муассасаларидан нусха кўчирарди. Пергам шаҳри аҳолисининг имтиёзли қисми Пергам гражданларидан иборат эди. Мамлакатнинг қолган қисми, бир неча грек шаҳарларидан ташқари, хора-кишлоқ жой эди. Унинг кўп қисмини подшолик ери ташкил этарди. Бу ерларда қарам қўшчй дехқонлар ишлардилар. уларнинг аҳоли Мисрдаги подшо дехқонлари аҳолини эслатарди. Лекин Пергамда Птолемейлар давлатидан фарқли ўларок, кўпдан-кўп подшолик устахоналарида антик қуллар ишлардилар. Пергам подшолиги эллинистик мамлакатларнинг ишлаб чиқаришида қуллар меҳнатидан фойдаланиш маъносида энг таракқий қилган давлатлардан бири эди.

Эрамиздан аввалги III асрнинг биринчи ярмида Пергамда махаллий Атталиейлар грек династияси қарор топди.

6. Македония. Европадаги аҳвол Яқин Шарқдаги аҳволдан бирмунча фарқ қиларди. Вайронгарчилик урушлари ва бу урушларнинг Македонияни Яқин Шарқ дунёси воқеаларининг энг алғов-далғовли гирдобига тортиши унинг социал ва сиёсий таракқиётига таъсир кўрсатди. Аҳолининг Шарққа кўплаб кетишв натижасида мамлакат заифлашиб қолган эди.

Македонияда аграр муносабатлар шарқий эллинистик давлатлардан фарқли ўлароқ антик мулк формасида ривожланиб борди. Бирок Македонияда ҳам подшолик ерлари бор эди. Бу ерларнинг бир қисмини подшо аскарларга ва хизмат кўрсатган, подшонинг «дўстлари» деб аталган аристократларга кечиб берган эди. Эски македон «гетайрлари» энди подшонинг «дўстлари»га айланган эдилар. Бирок македониялик амалдорлар фақат подшолик ерларидагина участкаларга эга бўлмай, шу билан бирга ўзларининг хусусий ерлари ҳам бор эди, бу эса уларга подшога нисбатан бирмунча мустақил мавқени эгаллаш имкониятини берарди. Бу ҳол жумладан армиянинг ахамиятига ўз таъсирини кўрсатарди. Масалан, аскар бошилар тахт ворислиги масалаларини ҳал этишга таъсир кўрсатар эдилар.

Мамлакатни идора қилиш подшо қўлида бўлиб, у лашкар бошилик ва маъмурлик вазифаларини ўз зиммасига жамлаб олган эди. Унинг маслаҳатчилари «дўстлар»дан, яъни подшо саройи аъёнларидан иборат амалдорлар эди. Лекин Македонияда подшони илоҳийлаштириш ва шу муносабат билан унга сиғиниш йўқ эди.

Македония ташқи сиёсатининг асосий йўналиши Грецияда ва Эгей денгизида гегемонликка интилишдан иборат эди.

7. Греция. Македония сингари, Греция ҳам ўз территориясида бўлган кўп йиллик урушлар ва тўнтаришларнинг оғир оқибатларини кечирмоқда эди. Шарққа мухожир бўлиб кетиш муносабати билан аҳолининг аста-секин камайиб бориши натижасида социал кризис заифлашган эди.

Мол-мулкнинг бир тўдагина кулдорлар қўлида тўплана бориши эрамиздан аввалги III асрда ҳам давом этди.

Греция сиёсий ҳаётининг марказлари қисман илгари қолоқ бўлган районларга кўчган эди. Эрамиздан аввалги IV асрдаёқ бошланган полисларнинг ва қабила территорияларининг кичик-кичик катта иттифоқларга бирлашуви эрамиздан аввалги бутун III аср мобайнида ҳам давом этди. Эрамиздан аввалги 367 йилда биринчи марта тилга олинган Этолия иттифоқидан ташқари, эрамиздан аввалги тахминан 280 йилда Македониянинг Грецияда хукмронлик қилиш даъволарига қарши курашда Ахея иттифоқи ташкил топди. Этолия ва Ахея иттифоқлари Грециянинг эрамиздан аввалги III ва II асрлар тарихида муҳим роль ўйнади.

Эрамиздан аввалги IV асрда бўлгани сингари, Македониянинг эллинлар орасидаги социал таянчи ҳамон аҳолининг давлатманд ва бой табақалари бўлиб қолмоқда эди. Бу табақалар ўз мавқелари ва бойликларини ҳимоя қилиш учун македон подшонининг кучли ҳокимиятига муҳтож эдилар. Бирок македон подшо си бирон-бир даражада мустақилликни сўқлаб қолишга ёки локал мустақил бўлиб кўринишга уринган грек полисларининг идора усулининг ва сиёсий ҳаётининг анъанавий формалари билан ҳисоблашишга мажбур бўлди.

Этолия иттифоқининг (эрамиздан аввалги тахминан 367—167

йиллар) туб области Урта Грециянинг ғарбий қисмидаги камбағал ва қоқ тоғли Этолия эди. Аслини суриштирганда этол қабилаларининг иттифоқи кўпдан бери мавжуд эди. Лекин допмо босқинлар хавфи борлиги сабабли бу иттифоқ қайтадап ташкил этилиб, уига қўшилган қўшнилари хисобидан кучайгаи эди.

Этолия иттифоқи федерация эди, яъни унга кирган қабилалар территориялари ва полисларнинг тенг ҳуқуқлиги асосида ташкил этилган эди. Этолиянинг маркази Ферм шаҳри Этолия иттифоқининг ҳам маркази бўлиб қолди. Эрамиздан аввалги IV асрнинг охири ва III асрда Этолия иттифоқи Урта Грециянинг катта қисми ва шу жўмладан Дельфа кирди. Шимолда Фессалиянинг бир қисми, жанубда эса Пелопоннеснинг бир қисми иттифоққа кирди. Эллинизм даври шароитида қадимги грек сепаратизми ана шу тариқа бартараф қилиб борилди.

Этолияликлар ўз мустақиллиги учун ҳамда Элладанинг мустақиллиги учун доимо Македония билан курашдилар. Иккинчи томондан, бу вақтда Греция ривожланган қулдорлик экономикаси шароитида социал жиҳатдан қоқ Этолия иттифоқи тиришқоқ, қароқчи-қулфуруш сифатида ҳам майдонга чиқиб, эллинистик дунёнинг илғорроқ районларига хизмат қилиб турди.

Олий бошқариш органи — халқ йиғини (синод) икки йилда бир марта Фермда йиғилиб турарди. Кузги йиғинда, кеча-кундуз бараварлашгандан кейин, иттифоқнинг олий мансабдор одақлари сайланарди. Иттифоқ тепасида бир йилга сайлаб қўйиладиган стратег турарди. Бир йил ўтиб, унинг вақолати тамом бўлгандан кейингина уни қайта сайлаш мумкин эди. Йжроия ҳокимиятининг кучайиб кетишига йўл қўймаслик учун шундай тадбир қўриларди.

Пелопоннеснинг шимолида 12 кичикроқ ахей манзиллари кўпдан бери иттифоққа бўйлашиб келардилар, бу иттифоқ эрамиздан аввалги IV асрнинг охири учинчи чорагида македон геґемонияси ўрнатилиши билан тарқалиб кетган эди. Эрамиздан аввал тахминан 280 йилда Ахея иттифоқи Македонияга қарши бирлашма сифатида қайтадан бунёдга келди. Этолия иттифоқи сингари, бу иттифоқ ҳам автономия ва барча аъзоларнинг тенг ҳуқуқлиги асосида ташкил этилган бўлиб, тезда ўсиб қудратли федерацияга айланган эди. Ахеянинг Эгион шаҳри иттифоқнинг маркази эди. Эрамиздан аввалги III асрнинг ўрталарида ва иккинчи ярмида Ахея иттифоқи Пелопоннеснинг катта қисмига тарқалган эди. Ахея ва Этолия иттифоқларининг туб территориялари гарчи Грециянинг қоқ областлари қаторига қўшилса ҳамки, Ахея иттифоқининг состави ва унинг социал таянчи Этолия иттифоқидагига қараганда бирмунча бошқачароқ эди. Ахея иттифоқи аввало полислар бирлашмаси эди, аммо улар орасида/асосий ролни ахея полислари эмас, балки унга қўшилган вақўшиб олинган полислар ўйнади, бу полислар орасида кейинчалик Коринф биринчи ўринни эгаллаган эди.

Марказий бошқарма органлари умуман олганда Этолия иттифоқи бошқарма органларига ўхшаш эди. Ахея иттифоқида бой ва давлатманд табақаларнинг таъсири унинг моҳият эътибори билан антидемократик сиёсатига ўз тамғасини босган эди. Бу табақалар, бир томондан, Македониядан ўз мустақиллигини сақлашга интилса, иккинчи томондан, камбағал ва қулларнинг, кўзголокларига қарши македон подшосининг мададига мухтож эдилар.

Ахея иттифоқининг ривожланиши аввал Пелопоннес шаҳарларидан македон гарнизонларини қувиб юборишга олиб келди. Ахейлар 'асосий муваффақиятларни ўзлариининг атоқли сиёсий арбоби, асли Сикион шахридан келиб чиққан стратег Арат раҳбарлигида қўлга киритдилар.

8. Спартадаги аҳвол. **Агис** ва **Клеомен** реформалари. Афина сингари, Спарта ҳам эрамиздан аввалги III асрда грек шаҳарлари ва қабилаларининг иттифоқларига кирмади. Кичкири Спарта давлатида ички аҳвол оғир эди. Социал кризис эрамиздан аввалги III асрда ер мулкларининг юзлаб спарталиқлар хоиадонлари қўлида хаддан ташқари тўпланишига олиб келди. Қолган спарталиқлар ерсиз эди. Спарта зодагонларининг ғоят катта ер мулкларида фақат илотлар эмас, балки сотиб олинган қуллар ҳам ишлардилар. Перизэқлар ва илотларнинг бир қисми ўз ижтимоий аҳволи жиҳатидан эрамиздан аввалги IV асрдаёқ, ҳақиқатда Спарта камбағалларига тенглашарди. Эрамиздан аввалги III асрда Спарта армияси қадимги спарталиқларнинг фалангасига жуда кам ўхшарди, чунки кўпчилиги ёлланма аскарлардап иборат эди.

Спарта давлатининг янада заифлашиб кетишига йўл қўймаслик учун сриал ва сиёсий реформалар ўтказиш зарур эди. «Тубанлашганлар» (спарталиқлар), перизэқлар ва илотлар ўзгаришлар бўлишини талаб қилмоқда эдилар. Реформлар ўтказиш зарурлигини Спарта зодагонларинингбир қисми ҳам тушунган эди. Бу мураккаб социал ҳаракатга Спартанинг ёш подшосн Агис IV бошчилик қилди (эрамиздан аввалги 245—241 йиллар). Эрамиздан аввалги 243 йилда Агис даставвал ўзининг тарафдори эфор Лисандр воситаси билан герусияга мурожаат қилиб, «Ликург тузумини қайта бунёд этишга, қадимги Спарта шон-шавкатини ва у билан боғлиқ бўлган ҳарбий кучни қайта тиклашга» даъват этди. Герусия бу таклифга қарши чиқди, чунки ликург тузумипи қайта бунёд этиш билан бирга ерлар қайтадан тақсимлапиши ва солиқлар бекбр қилиниши ҳам керак эди. Шундан кейин Агис шахсан халқ йиғинига —апеллага — мурожаат қилиб, юзлаб спарталиқ катта ер эгаларидан ерларни тортиб олишии, бу ерларни Лаконияда спарталиқлар учун 4500 участкага тақсимлашни, Лакониядан ташқарида перизэқлар учун 15 минг участкага тақсимлашни ва айна вақтда уларга гражданлик ҳуқуқлари беришни таклиф этди. Бундан ташқари, солиқларни бекор қилиш ҳам* эълон этилди.

Реформага қарши бўлган иккинчи подшо Леонид тахтдан туширилиб, мамлакатдан қувилди. Агиснинг амакиси катта ер эга-

си бўлган, қарзга ботган эфор Агесилай қарзларни бсқер қилишни жон-жаҳди билан амалга оширишга киришди. Аммо қарзларидан қутулган ўша Агесилай ерларни қайта тақсимлашни амалга оширишга турли йўллар билан тўсқинлик қила бошлади. Бу ҳол ерсиз граждaнлар орасида ёш подшонинг обрўсини тўкиб қўйди.

Шу вақт Лаконияга этолияликлар ҳужум қилишди. Агис спарталиқлар отрядига бош бўлиб урушга бориши керак эди. У йўқлик вақтидакатта ер эгалари апеллада (халқ йиғинида) реформаларни бекор қилишга эришдилар. Агис урушдан қайтиб келгач, эфорлар уни ўлим жазосига ҳукм қилдилар, Агис ибодатхонада бекиниб олган эди, эфорлар уни алдаб олиб чиқиб дорга осдилар.

Агиснинг сиёсий душмани подшо Леониднингўғли Қлеомен III (эрамиздан аввалги 235—221 йиллар) Агис IV реформаларини давом эттирди. Шундай қилиб, реформалар қилишга иккинчи уриниш ҳам илгаригидек юқоридан ўтказилди. Қлеомен иккинчи асосан тинч воситалар билан иш қўрган ўз салафининг муваффақиятсизлигини ҳисобга олди ва ҳарбий тўнтариш қилишга тайёрланиш қарорига келди. Бунинг учун у биринчи навбатда ёлланма аскарлардан фойдаланди, чунки унинг армиясининг спарталиқлардан иборат қисми бойларга жуда қарам эди ва шунинг учун қатъиятсизлик қўрсатиши мумкин эди.

Пелопоннеснинг катта қисмини эгаллаган Ахея иттифоки Спарта давлатини ҳам ўз аъзолари қаторига қўшиб олишга ҳаракат қилди. Клеомен ахея қўшинларига қарши чиқди ва ғалаба қилди. Сўнгра у ёлланма аскарлар отряди билан Спартага қайтиб келди ва мажлис қилиб ўтирган эфорларга ҳужум қилди. Клеомен ликург тузуми таъсис этилгандан анча кейин вужудга келган эфоратлиқни коллегия сифатида бекор қилди. Сўнгра у амалда герусияни ҳам бекор қилди, чунки у олигархиянинг таянчига айланиб кетган эди. 80 олигарх қувиб юборилди, Клеомен апелладан мадад олди. Янгидан қарзларни бекор қилиш амалга оширилди. Клеомен ерсиз спарталиқларга ва периэқларга ер тақсимлаб берди, периэқларга граждaнлик ҳуқуқлари инъом, қилинди.

Реформалар натижасида ҳақиқатда клерух аскарлардан иборат армияга бош бўлиб олган Клеомен Пелопоннесни истило қилиш мақсадида ҳужум ҳаракатлари бошлади. Дастлабки вақтда унинг омади келди. Клеоменнинг ғалабалари Пелопоннесда кенг демократик ҳаракатни қўзғаб, Ахея иттифоқида ҳукмронлик қилаётган қулдорлик олигархиясига хавф солаётганлиги сабабли, мазкур иттифокнинг бошлиғи Арат сиёсий йўлини кескин ўзгартди. У Клеоменга қарши ҳарбий ёрдам сўраб, Македония подшоси Антигон Досонга мурожаат қилди. Шундай қилиб, Ахея иттифоқи ҳукмрон олигархиясининг синфий манфаатлари унинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан кучлироқ бўлиб чиқди.

Клеомен Македония ва Ахея иттифоқининг бирлашган қучларига қарши катта урушга тайёрланиш билан бирга реформалар-

ни давбм эттирди. Лекин Спартанинг кучлари унинг душманларининг бирлашган кучларидан кам эди. Эрамиздан аввалги 221 йилда Лакониянинг шимолий қисмида Салласия ёнида Клеоменнинг деярли бутун армияси жангда ҳалок бўлди. Клеоменнинг ўзи омон қолган озгина тарафдорлари билан Мисрга қочди ва кўп ўтмай унда ҳалок бўлди.

Спартанинг бутун тарихи давомида бйринчи марта душман аскарлари томонидан, яъни Антигон Досон кўшинлари томонидан ишғол этилган Спартада Клеомен реформалари бекор қилинди ва олигархия қайта тикланди, аммо подшо ҳокимияти бўлмади. Лакония Ахея иттифоқи составига кириши лозим эди. Бироқ Ахея иттифоқининг ўзи македон подшоси гегемонияси остида ташкил этилган Эллин иттифоқининг бир қисми бўлишга мажбур бўлган эди. Эндиликда Греция, Этолия иттифоқи ва Афинадан ташқари, Македонияга бевосита қарам бўлиб қолган эди. Бу ҳолат Македонияга қарши қайфиятни яна кучайтирди.

Македонияга қарши кураш жараёнида, Урта денгизда халқаро алоқаларнинг тобора кенгайиб бориши шароитида этолияликлар ўзларининг қудратли ғарбий қўшниси Рим билан иттифоқ шартномаси туздилар. Спарта ва унга қўшни бўлган полислар ҳам Македонияга ва Ахея иттифоқига қарши курашда Римнинг мададига кўз тута бошладилар. Бу вақтда Рим шимолий Африкада энг кучли финикияликлар давлати Карфаген билан оғир уруш олиб бормоқда эди. Ғолиб карфаген лашкар бошичи Ганнибал Италиянинг бир қисмини вақтинча забт этган эди. Шундай вазиятда македон подшоси Филипп V Ганнибал билан иттифоқ тузиб, Римга қарши уруш эълон қилди ва лекин мағлуқбиятга учради. Уруш давомида римликлар Грециянинг мустақиллигини ҳимоя қилиш баҳонаси билан Македонияга қарши чиқдилар, бу эса трек аҳолиси ўртасида уларнинг шухратини оширди.

9. Родос. Эрамиздан аввалги III асрда Родос оролидаги грек олигархия давлати энг муҳим савдо маркази сифатида катта аҳамият касб этди. Унинг равнақ топишига боис шу эдики, халқаро иқтисодий алоқалари, хусусан Шарқ билан, Қора денгиз бўйлари ва Сицилия билан денгиз орқали савдо-сотиғи кучайиб кетган эди. Кичик Осиёнинг жануби-ғарбий соҳилида Эгей денгизи билан Урта денгиз қўшиладиган районда қулай вазиятда жойлашган Родос денгиз савдо йўллари кесишиб ўтадиган жойда транзит бекат эди, яъни имтиёзли бекат эди.

Унчалик катта бўлмаган эллинистик давлат Родос ўз мустақиллигини сақлаб келди, муваққат ҳарбий иттифоқларга кирди ва ҳатто муваффақиятли урушлар ҳам олиб борди. Бунинг сабаби шуки, унинг мустақиллигидан деярли барча эллинистик давлатлар манфаатдор эди, чунки улардан ҳеч бири бошқаларининг қаршилик кўрсатиши сабабли Родосни забт этолмас эди.

Эрамиздан аввалги III асрнинг охирларида эллинистик давлатлар ўртасида муносабатларнинг кескинлашуви Родосни Рим билан иттифоқ тузиш йўлини тутишга мажбур этди.

10. Эрамиздан аввалги **III асрда** улуғ Греция ва Сиракуш. Италиядаги грек колониялари эрамиздан аввалги IV асршп охири ва III асрнинг бошларида аста-секин Рим республик.мп ҳокимияти қўли остига ўта бошлади. Фақат Тарент ' Римга катъий қаршилиқкўрсатдиваёрдам сўраб Эпир подшоси Пирр-га мурожаат қилди. Рим билан урушиш Эпир учун муваффақият-сиз бўлиб чиқди ва натижада эрамиздан аввалги 272 йилда Тарент римликлар томонидан забт этилди.

Греklar Сицилияда мустақилликни бирмунча узоқроқ сақладилар. Бунда илгаригидек энг йирик грек давлати ҳамон Сиракуза эди.

Сиракуза мустақиллигининг бу сўнги даврида унда тиран Гиерон II узоқ ҳукмронлик қилди. Унинг асосий ташвиши икки қудратли қўшни давлат — Қарфаген билан Рим ўртасида усталик билан йўл тутиш эди. Биринчи Пуни уруши вақтида ва иккинчи Пуни урушининг бошида (яъни Римнинг Қарфаген билан қилган урушлари) Сиракуза мажбуран Италиянинг иттифокчиси бўлган эди. Римликлар Канн ёнида Ганнибалнинг Қарфаген қўшинлари томонидан дахшатли мағлубийатга учратилгандан кейин ва Гиерон ўлгандан сўнг, Сиракуза, худди македон подшоси Филипп V қилгаидай, Қарфаген билан иттифок тузди.

Римликлар Ганнибал армиясининг айниб бузилишидан фойдаланиб, ҳужум ҳаракатлари бошладилар ва эрамиздан аввалги 211 йилда узоқ камалдан кейин Сиракузани штурм билан олдилар. Рим солдатлари шаҳарни талаётган чокда қадимги дунёнинг энг улуғ олимларидан бири сиракузалик Архимед ўлдирилди.

Сиракуза Рим истило қилган биринчи эллинистик давлат эди.

11. Эрамиздан аввалги III—I асрларда эллинистик давлатлар. Рим ва Парфия истилолари. Энг қудратли эллинистик давлатлардан Селевкийлар подшолиги билан Птолемейлар подшолиги Урта денгизнинг шарқий қисмида ҳукмронлик учуи ўзаро рақобат қилишардилар ва Грецияда актив роль ўйнашга ҳаракат қилардилар. Шу билан бирга улар вақт-вақти билан учинчи буюқ эллинистик давлат — Македония билан мураккаб муносабатлар боғлардир, чунки Македония Эгей денгизи хавзасини доим ўз назорати остида сақлашдан бевосита манфаатдор эди.

Селевкийлар Келесирия (яъни Жанубий Сурия) учун Птолемейлар билан айниқса қаттиқ курашдилар, чунки Хиндистондан ва бошқа Шарқ мамлакатларидан борадиган савдо йўллари Урта денгизнинг шарқий соҳили ёнида тамом бўларди, Селевкийлар эса Суриянинг фақат шимолий қисмига эгалик қилардилар. Птолемейлар ҳам Келесириядан шимолга қараб силжишга интилардилар. Рақобат қилувчи давлатлар ўртасида эрамиздан аввалги III асрда Сурия урушлари деб аталувчи беш уруш бўлиб ўтди.

Эрамиздан аввалги III асрнинг ўрталарида Миср ташки қудрат бобида жуда зўрайиб кетди. Птолемей III Эвергет сулола

нпкохи йўли билан Киренаикани Мисрга қўшиб олди, Селевкий-йар билан учинчи Сурия уруши вақтида эса бутун Финикияни ва Сурияни забт этиб, уларнинг Оррнтдаги пойтахти Антиохия-пи ишғол қилди. Худди шу вақтда Мисрда Птолемейлар ҳокимиятига қарши кўзғолон кўтарилди ва Эвергет Мисрга қайтиб кстишга мажбур бўлди. Кўзғолоннинг ҳажми ва қанча давом этганлиги номаълум. Лекин Эвергетнинг тезда чекинишга мажбур бўлганлиги кўзғолон жиддий бўлганлигини кўрсатади.

Учинчи Сурия урушида мағлубиятга учрагандан кейин ва унинг кетидан бошланган, ички ўзаро урушлар ва кўзғолонлар латижасида Селевкийлар подшолиги бирмунча вақт заифлашиб қолган эди. Бироқ эрамиздан аввалги III асрнинг 30- йиллари охирида, Антиох III тахтга чиққандан кейин, у янгидан кучая бошлайди. Антиох III учинчи Сурия урушидан кейин Птолемейлар ҳокимияти қўлида қолган селевкийлар Сурияси ва Финикия областларини қайтариб олишгагина эмас, балки Мисрни унга қарашли бўлган Келесириядан суриб чиқаришга ҳам уриниб кўрди.

Бироқ, тўртинчи Сурия уруши Антиох армиясининг эрамиздан аввалги 217 йилда Рафия ёнидаги қаттиқ жангда мағлубияти билан тамомланди. Бу жанг эллинистик Мисрнинг сўнги ҳарбий муваффақияти бўлди. Миср аскарлари ғалаба қозондилар. Бу аскарларни Мисрда юз йилдан ошиқ давом этган грек-македон ҳукмронлиги мобайнида биринчи марта ўлароқ Птолемей IV Филопатор кўплаб армияга чакириб, македон фалангасининг ҳарбий санъатини ўргатишга азм этган эди. Армияга чакирилган миср дехқонларини қуроллантириш Рафия ёнидаги ғалабадан кейин орадан кўп ўтмай Мисрда кучли кўзғолонлар туғёнига олиб келди, шунинг натижасида Птолемей IV Сурияда уруш ҳаракатларини тўхтатиб, Антиох III билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Лекин эрамиздан аввалги III асрнинг охиригача Миср Келесирияни ўз қўлида сақлашга ва Урта денгизнинг шарқий қисмида ўз флотининг ҳукмронлигини сақлаб туришга муваффақ' бўлди,

Селевкийлар давлати Кичик Осиёнинг анчагина қисмини эгаллаб олди, ажралиб кетган Парфия ва Бактрияда ўз таъсирини қайта тиклашга уринди ва, ниҳоят, эрамиздан аввалги 200 йилда бешинчи Сурия урушида Птолемей V Эпифанни енгиб, Келесирияни забт этди.

Спартада эрамиздан аввалги 207 йилда ҳокимиятни тиран Набис (эрамиздан аввалги 207—192) забт этди. Агис ва Клеомендан фарқли ўлароқ, у эзилгаштабақаларга таянишга интиларди. Набис қарзларни бекор қилди, ерларни тақсимлаб берди, илотияни бекор қилди, қулларни озод этди. Пелопоннесда Спартанинг шухрати ошди. Набис Македонияга ва Ахея итифокига қарши кураш олиб бораркан, узоқ вақтгача Рим билан дўстона муносабатда бўлди. Лекин римликлар олигархик табақаларга умид боғлардилар, Набис эса демократик сиёсат

юргизарди, шунинг учун римликларнинг Набисга мадад бериб туриши вақтинча эди.


Антиох III Селевкий билан бўлган бешинчи Сурия урушида Птолемейларнинг мағлубиятидан кейин Филипп V Македоний Птолемейларнинг Фракия ва Кариядаги мулкларини забт этди ва йўлакай Птолемейларга қарам бўлган грек полисларини ҳам истило қилди. Лекин Кичик Осиёда у Пергам ва Родоснинг қаршичилигига дуч келди. Афина ҳам Филипп V га қарши бош кўтарди. Бу давлатларнинг ҳаммаси ёрдам сўраб Римга мурожаат қилдилар, Рим ҳам Яқин Шарқ ишларига аралашиб учун баҳона кутиб турган эди. Эрамиздан аввалги 200—197 йилларда бўлган иккинчи Рим-Македония уруши Македониянинг мағлубияти билан тамомланиб, натижада Македония яқиндагина забт этган ҳамма мулкларидан махрум бўлди. Уз сиёсатига содиқ римликлар эллинларнинг Македониядан озодлигини эълон қилдилар ва «озод қилинган» территорияларни талашга киришдилар. Ахея иттифоқининг олигарх бошлиқлари римликлар билан бирга Спарта тиранни Набисга қарши чиқдилар. Эрамиздан аввалги 192 йилда Набис Спартада ўлдирилди, Спарта давлати эса яна Ахея иттифоқининг аъзоси бўлиши керак эди.

Грек аҳолиси демократик табақаларининг римлик истилочилардан норозилиги Антиох III га Птолемейларнинг Осиёдаги мулкларини забт этгандан кейин Грецияни у ерга сукулиб қирган римликлардан «озод қилиш»га уришиб кўриш учун асос бўлди. Лекин у Фермопила ёнида тор-мор қилиниб, Грециядан чекинди ва Кичик Осиёда эрамиздан аввалги 190 йилда Магнесия ёнидаги жангда батамом мағлубиятга учради. Энг катта эллинистик давлат Кичик Осиёдаги мулкларнинг кўп қисмидан ажралди. Бу ерларни Рим ўз иттифокчилари Пергам ва Родосга берди.

Эрамиздан аввалги III асрнинг охири — II асрнинг бошларидан эътибор птолемейлар Мисри секинлик билан муттасил таназзулга кета бошлади.

Эрамиздан аввалги II асрнинг биринчи ярмида энг кучли эллинистик давлат яна Македония бўлиб қолди, бу ҳол Римнинг унга қарши яна агрессия бошлашига сабаб бўлди. Учинчи Рим-Македония уруши (эрамиздан аввалги 171—168 йиллар) римликларнинг Македонияни истило қилиши билан тамомланди. Эрамиздан аввалги 168 йилда Пинад ёнида бўлган жангда македон кўшинлари тор-мор қилинди, сўнгги македон подшоси Персей эса асир тушди ва кейинчалик ҳалок бўлди. Этолия иттифоқи ҳам ўз умрини тугатди. Римликлар билан мағлуб Персей ўртасида воситачи бўлиш истагини билдирган Рбдос эса ўзининг кўп йиллик ролидан махрум бўлди. Римликлар халқаро транзит портини Делос оролига кўчириб, унда кемаларнинг туриши учун бож олинмаслигини эълон қилдилар. ..

Агар Македония билан Селевкийлар давлати Римга қаршч ташқи сиёсат юргизган бўлсалар, Птолемей Мисри Рим билая



Киселтирилешлер:
 АН АНТОНИА
 Д Иерусалим
 М Милет
 ИК НИКОМЕДИ
 П ПЕРГАМ
 Т Трабуун
 Э Эфес

Эр ав. 325 й. Александр Македониялик давлати чегаралари
 Эр ав. 7-ахк. 270 й. Селевкийлар давлати чегаралари
 Эр ав. 1-ахк. 270 й. Помпей давлати чегаралари
 Эр ав. 270 й. Помпей давлати чегаралари

Эр ав. 200 й. Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари

Эр ав. 200 й. Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари

Эр ав. 200 й. Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари

Картада рақамлар билан кўрсатилаган шаҳарлар:
 1 АНТОНИА
 2 АХКЯ ХАТТАУЧИ
 3 ИФЕНДИЯ
 4 ИЕРУСАЛИМ
 5 БАЛЛАКОКЯ
 6 ИКМЕ АМАСТЯС

Мустақил грек давлатлари
 Эллинист давлатлар берло
 Эллинист давлатлар берло
 Эллинист давлатлар берло

Эр ав. 200 й. Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари
 Эллинист давлатлар чегаралари

Эр ав. 325 й. Александр Македониялик давлати чегаралари
 Эр ав. 7-ахк. 270 й. Селевкийлар давлати чегаралари
 Эр ав. 1-ахк. 270 й. Помпей давлати чегаралари
 Эр ав. 270 й. Помпей давлати чегаралари



иттифок бўлишга ҳаракат қилди ва Рим Селевкийларга қаршқ курашда унга ёрдам берди.

Римнинг Македония ва Грецияда ҳукмрошшиги Пидна ёнидаги жангдан кейин орадан йигирма йил ўтгач, эрамиздан аввалги 149—148 йиллардаги кўзғолонга ва Римга қарши урушга олиб келди. Македониялик Андриск ўзини Персей ўғли Филипп деб эълон қилди. Уни Македонияда тезда тан олдилар. Бироқ сохта Филипп тор-мор қилиниб, римликлар томонидан асир олинди ва қатл этилди. Эрамиздан аввалги 148 йилда Македония Рим вилояти бўлиб қолди.

Тез орада олигархик Ахея иттифоки Римга қарши жанг бошлади, Грециянинг ҳамма ерида унга мадад бердилар. Бироқ кучлар тенг эмас эди. Батамом мағлубиятга учраб, ўша вақтда Грецияда энг йирик шаҳар Коринфга ўт қўйилгандан кейин, Ахея иттифоки тамом бўлди, бутун Греция эса эрамиздан аввалги 146 йилда мустақилликни йўқотди.

Шу воқеалардан кейин римликларниег Қичик Осиёга иқтисодий жиҳатдан сукулиб кириши кучайди. Маҳаллий қарам меҳнаткаш аҳолини ва қулларни эллинийзм даври учун хос бўлган дахшатли эксплуатация қилиш эрамиздан аввалги II асрда айниқас кучайди. Оммавий кўзғолон хавфи Пергам қулдорларига таҳдид солмоқда эди, бинобарин, улар қудратли қулдорлар Римининг химоясига ва мададига сиғинардилар. Пергам подшоши Аттал III эрамиздан аввалги 133 йилда ўлиши олдидан ўз подшолигини Римга васият қилиб қолдирди. Орадан кўп ўтмай ўлган подшонинг ўғай биродари Аристоник раҳбарлиги остида камбағал ва қуллар ғоят катта кўзғолон кўтардилар. Кўзғолон раҳбари Аристоник тенгсизлик бўлмайдиган «қуёш давлати» тузиш учун курашга даъват этган эди. Римликлар бу кўзғолонни фақат эрамиздан аввалги 130 йилда бостира олдилар.

- Селевкийлар давлати эрамиздан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида икки томондаги қудратли қўшнилари томонидан: ғарбдан Рим томонидан, шарқдан эса тобора кучайиб бораётгач Парфия томонидан исканжага олинди. Селевкийлар давлатининг иккинчи пойтахти — Дажла бўйидаги Селевкия шаҳрининг / ва бутун Бобилни эрамиздан аввалги 141 йилда парфияликларга забт этдилар, узок эллин шарқида эса кўп сонли қўчманчи тохарлар Бактрияни забт этдилар. Узил-кесил парчаланиб кетган Селевкийлар давлатининг қолдиғи бўлмиш Сурия" бир қанча эллин шаҳарлари билан бирга эрамиздан аввалги 64 йилда Римга қўшиб олинди.

Птолемейларнинг расмангина мустақил давлати умриинг сўнгги босқичида Римдаги сиёсий ва социал кураш билан маҳкам боғлиқ эди. Энг сўнгги Миср маликаси Клеопатра VII нинг авантюристтик сиёсати сўнгги Миср ҳукуматининг ҳатто Мисрдаги ҳукмрон синф, яъни истилочи римликлар манфаатларини яхшироқ химоя қилиб турган синфнинг кўпчилик қисмидан аж-

ралиб батамом яккаланиб қолгашшғини кўрсатувчи далилдир. Мисрэрамиздан аввалги 30-йилда Римга кўшиб олинди. Шуйил эллинизм даври тарихи тамомланишининг анъанавий санасидир.

Эллинистик дунё шарқда Парфия томонидан, ғарбда эса Рим томонидан аста-секин забт этиб б.орилди. Рим истило қилинган территорияларда кулдорлик жамиятининг янада ривожланишини таъминлади. Рим чегараларидан ташқарида қолган территорияларда эса кулдорлик эллинистик даврда эришилган даражада қола берди. Унда кулдорлик янада ривожланмасдан, унинг ўрнида феодаллашиш процесслари аста-секин кучайиб борди.

XVIII БОБ

ЭЛЛИНИСТИК МАДАНИЯТ (ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ III—I АСРЛАР)

1. Эллинизм маданиятининг умумий белгилари, Эллинистик дунё маданияти мураккаб ва хилма-хил эди. У грек маданиятининг ҳамда Яқин Шарқ ва қисман Урта Шарқ мамлакатлари маданиятининг синтези ва турлича кўшилиб кетишидан иборат эди.

Эллинизм даврида, айрим мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучайиб кетди. Узоқ харбий юришлар, савдо-сотик мақсадида қилинган саёхатлар, Яқин Шарқ мамлакатларига, кўчиб бориб жойлашиш қадимги греклар ва македоиларнинг билим доираларини кенгайтди: улар қадимги Шарқ маданияти билан илгаригига қараганда анча кўпроқ танишдилар. Иккинчи томондан, Александр Македонский истило қилган мамлакатларнинг ҳамда эллинистик дунё чегараларига туташган районлардаги аҳоли табақаларининг анча қисми грек маданиятини бевосита билиб олди.

Эллинистик маданият учун характерли нарса шуки, у грекча тус олган эди. Греклар, македонлардан, эллиплашган маҳаллий ер ва савдо аристократиясидан, чиновниклар ва қисман қохинлардан таркиб топган ҳукмрон синф орасида умумгрек тили койне—(«койне»—«умумий» демакдир) кенг тарқалди, лекин бу тилнинг қундалик ҳаётга кириш даражасини ошириб юбормаслик лозим. Койне билан бир қаторда эски грек диалектлари ҳам давом эта берди. Маҳаллий тиллар: миср (демотик) тили. Селевкийлар давлатидаги турли тиллар ривожланди. Селевкийлар давлатида койне билан ёнма-ён арамей (оромий) тили давлат ва халқаро тил сифатида кенг тарқалган эди. Мисрда иш юритиш грек тилида олиб борилиши билан бир қаторда демотик тилда ҳам юритиларди, Селевкийлар давлатида (Байнаннаҳрда) эса у аккад тилида олиб бориладива х. к.

Эраимиздан аввалги IV асрда греклар орасида янги дунёқараш пайдо бўлиб, у эллинизм даврида кенг тарқалди ва фалса-

фий шаклга кирди. Бу дунёкараш космополитизм номи билай машхурдир. Грекча «космополитес» сўзи — «дунё граждани» дс макдир. Утган классик даврда ҳар бир грек ўзини фақат ў 1 шахрининг граждани (политес) ҳисобларди- Унинг билим дои« раси ўз туғилган полисининг манфаатлари билан чекланган. эди. Эрамыздан аввалги IV асрда кулдорлик полисининг кризиси жараёнида ахвол ўзгарди. Бу вақтда жуда кўп грек камбағаллари чет элларга ёлланма аскар бўлиб кетган эди. Ашн/ бир отрядда турли полислардан келган ва турли диалектларда сўзлашадиган аскарлар хизмат қиларди. Энди эса чет элларда уларнинг ҳаммаси фақат эллинлар эдилар. Элладанинг ўзида катта федерациялар—Этолия федерацияси ва Ахея федерацияси ташкил топиб, уларнинг ҳар бири умумий гражданиликка эга эди. Шарқда йирик эллинистик давлатлар пайдо бўлиб, уларда греклар гарчи ҳукмронлик мавқеига эга бўлсаларда, лекин ёт унсур ҳисобланардилар, уларни маҳаллий аҳоли ёмон кўрарди. Ана шуларнинг ҳаммаси космополитизм ғояэтарининг тарқалишига кўмаклашди. Эллинистик дунёнинг кенг территорияларида ёйилиб кетган греклар—аскарлар, чиновниклар, ҳунармандлар, савдогарлар ва шу қабилар ўз қарашларининг полис доирасида чекланиб қолишига барҳам бердилар.. Бу жиҳатдан космополитизм классик Грецияга нисбатан эллинистик дунёнинг прогрессини акс эттирарди. Лекин унинг бошқа> томони ҳам бор эди.

Космополитизм ҳукмрон синф идеологиясининг муҳим белгиси, эллинистик давлатлар расмий идеологиясининг , муҳим элементи бўлиб қолди. У бутун эллинистик дунёга ёйилиб- кетган нисбатан оз сонли эллинларнингёкиэллинлашган эксплуататорларнинг мавқеини мустаҳкамларди.

Шахсни гражданлар коллективига бўйсундириш каби қадимий анъаналарга эга бўлган полисларнинг тушқунлиги натижасида индивидуализм ривожлана бошлади. Уз туғилиб ўсга» полисидан ажралган кишилар энди ватандошларининг мададига умид боғлай олмас, фақат ўзларига ишонишлари мумкин эди. Тез-тез бўлиб турадиган давлат тўнтаришлари, урушлар, ҳамманинг истикболга ишончсизлик билан қараши фатализмнинг кенг тарқалишига олиб келди. Космополитизм, индивидуализм ва фатализм эллинистик дунёдаги эллинлашгав аҳоли дунёкарашининг муҳим элементлари эди.

Типик эллинистик ҳодисалар билан бир қаторда бутун бу даврда эллинизмнинг салгина таъсири юккан маҳаллий маданиятлар мавжуд бўлиб, ривожланиб келди.

2. Техника. Кулдорлик жамияти шароитида техниканинг янада ривожланиши эллинистик маданиятнинг муҳим белгиси эди. Шарқ ва грек тажрибасининг ўзаро таъсири қўл меҳнат» қуролларининг ва қўл ҳунармандчилик техникаси усуллари-нинг ҳамда одам ва ҳайвонларнинг кучи билан ҳаракатга келтириладиган номураккаб механизмларнинг тақомиллашувига

Г'рамлашди. Масалан, улуғ қадимги грек инженери ва олими Лрхимед, афтидан, Мисрда далаларни суғориш учун қўлланилиб келинган чархпалак (чиғир) механизмини яхшилаган, на-тпжада бу механизм «Архимед парраги» деб ном олган. Эллин ,унармандлари горизонтал рамали тўқувчилик дастгоҳини та-комиллаштирганлар ва х. к.

Ҳарбий ва бинокорлик техникасида энг хатта ютуқлар қўл-га киритилган. Қиличлар, уруш аслаҳалари ясаладиган металл чритмаларининг сифати яхшиланган. Эрамиздан аввалги IV пррнинг охирларидан бошлаб турли отув тўплари (қадимги дунё артиллерияси) расм бўлган. Тўплардан тошлар ва турли калибрдаги оғир ўқлар отганлар. Отув аппаратиға камоннинг мураккаб эгилувчан таноби, аниқроғи, арғамчи асос қилиб олинган. Бу таноб—ҳайвонларнинг бир неча пайдан ёки бир неча бойлам қилдан тўқилган. Отув тўпларининг икки хили: манжанақ ва тошотар тўплар энгкўп расм бўлган эди. Манжа-иақ икки ўрим эгилувчан канатлар ёрдами билан ўқ ва тошлар-ни отса, тошотар тўп бир ўрим эгилувчан канатлар ёрдами билан катта тошларни отарди. Қалъаларни . қамал қилиш учун машхур таранлардан ташқари, ғилдираклар устида ўриатилгап махсус ҳаракатланувчи миноралар—гелеполалар («шахаролар-лар») ҳам ишлатила бошлаган эди- Бу мосламалар душман шаҳри қалъасининг деворларига баравар ёки баландроқ қилиб ясаларди. Ҳаракатланувчи минора (гелепола) ичида аскарлар, запас ўқлари ва тошлари билан отув тўплари жойлашарди. Гелепола жуда кўп одамларнинг қўл' кучи билан бир жойдан иккинчи жойга кўчириларди.

Денгизда илгаригига караганда каттароқ кемалар юритила бошлади. Бу кемаларнинг беш қатор (пентерлар) ва унданхам кўпроқ эшқакчилари бўларди.

Савдо флотининг денгиз кемалари такомиллаштирилган эди. Улар кўпинча очик денгизда сузар ва хатто океанга ҳам чиқар эдилар. Эрамиздан аввалги II асрда грек Гиппал Ҳиндистонга кемада сафар қилганида биринчи марта муссон шамолдан фой-даланган эди ва шу билан маълум томонга қараб эсадиган ша-мол ёрдами билан очик океанда сузиш имкониятини очган эди. Денгизчиликнинг ривожланиши мукамалроқ маёқлар, портлар ва савдо соҳиллари ҳамда улар ёнида омборлар ва бошқа ёр-дамчи бинолар қуришни зарур қилиб кўйди. Кичкина Фарос оролидаги маёқ айниқса машхур бўлиб, у Мисрнинг Искандария портиға бориладиган йўлни кўрсатиб турарди.

Эллинизм архитектурасида умумий граждaнлар ва хусусий кишилар фойдаланадиган бинолар кўпчиликни ташкил этарди. Агар классик Трециянинг архитектурасида асосий бино перйп-тер—ибодатхона бўлса, эидиликда асосий бино Перистель—хусу-сий уй бўлган. Шахарлар одатда план асосида қурилиб, бир-би-рини кесишиб ўтадиган тўғри бурчакли тик кўчалари билан чиройли кўринарди.

Эллинистик техника тараққийетининг эришган ютуқлари ва хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштирар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, ундаги такомиллаштирувлар қарам кишининг ҳамда ҳайвонларнинг арзон мушкул кучига мўлжалланган ҳолда амалга оширилди. Ихтирочилар ишлаб чиқариш процессида; механик двигателларни ишлатиш йўлини қидиришга ҳаракат қилмас эдилар. Қўлдорлик жамиятининг социал-иқтисодий чекланганлиги ана шунда яққол кўриниб турди.

Эрампдан аввалги I асрда Понтия подшолигида ихтиро қилиниб ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган сув тегирмони эллинистик жамиятда энг юқори техника ютуғи эди. Аммо бу тегирмон жуда кам ишлатиларди ва ҳатто одат тусига ҳам кирмаган эди. Оз-моз сув тегирмонлари билан бир қаторда юз йиллар давомида ҳайвонлар кучи билан айлантириладиган тегирмонлар, ярғичоклар ва ҳатто оддий ўғирлар кенг расм бўлиб келди. Эллинизм даврида кончилик иши техника жиҳатидан энг қоқоқ ва меҳнатнинг энг оғир тури бўлиб қоқган эди. Шахталарда қўллар, ҳуқм қилинган жинойтчилар, ҳарбий асирлар вашуқабилар қўлаб ҳалоқ бўларди.

3. Фан ва фалсафа. Грецияда ва қадимги шарқда тўпланган билимларнинг ўзаро таъсири, бу ўзаро таъсирнинг техника ютуқлариваэллинистикдунёкенг территорияларини амалий ўзлаштириш билан қўшилиб кетиши фанларнинг тез ривожланишига ёрдамлашди.

Вазият эллинистик ҳуқуматлардан фан ва техникани ривожлантиришга эътибор беришни талаб қиларди- Пойтахтларда илмий марказлар ва кутубхоналар вужудга келади- Мисрдаги Искандария, Оронгдаги Пергам, Антиохия эллинистик дунёнинг илмий ва маданий марказлари эдилар. Афина ҳам маданий марказ сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қоқган эди.

Искандарияда Птолемейлар ҳомийлигида ўша вақт учун ғоят қатта кутубхона тўйланган бўлиб, унда эллинистик даврнинг охирига бориб 700 миинга яқин папирус ўрамлари мавжуд эди. Бу кутубхона ўша замонга қадар тўпланган грек-шарқ донишмандлигини — асарларини, тўлароқ равишда ўз ичига олган эди. Сарой қошида кутубхопадан ташқари, Музейон—илмий муассаса ҳам ташқил қилиниб, унда олимлар учун ётоқхона ҳам бор эди. Бу илмий муассаса музаларнинг ҳимоясига топширилган эди. (унингМузейон деб аталишинингсабаби ҳам шу эди).Птолемейлар Музейонга грек олимларини ва эллинистик дунёнинг барча мамлакатларидан ёзувчиларни таклиф этдилар. Бунда улар подшолик ҳисобига яшаб, фан, фалсафа ва адабиёт билан шуғулла-нардилар.

Хуқмрон синфнинг давлатни идора қилувчи группаси илм-фаннинг зарурлигини сезмоқда эди. Лекин фанда нимани ривожлантириш кераклигини хуқмрон доиралар очик-ойдин тасаввур қилолмас эдилар, шу сабабли улар подшога қарам бўлган олим-

ларнинг анча эркинлик билан илмий тадқиқот олиб боришларига йўл қўйиб бердилар. Табиийки, улардан бу ишда содиқ фуқаролик ҳис-туйғуларини изҳор этиш талаб этиларди. Фан, лдабиёт ва санъатга ҳомийлик қилиш подшо саройининг дабдабасини ва обрў-эътиборини оширди, лекин шу билан бирга маданиятнинг умумий ривожини ҳам акс эттириб борди.

Искандария олимлари математика, табиёт ва техника фанлари соҳасида эришган ютуқлари билан ҳамда мутахассис — филологлар сифатида донг таратдилар.

Эллинизм даврида фанлар дифференциациялашиб ва системалашиб борди. Аристотелнинг шогирдлари ва мухлислари бўлмиш перипатетиклар тарихи бу дифференциациялашиш ва системалаштириш процессининг яхши мисолидир. Перипатетиклар фалсафий мактабига раҳбарлик қилиш юзасидан Аристотелнинг вориси Теофраст (эрамиздан аввал тахминан 370—285-йиллар) фақат файласуфгина эмас, балки олим ҳам эди. У «ботаниканинг отаси» деб ном чиқарган эди. Теофрастдан кейин мактабга Стратон (эрамиздан аввалги III аср) раҳбарлик қилди. Қадим замонда у «физик» деган лақаб олган эди. Стратоннинг алоҳида хизмати шундан иборат эдики, у физика ходисаларини тадқиқ қилишда эксперимент татбиқ этишга интилган эди. Стратон шогирдлари орасида Самос оролида туғилиб ўсган ажойиб астроном Аристарх (эрамиздан аввал тахминан 310—230-йиллар) бўлиб, у, Ер ва бошқа планеталар Қуёш атрофида айланади, деган гипотезани илгари сурган эди. Лекин илм-фаннинг ўша вақтдаги даражасида у ўзи кашф этган гелиоцентрик системанинг чинлигини бошқа олимларга ишонарли тарзда исбот қилолмас эди.

Искандария математикларидан биринчиси Евклид (эрамиздан аввалги III аср) бўлиб, унинг фаолияти Мусейоннинг дастлабки йилларига бориб-тақалади. Евклид ўз салафларининг эришган ютуқларини системалаштирди, умумлаштирди ва тугаллади. Унинг «Ибтидо» деган асосий асари 2 минг йилдан ошиқ вақтдан бери бошланғич геометрия дарсликлари учун асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Тахт вориси, бўлғуси Птолемей IV Филопаторнинг тарбиячиси, Мусейон кутубхонасининг мудирини Кириеналик Эратосфен (эрамиздан аввалги 275—208-йиллар). атоқли географ, астроном, математик ва файласуф эди. У ер шари айланасининг узунлигини кўп даража аниқлик билан ҳисоблаб чиқди ва физикавий-математикавий географиянинг асосларини яратди. «География» терминини биринчи бўлиб Эратосфен ишлатган эди.

Искандария олимларининг аҳволи нечоғлик оғир бўлганлигини мана бундай яққол мисол билан кўрсатиш мумкин. Эрамиздан аввалги 40-йилларда, учинчи Сурия уруши вақтида, Миср маликаси Береника, маъбуда Афродита—Арсиноя эрим Птолемей III ни ўз паноҳида асрасин, деб сочини қирқиб унга садақа қилган. Подшо уйига қайтиб келгандан кейин, қарасаки, Берени-

канинг сочи ибодатхонадан ғойиб бўлибди. Ибодатхона кохинлари бошига катта хавф тушибди. Лекин Искандария астрономи, Архимеднинг дўсти Конон уларнинг жонига аро кирибди. У сочлар осмонга кўтарилиб кетди ва у ерда яқинда порлаб тургаи юлдузлар туркумига айланди, дебди. Конон юлдузлар туркумини Береника Сочлари, деб атабди.

Искандария бирдан-бир фан маркази эмас эди. Теофраст Афинада ишлаган. Архимед Сиракузада яшаган. Атоқли инженер-ихтирочи бўлган Архимед назарий механиканинг, гидростатиканинг сферик геометрия ва тригонометриянинг асосларини яратган йирик назарийчи эди, у катта сонларни ҳисоблаб чиқишнинг арифметик методларини такомиллаштирди ва олий математиканинг Ҳисоблаш методларини яратишда дастлабки кадамларни қўйди. У атоқли астроном эди.

Эрамиздан аввалги III асрда медицина анча тараққиётга эришди. У Мисрда анатомияни ўрганиш муваффақиятларидан, Миср ва Бобил — Вавилонда дори-дармонлар тайёрлаш ва татбиқ қилишнинг минг йиллик тажрибасидан фойдаланди. Грек медицина назарияси ва практикасини қадимги шарқ тажрибаси билан бирга қўшиш Искандария медицина мактабида ўзининг яққол ифодасини топди. Герофил (эрамиздан аввалги I Уасрнинг охири—III асрнинг биринчи ярми) бу мактабнинг асосчиси ҳисобланади. У одамнинг тасвирий анатомиясини яратган, диагноз методларини аниқлаган, дори-дармонга ғоят катта аҳамият берган. Иккинчи атоқли тиб олими Эрасистрат эди. У қисмав Искандарияда, қисман Селевкийлар давлатида ишлаган эди.

Эрамиздан аввалги II асрда никеялик Гиппарх атоқли астроном ва географ эди. У бир қанча астрономик асбобларни такомиллаштирган ва ихтиро этган эди. Кеча-кундузнинг бараварлиги кашфиётини Гиппархга нисбат берадилар. Аммо бу кашфиёт Бобилда қилинган бўлиши мумкин. Гиппарх ҳаракатсиз юлдузлар каталогини тузган. Бу каталогда 900 га яқин ёритгич ўз ўрнини топган. Гиппарх календарни, Ердан Ойгача бўлган масофани, Ер ва Қуёшнинг массаси ҳақидаги билимларни аниқлаган ва х. к.

Лекин, иккинчи томондан, бу йирик олим Аристархнинг гелиоцентрик гипотезасига қарши чиққан ва ўз обрўси билан астрономияда узоқ вақтгача хато геоцентрик системани мустаҳкамлаб келган. Гиппарх экваторни 360 та тақсимлаб, узунлик ва кенглик тушунчасини жорий қилган.-

Эрамиздан аввалги I асрда Герон механика билан муваффақиятли шуғулланган.

Эллинизм даврида икки янги фалеафий система—стоиклар ва эпикурчилар пайдо бўлди ва ривожланди. Синган савдогар, Кипр оролида туғилиб ўсган Зенон (эрамиздан аввал тахминан 336—264-йиллар) стоиклар фалсафасининг асосчиси эди. У Афинанинг энг гавжум жойи бўлмиш агорада нақшин пешайвон стоя остида"ваъз айтиб ўз тингловчиларига таълим берарди

(стоиклар деган фалсафий системанинг номи ана шундан келиб чиққан). Стоицизм грек ва шарқ назарияларининг маълум даражадаги синтези эди. У энг кўп тарқалган ва шу билан бирга энг узок яшаган эллинистик фалеафий мактаб эди. У идеалистик таълимот эди. Лекин (айниқса бошланғич даврида) у вульгарлаштирилган материализм элементларини ўз ичига олган эди. Стоиклар ҳамма нарсани, шу жумладан, фикр, сўз, олов ва шу кабиларни ҳам жисм деб атардилар. Бутун оламни стоиклар узлуксиз ривожланиб турадиган олов деб ҳисоблардилар. Худо табиатнинг ўзида жо бўлиб, табиатнинг ижодий ибтидоси билан бирдай қилиб кўрсатиларди. Стоикларнинг таълим беришича, коинот оловдан тугилган ва келгусида муайян муддатдан кейин уни олов ютади, сўнгра эса яна бунёд бўлади. Лекин қайтадан бунёдга келган коинот илгариги нарсаларни айнан такрорлайди. Оламда юз берган нарсаларнинг ҳаммаси қонуний ва зарурийдир. Бу олий қонуниятни стоиклар тақдир, қисмат деб атардилар. Инсон коинотнинг бир қисми бўлгани холда уни ўз руҳининг билиб олинадиган объект билан бир-бирига тегишидан пайдо бўладиган сезги—излар ёрдами билан билади.

Стоикларнинг фикрича, руҳ алоҳида турдаги енгил жисм—иссиқ нафасдан иборат бўлган. Қолган излар асосида инеонда «пайқаш тасаввурлари» пайдо бўлади. Бу тасаввурлар шу қадар равшан бўладики, улар объектив оламни билишимизнинг чинлиги критерийси (мезони) бўлиб қолади.

Этика (одамнинг хатти-харакати тўғрисидаги таълимот) стоиклар фалсафасининг бир қисми бўлиб, замондошларнинг ақл-идрокига айниқса каттиқ таъсир кўрсатган эди. Стоиклар, эзгуликка эришган тақдирда ҳамма кишилар бахтли бўлишлари мумкин, деб ҳисоблардилар. Ягона гражданлиги бўлган ягона жаҳон давлати стоикларнинг ижтимоий идеали эди. Уларнинг философияси шаҳар-давлатларнинг, кризисга йўлиққанлигини ва катта-катта эллинистик монархиялар ташкил топганлигини ҳақ қилиб кўрсатарди. Стоиклар, ҳар бир кишитабиатга мувофиқ равишда ҳаёт кечириши ва табиат пешанасига ёзган бурчини бажариши, яъни ҳаётда тутган ўз ўрни билан қаноатқилиши лозимдеб таълим берардилар. Одамлар ўз бурчини бажара бориб, аста-секин эзгуликка эришардилар ва руҳан тенг бахтли бўлиб қолардилар. Эзгулик эса апатиядир, яъни ҳаётдаги ҳамма нарсага лоқайд қарашдир. Оғир меҳнатда инграб ишлайдиган кул ҳам пешанасига ёзилган бурчини бажарар экан, эзгуликка, апатияга эриша оларди, стоикларнинг айтишича у шу эзгулик оғушида бўлганида бахтиёр—«подшоларга тенг» бўлиши мумкин эди.

Бундай ахлоқ-одоб эксплуататорларга жуда маъқул тушарди. Бироқ стоицизм зидма-зид эди. Айрим стоиклар эзгулик йўлидан боришни истамайдиганларга қарши, эзгулик учун курашарканлар, туб реформалар ўтказишда актив иштирок қилардилар.

Эпикурчилар эллинистик фалсафий мактабининг асосчиси

Самос оролида туғилиб ўсган Эпикур (эрамиздан аввалги 341-272-йиллар) эди. У ўқитувчининг ўғли эди. Кейинчалик Эпикур Афинага кўчиб борди. Зенонга карама-карши ўларок, Эпикур ўзининг хилват боғида дастлаб озроқ шогирдларга, шу жумладан қулларга таълим берарди. Шу боисдан унинг мактабн «Эпикур боғи» деб ном олган эди. У йирик мутафаккир файласув материалист эди.

Эпикур коинотнинг мохияти ва қонуниятини Демокритнинг атомистик назариясига асосланиб изоҳларди. Бу назарияни у янада ривожлантирди. Эпикур коинотни бўшлиқда ҳаракатланувчи бехисоб атомларнинг -бирга қўшилишидан иборат деб тушунган ҳолда уларни Демокрит томъидан шакл ва катталигига қараб фарқ қилинишига, оғирлигига қараб фарқ қилишни ҳам қўшди. Лекин бўшлиқда ҳамма атомлар бир хилда тезлик билан тушади. Тушаётган вақтда улар бир оз четга оғади. Бу оғишлар ташқи сабаблар тақозоси билан эмас, балки ички сабаблар тақозоси билан юзага келади. Оғишлар атомларнинг ҳаракат қилишига таъсир қилмайди ва бу таъсирлар хилма-хил янги қўшилишлар ва сифатларни туғдиради. Эпикур атомларнинг имманент—ўз табиатидаги хоссаларидан вужудга келган тасодиф элементини коинотнинг асосий қонуниятларидан бири деб фарз қилган эди. Барча мавжудотлар каби, одамлар ҳам атомларнинг муайян қўшилувларидан иборат эди. Эпикур одам руҳи мавжудлигини тан оларди. Лекин бу руҳ ҳам жуда возик материянинг атомларидан иборат бўлиб, одамнинг гавдаси бузилиши ёки қуйиши билан тарқалиб кетарди. Эпикур замоннинг зайлига бўйсуниб, худоларнинг мавжудлигини ҳам тан оларди ва уларни ҳам атомлардан иборат деб ҳисобларди. Аммо худолар жуда узокда бекорчилик билан хузур-халоватда яшардилар ва коинот ҳамда одамларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмасдилар.

Эпикур таълим бериб айтган эдики, объектив суратда мавжуд бўлган ва узлуксиз ривожланиб турадиган ташқи оламни одамлар сезгилар ёрдами билан биладилар ва бу сезгилар мазкур оламни тўла ишонарли тарзда қабул қилади. Сезгиларнинг жамғарилиши асосида бизда умумий тушунчалар ҳосил бўлади.

Аммо стоицизмда бўлгани сингари, Эпикур фалсафасининг асосий вазифаси инсоннинг бахт-саодатга эришиш мақсадида қиладиган хатти-ҳаракати. ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқиш эди. Эпикурнинг атомларнинг ўз-ўзлигича оғишлари ҳақидаги таълимоти ҳам ана шу мақсадга хизмат қиларди. Одамлар атомлардан иборат бўлганлиги сабабли, шу асосда улар ўзларининг яқка-яқка активлик кўрсатишлари ёрдами билан бахт-саодатга, яъни ҳуш ёқадиган сезгилардан иборат бахт-саодатга эриша оладилар. Ҳуш ёқадиган сезгилар деганда Эпикур камтарлик билан кечириладиган ҳаёт тарзини, Дўстлар даврасида, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг ташвишларидан йироқда фалсафий суҳбатлар қилишни тушунарди. «Дабдабасиз ҳаёт кечир»—деган иборани

Эпикур айтган дейишади. Бундай ҳаёт тарзи бидъат-хурофотларни тарқатар ва одамда аста-секин рухий осойишталикни, дупёда бўлаётган нарсаларнинг ҳаммасига бепарволикни ўстирар эди. Бу бепарволик — атараксия — донишманднинг олиа оахт-саодатидир.

Шундай қилиб, агар стоиклар мавжуд дунёни оқлаб, барча кишиларни уларнинг пешанасига тақдир ёзган бурчни адо атишга даъват этсалар, Эпикур, аксинча, барча воситалар билан ҳар бир айрим киши учун эркинликни амалга ошириш истагида ижтимоий фаолиятдан юз ўгирар ва шахсни ўз-ўзини такомиллаштиришга даъват этарди. Эпикуризм антик давр иителлигенциясининг бир қисмининг эллинизм даврида таркиб топган ижтимоий муносабатларга, дахшатли воқеаларга қарши пассив норозилигини акс эттирарди.

Эллинизм даврида пайдо бўлиб, ривожланган фалсафий мактабларнинг характерли хусусияти шу эдики, улар қулларнинг инсоний фазилатини ва ҳатто уларда олий ахлоқ сифатлари ва донишмандлик борлиги мумкинлигини тан олардилар!

4. Адабиёт ва санъат. Математика, табиёт ва техника фанларининг эришган муваффақиятларига нисбатан гуманиитар туркумдаги билимларнинг ютуқлари эллинизм даврида анча кам эди.

Шарқий ва грек маданиятининг ўзаро таъсири Бобил — Вавилон ва Мисрда тарихшуносликни ривожлантиришга туртки бўлди. Эрамиздан бурунги III асрнинг биринчи ярмида вавлонлик кохин Бероснинг «Халдея тарихи» ва мисрлик кохии Манефоннинг «Миср тарихи» деган иккита машхур асари яратилди. Ҳар иккала асар ҳам грек тилида бўлса-да, маҳаллий манбалар асосида ёзилган эди. Афсуски, ҳар иккала «Тарихдан бизга фақат айрим парчаларгина етиб келган. Манефон асари-дан эса бизгача фақат қисқача мундарижа етиб келгаи бўлиб, унда фиръавнларнинг ҳамда энг қадимги замонлардан то Александр Македонскийгача подшолар сулолаларининг хронологик рўйхати берилган.

Эллинизм даврида фан сифатида адабиётшуносликнинг қур, таклари — филологик танқид, Гомердан бошлаб классик авторлар асарларининг асл нусхаларини қайта тиклаш ва шарҳлаш шаклида юзага келади. Филологлар мантикий асосда грек грамматикаси системасини ишлаб чиқадилар.

Искандария Мусёйони грек адабиётининг муҳим маркази бўлиб қолди. Бу ерда ва бошқа жойларда ривож топган адабий оқим Александрия адабий оқими деб ном олди.

Бу эллинистик жамият юқори табақасининг қайфиятини ифодалаган поэзия эди. Александрия шоирларининг таниқли бошлиғи Қаллимах (эрамиздан аввалги тахминан 310—240 йиллар) эди. У Мусейон кутубхонасининг мудири ва тахт ворисининг тарбиячиси эди. У кутубхона каталогини тузган эди, олим-филолог эди. Қаллимах — мифологик, тарихий ва адабий мавзуларда ёзилган ҳажм жихатдан кичик-кичик шеърлар ва поэмаларнинг

авторидир. У илхомнинг етишмовчилиги қусурини олимлик Ӣ нозик нуқтадонлик ҳисобидан чиқарарди.

Александрия поэзияси илгаригидек ҳамон ишлаб чиқаётгин эски мифологик сюжетлар тарихий-мифологик материал сифлиги да шоирларни қизиқтирар, уларда содда ўтмишнинг ғалати ҳикоя ларига киноя билан қарагандек, кинояли муносабат ўйғотарди

Каллимахнинг кичик замондоши Феокрит энг йирик алей сандриячи шоир эди. Феокрит кичик-кичик лирик-драматик поэма—идиллиялар автори сифатида тарихга кирди. Бу асар ларида у қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг тинч манзаралариинп, идеаллаштирилган қўпонлар ҳамда шаҳарлик эркак ва аёллар нинг ҳиссий кечинмаларини мадх этарди. Феокрит табиат ва муҳаббатни мадх этувчи нозик лирикдир. У кўпдан-кўп турмуш икр-чикирларини пайқаб олади, бу эса унинг идиллияларига катта ҳаётгйлик бағишлайди. Лекин шоир ўз қаҳрамонларм билан умумий бир ҳаётда яшамайди, у ўзини улардан юксак ҳис қилади, уларнинг шаънига мурувватли киноялар қилади.

/ Александрия поэзиясидан ташқари, эллинизм даврида янги аттика комедияси катта аҳамият касб этган эди. Бу комедия-нинг асосий вакили афиналик Менандр эди (эраимиздан буруп тахминан 342—292 йиллар). Мисрда топилган папирус ўрамлари туфайли унинг комедиялари бизга маълум бўлди, чунки унинг асарлари қисман шу папирусларга ёзилган эди. Менандр коме-дияларининг сюжети оилавий, маиший драмалардан иборат, Менандрнинг комедиялари бахтиёрлик билан тамомланади. Унинг асарлари Аристофаннинг сиёсий комедияларининг ғараз^ лигидан йироқдирки, бунда эллинизм даври адабиётининг маҳдудлик хусусиятлари янгидан намоён бўлган эди.

Гуё сайёҳлар саёҳат қилиб борган олис ва бахтиёр мамлакат-ларни тасвирлаб кўрсатиш эллинистик бадий прозанинг қизи-қарли туридир. Шундай эллинистик утопиялардан иккитаси—Эв-гемер ва Ямбул асарлари бизгача Диодор нақлида етиб келган.

Эллинизм давридаги маҳаллий адабиёт қадимги яҳудий тав-ротининг бир қанча китобларидан иборат бўлиб, бу китобларда юксак лирик поэзиянинг ҳамда ҳаётнинг мураккаб социал ша-роитлари устида қилинган фалсафий ўй-фикрларининг намуна-лари бор.

Маҳаллий аҳолининг ажнабий истилочиларга нафрат билан қараши кароматгўйлик адабий формасида ўз ифодасини топгаи. Бир кулолнинг денгиз бўйидаги шаҳарнинг (Александриянинг) келажакда ҳалокбўлишимуқаррарлиги ва Мисрнинг қайта тик-ланишихақидаги башорати шу хилдаги қизиқарли ёдгорликдир.

Эллинизм давридаги тасвирий санъат ажойиб ютуқларга эришган эди. Бу даврда грек ва Шарқ анъаналарини бирга қўш-ган анчагина архитектура ёдгорликлари яратилган эди. Ҳашамат ва улўворликка интилиш уларнинг кўпи учун характерлидир.

Ҳайкалтарошлик санъати бу даврда анча раванқ топган эди, аммо унинг мазмуни классик давр анъаналаридан фарк қилар-

ди. Маъбудлар ва қахрамонларнинг идеаллаштирилган ва умумлаштирилган {хайкаллари орқага сурилиб, натуралист/ик тарзда ясалган ва тасвирланган шахснинг индивидуаллигини яккол кўрсатадиган портретлар олдинги қаторга ўтди. Эллинистик даврининг хайкалтарошлари яратган якка ва группа тарзидаги хайкалларда жисмоний ва рухий азоб, кураш, ғалаба, ўлим иа шу қабилар тасвирлаб кўрсатиларди. Пейзажни фан сиф.атида тасвирлаб, унда ёки унинг ўртасида асосий сюжетни акс эттириш хайкалтарошликда янгилик эди ва бу нарса классикага маълум эмас эди. Шу билан бир қаторда хайкалтарошликда дабдабали тематика мавжуд бўлиб, у эллинистик монархларнинг саройлари соясида намоён бўларди.

Эллинистик хайкалтарошликда эрамиздан аввалги IV асрнинг улуғ мохир усталарига бориб тақаладиган бир неча йўналишни кўриш мумкин. Афинада ва Александрияда Праксителга бориб тақаладиган, санъат асарларини томоша учун деб қаровчи ўзига тўқ кишиларнинг дидига мўлжалланган сюжетларва усуллар ишлаб чиқиларди. Афродитанинг ва бошқа маъбудларнинг яланғоч хайкаллари бу йўналишга хос хусусиятдир. Драматизмга тўла Пергам мактаби Скопасга бориб тақалади. Пергам меҳробинингфризизмазкур мактабнинг ажойиб ёдгорлиги бўлиб, унда маъбудларнинг гигантлар билан кураши тасвирланган. Бу—Пергамнинг ва бошқа эллинистик давлатларнинг жангвор галат қабилалари билан олиб борган оғир курашининг рамзи эди.

Родос хайкалтарошлик мактаби Ас'иппага бориб тақалади. Бу бакуват атлетларнинг, жангчиларнинг, кураш манзараларининг тасвирларидан иборат.

Эллинистик даврнинг охирига бориб, эллинистик хайкалтарошлик патетикаси айниб, дахшатли сюжетларга ва ясамаликка махлие бўлиш кўрина бошлайди. Группа тарзида ясалган иккита ажойиб хайкалда: «Фарнез буқаси» ва «Лаокоонда шундай ҳолни кўриш мумкин. Машхур Троя уруши сюжети асосида ясалган иккинчи группа хайкалда илонлар қохин Лаокоонни ва унинг икки ўғлини бўғиб тургани тасвирланган. «Лаокоон» авторлари кекса қохин ва унинг ўғилларининг азоб-қубатли ўлимини мумкин қадар кескинрок.қилиб кўрсатишга интилганлар.

Эллинизм даврининг иккинчй ярмида /хайкалтарошликда классиканинг идеаллаштирилган формаларига қайтишга интилувчй йўналиш кучайган. Милослик Афродитанинг хайкали бу мактабнинг ажойиб ёдгорлиги бўлиб, унда маъбудлар фигураларининг туриши ва ясашида классик формаларининг идеаллиги эллинистик муваффақиятлар билан бирга кўшилган. Эллинизм даврида ҳажм жиҳатдан кичик-кичик хайкалтарошлик санъати асарлари махсус тайёрланган формаларга қуйилувчи терракота хайкалчалари шаклида оммавий бадиий асарлар яратишга асос бўлди.

Тош ўймакорлиги санъати катта муваффақиятларга эришди. «Камея Гонзаго» деб аталган асар унинг ажойиб илму наси бўлиб, бу ўймакорлик нақшида подшо Птолемей 3| малика Арсиноянинг бошлари ён томондан тасвирлаб кўрс| тилган.

Адабий ривоятларга кўра, эллинистик рассомлик катта муваффақиятларга эришган, лекин асосан мўм бўёқлар билан чизилган картиналардан ва фрескалардан деярли ҳеч нарса сакланиб қолмаган.

5. **Дин.** Мустақил грек полисларининг турмуш шароитлари билан боғлиқ бўлган қадимги грек олимп худолари эраизмда аввалги IV аср кризисидан ва мазкур полислар ҳақиқатда ўз мустақиллигини йўқотгандан кейин аста-секин ўтмишдаги обрў-эътиборидан маҳрум бўла борди. Айрим кишиларнинг эмас, балки граждан жамоаларининг хомийлари бўлмиш олимп худолари мазкур жамоалар тушқунликка кетиши билан кенг эллинистик дунёнинг ҳамма томонига тарқалиб кетган диндорлар учун амалда фойдасиз бўлиб қолди. Олимпик худолар ўрнига греклар ва македонларнинг онгига шарқий ва янги маъбудларнинг образлари жо бўлдики, бу маъбудлар шарқий ва эллин маъбудларига хос хусусиятларни бирга қўшиш натижасида вужудга келган эди. Агар янги маъбудлар кўп ҳолларда эллинлашган ташқи кийёфага кирсалар, аммо уларнинг диний мазмуни аксар вақт шарқча бўларди. Бунинг сабаби шў эдики, ўша вақтдаги шарқ динларидан қадимги грекларнинг динига қарама-қарши ўларок айрим кишининг манфаатлари кўпроқ даражада назарда тутилди.

Доимий урушлар, давлат тўнтаришлари, мағлубларни қуқилиш, мулқий табақаланиш ва синфий курашнинг кескинлашуви натижасида турли хилдаги содда ва ниҳоятдақийналган кишиларнинг кўпчилигида диний эҳтиёжнинг янги формаларига талаб туғила бошлади. Янги диний образлар яратиш соҳасидаги стихияли процесс билан бир қаторда янги грек-македон эллинистик ҳукмдорларининг янги давлатлар учун қулай маъбудлар ва диний саждагоҳлар яратишга қаратилган диний-сиёсий фаолияти ҳам кўзга ташланади. Бунда Птолемей I Сотернинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Унинг буйруғи билан грек ва миср хоҳинлари Мисрга кўчиб келган грек-македонлар орасида вужудга кела бошлаган Осирис—Аписга топинишни ривожлантиришга ва шакллантиришга муваффақ бўлдилар. Ана шу асосда грек-миср маъбуди Сарапис вужудга келди. Сараписга шифокор ва жаҳон султони деб сиғиниш эллинистик Мисрда ва унинг хорижида кенг тарқалди. Ҳамма жойда эллинистик подшоларга расмий равишда сиғиниш жорий қилина бошланди. Ердаги худоларнинг, яъни подшо ва маликаларнинг ўлганлари ҳам, тириклари ҳам илоҳийлаштирилди. Уларга сиғиниш фуқароларнинг радоқатини билдирарди ва демак, сиёсий характерга эга эди. Лекин иккинчи томондан, подшоларга диний сиғиниш Шарқда қадим

• имопдан бери маълум эди. Грецияда эса уни қадим замонда . \)Дамонларга сиғиниш билан тенглаштирган эдилар.

Греklar орасида Киник Осиёлик Улуғ Она—Кибелага сйғи-
ИШ ҳамда Бобил ва Сурия диний эътиқодлари кенг тарқалди.
,Ммо Миср Исидасига топиниш айниқса кенг тарқалган эди,
чунки Исиди энди янги маъбуд Сараписнинг рафикаси ҳисобла-
ц) рди. Бу диний эътиқодларнинг ҳаммаси синкретизм хусусият-
[врига эга бўлиб, мистик характерда эди. Диндорлар зикру
•Но воситаси билан жўшу хурш ҳолатига келиб, хаёлларида
учдари топинадиган худо билан мулоқотда бўлардилар, яъни
купдалик хаётнинг ғам-ғуссасидан фориғ бўлиб, хаёлан рухий
Бвк олардилар.

Янги мазмун олган эски маъбудлар билан бир қаторда ўша"
наҳтда янги, абстракт маъбудлар: адолат, омад, тақдир ва шу
каби маъбудлар ҳам кенг тарқалган эди. Улар орасида одамлар-
пп ўйинчоқ қиладиган тақдир маъбудаси Тюхе айниқса машхур-
дир. Эллинизм даврида синфий кураш ва ажнабий боскинчи-
ларга қарши кураш маҳдипарастликда ўз диний ифодасини
топди. Бу таълимотга кўра, худо томонидан юбориладиган
млчилар—Маҳди ёки Исо ўз бандалари олдига келиб уларга
шафоат қиладилар, мустақиллик учун ёки кенг х'алқ оммаси-
пинг турмуш шароитини яхшилаш учун ғалибона урушга бош-
чилик қиладилар. Худодан келадиган элчига умид боғлаш ўша
замондаги халқ оммасининг ноуюшқоклигини ва эксплуата-
торларга қарши курашда ҳақиқатан заифлигини акс эттирар-
ди, шунинг учун ҳам бу диний таълимот фақат қуйи табақалар-
да эмас, балки олиймақом кохинлик уюшмаларида ҳам унча-
мунча қувватланди ва ҳатто диний йўл билан ишлаб чи-
килди.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтмоқ керакки, эллинизм даврида-
ги умумий маданий мерос жаҳон маданияти минг йиллар даво-
мида муваффақият билан ривожланиб келаётган моддий асос-
нинг муҳим қисмини ташкил этади.

XIX ВОБ

ШИМОЛИЙ ҚОРА ДЕНГИЗ БҮЙЛАРИДАГИ ГРЕК ШАҲАРЛАРИ ВА ДАВЛАТЛАРИ

1. Манбалар. Шимолий Қора денгиз бўйлари тарихига оид
ёзма манбалар—қадимги авторларнинг асарлари ва ҳар хил
тарихий ёзувлар мавжуддир. Бундан ташқари археологик ман-
балар, яъни археологлар томонидан қазиб топилган қадимги
шаҳарлар, қишлоқлар ва мақбаралар бор.

Шимолий Қора денгиз бўйлари ва Қавказ греklarга мифлар
(афсоналар) яратилган замонлардан бошлаб маълум эди, чунки
бу мифларда мазкур территориялар тилга олинади.

Милетлик. Гекатейдан (эрамиздан аввалги VI асрнинг охири— V аср) бошлаб грек авторлари Шимолий Қора денгиз бўшларЦ ва Қавказ ҳақида ёзганлар. Улар орасидан айниқса Геродш, Страбон ва Птолемейни кўрсатиб ўтмоқ керак.

Қазувлар ҳозирги Керчь территориясида ва унинг атрофиД! олиб борилди ва олиб борилмоқда. Керчь яқинида ўтказилган қазувлар натижасида Мирмекий, Тиритака, Илурат каби қадимги шаҳарлар топилди. Тамань ярим оролида катта Фанагория шаҳри қазиб очилмоқда. Бундан ташқари, қадимги Херсопес территориясида ҳамма вақт катта қазув ишлари олиб борилди ва олиб борилмоқда. Симферополь яқинида Скиф подшолигининг пойтахти Скиф Неаполи қазиб очилди. Қавказда грузин археологлари сўнги вақтда Сухуми ва Пицунди территориясида иш олиб бордилар.

Совет олимлари ўтказилган қазувлар ва ёзма материаллар асосида Шимолий Қора денгиз бўйларининг археологияси ва тарихига оид монографиялар яратдилар. С. А. Жебелов, В. Д. Блаватский, В. Ф. Гайдукевич ва Д. Б. Шеловнинг асарлари айниқса катта роль ўйнади..

2. Маҳаллий халқлар. Қадим замонда Шимолий Қора денгизнинг ғарбида ва қисман Қримда скифлар, Қримнинг жанубий соҳилида ва тоғли Қримда таврлар, Донда, Кубанда меотлар, Қавказнинг шимолий соҳилидаги Анапа районида, Таманда ва Новороссийск яқинида синдлар, Закавказьеда колхлар, абазглар яшаганлар.

, Бу халқларда дастлабки вақтларда уруғдошлик тузуми бўлган, лекин бу тузум сўнгра бузилган. Баъзи қабилалар—меотлар> таврлар грек колонизацияси даври олдидан ўз давлатларини тuzолмай қолганлар, бошқа қабилалар—скифлар, синдлар, колхлар эса ўз давлатларини тuzганлар.

Бу халқларнинг маданияти бой ва хилма-хилдир: ўтказилган қазувлар вақтида турар жойлар, қисман қулочйлик чарҳида ясалган идишлар, қуроллар топилди. Уларнинг ўзига хос санъати ҳам бўлган. Бу халқлар бшқа халқлар билан, шу жумладан греклар билан савдо-сотик қилганлар.

3. Грек колонизацияси. Шимолий Қора денгиз бўйларида грек колонизацияси, афтидан, эрамиздан аввалги VII асрда боийланган бўлса керак. Бу вақтда яшайдиган манзиллар эмас, балки фақат факториялар, яъни савдо пунктлари вужудга келади. Ҳаммадан олдин бу Березань оролида юзага келади.

Фақат эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб грек колонизацияси планй равишда олиб борилиб, янги шаҳарлар қурила бошлайди. "Бу буюк грек колонизацияси давридир. Бу даврда Пантикапей, Фанагория, Ольвия, Диоскуриада шаҳарлари қурилади.

Бу шаҳарларнинг ҳамма еридан археологлар илгариги маҳаллий манзилларнинг қолдиқларини топганлар. Пантикапейда, Фанагорияда, Тиритакада шундай бўлган. Маҳаллий маданият-

ниг ва илрариги манзилларнинг колдиклари темир ва бронза < \ппт қуролларидан, наққошлик, кулолчилик буюмларидан, Иъзан эса, Тиритакада бўлгани сингари, бўртма тасвирлардан • Ворот. Шундай қилиб, грек колониялари илгариги манзилларда 0қч уларнинг яқинида барпо этилган.

4. Боспор подшолиги. Шимолий Қора денгиз бўйидаги энг ГОрик давлат тузуми Боспор подшолиги бўлган. Бу давлат Ким-мгрия Боспорида (Қерчь бўғозида) жойлашган шаҳарларнинг гшрлашуви натижасида вужудга келган. Шаҳарларнинг бирла-шуви—Пантикапейнинг Фанагория, Мирмекий, Тиритака билан |е Тамань ярим оролидаги бошқа шаҳарлар билан бирлашуви чрамиздан бурун тахминан 480 йилда юз берган. Бу давр умуман Греция учун ва хусусан грек колониялари учун оғир ва хавфли давр бўлган. Бу йилларда Эрон билан уруш борган. Гжрлашган колониялар ўзларининг ички мустақилликларини иўқотмаган ҳолда Боспор подшолигининг бош шаҳри Пантика-пейга бўйсуннишлари лозим эди.

У вақтда Боспорни тиранлар идора қилганлар, кейинчалик улар подшо бўлганлар. Эрамиздан аввалги V асрда Пантикапей гарчи Афинани ғалла билан таъминлаб турган бўлса-да, лекин хали катта иқтисодий раванакка эришмаган. Эрамиздан аввал-ги VI асрдан бошлабоқ Пантикапейда кумуш танга зарб ки-лингн. Бу ҳол унинг фақат сиёсий мустақиллигидангина эмас, балки муайян даражада иқтисодий тараққиётдан ҳам да-рак беради.

Эрамиздан аввалги IV асрдан эътиборан боспорликларнинг харбий юришлари ва қўшни территорияларни истило қилишлари бошланади. Улар Нимфей шаҳарини сўнгра эса энг катта Феодо-сия шаҳарини забт этадилар. Худди шу вақтда Тамань ярим ороли ва Анапа райони территориясидаги Синдика забт этила бошлайди.

Эрамиздан аввалги V асрда Боспорни Археанактийларнинг грек династияси идора қилади. Бу династиянинг асосчиси Милет-лик эди. Эрамиздан аввалги V асрнинг охиридан Спартокийлар династияси подшолик қилади. Бу династиянинг асосчиси Спар-токнинг номига қараганда у фракцияликларга қариндош бўлган, аммо, чамаси, бу династия асли маҳаллий синд ёки меот уруғи-дан келиб чиққан бўлса керак.

Эрамиздан аввалги IV—III асрларда Боспорда кишлок хўжа-лиги ривожланади. Текисликдаги Крим территорияси ҳамда Шимолий Кавказдаги Синдика ерлари жуда ҳосилдор бўлиб, дон экинлари, асосан буғдой экиларди. Боспор ғалладан ўз эхтиёжин-и қондирибгина қолмасдан, шу билан бирга Афинага ғалла ҳам сотган. Бу ҳақда манбалар: ёзувлар ва антик автор-ларнинг, айниқса Демосфеннинг асарлари далолат беради. Дон экинларидан ташқари, мева дарахтлари ва тоқлар ҳам ўстирил-ган. Бу тўғрида машҳур географ Страбон ўз асарларида ёзиб кйлдирган.

Археологик ёдгорликлар виночилик ривжланганлигидан далолат беради. Тиритакада эрамиздан аввалги III асрга олд вино тайёрлаш ишхонаси топилган.

Боспорда дехкончиликдан ташқари, чорвачилик ҳам кеш ривжланган. Қорамоллар, қўйлар, эчкилар урчишиб кўпайтирилган. Бундай моллар шаҳарларда ҳам, кишлоқларда ҳам кўн бўлган. Унда балиқчилик ҳам ривжланган.

Бу вақтда ҳунармандчилик кенг ривож топган. Кулолчилик чархидан жуда хилма-хил шаклдаги идишлар ясалган,

Металлургия Боспорда юксак даражада бўлган. Меҳнат қуроллари ҳам, қурол-аслаҳалар ҳам ясалган. Боспор қиличлар, ханжарлари кенг донг таратган.

Чиройли ишланган боспорча саркофаглар (тош тобутлар) ва ҳар хил ёғоч буюмларнинг шухрати оламга ёйилган. Уларни биз тасвирларга ва археологик материалларга қараб биламиз. Бу маълумотлар Боспорда ёғоч-тахта ишлаш ривжланганлигидан даража беради. Бу вақтда тош йўниш ва тош кесиш санъати таракқий қилган. Уша вақтдаги Боспор биноларининг қолдиқлари уларнинг жуда чиройли безатилганлигидан далолат беради; энг ҳашаматли бинолар мрамор билан безатилган, баъзи бинолар маҳаллий оҳақтошдан ясалган ва улар билан безатилган. Мрамор ва оҳақтошдан сағаналар ясаганлар ва улар устида ўймакорлик билан ёзувлар ва тасвирлар нақш этганлар.

Торевтика ва тангалар зарб қилиш ҳунармандчилигининг бутунлай алоҳида тури ҳисобланган. Скиф ва меот кўрғонларидан топилган нарсалар олтиндан ясалган бўлиб, юксак санъат буюмларидан иборат.

Пантикапейда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилган: черепицадан Боспор подшоларининг номи ёзиқлик тамға сакланиб қолган. Демак, унда черепица ишлаб чиқарадиган махсус подшолик устахоналари мавжуд бўлган.

Эрамиздан аввалги IV—III асрлар даври Боспор подшоларининг Кичик Осиё Грециясининг орол ва материк шаҳарлари билан кенг савдо-сотик қилган даври бўлган. Четдан келтирилган моллардан биринчиси зайтун ёғи бўлиб, бу ёғ Боспорда ишлаб чиқарилмаган, чунки зайтун дарахти Шимолий Қора денгиз бўйларида ўсмаган. Ёғ ПОНТ Гераклеясидан ва Синопадан келтирилган. Маҳаллий вино ишлаб чиқариш, афтидан, Боспор аҳолисининг юқори табақаларини қаноатлантирмаган, улар грек виносини афзал кўрганлар. Археологлар топган тамғали кўзачаларга ва айрим тамғаларга асосланиб, вино.Фасос, Родос, Гераклея ва Синопадан ҳамда бошқа маркалардан келтирилган, деган хулосага келиш мумкин. Уша вақтда вужудга келган Боспор тангаларининг оғирлик системаси савдо-сотикнинг таракқий қилганидан далолат беради.

Эрамиздан аввалги IV—III асрлар Боспор давлатининг сиёсий жиҳатдан раванқ топган даври эди. Бу давлат Қрим ярим оролининг бутун шарқий қисми территориясини, шу жумладан

Фсодосияни ҳамда Тамань ярим оролини, хозирги. Анапа ва Иовороссийск эгадлаган территорияни ишғол қилган. Боспёр ношшолигининг шарқдаги чегараси ўша вақтда, афтидан, Кубань д.чрёси бўлган, чунки шу дарё бўйида чегара қалъалари Гурган.

Эрамиздан аввалги II асрда Боспор давлатининг тушкунлиги Гюшланади. Экономика заифлашади. Ғалла савдоси деярли тўхтаб қолади. Полибийнинг ёзишича, Қора денгиз бўйидаги мамлакатлар баъзан ҳатто четдан ғалла келтиришга мажбур бўлганлар. Урта денгизнинг бутун территорияси ўша вақтда Мисрдан ғалла келтира бошлаган.

Боспорнинг сиёсий ва иқтисодий тушкунлигининг сабаби махаллий қабилаларнинг активлашуви эди. Бу қабилалар Боспордан ажралиб чиқибгина қолмай, балки унга ҳужум: ҳам қилган эдилар. Боспор подшолари боспор шаҳарларини, ҳатто Пантикапейни ҳам хавфдан холи қилолмадилар. Бу ҳол Спартокийлар династиясидан сўнги подшо Перисад ўша вақтдаги кудратли Понт подшбси Митридат VI* Евпаторнинг лашқар боҳиси Диафант билан Боспор давлатини Митридат Евпаторга васият қилиб қолдириш ва бунинг эвазига ундан ҳужум қилаётган қабилаларга қарши курашда мадад олиш тўғрисида келишиш фикрини туғдирди. Боспорда жуда оғир ҳаёт кечирган скиф қуллари бундан қаттиқ ғазабландилар ва Перисадни шогирди скиф Савмак бошчилигида бирлашиб, подшопи ўлдирдилар.

Савмак бошчилигида скифлар кўзғолони эрамиздан аввалги 107 йилда бўлди. Бу кўзғолон натижасида Савмак Боспор подшоси деб эълон қилинди. У бир йилча подшолик қилди, шу вақт ичида унинг номи билан қумуш ва мис тангалар зарб қилиб чиқарилди. Аммо Митридат Евпатор бу ахволга узоқ чидаб туролмади, натижада кўпўтмай Боспорда скифлар кўзғолони бос-тирилди.

, Боспорда ҳокимият Митридат Евпаторга ўтади. У, кейинроқ, римликлар унинг устидан ғалаба қозонгандан кейин, Боспорга қочиб, бу ердан сўнги бошпана топади. Уғли Фариак унга хиёнат қилиб, Рим томонига ўтгандан кейин, Митридат VI ўзини ўлдиради. Цезарь билан Помпей кураши вақтида Фариак Римга қарши чиқди. Цезардан енгилгандан кейин у Боспорга қочди, аммо Пантикапейга етолмасдан йўлда ўлди.

Боспорда ҳокимият амалда махаллий ҳоким Асандрга ўтади. Асандр Митридат VI нинг набираси Динамияга уйланган эди. Рим Боспор тахтига ўз кишисини подшо қилиб тайинлайди, лекин у Асандрни ағдариб ташлай олмайди. Ниҳоят, Рим Асандрни Боспор подшоси қилиб тасдиқлайди. У ўлгандан кейин мамлакатни Динамия идора қилади. •

, **5. Скиф подшолиги.** Қримда Боспор подшолиги билан бир қаторда кучли Скиф подшолиги мавжуд эди. Давлатнинг бош шаҳри Скиф Неаполи эди. Бу подшолик эрамиздан аввалги II

асрда равнақ топа бошлайди. Бу вақтда Скиф Неаполи муствЗ камланиб, унда мавзолей, яъни подшо ва маликаларнинг мақб| раси қурилади. Скилур ва унинг ўғли Палак Скиф подшолиқнинг атоқли ҳукмдорлари эдилар. Подшо Скилурнинг зарб қилган тангалари машҳурдир.

Эрамиздан аввалги II асрда Скиф подшолиги катта куч эди, у Херсонесга ҳужум қилди. Боспор учун хавфли бўлиб қолди.

• Шимолий Қора денгиз бўйларида Боспор давлати ва скирлар давлатидан ташқари, Ольвия, Херсонес, Танаис каби йирик шаҳар-давлатлар ҳам жуда ривожланган эди.

6. Ольвия. Эрамиздан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида милетликлар барпо этган Ольвия аввал бошда соф грек полиси эди. У кишлок хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг йирик маркази эди. Ольвиянинг равнақи эрамиздан аввалги V—IV асрларга бориб тақалади. Бу вақтга келиб шаҳарнинг маркази Агора қурилиб битирилган бўлади, унда ўтказилган қазувлар натижасида жамоатчюшк характеридаги пишиқ бинолар ҳам, ибодатхоналар ҳам топилди.

Ольвия демократик давлат бўлиб, унинг демократик бошқариш органлари: халқ йиғини, буле ва шу кабилари бор эди. Эллинизм даврида Ольвияга кўпгина маҳаллий элементлар, асосан скифлар сукулиб киради.

Эрамиздан аввалги I асрда гетларнинг босқини бўлиб, улар Ольвияни деярли ер билан яқсон қилдилар. Лекин шаҳар аста-секин қайтадин қурилди, аммо илгариги ҳажмидан кичикроқ бўлиб қолди. Ольвия бир неча марта скифларнинг ва Шимолий Қора денгиз бўйларидаги бошқа қабилаларнинг босқинига учради.

7. Херсонес. Херсонес Қрим ва Кавказдаги бошқа шаҳарлардан кейинроқ барпо этилган. Уни эрамиздан аввалги V асрда Понтий Гераклеясининг аҳолиси қурган. Аввал бошда у савдо факторияси ва айни вақтда йирик кишлок хўжалик маркази бўлган. Херсонесда кишлок хўжалиги тез ривожланган. Гераклея ярим ороли ва ундаги машҳур клерлар, яъни кишлок хўжалик бинолари бўлган ер участкалари ундан қолган ёдгорликдир. Бу ер участкаларида асосан узумчилик билан шуғулланганлар.

Дастлабки вақтларда Херсонес ҳам Ольвия сингари соф грекча қиёфага эга бўлган. Унинг қалъа деворлари чиройли қаздрлардан (чорқирра тошлардан) ясалган.

Херсонеснинг атрофида тавр қабилалари яшаган. Таврлар аста-секин шаҳарга кириб ўрнаша бошлаганлар. Улар шаҳарнинг иқтисодий, сиёси[^] ва маданий ҳаётига таъсир кўрсатганлар. Дин ва маъбудларга сиғиниш соҳасида таврларнинг таъсири айниқса кучли бўлган. Херсонеснинг асосий маъбудаси Дева бўлган. Греклар уни Артемида билан тенглаштирганлар, лекин у маҳаллий тавр маъбудаси бўлган.

Херсонеснинг равнақ топиши эрамиздан аввалги IV асрга бориб тақалади.

Эллинизм даврида, айниқса эрамиздан аввалги II асрда Херсонесга Скиф подшолиги хужум қилиб турарди. Аини вақтда Херсонес Боспор давлати составига қирган эди.

Эрамиздан аввалги I асрда Юлий . Цезарь Херсонесга тўла мустақиллик—элевтерия инъом қилди.'

8. Танаис. Энг шимолий грек колонияси қадимги Танаис бўлиб, у Дон дарёси қуйиладиган ерда жойлашган эди. Уни эрамиздан аввалги III асрда боспорликлар барпо этган эди. Кейинчалик Танаис мустақилликка эришди.

Танаис атрофида маҳаллий халқлар—меотлар яшарди. Шу сабабли эрта замонларданок Танаис аҳолиси маҳаллий тус олган эди. Эрамиздан аввалги I асрда шахарни Боспор қўшинлари вайрон қилиб ташлаган эдилар, лекин у тез орада бу вайронликдан ўнгланиб олди. Эрамиздан аввалги II—I асрлар шахарнинг равнақ топган давридир. Унинг қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилиги ривожланди. Қадимги замон авторларининг ёзишича, Танаис катта савдо маркази ҳам бўлган.

XX БОБ

ҚАДИМГИ ГРЕЦИЯ ВА ЭЛЛИНИЗМ ДАЙРИ ИСТОРИОГРАФИЯСИ

Тарихчи тарихий манбаларни билишдан ташқари, ўз фанининг тарихини, яъни историографияни ҳам билиши, унинг ҳозирги замондаги аҳоли билан таниш бўлиши лозим. Юқорида айтиб ўтилганидек, қадимги греклар ўз тарихини ўргана бошлаган. Аммо қадимги грек тарихчиларининг асарлари одатда антик замондан сақланиб қолган манбаларнинг турларидан бирини ўрганади. Антик даврдан кейин Европа халқларининг қадимги Греция тарихига қизиқиши ўрта аср замонларига бориб тақалади. Византий билан алоқа боғлаш туфайли Киев Русидаёқ қадимги Грецияни билганлар ва у билан қизиққанлар. Ғарбий Европада қадимги Греция тарихи билан эрта Уйғониш даврида қизиқа бошлаганлар.

Тарих—ижтимоий фан бўлиб, у идеология ва ижтимоий тараққиёт билан маҳкам боғлиқдир. Қадим замонларданок тарихчилар тарихий процессни, унинг сабабларини, характерини ва натижаларини ҳам конкрет тарзда тасвирлашга, ҳам пухта ўйлаб қўришга интилганлар. Уйғониш даврида қадимги Греция тарихининг материалларидан илғор мутафаккирлар ўрта аср схоластикаси ва феодал идеологиясига қарши курашда фойдаланганлар. Ҳаммадан аввал улар Италияда топилган қадимги грек санъати асарларини ва қадимги грек тилини ўрганишга киришганлар. Шу билан бирга қадимги Греция жамияти идеаллаштирилган. Унинг фараз қилинган мукамалликлари ўрта аср иллатларига қарама-қарши қилиб қўйилган.

. XVII асрнинг бошларида Ватанимиз территориясда, Киевда Киев — Могила коллегияси (академияси — ред.) тузилган. Унда латин тилидан ташқари, қадимгигректили, қадимги Грециянинг адабиёти, тарихи ва фалсафаси ўрғайилган.

XVII асрнинг охирларида Москвада Славян-грек-латин академияси вужудга келган.

XVIII асрнинг — маърифат асрининг энг бошидан бошлаб қадимги Греция тарихини ўрганишда янги босқични кўриш мумкин. Утмиш вақт ичида анчагина тарихий материал тўпланиб, системалаштирилган эди. Бу эса дастлабки илмийумумлашмалар қилишни бошлаш, қадимги грек хронологиясини аниқлаш имкониятини берди.

XVIII асрнинг бошларида италян олими Жанбаттисто Вико қадимги Грециява.Рим тарихини ундан кейинги давр халқлари тарихи билан таққослаб кўрган. У, Гомер аслида бўлмаган, «Илиада» ва «Одиссея» дostonлари эса халқ ижодиёти натижа-сида яратилгац, деган фаразни айтган.

XVIII асрнинг ўрталарида атокли француз маърифатчилари-дан бири бўлмиш Ш. Монтескье/қадимги Греция муассасаларини ўша вақтдаги Франция абсолютизмига карама-қарши қилиб кўйган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Германияда нашр этилган В. Винкельманнинг «Қадимги замон санъати тарихи» антикта-рихни ўрганишда муҳим босқич бўлди. Бу асарда автор санъат-нинг ижтимоий тараққиёт билан маҳкам алоқасини кўрсатган. Китобнинг катта қисми қадимги Грецияга, биринчи галда қадим-ги грек ҳайкалтарошлигига бағишланган.

XVIII асрнинг охирларида Ф. А. Вольф «Гомерга муқадди-ма» деган ва кенг донг таратган тадқиқотини эълон қилган. Бу асарида у Ж. Викога нисбатан анча кўпроқ материалга асосла-ниб, Гомер дostonлари халқдан келиб чиққан, деган хулосага келган. Шу билан бирга у Гомерни «Илиада» ва «Одиссея»ни яратган кўп сайёҳ бахшилардан бири деб ҳисоблаган ва лекин Гомерни ўз тингловчилари орасида кенг шуҳрат қозонган бахши, деб билган. Дostonларнинг яхлитлиги тарафдорлари бу фикрга қарши чиққанлар ва улар Гомерни «Илиада» билан «Одиссея» нинг автори деб ҳисоблаганлар. Дostonларнинг келиб чиқиши ҳақидаги мунозара ҳозирга Қадар ҳам тамом бўлган эмас. Бу мунозара илмий адабиётга «ГоМер масаласи» деган ном билан машхурдир. Мунозара Гомернинг авторлиги масаласини узил-кесил ҳал қилмаган бўлса-да, лекин, қадимги Грецияни ўрганиш фанига фойда келтирди, чунки у олимларнинг эътиборини шу даврга тортган эди.

Гарчи қадимги Греция тарихига қизиқиш ўрта асрларда ҳам, янги замонда ҳам ҳамиша давом этиб келган бўлса-да, лекин XIX асрнинг бошларигача, қадимги Грецияга бир қадар аҳамият берилган, айрим машхур асарларни истисно қилганда, қадимги грек тарихи соҳасида аслида жиддийроқ тадқиқот қилинган

эмас. Манбаларни тадқиқ қилишнинг изчил суратда ишлаб чиқилган методи етишмас эди. Бу методни биринчи бўлиб (ортирилган тажриба асосида) XIX асрнинг бошларида даниялик олим Б. Нибур (1776—1831 й.) таклиф этган эди. Б. Нибур Рим тарихидан ўқиган лекцияларида, кейинроқ эса қадимги Греция тарихидан ўқиган бир қатор лекцияларида ҳам ўтмиш воқеаларни ва умуман тарихий процессни ишончлироқ тарзда қайта ҳосил қилиш мақсадида ўзининг даврида маълум бўлган адабий, археологик ва этнографик манбаларнинг жамига қиёсий-танқидий таҳлилни татбиқ этди. Б. Нибур таклиф этган тарихий тадқиқотнинг қиёсий-танқидий усуллари кенг ёйилди ва антик замон ҳақидаги тарихий фанни янада ривожлантиришга асос бўлди.

XVIII асрнинг охирида юз берган Буюк француз буржуа революциясидан кейин Ғарбий Европада феодализмнинг узил-кесил ҳалокатга учраши тарих фанининг тараққийсига, жумладан қадимги Греция ва Рим тарихининг республикачилик даврига қизиқишнинг кучайишига ёрдамлашди. XIX асрнинг бошида ва биринчи ярмида қадимги Греция тарихига оид материаллар манбаларнинг янги энг муҳим тури билан — кўпинча Эллада-нинг тош архиви деб аталадиган антик ёзувлар билан тўлдирилди.

Немис тарихчиси А. Бек XIX асрнинг биринчи чорагида асосан Қадимги ёзувлар материалига таяниб, «Афиналикларнинг давлат ҳўжалиги» деган қизиқарли тадқиқотни нашр этди. У бошқа мамлакатлардаги, шу жумладан Россиядаги олимларни ўша вақтгача Европа тўпламлари ва журналларида эълон қилинган қадимги грек ёзувларини тўплаб, шарҳлар билан нашр этишни ташкил этди, «Грек ёзувлари корпуси» деган тўрт томдан иборат катта коллектив асар А. Бек вафотидан кейин унинг шоғирдлари томонидан тугалланди.

Агар Б. Нибур, А. Бек ва бошқа антикшўнос тарихчилар XIX асрнинг боши ва биринчи ярмида Гомердан тортиб то Александр хМакедонскийгача қадимги Греция тарихини тадқиқ қилиш билан чекланган бўлсалар, уларнинг кичик замондошлари бўлмиш эрта вафот этган рус тарихчиси В. Ф. Цих ва немис тарихчиси И. Дройзен эллинизм даври тарихини ўргана бошлаган эдилар. «Эллинизм», «яъни грекларга тақлид қилиш» терминини ҳам И. Дройзен таклиф этган эди. XIX асрнинг 30—40- йилларида И. Дройзен Александр Македонский, диадохлар ва эпигонлар тарихига бағишланган уч томдан иборат асарини нашр этди, Автор учинчи томни эрамыздан бурунги 221 йилгача етказган эди.

Германияни қурол кучи билан бирлаштиришга интилган немис буржуазиясининг вакили И. Дройзен Александр Македонскийнинг Шарққа қилган агрессиясини «Шарқнинг умри тугаган халқлари» учун яхшилик қилиш деб, И. Дройзенга замондош бўлган немис буржуа сиёсатчилари учун амалиёт намунаси деб кўқларга кўтариб мақтаган эди. И. Дройзен тарихий процесс гоҳ

у, гоҳ бошқа халқларда мужассамлаша Диган «олабий рух»ни ИИ ўзлнги ча тараккий қилишидан иборат, деб даъво қилган Г. Г (гель. философиясининг реакцион қисмининг тарафдори ЭДИ «Олабий рух» ўзларйда мужассам бўлиб турганда халқлар тарих яратар эмишлар. Аввал «олабий рух» қадимги Шарқ халқларида мужассамлашиб, сўнгра Грецияга ўтган эмиш, шу сабабли грек-македон истилоси, «олабий рух» фаолиятининг ю бериши деб оклаб кўрсатилади.

Кейинроқ И. Дройзен ўз тадқиқотларини қайта ишлаб чиқдн ва уч¹ томнинг ҳаммасини «Эллинизм. тарихи» деган умумий ном билан нашр, этди. И. Дройзеннинг эллинизм даврини тушуниши илмий тушунча эмасдир, аммо бу терминга олимлар одатланиб қолганлар ва уни бошқа мазмун билан тўлдириб, ҳозирга қадар ишлатиб келмоқдалар.

XI Ҳасрнинг ўрталарида Англияда Ж- Грот (1794—1871) нашр этган 12 томли «Қадимги Греция тарихи» шу мамлакат тарихига оид энг муфассал асардир. Унинг автори банкир ва сиёсий арбоб бўлиб, виглар (либераллар) партиясининг сўл гуруҳида турарди.

Ж. Грот «тарихи» архаик ва классик даврларни ўз ичига олади. Автор Афина демократиясини идеаллаштирган-у, лекин Александр Македонскийнинг истилочилик урушларини идеаллаштиришдан сақланган. Ана шунда унинг инглиз парламент аъзоси, сўл либерал сифатидаги қарашлари ўз таъсирини кўрсатган, Лекин «Греция тарихи»нинг асосий хусусияти қадимги грекларнинг ҳаётини чуқурроқ тушуниш ва билишга интилиш эди. Шу мақсад билан Ж. Грот унга замондош бўлган XIX аср ўрталаридаги муносабатлардан келиб чиққан ва, шундай қилиб, беихтиер қадимги грек жамиятини модернлаштирган. Бу қадимги грек тарихини модернлаштиришнинг биринчи кўриниши бўлиб, асрнинг охирига борганда у тўхтовсиз кенгая бошлаган.

Ж. Гротнинг кичик замондоши немис тарихчиси Э. Курциус бир неча йил Грецияда хизмат қилган. У учтомдан иборат «Греция тарихи»ни нашр этган. Бу асарида ў қадимги грекларнинг маданий ва сиёсий тарихини баён қилиб, уларнинг ҳаёт тарзини жуда идеаллаштириб юборгац.

Машҳур француз тарихчиси Фюстель де Куланж (1830—1889) қадимги тарихни модернлаштиришга қарши чиқди. Унинг Греция ва Римга бағишланган «Антик дунёнинг граждандар жамоаси» номли умумлашма асари XIX асрнинг иккинчи ярмида катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ антик дунёнинг ижтимоий муносабатлари билан янги замоннинг ижтимоий муносабатларининг асосий фарқини Фюстель де Куланж динда, аждодларнинг диний эътиқодларига асосланган ва антик одамни ҳамма « томондан чулғаб олган муносабатларда деб биларди. Шундай қилиб, ҳамма нарсани дин белгилаб берадиган антик муносабатларни янги замон муносабатлари билан тенглаштириш мумкин эмас эди. Фюстель де Куланж тарихни инсоният жамиятларининг тадрижий ва стихияли, суратда ривожланиб бориши ҳақидаги

фан деб тушунарди. У позитивизм позицияларида, яъни XIX асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида яшаган, ўз идеялари билан буржуа историографиясига катта таъсир кўрсатган француз идеалист файласуфи О. Контнинг тарихий-фалсафий концепцияси позицияларида турарди. О. Конт тарихий процесснинг мохиятини билиш мумкин эмас, деб ҳисобларди ва шунинг учун тарихий ходисаларнинг сабабларини аниқлаб олишга уринишлардан воз кечиб, уларнинг юзаки алоқасини синчиклаб ёзиб чиқишни таклиф этган эди. Бундай изчиллик билан ёзиб чиқишни у позитив, яъни ижобий ёки прагматик (инсон ишларини ёзиб боровчи) тарихий фан деб атарди. Позитивизм XIX асрнинг иккинчи ярмида буржуа историографиясида кенг тарқалган ва воқеаларни сиртки системалаштиришга ҳамда уларнинг жуда мукамал ёзиб чиқилишига ёрдамлашди.

Ғарбий Европа историографияси сингари, қадимги Греция ва Римга оид XVIII асрдаги рус историографияси ҳам антик авторларнинг асарларидан компиляция қилиб (қўшиб-чатиб) асарлар ёзиш ва уларнинг асарларини рус тилига таржима қилиш билан чекланган эдилар. Бундан ташқари, Ғарбий Европада нашр этилган антик темалардаги айрим асарлар ҳам таржима қилинган эди. XVIII асрнинг охирида ажойиб рус демократ арбоби А. Н. Радищев антик тарихни шеърларда кенг оммага тушунарли тарзда баён қилиб рус китобхонларига тақдим қилган эди. Аммо Ғарбий Европада бўлгани сингари, манбаларни киёсий-танқидий анализ қилиш асосида антик тарихни жиддий тадқиқ қилиш Россияда XIX асрда бошланди. XIX асрнинг биринчи ярмида рус буржуа историографиясининг прогрессив вакили Т. Н. Грановский, Б. Нибур таклиф этган манбаларни тадқиқ қилиш методидан фойдаланиб, уни тақомиллаштираркан, қадимги Греция тарихига ҳам эътибор берган. Унинг ўша вақт учун атоқли бўлган «Тарихий характеристика. Буюк Александр» номли асари айниқса донг таратган эди.

XIX асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида Россияда қадимги Греция тарихи бўйича йирик мутахассис М. С. Куторга эди (1809—1886). У ўзининг бутун илмий ва педагогик фаолиятини қадимги Элладаланинг архаик ва классик даврларини тадқиқ қилишга бағишлади. Уни рус антикшунос тарихчиларининг бутун бир мактабининг асосчиси деб ҳисобламоқ керакки, уларнинг фаолияти XIX асрнинг иккинчи ярмида авж олиб кетган эди. Унинг тадқиқотларининг асосий мавзуи Аттика ва Афина демократияси эди. М. С. Куторганинг докторлик диссертацияси «Аттика насл-насаблари ва тоифалари» деб аталарди. У синфий кураш ва сиёсий тарих масалаларини тадқиқ этиб, қулларнинг ва озод фуқароларнинг аҳолига катта эътибор берган эди.

XIX асрнинг сўнгги учинчи қисми антик давр тарихи фанида қадимги Греция ва эллинизм даври тарихига оид манбалар Доирасининг янада кенгайтиши билан машҳурдир. Ҳаваскор архе-

олог Генрих Шлиман (1822—1890) 1870 йилда Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмидаги Ҳисорлик тепасини қазишга киришди. Ривоятга кўра, қадимги грек достонида мадх этилган Трояўша ерда жойлашган эди. 1874 йилда эеа у Пелопоннеснинг шимоли-шарқий қисмида — Микенда қазув ўтказга бошлади. Г. Шлиман илгари маълум бўлмаган кўп миқдорда археологик материалларни топди ва уларнинг ҳаммасини Гомер даврига нисбат берди. Бу давр шу вақтдан бошлаб афсонадан тарихий даврга айланди. Лекин Г. Шлиман ўзи ўйлаганидан ҳам кўпроқ нарсани топган эди — у Гомер давридан илгари ўтган Микен даври деб аталадиган даврни ҳам очган эди.

Турли мамлакатлардан борган бошқа олимлар ҳам Болқон Грециясида ва Кичик Осиё соҳилида бир қанча тарихий жойларда қазув ўтказдилар. Шу вақтдан эътиборан археологик манбалар узил-кесил тарихий материалларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди.

Папирусда ёзилган, Мисрнинг курук заминида ва кумлари ичида сақланган, жуда кўп иш ҳужжатларининг топилиши антик давр историографиясида муҳим воқеа бўлди. Бу ҳужжатлар эллинизм ва Рим ҳукмронлиги даврига оид бўлиб, улар грек-рим Мисридаги ички социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларни батафсил ўрганишга киришиш имкониятини берди. Бу кашфиётлар асосида махсус тарихий фан — папирология вужудга келди. Шундай қилиб, антик тарихчилар XIX асрнинг охирти чорагида адабий ҳамда кўпдан-кўп эпиграфик, папирологик ёзма манбаларга ва жуда хилма-хил археологик материалларга, эга эдилар. Бу ҳол қиёсий-танқидий анализни янада такомиллаштиришга кизиқтирди.

Қашфиётлар капитализм империалистик босқичга ўтаётган даврда содир бўлди. Бу даврда Париж коммунасида кўрқиб қолган буржуазиянинг жуда кўпчилиги очикдан-очик реакцион позицияларга ўтган эди. Бу ҳол тезлик билан янги умумий тарихий назарияларда ўз таъсирини кўрсатдики, бу назарияларни атоқли ва лекин ўз идеологияси ва методологияси жиҳатидан ўз синфи доирасида чекланган буржуа тарихчилари илгари сурган эдилар.

Модернлаштирилган даврий назария айниқса кенг тарқалди. Бу назарияни асосан қадимги дунё тарихининг йирик тадқиқотчилари бўлмиш немис олимларидан Э. Мейер (1855—1930) ва унинг-замондошлари Ю. Белох билан Р. Пельман ишлаб чиққан эди. XIX асрнинг, охирида кўпайиб бораётган хилма-хил манбалар асосида илгаригига нисбатан кўпроқ даражада қадимги жамиятнинг фақат сиёсий ва маданий тарихини эмас, балки социал-иқтисодий тарихини ҳам ўрганиш билан шуғулланиш мумкин эди. Мазкур олимлар ва уларнинг шогирдлари худди шундай ўрганишга киришдилар. Улар пала-партиш равишда ҳозирги замонни дастур қилиб олиб ва ҳозирги замонжамиятининг айрим белгилари билан сиртдан ўхшаш бўлган қадимги жамият

хаётидаги бир қанча юзаки белгиларни қайд қилиб, қадимги синфий жамиятнинг кулдорлик характерини инкор қилдилар ва унинг таракқиётидаги эртабосқичларда феодал муносабатлар, кейинроқдаги босқичларида эса капиталистик муносабатлар бўлган, деб даъво қилдилар. Одатда мазкур олимлар қадимги жамоачи дехқонларни ўрта асрдаги крепостнойлар билан, қулларни эса капиталистик жамиятдаги пролетарлар билан айнан бирдай деб, хато қарашга асосланган эдилар. Шу билан бирга оддий товар ишлаб чиқаришни улар капиталистик товар ишлаб чиқариши билан, айнан бирдай деб тушунган эдилар. Қадимги Греция тарихини улар уч даврга бўлдилар. Бунинг учун улар Г. Шлиман ва унинг археологик фаолиятини давом эттирувчилар томонидан Микена даврининг кашф этилишидан фойдаландилар. Г. Шлиман археологик фаолиятини давом эттирувчилардан инглиз А. Эванс (1851—1941) кўрсатиб ўтмоқ керак. А. Эванс XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Критда қадимги Кносс районида қазув ўтказишга киришди ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида бу ишини кенг миқёсда давом эттирди. А. Эвансдан ташқари, Италия экспедицияси қадимги Фест районида қазув ўтказди.

А. Эванс Критда кўп жихатдан Микена цивилизациясига ўхшаган, лекин янада кўпроқ қадимий бўлган цивилизацияни очди. Шу сабабли XX асрнинг бошидан бошлаб илмий адабиётда «крит-микена маданияти» деган термин кенг тарқалди. Бутермин билан кўп тарихчилар ҳозирга қадар тарихнинг эпг қадимги даврини ифодалаб келмоқдаларки, бу даврда Болком ярим оролининг жанубида ҳамда Эгей денгизи ва Урта дспгизш-шг яқин атрофидаги оролларида синфий жамият вужудга келиб ривожлаца бошлаган эди.

Модернлаштирувчи тарихчилар бу даврни Греция тарихидаги қадимий давр деб қарай бошладилар. Гомер давриги грск ўрта асри деб атадилар. Грециянинг архаик ва классик тарихини ҳамда эллинизм даврини эса қадимги грек янги замони деб тавсифладилар. Бу янги замонда, уларнинг фикрича, капитализм аста-секин ривожланган ва классик Грецияда, айниқса эллинизм даврида анча таракқий қилган эмиш.

Қадим замон тарихини бундай ўзбошимчалик билаи тушунишнинг сабаблари, юқорида айтиб ўтилганидек, буржуа тарих фанининг ўз синфи доирасида чекланиб қолиши эди. Бу фан буржуазиянинг социал заказини бажарарди. Бу социал заказ кишиларнинг онгига, капитализм энг мукаммал ижтимоий тузумдир, у қадимги жамият равнақ топган даврдаёқ мавжуд эди, бу қадимги жамият Европада ўз таракқиёт даврасини тугаллаган эди, ва сўнгра эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига яқин борганда «варварлар» босқинининг зарбаларига дучор бўлган эди, деган тасаввурни жо қилишдан иборат. Бундан кейин, уларнинг фикрича, тарихий таракқиётнинг янги давраси бошланади ва бу даврда социал муносабатлар характерига кўра

бир-бирини такрорлайди, аммо такрорлаганда ҳам анча катта-роқ Миқёсда такрорлайди.

Бу реакция даврий ёки модернлаштириш назариясининг пинхоний моҳияти прогрессив тарихий тараккиётнинг мумкинлигини, ва, демак, капитализмдан социализмга ўтиш қонуниятларини инкор этишдир.

Юқорида айтиб ўтилган олимларда ва уларнинг давомчиларида ярамас назария билан бир қаторда улар томонидан катта ва мураккаб тарихий материални хусусий тадқиқ қилиш ва системалаштириш каби қимматли ишлар ҳам қилинган эди. Масалан, Ю. Белох қадимги Греция ва Рим тарихини ўрганганда статистик методларни татбиқ қилишга катта эътибор берган эди. Қадим замондан сақланиб қолган унча-мунча кўпроқ миқдорий кўрсаткичларнинг йўқлиги сабабли, Ю. Белохнинг қилган ҳисоблари бирон-бир аниқ натижалар бермади, аммо бу ҳисоблар олимларнинг эътиборини турли ҳисоб-санокларга жалб этдики, бу ҳисоб-саноклар айрим ҳолларда антик замон ҳақидаги билимларни аниқлаб берди.

Бу вақтдаги тарихчиларнинг ишларидаги катта иллат гиперкритицизм, яъни тарихий манбаларга асоссиз, ҳаддан ташқари танқидий назар билан қараш эди.

Даврий назария, модернлаштириш назарияси буржуа тарихчилари ўртасида ҳам жиддий эътироз туғдирди. Бундай тарихчилар инсоният жамиятининг тўғри чизик билан прогрессив тараккиёт қилиши ҳақидаги Буюк француз буржуа революциясигаёқ бориб тақаладиган анъанавий тасаввурни сақлаб юрдилар. Модернлаштирувчиларнинг энг серғайрат ва изчил муҳолифи К. Бюхер (1847—1930) бўлиб, у аввал Дерпт (Тарту) университетида, сўнгра эса Швейцарияда ишлаган эди. К. Бюхер модернлаштирувчи тарихчиларни танқид қиларкан, тарихий тараккиёт ҳақидаги ўз концепциясини тақлиф этди. Бунда у Европа жамиятининг социал-иқтисодий тарихини уч даврга бўлиб, антик замонни бу даврларнинг биринчиси қилиб қўйган эди. К. Бюхернинг фикрича, антик замоннинг характерли хусусияти ойкос, яъни хонаки, натурал хўжалик бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот шу хўжалик ичида истеъмол қилинарди. Иккинчи, кўпроқ ривожланган социал-иқтисодий давр ўрта асрдан иборат бўлиб, унинг характерли хусусияти шу эдики, унда оддий алмашув муносабатлари бўлган шаҳар хўжалиги мавжуд эди ва ишлаб чиқарилган маҳсулот бевосита истеъмолчига келиб тушарди. Учинчи, халқ ёки миллий хўжалик даврининг характерли хусусияти шу эдики, унда мураккаб алмашув муносабатлари мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига воситачилар орқали бориб тушарди. Бу давр янги замон учун характерлидир.

Антик замонни ҳозирги замон билан пала-партиш тенглаштиргайлари учун антик даврни модернлаштирувчиларни зукколик билан асосли равишда танқид қилиш билан бирга К. Бюхернинг

ўзи ҳам хато назарияни илгари сурди, чунки у тарихий даврларни туркумларга бўлганида ишлаб чиқаршца эмас, балки алмашув муносабатларига, яъни туб процессга эмас, балки иккинчи процессга асосланиб иш кўрди. Агар модернлаштирувчи тарихчилар антик ишлаб чиқаргац ва савдо-сотик ҳажмини хаддан ташқари ошириб юборган бўлсалар, К. Бюхер ва унинг тарафдорлари қадимги Греция ва Римда оддий товар хўжалиги мавжудлигини эътиборсиз қолдирдилар, уларнинг хўжалигини соф натурал — ойкос хўжалик деб тавсифладиларки, ундаги савдо-сотик гўё фақат зеб-зийнат буюмлари билан чекланган эмчш.

Бу хулосаларнинг иккаласи ҳам тарихий манбаларнинг мазмунига тўғри келмас эди. Бунинг сабаби шу эдики, юқорида айтиб ўтилган тарихчиларнинг ҳаммасида чинакам илмий тадқиқот усули йўқэди ва уларда манбаларга неокантларча қарашнинг бир қадар белгилари бор эди.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида буржуа олимларининг анча қисмининг дунёқараши сифатида тез тарқала бошлаган неокантчилик идеалистик философияси, позитивизм сингари, тарихий процесснинг моҳиятини билиб бўлмайти, деб таълим берарди. Лекин воқеаларнинг изчилигини объектив, юзаки ёзиб чиқиш мумкинлигини эътироф этган (0. Контдан фарқли ўларок, неокантчилар бу ёзиб чиқишларнинг объективлигини ҳам тан олмас эдилар, чунки ҳозирги замон кишиси антик тарихий манбаларни тўғри тушуна олмайди, деб ҳисоблардилар. Уларнинг фикрича, бу антик тарихий манбалар буинг устига тагин уларда қайд этилган фактларнинг ўзини эмас, балки уларни баён этган қадимги авторларнинг бу фактлар ҳақидаги субъектив тасаввурларини акс эттиради.

Собитқадам неокантчилрр, масалан, Риккерт, тарих — соф тасвйрлаш фанидир, деган хулосага келдилар, уларнинг таърифича, тагин у индивидуаллаштирувчи фандир, чунки у бир қарра содир бўлган ва бошқа ҳеч қачон такрорланмайдиган нарса билан иш кўради. Шу сабабли у ўз материалларининг характериға кўра, бирон-бир умумий хулосалар чиқаролмайди, тарихий процесснинг бирон-бир қонуниятларини тополмайди. Унинг вазифаси — конкрет воқеалар силсиласини фақат виждонан ва муфассал, уларни изохлашга уринмасдан, тасвирлашдан иборат.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Мисрдан топилган грекпапирусларининг жуда катта материали эълон қилинди. Бу материални ажнабий ва рус эллинист тарихчилари синчиклаб ўргандилар. Фаннинг янги тармоғи бўлмиш грек папирологиясининг Ғарбий Европадаги атоқли вакилларидан немис тадқиқотчиси У. Вилькенни (1862—1944) айтиб ўтмоқ керак.

Антик замон тўғрисидаги рус буржуа историографияси XIX асрнинг сўнги учинчи қисмида — XX асрнинг бошларида асосан 'рус »буржуазиясининг синфий манфаатларини аксэтиргайҳолда, унда Ғарбий Европадаги бир қанча антик тарихчилари тут-

ган позицияларидан фарк қиладиган баъзи белгилар бор ЭД Россиядаги самодержавие шароитлари антик замон буржу." историографиясига шу жихатдан таъсир кўрсатган эдикп, рус либерал тарихчилар Ғарбий Европадагидан кўпроқ дара жада Афинага ва қадимги Грециядаги бошқа демократик идора усулларига меҳр кўйган эдилар. Бу ҳол чор идора усу лига ва унинг феодал сарқитларига бир қадар оппозишш формаси эди.

XIX асрнинг охири —XX асрнинг бошларидаги рус антикшу- нос тарихчиларидан бир қанча атоқли кабинет олимларини — Куторганинг шогирдларини кўрсатиб ўтмоқ керак. Рус антмк эпиграфия мактабининг ҳақиқий асосчиси Ф. Ф. Соколов (1841—1909) йирик эпиграфист, кейинроқ эса папиролог ҳам эди. У асосий эътиборини эллинизм даврига қаратган эди. Ф. Ф., Соколов грек ёзувларининг синчиклаб қилинган кичик-кичик тадқиқотларининг авторидир. У бир қадар неокантчилик таъси- рида эди. Ф. Ф. Соколов ҳужжатларни синчиклаб тадқиқ қилиб ва йўқолган текстнинг бир қисмини ишонарли тарзда қайта •тиклаб чиққан ҳолда, улардан умумий хулосалар чиқаришдан бош тортди, ваҳоланки у олдин ўтган воқеалар билан ундан кейин ўтган воқеалар ўртасида алоқа борлигини фараз қилар эди. У қадимги грекларни, озодлик тушунчасига биринчи; бўлиб келган, лекин қулликнинг Мавжудлиги орқасида ялли тенглик тушунчасига етолмаган кишилар, деб тавсифлаган эди.

Ф. Ф. Соколов шогирдларидан атоқли эпиграфист В. В. Ла- тишевни (1855—1921) кўрсатиб ўтмоқ керак. У Қора денгизнинг шимолий соҳилидаги қадимги грек колонияларини ўрганиб чикди. «Евксин Понтининг шимолий соҳилидаги қадимги грек ва латин ёзувлари» тўплами ҳам «Қадимги грек ва латин ёзувчиларининг Скифия ва Қавказ ҳақидаги ахборотлари» В. В. Латшевнинг энг муҳим илмий ишлари эди.

Рус археологик жамияти ва бошқа археологик ташкилотлар, системали суратда ўтказилган қазувлар рус антик археологияси- • ни Европа археология фанида олдинги ўринлардан бирига кў- тарди. ••• Кримда — Севастополь яқинида Херсонесда, Керчь районидаги Пантикапейда кўп йиллар давомида ўтказилган қазувлар, Тамань ярим оролида ўтказилган қазувлар бой архео- логик материаллар берди. 1901 йилда Днепр — Буғ, соҳилидаги қадимги Ольвияда атоқли археолог Б. В. Фармаковский (1870— 1928) раҳбарлигида кўп йиллик қазувлар бошланди. Бу қазув- лар ўзининг пухта ўйланганлиги ва системалиги билан, улар даги ишларнинг диққат билан расмга олиш ва фотография қилиш билан ватан антик археология тараққиётининг бутўн бир босқичини бошлаб берди.

XIX асрнинг боши ва ўрталарида ҳам, унинг охирида ва XX асриивг бошларида ҳам антик тарихчиларнинг бутун бир зум- раси фақат Петербург ва Москвада эмас, балки Қозон, Киев, Харьков ва бошқа илмий марказларда ҳам иш олиб борди. Улар-

д;ш Киев ва Қозонда иш олиб борган либерал олим Ф. Г. Мишченкони (1848—1906) кўрсатиб ўтмоқ керак. У позитивизм нуқтаи назаридан қараб қадимги грек жамияти ҳаётини синчиклаб ўрганди, у қадимги грек авторларининг асарларини таржима қилган биринчи даражали таржимон эди.

XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг дастлабки йигирма йилида фаолияти равнак топган антикшунос тарихчилардан харьковлик тадқиқотчи В. П. Бузескулни (1858—1931) кўрсатиб ўтмоқ керак. У бутун эътиборини классик ва архаик Грецияга — Афиа тарихига қаратган эди. У биринчилар қаторида ўша вақтда Мисрда грек папируслари орасидан эндигина топишган Аристотелнинг «Афина политияси»ни диққат билан ўргади ва «Аристотелнинг «Афина политияси» номли катта монография ёзди. Унинг бошқа энг машҳур тадқиқотлари «Афина демократиясининг тарихи» ва «Греция тарихига муқаддима»дир (уларда энг қадим замонлардан то биринчи жаҳон урушигача манбалар ва историография муфассал обзор қилинган). Ғоят зўр заковатли олим В. П. Бузескул ўз тадқиқот методларига кўра, нисбатан мўтадил модернлаштирувчи эди. Уз умрининг охириги йилларида у тарихий манбаларни ва историографияни тадқиқ қилиш билан шуғулланишни давом эттирди.

Москва университетининг професеори В. Ю. Виппер (1859—1954) ўта кетган модернлаштирувчи эди. Узининг узоқ илмий фаолияти давомида у умумий тарихнинг деярли ҳамма бўлимлари билан шуғулланди. Р. Ю. Виппер қадимги Греция тарихига оид бир неча асар эълон қилди. Улардан эпг каттаси «Эрамиздан аввалги IX асрдан IV асргача, классик даврда Греция тарихи»дир. Уз асарларида у модернлаштиришга гиперкритицизмга ва ҳатто панвавилонизмга («Қадимги Шарқ ва Эгей маданияти» деган оммабоп асаридан) мойил эди.

Р. Ю. Виппер социал-иктисодий проблемалар билан кизиқарди. Унинг нуқтаи назарича, Грецияда феодализм ва капитализмнинг ривожланиш процесслари юз бермоқда эди. Улул- Октябрь сониалистик революциясидан кейин Р. Ю. Виппер оирмунча вақт муҳожирликда бўлди, 1941 йилда эса Москвага қайтиб келди. Академик қилиб сайланди. Совет даврида Р. Ю. Виппер қадимги Греция тарихи билан шуғулланмади.

Эллинизм даврининг ҳам бизнинг революциядан бўрунги историографиямизда ўз вакиллари бор. Улардан эиғ атоқлисий Петербург университетининг профессори, ўта кетган модернлаштирувчи М. И. Ростовцев (1870—1952) эди. Унииг Германияда немис тилида босилган «Рим колонати тарихига оид тадқиқотлар» номли катта монографиясининг биринчи қисми эллинизм даврига бағишланган. М. И. Ростовцев грек папируслари материаллари асосида муҳим кашфиёт қилиб, эллинистик Мисрда ернинг хусусий мулк бўлмаганлигини ишонарли тарзда исбот қилган. Лекин у модернлаштирувчи бўлгйнилигидан ернинг хусу-

сий мулк бўлмаганлигини қадимги Миср феодализминиинг хусу
сиятлари билан изоҳлаб хато қилган. Революциядан кейин
М. И. Ростовцев АҚШга муҳожир бўлиб кетди.

Иккинчи атокли папиролог-эллинист Қозон университетипшп
профессори М. М. Хвостов (1872—1920) эди. Унинг асосин
асарлари икки монографиядан иборат бўлиб, улар модернизм
нуқтаи назаридан қараб ёзилган бўлса-да, манбаларюшг ғоят
қатта материаллини умумлаштирган. Бу асарлар «Грек-Рим
Мисрийннг шарқий савдо-сотиғи тарихи» ва «Грек-Рим Мисрида
тўқимачилик саноати» деб аталади.

Уз асарларини қадимги Греция тарихига бағишлаган эски
мактабга мансуб атокли рус антикшунос тарихчиларининг рўй-
ҳатини академик С. А. Жебелев (1867—1941) билан тамомлаш
рақсадга мувофиқроқ бўлур эди. Уткир зехнли йирик тарихчи,
атокли эпиграфист С. А. Жебелев дастлаб позитивистик руҳда
ққки монография ёзди. Улар эллинизм ва Рим давридаги Афина
хамда Рим вилояти бўлмиш Греция тарихига бағишланган. С. А.
Жебелев Аристотелнинг «Политика» номли тарихий-фалсафий
асарини таржима ҳам қилди ва Фукидиднинг «Тарих» номли
асарининг илгари Ф. Г. Мешченко қилган таржимасини мукам-
маллаштирди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан
кейин С. А. Жебелев бир қанча антикшунос олимлар қаторида со-
вет фани соҳасида актив ишлашни давом эттирди. Совет даври-
даги унинг асосий асарлари антик Шимолий Қора денгиз бўйла-
рига бағишланган. С. А. Жебелев ўз тадқиқот методларини
такомиллаштира бориб, аста-секин марксистик позицияларга
ўтди, олий ўқув юртлари учун чиқарилган қадимги Греция тари-
лига оид совет дарсликларининг ҳам муаллифи ва редактори
бўлди. У эллинистик Боспор подшолигида Савмак раҳбарлигида
бўлган қуллар кўзғолоиининг машхур марксистик тадқиқоти-
нинг авторидир.

Антик замонга доир Ғарбий Европа ва Россия буржуа исто-
риографиясининг қисқача обзоридан кўриниб турибдики, бу исто-
риография XIX аерда ва XX асрнинг бошларида қатта ютуқларга
эришган. Бироқ реакция, синфий жиҳатдан чекланган умумтари-
хий ва фалсафий концепциялар олимларга тарихий процесснинг
моҳиятига киришга ҳалакит берарди.

Аммо XIX асрнинг ўрталаридаёқ тарих фанининг бу энг му-
ҳим ва асосий проблемаси марксизмнинг буюқ асосчилари Қарл
Маркс ва Фридрих Энгельснинг асарларида ишлаб чиқилган ва
илгари сурилган эди. Улар қилган кашфиётнинг аҳамиятива мо-
ҳиятини В. И. Ленин бундай деб тавсифлаган эди: «Маркс ҳам,
жамият индивидларнинг ҳар қанақасига ўзгартирса бўлавера-
диган, тасодифий пайдо бўлиб, тасодифий ўзгариб туравереди-
ган яқка одамлар тўпламидан иборат, деган қарашга хотима
берди ва ижтимоий-иқтисодий формация маълум ишлаб
чиқариш муносабатлари мажмуи, деган тушунчани бёрди ҳамда
бундай формациялар тараккиёти-табiiй-тарихий тараккиёт

эканлйгини исбот қилиб, социалогияни биринчн марта ўларок илмий асоега қўйди»¹.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўша вақтларда қадимги дунё тарихига оид барча амалда маълум бўлган манбалар материалига асосланиб, Урта денгиз бўйларидаги қадимги жамиятни ўз асоси эътибори билан қулдорлик жамияти деб ва Греция ҳамда Римда қулдорлик айниқса жадал суръатда ривожланган жамият деб таърифлаган эдилар. Улар бевосита Грецияга мурожаат қилиб, ўша вақтдаги мавжуд қадимги Греция материали асосида Болкон ярим оролининг жанубидаги уруғдошлик тузумининг характерли хусусиятларини ва унинг бузилиш процессини тадқиқ ва таъриф қилиб, харбий демократия тушунчасини жорий қилдилар, қадимги грек антик шаҳар-давлатининг (полисининг) синфий мохиятини хар томонлама аниқлаб бердилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс аниқлаб беришларича, полисининг иктисодий негизи қишлоқ хўжалигидан иборат бўлган, полис хусусий мулкчи — қулдорларнинг коллективи бўлиб, улар ўзларининг хусусий мулкларп бўлган ерни ва қулларни биргалашиб бошқарганлар. Бу полис коллективда иктисодий тараққиёт жараёнида мулккий табақаланиш юз бериб, бунинг натижасида коллектив бузила бошлаган, полислар тушқунликка юз тутганлар ва улар кенгроқ давлат тузумига қўшилиб кетганлар.

К. Маркс ва Ф. Энгельс иктисодий категория сифатида қулнинг кимлигини аниқлаб бердилар: «Хўкиз ўз ишини дехқонга сотмагани сингари, қул ҳам ўз меҳнатини қулдорга сотмайди. Қул ўз меҳнатибилан ўз хўжайинига умрбод сотилгандир. У бир мулкдорнинг қўлидан иккинчи бир мулкдор қўлига ўтиб тура оладигайи товардир. Унинг ўзи товар-у, аммо меҳнат унинг товари эмасдир»¹. Марксизмнинг асосчилари қулдорлик хўжалигининг натурал характерини қайд қилиб кўрсатдиларки, бу характер унинг негизида — ишлаб чиқаришда бўлган. Қулдорлик хўжалигида айирбошлаш етарли даражада тараққий қилган, лекин ундаги меҳнат, одатда, товар бўлмаган, чунки қулдорлик эксплуатацияси қулнинг — қулдорнинг мулки бўлишига асосланган, «қулдорнинг бевосита жисмоий мажбур қилиш йўли билан бировнинг иш қучини натурал шаклда ўзлаштиришидан иборат бўлган»².

Қулдорлик жамиятида оддий товар ишлаб «иқариш мавжуд бўлиб, микдор жиҳатдан ривожланиб борган.

К. Маркс ва Ф. Энгельс қадимги грек жамиятипинг идеологияси ва маданиятини ўрганиб, қадимги грекларнинг санъати, адабиёти, фалсафаси ва фани юксак даражада ривожланганлигини таъкидлаб кўрсатганлар. Улар Греция ва Рим тарихининг материалига асосланиб, антик қулдорлик жамиятининг тушқунлиги — инқйрози проблемасини тадқиқ қилганлар, шу билан

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 5-нашр, 1-том. 149-бет.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 6, стр. 433.

² К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 24, стр. 544.

бирга улар қадимги Грециянинг тушқунлиги проблемасиГ! бевосита тўхталганлар: «Куллик ишлаб чиқаришнинг ҳукмрвЯ формаси бўлган жойда меҳнатни кулнинг фаолиятига, ЯБЙЙ эркин кишиларнинг ор-номусини тўкадиган машғулотга айлая тиради. Шу билан бу хилдаги ишлаб чиқариш усулидан ЧИКИИ йўли ёпилади, иккинчи томондан эса, кўпроқ тараққий қилпш ишлаб чиқариш учун куллик тўскин бўлиб қолади ва уни бар тараф қилиш қаттиқ заруриятга айланади. Кулликка асослапгаи ҳар қандай' иШлаб чиқариш ва унга асосланувчи ҳар қандаи жамият ана шу зиддиятдан ҳалок бўлади. Бу зиддият кўп ҳолларда ҳалок бўлаётган жамиятнинг бошқа, кучлироқ жамият томонидан зўрлик йўли билан асоратга солиш орқали ҳал қилинади (Грецияни Македония, кейинроқ эса Рим бўйсундириб олган эди). Бу кучли жамиятлар ҳам ўз навбатида куллик меҳнатига асосланар экан, фақат марказларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши содир бўлиб туради ва бутун процесс юқорироқ босқичда такрорлана беради...»¹

Бирок Қ. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан кашф этилган жамият тараққиётининг қонунларини буржуа тарихчилари узок вақтгача менсимай келдилар ва XIX асрнинг охиригача боргандагина бу қонунлар антик замонга оид буржуа историографиясига билвосита таъсир кўрсата боШлади. Шуниси ҳам бор эдики, буржуа олимлари марксизм методологияси билан одатда иккинчи манбалар орқали танишар эдилар. Лекин марксизмнинг таъсири ҳар ҳолда кўп тарихчиларда қадим замонда, айниқса Греция ва Римда содир бўлган социал-иқтисодий процессларга қизиқишни кучайтирди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният жамиятининг ҳамма томонларига тубдан таъсир кўрсатиб, антик замонга доир буржуа историографиясида ҳам ўз аксини топди. Лекин, илгарилари қилинганидек, қадимги тарихни ўрганиш соҳасида тараққиётнинг икки асосий томонини қайд қилиб кўрсатмоқ керак: 1) илгари концепцияларнинг янаги эволюциясини, янги реакцион умумтарих назарияларнинг юзага келишини ва уларнинг антик тарихни талқин этишга татбиқ этилишини; 2) янги тарихий манбаларнинг очилишини ва у билан боғлиқ ҳолда янги махсус тарихий-филологик фанларнинг пайдо бўлишини, тарихий манбаларни тадқиқ қилиш техникасининг янада такомиллашувини кўрамиз.

Энг аввал ант^к замонга доир буржуа историографиясининг Россиядаги ғоли^; на ишчи-деҳқонлар революциясига ва ГАРБИЙ Европа мамлакатларидаги революциялар тўлқинига қандай қараганлигини кўздан кечирайлик. Модернлаштириш концепциясининг, даврий. концепциянинг ҳозирги замондаги тарафдорларининг бир қисми янги шароитга мослашиб олди. Уларнинг даъвосича, антик: дунёнинг турли мамлакатларида ва унинг тарихининг турли даврларида, жумладан эллинизм даврида дав-

¹ Қ. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 20, стр. 643.

лат капитализмининг ва хатто социализмининг элементлари мавжуд бўлган эмиш: Бу элементларни улар дам ибодатхона ёки подшолик хўжалигида, дам давлат ташкилотига, дам ибтидоий муносабатларнинг қолдиқларида ва шу қабиларда деб билардилар. Ижтимоий тараққиётни фақат феодализм ва капитализм билан чеклаб келган даврий назарияни яратувчиларнинг бу ворисларининг принципсизлиги ва реакцион йўли шу тарика айниқса кўзга яққол ташланиб турибди.

Айни вақтда даврий концепциянинг янги варианты вужудга келди (тўғри, бу вариант сўнгги ўн йилликларда тўла ривож топди), унинг характерли Хусусияти шуки, бу вариант ижтимоий тараққиётнинг умумий қонуниятларини батамом инкор қилади. Бу тарихий тараққиёт ўз тараққиётининг давраларини айрим суратда ўтадиган ва айрим суратда сўнадиган бир қанча маданиятлардан иборат деб қаралади. Бу реакцион-сиёсий концепциянинг пинҳоний мазмуни шундан иборатки, у агар баъзи мамлакатларда социализм мумкин бўлса, бошқа мамлакатларда унинг бўлиши шарт эмас, деб даъво қилади. Айрим буржуа тарихчилари социализм элементларини ўз хохишларича, масалан, Спартадан («планли хўжалик»), эллинистик Мисрдан топган эмишлар. Улар «большевизм»ни Македонияда Ахея иттифокидан, Македонияда Римга қарши кўтарилган ва Ахея иттифоки мадад берган кўзғолон вақтида топган эмишлар.

Шундай қилиб, Октябрь революциясидан кейин буржуа историографиясида реакцион-сиёсий мақсадларда қадимги тарихни сохталаштириш кенг тарқалди: капитализмининг социализмга қарши ғоявий курашида бу сохталаштиришдан фойдаланмоқдалар.

Биринчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейин археологик қазувлар янгидан бошланиб, давом эттирилди ва натижада янги муҳим материаллар топилди. А. Эванс ва унинг шогирдлари Критда муваффақиятли қазувларни давом эттирдилар. Греция ва Америкаэкспедициялари Пелопоннесда қадимги Пилос районида қазувлар ўтказиб Нестор саройини топдилар.

Крит-микена маданияти мавжуд бўлган жойларда ўтказилган қазувлар, баъзан орада узилиб, ҳозирга қадар давом этмоқда. 1952—1953 йилларда инглиз Майкл Веитрис (1922—1956) крит-микена Б чизикли хатини аниқлаб ўқиди.

Грециянинг ва эллинистик Шарқнинг турли жойларида қазувлар ўтказилди. 40-йилларнинг охирида Улик денгиз районида қадимги яҳудий диний жамоаларининг қўл ёзмалари топилди. Бу қўл ёзмалар қисман грекча ёзилган бўлиб, эллинистик динларнинг хусусиятларини янгидан ойдинлаштириб беради.

Қадимги дунёга оид манбаларнинг сони тобора кўпайиб бориши натижасида 20-ва ундан кейинги йилларда антикшунос тарихчиларнинг мутахассисликлари табақаланди. Олимлар ўзлари ўрганадиган антик тарих бўлимларининг торроқ ва айни

вақтда чуқурроқ мутахассислари бўлиб қолдилар.. Бу ҳол кадимги дунё коллектив тарихларини нашр этишга олиб келди ив бу нашрлар Ғарбий Европа мамлакатларида ва Америкада деярли айни бир вақтда пайдо бўлди, Икки жаҳон уруши ўртасидаги даврда босилиб чиққан бу хилдаги коллектив нашрлардлл энг салмоқлиси 1928—1938 йилларда Англияда чиққан 12 томдан иборат «Кембридж қадимги тарихи»дир. Бу тарих синхрон типда тузилган. «Кембридж қадимги тарихи» авторларининг кўпчилиги замонлаштириш концепциясига амал қилардилар.

Тарихий процесснинг бирлигини инкор қилиш «Цивилизацияларнинг умумий тарихи» деган ғалати ном билан чиққан француз коллектив нашрлар сериясида яққол намоён бўлди.

Буржуа тарихчиларининг махсус тадқиқотлари биз учун ҳам эски, ҳам янги топилган жуда кўп манбаларни системалаштириш ва техника жиҳатдан текшириш маъносида ғоят мароқлидир. Бу тадқиқотлардан М. И. Ростовцевнинг 194Гйилда биринчи марта нашр қилинган «Эллинистик дунёнинг социал-иқтисодий тарихи»ни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. Бу уч томлик асарда ўта модернлаштириш ва антик материал асосида революцион харакатни бадном қилиш билаи бир қаторда эски ва янги топилган манбаларнинг ғоят улкан материалидан фойдаланилган.

Бир қанча халқаро илмий журналларда Греция ва эллинизм тарихига оид илмий текшириш мақолалари эълон қилинмоқда. Антиқ тарихнинг янги очилган бўлимларига бағишланган янги журналлар ташкил этилди. 1956 йилда М. Вентрис ва Ж. Чадвикнинг «Микена грек тилидаги ҳужжатлар» номли катта асари биринчи марта нашр этилди. Бу асар эндигина аниқланган материални тадқиқ қилиш юзасидан қимматлидир. Бироқ авторлар крит-микена жамиятини асосиз равишда феодал жамият деб тавсифлайдилар.

Сўнги ўн йилликлар ичида марксизм-ленинизм ғоялари буржуа мамлакатларида ишлаётган антиқшунос тарихчилар орасига ҳам ёйила бошлади. Бу прогрессив олимлардан баъзилари масалан, швейцариялик тарихчи А. Боннер, марксизмнинг айрим элементларини қабул қилдилар, бошқалари, масалан, инглиз тарихчиси Ж. Томсон, қадимги Греция тарихини изчил равишда марксизм позицияларидан тадқиқ қилишга интилмоқдалар.

Социалистик мамлакатларнинг олимлари қадимги Греция ва эллинизм тарихини тадқиқ қилишга анча хисса қўшдилар. Польшада атоқли папиролог Р. Таубеншлаг Варшава университети қошида папирология Институтини ва халқаро характердаги «Юридик папирология журналин» ни ташкил этди. Р. Таубеншлаг вафотидан кейин папирология Институтини грек-рим Мисри тарихи ва ҳуқуқи юзасидан ҳамда умуман эллинизм тарихи юзасидан муваффақиятли тадқиқот ишлари олиб бориш давом этмоқда. Поляк папирологларидан К- Купишевский, А. Свидеркиннинг тадқиқотларини айниқса таъкидлаб ўтмоқ керак. И. Бе-

жуиьска-Маловист, Т. Завадский социал-иктисодий проблема-ларни ва куллик проблемасини самарали тадқиқ қилмоқдалар. I Поляк антиқшунос археологларидан Қ. Маевский, Қ. МихаловС' / Кий, Е. Коник муваффақият билан иш олиб бормоқдалар.

Чехословакияда сўнгги йилларда «Эйрене» халқаротарихий журнал нашр этилмоқда. Машхур тарихчи П. Олива антиқ, кўпинча архаик тарих юзасидан иш олиб бормоқда.

, Болгарияда антиқ археология катта ютуқларга эришди. Бол- I гарияда атбкли лингвист, крит-микейа филологияси соҳасида катта хизмат бўлган В. Георгиев иш олиб бормоқда.

Югославия, Руминия, Германия Демократик Республикаси-да қадимги Греция ва эллинизм тарихи юзасидан жадал тадқи-кот ишлари олиб борилмоқда. Эпиграфикага, социал-иктисодий муносабатларга доир бир қанча асарлар нашр этилди. Венгрия-да қадимги грек мифологияси, Гомер ва Гесиод асарлари юзаси-дан қилинаётган тадқиқотларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ керак. Бу тадқиқотларни энг кекса олимлардан бири бўлмиш И. Трен-чени-Вальдапфель олиб бормоқда.

Антиқ замонга бағишланган совет историографиясини уч даврга бўлиш мумкин. Асосан 20- йилларга тўғри келадиган би-ринчи даврда қадимги Шарққа, Греция ва Римга-бағишланган марксистик тарих фани қарор топа бошлади. Эски буржуа олим-ларининг прогрессив қисми совет олий ўқув юртларида ва Фан-лар академиясида ишлашни давом эттирди, лекин улардан оз-гинаси марксизмга қизиқарди;

Уша вақтда мазкур олимларнинг ҳали ёш шогирдлари улар билан бир қаторда ишлаб турарди ёки эндиғиия ишлай бошлан-ган эди. Бу ёш авлод 20-йиллар мобайнида антиқ жамиятни ўрганиш соҳасида буржуа анъаналарини асосан бартараф қил-ган эди ва 30-йилларнинг бошларида антиқшунос тарихчи марксистларнинг биринчи кучли отрядини ташкил этган эди. В. И. Лениннинг 20- йилларда эълон қилинган асарлари ва ай-никса унинг «Давлат тўғрисида»ги лекциялари совет антиқшу-нос тарихчиларининг марксистик дунёқарашининг шаклланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди.

А. И. Тюменевшг 1922 йилдан 1922 йилгача босилиб чиқ-қан уч қисмдан йборат «Қадимги Грециянинг социал-иктисодий тарихи очерклари» асари қадимги Греция тарихини марксистик нуқтаи назардан кенг суратда тадқиқ қилишнинг биринчи жид-дий тажрибаси эди. А. И. Тюменев қадимги грек жамиятини қул-дорлик жамияти дёб қарарди. Лекин унинг асарида ҳали бир қанча жиддий нуксонлар ва ноизчилликлар бор эди.

30- йилларнинг бошларида қадимги Греция ва Рим тарихига оид бйр қанча марксистик дарсликлар ва қўлланмалар чиқди. Қадимги Греция ва эллинизмнинг тарихи А. И. Тюменевнинг 1934 йилда иашр этилган «Қадимги қулдорлик жамиятларининг тарихи» номли асарида баён қилинган эди. Бироқ эллинизм давринн А. И. Тюменев бу асарида қулдорлик муносабатлари

деб эмас, балки крепостнойлик муносабатларидан иборат, Д60 тавсифлаган эди. Аксинча, С. И. Ковалевнинг «Антик қулдорЛИЯ жамиятларининг тарихи» деган икки томлик лекциялар курсидв қадимгй Греция ва эллинизм даври дулдорлик жамиятлари дго кўрсатилган эди, эллинистик Мисрдаги дехконларни у хатто давлат куллари деб атаган эди. Юқорида кўрсатилган асарларда крит-микена жамияти матриархат оналик даври, деб нотўғрн таърифланган эди. В. С. Сергеевнинг 1934 йилда боейлиб чикқан «Қадимги Греция тарихи» лекциялар курси анча дуруст эди. Қайта ишланиб, 1939 йилда иккинчи марта нашр этилгап бу курсда қадимги Греция тарихи ривожланаётган кулдорлик жамиятининг тарихи сифатида изчиллик билан конкрет равишда баён қилинган эди. Крит-микена давридан бошлаб кулдор эллинистик жамиятининг социал составининг мураккаблиги қайд қилинган эди. Лекин китобда манбаларнинг ва историографиянинг обзори йўқ эди. Спарта бирмунча идеаллаштирилган эди, 1-Афина денгиз иттифоқининг фаолиятини тасвирлашда ҳам идеаллаштириш элементлари бор эди ва х. к. Жонли, чиройли тил билан ёзилган манбалар ва историографияга оид боблар гоюва қилинган бу дарслик В. С. Сергеев вафотидан кейин 1948 йилда қайта нашр этилди. У 1963 йилда ҳам қайта нашр этилди. Лекин унинг сўнгги нашри шу қадар қайта ишланиб, ўзгартиб юборилган эдики, уни қисмангина В. С. Сергеевнинг асари деб айтиш мумкин эди.

1937 йилда Москвада «Вестник древней истории» деган салмокли ил-мий журнал ташкил этилиб, у совет ҳамда қисман ажнабий антикшунос тарихчиларни ўз аърофида бирлаштирди.

30-йилларда қадимги дунё тарихи бўйича совет мутахассисларининг куч-гайрати билан умуман қадимги кулдорлик жамияти тарихий- тараққиётининг қонуниятлари ва махсус қадимги Шарқ, Греция, эллинизм даври ва Римнинг тарихи марксистик позициялардан тадқиқ қилинган эди. 30- йиллардаги совет историографиясининг асосий хизмати шундан иборат эди.

Улуғ Ватан уруши натижасида қадимги дунё ва қадимги Греция тарихининг тадқиқотлари вақтинча секинлашиб қолган эди. Урушнинг охирида ва айниқса уруш тамом бўлгандан кейин бу тадқиқотлар жадал суръатда янгидан бошланди. 1941 йилда тўхтаб қолган «Вестник древней истории» журналининг нашри 1946 йилда янгидан бошланди.

Агар урушдан илгари совет антик тарихчиларй асосий этиборни умумий проблемаларни ҳал қилишга қаратган бўлсалар, эндиликда, 30- йилларда вужудга келтирилган база асосида айрим даврларнинг, айрим районларнинг тарихини муваффақиятли ишлаб чиқиш ва махсус темаларни ишлаб чиқиш бошланди. Қадимги Греция тарихи ва эллинизм даврига оид бир қанча монографиялар босилиб чикди. Бу монографиялар Қора денгиз бўйларидаги грек колонияларининг тарихини ёритади, улар айрим қадимги грекполисларига ва улар тарихининг айрим

даврларига бағишланган, эллинизм даврини ойдинлаштириб беради ва ҳ.к.

Жуда кўп монографиялардан мисол тариқасида қуйидагиларни кўрсатиб ўтамыз: В. Ф. Гайдукевичнинг 1949 йилда нашр этилган «Боспор подшолиги» асари, А. Б. Рановичнинг «Эллинизм ва унинг тарихий роли» асари (1950), А. Н. Зографнинг «Антик тангалар» асари (1951), В. Д. Блаватскийнинг «Антик давр гулдор керамикаси тарихи» (1953), С. Я. Лурьенинг «Микена Грециясининг тили ва маданияти» (1957), Қ. К. Зельининг «Эрамуздан бурунги Мисрдаги ер муносабатлари тарихига оид тадқиқотлар» асари (1960), А. С. Шофманнинг «Антик македония тарихи» асари (1-томи 1960 йилда, 2-томи 1963 йилда нашр этилган), К- М. Колобованинг «Қадимги Афина шаҳри ва унинг ёдгорликлари» (1961), Я. А. Ленцманнинг «Микена ва Гомер Грециясида куллик» асари (1963), М. М. Кобилинанинг «Милет» асари (1965), Т. В. Блаватскаянинг «Ахея Грецияси» асари (1966), Э. Д. Фроловнинг «Антик замоннинг рус историографияси (XIX асрнинг ўрталаригача)» асари (1967) ва кўпгина бошқа асарлар.

Қадимги Греция ва эллинизм тарихи юзасидан кейинги йилларда эълон қилинган тадқиқотларнинг бир қисми номларининг, бу қисқача рўйхати антик замонга доир совет историографиясининг жуда юксалиб кетганлигидан далолат беради.

• Янги топилган манбалар ва янги тадқиқотлар асосида турли вақтда Қадимги дунё тарихининг умумий обзори ва дарсликлар нашр этилди. 1954 йил ва 1955 йилларда «Жаҳон тарихи»нинг I ва II томлари босилиб чиқди. Унда бир қанча боблар хронологик тарзда Греция ва эллинизмга бағишланган. Қадимги Греция тарихидан янги дарсликлар ва қўлланмалар нашр этилди: Н. М. Никельский, В. Н. Дьяков ва С. И. Ковалев таҳрири остида «Қадимги дунё тарихи» (1952, 1956 ва 1962), Қ. М. Колобова ва Л. М. Глускинанинг «Қадимги Греция тарихи очерклари». Бу қўлланма муаллимлар учун чиқарилган, шунинг учун унда Греция тарихи тўла берилмаган. 1962 йилда В. И. Авдиев ва Н. Н. Пикус таҳрири остида янги дарслик—«Қадимги Греция тарихи» нашр этилди. Унда энг янги маълумотлар асосида қадимги Греция ва эллинизм даври тарихи систематик баён қилинган.

Урушдан кейинги даврда совет археологлари катта тадқиқотлар ўтказдилар. Урта Осиёда С. П. Толстов раҳбарлигида антик Хоразмни топиш учун ўтказилган кўп йиллик қазувлар фўят катта халқаро аҳамиятга эга эди. Қримда Пантикапейрайонида В. Д. Блаватский раҳбарлиги остида муҳим қазувлар ўтказилди. У*СССРда биринчи марта сув остида ўтказилган антик замон археологик тадқиқотларининг авторидир. Тамань ярим оролида М. М. Кобилина кўп йиллар давомида Фанагорияда қазувлар ўтказди. Қадимги Таврида Херсонеси районида С. Ф. Стржелецкий антик қишлоқ хўжалик жойларида ажойиб

казувларни амалга оширди. Қисқа очеркда совет антикшунос археологларининг ҳамма муваффақиятларини кўрсатиб ўтиш имкони йўқ.

Охирида шуни айтиб ўтмоқ керакки, совет антикшунос тлрихчилари манбаларни ленинча инъикос назарияси асосида Тадқиқ этиб, қадимги Греция қулдорлик жамиятининг ва злиии.чм даврининг социал-сиёсий ва маданий жиҳатдан мураккаб ҳаётнинг турли томонларини жадал ва чуқур ўрганишни давом эттириб, 30- йилларда бизнинг фанимизда мавжуд бўлган қулдорлик муносабатларини бирмунча сийқа тушунишни батамом бартараф қилмоқдалар.

ХОТИМА

Қадимги Урта денгиз қулдорлик жамияти мамлакатларидан Греция қуллар меҳнатини энг соф, антик вариантыда эксплуатация қилиш туфайли биринчи бўлиб айниқса катта тараққиётга эришди. Бунинг натижасида унинг экономийкаси эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб тез тараққий қилиб кетди.

Қулдорлик экономикасининг ривожланиши натижасида қадимги, Грециянинг илғор районларида қадимги дунёда энг прогрессив давлат ташкилоти формаси — қулдорлик демократияси пайдо бўлди ва ривожланди. Экономиканинг нисбатан юксакроқ даражада тараққий қилганлиги ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий • онгнинг сиёсий ташкилот туфайли ривожланганлиги грекларга анча кучли ва лекин социал-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан нисбатан қоққ Эрон истибдоди босқинидан ўз мустақиллигини химоя қилиб қолишга имкон берди. •

Греция-Эрон урушларида Грециянинг ғалаба қозониши ўз навбатида Грецияда асирларни қул қилиш ва Эрон давлатининг соҳил бўйидаги районларини талаш натижасида қулдорликнинг ва қулдорлик экономикасининг янада кўпроқ ўсишига олиб келди. Шу асосда эрамиздан аввалги V асрда классик қадимги грек маданияти қисқа вақт ичида ажойиб раванқ топди. Унинг раванқи қадимги грек қулдорлик жамияти ичида кескинлашиб кетган зиддиятлар билан тезда мураккаблашиб қолди, чунки мазкур қулдорлик жамиятининг айрим районлари нотекис ривожланмоқда эди. Қулдорлик экономикасининг ривожланиши сиёсий жиҳатдан чекланган полис формаси билан зид бўлиб қолди. Лекин ривожланаётган экономика асосида иттифоклар формасида кенг сиёсий бирлашмалар ташкил этишга интилишнинг умри қисқа бўлиб чиқди, чунки полислар ўртасида азалдан мавжуд бўлиб келган зиддиятлар батамом бартараф қилинмаган эди. Кризисдан вақтинча қутилиш Греция-Македониянинг Эрон истибдоди составидан чиққан қадимги Шарқ мамлакатларини истило қилишида ва сўнгра маҳаллий ҳукмрон синф билан бирликда уларни эксплуатация қилишида ифодаланди.

Эллинизм даври қадимги Шарқ мамлакатларини ҳам, Грецияни ҳам, иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзлаштирмалар билан бойитган бўлса-да, лекин эллинизм даврида тўла синтез юзага келмади. Социал муносабатлар кескинлашди, ички синфий кураш ва эллинистик давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар ҳамма вақт кучайди. Ана шуларнинг ҳаммаси эллинистик дунёни заифлаштирди, эрамиздан аввалги II—I асрларда унинг ғарбий қисмини аста-секин Рим забт этиб борди, шарқий қисмини эса маҳаллий аҳолининг грек-македон истилочиларига ҳарши озодлик кураши жараёнида Парфия монархияси забт этди. Бу монархия Эрон истибдодининг харобалари устида пайдо бўлган ва унинг ижтимоий тараққиёти феодализмга ҳараб бормокда эди.

Эллинистик дунёнинг ғарбий қисми Рим ҳукмдорлиги остида яна бир неча юз йил давомида қулдорлик жамияти ихароитида ривожланишни давом эттирди, бу қулдорлик жамияти эрамиздан аввалги I асрда истилолар жараёнида пайдо бўлган Рим қулдорлик империяси доирасидаёқ ўз имкониятларини тамомлади.

казувларни амалга оширди. Қисқа очеркда совет антикшунос археологларининг ҳамма муваффақиятларини кўрсатиб ўтиш имкони йўқ.

Охирида шуни айтиб ўтмоқ керакки, совет антикшунос та-рихчилари манбаларни ленинча инъикос назарияси асосида тадқиқ этиб, қадимги Греция қулдорлик жамиятининг ва эллинизм даврининг социал-сиёсий ва маданий жиҳатдан мураккаб ҳаётининг турли томонларини жадал ва чуқур ўрганишни давом эттириб, 30- йилларда бизнинг фанимизда мавжуд бўлган қулдорлик муносабатларини бирмунча сийка тушунишни батамом бартараф қилмоқдалар.

ХОТИМА

Қадимги Урта денгиз қулдорлик жамияти мамлакатларидан Греция қуллар меҳнатини энг соф, антик вариантида экеплуатация қилиш туфайли биринчи бўлиб айниқса катта тараққиётга эришди. Бунинг натижасида унинг экономийкаси эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб тез тараққий қилиб кетди.

Қулдорлик экономикасининг ривожланиши натижасида қадимги Грециянинг илғор районларида қадимги дунёда энг прогрессив давлат ташкилоти формаси — қулдорлик демократияси пайдо бўлди ва ривожланди. Экономиканинг нисбатан юксалроқ даражада тараққий қилганлиги ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий онгининг сиёсий ташкилот туфайли ривожланганлиги грекларга анча кучли ва лекин социал-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан нисбатан қоққ Эрон истибдоди босқинидан ўз мустақиллигини химоя қилиб қолишга имкон берди. •

Греция-Эрон урушларида Грециянинг ғалаба қозониши ўз навбатида Грецияда асирларни қул қилиш ва Эрон давлатининг соҳил бўйидаги районларини талаш натижасида қулдорликнинг ва қулдорлик экономикасининг янада кўпроқ ўсишига олиб келди. Шу асосда эрамиздан аввалги V асрда классик қадимги грек маданияти қисқа вақт ичида ажойиб раванқ топди. Унинг раванқи қадимги грек қулдорлик жамияти ичида кескинлашиб кетган зиддиятлар билан тезда мураккаблашиб қолди, чунки мазкур қулдорлик жамиятининг айрим районлари нотекис ривожланмоқда эди. Қулдорлик экономикасининг ривожланиши сиёсий жиҳатдан чекланган полис формаси билан зид бўлиб қолди. Лекин ривожланаётган экономика асосида иттифоқлар формасида кенг сиёсий бирлашмалар ташкил этишга интилишнинг умри қисқа бўлиб чикди, чунки полислар ўртасида азалдан мавжуд бўлиб келган зиддиятлар батамом бартараф қилинмаган эди. Кризисдан вақтинча қутилиш Греция-Македониянинг Эрон истибдоди составидан чиққан қадимги Шарқ мамлакатларини истило қилишида ва сўнгра маҳаллий ҳукмрон синф билан бирликда уларни эксплуатация қилишида ифодаланди.

Эллинизм даври қадимги Шарқ мамлакатларини ҳам, Грецияни ҳам иктисодий, сиёсий ва маданий ўзлаштирмалар билан бойитган бўлса-да, лекин эллинизм даврида тўла синтез юзага келмади. Социал муносабатлар кескинлашди, ички синфий кураш ва эллинистик давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар ҳамма вақт кучайди. Ана шуларнинг ҳаммаси эллинистик дунёни заифлаштирди, эрамиздан аввалги II—I асрларда унинг ғарбий қисмини аста-секин Рим забт этиб борди, шарқий қисмини эса маҳаллий аҳолининг грек-македон истилочиларига қарши озодлик кураши жараёнида Парфия монархияси забт этди. Бу монархия Эрон истибдодининг харобалари устида пайдо бўлган ва унинг ижтимоий тараққиёти феодализмга қараб бормокда эди.

Эллинистик дунёнинг ғарбий қисми Рим ҳукмдорлиги остида яна бир неча юз йил давомида қулдорлик жамияти шароитида ривожланишни давом эттирди, бу қулдорлик жамияти эрдмиздан аввалги I асрда истилолар жараёнида пайдо бўлган Рим қулдорлик империяси доирасидаёқ ўз имкониятларини тамомлади.

ҚАДИМГИ ГРЕЦИЯ ТАРИХИГА ОИД ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

	Крит-микена даври (хальколит ва бронза л
Эраимиздан аввалги XXXVIII—XXII аср XXII—XVII аср XVIII аср ўртаси— XV аср ўртаси XV асрнинг иккинчи яр- ми	Илк-миной даври. Урта-миной даври.
XIV—XII аср	Критда ягона давлатнинг пайдо бўлиши в вакти. Крит давлатининг инкирози. Ахейяликларнинг Эгей архипелаги оролларш чиб келиши. Пелопоннесда Ахея подшоликларининг равияМ (Микена ва Пилос). Ахейяликларнинг Трояга хужум қилиши («I уруши»).
XIII асрнинг охири I XII асрнинг иккинчи яр- ми—XI асрнинг боши	Дорийларнинг кўчиб келиши ва уларнинг Пело поннесни, Критни ХЧмда Кичик.Осиёнинг жаиу би-ғарбий сохилини истило қилиши. «Гомер даври» (темирнинг расм бўлиш даври). Архаик давр
XI—IX аср	Урта денгиз мамлакатларининг буюк грек коло низацияси.
VIII—VI аср	Олимпия ўйинларида ғолибларнинг биринчи рўй хат қилиниши (биринчи Олимпиада). Коринфда тирания.
767	Килоннинг Афинада ҳокимиятни қўлга олишга уруниши («Килон ғалаёни»).
VII асрнинг иккиичи яр- ми—VI асрнинг боши Тах. 640 621 594	Афинада Драконт қонуни. Солон қонуни (Афинада демократик давлат ту- зумининг ўрнатилиши).
VI аср Тах. 560—527 VI асрнинг ўртаси 510	Иония натурфалсафасининг равнак топиш даври. Афинада Писистрат тиранияси. Пелопоннес иттифокининг вужудга келиши. Спарталикларнинг Аттикага бостириб кириши ва Афинада Гиппий тираниясининг ағдарилиши. Афинада кўзғолон ва Клисфеннинг демократик конституцияси.
509	Афиналикларнинг Афинада демократияни саклаб қолиш учун Спартага ва унинг иттифокчиларига қарши кураши.
508—506	Классик давр
500—449 500—494	Греция-Эрои урушлари. Иония шаҳарларининг форсларга қарши кўзго- лони.
492	Форсларнинг Болқон Грециясига бостириб кириш- га биринчи уруниши.
490	Эроннинг Архипелага ва Аттикага бостириб ки- риши. Марафон ёнидаги жанг.
480—479 480	Ксеркснинг Грецияга босқини. Фремопила, Артемисия, Саламин ёнидаги жаиг- лар.
479 478/7	Платея, Микала бурни ёнидаги жанглар. Делос (I-Афина) денгиз иттифокининг ташкил этилиши.
462 454	Эфиальтнинг демократик қонуни. Иттифок хазинасининг Делосдан Афинага кўчй- рилиши. Денгиз йттифокининг Афина «архз»сига айлантирилиши.

«Каллий» сулхи.
Грецияда гегемонлик қилиш учун Афина билан
Спарта ўртасидаги биринчи уруш.

Маданиятнинг атоқли арбоблари

Трагедиянавис Эсхил.
Хайкалтарош Фидий:
«Тарихнинг отаси» Геродот.
Трагедиянавис Софокл.
Трагедиянавис Еврипид. >
Тарихчи Фукидид.
Тарихчи Ксенофонт.
Файласуф-идеалист Сократ.
Файласуф-материалист Демокрит.
Комедиялар автори Аристофан.
Перикл — Афина демократиясининг раҳбар ар-
боби.
Пелопоннес уруши.
«Архидам» уруши.
Сфактериядаги жанглар.
Амфиполь ёнидаги жанг.
«Никий» сулхи.
Афиналикларнинг Сицилияга қўшин юбориши.
Сиракузанинг камал қилиниши. . |
«Декелей» уруши.
Афинада олигархлар тўнтариши.
Аргинус ороллари ёнидаги жанг.
Стратеглар процесси.
Эгрспотама ёнидаги жанг — Афина флотининг
яксон қилиниши. '
Афинанинг таслим бўлиши.
Афинада ўттизлар тиранияси.
Кичкина Қирнинг экспедицияси.
10 000 грек ёлланма аскарларининг чекипиши.
Коринф уруши.
«Анталкид» сулхи. ;
Грецияда Спарта гегемонияси.
Фивада демократик тўнтариш.
2- Афина денгиз иттифоқи.
Спарталикларнинг Левктра ёнида тор-мор қили-
ниши. Пелопоннес иттифоқининг емирилиши.
Фиванинг сиёсий устунлиги.
Мантиней ёнидаги жанг.
«Мукаддас» уруш. ФилИпп Македонскийнинг грек
ишларига аралашуви.
• Херонея ёнидаги жанг ва Грецияда македон ге-
гемониясининг ўриятилиши.

Маданиятнинг атоқли арбоблари

Файласуф-идеалист Платон. (Афлотун)
Файласуф Аристотель. (Арасту)
Файласуф-материалист Эпикур.
Тарихчи Ксенофонт.
Сиёсий ёзувчи Исократ.
Нотик Демосфен.
Нотик Эсхин.
Хайкалтарош Пракситель.
Комедиялар автори Менандр.

337	Коринф (панэллин) конгресси.
336—323	Александр Македонский подшолик қилган давр.
334—325	Александр Македонскийнинг Шарққа қилган юришлари.
334	Граника ёнидаги жанг.
333	Исс ёнидаги жанг.
331	Гавгамела ёнидаги жанг.
330—327	Александрнинг Сўғдиёндаги урушлари.
327—325	Александрнинг Хиндистондаги урушлари.
323	Александр Македонскийнинг вафоти. „.
323—322 .	Греklarнинг . македонияликлар ҳукмронлигига қарши қўзғолони («Ламия уруши»).
323—301	Александр аскар бошиларининг (диадохларининг) урушлари.
301	Ипса ёнидаги жанг.
тах. 367—168	Этолия иттифоқи.
323—30	Мисрда Птолемейлар династияси.
312—64	Осиёда Селевкийлар династияси.
276—168	Македонияда Антихонийлар династияси.
283—133	Пергамда Атталийлар династияси.
245—221	Спарта подшолари Агис IV ва Клеомен III ислохотлари.
207—192	Спартада Набис тиранияси.
200—197	Римнинг македония билан иккинчи уруши.
168	Римликларнинг Македония подшолигини йўқ қилиши.
146	Коринфнинг вайрон қилиниши ва римликларнинг Грецияни узыл-кесил забт этиши.
	Маданиятнинг атоқли арбоблари. „
III асрнинг биринчи ярми	Математик Евклид. 4
285—212	Математик ва физик Архимед.
III аср	Физик Стратон.
тах. 310—230	Самослик астроном Аристарх.
тах. 275—208	Географ, астроном, математик Эратосфен.
III асрнинг биринчи ярми	Медицина олими, Герофил.
тах. 200—120	Тарихчи Полибий.

ҚАДИМГИ РИМ

• ; КИРИШ

Италияда таркиб топган қудратли давлат— Рим республикаси эрамиздан аввалги II аср ўрталаридаги Урта денгиз дунёсининг қулдорлик мамлакатлари орасида ҳукмрон бўлган. Рим республикаси Апеннин ярим оролида яшовчи халқлар ва қабилаларни ўз ҳукмига бўйсундириб, рақобатдош мухолифлари билан олиб борган қаттиқ урушлардан сўнг уларнинг қаршигапани енгган ва эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб Урта денгиз давлатлари орасида энг кучлиси бўлиб қолган. Кейинчалик эрамиздан аввалги I аср ваэрамизнинг II асрида Рим қулдорлари бутун Шимолий Африкани, Европанинг анча қисмини ва Олд Осиё мамлакатларини ўз ҳукмронлиги остига олган ва қариб 500 йил умр сурган ғоят катта давлатгаайланган.

Рим давлатида қулдорлик тўла таракқий топган. Бироқ замон ўтиши билан қулдорлик экономикаси ва у билан бирга қулдорлик системасига асосланган ижтимоий муносабатлар ҳам ёшани яшаб бўлган, натижада қудратли Рим давлати заифлашган; ва ниҳоят қулаб кетган. Шу тариқа Урта денгиздаги қадимги антик таракқийёт ҳалокатга учраган. Китобнинг ушбу бўлими қадимги қулдорлик жамиятининг энг юксак даражада таракқийётопиши ва кейинчалик қулаб кетишидан, иборат икки даврни ўзида мужассам қилган қадимги Рим давлатининг вужудга келиши, таракқий қилиши ва қулаш тарихини ташкил этади.

1 ВОБ

V ҚАДИМГИ РИМ ТАРИХИНИНГ МАНБАЛАРИ ., •.

Рим исторнографияси эрамиздан аввалги II асрдан бошланган, бу даврда Рим давлати Урта денгиз мамлакатлари ўртасида энг қудратли давлат бўлиб олган. Римнинг Грецияни ва эллинистик давлатларни забт қилиши Римда греклар таъсирининг кучайишига сабаб бўлган, Рим шаҳарларида қул ва асирлар ичидан чиққан билимдон кишилар пайдо бўлган. Рим Нобиллари (зодагон сенаторлар) грек тилини, грек илм-фанй ва санъатини билишга мажбур бўлган. Бироқ Рим жамияти элли-

нистик дунё маданиятини ўзига тўла ўзлаштириб, сингдириб 0 I ган эмас. У бу маданиятдан Рим давлати ҳаётига, унииг традициялари ва ахлоқ-одоб нормаларига якин бўлган томонларини гина қабул қилган.

1. Рим йилномалари. Йилномачилар. Рим давлатининг ЮЗ! ки қудратини мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлаш эҳтиёЖИ йилномачиларнинг дастлабки тарихий-адабий асарларни яр| тишларига сабаб бўлган. Римнинг илк тарихчилари Римнинг ха- кикий тарихини бунёд қилиш тўғрисида бош қотириб кўрмм ганлар. Улар фақат амалий мақсадни: ўтмишдан замондошларга ўрнак бўладиган энг яхши намуналарни топиш, зодагон табақаларнинг қахрамонликларини мактаб, шу билан республикани мустаҳкамлашга ёрдам бериш мақсадини кўзлаганлар, холос. Рим йилномачиларининг тарихнинг фақат юзаки томопи билангина қизиқиш сабаби ҳам шундадир.

Йилномачилар яратган асарларни биз хийла кейинги давр- лардаги авторларнинг асарларида келтирилган парчалардангина биламиз. Уларнинг традициялари ва хусусиятларини тушуниш учун уларнинг манбалари бўлмиш фастрлар ва йилномаларни тавсифлаш зарур.

Фастлар — бош кохинлар тузган календарь ёзмалардир. Улар жамоаларнинг диний ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, замондошлари учун амалий аҳамият касб этган. Унда хусусий ва давлат ишла- рини юргизишга йўл қўйилган кунлар, диний байрамлар ўтка- зиладиган кунлар қайд қилинган. Фаст илк республика бошла- рида (эрамиздан аввалги VI—IV асрларда) пайдо бўлган бўлса керак. Галлар истилоси вақтида (эрамиздан аввалги 390 йил) бу қадимги ёзмалар йўқ қилиб юборилган.

Бошқа бир манба кохинларнинг об-ҳаво тўғрисидаги ёзма- ларидир. Бош кохин ўзи бино қилган уйнинг деворига ҳар йили оқ тахта осиб қўяр ва кўпчилик диққатига сазовор ходисаларни: табиий офатлар, куёш, ой тугилишини, уруш бошланган ва ту- гаган кун ва ҳоказоларни қисқача ёзиб қўяр экан. Эрамиздан аввалги тахминан 130 йили бош кохин — бош понтифик Публий Муций Сцевола қўл остидаги понтифик— кохинларнинг барча ёзмаларини умумий битта ёзмага жамлаб «Буюк йилномалар» нашр қилган.

Қисқача ёзилган йилномаларни халқнинг оғзаки ижоди тўл- дириши, кенгрок тарифлаб бериши мумкин бўлса-да, оғзаки поэзия ёдгорликларининг кўпчилиги йўқолиб кетган.

Рим тарихига доир дастлабки манбаларнинг хусусиятлари эрамиздан аввалги III—II асрлардаги тарихчиларнинг асарла- ри характерига ҳам таъсир қилган. Бу тарихчиларни одатда катта йилномачилар деб аташ расм бўлган. Цицероннинг ай- тишича: «улар қисқа қилиб ёзишни баёнотнинг бирдан-бир фа- зилати д'ёб билиб, фақат кунлар, кишилар, воқеа ва у юз бер- ган жойни кўрсатиб ёзганлар, холос».

Катта йилномачилардан энг машхури Квинт Фабий Пиктор-

дир. У эрамиздан аввалги III аср охирларида яшаган. Пиктор *§1* асари бўлмиш «Иилномалар»ни грек тилида ёзган. Бу асарда Римнинг Италияда Эней пайдо бўлишидан бошлаб тоиккинчи Пуни урушигача бўлган тарихи баён қилинган. Пиктор асариинг манбалари ундан олдинги йилномалардаги маълумотлар, Фабийлар авлодининг нақллари, авторнинг шахсий кузатишлари, кўрган-билган кишиларнинг хикоялари бўлган бўлса керак.

Латин тилидаги биринчи тарихий асарларни (эрамиздан аввалги 234—149 йилларда яшаган) Марк Порций Катон ёзган. Шу киши латия прозасига асос солган. У машхур давлат арбоби (консул, цензор), тарихчи ва нотик бўлган.

Катоннинг «Бошланғичлар» номи билан ёзган етти китобдан иборат тарихий асари бирмунча кейинги даврлардаги тарихчиларнинг асарларида келтирилган парчалар ва баёнларидагина бизгача етиб келган. Катон ўз асарида ҳар хил италийжамоаларининг тарихини тасвирлаган.

Катон манбаларга жиддий эътибор билан ёндошган: у понтификларнинг йилномаларидан, йилномачиларнинг асарларидан, ўзининг шахсий кузатишларидан, кўрган-билган кишиларнинг хикояларидан ва оғзаки нақллардан фойдаланган. Катон Пуни урушини баён қилишдан аввал уруш ҳаракатлари бўлган жойларни бориб кўрган, Карфагеннинг давлат тузумини ўрғаиған. Тарихий маълумотлар билан географик маълумотлар ўртасидаги боғланишни кўздан кечирган. Унинг асарларида маълум даражада илмий элементлар бор. Шундай бўлса ҳам Катоннинг асарлари адабиёт таъсиридан холи эмас. Катоншунос Корнелий Непотнинг айтишича, у «Италия ва Испанияда ажойиб кўринган воқеаларни» ёзган, яъни эртақлардан ва афсонавий материаллардан фойдаланган.

Катоннинг «Бошланғичлар»и йилномачиларнинг одатдаги асарларидан фарқ қилади. Катон «ҳар бир Италия давлатининг қаердан келиб чиққанлигини» таърифлаб берган, яъни Италиядаги қабилалар ва шаҳарларнинг тарихини баён қилиб, Рим қудратида Италиянинг тутган ўрнини кўрсатган. Йилномачилар воқеаларни албатта йилма-йил кўрсатиб тасвир қилган бўлсалар, Катон бундай йўл тутмаган. Унинг асарларидаги яна бир хусусият шундан иборатки, унда лашкар бошилари ва давлат арбобларининг номлари тилга олинмаган.

ҚаДимги авторларнинг кўпи Катонни унинг кўп нарсадан хабардорлиги ва тасвирларининг аниқлиги учун кадр-қимматини баланд тутганлар ва унинг асарларидан кенг фойдаланганлар. Цицерон: «Греция ва Рим тарихида у билмаган бирон бир воқеани топиш қийин» деб ёзган. Катоннинг асарлари ундан кейинги йилномачиларнинг асарларига катта таъсир кўрсатган. Уларнинг асарларида ҳам воқеалар йилма-йил баён қилинган. Афсонавий материаллар ҳақиқий материаллардан ажратилмаган, фақат фактлар, воқеалар баён этилган. Аммо бу авторлар

ўз асарларига сиёсий ўткирликбери билганлар ва ниҳоят кўпгина нақлларнинг йўқолиб кетмаслигига сабабчи бўлганлар.

Эрамиздан аввалги II асрнинг 30-йилларидан эътиборав Рим республикасида «янги»ёки «кичик» йилномачилар деб аталмиш авторларнинг, чунончи Луций Целий, Антипатр, Семпроний; Азеллионларнинг асарлари пайдр бўла бошлаган.

Кичик йилномачилар одатдан ташқари саргузаштлар ва афсоналарга учмаган. Уларнинг асарларидаги янгилик шундан иборат бўлганки, улар материални йилнома тарзида баёиқчиликдан воз кечганликларидир, Кичик йилномачилар воқеаларнинг сабабларини, маъзини баён қилишга ҳаракат қилганлар. Бироқ улар фактларни бир ёқлама ёритганлар, латифанамо қизиқ материаллардан фойдаланишга уринганлар, хронология жиҳатидан хатоларга йўл қўйганлар.

2. Республика даврининг тарихчилари ва принципатнинг бошланиши. Эрамиздан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Полибий «Умумий тарих»ни ёзган. Унда эрамиздан аввалги 264—146-йиллардаги воқеалар баён қилинган. Унинг бу асари илмийтадиқикотдир. Полибий грек историографиясининг энг яхши анъаналарига амал қилган. Аммо унинг сиёсий қарашлари Рим жамиятидаги консерватив табақаларнинг манфаатларини ифода қилган.

• Полибий Римнинг Урта денгиз шарқий қисмининг ҳаётига аралашини кузатиб, унда Рим ҳокимияти ўрнатилиши муқаррар деган хулосага келган. У ўзининг асарида Римнинг бир қанча қабилалар ва халқларни ўзига бўйсундирганлигининг сабабларини кўрсатиб беришга, яъни Рим давлатининг вужудга келиш тарихини яратишга ҳаракат қилган. Полибий Рим давлатининг қудратини, унинг давлат тузумидаги хусусиятларида деб билган, унинг назарида бу тузумни идора қилишнинг аристократик, демократик ва монархик шакллари ажойиб тарзда бир-бири билан қўшилиб кетган.

Полибий манбаларни жуда синчиклаб текширган, мамлакатнинг географик ҳолати ва унинг иқлимни ўрганган. У антик историографиянинг одат ҳукмидаги адабий усулларида фойдаланган: у воқеанинг баёнотида воқеада иштирок қилувчиларнинг нутқларини киритган. Полибий бу билан уларнинг гапларига мумкин қадар «хақиқий» тус беришга ҳаракат қилган. У манбаларнинг нақадар ростлигини аниқлаб, тарихий воқеаларнинг сабабли боғланишларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Бироқ содир бўлаётган барча воқеаларнинг* сабабларини айрим шахсларнинг иш ва ҳаракатларида кўрган, холос.

Полибий тарих чинакам воқеаларни изоҳлашга ва бу воқеаларнинг кейинчалик тараққиёт нўлини белгилашга имкон беради, яъни тарих «насиҳат бериши», «ўргатиши» мумкин, амали жиҳатдан фойдали бўлиши мумкин деб фараз қилган,

Эрамиздан аввалги I аср республиканинг қулаш ва империянинг барпо бўлиш давридир. Давлат формаларининг алмашиши

• кескин синфий кураш шароитида юз берган. Бу даврнинг манбалари асосан ўша даврда яшаган Марк Туллий Цицерон, Гай Юлий Цезарь, Гай Крисп Саллюстийларнинг асарларидир. Бу асарларнинг умумий хусусияти шундан, иборатки, уларни сиёсий ҳаёт ичида қайнаган ва маълум сиёсий қарашларга эга бўлган давлат арбоблари ёзган. Шунинг учун бу асарлар жуда ҳам бир ёклама асарлар бўлиб, бу бир ёкламалик эрамиздан аввалги I аср даври берган сиёсий гуруҳларнинг курашии акс эттиradi.

Сиёсий арбоб, ажойиб нотик, юрист, адиб бўлмиш Марк Туллий Цицероннинг асарлари эрамиздан аввалги I аср тарихини ўрганишда ғоят зўр қймматга эга. Цицерон мерос қилиб нутқлар, хатлар, фалсафа ва тарихдан трактатлар қолдирган.

Марк Туллий Цицероннинг сиёсий қарашлари унинг Римдаги консерватив зодагон республикачилар доирасига мансублиги билан белгиланган. У демократик принциплардан юз ўгирганлигини Назарий жихатдан оқлаш йўлини қидирар экан, монархия, олигархия (давлатдаги биринчи кишиларнинг обрўси) ва демократия (давлат масалаларини ҳал этишда кўпчиликнинг иродасйнитанолиш)даниборатқурама формани илгари сурган. Унинг фикрича, зодагонлар республикаси тепасида умумий фаровонликни ва юксак адолатни ўрнатишга интилувчи ғоят виждонли ҳоким туриши керак экан. Идора қилишнинг бундай курама формаси давлатнинг мустаҳкамлиги ва турғунлигшш таъмин этиши лозим экан.

Цицероннинг яна бир программ қоидаси «табақалар иттифоқи» шиори, яъни плебсга ва ҳокимиятни даъво қилувчи монархга қарши сенаторлар билан сувориларнинг иттифоқини тузиш бўлган. Цицероннинг синф манфаатлардан устун бўлишга, «беғалва ўргалик»дан жой олишга уриниши беҳуда бўлган албатта. Цицероннинг полис (шаҳар-давлат) тузилишини тиклаш мумкинлигга, ҳар томонлама ривож топган кишининг, яъни унда шахс мустақиллиги билан тўла гражданлик мужассам бўлишига ишоеиши ҳам у даврда ҳаёлий бир фараз бўлган, холос.

Цицероннинг хусусий манфаатларни ижтимоий манфаатларга бўйсундириш зарурлиги, ҳар томонлама ривож топган киши тўғрисидаги тасаввури, табақалар иттифоқи ҳақидаги тезиси Уйғониш даврида ЕврОпа мутафаккирларига, инглиз ва француз қаърифатпарварларига ғоят катта таъсир кўрсатган.

Рим нотиклари орасида энг қобилиятлиси бўлган Цицерон классик латин прозасининг ижодчиси ҳамдир.

Цицероннинг нутқлари, хатлари ва трактатларининг сиёсий оташинлиги ва ўтқирлиги туфайли унинг асарлари республика ҳалокати давридаги ғоявий-сиёсий курашни характерлашда киммдтли манба бўлиб хизмат қилади.

Эрамиздан аввалги I асрда яшаган яна бир тарихчи Гай Крисп Саллюстий ғоявий жихатдан ҳам, услуги жихатдан ҳам ягамомила бошқача асарлар қолдирган. У Цезарь тарафдори бў-

либ, унинг консуллигида бир канча муҳим лавозимда бўлган Цезарнинг ўлимидан кейин Саллюстий сиёсий фаолиятини таш лаб, қолган бутун умрини тарихий асарлар яратишга бағшн лаган. У «Цезарга хатлар», «Катилина фитнаси», «Юғурта уруши» ва «Тарих» асарларини ёзган. «Тарих»нинг айрим парча* ларигина бизгача етиб келган. Саллюстий бу асарларида республика тарафдорларининг, яъни нобиллар билан плебс ўртасидаги мавкени эгаллаган ўртача бадавлат доираларнинг мафкурачиси сифатида майдонга чиққан.

Саллюстий ўзининг илк асарларида, чунончи «Цезарга хатлар» ва тарихий монография бўлмиш «Катилина фитнаси» да Полибийнинг ахлоқ тушқунлиги назариясига амал қилиб, бутун Рим тарихини уч босқичга бўлган. Улардан бири — подшо даври — подшо ҳокимияти, золимона ҳукмронликка айланиши билан тамом бўлади. «Олтин давр» деб аталмиш иккинчи босқич иккинчи Пуни уруши давридан тортиб эрамиздан аввалги 146 йили Карфагеннинг вайрон қилинишигача чўзилган. Бу даврнинг муҳим хислатлари ҳокимиятларнинг сайланиб қўйилиши, эркинлик бўлиши, хушфёъллик ва шу билан бирга порага учмасликдир: тан жонга бўйсунгандай халқ сенатга бўйсунди. Сенаторлар эса донолик ва андишаликлари билан машхурдир. Бундан кейинги учинчи даврда ахлоқ тушқунлиги тез авж олади, натижада давлат ҳам тез таназзулга юз тутди. Зеб-зийнат ичига кўмилиб бузилган очкўз Рим нобилларининг шухратпарастлиги, тамагирлиги ва зулмга интилиши давлатни ана шундай таназзулга олиб келади.

«Юғурта уруши» номли иккинчи монографияда уруш харакатлари плебс ва сенат ўртасидаги қаттиқ социал кураш билан чамбарчас боғлаб кўрсатилган. Бу кураш эса асарда тарихий процесснинг харакатлантирувчи кучи қилиб берилган.

Сўнги «Тарих» асарйда эрамиздан аввалги- 78-йилдан 67-йилгача бўлган давр баён қилинган. Беш китобдан иборат бу асарнинг айрим парчаларигина бизгача етиб келган. Бу асарда Рим халқи фикс-фужур ичига кўмилиб қолган бузуқ нобилларга қарши турадиган бирдан-бир куч эканлиги таъкидэтилган, бу эса бошқа асарларда кўрилмаган янгиликдир.

Эрамиздан аввалги I асрда граждн урушлари вақтидаги фожиали «вокеалар тасвирида ўша давр арбобларининг афти ангорларига берилган тавсифлар диққатга сазовордир.

Саллюстий китобхонларга ўз асарларининг беғаразлигини қайта-қайта уқтиради. Аммо унинг бутун ижоди ўзига душман бўлган Рим нобилларининг иллатларини фош қилишдан иборат.

Эрамиздан аввалги I асрда (100—44-йилларда) яшаган ва шу даврнинг энг ёркин сиёсий арбобларидан бири бўлган Гай Юлий Цезарнинг асарлари ҳам субъектив ва бир ёклама асарлардир.

Цезарнинг «Галл урушлари ҳақидаги ёзмалар» номли хотиралари унинг энг муҳим тарихий асаридир. Бу асар эрамиздан инналги 51-йилда нашр қилинган. Эрамиздан аввалги 52—51-инлардаги воқеаларни «Ёзмалар»нинг VIII китобида Цезарнинг дўсти Гирций баён қилган. Аммо унинг китоби услуби жпхатдан Цезарь китобларидан хийла қолишади, буни автор-ИНЎзи ҳам тан олган,

Шўбхасизки, бу хотиралар юксак тарихий қимматга эга. Улар Цезарнинг ўз кузатишлари, галлар ва германларнинг хикоялари, расмий ҳужжатлар, Цезарнинг, квестор ва преторларнинг сенатга берган маълумотномалари асосида ёзилган. Бу хотираларда эрамиздан аввалги 55-йилдан бошлаб то умумгаллар кўзғолони бостирилгунча (эрамиздан аввалги 51-йилгача) римликларнинг Галлиядаги уруш ҳаракатлари батартиб баён этилган. Географик ва этник маълумотлар: галл ва герман қабилаларининг ижтимоий тузуми, маиший ҳаёти ва урф-одатлари тўғрисидаги маълумотлар жуда қимматлидир;

Кучларнинг жойлаштирилиши, истехкомлар курилиши, кўприклар солиниши, жангларнинг бориши тўғрисидаги хикоялар уруш санъати тарихи учун муҳимдир. Ёзмаларнинг услуби аниқ ва қатъий, қисқа ва эпик жиҳатдан мулойимдир. Воқеалар учинчи шахс номидан баён қилинади. Хикоялар атайлаб ҳолисона ёзилган бўлса-да, қадимгилар ҳам «Ёзмалар» ҳақиқатга парво қилмай ёзилган» дейишган.

Автор Римнинг уруш ҳаракатлари қонуний ҳол деб исботлашга уринади ва воқеаларни бузиб кўрсатиш, сохта таърифлардан ҳам тап тортмайди. Хуллас, Цезарь бу асарда ўзининг ҳаракатларини оклашга уринади.

Цезарнинг «Гражданлар уруши ҳақидаги ёзмалар» помли иккинчи асариде эрамиздан аввалги 49—48-йилларда¹ юз берган воқеалар тасвир этилган. Бундаги материаллар жуда ҳам бир ёклама ва ғирт субъективдир. Фактлар шундай танланганки, улар авторга гражданлар урушини бошлаб юборишда айбни ўз душманлари устига қўйишга имкон берган. Шундай бўлишига қарамай, ёзмалар Италия ва вилоятлардаги граждан урушларининг тарихи учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

«Александрия уруши», «Африка уруши», «Испания уруши» асарлари. Цезарь асарларининг давомидир. Аммо бу асарларнинг автррлари номаълум.

Август идора қилган замонда тарих ва адабиёт эсдан чиқи кетган қадимги принципларни, чунончи: садокат, диёнат ва адолатни тиклашга ёрдам бериши керак бўлган. Тарихий асарлар умум Рим дунёсининг ҳужуми тақозо қилган рухий юксалишни акс эттириши, ўтмишга яқун ясаши лозим бўлган. Бу масалалар Италиядаги Падуа шахрининг ритори Тит Ливийниинг «Шахар бино бўлишдан бошлаб Рим тарихи»да хийла тўла баён қилинган. Тит Ливий Римнинг афсонавий замондан бошлаб ўзи яшаган давргача ўтган бутун тарихини ёзишга ҳаракат қилган.

Унинг бу ғоят пухта асарй 142 та китобдан иборат бўлган, локин ундан атиги 38 таси ва бошқа баъзи китобларидан парчалар сақланган, холос.

Тит Ливий тарихни ёдгорлик деб билгай. Унинг фикрича, тарих ўрнатқ бўла оладиган намуналарни кўрсатиши, «бизнинг авлодимиз кўп йиллар давомида кўриб келган офатлардан қандай қилиб сақланиш»га ўргатиши лозим.

Тит Ливий воқеаларнинг сабабли боғланишларини аниқлаш, уларни изохлаш ва бу воқеалар ростми-йўқми, бу ҳақда бош қотирмаган. Унинг асарларида Фукидид, Полибий асарлариға хос тарихий танқидлар йўқ. Тит Ливий Цицеронга таклид қилишга уринган-у, бу уринишда муваффақият қозона олмаган. Унинг бирини иккинчисидан асрлар ажратиб турган қаҳрамонлари бир хил чиройли фикр юритишади, бир хил ҳаракат қилишади ва бир хил гапиришади.

Тит Ливийнинг республика тарихидан қимматли манба бўлиши асарлари, авторнинг фикрича, китобхонга чуқур таъсир қилмоғи лозим бўлган. Унинг асарлари илмий тадқиқот эмас, балки В. Г. Белинский айтганидек, санъаткорнинг асари, санъат асаридир.

Эрамиздан аввалги I асрда грек ёзувчилари— Диодор Сицилийский—(эрамиздан аввалги 90—21-йиллар) ва Тит Ливийнинг замондоши Дионисий Галикарнасскийнинг асарлари ҳам пайдо бўлган. Бу авторларнинг иккаласи ҳам Рим тарихининг «обзори»ни беришга уринишган. Диодор Сицилийскийнинг 40 китобдан иборат «Тарихий кутубхонаси»дан атиги XI—XX жилдларгина сақланган. Дионисий Галикарнасскийнинг «Қадимги Рим ёдгорликлари» асарининг тақдири ҳам худди шундай. Унинг 20 та китобидан фақат ўнтаси (биринчи ярми) бизгача етиб келган, холос. Қолган ўнтасидан эса айрим парчалар сақланиб қолган.

Диодор Сицилийскийнинг асарида Римнинг қадимги тарихига доир баъзи маълумотлар бор. Сицилиядаги куллар кўзғолони тўғрисидаги ахборот Рим республикасидаги синфий кураш тарихи учун муҳим қимматга эга. Бу ахборот асарнинг терма характерда бўлишига қарамай, бизни Сицилияда юз берган воқеалар билан муфассал таништирадиган бирдан-бир манбадир.

Дионисий Галикарнасскийнинг «Қадимги Рим ёдгорликлари» да ҳам этнографияга ва Италиянинг энг қадимги тарихига доир муҳим материал бор.

Катон ва Варроннинг асарлари республика давридаги Италия кишлок хўжалигини ўрганиш манбадир.

Катон «Дехқончилик тўғрисида» деган асар ёзган, бу асар тўла равишда бизга етиб келган. Автор дехқончиликни шарафий иш ва Рим гражданиннинг ҳамма тан олган қимматларидан бири деб билиб, марказий Италияга хос намунали ва энди бозор билан иш қиладиган ўртача имениени тасвирдаган. Катон шахсан ўз тажрибаси ва кузатмаларига асосланиб кишлок хў-

жалигининг турли тармоқларини, қишлоқ хўжалик қуролларини ва агротехника усулларини тавсифлаб берган.

Қатон ўз асарида ўртача имениеларнинг товар маҳсулдорлиги тўғрисида ҳукм юритишга имкон берувчи баъзи маълумотларни келтирган.

Қатоннинг асари эрамиздан аввалги II аср қулдорларининг ер-мулк тузилишини тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Тарих, нотиклик санъати, фалсафа, география, ҳуқуқшунослик ва математика билан қизиққан Рим адиби Марк Теренций Варрон (эрамиздан аввалги 116—27-йиллар) ўз замонининг энг машҳур олими бўлган. Қўп римликлар сингари у ҳам эрамиздан аввалги I асрда юз берган қизгин воқеалар ичида қайнаган. Сеиат партияси тарафдори бўлмиш Варрон Помпей томонида туриб гражданлар урушида қатнашган, аммо Цезарь уни кечирган ва унинг топшириғи билан Варрон Римда халқ кутубхонасини ташкил қилгаш

Варрон гражданлар уруши тамом бўлгандан кейин қолган бутун умрини илмий ишга бағишлаган. Унинг «Қадимги ёдгорликлар»и энциклопедия характеридаги катта асардир. У латин тилини тадқиқ қилган, ўз замонидаги урф-одатлари мазақ қилувчи сатира ёзган. Афсуски, Варроннинг жуда қўп асарларидан фақат баъзи бирлари: «Латин тили тўғрисида» ва далачилик, боғдорчилик, томорка хўжалигидан қўллайма бўлган «Қишлоқ хўжалиги тўғрисида»ги илмий асарлариги бизнинг замонимизгача сақланиб келган.

Варроннинг кейинги бу асарида далачилик хўжалиги тўғрисида, янги экин (буғдой, полба) тўғрисида маълумотлар бор, унда қишлоқ хўжалик меҳнат қуроллари таърифлаб берилган. Асарда тоқчилик, боғдорчилик, яйлов чорвачилиги, парраидачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тўғрисида маълумотлар бор.

Варроннинг имениеда иш кучи —эркин кучлар ва қуллардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлари катта қимматга эгадир. Тарихчи қулга гапирадиган меҳнат қуроли сифатида антика тавсиф берган.

Варроннинг бу илмий асарий Италиянинг эрамиздан аввалги I аср қишлоқ хўжалигини ўрганиш учун мароқли манбадир. Бу асардаги маълумотларни Катоннинг «Дехқончилик тўғрисида»ги асарида берилган маълумотлар билан таққослаб қўрилганда эрамиздан аввалги II ва I асрларда Италиядаги ўртача имениенинг эволюциясини, шунингдек ишлаб чиқаришнинг қулдорлик усули ривожланишидаги асосий йўлни аниқлашга имкон туғилади.

3. Рим империяси даврининг тарихчилари. Принципат даврида ўз замони ва Рим республикасининг сўнгги аср тарихини ёзган латин ва грек адиблари яшаган.

Узлари яшаган замондаги сиёсий ҳаётни тасвирлаб асар ёзган дастлабки латин авторларидан бири Веллей Патеркулдир .(тахминан эрамиздан аввалги 20- ва эрамизнинг 30-йиллари).

Харбий хизматчи ҳамда Августнинг ўғай ўғли ва ворш-ц бўлмиш Тиберийнинг яқин кишиси Веллей Римнинг ўтмиш та> рихига қисқача обзор бериб, Август принципати ва у идора қилган дастлабки йилларнинг харбий ва сиёсий тарихини хайрихо:лик билан муфассал баён қилгандир. Иосиф Флавийнинг (т>х минан 37—90-йиллар) адабий фаолияти эрамизнинг I асриг>ч мансубдир. Эллинлашган яҳудий зрагонларидан чиққан, Римга қарши кўзғолонда иштирок қилган Иосиф Флавий кейинчалик римликлар томонига ўтиб кетиб император Веспасианнинг яқин кишиси бўлиб қолган. Иосиф Флавий грек тилида «Яҳудийлар уруши тарихи», «Таржимаи ҳол» ва «Яҳудийлар археологияси» ни ёзган. Иосиф Флавий ўз асарларида ўз ватанининг эллинистик ва Рим даври тарихини муфассал тасвир қилган. У эрамиздан аввалги I асрда ўтган гражданлар уруши даври тўғрисида, Август ва ворисларнинг шарқий вилоятларга ва қўшни давлатларга (Арманистон, Парфияга) нисбатан олиб борган сиёсатлари тўғрисида муҳим тафсилотларни айтиб берган. Римда эрамизнинг 41 йилида республика тузумини тиклаш йўлидаги ури-нишлар тўғрисида берган маълумотлари ғоят муҳимдир.

Корнелий Тацит (тахминан 54—120-йиллар) бу даврнинг энг машхур тарихчиларидандир. Зодагон сувори оиласидан чиққан Тацит ёшлигида Британияда харбий хизматда бўлган. У машхур лашкар боши Юлий Агриколанинг яқин дўсти бўлган. Император Домициан Агриколани қатл қилдиргандан кейин унга хомийлик қилган Тацит императорнинг қаҳридан қўрқиб бир неча вақтгача сургунда юрган. Домициан ҳалок бўлгандан кейингина Тацит Римга қайтган, Сўнг у сенатор бўлиб олиб, магистратурада буюк лавозимии эгаллаб келган. Унинг адабий фаолияти ҳам ана шу даврга мансубдир.

Тацит эрамизнинг 68-йилидан то 96-йилигача бўлган даврни ичига олган «Тарихлар» ни, Августнинг ўлимидаи (эрамизнинг 14-йили) Нероннинг ҳалокатигача (эрамизнинг 68-йили) бўлган даврнинг «Иилномалар»ини, шунингдек «Германия» номли кичикроқ асарини ёзган. Тацит бу сўнгги асарида герман қабилаларининг ва Рим империяси тупроғидан ташқари яшаган бош>қа Европа қабилалари ва элатларининг этнографиясини муфас>сал баён қилган.

Тацит ўз асарларида, айниқса «Иилномалар»ида Римнинг ўтмиш республика даврини кўкларга кўтариб мактаган бўлса, ўз замонасининг сиёсий тартиботини, Юлий — Клавдийлар су>лласидан бўлган императорларнинг ўзбошимчалиги ва истиб>додини қаттиқ қоралаб ёзган. Ф. Энгельс Тацитни эски Рим пат>рицийлари тафаккурининг сўнгги намояндаси деган эди.

Тацит сиёсий воқеаларнинг боришини баён қилар экан, у ўзининг баён қиладиган материални асл ҳужжатлар асосида синчиклаб ўрганиб чиққан. «Иилномалар»ида келтирилган нутқлар ҳам обидалардаги ёзувлар ва археология маълумотлари билан тасдиқланади. Тацит асарларининг бир қисмигина замона>

мизгача сақланиб қолган. «Тарихлар»ининг учдан бир қисмигина сақланган. «Иилномалар»ининг кўп қисми сақланмаган. Шундай бўлса-да, Тацитнинг тарихий асарлари эрамизнинг I асридаги Рим империяси тарихи тўғрисидаги тасаввуримизнинг негизини ташкил этади.

Светоний Транквилла (тахминан 70—160-йиллар) асарлари Тацит қиссаларига муҳим қўшимчадир. Преторий трибуннинг фарзанди, адвокат ва бир неча вақт давомида император Адрианнинг котиби бўлиш Светоний жойидан махрум бўлгандан кейин адабий ижод билан машғул бўлган. У ўз асарларини китобхонларга манзур ва машхур қилиш учун хилма-хил мавзуларда, шу жумладан машхур арбобларнинг таржимаи ҳолларини ҳам ёзган. Унинг асарларидан энг машхури (Юлий Цезардан тортиб Домициан Флавийгача) «Ун икки Цезарнинг ҳаёт қиссаси»дир.

Светоний сиёсий воқеаларнинг боришини мунтазам суратда баён қилишга уринмаган. У тасвир қилинган шахсларнинг урф-одатларини, уларнинг иллатларини характерлаб берган; у ёзган таржимаи ҳоллар латифанамо материаллар билан тўлдирилган. Лекин Светоний император архивидан фойдаланиб иш қилгани туфайли, унинг асарларида майда-чуйда нарсалар билан бирга эрамизнинг I асридаги Рим империяси тарихининг муҳим ҳислатлари тўғрисида илмий тасаввур пайдо қилиш учун қимматли фактик материаллар ҳам бор.

Плутарх ҳам тарихий таржимаи ҳоллар жаирида ёзган. Лекин у ёзган тарихий таржимаи ҳоллардан фақат икки императорнинг — Отон билан Гальбанинг ҳаёт қиссаларигина сақланган.

II аср билан III аср ўргаларида (155-тахминан 235-йиллар) қадим замоннинг машхур тарихчиси Дион Кассий яшаган. УНикияда туғилган. Буваси Дион Хрисостом машхур нотик ва адибдир. Дион Кассийнинг отаси Рим сенатори ва вилоятлардан бирида ноиб бўлган. Дион Кассийнинг ўзи ҳам сенат аъзоси бўлиб,, вилоятларда ноиб ва империяда катта маъмурий лавозимларни эгаллаган. Қаригандан кейин ўз ватанига қайтиб келиб, қадимги замонлардан то эрамизнинг 235-йилигача бўлган даврни ичига олган муфассал «Рим тарихи»ни ёзган. Грек тилида ёзилган бу ғоят катта асардан айрим парчаларгина сақланган. Дион Кассий асарларидан баъзилари Византияда ёзилган конспектлар тарзида давримизгача етиб келган. Август принципати баёнига доир бўлимлар жуда кизикарли бўлиш билан бирга, эрамизнинг I—II асрларидаги Рим империясининг тарихий тараққиёти асосларига оид умумий баёнлар ҳам ҳозирги замон тарихчиси учун қимматли материал бўлиб хизмат қилади.

Эрамизнинг III асрида юз берган сиёсий кризис адабий машғулотларга қулайлик бермаган. IV аср бошларида империянинг сиёсий бирлиги тиклангандан кейингина янги тарихий асарлар пайдо бўла бошлаган. «Августлар тарихини ёзган адиблар» тўп-

лами ўша даврдаги асардир. Бу тўпламда император тахтини эгаллаган, ёки эгаллашга уринган ҳамма шахсларнинг (хажми, мазмуни ва услуби хилма-хил) таржимаи ҳоллари киритилгаи. Тўпламга кирган очерклар баёни ғализ, юзаки ва умуман примитив бўлса-да, III асрдаги империя кризиси давридаги баъзи пайтлар тўғрисида кўпинча ёзма ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Сурия Антиохиясидан чиққан грек Аммиан Марцеллин (тахминан 330—400-йиллар) антик дунёнинг машхур тарихчиси. Зодагон оиладан чиққан Марцеллин йигитлик йилларини ҳарбий хизматда ўтказган. У Юлиан Муртад армиясининг Эронга қарши урушида ва бошқа уруш ҳаракатларйда қатнашган. Ҳарбийликдан бўшагандан кейин Тацитнинг асарини давом эттиришга қарор қилиб «Амаллар» деган ном билан катта асар ёзган. Марцеллиннинг асари 96-йилдан 378-йилгача бўлган давр III ўз ичига олади. У сиёсий тарихни, айниқса ҳарбий тарихни муфассал баён қилган. Ҳозирги вақтгача автор асарининг фақат тарихчи ўзи яшаган замондаги воқеаларни тасвирлаган иккинчи ярми (354—378-йиллар) сақланган ҳолос.

Марцеллин Римнинг тарихий ролига ғоят юксак баҳо бериб, Рим жамяти ва давлатининг таназзул ҳислаларини ғоят афсусланиб таъкид қилган. Бу таназзулнинг сабабини у Рим зодагонларининг ҳаддан ташқари иллатлари, танतिकлигида, фикс-фасодида деб билган. У айниқса сарой ахилларини ва императорларнинг ўзларини қаттиқ танқид қилган, IV асрнинг 70-йиллар охирида Рим империяси бошига тушган кулфатлар учун ўшаларни жавобгар деб ҳисоблаган. Уз даврининг вакили бўлмиш Марцеллин тарихий воқеаларга «тақдир»нинг таъсир этишига ишонган, иримга ишонган, Лекин унинг бу камчиликлари асарларининг аҳамиятини камсита олмайди, унинг асарлари Рим империясининг таназзул давридаги тарихининг ёрқин манбаи бўлиб қолаверади.

Географлар (Страбон, Помпоний Мела, Клавдий Птолемей)нинг асарларида Рим империяси тарихига оид муҳим маълумотлар бор.

I асрнинг энциклопедисти — Катта Плинийнинг «Табиий тарих»ида муҳим материал бор. Кичик Плиний (I аср охири II аср бошлари) ёзишмаларида, императорлар шарафига айтилган «мадҳиялар»да, бадий адабиёт асарларида, қонунлар мажмуаларида ҳам муҳим маълумотлар бор. IV асрда христиан адибларининг ҳам асарлари пайдо бўла бошлаган. Улардан епископ Евсевийнинг (263—340-йиллар) «Черков тарихи», Гиппон шаҳрининг епископи Августининг (354—430-йиллар) «Худо шахри тўғрисида» номли китоби бирмунча муҳим асарлардир.

4. Археология ёдгорликлари (обидалар). Урта денгиз соҳилидаги мамлакатларда Рим иморатларининг жуда кўп қолдиқлари сақланган.

Қадимги Италиянинг республика замонида мансуб археология ёдгорликлари жуда ҳам хилма-хилдир: қадимги шаҳарлар, ман-

зиллар, виллаларнинг қолдиқлари, макбаралар, ибодатхоналар,, гидротехника иншоотлари, қадимги деҳқончилик далалари, деҳқонларнинг меҳнат қуролилари, истехкомлар (мудофаа деворлари, тупроқ тепалар, тўсиқлар) ана шундай ёдгорликлардир. Империя даврининг Помпей ва Тимгад шаҳарлари деярли бутунча, Йллирия Аполлонийси, Қипрдаги Саламин, Аквинк шаҳарларнинг қолдиқлари бу қунгача сақланган. Бутун ёки қисмат сақланган амфитеатрлар, ибодатхоналар, кўприклар, осма қувурлар бор, Жуда кўп қадимги тош тобутлар, макбара ёдгорликлари, ҳайкаллар, қадама суратлар, қурол-яроғлар ва хўжалик қуролилари сақланган. Бу ёдгорликлар қадимги авторлар берган маълумотларнинг баъзи бир афсонавий материалларива адабий аъналарининг ростилигини аниқлашга имкон беради. Археология қазилмалари Апеннин ярим оролидаги дастлабки манзилларнинг, Этруриядаги шаҳар-давлатларнинг, Италия жанубидаги грек' шаҳарлари ва Қадимги Римнинг пайдо бўлиш вақти ва характерини аниқлаб беради, қадимги Италияда яшаган айрим халқлар ўртасида ва улар билан Болкон ярим оролида яшаган халқлар ўртасидаги. асосий иқтисодий ва маданий алоқаларни белгилашга ёрдам беради.

Қишлоқ жойлардаги манзилларни ўрганиш антик археологиядаги янгиликдир. Бу манзилларнинг географик жиҳатдан Жойлашишини, асбоб-ускуна топилмаларини, озиқ-овқат қолдиқларини текшириш Италия ва вилоятларидаги аграр муносабатларнинг қандай ривожланиб борганлигини аниқлаш учун ҳаят катта материал беради.

5. Қадимги ёзувларни ўрганиш (эпиграфика). Қадимги ёзувлар асосан кейинги республика ва империя тарихини ўрганиш учун қимматли манба бўлиб Хизмат қилади, Аммо ундан олдинги. Даврларга оид ёзувлар, Тит Ливий берган маълумотга кўра, эрамиздан аввалги 390-йили Галлия ёнғинида йўқ бўлиб кетган. Улар асосан қадимги авторлар берган маълумотлардаи маълумдир.; Энг қадимги ёзувлар эрамиздан аввалги. УШ—VII асрлардаги этрускларга мансубдир. Эрамиздан аввалги VII—VI асрлардаги этрускларга алоқаси бўлмаган ёзувлар Пицендан топилган. Эрамиздан аввалги VI асрга мансуб илк латин қадимий ёзувлари—одатда Пренестин туқаси деб аталадиган олтин туқадаги ёзув, Рим майдонидан, афсонавий Ромул қабри жойлашган ердан топилган «Қора тош» даги ёзув латин тилининг келиб чиқиши масаласини ўрганиш учун муҳимдир.

Эрамиздан аввалги III—I аср ёзувлари ҳар хилдир. Бағишланган ёзувлар, бирон муҳим воқеага ёки тарихий шахсга бағишлаб ўрнатилган фахрли ёзувлар (масалан, эрамиздан аввалги 260 йили консул Дуилийнинг ростр¹ устунисидаги ёзувда Рим

флотининг Карфаген флоти устидан ғалаба қилганлиги айтилган), ҳужжатли ёзувлар (қўпинча шаҳар майдонларига ўрна тилганфахрийлавҳаларга ёзилган, консуллар ва мансаб эгаларининг декретлари, қонунлари, фармойишлари), қабр тошлари даги ёзувлар. Бу хил ёдгорликларнинг энг қадимғиси эраמידан аввалги 298 йили консул Л. Корнелий Сципион Барбатнинг қабр тошига битилган архаик ёзувдир. Бу ёзув илк Рим республикасининг сиёсий арбобларини, қадимги Рим идеологиясини тавсифлаш учун муҳимдир.

Ғиштларга ўйилган штемпеллар, рўзғор буюмларидаги тамға ва ёзувлар яна қўшимча маълумотлар беради.

Тош тахта (стела)ларга ўйилган қишлоқ хўжалик қуроллари, ҳунармандларнинг иш қуроллари, майшиқ ҳаёт манзараларини кўрсатувчи суратлар, шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ижтимоий гуруҳларнинг машғулоти, турмуш тарзи тўғрисида ҳукм юритишга имкон беради.

Ёзувлар қўпинча бир томонлама, узик парчалардан иборат бўлса-да, бевосита манба бўлганлигидан улар бошқа хил маълумотлар билан солиштирилганда қадимги Италия аҳолисининг этник состави тўғрисида, Рим давлатининг сиёсий, маъмурий ва судларнинг ҳаёти тўғрисида, аҳолининг идеологияси тўғрисида, шаҳар, қишлоқ ва қабилаларнинг чегаралари тўғрисида қимматли маълумотлар бериши мумкин.

6. Нумизматика (қадимги пуллар) манбалари. Қадимги пуллардан иборат ёдгорлик манбалар республика тарихини ўрганиш учун муҳим материал беради. Нумизматик топография, яъни топилган танга пуллар ва ҳазиналарнинг картасини тузиш Рим давлати яшаган маълум вақтларда у пуллар қайси жойларда тарқалганлигини аниқлашга имкон туғдиради. Шу билан бирга у Римнинг иқтисодий жиҳатдан антик дунёнинг янги областларига қириб борган йўлини тасаввур қилишга, савдо-сотик алоқаларини, пул муомаласининг хусусиятлари, ва составини аниқлашга имкон беради. Республика давридаги тлнга нуллардаги ёзувлар, мансаб эгаларининг суратлари, уларнинг эмблемалари Римнинг хўжалик ва сиёсий тарихини, баъзан эса сипфий ва мафкуравий қурашини аниқлайди.

Афсонавий манзаралар, римликлар сиғинган ҳар хил худоларнинг суратлари солинган танга пуллар Қадимги Рим аҳолисининг диний тасаввурлари ҳақида маълумот беради. Танга пулларни ўрганиш санъат, архитектура тарихига ёрдам кўрсатади, негаки у пулларда қўпинча қадимги биноларнинг суратлари, энг машҳур ҳайкалларнинг суратлари зарб қилинган бўлади. Нумизматика метрология билан, яъни ўлчовлар — оғирлик, суюқ ва тўкилувчан жисмлар тўғрисидаги фан билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, метрология Рим ва унинг вилоятларидаги товар-пул муомаласи тарихи учун ҳам манбадир.

Адабий, археология, эпиграфик ва нумизматик манбаларнинг

хаммасини комплекс тарзда таққослаб ўрганиш республика дав-ридаги Рим давлатининг марказий обдастларида ҳам, шунинг-дек, маҳаллаларда ҳам яшаган қабилалар ва элатлар тарихига оид асосий проблемаларнинг асл мазмунини тиклашга имкон беради.

II ВОВ

КАДИМГИ ИТАЛИЯНИНГ ТАБИАТИ ВА АҲОЛИСИ

1. **Табиий шароити.** Рим давлати греклар Италия деб ата-ган Апеннин ярим оролида вужудга келган ва мустаҳкамланган. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Европанинг ана шу қисмининг табиий шароити қандай бўлган ва унда қандай аҳоли яшаган?

Апеннин ярим ороли Урта денгизнинг марказий қисмига ёриб кириб денгизни икки қисмга бўлиб юборган узун кетган ердир. Ярим оролни Европа қитъасининг асосий массивидан ажратиб турган ва ўтиб бўлмайдиган баланд Альп тизма тоғлари ярим оролнинг шимолий чегарасидир. Ярим оролнинг асосини эса Альпдан шимоли-ғарбга томон тармоқ тортиб ва бутун ярим орол бўйлаб қатор тизилиб кетган Апеннин тоғлари ташкил эта-ди. Дастлаб Апеннинлар ғарбий қирғоқдан шарқий қирғоққача ярим оролни кесиб, шимоли-ғарбдан жануби-шарқ томонга ўтиб, жануброқда бирданига жануби-ғарбга бурилади, кейин секин-аста пастга томон тушиб ярим оролнинг жанубий қирғоғига— Бруттий областигача етиб боради.

Апеннин тоғларининг шу тариқа жойлашгаиблиги туфайли ярим орол уч қисмга бўлингандай кўринади. Шимолий қисм — Апеннинлар билан Альплар ўртасидаги пасттекисликдан иборат. Италиянинг Адриатик денгизига қуядиган эиг катта дарё-си Падус (ҳозирги По) ўзининг ирмоқлари билан ана шу паст-текисликдан оқиб ўтади; марказий қисм — уни шимолдан, шарқдан ва жануби-шарқ томондан Апенним тоғлари қуршаб туради. Бу тоғларнинг баланд ғарбий ён бағирлари се-кин-аста пасайиб боради, у тоғлар ҳам ўз навбатида: бу қисм-ни бир қанча айрим районларга: Арнус (ҳозирги Арно) дарёси водийсига, Тибр дарёси водийсига ва жанубда ҳосилдор Кам-пания пасттекислиги — Вольтурно дарёси водийсига бўлади. Шимол ва Шимоли-ғарб томонидан Апеннин ярим оролининг бошқа қисмидан бутунлай ажралиб қолган шарқи-жанубий Апулия пасттекислиги учинчи областни ташкил қилади.

Апеннин ярим оролининг шарқий соҳилида денгизчиликни ривожлантиришга имкон бўлмаган. Унинг шимоли ботқоқ пас-текислик жой бўлиб, Апеннин тоғлари шарқий қирғоққа бориб тақалган марказий қисми эгри-бугри ва қоялардан иборат. Қир-ғоқнинг жануби ва ғарбидагина бир неча қулай қўлтиқ, кўр-фазлар бор. Теренти қўлтиғи билан Неаполитан кўрфази энг қулайларидандир.

Апеннин ярим оролининг шарқий соҳилига яқин бирон орол йўқ. Сохил бўйидаги ороларнинг ҳаммаси ғарб томондадир. Энг катта ва ҳосилдор Сицилия ороли бамисоли материкнинг давомидир. Бу оролдан бирмунча нарида бошқа иккита катта орол — Сардиния билан Корсика жойлашган. Бу икки ород билан Апеннин ярим ороли ўртасида бир неча майда ва серқоя оролчалар бор. Улардан энг катталари Тиррен денгизи қирғоқларига яқин Ильва (ҳозирги Эльба) ороли билан Неаполитан кўрфазига қираверишдаги Капрея (ҳозирги* Капри) оролидир.

Апеннин ярим оролидаги дарёлар серсув, қишда ва айтшқса баҳорда тез оқардир, аммо ёзги жазирама пайтларда бу дарёларнинг сувлари деярли қуриб қолади. Шу сабабдан улар кемалар юриши учун ноқулайдир.

Районларнинг турли ҳолатига кўра ярим оролнинг иқлим ҳам ҳар хилдир. Шимолда қишпайтида салқин ёмғир ва ёлто қор ҳам ёғади. Аёзкечалар ҳам бўлади. Тоғлиқрайонларнинг қилими ҳам шу хилдадир. }Қануб ва ғарбнинг денгиз бўйи районларида эса қишда ҳам ҳаво илиқ бўлади, аммо ёмғир кўп ёниди, бу ўсимликларнинг ривожига ёрдам беради.

Қадимда Апеннин ярим оролининг кўп қисми ғарбий Европа ўрмонзорлари сингари қалин ўрмонлар билан қопланган бўлган. Италия ўрмонларида дуб, қайрағоч, қора қайин, каштан ва Апеннин ярим оролининг ўзига хос замбуруғ шакл қарағай ўсган. Мевали дарахтлардан Италияда азалдан, олма, анор етишган. Аммо кейинги замонларнинг Италияга хос цитрус ўсимликлари, пальмаларвахаттозайтун ҳамда сарв дарахтлари ҳам бўлмаган, Бу хил дарахтлар Италияга кейинги тарихий заюларда олиб келиб ўтказилган.

Қадимги Италиянинг ҳайвонот дунёси ўрта Европадагига ўхшаган. Қадимги Италия тоғлари ва ўрмонларида буғу, тоғ эчкиси, ёввойи чўчка, бўри, тулки, шунингдек ҳар хил майда йиртқич ҳайвонлар, парранда ва ўрмаловчи ҳайвонлар яшаган. Италия тупроғига туташган денгизлар (Адриатик, Иония, Терроь, Лигурий денгизлари)да балиқ, айниқса туница балиғи ва йиртқич балиқлардан мурена кўп бўлган.

Апеннин ярим оролининг ер ости бойликлари кўп бўлмаган фойдали қазилмалар нисбатан кам бўлган. Альп тизмаларида бир оз олтин, қумуш қазиб олинган. Марказий Апенниндан «травертин», яъни кул ранг мрамор, «каррар» мрамори, яъни оқ мрамор ва рангли мраморлар қазиб чиқарилган. Ильва оролидан темир, мис қазиб, чиқарилган. Апеннин ярим оролининг бошқа областларида айтарли маъдан конлари бўлмаган,

2. Апеннин ярим оролининг қадимги аҳолиси. Апеннин ярим оролида жуда қадим замонлардан бери одамлар яшаган. Италияда, яшаган кишиларнинг топилган излари бунда палеолит давридаёқ аҳоли бўлганлигидан дарак беради. Нерлит давридаги мавзе қолдиқлари ярим оролнинг ҳар хил жойларидан то-

иилди ва бу мавзеларнинг энг қадимгиси эрамиздан аввалги IV минг йилликка мансубдир.

Шимолий Италия дарёлари ва қўлларида топилган, бинолари сваяларга ўрнатилган қишлоқларнинг қолдиқлари эрамиздан аввалги III—II минг йилликларга мансуб. Бу қишлоқлар атрофида пайдо бўлган катта-катта чиринди, ахлат уюмла, рига қараб уларни террамара' деб атайдилар.

Бинолари сваялар устига қурилган бу қишлоқларда ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилқдан хабардор балиқчи ва овчилар яшаган. Улар тош қуроуллар билан бирга мис ва бронза қуроулларни ҳам ишлатган.

Италиянинг марказидан бошқа қадимги қишлоқларнинг харобалари топилиди, бу қишлоқларнинг аҳолиси тош териб иморат солишни ва нақшли сопол идишлар яшани билган, бу — ахёй Грецияси ва Финикиядан келган кишилар билан алоқа натижаси бўлса керак. Эрамиздан аввалги II ва I минг йилликлар ўрталарида Италиянинг қадимги аҳолиси темирдан қурол-яроғ ва меҳнат қуроулари ясай боғалаган. XIX аср ўрталаридаёқ археологлар текширган Болоньи шаҳрига яқин ҳозирги Вилланов қишлоғи ёнидаги қадимги шаҳар харобалари ўша даврга ҳосидир. Бунда темирдан ясалган яроғлар ва меҳнат қуроулари, от абзали қолдиқлари, бронзадан ясалган зеб-зийнат ва рўзгор буюмлари, шунингдек қуйдирилган мурдаларнинг қули сақландиган ўзига хос қўра топилди. Бунга ўхшаш буюмлар Италиянинг бошқа жойларидан ва Сицилия оролидан ҳам топилди. Италия аҳолиси темир ишлатишни грек ва Финикиялик денгизчи савдогарлардан ҳамда денгиз қароқчиларидан ўрганган деб фарз қилиш мумкин. чунки улар Апеннин ярим ороли соҳилларига тез-тез келиб турганлар.

Темир қуроулларнинг кенг жорий қилиниши катта прогрессив роль ўйнаган. Темир плуг билан ер ҳайдашга ўтишга, чангалзор ва бутазорларни тезроқ тозалашга имкон берган, натижада уй чорвачилигининг ривожланишига сабаб бўлган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг юксалиши туфайли ички ва ташқи мол айирбошлаш ҳам ривожланган. Эрамиздан аввалги II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошларида Италия аҳолисининг (айниқса жанубда ва марказда яшовчи аҳолининг) шарқий Урта денгиз мамлакатлари билан савдо ва маданий алоқалари доимий бўлган. Энг қадимги микена ёзувларига ўхшаган қисқач ёзувлар («граффит») солинган грек идишларининг қолдиқлари ана шу алоқалардан гувоҳлик беради.

Ҳозирги замон олимларининг фикрича Апеннин ярим оролида, Сардиния, Қорсика оролларида, шунингдек ҳозирги Франция жанубидаги районларда ва Пиреней ярим оролининг Урта денгиз соҳилларида яшаган қадимги аҳоли «Урта денгиз» халқлари, яъни Италияда лигурлар, Сицилия оролида сиканлар

¹ Тегга тагга — итальянча сўз бўлиб, ҳосилдор (семиз) ер дегани,

билан элимлар, Корсикада корслар, Сардинияда сарДЛМ бўлган.

Аммо эрамиздан аввалги II минг йиллик охирлари ва I миңг йиллик бошларида Урта денгиз ҳавзаси районларида яшг.т қадимги қабилалар ва халқларнинг улуғ кўчиши юз бергпи Шарқдан Апеннин ярим оролига унғача Иллирияда, дунай қап засида ва ҳатто кичик Оспёнинг ғарбий қисмида яшаган қаби лалар кўчиб келган. Энг қадимги италий қабилалари қисмлп Альп тоғлари водийсига! ва шимоли-ғарбий сохилга сиқиб чика рилган, қисман қириб ташланган ёки келгиндилар ассимиляция қилган. У замонда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жуда кп-лок .енг қадимги италий қабилалари тарихий даврда Қоргика ороли билан Апеннин ярим ороли кирғоғининг шимоли шарқч-да — Лигуриядагина , яшаган.

Эрамиздан аввалги I минг йилликнинг биринчи чораги охир-ларида Апеннин ярим оролининг энг қадимги аҳолиси хар хил қабила ва халқлардан иборат бўлган.

Шимоли-шарқий чеккада Иллирия аҳолисига қариндош ве-неглар қабиласи яшаган. Иллирияликларга қариндош япиг ва мессаплар Италиянингжануби-шарқий чеккасини ишғол қилган.

Ярим оролнинг марказий қисми билан Сицилия оролида кўп сонли италик қабилалари ҳамда иқтисодий ва ижтимоий жиҳат-дан замонасининг энг ривож топган халқи зтрусслар яшаган.

Италик қабилалари тили, ижтимоий тузуми ва маданияти жиҳатдан бир-бирига жуда яқин икки гуруҳга — умбро-сабель ва латин-сикуль гуруҳига бўлинган.

Умбро-сабель гуруҳига мансуб қабилалар Апеннин ярим оро-лининг маркавида Тибр дарёсининг шарқ томонида ва ундан жанубга қараб кетган ерларда жойлашган бўлган. Улар умбр-яр, пецинлар, френтанлар ва Апенниннинг баланд тоғлар қис-мида яшаган ҳамда патриархал-уруғдошлик муносабатларини ҳаммадан кўра узоқ сақлаб келган самнитлардир. Италия ғар-бий соҳилининг марказий қисмигача силжиб келган майда ита-лик қабилалари: сабинлар, марслар, эквлар, герниклар, вольск-лар ҳам ўша гуруҳга мансубдир.

Тибрнинг қуйи оқимида чап кирғоқ водийсининг каттагина қисмини италик қабилалари орасида энг тараққий топган латин-лар қабиласи банд қилган ва улар яшаган область ҳам улар-нинг ўз номлари билан Лация деб аталган.

Латинлар ва катта Кампания текислигини ишғол қилган оск-лар. дехкончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган. Эрамиз-дан аввалги I минг йиллик ўрталарида уларнинг мустаҳкамлан-ган шаҳарлари — қабилаларнинг марказлари ҳам бўлган. Қа-билаларга умр бўйи ҳарбий йўлбошчилар бошчилик қилган. Улар оқсоқоллар кенгашининг раиси бўлиш билан бирга кохин-лик вазифасини ҳам бажарганлар.

Баъзи италик қабилаларида «муқаддас кўклам» дегаи одат бўлган. Бунга сабаб ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши аҳоли

сонининг ўсишидан кейинда қолиб борганлигидир. Бу одат шундапиборатбўлганки, ҳар баҳорда ёш йигитлар йиғилишиб куръа ташлашган. Куръа чиққан йигитлар бир неча бош мол олиб кўчишга жой кидириб кетишган. Бундай дружиналарнинг бостириб кириши ва улар қизларни ўғирлаши туфайли қўшни қабиалалар орасида тўқнашувлар юз берган. Баъзан бу тўқнашувлар хунрезлик урушларига айланиб кетган. Италик қабилаларининг иктисодий ва социал жиҳатдан ўзларидан кўп устун тур-Гай халқлар—этруск ва греклар билан ўзаро муносабатда бўлганликлари натижасида бу қабилалардаги ибтидоий жамоатчилик муносабатларининг бузилиш процесси тезлашган.

3. Қадимги этрусклар. Уларнинг ижтимоий тузуми ва маданияти. Қадимги Италия халқлари орасида энг ривож топган этрусклар бўлган (римликлар уларни «тусклар» деб, греклар «тирренлар» деб, ўзларини эса улар «расенлар» деб атаганлар). Эрамиздан аввалги VIII—VI асрларда этрусклар Апеинин ярим оролининг анчагина қисмини банд қилиб яшаганлар. Уларнинг шаҳарлари Падус дарёсининг қуйи оқимида делта ва жанубий сохилдан тортиб Италиянинг ғарбий қирғоқларигача, Арнус дарёсининг денгизга қуядиган этагидан тортиб Тибр дарёси қирғоқларигача тарқоқ ҳолда жойлашган бўлган. Бундан ташқари этрусклар Корсика оролининг шарқий сохилларини, Ильява оролини ва Кампаниянинг бир қисмини ҳам ишғол қилганлар. Улар иттифоққа бирлашган мустақил шаҳарларда жамоа бўлиб яшаганлар. Иттифоқлар сиёсий бирлашма бўлишдан кўра диний бирлашма характерида бўлган.

Этрусклар яшаган шаҳарлар жойида ва уларга яқин жойларда ирригация иншоотлари ҳамда шаҳар деворларининг қолдиқлари, зодагонларнинг қояларни ўйиб солинган ва «камерали» сағана деб аталадиган мақбаралари сақланган, бу мақбаралардан кўпинча ҳар хил буюмлар (тош, бронза ва лойдаи ясалган ҳайкаллар, бронза ва сопол идишлар, яроғлар, мехпат қуроқлари, зеб-зийнат буюмлари) кўплаб топилиб туради. Этрусклар қурилиш техникаси соҳасида катта муваффақиятларга эришганлар. Улар тошдан катта-катта иморатлар солганлар ва биринчи бўлиб тошдан гумбазлар ва аркалар ишлашган. Этрусклар сопол идишларни греклар қилгани каби бўямай, балки бўртма шакллар билан безашган". Улар сопол гилига қурум аралаштирганлар, шунга кўра уларнинг сопол буюмлари металдан ясалганга ўхшаб ялтиллаб, қорайиб турган.

Қирғоқларда яшаган этрусклар кемасозлик теҳникасининг пухта эгаллаганлар ва мохир денгизчи бўлганлар, улар бу ҳунарлари билан финикияликлар ва айниқса греклар билан рақобат қилганлар. Этрусклар греклар билан рақобат қилар экан, Апеннин ярим оролининг ғарбий қирғоқларига туташган ва греклар Тиррен номи билан атаган денгизда ҳукмронлик қилганлар. Улар денгизда қароқчилик ҳам қилганлар. Уларнинг кемалари Греция ва Африка қирғоқларигача борган. Эрамиздан



Дафн маросимини адо этаётган
этрусклар.

аввалги VI асрда этрускла» карфагенликлар билан дўстона муносабат ўрнатганлар ва бу муносабатни улар шартнома тузиб мустаҳкамлаганлар.

Эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталаридаёқ этрускларнинг ўз ёзувлари бўлган. Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг фикрига кўра, улар ўз алфавитларини финикияликлар алфавити асосида тузганлар. Жуда кўп Этруск ёзувлари (9 минггача) сақланган. Аммо филологларнинг зўр бериб қилган ҳаракатларига қарамай, ҳозиргача бу ёзувлар тўла ўқиб чиқилган эмас. Этрускларнинг тили ҳам ўрганилмаган.

Ёзувлари ўқиб чиқарилган бирон қадимги тилдаги таржимаси билан этруск ёзувлари ҳозиргача топилгани йўқ, шунинг учун ҳам бу ёзувларни ўқиб чиқариш кийин бўляпти. Фақат кейинги йилларДа-

гяна Тиррен денгизи соҳилида Тибр дарёсининг этагидан шимол-ғарб томонда жойлашган Порт шаҳри Пиргидаги қадимги этруск ибодатхоналаридан бирининг харобаларининг қазииш пайтида учта олтин лавҳа топилди, у лавҳаларда мазмуни бир хил этруск ва финикий тилида ёзувлар бор. Мана шу лавҳалар этруск ёзувларини ўқиб чиқаришдаги кийинчиликларни енгийишга ёрдам берар деган умид бор.

Моддий маданиятни ўрганиш ва қадимги тарихчилар берган маълумотлар этруск жамияти синфий, қулдорлик жамияти бўлган деган хулосага олиб келади. Этруск зодагонлари қуллар ва қарам аҳолининг меҳнатидан фойдаланган. Этрускжамиятининг ҳукмдор табақаси лукомонлар деб аталган. Ҳарбий йўлбошчилар ва оқсоқоллар лукомонлардан сайланган. Қарам кишилар лаутналар деб аталган. Аммо илмий билимларнинг ҳозиргй ҳолати бу қарамликнинг шакли ва характери қандай бўлганлигини билиб олишга ҳали имкон бермаяпти.

Эрамиздан аввалги VII—VI асрлар этруск жамиятининг гуллаган давридир. Тахминан ўша вақтларда этрусклар Кампанияни ўзларига бўйсундириб, унда Капуя шаҳрини қурганлар. Тибр дарёсининг куйи оқимида вужудга келган муҳим марказ бўлмиш Рим шаҳри ва қисман Лацийни ҳам, худди ўша даврда

вгаллаганлар. Бирок эрамиздан аввалги VI аср охирларида этрусск шаҳарларининг кудрати бирданига бўшашиб кетган. Шимоллий шарқдан, Альп тоғ йўллари орқали* Дунайнинг юқори оқимидан кейинчалик римликлар галлар деб атаган кельтларнинг лружиналари Римга бостириб кирган. Кельт галалари йулларида учраган ҳамма нарсани йўқ қилиб, Апенниндан шимолдаги этрусск шаҳарларига ҳужум қилганлар ва уларни тор-мор, келтирганлар. Этррусск шаҳарларининг ана шу қисмидан (Болоньедан жанубда) ҳозирги Марсаботто қишлоғи ёнидаги битта этрусск шахрининг харобалари далолат бериб турипти. Бу ердан куйиб кетган уйларнинг қолдиқлари ичидан галлар ва этрусскларнинг яроқлари ва кўпдан кўп скелетлар топилган. Шундан кейинроқ галлар этрусскларни жанубга, лигурларни эса ғарбга томон Апеннин орасига сиқиб чиқариб Падус дарёси водийсининг кўп қисмини босиб олганлар. Галл Қабилаларидан бири сенонлар ҳатто умбралар яшаидиган областга ҳам бостириб кирган. Эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярми ва IV асрнинг бошларида галлар Италиянинг марказий областларига талончилик юриши қилганлар.

Эрамиздан аввалги VI аср охирида греклар ҳам этрусскларга қарши отланганлар. Эрамиздан аввалги 524 йили Кум шахрининг тирани Аристокдем этрусскларни тор-мор келтирган. Бир қанча вақтдан кейин Аристокдем Лацияда Ариция ёнидаги жангда этрусскларга қаттиқ зарба берган. Эрамиздан аввалги 474 йилда Кум даврида денгиз жангида этруссклар яна мағлубиятга учрашган. Шу вақтдаи бошлаб улар Кампаниядаги ва ўрта Италиянинг бошқа қисмларидаги мулкларидан маҳрум бўлган. Негаки Италиядаги бир қанча шаҳарларнинг аҳолиси улаонинг давлатига қарши кўзғолон кўтарган. Этррусск шаҳарлари иттифоқи кучдан кетиб қулай бошлаган. Аммо Италия аҳолисининг маданий тараққиётида этруссклар муҳим роль ўйнашда дав.ом этаверган. Худди эрамиздан аввалги IV—III асрларда тасвирий санъат — деворрассомчилиги, айниқса портрет ҳайкалтарошлиги гуллаб яшнаган. Этррусскларнинг диний эътиқодлари, хусусан нариги дунёдаги дев, ажиналар тўғрисидаги тасаввурлари, паррандалар учишига, қурбонлик молларнинг ичак-чавоғига қараб фол боқиш каби урф-одатларини қўшни италий халқлари ҳам ўзлаштирганлар. Аммо кейинчалик этруссклар сиёсий мустақилликларидан маҳрум бўлиб, секин-аста қолган италий аҳолиси билан қўшилиб, уларга сингишиб кетган. Эрамизнинг I асрида этрусск тили латин нутқи муаммоларидан тамомила сиқиб чиқарилган ва кейинчалик бутунлай эсдан чиқиб кетган.

Италияда ўзига хос ва ғоят қобилятли халқ қаердан цайдо бўлган? Тарихчилар, филологлар бу масала устидан икки юз йилдан зиёд мунозара қилишмоқда.

Қадимги авторлардан Геродот, Страбон, Тацит этруссклар Кичик Осиёнинг ғарбий қисмидан кўчиб келган деб ҳисоблаганлар. Лекин эрамиздан аввалги I асрда яшаган грек тарихчи-

си Дионисий Галикарнасский уларни азалги Италия аҳолио! деб айтган.

Европа тарихчиларидан бир қисми этрускларни Италиягй 'қўчиб келган халқ деб қараганлар, аммо уларнинг олдинги, асл ватанлари тўғрисида ҳар хил фикр айтишади. Италияниш фашист тарихчилари ўзларининг ўта кетган миллатчилик қарашларидан чиқиб этрускларни Италиянинг автохтонлари деб аташдан ҳам қайтмайди.

Революциядан олдинги рус тарихчиларидан кўпи антик дуж.¹ авторлари кўпчилигининг фикри билан ҳисоблашиш зарур, чунки археологиянинг жуда кўп маълумотлари буни тасдиқлайди деган фикрда эдилар. Этрускларнинг Шарқдан келганлигини тараққийпарвар рус тарихчии В. И. Модистов . (1839—1907) қатъий ва ишонтирарли қилиб исботлаб берган эди. Совет тарихчилари этрускларнинг келиб, чиқиш масаласини 1930 йили академик Н. Я. Марр бошлиқ бир гуруҳ совет олимлари этрусклар автохтонлардан келиб чиққан деган фаразни ўртага ташлаганликлари муносабати билан қизғин муҳокама қилган эдилар. Аммо қадимги Рим тарихи билан шуғулланувчи совет мутахассисларининг кўпчилиги (В. С. Сергеев, Н. А. Машкин, умрининг охирида С. И. Ковалев ҳам) этрускларнинг шарқдағ, яъни Кичик Осиёдан келиб чиққанликларига иқроп бўлган эдилар. С. И. Ковалев ёзганидай, этруск халқи Қичик Осиё ғарбидан келган Тиррен кўчманчилари билан маҳаллий умбра ва лигурий аҳолисининг чагишишидан пайдо бўлиши ҳаммадан кўра ҳақиқатга яқиндир. Жамиятнинг ҳукмрон қатлами Кичик Осиёдан чиққан авлоддан иборат бўлган. Бу бир томондан, этрускларнинг маданий жиҳатдан Апеннин ярим оролида яшовчи аҳолининг илғор қисми бўлиш ҳолатини тўғдирган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий қудрати тез ўсиб боришига ёрдам берган. Аммо социал тенгсизликнинг кескинлиги этруск жамиятининг ташқи душманларга қарши курашда бошларидан кечирган биринчи жиддий ларзалардаёқ салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин бўлмаган. Этрускларнинг сиёсий ва маданий жиҳатдан Италия халқлари ўртасидаги илғорлиги йўқолган ва дастлаб бу илғорлик грекларга ва бир қанча вақтдан кейин Рим бошлиқ Италия қулдор шахрларининг қудратли бирлашмасига ўтган.

4. Қадимги Италия ва Сицилияни грекларнинг колонизация қилиши. Италиянинг жанубидаги ва Сицилияда грек шаҳарлари тилга олинмаса қадимги Италиянинг аҳолиси, унинг экономикаси ва маданий ҳаёти тўғрисидаги тасаввур мутлақо тўла •бўлмас эди.

Қадимги грек авторлари (Фукидид, Страбон) баёнига кўра, Грециядан ва Крит оролидан кетган денгизчилар эрамиздақ арвалги II минг йилликдаёқ Италия ва Сицилия қирғоқларнга бориб етган. Қадимги ривоятларга кўра Крит подшоси Минос Сицилия оролида ҳалок бўлган. Археология қазувлари бу ривоятни

тасдиқлайди. Жанубий Италиянинг турли жойларидан ва Сицилия оролидан Крит ва Микен сополининг парчалари топилган.

Жанубий Италия ва Сицилия қирғоқларида грекларнинг чинакам мунгазам колонизацияси эрамиздан аввалги I минг-йилликнинг иккинчи чорагида бошланган. Эрамиздан аввалги VIII асрда, айниқса VII асрда бир қанча шаҳар-колониялар пайдо бўлган. Чунончи, Сицилия оролида Сиракуза, Акрагас, Гимер, Мессана, жанубий Италияда Тарент, Сибарис, Элея, Кротон, Посидония, Кима (итальянча талаффузда Куми) ва ундан ажралиб чиққан янги шаҳар жамоаси — Неаполист (грекчадан таржимаси — «янги шаҳар») вужудга келган.

Грек колонистлари Италия билан Сицилияга зайтунчиликни, сарв ўтказиш ва интенсив тоқчиликни олиб келишган. Грек ҳушмармандлари қўшни италий халқларига кулолчилик, металсозлик ва пул зарб қилиш техникасини ўргатганлар. Кўпгина грек шаҳарлари Балкан Грециясидаги ерлардан кўра анча хосилдор бўлган бу ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантирган ва бундан Грецияга доқ, зайтун мойи, чорва олиб борилган. Италия ва Сицилиядаги колонистлар иш қучига муҳтож бўлганликларидан зўр бериб қуллар сотиб олишган ва ўз хўжаликларида уларнинг меҳнатидан фойдаланишган. Колонистлар италий кабилаларини ярим оролнинг ичкарасига суриб бориш хисобига, янгидан-янги ер мулкларини қўлга киритишга уринганлар, Сицилияда эса туб жой аҳолини тўғридан-тўғри асоратга солганлар.

Катта заминдорлар—қулдорларнинг ўсиши, натижасида колонистлар ўртасида мулкий тенгсизлик ва шу билан бирга социал табақаланиш кучайиб борган ва кескин социал кураш вужудга келган.

Кўпгина грек шаҳарларида аристократлар билан демократлар ўртасида жуда каттиқ сиёсий кураш борган. Бу кураш кўпинча турли грек шаҳарлари ўртасида урушлар чиқишга сабаб бўлган. Масалан, эрамиздан аввалги 510-йилда аристократлар ҳукмрон бўлган Кротон шаҳар аҳолиси демократлар бошқариб турган Сибарис шаҳрини вайрон қилган. Айни замонда греклар этруссларга қарши ҳам шиддатли кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. Эрамиздан аввалги V асрда Сицилия грекларига оролнинг ғарбий қисмида жойлашиб олган карфагенликларнинг тобора кучаяётган ҳужумларини қайтариб туришга тўғри келган. Худди шу пайтда италий халқларига қарши айниқса қирғоқ бўйидаги шаҳарларни ишғол қилишга уринаётган самнитлар билан кураш ҳам кучайиб кетган. Грек колонистлари Грециядаги ҳарбий ва сиёсий арбоблардан ёрдам олишга ҳаракат қилган бўлсаларда, ундаи натижа чиқмаган.

Эрамиздан аввалги III аср бошларида Италиядаги грек шаҳарларининг кўпи римликлар ҳукмронлиги остига ўтиб қолган. Аммо бунинг натижасида грекларнинг қўшни италий аҳолисига

маданий таъсири бўшашиш ўрнига, аксинча яна ҳам кучайиб борган. Греklarдаги хунармандлик касбини, кишлок хўжалик техникасини, илмий билимларни, харбий ишни, санъат ва диний тасаввурларни италийлар ўзлаштириб олганлар ва улар италий-Рим маданиятининг таркиб топишига ғоят катта таъсир кўрсатган.

III BOB

РИМ ТАРИХИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ

1. Рим шахрининг вужудга келиши. Эрамиздан аввалги IV аср-ўрталарида этруск шахарларининг штифоки тушкунликка юз тутиб, Падусдарёси водийсида маҳкамжойлашиб олган галлар Апеннин ярим оролининг марказий областларига талончилик хужумлари қила бошлаганларидан кейин, италий қабилалари галларга зарба бериш учун ўзларининг янги сиёсий, ва харбий маркази бўлмиш Рим атрофига бирлаша бошлаганлар. Бу кучли қулдор жамоаларнинг раҳбарлари қўшни қабилалар ва шахарларнинг жамоаларини ўзларига бўйсундириб, галларнинг, хужумини қайтарганлар ва хужумчиларни шимолга улоктириб ташлаганлар. Шундан кейинги йилларда Рим жамоасининг раҳбарлари ўз таъсирларини Этруриянинг кўп қисмига, шунингдек Кампанияга ва марказий Италиянинг бошқа областларига ёйганлар. Бу областлар Рим-италий қулдорларининг кудратли конфедератив иттифокининг мағзини ашқил этган ва бу иттифок эрамиздан аввалги III аср бошларига келиб Урта денгиз соҳилидаги қулдор давлатлар ичидахарбий жиҳатдан энг кучлиси бўлиб қолган.

Рим шахри қачон ва қандай вужудга келган?

Италий греklари ўзларини қизиқтирган бу саволга жавоб беришга уриниб, бу тўғридаги хилма-хил ривоятларни тўплаганлар. Греk тарихчилари Рим шахри ва қулдор Рим жамоасининг келиб чиқиши ҳамда уларнинг жуда қадим замонлардан бери яшаб келиши тўғрисидаги қиссаларини ана шу ривоятлар асосида ёзганлар.

Рим тарихининг энг қадимги даври тўғрисидаги афсона, ва ривоятлар эрамиздан аввалги I ва II асрларда Рим аҳолисининг маданий табақалари орасида кенг тарқалган, греk авторлари аҳолидан элитган ана шу афсонавий ривоятларни ўзларининг асарларига асос қилиб олганлар. Машхур Рим тарихчиси Тит Ливий (эрамиздан аввалги 59 йил — эрамизнинг 17 йили) Римнинг ўша давр тарихини хийла тўла ва муфассал баён қилган.

Римнинг вужудга келиши ва унинг энг қадимги тарихи тўғрисидаги ҳозирги замон илмий тасаввури қадимги афсоналарни таҳлил қилиб ўрганишга эмас, балки асосан эрамизнинг XIX ва XX асрларида Рим шахри территориясида ўтказилган археология қазиларининг материалларига асосланади.

Ц^...^ . ^ .
№



·ЙИЗ
« А,

ММЯ

Капитолия бӯриси.

Римнинг энг қадимги тарихини тадқиқ қилувчи олимларниш* фикрича, Тибр дарёсининг Чап қирғоғидаги тепаликларда эрамиздан аввалги Х асрдаёқ қишлоқлар пайдо бўлган.

Эрамиздан аввалги VIII асрда кейинчалик Рим шаҳрининг марказига айланган район орқали тоғлик жойлардан жануби-шарққа Тибр дарёсига борадиган катта йўл ўтган. Тибрнинг ўнг қирғоғида денгиз бўйига яқин жойдаги туз конига ана шу «туз йўлидан» юрганлар. Уткички савдогарлар тўплападиган дарё кечиги ёнида хунармандлар ҳам пайдо бўла бошлаган. Эрамиздан аввалги VII асрда шу ерга яқин тепаликлар ва кечик ёнидаги сочқин қишлоқлар битта шаҳар жамоасига бирлашган. Тибр қирғоғида баланд кўтарилиб турган қияли Капиголин тепалигида қурилган кўрғон янги шаҳарнинг маркази бўлган. Капитолий тепалиги билан. Палатин тепалиги ўртасидаги, авваллари гўристон қилиб фойдаланилган текислик янги шаҳарнинг марказий майдонига —«форум»га айлантирилган. Оддий кунларда форумда савдо-сотик олиб борилган. Гражданиларнинг йиғинлари ҳам шу майдонда ўтказилган, бу йиғинларда жамоа ишлари муҳокама қидинган, майдонда жарчилар жамоа кенгашининг ва жамоа раҳбарларининг қарорларини гражданиларга

эълон қилган,¹ диний намойишлар, худоларга ибодатлар, за дагонларнинг жасадлари билан хайрлашиш, ғалаба байрамлари ва бошқа ижтимоий ҳаракатлар ҳам ана шу майдонда ўтказилган.

Янги шаҳар турли қадимги италий қабилалари жойлашган қишлоқлар бир-бирларига туташган районда пайдо бўлганлигидан, бошда бу шаҳарнинг аҳолисини алоҳида-алоҳида учта қабила бирлашмаси ташкил қилган. Тарихий анъанага кўра бу қадимги қабилалар: тициллар, раминлар, луцерлар деб аталган. Ҳозирги замон олимларининг фикрича бу номлар сабиняндлар, латинлар ва этрусқларга мансубдир, шу билан Римнинг қадим замонлардаги аҳолиси турли қабилалардан ташкил топганлиги исбот қилинади.

2. Социал тузуми. Қабилалар — «трибалар» уруғлар, яъни «курия»лар бирлашмасидан ташкил топган. Ҳар бир курияда ўнтадан уруғ, трибада эса ўнтадан курия бўлган. Шундай қилиб учта трибадан ҳар бирида юзтадан уруғ, бутун жамоанинг аҳолиси эса уч юзта уруғдан иборат бўлган. Уруғ бирлашмаларига кирган граждандлар дастлаб жамоа аъзолари бўлиб ҳисобланган. Улар аҳолининг ўз оталарини билган асосий қисмини ташкил этган. «Патриций»лар, ана ўшалардир. Дастлаб фақат улар тўла ҳуқуқли граждандликни ташкил этган.

Ҳар бир уруғнинг алоҳида номи бўлган, уруғ бирлашмасининг ҳар бир аъзоси ўз оти ва ўзининг ёки оиланинг лақаби билан бирга уруғ номи билан ҳам аталган. Шунинг учун анча кейинги тарихий даврларда ҳам римликларнинг номлари уч қисмдан иборат бўлган. Масалан, Гай Юлий Цезарь: Юлийлар уруғи, Цезарлар оиласидан чиққан Гай ва хоказо. Ҳар бир уруғнинг бошлиғи оксоқоллар кенгашига—сенатга аъзо бўлиб кирган. Сенат суд вазифасини ҳам бажарган. Рим жамоаси дастлаб уч юзта уруғдан ташкил топганлигидан энг қадимги замонларда сенат ҳам уч юз сенатордан иборат бўлган.

Сенат ўзига умрбод йўлбошчи («геҳ»—«подшо») сайлаб қўйган. Подшо сенатда раислик қилган, бутун жамоа номидан худоларга қурбонликлар берган ва граждандлар лашкари — «легион»га бошчилик қилган.

Қўшни халқлар билан уруш қилиш ёки сулҳ тузиш, сенатнинг қарорларини тасдиқлаш ва бошқа шу қаби муҳим масалалар курияларнинг вакиллари мажлисига («куриялар комициясига») қўйилган.

Замон ўтиши билан уруғга қарашли чек ерларга эгалик қилган, запас экин ерлари — *ацет* *ри*Биси§ («жамоат далалари») ни ўзаро бўлиб олган ва шаҳар лашкарини ташкил қилган патрицийлар, яъни эски граждандлар билан бирга эркин аҳолининг бошқа табақаси—«плебей»лар¹ пайдо бўлган.

¹ «Плебей» номини тадқиқотчилар «pleo», яъни «мен тўлдираман» деган феълдан олинган дейдилар.

Плебейлар патрицийларнинг уруғ бирлашмасига кирмаган. Қадим замонларда плебейлар шаҳар ерига эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, ёш патрицийларга ўхшаб улар жамоат далаларида запас ерлардан ҳам чек ололмаган. Плебейларнинг кўпчилиги хунармандчилик ва савдо билан шуғулланган, баъзилари айрим патрицийлар ёки бутун уруғ хомийлигига ўтиб ўз хомийлари («патрон»лари) дан чек ер олган. Бу қарам кишилар («клиент»—«муштари»лар) патронга, яъни хўжайинга итоат қилиши, уруш вақтида ҳам, тинчлик пайтларида ҳам хўжайини билан бирга уни кузатиб юриши, омма олдида уни эъзозлаши л^кэзим бўлган.

Энг қадимги Рим тарихининг ҳозирги замон тадқиқотчилари фикрича[^]. аҳолининг плебейлар табақаси қисман Римга кўчиб келган эркин кишилардан, қисман озод қилинган қуллардан ва қисман римликлар Римга кўчиб келишга мажбур этган кўшни шаҳарликлардан ташкил топган.

Плебейлар гражданлик ҳуқуқидан фойдаланмаган, аммо замон ўтиши билан улар Рим ҳарбий лашкари сафига жалб қилина бошлаган.

Қуллар Рим аҳолисининг қўйи табақасини ташкил этган. Уларнинг кўпи ҳарбий асирлардан бўлиб, бошқалари кўшни қабилалардан ёки четдан келган қулфуруш савдогарлардан сотиб олинган. Ниҳоят, қуллар қаторини асоратга солинган кишилар тўлдириб турган. Қадимги суд одатларига кўра дон, чорва, ёки бирон қурол-асбоб, ё бўлмаса (бирмунча кейинги даврларда) қадимги Италияда пул ўрнини босган мисни қарз олган киши олган ҳамма нарчасига яна маълум процент қўшиб қарз берган кишига муддатида қайтариб бериши лозим бўлган. Акс ҳолда қарз берган киши қарз олганни суд олдига олиб келишга ва қарз олган нарсаларни қайтариб беришни ёки қарз эвазига бирон бошқа нарса тўлашни — болаларини, хотинини ва ниҳоят қарздорнинг ўзини ҳам қул қилиб сотишни талаб қилишга ҳақли бўлган. Қулларнинг кўпи қарзларни ва қарзларнинг процентини ўз вақтида тўлашга қурблари етмаганлиги сабабли, оила аъзолари ёки уларнинг ўзлари қуллар қаторини тўлдириб борганлар.

Қарз ҳуқуқининг ана шундай шафқатсиз бўлишидан плебейлар норози бўлган. Рим ва унинг области этрусклар ҳукмронлиги остига тушиб қолгандан кейин плебейларнинг норозилиги айниқса кучайган. Ҳозирги замон тадқиқотчилари эраמידан аввалги VII асрда Тарквиний шахрининг этруск ҳокимлари Римни ўзларига бўйсундирган деб ҳисоблайдилар. Сўнги Рим подшолари (Тарквиний Приск, Сервий Туллий, Тарквиний Суперб) ҳақиқий шахслар бўлган дейишга асос бор, аммо уларнинг афсонавий таърифларидаги конкрет тафсилотлар кейинчалик тўқилган бўлиши ҳам мумкин. Тарихий маълумотлар эраг миздан аввалги VI аср ўрталарида муҳим ислохот юз берганини

таъкидлайди, бу ислохотни Сервий Туллий подшо амалга оширган дейилади. *

3. Сервий Туллий ислохотлари. Тит Ливийнинг айтишича, Сервий Туллий халқ мажлисида плебейларнинг иштирок қилшига йўл очиб берган. Сервий Туллий эски трибаларга бўлмишни ташқи назарда саклаб қолган бўлса-да, уларни кабилалпритифокидан территориал бўлақларга айлантирган. У фақат маъмурий округ бўлган тўртта территориал триба таъсис қилган. Кейинчалик, эрамиздан аввалги I асрда бундай трибаларнинг сони 35 тага етган. Плебейларнинг Рим лашкари сафларига киришларига гўё йўл қўйган Сервий Туллий куриялар бўйича чақириладиган қадимги граждандларнинг мажлисини сақлаган ҳолда ҳарбийлар мажлисини — «Центурия комицилари»ни барио қилган. Ҳарбийлар мулкий белгиларига қараб беш синфга бўлинган. Мулки 100 минг мис асс турадиган энг бадавлат кишилар биринчи синфга киритилган. Улар тўла курулланган 18та отлик ва 80 та пиёда юзлик бериши лозим бўлган. Мулки озроқ (75 минг асс) бўлган граждандлар иккинчи синфга мансуб бўлиб, улар сал енгилроқ куруллар билан курулланиб, учинчи, тўртинчи, бешинчи синфларга кирадиган (50 минг, 25 минг ва 12,5 минг асс) граждандлар эса енгил куруллар билан курулланиб қўшинда ўзлари хизмат қиладиган бўлган.

Центуриялар комициясида овозлар юзликлар («центурия» — юзлик) бўйича берилган. Бир юзлик битта овозга эга бўлган. Дастлаб биринчи синф граждандларидан фикр сўралган, улар (юзликлар сони хисобидан) 98 овозга молик экан, аммо қолган синфларнинг ҳаммаси 95 овозга эга бўлган. Энг камбағал граждандлар энг кейинги синфга бирлашган. Улар пролетарлар, яъни «бола-чақасидан бошқа ҳеч нимаси йўқ» кишилар («пролетарлар») деб аталган. Улар ҳарбий хизматга яқинлаштирилмаган.

Аҳолининг энг бадавлат қисмидан иборат биринчи синф юзликларида одам кўп бўлмаган, кўпинча ҳар бир юзлик ўн — йигирма кишидан иборат бўлган. Аксинча кейинги синфларнинг ҳар бир юзлигидаги граждандлар сони юздан анча ортиқ бўлган, сўнгги центурияда эса (пролетарлар) тўрт мингга етган.

Сервий Туллий ислохотларининг социал маъносига баҳо бериб, Ф. Энгельс бундай деган эди: «... Римда ҳам подшо ҳокимияти деб аталган нарса бекор қилинмасдан буруноқ қон-қардошликка асосланган қадимги ижтимоий тузум бузилган ва унинг ўрнига территория жиҳатидан бўлинишга ва мулкий тафовутларга асосланган янги тузум, чинакам давлат тузуми ружудга келтирилган эди. Бунда ижтимоий ҳокимият ҳарбий хизмат қилишга мажбур бўлган граждандлар қўлига ўтди ва бу ҳокимият курулларгагина эмас, балки ҳарбий хизматга цўлатилмайдиган ва курул-аслахадан маҳрум бўлган кишиларга,

яъний:пролетарлар деб* аталадиганларга ҳам қарши қаратилган эди»¹.

Сервий Туллий ислохотлари Рим патрицийлари орасида нозилик туғдирган. Тарквиний Суперб бундан фойдаланиб ўзи[^]дан олдинги подшони ағдариб ташлагаи ва ўлдирган.

Аммо бир қанча вақт ўтгач, Тарквиний ҳам ўзининг жабр-зулми ва шафқатсизлиги билан ҳамманинг қаҳр-ғазабини кўзгаган. Рим афсоналаридаги маълумотларга кўра Тарквинийнинг ўғли қилган жиноятдан ғазабга келган Рим аҳолиси эрамиздан аввалги 510- йилда подшога қарши кўзғолон кўтарган ва уни Рим тупроғидан ҳайдаб чиқарган. Шу вақтдан бошлаб сенат қарори билан Римда подшо ҳокимияти тугатилган. Патрицийлар шаҳарни идора қилишни ўз қўлларига > олганлар. Бу сайлаб :қўйиладиган бошқарма «умум иши» (ғез риБНса) —деб аталган.. ^

. Антик дунё тарихчиларининг кссаларига қараганда Тарквиний Суперб Этрурияга қочиб борган ва унда этруск подшо-си Порсеннинг ёрдами билан Римда ўз ҳокимиятини тиклашга уринган. Кейинчалик римликларда янги давлат тузумини ҳимоя қилган Рим гражданларининг қаҳрамонликлари тўғрисида достон пайдо бўлган. Римликларнинг қаттиқ туриб олганини кўрган Порсена унда Тарквиний Суперб ҳукмронлиги тиклаш ниятидан қайтиб, Римдан чекинган (эрамиздан аввалги 509- йил).

Аммо ҳозирги замон тадқиқотчилари Римда этруск подшоларининг ҳокимияти қулаганлигига ва Лацияда бу ҳокимиятнинг заифлашганлигига Кампания қирғоқларида грекларнинг этрусклар флотини мағлубиятга учратганлиги сабаб бўлган деб ҳисоблайдилар.

Эрамиздан аввалги I аср охириларигача яшаб келган Рим аристократлари республикаси ана шу тариқа дуи-ёга келган.

IV БОБ

ИЛК РИМ РЕСПУБЛИКАСИ

1. Рим патрицийлар республикаси. Эрамиздан аввалги V—IV асрларда аста-секин аристократ патрицийлар республикаси конституциясининг ташкил топиш ва ривожланиш жараёни давом этган.

Фақат патрицийлардан сайланган барча магистратлар (мансаб эгалари) сенатга тобе бўлган. Сенат оқсоқоллар кенгашидан секин-аста (бутун состави патрицийлардан иборат бўлган) доимий давлат органига айланган.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, II том, Узбекстон давлат нашриёти, 307-бет. 1959 й.

Шундай қилиб республикада таъсис қилинган барча сиёсий ҳокимият органлари патрицийлар қўлига ўтиб қолган. Рим плебсн эса худди подшо даврида бўлгани каби иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсиз бўлиб қолаверган. Патрицийларнинг қул дорлик республикаси эълон қилинганлиги билан ижтимоий тузумда муҳим ўзгаришлар содир бўлмаган.

2. Илк республика даврида Рим. Рим илк республика даврида полис бўлган, яъни эркин қулдорлардан иборат граждailer жамоаси бўлган. Оила (!атШа) Рим жамоаси ҳаётида ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган. Оила бир-бири билан қон-қариндошлик алоқасидаги шахслар ва шу оилага хизмат қиладиган қуллардан иборат бўлган. Оила мулкани оила бошлиғи бошқарган, хонадаги тоатибодатнинг қохини вазифасини ҳам у бажарган, оила аъзоларининг тақдирини ҳал қиладиган ягона судья ҳам ўша бўлган (қул қилиб сотишга, ўлдиришга ҳақли бўлган). Давлат оиланинг ички ишларига аралаша олмаган, оила бошлиғининг ишини ҳар нечук текшира ҳам олмаган.

Рим, аҳолиси дехқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Римликлар дон етиштирган, ток, зайтун ўстирган, полизчилик қилган. Дехқонлар темирдан ясалган қуролларни ишлатган. Улар йирик қорамол, қўй, эчки ва чўчка боққанлар.

Ҳунармандчилик подшолар идора қилган замондаёқ дехқончиликдан ажрала бошлаган, бу жараён эрамиздан аввалги V—IV асрларда ҳам давом этгаи. Созандалар, заргарлар, бинокорлар, кўнчилар, этикдўзлар, мискарлар ва кулолларнинг ҳунармандлик коллегиялари таъсис қилинганлиги ҳунар-қасбнинг ривожланганлигидан далолат беради. Рим жамоаси территориясида ўтказилган археология қазувлари* натижасида Этрурия учун характерли бўлган кўпгина бронза ва темир буюмлар топилди. Темир Этруриядан келтирилган бўлса керак, чунки Лациумда темир бўлмаган. Топилган ғоят кўп сопол материал кулолчиликнинг тараққий қилганлигидан дарак беради. Римда бинокорлик соҳасида катта ишлар қилинган: жуда кўп деворлар, ибодатхоналар (Юпитер Капитолийский ибодатхонаси, Сатурн ибодатхонаси ва бошқалар) солинган, шаҳарда канализация ҳам бўлган.

Ҳунармандчилик қишлоқ хўжалигидан ажралганлиги натижасида савдо-сотик тараққий қилган. Римнинг асосий майдони бўлмиш форумда ҳар ҳафта бозор бўлган. Шаҳарда чорва ва қуллар билан савдо қиладиган махсус жойлар юзага келган. Диний байрам кунларида ҳар йили ярмарка ташкил этилган. Римнинг Италия дарёларидан кемалар юриши учун энг қулай Тибо дарёси соҳилида жойлашганлиги римликларга латин шаҳарлари, этрусклар, финикийлар ва греклар ўртасида воситачи бўлиб савдо-сотик қилишга имкон туғдирган. Пул системаси вужудга келган. Оғирлиги Рим фунти қисмларига баробар кела-

диган мис, кейинчалик бронза бўлаклари авваллар пул эквиваленти бўлган чорва молларни сиқиб чиқарган. Бир қанча нақддан кейин ҳар хил ҳайвонларнинг еурати ва металлнинг тозалигига кафолат берадиган муайян белгилар зарб қилинган лавҳалар пайдо бўлган. Қумуш пуллар эса эрамыздан аввалги, III аср ўрталаридагина зарб қилина бошлаган.

3. Плебейларнинг патрицийларга қарши кураши. Плебейлар борган сари машғул бўлган ҳунармандлик ва савдо-сотикнинг ривжланиши Рим плебсининг табақаланишига олиб, келган. Плебейлар орасидан бой савдо-ҳунар зодагонлари ажралиб чиққан. Иккинчи томондан йўқсул плебейлар сони кўпайиб борган. Патрицийларнинг уруғдошлик ташкилотларига кирмаган плебейлар хусусий мулк тарикасида жуда катта ер участкаларига эга бўлган. Урушлар, ҳосилнинг бўлмайд қолиш ҳоллари, истило қилинган областлардан аҳолининг бир қисми Римга қўчириб келтирилиши ва аҳолининг табиий ўсиши натижасида умуман ер кам бўлган Римда ерсиз плебейлар сони ўсиб борган. Кўп плебейлар ўз ерларини кўпинча уруғ зодагонларидан бўлган судхўрларга гаровга қўйган. Қарзини тўлай олмаган қарздорлар ерга эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Қарз берган судхўр шафқат қилиб қарздорни ўз ерида қолдирган тақдирда ҳам ижарачи сифатида, у ўзининг шахсий эркинлигини гаровга қўйган. Патрицийлар, шунингдек бой плебейлар ўз қарздорларини асоратга солганлар. Улар қарздорлари Тибр дарёсининг нариги томонига, яъни Рим жамоасидан ташқарига қул қилиб сотиб юборишга ҳақли бўлган.

Плебейларнинг ана шу тарика табақаланиши натижасида синфий кураш кескинлашиб кетган.

Эрамыздан аввалги V—IV асрларда Рим плебси бутун Рим жамоасига қарашли жамоат, даласидаги ерларни бўлиб олишга уринган. Жамоат даласи эса мағлуб бўлган халқлардаи римликлар тортиб олган ерлар ҳисобига ўсиб борган (мағлуб бўлган халқлар барча ерининг 1/3 дан то 2/3 қисмигача тортиб олинган). Лекин жамоат ерларини фақат патрицийларгина банд қилишлари мумкин бўлган. Аммо плебейлар жамоат ерларини банд қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун улар сиёсий ҳуқуқда патрицийлар билан тенг бўлишга эришишлари лозим бўлган.

Шундай қилиб плебейларнинг патрицийларга қарши кураши иқтисодий жиҳатдан ер учун кураш бўлган. Қашшоқлашган плебейлар қарз асоратини бекор қилиш талабларини аграр масалалар билан қўшиб олиб борганлигидан уларнинг бу кураши мураккаблашган.

Эрамыздан аввалги V—IV асрларда плебейлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан патрицийлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш учун узокқа чўзилган кураш олиб борганлар. Патрицийлар қандай гражданлик ҳуқуқларига эга бўлсалар, плебейлар ҳам ана шундай ҳуқуқларни талаб қилган. Бу ҳуқуқлар: магистратура (мансаблар) га эга бўлиш, сенатда ўрин эгаллаш-

дан иборат бўлган. Ривоятларга кўра плебейларнинг патрицийлар билан кураши эрамиздан аввалги 494-йилда бошлангид эквлар билан уруш вақтида қарзга ботган плебейлар Рим кўшинида хизмат қилишдан бош тортиб, Римдан чиқиб кетганлест ва Муқаддас тоғда лагерь куриб ўтиришган. Плебейлар кетмиш билан армия заифлашиб қолишдан кўркқан патрицийлар Оп беришга мажбур бўлишган. Плебейларнинг ўз мустақил ташкилотларини тузиш ҳуқуқи тан олинган. Эрамиздан аввалги 493-йилдан бошлаб улар ҳар йили ўз ўрталаридан иккита халқ трибуни сайлайдиган бўлган. Сенат ва магистратнинг плебс маифаатига зарар келтирадиган қарорларини трибунлар тўхтатиб (Veto) қўйишга ҳақли бўлганлар. Шундай қилиб трибунларнинг вазифаси патрицийлар магистрати ва сенатининг ўзбошимчалигидан плебсни ҳимоя қилишдан иборат бўлган. Дастлаб 2 трибун сайланган, сўнгра (шаҳар трибаларининг сонига қараб) 4 трибун, кейинчалик 10 трибун сайланадиган бўлган.

Эрамиздан аввалги V асрнинг биринчи ярми ўрталарига келиб плебейлар аграр масалани хал қилишга уринтанлар. Эрамиздан аввалги 486-йили консул Спурий. Кассий уруш вақтида тортиб олинган ерларни плебейларга бўлиб бермоқчи бўлган. Патрицийлар консулни зулмда айблашган. Аммо эрамиздан аввалги 456-йили халқ трибуни Ицилий Авентин тепалигидаги ерларни камбағалларга бўлиб бериш тўғрисида конун чиқартирган.

Эрамиздан аввалги V аср ўрталарида плебейлар катта ғалабага эришганлар. Улар амалдаги ҳуқуқларнинг ёзиб қўйилишига муваффақ бўлишган. Эрамиздан аввалги 451-йилда 10 патрицийдан (децемвирлардан) иборат комиссия тузилгаи, бу комиссия ёзма конунлар мажмуасини тузиши лозим бўлган. Аммо комиссия бир йил ичида бу ишни қилиб улгурмаган ва эрамиздан аввалги 450-йилда яна 10 та децемвир (5 таси патрицийлардан, 5 таси плебейлардан) сайланган. Улар амалдати ҳуқуқ нормаларини йиғиб тартибга солганлар. Эрамиздан аввалги 449-йили 12 та мис лавҳага ўйиб ёзилган конунлар форумга қўйилган.

XII жадвалдаги конунларнинг қабул қилиниши Рим плебсининг катта ғалабаси бўлган. Патрицийлар ва плебейлар учун умумий бўлган конунлар плебейларни патрицийларнинг ўзбошимчалигидан кўриклаши лозим бўлган.

XII жадвал текстининг оригинали сақланмаган. Бу тексткейинги авторларнинг асарларидаги цитата ва нақлларидаи тикланган. Шундай бўлса-да, эрамиздан аввалги 451—450-йилларнинг конуни қимматли манба бўлиб, хали уруғдошлик тузуми нормаларининг таъсирини сақлаб турган Рим илк республика жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тасаввур қилишга имкон беради.

Конунда ер ва мол-мулк хусусий мулк ҳисобланиб, уни меросхўрга васият қилиб қолдириш мумкин бўлган. Аммо бундаги

баъзи моддаларда уруғдошликка хос баъзи хислатлар акс эттирилган. Масалан, агар римлик ўлса-ю васият қолдирмаган бўлса, у тақдирда мулк когнатлар қўлига ўтган, когнатлар бўлмаса агнатлар қўлига, улар ҳам бўлмаса қариндошлар «меросхўр» бўлган. Қонунларда квирит¹ мулкининг, ёр ва меваларнинг дахлеизлигини бузган кишиларга қаттиқ жазолар кўрсатилган] Бировнинг экин ерини кечаси пайхон қилгани учун ўлим жазоси берилган, қундузи ўғрилиқ қилгани учун жарима солинган. Қонунлар жамоа ерларидан фойдаланиш тартибларини ҳам қаттиқ қўриқлаган. Ер эгаси сунъий суғориш йўллари қуриб сувнинг табиий оқимини ўзгартиришга ҳақи бўлмаган.

Ер мулкчилигига доир моддаларнинг умумий характери эра-миздан аввалги V асрда майда ер эгаллиги устун бўлганлигидан далолат беради.

Қонун қаттиқ қарз ҳуқуқининг амалда бўлганлигини таъкидлайди. Қарз берган киши ўзига қарздор бўлган кишини жамоадан ташқарига, Этрурияга сотиб юборишга Ҳақли бўлган. Демак қарздор бутун умр қул бўлиб ғурбатда ўтишга маҳкум қилинган. Бундан ташқари қарздорни ўлдиришга ҳам йўл қўйилган. Қонунда қуллар билан баъзи гуруҳ кишилар ўртасида— қуллар қаторига кирмаса ҳам қарам бўлган, чунончи, эрқка қўйиб юборилганлар ва клиентлар ўртасида аниқ тафовут белгиланмаган. Масалан, қулни майиб қилгани учун тўланадиган жарима эркин кишини майиб қилгани учун тўланадиган жариманинг ярмини ташкил қилган, яъни қул билан эркин киши нисбатан тенг қилинган. Бошқа бир модда ҳам худди шундай: бирон нарсага етказилган зиённи қул эгаси эмас, қул тўлаши лозим бўлган. Аммо қонунда қулни қул эгасининг жабр-зулмидан химоя қилишга доир модда йўқ. Қонун оила аъзоларига нисбатан оила бошлиғининг чексиз ҳокимиятини ўриятган. Оила бошлиғи уруғ бошлиғи каби аъзоларнинг ҳаётига хўжайинлик қилган, қилинган ноҳўя иш учун ҳамма оила аъзоларига, шу жумладан, қулларга ҳам жазо берган. Масалан, ота ўз ўғлини уч марта қул қилиб сотишга ҳақли бўлган, шундан кейин ўғил отанинг ҳукмидан холи бўлган. Рим оиласида аёл тамомила ҳуқуқсиз бўлган. Шундай қилиб, эра-миздан аввалги 450 йилги қонун патриархал характердаги қулчилик тўғрисида маълумот беради.

XII жадвал қонунлари Рим гражданининг ҳуқуқларини химоя қилган. Қонун уни суд қилмасдан жазолашни тақиқлаган: ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукми фақат центуриат комицияларигина чиқариши мумкин бўлган. Гражданлик ва жинойят ҳуқуқларида патрицийлар билан плебейларнинг тенглиги ўрнатилган бўлса-да, табақалар ўртасидаги муносабатлар ҳақида жуда кам гапирилган.

¹ Квирит — қадимги Римда тўла ҳуқуқли гражданининг расмий номи (тарж.)

XII жадвал қонуни чиқарилгандан кейин плебейларшт патрицийларга қарши кураши яна янги куч олган. Эрамиздан аввалги 449 йили Валерий билан Гораций Консуллиги вақтида қабул қилинган қонунларга мувофиқ плебейлар янги сиёсий ҳуқуқларга эга бўлганлар. Улим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши халқ мажлисига шикоят қилишга ҳақли бўлган. Халқ трибунларининг шахсий дахлсизлиги таъкид этилган.

Эрамиздан аввалги 445-йил халқ * трибуни Капулейнинг таклифи билан қабул қилинган қонунда илгари патрицийлар билан плебейлар ўртасида никоҳнинг таъқиқ этилганлиги бекор қилинган. Плебейларнинг олий магистрлик консул лавозими-ни эгаллашларига йўл қўйиш тўғрисида Капулей таклиф қилган қонун лойиҳаси эса рад қилинмай. Аммо эрамиздан аввалги 444-йилдан эътиборан консул ҳокимиятига эга бўлган ҳарбий трибун сайланадиган бўлган. Янги магистрликлар тенг коллегиал ҳокимликка эга бўлган.

Эрамиздан аввалги V аср охири ва IV аср бошларида плебейлар билан патрицийлар ўртасидаги кураш бир қанча вақтлар давомида ўз кескинлигини йўқотган, чунки бу вақт Рим этруск, вольск ва эквларга қарши ҳужумкорлик уруши иалласига кирган, Эрамиздан аввалги IV аср бошларида Рим марказий Италияни қийратиб ташлаган Галлар истилосини бошидан кечирган. Галлар чиқиб кетгандан кейин римликлар Лациум билан жанубий Этрурияда ўз таъсирларини ҳарбий йўл билан тиклаганлар.

Урушлар натижасида давлат ер фонди (жамоат далалари) ўсган, бу фонднинг катта қисми бўлинмай қолган. Рим граждандлари бу ерларни бемалол эгаллаш ҳуқуқига эга бўлган, натижада катта-катта ер эгалликлари кўпайган, бу ерларнинг кўп қисми эса патрицийлар қўлига ўтган.

Ер катта мулкдорлар қўлида тўпланар экан, майда ер эгалари хонавайрон бўла борган. Қарздорлар кўпайган, қулчилик, асорат кучайган, бу ҳол эса, эрамиздан аввалги 376—367-йилларда плебейлар билан патрицийлар ўртасидаги кураш яна кескинлашиб кетишига сабаб бўлган. Рим аъналарига кўра халқ трибунлари Секстий билан Лициний ҳар йили бу курашнинг бориши ақс эттирилган қонун лойиҳалари тақдим қилганлар. Бу лойиҳаларни эрамиздан аввалги 367-йилда халқ мажлиси қабул қилиб, сенат уларни тасдиқлаган ва шу тариқа қонун бўлиб қолган. Бу қонунлар жамоат далаларидаги эгалликни чеклаган. Ҳеч бир кимса 500 югер (126 гектар)дан ошқирни банд қилишга, жамоат яйловида 100 бошдан ошқир йирик қорамол ва 500 бошдан ошқир майда чорва ўтлатишга ҳақи бўлмаган. Қарздорларнинг аҳволи бирмунча вақтгача энгиллашган. Қарздор тўлаган процентлар қарз ҳисобига ўтган. Қарзнинг қолган қисми уч йил давомида тўланган. Икки консул сайлаш тартиби тикланган. Улардан бири албатта плебейлардан сайланган. Аммо бу қонунни камбағал плебейлар қўлламаган.

Аграр конун асосан жамоат ерларининг кўп қисмига эгалик қилувчи патрицийларга қарши қаратилган. Қарзларни қайта кўриш тўғрисидаги конун биринчи навбатда камбағал плебейлар учун фойдали бўлган. Аммо кейинги йилларда плебейлар бир неча марта қарзларнинг процентини камайтиришни талаб қилиб чиққанлар.

Эрамиздан аввалги 326-йили плебейлар янги конун қабул қилинишига муваффақ бўлганлар. Бу конунга кўра «қарз учун қарздорнинг тан-жони эмас, мол-мулки жавобгар бўлиши керак», Қарз учун Рим гражданини кул қилиб сотиш абадулабад тақиб қилинган. Анча ривожланган қулдорлик муносабатларига ўтиш, чет эл қулларини эксплуатация қилиш кучайган. Лекин бир қанча олимларнинг фикрича эрамиздан аввалги 326 йилда фақат ўз қабиладолларинигина кул қилиб сотиш ман қилинган, амалда эса қарз асорати кейинги республика ва ҳатто империя замонида ҳам давом этган.

Эрамиздан аввалги 312-йилда цензор Аппий Клавдий Кўр'нинг фаолияти плебейларнинг савдо, хунарманд доиралари учун катта аҳамиятга эга бўлган (цензорлар гражданларни центурия ва трибаларга бўлган, сенаторларнинг рўйхатларини тузган, кейинроқ ахлоқ тозалигини назорат қилган). Аппий Клавдий савдогар ва хунармандларнинг манфаатини кўзда тутиб, ерсиз гражданларнинг шаҳар ва қишлоқ трибалари қаторига киришига ижозат берган. Бу эса пул цензини ер цензи билан тенг қи*лишдан иборат бўлган. Шаҳар плебси билан озод қилинган қуллар ўзларининг ери бўлиш-бўлмалигидан қатъи назар давлатнинг сиёсий ҳаётида иштирок қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Аппий Клавдий плебснинг савдогар ва хунарманд табақаларининг ёрдамида Римдан Капуягача йўл қурдирган (бу йўл ҳам савдо ва ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлган) ваўн беш километр узунликда водопровод ўрнаттирган, Римга тоза сув ўша қувурлардан келган.

Эрамиздан аввалги IV аср охирига келиб плебейлар ҳар қандай лавозимни, шу жумладан қохинлик лавозимини ҳам эгал^лай оладиган бўлишган. Аммо плебейларнинг сиёсий-иқтисодий ҳуқуқлар учун кураши фақат эрамиздан аввалги 287-йил^дагина тугаган. Худди ўша йили плебейлар Янги қўл тепалигига (Тибрнинг ўнг қирғоғи) сўнги марта кўчиб чиққанлар. Плебейлардан бўлган диктатор Квинт Гортензий халқни тинчлантириш учун триба комицияларининг қарорлари умум давлат конунлари кучига эга эканлигини яна бир қарра таъкидлаб қончиқартирган.

Плебей зодагонларининг асоратга солинган қарам аҳолини эксплуатация қилишга уриниши сиёсий ҳуқуққа эга бўлган плебей аристократларини заифлашиб қолган патриций қабиалари билан яқинлаштирган, бу эса патриций, плебейлар юқори табақасининг имтиёзли ягона нобиллар тоифаси бўлиб қўшилиб кетишига сабаб бўлган. Юридик жиҳатдан нобиллар ;бошқа эр-

кин граждандардан фарк қилмаган, аммо улар боёнлар бўлг.т. ликларидан олий мансабларни ишғол қилган ва сенат составиг! кирган.

Эрамиздан аввалги III асрда плебейлар орасидан янги ЮИ фа — суворилар тоифаси таркиб топа бошлаган. Савдо ва откуп (ижарадорлик) билан машғул бўлган Римдаги аристократларнинг намояндалари ана шу тоифага мансуб бўлган. Суворилар га юксак мулк цензи (1 миллион асс ёки 400 минг сестерций) белгиланган. Бу янги тоифанинг ташқи аломати шундай бўл ганки, улар олтин узук ва тор кизид чизикли туника кийиш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин сиёсий ҳокимиятнинг бутун имти ёзлари нобиллар қўлида қолаверган. Рим плебейлари тубдан ўзгарган. Энди Рим кишлоклари ва шаҳарларда яшовчи аҳоли нинг кўйи қатламларини плебс деб атайдиган бўлганлар, улар сиёсий ҳуқуққа эга бўлсалар-да, республика улар ичидан чиқ кан мансаб эгаларига маош бермаганлигидан амалда у ҳуқуқ лардан фойдалана олмаганлар. Шундай қилиб Рим жамиятининг аввалги патриций ва плебейларга бўлиниши ўз аҳамиятини йўқотган.

Янги шароитдаги аграр масала катта ер эгалари билан томо мила хонавайрон бўлишга маҳкум майда ер эгалари ўртасидаги курашдан иборат бўлган.

Плебейларнинг патрицийларга қарши олиб борган кураш ларининг энг буюк якуни уруф-қабил муносабатларидан кул дорлик давлатига ўтиш бўлган «...Плебс ғалабаси эски уруғ дошлик тузумини портлатиб ташлайди ва унинг харобалари устида янги давлат барпо қиладики, уруф аристократияси ҳам, плебс ҳам тез орада шу давлат ичида тамомила эриб, йўқ бўлиб кетади»¹.

4. Илк Рим республикасининг давлат тузуми. Эрамиздан аввалги V—III асрларда Рим давлат тузумининг шаклланиш жараёни давом этган.

Халқ мажлиси (комициялар), магистратуралар ва сенат дав лат ҳокимият органлари бўлган. Ота-онаси граждандлик ҳуқуқи га эга бўлган тўла ҳуқуқли Рим граждандларининг коллективи бўлмиш Рим халқи (рориНз Котапиз) олий ҳокимият эгаси бўл ган. Расмий жихатдан Рим граждандлари халқ мажлиси (коми циялар)да иштирок қилишга, давлат лавозимларига сайланиш га, мулкка эгалик қилишга, Рим кўшинида хизмат қилишга ҳақли бўлганлар.

Римда уч хил комиция бўлган. Энг қадимги комиция—куръ али мажлис бўлиб, у фақат расмий жихатдан ижро қилувчи олий ҳокимиятни—«империя—магистратларга топшириш ва оила муносабатларига доир баъзи масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган, холос. Илк республика даврида комициялар ўзлари нинг сиёсий аҳамиятини йўқотган.

1 К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т, 21, стр. 169.

Халқ мажлисларининг бошқа тури бўлмиш центурия комициялари катта ўрин тутган. Дастлаб улар шаҳар лашкарларининг йиғинидан иборат бўлган, кейинчалик патриций ва нлебейларнинг центуриялар ва мулкый даражаларига қараб чақириладиган мажлисларга айланган. Центурия мажлисларини олий мансаб эгалари чақирган ва у мажлислар шаҳардан ташқари Марс майдонида ўтказилган. Мажлис қарорига тегишли масалани магистрат қўйган ва у овоз беришни идора қилган. Овоз бериш дастлаб центурия ичида ўтказилган, сўнгра махсус ҳисобчи «тарафдор» ёки қарши овоз берган центуриялар сонини ҳисоблаб чиққан. Бутун кўпчилик маълум бўлиши билан овоз бериш тўхтатилган.

Центурия комициялари Рим халқининг иродасини ифода қилган: улар олий мансаб эгалари бўлмиш консуллар, претор, цензорларни сайлаган, жинойи ишларни текширган, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал қилган.

Триба комициялари (трибалар бўйича чақириладиган мажлислар) эрамыздан аввалги III асрда Гортензий махсус қонун чиқариб уларнинг қонун чиқариш ҳуқуқини тасдиқ қилгандан кейингина катта аҳамият касб этадиган бўлган. Бу комициялар центурия комицияларига караганда хийла халқчил бўлган, негаки, у мажлисларга цензорлардан қатъи назар Римдаги барча граждандар қатнашганлар. Центурияда овоз бериш тартиби қандай бўлса, триба мажлисларида ҳам шундай бўлган. Триба мажлислари одатда қонун чиқаришга доир масалаларни ҳал этган, қуйи мансабдорларни сайлаган, баъзи бир жинойи ишларни кўрган.

Рим халқ мажлислари системаси демократик негизда қурилмаган. Фақат магистратларгина Рим халқ мажлисларини чақириш ҳуқуқига эга бўлган. Халқ мажлисларининг ҳеч қайсиси қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига, бирон бир таклифни муҳокама қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаган. Центурия мажлисларига қатнашувчиларнинг ҳолатини белгилаб берган ценз принципи ҳам нодемократик бўлган. Эрамыздан аввалги II асрнинг сўнги ярмигача очик овоз берилиб, бу тартиб давлатманд кишиларнинг баъзи мажлис қатнашчиларига тазйик қилишларига имкон туғдирган. Амалда халқ Рим давлатининг конституция асосларини ўзгартиришга таъсир қила олмаган.

Ижро қилувчи ҳокимият бир йил муддатга халқ сайлаб қўядиган мансабдорлар — магистратлар қўлида бўлган. Магистратлар бажарган вазифалари эвазига ҳеч қандай ҳақ олмаган (бу вазифалар гражданнынг фахрли иши деб ҳисобланган), ҳақ олмасликлари устига яна (сайлангунга қадар) зиёфатларга ва граждандарга бериладиган совғаларга ўз маблағларини сарф қилишга мажбур бўлган. Магистратликнинг баъзи вазифаларини бажариш ҳам харажатлар билан боғлиқ бўлган. Демак Римда яшовчи ҳар бир гражданин расмий жиҳатдан ҳар қандай лаво-

ЗЙМ эгаеи бўлишга ҳақли бўлса-да, аслида магистратлик мансабини фақат бой кишигина эгаллай олган.

1\ Рим магистратлари фақат коллегиал тарзда иш кўрган, яъни қарорлар фақат бир овоздан қабул қилинган. Магистрат ўз шерикларининг қарорларидан рози бўлмаган тақдирда норозилик (Уело) баён қилган, бундан кейин қарор қонуний деб ҳисобланмаган. Баъзан магистратларнинг коллегиачилиги уларнинг вазибаларни алмашишлари (масалан, магистрат бир ой ҳарбий ишлар билан, йккинчи ой гражданлик ишлари билан машғул бўлиши ва иш доиралари қатъий чегараланганлиги билан йўқ қилинган.

Магистрат дахлсиз шахс бўлган. У ўзининг ваколат муддати тугамагунча жавобгарликка тортилмаган. Фақат халқ унга ваколатни тарқ қилишни таклифэтийшга ҳақли бўлган.

Магистратлик одатдан ташқари (фавқулодда) ва одатий (оддий ёки доимий) магистратликка бўлинган. Одатдан ташқари магистратлар (диктатор, триумвирлар ва дещемвирлар) алоҳида ҳолат, давлатда бирон хавф-хатар юз берганда (душман бостириб қирган, граждандар уруши бошланган тақдирда) сайланган ёки тайинланган. Диктатор тайинлаш тўғрисида фақат сенат қарор қилиши мумкин бўлган. Баъзи ҳолларда цензурия комициялари бевосита диктатор тайинлашга ҳақли бўлган.

Диктатор бирдан-бир ноколлегиал магистратлик бўлган. Ҳарбий ва гражданлик ҳокимияти олти ой мобайнида диктатор қўлида бўлган, уни судга тортиш мумкин бўлмаган, халқ трибуналарининг норозилиги унга таъсир қилмаган. Аммо диктатор таъсис қилинаётганида магистратлар аввалгидай ўз ҳуқуқларидан фойдаланганлар. Диктаторнинг ўз олий нишони бўлган: уни доим 24 та фахрий соқчи (ликтор) кузатиб юрган.

Одатда олий магистратлик 2 та консул, преторлар, цензорлар ва халқ трибуналаридан, қуйи магистратлик — эдиллар ва квесторлардан иборат бўлган. Рим республикасининг олий мансабдорлари бўлмиш консуллар ҳар йили цензурия комицияларида сайланган. Ҳарбий ва гражданлик ҳокимияти консуллар қўлида бўлган. Консуллар қўшин тўплаган, уларга қўмондонлик қилган, бир қисм ҳарбий трибуналарни тайинлаган. Гражданлик ҳокимиятига эга бўлган консуллар сенатни, халқ мажлисларини чақирган, уларнинг қарорларини бажарган, мансабдорларни сайлаш ишига раҳбарлик қилган. Консуллар ҳокимияти коллегиал ҳокимият бўлган! Консуллардан' бирига якка ҳокимият бериш (қўшинларга қўмондонлик қилиш) масаласи қуръа ташлаш йўли билан ёки консулларнинг ўзаро келишиши,ё бўлмаса сенат қарори билан ҳал қилинган.

Преторлар суд ишлари билан шуғулланган (суд комиссияларида раислик қилган), вилоятларни бошқарган ва консуллар йўқ пайтда уларнинг ўрнини босган ва сенат топшириғи билан легионларга қўмондонлик қилган.

Иккита цензрр (одатда собиқ консуллардан) беш йилда бир марта .1\$ ой муддатга, цедтурия; комициялари томонидан сайланган. Улар ҳар беш йилда бир мартаценз белгилаган: барча граждaнларни рўйхатга олган, ҳар *бир* граждан билан шахсац суҳбатлашиб унинг мулкий ахволини билган ва тегишли мулдорлик даражаси рўйхатига киритган ҳамда трибаларга бўдган. Цензорлар ким ошди савдоси билан беш йил муддатга давлат мулклари даромадини тўплаш ҳуқуқини ва бож тўплаш ҳуқуқини сотганлар. Рим граждaнларининг ахлоқ тозалйгини. назорат қилиш ҳам цензорлар устига юкланган.

Халқ трибунлари ҳар йили триба йиғинларида сайланган. Бошқа магистратлар шахси сингари трибун шахси ҳам умумдавлат аҳамиятига эга бўлган. Ҳар бир халқ трибунисенат ёки мансабдорнинг қарорига норозилик билдира олган ва демак, ўзига ёкмаган ишга йўл қўймаган. Трибунлар трибаларда халқ йиғинларйни чақиришга ҳақли бўлиб, бу йиғинларга раислик қилганлар. Трибун ваколaти Рим ва унинг атрофи билангина чегараланган.

Кичик магистратлардан бўлмиш эдиллар шахарда тартиб сақланишини назорат қилиб, шахар соқчиларига бошчилик қилганлар, ободонликни кузатганлзр, шахарнинг озик-овқат билан узлуксиз таъмин бўлиши учун жавобгар бўлганлар, халқ томошалари ва байрамларини ташкил қилганлар.

Квесторлар ҳам кичик магистратларга мансуб бўлган. Улар триба комицияларида сайланган. Квесторлар ҳазйначилик вазифасини бажаришган, давлат архивини қўриқлашган, вилоят хокимларига ёрдамчи бўлганлар ва харбий хазинага мудирлик қилганлар.,

Ҳар бир магистрат ихтиёрида кўпдан-кўп хаттотлар, ликторлар, жарчилар ҳамда озод қилинган қуллардан ва давлат қудларидан иборат бошқа хизматчилар бўлган. /

Сенат Рим республикасининг олий давлат органи ҳисобланган. Эрамиздан аввалги I аср бошларигача сенат 300 кишидан иборат бўлиб, уларнинг кўпини нобиллар ташкил этган. Сенаторларни собиқ магистратлардан уларнинг даражасига қараб: аввалособиқ диктаторларни, улардан кейин собиқ консулларни, кейин собиқ преторлар ва хоказоларни цензорлар тайинлаган, Сенатни фақат олий магистратларгина чақиришга ҳақли бўлган. Уша магистратлар сенат мажлисларида раислик қилган. Сенат ғоят катта ҳуқуқларга эга бўлган. У комициялар турли лавозимларга тайинлаган шахслар тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаган, ташки сиёсатга, молиявий ишларга раҳбарлик қилган, давлат мулкини^идора қилган, диний ишларни кузатиб борган.. Сенат республиканинг харбий ҳаётига бош бўлган: аскар тўплаш муддатини, кўшиннинг составини, лашкар бошиларининг ваколaтини белгилаган, уруш олиб бораётган магистратнинг ишларини назорат қилиш учун, ўзининг элчиларини юборган.

Рим республикаси ўзига хос аристократлар республикаси бўлган. Халқ мажлисларининг жўнлиги ва бўшанглиги, магистратларнинг бепул иш қилиши, сенатнинг ниҳоятда катта таъсири Рим республикасининг муҳим хислатларидир. Бунинг сабаби шуки, аввало Рим граждандарининг кўпчилиги доим тарқоқ ва дурустроқ уюлмаган зироатчилардан иборат бўлганлиги, иккинчидан, эрамиздан аввалги V—IV асрлардаги тарихий шароитларнинг ўзига хослиги, шунингдек, Рим республикасининг ерлари фақат урушлар туфайлигина кенгайиб борганлигидир. Узлукеиз давом этган урушлар, муттасилталончиликдават ташкилотига қаттиқ таъсир кўрсатган, давлат ҳарбий характер олган. Энг эътиборли халқ мажлислари центурия комициялари бўлиб, бошда улар одатдаги аскарлар йиғинидан иборат бўлган. Граждандар бутун қурол-яроғларни осиб, 17 кунлик запас озик-овқат билан центурия комицияларига келишган. Трибунарлардан бошқа магистратларнинг ҳаммаси ҳарбий бошлиқлар лавозимида бўлган, легионларга қўмондонлик қилган ёки ҳеч бўлмаса, уруш олиб боришга бевосита алоқаси бўлган бошқа бирон вазифани бажарган. Сенат ҳам асосан ҳарбий ишларга раҳбарлик қилган.

5. Рим армияси ва унинг тузилиши. Рим республикасининг ҳарбий системаси эрамиздан аввалги V асрда Рим жамоаси қўшни халқларга қарши узлуксиз уруш олиб борган шароитда таркиб топган.

Аввал бошда Римнинг бутун лашкари легион деб аталган. Кейинроқ икки консулнинг ҳар биттаси ўзига легион тузиб, унга қўмондонлик қилган. Эрамиздан аввалги IV асрда консул қўшини икки легионга ажратилиб, бутун армияда тўртта легион бўлган.

Консуллар цензор томонидан тузиб берилган рўйхатга мувофиқ халқ мажлиси олдиндан белгилаган кўни аскар тўплаган. Ҳар бир легион оғир қурол-яроғлар билан қуролланган 3000 аскар ва енгил қуролли 1200 аскардан ташкил топган. Легионга иттифоқчиларнинг отрядлари (5 минг пиёда ва 900 сувори) ҳам қўшилган. Легион составига отлик аскарлар ҳам киритилган. Улар кўпроқ оти бор бой кишилардан ташкил этилган. Легион хийла майда қўшилмалардан иборат 30 та манипулага ажратилган. Уз навбатида ҳар бир манипула 60 ва 30 кишидан иборат иккита центурияга ажратилган. Легионнинг манипулаларга бўлиниши натижасида бу ихчам қўшилмалар чакқон ҳаракат қилган, айниқса тоғларни, паст-баландликларни унча қийнамай ошиб ўтган. Легион қатъий ўрнатилган тартибда саф тортган. Энг олдинги жанговар қаторни енгил қуролли 1200 та ёш жангчи (найзабардорлар) банд қилган. Иккинчи жанговар қаторни оғир қуролли, сал каттароқ ёшдаги 1200 жангчи ташкил қилган. Улар принципалар (принсерз—«биринчилар» ёки «асосийлар») деб аталган. Улардан нарироқда (яна оғир қуролли, аммо хийла тажриба орттирган, жангларда чиникқан ва синалган) 600 та триарий саф тортган.

Жангни одатда хар бир центурияга қўшиб берилган енгил курулли камалакбозлар, найзабардорлар отряди бошлаб берган. Сўнгра гастатлар, принципелар жангга кирган ва факат хавфли ҳолат юз берган тақдирдагина триарийлар жанг майдонида хозир бўлган (римликларда «иш триарийларгача бориб етди» деган гап бор).

Оғир курулли жангчининг тахта қалқони бўлган, қалқоннинг юзи сурп, бузоқ териси билан ўраб олинган, отилган тош ва снарядлардан сақлаш учун темир тасмалар кавшарланган. Жангчилар бошларига дубулға кийган, кўкракларига мис сипар боғлаган, баъзан сават кийган, оёкларига эса қўн обмотка ўраган. Кийимга қўн ишлатиш арзон тушган ва ҳаракат учун енгил бўлган. Легионернинг хужум куруллари бйрмунча мукаммаллаштирилган бўлган. У санчиш ва чопиш учун қулай ва мустаҳкам шамшир, душманга узокдан отиш учун оғир ва енгил найзалар билан курулланган бўлган. Эрамиздан аввалги II аср охирларида легионерларнинг асосий курули пилум деб аталган стадиған курул, учи ўткир ингичка темир таёк бўлган. У душманнинг қалқони ва совутини тешиб ўтган.

Легионларга консуллар, легатлар (консулларнинг урушдаги ёрдамчилари)- ва харбий трибунлар қўмондонлик қилган. Трибунлар отряд бошлиқларини урушда иш кўрсатган легионерлардан тайинлаган, улар центурионлар деб аталган. Центурионлар ёрдамчиларини ўзлари танлаб олганлар.

Римликлар эрамиздан аввалги III аср бошларида эллинистик техника билан танишиб, улардан қамал курулларини ишлатишни ўрганиб олганлар. Қўрғонларни қамал қилганларида улар манжаниклардан, ғилдиракли қамал миноралари, ўқ-ёй ва хатто 45° бурчак остидаги ғўлаларни ҳам ишлатганлар.

Легионлар тўхтаб турган пайтларда римликларнинг қулай лагерь кура билганликлари харбий санъатда фахрланса арзийдиган маҳоратдир. Уларнинг лагери бир-бирини кесиб ўтган икки чизик билан бўлинган тўртбурчак ҳосил қилган. Бу чизиклар лагернинг катта кўчалари бўлиб, кўча бошларига дарвозалар курилган. Легион қўмондонининг чодир, курубонгоҳ ва мажлисгоҳ лагернинг қоқ марказида бўлган. Лагерь сув ва озик-овқат билан таъмин этиладиган катта кўчалардан бирига параллел тарзда трибунларнинг чодирлари ва улардан 100 фут нарида легионерларнинг чодирлари жойлаштирилган. Хандак, кўтарма ва қозик девор билан ўраб олинган ҳамда соқчилар кўриқлаб турадиган лагерь душман хужумидан яхши химоя қилинган ва хавф-хатардан холи бемалол дам оладиган жой бўлган.

Римликлар пухта ўйлаб ишланилган рағбатлантириш тадбирлари ва жазо чоралари воситаси билан легионерлар орасида каттик интизом ўрнатганлар. Консул жангда иш кўрсатган солдатни аскарлар мажлисида мактаб, фахрий найза, олтин ёки кумуш билагузук, бронза совут билан мукофотлаган. Рим гражд-

данини ўлимдан кутказган жангчи эман баргидан ясалган чамбар билан, камал қилинган шаҳар деворига ёки душман кемаеига биринчи бўлиб чиққан ва душман лагерига биринчи бўлиш" кадам қўйган жангчи эса олтин чамбар билан мукофотланган. Аммо ер участкаси легионерлар орзу қилган энг зўр мукофот бўлган.

Харбий бошлиқлар айбли иш қилиб қўйган жангчини жазолашга ҳақли бўлганлар. Жангда шахсий қуролини йўқотиб қўйган жангчини трибунлар кенгаши ҳатто ўлим жазосига ҳам ҳукм қилган. Жанг вақтида чекинган ёки қўзғолон қилгани учуи қўмондонлар эски «децимация» одатини қўлланганлар, яъни чек ташлаб ҳар ўн жангчидан бирини қатл қилганлар.

Майда зироатчилар билан тўлдирилиб турадиган Рим республикасининг армияси интизомли ва яхши қуролланган бўлган. Бу армия эрамиздан аввалги III—II асрларда эллинистик давлатларнинг армияларини ҳам тор-мор келтирган.

V BOB

РИМНИНГ ИТАЛИЯНИ ИСТИЛО ҚИЛИШИ ВА РИМ I?УЛДОРЛИК КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1. Этрусклар билан кураш. Эрамиздан аввалги V—III асрларда Рим сенати Апеннин ярим оролида ҳарбий босқинчилик сиёсатини олиб борган. Римнинг бошқа Италия халқлари ҳисобига жамоа ерларини кенгайтириш мақсадида босқинчилик урушларй икки юз йилдаи зиёдрок давом этган. Патрицийлар, ҳам, майда зироатчилар ҳам, хуллас бутун Рим жамияти бу урушлардан манфаатдор бўлган.

Эрамиздан аввалги VI аср охирларида этрусклар ва Римга қўшни италик қабилалари (сабинлар, эквлар, вольсклар) Римда юз берган сиёсий тўнтаришдан фойдаланиб, Рим ерларига бэстириб кирган. Бу пайт Рим жамоаси этрусклар шахри Клузига қарши уруш олиб борган.

Эрамиздан аввалги V асрда римликлар этрускларга қарши хужумга ўтганлар. Бир томондан, эрамиздан аввалги V асрда Римдаги эркин аҳолининг бирлашиши, иккинчи томондан, этрускларга қарши шимолдан кельтларнинг хужуми туфайли римликларнинг очикдан-очик дадил ислохотчилик сиёсатига ўтишига имкон туғилган. Эрамиздан аввалги V асрнинг 90-йилларида римликларнинг латинлар билан тузган иттифоқи ҳам бутунътиборни этрускларга қарши курашга қаратишга имкон берган.

Римликлар Тибр дарёсининг ўнг қирғоғидаги этрускларнинг Вейя шаҳрига қарши отланганлар. Ривоятларга кўра, римликлар

бу кучли шахарга қарши уч марта уруш қилганлар. Аммо афсоналар мазмунидаги қарама-қаршшшқларга кўра олимлар эрамиздан аввалги 406—396-йиллардаги учинчи уруш тўғрисидаги маълумотларнигина бир қадар тўғри деб топадилар. Бу уруш шахарни ўн йил қамал қилиб тургандан кейин римликлар ғалабаси билан тугаган. Римликлар Вейя шахрини тор-мор келтирганлар, аҳолисини эса қул қилиб сотганлар. Унинг территорияси жамоат даласи деб эълон қилинган. Вейя ўрнида тўртта кишлрқ трибаси таъсис этилган. Айти вақтда Лацийга бостириб қирган Рим кўшинлари, бир неча жангда тоғларда яшовчи экв ва вольск қабиаларини тор-мор келтирганлар.

Эрамиздан аввалги V аср Римнинг Тибр дарёси ўнг қирғоғини истило қилиши ва Рим жамоасининг латин жамоаси федерациясига қўшилиши билан тугаган.

2. **Кельтлар (галлар) хужуми.** Ғарбий ва Урта Европа ерларининг бир қисмида яшаган жанговар (галл) кельт қабиаларининг хужуми Рим территориясининг ўсиб, кенгайиб боришига барҳам берган. Эрамиздан аввалги V асрда кельтлар Альп тоғларини ошиб ўтиб, этрускларни Апенниндан шимол томондаги областлардан суриб чиқарган ва По дарёси сохилларига жойлашган. Кельтларнинг хужуми Италия қабиаларини ва ҳатто этрускларни ҳам Рим жамоаси атрофига бирлашишга мажбур этган. Римликлар «галлар»¹ деб атаган кельтлар этрурияга бир неча марта хужум қилганларидан кейин эрамиздан аввалги 390-йилда Римга қарши отланганлар. Римга яқин жойдан оқадиган Аллия дарёси бўйидаги қаттиқ жангда галлар римликлар кўшинини тор-мор келтирганлар.

Галлар бостириб қиргач марказий Италиyani ер билан яқсон қилганлар, истилочилар ўт қўйиб бутун Римни ёндириб юборганлар, унда Капитолийдаги тош кўрғон омон қолган, холос. Галлар Капитолий тепалиғини қамал қилишга киришганлар. Тунлардан бирида галлар Капитолийни ишғол қилишга уринганларида маъбуда Юнон ибодатхонасидаги ғозлар ғағиллаб шовкин кўтарган. Капитолий химоячилари ғозлар шовқини чиққан жойга етиб келиб, галларни улоқтириб ташлаганлар. Бу ҳолат «Римни ғозлар қутқазган» деган афсонанинг тўқилишига сабаб бўлган.

Галларнинг хужуми тўғрисидаги ривоятларда ноаниқ маълумотлар кўп учрайди. Аммо Аллия қирғоқларида жанг бўлгани, Капитолийнинг қамал қилингани, Рим тўлов бергандан кейин галларнинг Римдан қайтиб кетгани ҳақиқий воқеалардир.

Кейинчалик галлар яна бир марта Римга хужум қилишга уринганлар, аммо бу уриниш натижасиз бўлган, шундан кейин эрамиздан аввалги 334-йилда улар римликлар билан сулҳ шартномаси тузганлар.

¹ Галл — хўроз деганидир. Кельтлар дубулғаларига хўроз патини қадаб қўйганлари учун римликлар уларни масхаралаб, шундай ном берганлар.

3. Самний урушлари. Галларнинг хужуми Римнинг Лацин даги таъсирини бўшаштирган. Латинлар иттифоки деярли бузилиб кетган. Баъзан латинлар қўлдаб турган вольсклар билан бўлган урушларда римликлар Лацийдаги илгариги мавкеларини тиклаб олганлар. Эрамиздан аввалги IV аср ўрталаридагина Лаций шаҳарлари Рим билан иттифокчилик муносабатларини тиклаган. Жанубий Этрурия ҳам бўйсундирилган. Сўнгра узокқа чўзилган еамний урушлари бошланган. Бу қабилалар ўрта Италиянинг бир қисми бўлган, шароити оғир, тоғли Самниумда яшаган. Самнийлар чорвачилик (айникса йилқичилик), овчилик билан машғул бўлган, улар темирга ишлов беришни билганлар. Улар Сиракуза билан Карфагенни ёлланма отрядлар билан таъмин этиб <тургай, Ёу отрядлар ўзиарининг юксак жангрварлик(си,- «фатлари билан ном чиқарган. Самний дружиналари талончилик мақсадида бой Кампания шаҳарларига хужум қилиб турган. Эрамиздан аввалги IV аср ўрталарида улар билан Кампания областида яшовчи қабилалар ўртасида доим уруш бўлиб турган. Римликлар ана шу урушлардан фойдаланиб самнийлар федерациясига қарши кураш олиб борганлар, улар бу курашлари натижасида еамнийларни суриб чиқариб унумдор Кампания ерларини ва шу билан бирга самнийлар ишғол қилиб турган ерларни ҳам тортиб олиш орзусида бўлганлар. Эрамиздан аввалги 343—341-йилларда самнийлар билан бўлган биринчи уруш натижасида римликлар Кампанияни узларига бўйсундирганлар.

Эрамиздан аввалги 340—338-йилларда латин иттифокига кирган шаҳарлар билан Рим ўртасида латин уруши бўлиб ўтган. Латин уруши бошланишига сабаб латин шаҳарларининг Рим гегемонлигини ағдариб ташлашга, уни латин иттифокининг оддий аъзосига айлантиришга уринганликлари, шунингдек, латинлар билан римликларнинг Кампаниядан манфаатдорликлари. тўқнаш келганлиги бўлган, негаки Кампаниянинг унумдор ерлари римликларнинг ҳам, латин плебсларининг ҳам диққатини жалб қилиб келган. Латин шаҳарлари билан италий қабилалари иттифок бўлиб Римга қарши чиқишган. Лекин римликлар кампанияликлар билан бир томонлама сулҳ тузиб бу иттифокни бўшаштиришга муваффақ бўлганлар. Бу сулҳга мувофиқ Капуя зодагонларига Рим граждани ҳуқуқи берилган. Сўнгра латинлар ва вольскларнинг қаршилиги синдирилган. Лация шаҳарлари Римга қарам бўлиб қолган. Улардан баъзилари Рим гражданилик ҳуқуқига эга бўлган, бошқалари ҳамма ҳуқуқларда римликлар билан тенг қилинган бўлсалар-да, комицияларда иштирок қилишга ҳақлари бўлмаган. Курашда қаттиқ қаршилик кўрсатган шаҳарлар ўз территорияларининг бир қисмини Римга беришга мажбур бўлган. Вольскларнинг шаҳарлари колонияларга айлантирилиб, вольскларнинг ўзлари тоғлик жойларга суриб юборилган.

Самний қабилаларининг федерацияси Римнинг Италия марказида бирдан-бир душмани бўлиб қолган. Самнийлар бир қанча

италий қабилаларидан Римга қарши иттифоқ тузганлар. Иккинчи самнийлар уруши бошланган (эрамиздан аввалги 327—304-йилларда давом этган). Римликлар Кампанияда ғалаба қилгандан кейин Самниумга бостириб кирганлар. Бу ерда эрамиздан аввалги 321-йилдасамнийлар Кавдий шаҳри яқинида тор ўрмон дара^лигида икки консулнинг армиясини ҳам қуршаб олганлар. Римликлар оғир шартлар билан таслим бўлганлар ва Самниумни ташлаб чиқишга ваъда берганлар. «Рим шавкатига ва Римнинг ҳарбий руҳига қатъий барҳам бериш учун» барча Рим жангчилари улардан тортиб олинган қурол-яроқлардан териб солинган ўзига хос ғалати дарвоза тагидан—«зулм таги»дан ўтказилган.

Аммо римликлар ваъдаларига вафо қилмай уруш ҳаракатларини яна бошлаб юборганлар ва бу уруш римликлар фойдасига бурилиш юз бермагунча давом этган. Эрамиздан аввалги 304-йилда римликлар билан самнийлар ўртасида тузилган сулҳ шартномасига мувофиқ Кампания Римга ўтган.

Учинчи самнийлар уруши (эрамиздан аввалги 298—290-йиллар) жуда ҳам катта қийинчиликлар билан ўтган. Самнийлар яна иттифоқ тузганлар. Бу иттифоққа этрусклар, галлар, умбралар кирган. Улар Римга қарши «ғазот» урушини эълон қилганлар. Оқ бўздан тикилган мотам кийимларини кийган самнийлар ғоят зўр сабот билан уруш қилганлар. Аммо яхши ташкил этилган Рим полиси қўшинлари ғалаба қилган. Эрамиздан аввалги 288-йилда хувиллаб қолган, қонга беланган, шафқатсизлик билан ғазот қилинган ва қуйдирилиб вайрон этилган Самниумни римликлар ўзларига бўйсундирганлар.

Уша йиллар ичида римликлар шимолий Италияни ҳам ўзларига тобе қилганлар. Шунингдек этруск шаҳарлари ҳам Рим иттифоқчиларига қарам бўлиб қолган.

Урушлар натижасида эрамиздан аввалги IV аср ўрталарига келиб бутун ўрта Италия, яъни По дарёсидан тортиб то Лукания чегарасигача бўлган ерлар Рим ҳукмронлиги остига ўтган.

4. Тарент билан қураш. Жанубий Италиянинг забт қилиниши.

Эрамиздан аввалги III аср бошларига келиб Апеннин ярим оролининг жанубида жойлашган, ўзаро урушлар ва жанубдаги маҳаллий қабилаларнинг тазйиқи билан мадори кетган грек шаҳарларигина Римга тобе бўлмай мустақил яшаб келган. Аммо бу шаҳарларнинг баъзи бирларида Рим билан иттифоқ тузишга мойил зодагонлар тўдаси пайдо бўлган.

Фурий шаҳрида юз берган воқеалар Римнинг Италия жанубидаги грек шаҳарларининг ички ишларига аралашувиغا баҳона бўлган. Эрамиздан аввалги III асрнинг 80-йилларида луканлар қабиласи Фурийга ҳужум қилган. Фурий шаҳри бошқа грек шаҳарлари билан рақобатда бўлганлигидан, у ёрдам сўраб грек шаҳарларига эмас, балки Римга мурожаат қилган. Римликлар Фурийнинг мурожаатидан Италия жанубида ўз таъсирларини ўрнатиш учун фойдаланганлар. Улар, луканларни тор-мор қи-

либ ўз гарнизонларини шаҳарга олиб кирганлар. Римликларчм..... бу иши бошқа грек шаҳарларидаги демократларнинг гааблпп қўзғаган. Тарент аҳолиси шаҳар гаванида турган римликларнинг кемаларига тўсатдан хужум қилиб Фурийга жўнаганла) В1, у ердан римликлар гарнизонини хайдаб юборганлар. Эрампчдан аввалги 281-йилда Римнинг Тарентга қарши очикдан-очпк уруши бошланган. Тарентликлар ёрдам сўраб Эпйр подшоси Пиррга мурожаат қилганлар. Шухратпараст ва қаллоб Пирр ғоят қобилиятли саркарда сифатйда машхур бўлган. Аммо шу билан бирга у нўнок сийсатчи бўлган. Пирр Тарентнинг таклифини бажонудил қабул қилган. Чунки бу таклиф унинг Апеннин ярим оролида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш хакидаги шўхратпарастлик орзусига мос тушган.

Эрамиздан аввалги 280-йилда Пирр ўзининг замона^й эллинистик ҳарбий техника билан қуролланган, танланган фесал отлик аскарлари ва Апеннин ярим оролида бунгача сира қўрилмаган жангчи филлар билан таъминланган қўшини билан Италияга кириб келган. Гераклея шаҳри ёнидаги биринчи қонли жангда Пирр ғалаба қилган. У Кампания ва Самниум орқали юриб, Рим остонасигача бориб етган. Пирр шаҳарга хужум қилишга *ботша* олмай сулҳ таклиф қилган, унинг таклифига* кўра грек шаҳарлари мустақил бўлиб қолиши лозим бўлган. Аммо Рим сенати грекларга қарши кураш учун Карфаген билан ҳарбий йттифоқ тузишга тайёргарлик кўриб бўлган экан. Бунинг устига Тарент ва бошқа грек шаҳарларининг аҳолиси Пиррдан норози эканлиги ҳам маълум бўлиб қолган. Шунга кўра сенат Пиррнинг таклифини рад қилган.

Эрамиздан аввалги 279-йилда икки кунлик |ҳал қилувчи иккинчи жанг Аускул шаҳри ёнида бўлган. Пирр яна Рим қўшинларини тор-мор келтирган, лекин бу жангда у хаддан ташқари қўл жангчиларини йўқотиб, «агар биз римликлар устидан яна бир марта ғалаба қилсак, у ҳолда тамомила ҳалок бўламиз» деб кичқириб юборган экан. Аускул жангидан кейин Пирр римликлар билан яна жанг қилишдан бўйин товлаб, хийла тез ва осонлик билан мўваффақиятқозониш ниятида Сицилияга йўл олган. Пирр бошда дарҳақиқат карфагенликларни бир неча марта мағлубиятга учратган. Аммо унинг сицилияликларнинг ички йшларига қўпол равишда аралашishi ва Карфагенни забт қилиб, ўз мОнархиясининг бир қисмига айлантириш плани унинг сицилияликлар билан алоқаси тамомила бузилишига сабаб бўлган. Сицилияда карфагенликлар армияси' муваффақиятли ҳаракат қила бошлаган. Эрамиздан аввалги 275-йилнинг баҳорида Пирр италий грекларига ёрдам кўрсатишни баҳона қилиб оролни ташлаб кетган ва яна Италияга бориб тушган. Самниумда, Беневент шаҳри яқинида Пирр билан римликларнинг қўшинлари ўртасида сўнгги марта жанг бўлган. Рим легионерлари •филларни ўтли ўққа тутиб, уларни қочишга мажбур этган. Филлар ўтдан қутулиш пайида Пирр аскарларини босиб, эзборқдга

караб кочаверган. Пирр тамомила мағлубиятга учрагандан кейин Италияни ташлаб, Грецияга жўнаган, у ерда эрамиздан аввалги 272- йилда Македония тахти учун кураш бошлаган ва Аргос шахрининг қўча жанглирида ҳалок бўлган.

Эрамиздан аввалги 272-йили римликлар Италия жанубидаги мустақилликнинг сўнгги таянчи бўлмиш Тарент шахрини аввало қамал қилиб, сўнгра ишғол қилганлар. Римликлар Италия жанубида ўз ҳукмронликларини мустақкамлаш мақсадида Брундиций портини қурганлар, Унга ҳарбий йўл ўтказганлар ва йўл бўйлаб бир неча колония қурганлар.

Эрамиздан аввалги III асрнинг 60-йилларига келиб Римнинг Италияда олиб борган урушлари тугаган. Цизальпина Галлияси чегарасидаги Рубикон дарёсидан тортиб Мессина бўғозигача бўлган ерлар, ҳуллас бутун Италия Римга бўйсунган. Рим Тибр дарёси бўйидаги кичкина бир жамоадан Урта денгиздаги қудратли бир давлатга айланган.

Рим истиклол/арининг! муваффақиятин! таъминлаб бергай сабаблар Рим армиясининг жанг қобилияти юксак бўлганлигидир. Рим жамоасининг асосий қисмини ташкил этган қишлоқ аҳолиси янги ер участкаларига эга бўлиш ниятида урушларнинг ғалаба билан тугашидан манфаатдор бўлган. Муваффақиятнинг яна бир сабаби Рим душманларининг заиф бўлганлигидир. Римга қарши чиққан қабилалар, халқлар ва шаҳарлар иқтисодий ва социал жиҳатдан тарқоқ бўлган. Улар бир пайтнинг ўзида биргалашиб ҳаракат қилмаган, айрим-айрим ҳаракат қилган.

5. Рим-Италия конфедерацияси. Рим йстило қилган ерларни идора қилиш тартиби секин-аста, эрамиздан аввалги V—III асрлар давомида таркиб топган. Рим полисининг имтиёзли ҳолатда бўлганлиги бўйсундирилган Италия қабилалари, халқлари ва шаҳарларининг қарамлик даражалари турли-туманлиги ва уларга берилган ҳуқуқларнинг ҳам хилма-хиллиги Рим идора тартибининг ўзига хос хусусиятидир. Истило қилинган Италия аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт даражалари хилма-хил бўлганлигидан уларнинг ҳуқуқий аҳоли ҳам хилма-хил бўлган.

Рим гражданилари яшаган колониялар ҳуқуқ жиҳатидан қўпроқ имтиёзлардан фойдаланган. Колониялар аҳолиси Рим халқининг бир қисми бўлиб, гражданлик ҳуқуқларига эга бўлган. Колониялар айниқса урушда қаттиқ қаршилик кўрсатган қабилалар, халқлар ва шаҳарлардан тортиб олинган ерларга жойлаштырилган; Колонияларда яшовчи аҳоли Рим магистратларини сайлашда йштирок қилганликлари учун улар шу магистратлар томонидан идора қилиниши лозим деб қаралган. Шунинг учун ҳам қилонияларнинг ўз ички идораси бўлмаган. Бундай идора ташкилоти баъзи колониялар учун амалда ноқулай бўлган ва улардан баъзилари автономлик ҳуқуқларини олган. Колониялар доимий ҳарбий гарнизонлардан иборат бўлганлиги учун истило

қилинган Италия областларида Рим ҳокимиятини мустақкам лашга ёрдам беришлари лозим бўлган.

Кўп замонлардан бери Рим давлати таркибида бўлиб мус тақил яшаб келган Италия жамоалари, яъни муниципиялар иккинчи гуруҳни ташкил қилган. Улар ўзларининг ички идораларига эга бўлган. Муниципиялар аҳолиси ўз магистратларини, шаҳар кенгашини сайлашга, халқ мажлисларида қатнашишга ҳақли бўлган. Кейинчалик улар Рим гражданлик ҳуқуқларидан ҳам фойдаланадиган бўлганлар.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган жамоалар қарамликнинг бундан кейин турадиган пастки босқичига мансуб бўлган. Уларнинг ўз-ўзини идора қилиш ташкилоти бўлса-да, ҳуқуқлари чеклаб қўйилган: уларнинг аъзолари комицияларда иштирок қила олмаган, магистрат қилиб сайлана олмаган. Жамоанинг ҳаёти Рим вакиллари назорати остида бўлган. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган жамоа аъзолари мулк ва никоҳ ҳуқуқларида Рим гражданлари билан тенг бўлган. Рим иттифоқчилари энг кўп сонли гуруҳни ташкил этган. Уларнинг аҳоли ҳар хил шартномалар билан белгиланган. Иттифоқчиларнинг кўпи олиб борилган урушларда иштирок қилиши мажбурий бўлган, бошқалари эса Римга ҳужум қилинган тақдирдагина унга ёрдам берган. Иттифоқчилар Римга ёрдамчи кўшин («қон солиғи») берган ва уларни боққан. Расмий жихатдан улар баъзи бир мустақилликларга эга бўлган.

Рим ва латин иттифоқи шаҳарлари таъсис қилган латин колониялари ҳам автономлик ҳуқуқларидан фойдаланган. Латин колонияларидан Римга кўчиб келган кишилар Рим гражданлик ҳуқуқига эга бўлган. Рим уруш қилган вақтда улар Римга алоҳида иттифоқчи отрядлар берганлар.

Римга қаттиқ қаршилик кўрсатган ва ҳеч қандай шартсиз-ғолибга таслим бўлган қабилаларнинг ҳуқуқлари айниқса чеклаб қўйилган. Таслим бўлган қабила аъзолари ерларининг 1/3 қисмидан тортиб 2/3 қисмигача Римга берганлар, автоном ташкилотлари бўлмаган, ўзаро алоқа қилишдан, савдо ва никоҳ муносабатларидан маҳрум қилинган, қурол-яроғ тақишга ҳақлари бўлмаган.

Рим давлатидаги иттифоқчи жамоларнинг аҳолини юридик жихатдан клиентелларнинг аҳоли билан тенглаштирса бўлади, чунки улар ҳам клиентлар каби тўла ҳуқуқли деб ҳисобланмас-да, ҳар ҳолда эркин фуқаро бўлган.

Ит-алияда тарқиб топган идора тартиби жуда эпчил бўлган. Ҳаммадан ҳам кўра бу тартиб Рим учун қулай бўлган. Римликлар қадимги уруғдошлик алоқаларини емириб, Италиянинг бутун аҳолисини қарамлик ва тобеликнинг турли босқичига қўйиб, ҳуқуқда тенгсиз жамоаларнинг бир-бирлари билан рақобатлашиш ва ўзаро душманлик вазиятини вужудга келтирганлар.

Бўйсундирилган Италия халқларининг ерлари давлатга қарашли жамоат далаларига айлантирилган. Жамоат далалари

одатда Рим. граждaнлари ўртасида тақсим қилинган. Тақсим қилиб берилган ерларнинг кўпи патрицийлар ва зодагон плебей уруғи аъзолари қўлига теккан. Ерларнинг концентрация жараёни давлат (жамоа) ер эгаллигининг сиқиб чиқарилишига, катта ер эгалари билан майда ер эгалари ўртасида курашнинг кескинлашишига олиб келган. Колонистлар (кўпроқ Рим плебейлари) давлат ер фондидан чек ерлар олган. Ерларни улар ва омон қолган маҳаллий аҳоли ҳайдаб эккан. Колониялар таъсис қилиниши майда ва ўрта италий дехқонлари табақасини вужудга келтирган.

Рим республикаси яшаган биринчи асрларда кулдорлик муносабатларининг тараққийси у муносабатларнинг патриархал формаларидан секин-аста классик формаларга ўтиши билан характерланади.

Эрамиздан аввалги V—III асрларда Римнинг Италияда олиб борган урушлари натижасида чет қабила ва чет ерлик қуллар сони кўпайган. Этрускларнинг Вейями шаҳри билан бўлгануруш вақтида римликлар 8 минг кишини асир олганлар ва қул қилиб сотиб юборганлар. Эрамиздан аввалги 306-йилда, Тит Ливийнинг айтишича, асир олинган 7 минг самний қул қилиб сотилган. Бироқ Италиянинг. Рим урушиб ўзига бўйсундирган кўпгина қабила ва элатлари эркин бўлиб қолаверган, чунки қуллар меҳнати кўпинча ҳали катта фойда келтирмаган.

Кулликнинг дастлабки бошқа бир манбаи аввалгича қарз асорати бўлиб қолаверган. Қарз қуллигининг сақланиб қолишига қишлоқ аҳолисини ўз ерларида дехқончилик қилишдан ҳийла вақтларгача ажратиб қўйган узлуксиз урушлар ва дехқонлар ихтиёридаги ерлар жуда кам бўлганлиги ҳам сабаб бўлган. Рим ўзига бўйсундирган баъзи Италия халқларининг қарамлик формалари Спартанлар илотиясини эслатган.

• Шундай қилиб, классик кулликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Италиядаги кулдорлик муносабатларининг хилма-хиллигини йўқ қилмаган.

Кулдорликнинг ўсиши, ҳаят шафқатсиз муомалага дучор қилинган бошқа қабила ва чет ерлик қулларнинг кўпайиши қулларнинг ҳуқуқий аҳволига ўзгаришлар киритилишини тақозо қилган. Эрамиздан аввалги III аср бошига келиб тамомила хўжайин ихтиёридаги буюм деб қаралган қулларнинг бутунлай, юридикҳуқуқсизлигини белгилаб берган янги ҳуқуқ нормалари таркиб топган. Қул ёки уй ҳайвонини ўлдирган ёки майиб қилгани учун бозор нархи юзасидан жарима солинган, қул келтирган зарарни хўжайин тўлатан, ҳолбуки XII жадвал қонунига мувофиқ қул жавобгар бўлган. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормаларининг ривожиди: қулларнингюридик жихатдан ҳуқуқсизлигини қонунлаштириш, уларни граждaнлар ҳаёти ва сиёсий ҳаётдан ўчириб ташлаш майли бўлганлиги аниқ кўриниб турибди.

Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликда қуллар меҳнатидан тобора кенгроқ фойдаланила бошлаган. Қуллар қурилиш ишла-

рига, Рим флотида эшкакчиликка жалб қилинган. Давлат ихтиёридаги куллар кохинлар коллегиясига киритилган, худога қили надиган ибодатларда кохин "ёрдамчиси вазифасини бажарган жарчилик, жаллодлик қилган ва хоказо. Давлат ихтиёридаги куллар хусусий шахсларнинг кулларида кўра баъзи имтиёзларга эга бўлган. Давлат ихтиёридаги куллар маълум мойна олганлар, айрим ҳолларда Рим судига шикоят қилишга ҳақли бўлганлар.

Куллар илк республика давридаёқ хўжалик муносабатларда бир хил бўлмаган. Баъзиларининг моддий воситалари бўлган, демак шу билан улар тўлов бериб озод бўлиш имконига эга бўлганлар.

Эрамиздан аввалги IV—III асрларда Рим жамиятининг мураккаб синфий ва социал тузилиши таркиб топган. Рим жамияти эркин кишилар ва қулларга бўлинган. Эркин кишилар ўз навбатида, нобилларга (олий магистратлик мансабларини, Рим сенатида сенаторликни эгаллаган кишиларга), сувориларга ва жуда кўпчилик қишлоқ ва шаҳар плебсига: майда деҳқонлар ва шаҳар хунармандларига бўлинганлар. Эркин кишилар ичида кам ҳуқуқли группалар: озодликка чиқарилган куллар, клиентлар, асоратга солинган эркин кишилар бўлган. Улардан баъзилари эркин кишилар билан куллар ўртасидаги муаллақ ҳолатда бўлганлар. Озод қилинган куллар юридик жиҳатдан кулларга яқин бўлганлар. Улар ўзларининг собиқ хўжайинларига маълум тўлов бериб, хўжайинларининг баъзи ишларини бажариб турганлар, улар яна қуллик ҳолатига қайтишлари мумкин бўлган. Шундай қилиб Рим жамиятининг тузилиши доим ўзгариб турувчи ҳолатда бўлган: янги тўла ҳуқуқли, кам ҳуқуқли гуруҳлар, янги тоифалар бўлган.

Рим ривоятларида эрамиздан аввалги V асрда одатда ўз таъсирини мустақамлаб олишга уринган бирон зодагон бошчилигида кулларнинг шаҳар плебси билан бирликда қўзғолон қилганлиги тўғрисида маълумотлар сақланган. Эрамиздан аввалги IV—III асрлар давомида куллар плебсининг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлар учун олиб борган курашларида бир неча бор қатнашган.

VI БОБ

ЭРАМИЗДАН АВАЛГИ III АСРДА РИМНИНГ ЎРТА ДЕНГИЗ ГАРБИДА УСТУНЛИК ҚИЛИШ УЧУН КАРФАГЕНГА ҚАРШИ КУРАШИ

Эрамиздан аввалги III аср ўрталарига келиб, Урта денгиз фарбида кўпдан бери ҳукмронлик қилиб келган Карфаген давлати ва эндигина ташкил топган Рим қулдорлик конфедерацияси бу ерининг энг кучли давлатларидан бўлган.

Карфаген ҳам, Рим ҳам агрессив ташки сиёсат олиб борган. Уларнинг қулдорлик экономикаси шуни тақозо қилган, чунки харбий экспансия—экономикани¹ ривожлантиришнинг зарурий шarti бўлган. Бу давлатларнинг ҳар қайсиси Урта денгиз ғарбида гегемон бўлишга уринган. Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида бу икки давлат ўртасидаги зиддиятлар биринчи Пуни урушининг бошланишига олиб келган (римликлар карфагенликларни пуниликлар деб атаган).

1. Карфаген биринчи Пуни уруши арафасида. Карфаген ёки Кар-Хадашт¹ Финикиянинг эрамиздан аввалги IX асрдаёқ барпо бўлган катта Тир шаҳрининг колонияси бўлган. Эрамиздан аввалги V аср ўрталарига келиб Карфаген кенг бир давлатнинг марказига айланган. Будадавлат шимолий Африка соҳилининг бир қисмини (Тунис қўлтиғининг қирғоғини), Сицилиянинг ғарбий қисмини, Мальта, Сардиния, Корсика* Питиус, Балеар ороллари ни ўз ичига олган. Мавжуд археология материали ва тошлардагисуратлар карфагенликлар Атлантиканинг шарқийсоҳилларини ҳам колониялаштиришга уринганликларидан шубҳасиз далолат беради. Карфаген жуда катта ва ўзига хос бир шаҳар бўлиб, ғоят қулай жойлашган. У Африканинг шимоли-ғарб соҳилидаги кичикрок ярим оролда (ҳозирги Тунисдан шимоли-ғарбда) қурилган. Унинг бундай жойда бўлиши карфагенликларга асосий денгиз йўлини назорат қилиб туриш имконини берган. Материкдауч қатор кучли мудофаа иншоотлари билан ҳамоя қилинган шаҳар истехкоми денгиздан хийла ичкари кириб кетган ярим оролда бўлган. Шаҳар аҳолиси яшайдиган сернуфус маҳаллалар, бозор, дўконлар, хунармандларнинг ишхоналари истехком деворлари орқасидан жой олган. Ташки (савдо) ва ички (харбий) иккита гавани бўлган порт Карфагеннинг фаҳри хисобланган.

Рим конфедерациясига хос хусусият Карфагеи давлатига ҳам хос бўлган: бу давлат таркибига кирган шаҳарлар, областлар ва қабилаларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий аҳволлари хилма-хил бўлган. Баъзи шаҳарлар ҳуқуқда Карфаген б"илан тенг бўлган. Бошқалари мустамлака ҳолатида бўлиб, улар атрофидаги маҳаллий аҳоли устидан Карфаген ҳокимиятини мустаҳкамлашга ва бўйсундирилган халқларнинг биргалашиб чиқишларини бостиришга мажбур бўлганлар. Энг муҳим савдо йўлларини Карфаген ўз қўлида маҳкам сақлаб туриши учун одатда; мустамлакалар стратегик ва географик жихатдан энг муҳим жойларга ўрнаштирилган. Карфаген қўл остидаги ерларда яшбвчи асосий аҳоли оммаси Карфагецга қарам бўлган. Бу аҳоли фақат Карфаген назорати остидагинаташқи савдо олиб,бориши мумкин эди. Бу аҳоли савдо божи ва ердан фойдаланганлиги учун солиқ тўлашга, шунингдек, пуни армиясида хизмат қилишга мажбур эди.

¹ *Кар-Хадашт* (финикийча) — «янги шаҳар» дегаиидир.

„ К.Маркс билаи Ф. Энгельс Карфагенни, шунингдек, Тир билан Александрияни қадимги я^ахон савдо маркйзи деб ҳисоблаганлар.¹ Қулдорликқуллар, товарлар ва хом ашё билан воситачилик саздоси олиб бориш Карфаген экономикасинингфаровонлигй учун катта аҳамиятга эга бўлган. Карфаген савдогарлари Миср билан Эгей денгизи хавзаси, шунингдек, Этрурия, Испания, Африка билан савдо-сотик олиб борганлар. Карфаген денгизчилари Гибралтар орқасига (Мелькарт Устунларига)ча ва ҳатто калайи олиб келиш учун узок Британия кирғоқларигача борганлар.

Карфагеннинг ўзи хунармандчилик маркази ҳам бўлган. Бу ерда савдо-сотикнинг гуллаб-яшнашига, қизиққан - бошка Мамлакат хунармандлари ва савдогарлари Карфагенга кўчиб келган. Шундай қилиб, Қарфагенда этник жихатдан хилма-хил, турли тилларда гапиришадиган аҳоли таркиб топган. Кўпдан-кўп кичик-кичик устахоналарда устахона эгалари билан бирга куллар ҳам ишлаган.

Карфаген экономикасида кишлоқ хўжалиги ғоят катта ўрин тутгаи. Доим шаҳарда яшаган Карфаген бойларининг Баград дарёси водийсидаги унумдор ерларда ўз амлоклари бўлган. Ғоят кенг майдонларда минглаб куллар узум етиштирган. Эркин Дехқондар сони айтарли кўп эмасди.

Давлатнинг тақдири кулдор оксуяқлар—йирик кулдорлар ва катта ер эгалари, савдо зодагонлари, катта-катта хўнармандчилик устахоналарининг хўжайинлари кўлида бўлган. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий устунлиги кулдор оксуяқлар республикасини ўрнатишга олиб келган. Аҳолининг демократик қисми заиф бўлганлигидаи давлатнинг сиёсий ҳаётида демократик ғоялар катта аҳамият касб эта олмаган.

Карфаген республикасида халқ мажлиси бўлса-да, у муҳим ўрин тутма(ган. Халқ ма^жлисининг аъзолари таклиф кирита олмаганлар, таклифларни муҳокама қилишга ва қарор қабул қйлишга- ҳақлари бўлмаган. Уларга фақат магистрлар сайлаш ҳуқуқи берилган, холос. «Уч юзлар кенгаши» олий давлат органи бўлиб, ундан жорий ишларни олиб борган «ўттизлар кенгаши» билан «юз тўртлар коллегияси» ажратилган, бу коллегия суд ва назорат органи бўлган бўлса керак. Ижррчи ҳокимият тепасида йккита бийи магистр—суфкетлар турган. Арастунинг гапига қараганда, улар чек ташлаб эмас, балки «зодагонлик даражаси ш бойлйтига қараб» сайланган. Суфкет лавозимидаги киши маош олМаган. У фақат бир йилга сайланган бўлиб, суфкетлардан биронтаси ўз диктатурасини ўрнатишга имкон тополмаган.

Армия ва кучлй харбий флот олигархик республиканинг таян-Чъ эди. Кўшиннинг кўп қисмини ғоят яхши таълим кўрган ва яхтнй кўроллантирилган ёлланма отрядлар ташкил қилган.

¹ Каранг: К. М а р к с и Ф. Э н г е л ь с. Пёрвий международний обзор. Соч. т. 7, стр. 232.

Гирок уларда айтарли. бирлик ва иноклик бўлмаган. Бундан ташқари қарам шаҳарлар ва қабилалар маълум миқдор жанг» чилар бериши лозим бўлган.

Римга нисбатан хийла бой бўлган, Карфаген давлати эрамиздан аввалги III аср ўрталарида ички зиддиятлар туфайли заифлашиб қолган: куллар, оғир солиқлар ва мажбуриятлардан қийналган қарам қабилалар ва элатларнинг ғалаёнлари бўлиб турган, Олигархларнинг ўзлари ўртасида ҳам иноклик бўлмаган: савдогар зодагонлар, бой хўнармандлар, кемаларнинг хўжайинлари агрессив ташқи сиёсат юргизилишини, катта ер эгалари эса Сицилияда. Карфагеннинг мавқеини мустаҳкамлашни талаб қилганлар.

2. Биринчи Пуни уруши, Биринчи Пуни уруши Рим билан Карфагеннинг Сицилия учун курашидан бошланган. Сицилиянинг кўп қисми (ғарбий) Карфаген қўлида бўлиб, оролнинг кичик (шарқий) қисмини Сиракуза подшоси Агафокл эгаллаб турган. Тор қўлтиқ билангина Италиядан ажралиб турган бу орол римликлар назарида, тарихчи Флор айтганидек, «кўз куйдириб яқингина турган материкдан фақат тасодифан ажралиб қолган ўлжа» бўлган.

Кампаниядан чиққан ва ўзларини мамертинлар, яъни уруш худоси Марснинг фарзандлари деб атаган Кампания ёлланма аскарларининг Мессана шаҳарини босиб олишлари уруш бошланиб кетишига баҳона бўлган. Сиракуза подшоси Агафокл хизматида бўлган ўша мамертинлар Агафокл ўлгаида кейин Мессанани босиб олганлар. Сиракузанинг янги ҳукмдори Гиерон II Мессанани камал қилиб мамертинларга муваффақиятли равишда қарши чиққан. Мамертинларнинг бир қисми Карфагендан ёрдам олмоқчи бўлган. Бошқа қисми эса ёрдам сўраб Рим сенатига мурожаат қилган. Сенат иккиланиб қолган. Ниҳоят ташқи бозорни кенгайтиришдан манфаатдор бўлган гуруҳ (савдогарлар ва хўнармандлар)нинг тазйиқи билан Рим халқ мажлиси мамертинларга ёрдам бериш, яъни аслида Карфагенга қарши уруш бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган.

23 йилга (эрамиздан аввалги 264—241 йиллар) чўзилган биринчи Пуни уруши ана шу тариқа бошланган. Рим қўшинлари дастлаб катта муваффақият* қозонган. Сицилияга сузиб бориб улар тез вақт ичида Мессанани ишғол қилганлар, сўнгра Акрагантни қўлга киритганлар, кейин эса Гиерон II билан иттифок тўзганлар. Лекин қуруқликда душманни енгиб келган римликлар денгиз жангларида доим мағлуб бўлганлар, чунки уларнинг харбий флоти бўлмаган. Карфаген кемалари Италия қирғоқларига ҳужум қилган, Сицилия ороли билан Италиянинг жануби қуришаб олган. Рим сенати флот ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган. Римликлар 100 та пентер (яъни беш палубали кема) ва 20 та уч палубали кема ясаб, уларни яхши жиҳозлаганлар: кемаларнинг бошига «аббрдаж қўприқлари» қурилган, қўприқ бошларига илмоқлар биркитилган, ёнларига панжара

тутилган. Бу кўприклар душман кемаларининг палубаларшч ташланадиган бўлган, унда қиличбозлик қилинган. Рим легионерлари қиличбозликда азалдан донг чиқарган.

Эрамиздан аввалги 260 йилда Мила буруни ва шаҳри ёнида (Сицилиянинг шимолий қирғоғида) консул Гай Дуилий қўл остидаги жангда римликлар Карфаген флоти устидан биринчи марта ғоят муваффақиятли ғалаба қозонганлар. Кейинчалик Гай Дуилий шарафига ростраль устун¹ қурилиб, унга ўша жангининг тасвири ёзилган. Бу ҳайкал қўлга туширилган душман кемаларининг мисдан ясалган бурунлари билан безатилган. Сенат Дуилийга жуда ҳам катта ҳурмат кўрсатган. Шундан кейин уни доим иккита найчи, битта машғалачи кузатиб борадиган бўлган, улар граждандарга ғолибнинг келаятганлигидан дарак беришган.

Бу ғалабадан руҳланган римликлар урушни бевосита Карфаген территориясида олиб боришга қарор қилганлар. Эрамиздан аввалги¹ 256 йилда иккита консул қўмондонлиги остида римликларнинг 330 та кемаси Африқа соҳилларига йўл олган. Денгизда кетаётиб Рим флоти Эконом буруни ёнида Карфаген флотига дуч келиб, унга қаттиқ талафот етказган. Римликлар Карфагенга яқин жойда муваффақият билан қирғоққа чиқиб олиб, қуруқликда бўлган жанглarda душманни қатор мағлубиятга учратганлар. Муваффақиятга ишоқган. Рим сенати консуллардан бирига қўшиннинг бир қисми ва асирларни олиб Римга қайтишни буюрган. Африқада қолган консул Марк Атилий Регул бир қанча вақт давомида ғалаба қозониб турган. Лекин Рим қўшинининг узоқ муддатли урушга тайёргарлиги бўлмаган. Эрамиздан аввалги 255 йилда Карфагеннинг ёлланма армияси Регул қўшинларини тор-мор қилган. Консулнинг ўзи асир тушиб, асирликда ўлиб кетган. Қолган-қутган қўшинини олиб Римга қайтиб бораётган Рим флотининг деярли ҳаммаси довулда ҳалок бўлганлиги туфайли Римнинг мағлубияти янада чуқурлашган.

Бу воқеалардан кейин уруш чўзилиб кетган. Уруш ҳаракатлари яна Сицилия тупроғига кўчирилиб, жанглarda гоҳ у томон, гоҳ бу томон ғалаба қозониб турган. Сицилияда ёш истеъдодли лашкар боши Гамилъкар Барка майдонга келгандан кейин римликларнинг аҳволи янада оғирлашган. Барка Сицилиянинг шимолий қирғоқлари ва ичкарасидаги областларни ишғол қилишга муваффақ бўлган.

Римликлар яна денгиз флотини барпо қилишга мажбур бўлганлар. Чунки флотсиз урушни муваффақиятли тугатиш мумкин бўлмаган. Лекин бу вақт хазина бўшаб қолганлиги сабабли, бой граждандардан олинган трибут (қарз) ҳисобигагина флот қурилган. Римликларнинг янги флоти Эгата ороллари ёнидаги жангда Карфаген флотини жуда қаттиқ мағлубиятга учратган.

¹ *Ростраль устун* — кема бурни билан безатилган устун (латинча *гозл-гшп* — «кема бурни» дегани).

Иигирма уч йилга чўзилган уруш ҳар икки томонни дармондан кетказган. Шунинг учун ҳам Рим сенати Карфагеннинг сулҳ музокаралари бошлаш тўғрисидаги таклифини қабул қилган. Эрамиздан аввалги 241 йилда тузилган сулҳ шартномасига мувофиқ Карфаген 10 йил давомида Римга 3200 талант миқдоридан тўлаши, асирларни қайтариши, ўз кўшинига Апеннин ярим. оролидаги қабилалардан аскар ёлламаслиги ва энг муҳими, ўзининг Сицилиядаги мулкларини Рим ҳокимиятига топшириши лозим бўлган.

3. Биринчи Пуни урушидан **кейин Карфаген ва Рим**. Биринчи Пуни урушидан кейинги йиллар Карфаген учун айниқса оғир бўлди. Уруш чиқимлари ва тавон ту(файли Карфаген хазинаси бўшаб қолди. Кенгаш ва магистратлар ёлланма аскарларга маош тўлай олмай қолиб, натижада ёлланма кўшин ғоят катта кўзғолон кўтарган, ҳар хил солиқлар дастидан қийналган. Ливия қишлоқ аҳолиси ва Карфагендаги кўпдан-кўп қуллар ҳам бу кўзғолонга қўшилган. Кураш уч йилга чўзилган. Полибийнинг айтишича, бунда «Карфаген кўпгина жиддий фалокатларни бошидан кечирган» ва ниҳоят ўзларининг ерлари учунгина эмас, балки ватаннинг ҳаёт-мамоти учун жанг қилишга тўғри келган». Карфагенликлар учун ёлланма кўшин айниқса хавфли душман бўлган, негаки бу кўшин худди Карфагеннинг ўзида жиддий ҳарбий таълим кўрган.¹

Карфаген кенгаши армияга кўмондонлик қилишни кўзғолончи бостирган Гамилькар Баркага топширган. Унинг кўшини кўзғолончи отрядлардан кўра ҳарбий техника билан яхши қуролланган бўлган. Бир неча жангдан кейин Гамилькар кўзғолончиларнинг кучларини парчалаб • ташлаган, уларнинг бир қисмини кўшин ва жанг филлари билан қуршаб олган. Сўнгра кўзғолончилар кўшинини кириб ташлаган.

Полибий фикрича, «урушлар тарихидан бизга маълум бўлган барча урушлардан» энг шиддатли ва мутлақо ғайри қонуний бу уруш, яъни Карфагенга қарши ёлланма кўшинлар бошлаган уруш ана шундай тугаган,

Римликлар Карфагеннинг заифлигидан фойдаланиб, эрамиздан аввалги 238 йилда Сардиния билан Корсикани босиб олганлар. Бу эса Римга ва унинг қасдига карфагенликларнинг нафратини янада кучайтирган. Сицилия, Сардиния ва Корсика Римнинг Италиядан ташқаридаги дастлабки мулклари бўлиб, улар вилоятлар деб атала бошлаган.

Гамилькар Барка ёлланма кўшинлар кўзғолонини бостиргандан кейин Карфагеннинг донгдор лашкар бошиси бўлиб танилиб, Римга қарши урушга интилан олигархлар гуруҳига бошчилик қилган. Аммо Карфаген территорияси уруш қилиш учун лозим бўлган моддий куч билан ҳам, киши кучи билан ҳам таъминланмаган. Шундан кейин карфагенликлар ўз мулкларини Иберия¹

¹ *Иберия* — ҳозирги Испания.

хисобйга рширишга ва уни келгусида бўладиган уруш майдолЖ1 айлантиришга қарор қилганлар. Уларни қизиктиргани иар< қимматли металлларга бой Иберия конлари ва кўшинни тўлдири! туришга имкон берадиган ибер қабилаларининг жасур жангчн лари бўлган.

Эрамиздан аввалги 237 йилда Гамилькар Барка қўл остида ги Карфаген кўшинлари Иберияга йўл олган. У ерда улар к;п та муваффақиятларга эришганлар. Андалузиядаги бир қапча қабилаларни ўзларига бўйсундириб, тоғдаги конларни қўлғи киритганлар. Аммоэрамиздан аввалги229 йилда иберлар били бўлган муваффақиятсизбиржангда Гамилькар ҳалокбўлган. Ад мияга қўмондонлик лавозими унинг куёви Гасдрубал кўлига ўтган У Ибериянинг жануби-Шарқий қирғоғида қумуш конларига яқин жойда катта Янги Карфаген (ҳозирги Қартахен) шаҳрини кур. ган. Ғоят қулай гавани бўлган бу шаҳар Карфагеннинг Ибериядаги таянчи эди. Гасдрубалнинг муваффақиятларидан ташв*шга тушган римликлар карфагенликлар билан шартнома тузганлар. Бу шартномага мувофиқ карфагенликлар Ибер дарёсйдак "ш.н- молда ер банд қилишга ҳақлари' бўлмаган. Эрамиздан авбалги 221 йилда кельтлар Гасдрубални, ўлдиришган. Тамилькар Барканинг ўғли, римликларга душманлик руҳида тарбия ояган, йигирма беш ёшлик Ганнибал бош қўмондон қилиб сайланган, Ганнибал Карфагеннингэнгатокли лашкар бошисибўлмиш отаси ва қариндошларининг раҳбарлигида ғоят қаттиқ уруш мактабини ўтган.

. Биринчи Пуни уруши билан иккинчи Пуни уруши ўртасида (эрамиздан аввалги 241—218 йиллар) Рим жамиятида катта ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар юз берган. Карфагендан то,р-тиб олинган Сицилия ерларини ўз қўлларига киритиб олган йирик қулдорлар, уруш вақтида бойлик орттирган пудратчилар ва савдогарлар. давлатнинг таъсирли тоифаси бўлиб қолган. Шу билан бирга демократик интилишлар ҳам кучайган, чунки биринчи Пуни урушидан кейин дехқонлар сиёсий воқеаларга жуда қизикадиган бўлиб қолганлар. Афтидан эрамиздан аввалги 241 йилга келиб Центуриат комицияларида мазмунан демократик ислохот ўтказилган. Аҳолининг ҳар бир синфидан овоз берадиган центурийлар сони (70 тадан) тенглаштирилган. Цев-турийларнинг умумий сони 373 тага келтирилган. Шундай қилиб, озчилик (88 центурий) бўлиб қолган биринчи синф Сервий Туллий ислохотти тасдиқлаб берган имтиёзлардан маҳрум бўлган.

Бу вақтда аграр масала жуда кескин тус.олиб кетган. Деҳқонлар янги чек ерлар берилишини талаб қилиб чиққанлар, негаки биринчи Пуни урушининг тугаши билан дехқонларнинг аҳолида ўзгариш рўй бермаган. ЁШ трибун Гай Фламиний Непот «галл даласини», яъни.эрамиздан аввалги 285 йилдаёқ босиб олинган Пиценумнинг шимолий чегараси яқинидаги ерларни дехқонларга бўлиб бериш тўғрисида конун чиқартирган.

»рамиздан аввалги III асрнинг 20 йилларида у Цизальпин Галлиясини мунтазам равишда истило қила бошлаган. Галлларнинг сраларида По дарёси областида Рим колониялари барпо қилин-

Бошқа бир халқ трибуни Клавдий таклифи билан йирик сенаторларнинг манфаатларига зид қонун қабул қилинган. Бу қонунга мувофиқ сенаторларга савдо кемаларига эгалик қилиш ман этилган. Суворийлар манфаатига Мос келадиган бу қонуннинг жорий қилиниши уларнинг Рим демократияси билан яқинлашганлигидан далолат беради. Сенаторлар савдо ва пул операцияларидан четлаштириб қўйилган. Бу ишлар билан Карфагенга қарши уруш қилишдан жуда ҳам манфаатдор бўлган ана шу суворийларгина шуғулланганлар.

4. Иккинчи Пуни уруши. Иккинчи Пуни уруши (эрамиздан аввалги 218—201 йиллар) ўзининг қўлами, қулочи ва тарихий аҳамияти жиҳатидан қадим замоннинг энг катта урушларидан бири бўлган. Бу урушнинг бошланишига Иберияда Ибер дарёсидан жануброқда денгиз қирғоғида жойлашган Сагунт-шаҳри билан боғлиқ бўлган воқеалар баҳона бўлган. Сагунт Рим билан иттифоқчилик шартномаси тузган. Эрамиздан аввалги 219 йилда Карфаген армиясининг янги бош қўмондони Ганнибал Сагунтни қамал қилган, сўнг уни эгаллаган ва аҳолисини қул қилиб сотиб юборган. Сагунтнинг тор-мор келтирилиши Римнинг жиғига тегиш учун очикдан-очик қилинган иш эди. Рим сенати Карфагенга элчилар юбориб, Рим халқининг иттифоқчиларига нисбатан қилинган жабр-уулм учун Ганнибални Рим қўлига топширишни талаб қилган. Бу талаб, рад қилинган тақдирда Рим Карфагенга қарши уруш бошлашини билдирган.

Рим сенати узокқа чўзилмайдиган урушга тайёргарлик кўрган. Консуллардан бири Сицилия қирғоқларидан чиқиб, қўшинни Африка қирғоқларига тушириши лозим бўлган. Иккинчи бир консул — Публий Корнелий Сципион Ганнибал билан жанг қилиш учун Иберияга йўл олган. Аммо Ганнибал римликларни ўз планларидан қайтишга мажбур этган. У ўз душманларини ғофил қолдириб, ҳозиргача қўшин ўта олмайдиган тўсик деб ҳисобланган Альп тоғлари орқали шимолдан Италияга тўсатдан бостириб киришни мўлжаллаган.

Ганнибал эрамиздан аввалги 218 йилнинг зрта баҳорида ўзининг армияси ва жуда кўп филлари билан Янги Карфагендан Италияга йўл олган. У Карфаген армияси кўкқисдан Апеннин ярим оролида пайдо бўлиши билан Рим конфедерацияси қулаб кетади деб ўйлаган. Шимолий Италиядаги галлар унга ёрдам кўрсатишга ваъда берганлар.

Ганнибал зўр кийиичиликлар билан Пиренейдан ўтиб, галларнинг баъзи қабилалари билан жанг қила-қила, Урта денгиз қирғоқлари бўйлаб йўл олган.

Ганнибал Родаи (ҳозирги Рона) дарёсига яқинлашганида Рим лашқар бошиси Сципион Римнинг иттифоқдоши Массилия

^хозирги Марсель)га. етиб келган. Карфагенликлар бу ерда жаИ
фзлмасликка ахд қилганлар. Улар кирғоқ бўйлаб юқорига Йў
олиб, асосийкучларинидарёнинг чап кирғоғига чиқариб, ўзлари
га халакит бермоқчи бўлган галлари тор-мор келтиргаилар,
Рим консули душман кетидан қувиб боришни эп қўрмаган. У
эскадрасининг бир қисмини Ганнибалнинг укаси Гасдрубал хий-
ла катта қўшинга қўмондонлик қилиб турган Иберияга юбориб,
ўзи эса Италияга йўл олган.

Ганнибал Родан дарёсини кечиб ўтгандан кейин, шарқ
томон бурилиб ўзининг Альп орқали машхур 33 кунлик ошиб
ўтишини бошлаган. Полибийнинг ёзишича, карфагенликлар ар-
мияси айни' вақтда ҳам душманга қарши ва ҳам жойнинг но-
қулайлигига қарши курашишга мажбур бўлган. Қўшин тоғлик-
ларнинг тўсатдан қилинган хужумига дуч келиш хавфи остида
тикка ва тор сўқмоқ йўллардан ўрмалаб борган. Тоққа қор
тушган, музлагансирғанчикйўлларданбораётган жангчилар, от-
лар ва филлардан бир қанчаси жарга қулаб халок бўлган.
Ниҳоятда чарчаб холдан /гойган қўшин Альпни ошиб, текис-
ликка чиқиб олганида Ганнибалнинг атиги 20 минг пиёда, 6
минг отлик аскар ва бир оз филлари қолган. Лекин кельт
қабилалари Ганнибалга қўшилиб, унинг армиясига хийла ма-
дад бўлган. Карфагенликлар Италиядаги биринчи жанглардаёк
Рим консулларининг армиялари устидан ғалаба қозонганлар.
Энг катта жанг шимолий Италияда, Падус дарёсининг ирмоғи
Требия ёнида бўлиб, Сципион билан Семпроний мағлубиятга
учраган.

Требия ёнидаги мағлубият тўғрисидаги хабар Римда ари-
стократлар гурухи билан демократлар гурухи ўртасидаги кураш-
нинг ўткирлашишига саббб'бўлган. Эрамиздан аввалги 217 йил-
да плебсинг қаттиқ талаби билан халқнинг сеvimли фарзанди,
қатъий ҳаракат тарафдори Гай Фламиний консул қилиб сай-
ланган. Рим қўшинлари Этруриядаги Арриций шаҳри ёнида
жойлашиб, шимолдан жанубга юриб келаётган Ганнибалнинг
йўлини тўсган. Лекин Ганнибал ўз қўшинлари билан римлик-
ларнинг ўтиб бўлмас позицияларини айланиб ўтган. Унинг қў-
шини Арнус дарёси тошиши билан пайдо бўлган ботқокликни
тўрт кун давомида кечиб ўтган. Аскарлар белгача сувга ботиб,
йўл босганлар, халок бўлган ҳайвонларнинг устларига чиқиб
дам олганлар. Бунда Ганнибал кўзидан ажраган. У миниб
юрган ягона фил ҳам халок бўлган. Аммо бу қийинчилик-
лар зое кетмаган. Ганнибал унга етиб олишга шошилаётган
Фламиний армиясининг орқа томонида қиқиб олган ва ун-
га пистирма қўйган. Карфагенликлар Тразимен кўли бўйида
Фламиний қўшинига уч томондан хужум қилиб, уни қириб
ташлаганлар. Консул жанг бошлангандаёк халок бўлган, Ган-
нибал асир тушган италияликларни қўйиб юборган, чунки унинг
гапига кўра у фақат Римга қарши уруш қилиш учун бу ер-га
келган.


Рим аҳолиси Ганнибалнинг шаҳарга бостириб кириши мумкинлигидан ваҳимага тушган. Сенат бундан фойдаланиб диктатор сайлаш тўғрисида қарор чиқарган, консерватив доирага мансуб, тажрибали саркарда сенатор Квинт Фабий Максим диктатор қилиб сайланган. Уруш олиб боришда жуда эҳтиётлик билан ва секин-аста иш кўриш тактикасини қўллангани учун унга Кунктатор (яъни Сусткаш) деб лақаб беришган. Фабий Максим римликларнинг устунлиги битмас-туганмас моддий бойлик запаси ва киши кучининг кўплигида деб билган. Шунинг учун ҳам, катта жангларда ютқазиммумкинлигини назарда тутиб, Фабий Максим катъий жанглардан бўйин товлаган, аммо кичик-кичик отрядларнинг қўққисдан ҳужумлари билан карфагенликларни доим безовта қилиб турган. У Ганнибални холдап кетказишга, армиясини озик-овқат запасларидан маҳрум қилишга уринган. Диктаторнинг фармойишига кўра қишлоқ аҳолиси ўзларининг озик-овқат запасларини йўқ қилиб, шаҳарларга қўчиб келишлари лозим бўлган. Фабий Максимнинг тактикаси муваффақиятли бўлса-да, оқибати қишлоқ плебси учун жуда оғир бўлиб чиққан. Улар ўзларининг хонавайронлигига ҳеч ҳам рози бўлмаган. Шунинг учун ҳам эрамиздан аввалги 216 йилги навбатдаги сайловларда яна консуллар сайлангап. Улардан бири, сенат вакили бўлмиш аристократ Эмилиий Павел собик диктатор Фабий Максимкинг тактикасини тўғри деб топган. Плебс сайлаб қўйган бошқа консул Теренций Варрон эса катъий ҳаракат тарафдори бўлган.

Эрамиздан аввалги 216 йили Ганнибал Римни четлаб ўтиб — Апулияга кириб борган. Бу билан у Карфаген билан алоқа боғлашни ва Италия жанубидаги аҳолидан ёрдам олишни кўзда тутган. Италия жанубида, Апулиядаги Канна яқинида, Ауфид дарёси этагида, эрамиздан аввалги 216 йилнинг ёзида қаттиқ жанг бўлган, бу қадимги замон урушлари тарихидаги энг шиддатли жангларнинг биридир. Рим кўшинида 80 минг пиёда, 6 минг отлик аскар бўлган. Карфагенликларнинг эса галларнинг отрядларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 40 мингдан сал ортик пиёда, аммо римликларникидан хийла ошиқ— 14 минг отлик аскар бўлган. Ганнибал ўз кўшинини жуда усталик билан қавариб турган аомонини душманга қаратиб, ярим ой шаклида жойлаштирган. Бу шаклнинг марказига ишончини унчалик таъмин этолмайдиган қисмларни, яъни иберлар билан галларнинг отрядларини қўйган. Аммо икки ен томонга карфагенликлардан танланган пиёда ва отлик аскарларни жойлаштирган. Жангнинг энгил қуролланган ёрдамчи қўшинлар бошлаб берган. Кейин отликлар жангга кйрган. Рим пиёдаларининг зич ва ихчам қаторлари карфагенликлар қаторининг қоқ ўртасига ҳужум қилган. Ганнибал кўшинининг олдинда қавариб турган қисми орқага сурилиб, фронт линияси ярим ой шаклини олиб, римликлар бу шакл ўртасида ўралиб қолган. Айни вақтда римликларнинг ён томонларига ливияликларнинг пиёда аскарлари, карфагенликларнинг

отлик аскарлари ташланган ва римликларнинг отликларини тум тарақай қилиб қочирган. Карфаген отликлари римликларлпш орқатомонига ўтиб олган. Римликлар ҳамма томондан карфаппликларнинг қуршовида қолган. Римликларнинг 58 минг аскар кириб ташланган, 18 -минг киши асир тушган. Консул Эмили Павел ўлдирилган. Теренций Варрон қолган-қутган қўшин билан Римга қайтиб кирганида сенат тантанали суратда унга пешво чикиб, омон қолган аскарларни тўплаб олиб қайтгани ва ватани қутказишдан умид узмагани учун миннатдорчилик билдирган.

Римликларнинг Канна ёнидаги мағлубияти самнийлар, луканлар ва бруттийларнинг Римдан ажралиб кетишига сабаб бўлган. Шимолда галларнинг қўзғолонлари кенгайиб кетган. Бой Капуя ва Сиракуза Ганнибал томонига ўтган. Бундан ташқари Македония подшоши Филипп V Ганнибал билан иттифок тузган. Ганнибалга карфагешшлар ҳам ёрдам берган: 25 минг кишилиқ қўшин Сицилия оролига келиб тушган.

Шунга қарамай Ганнибалнинг ахvoli ғоят оғир бўлган. Кенг территорияда узокқа чўзилган уруш олиб бориш, коммуникациянинг ҳам чўзилиб кетганлиги қўшинни дарҳол тўлдиришни, зарур одам резервлари ва моддий манбаларни талаб қилгэн.



Канна ёнидаги жанг.

Римликлар Канна ёнидаги жангда кўрган ғоят зўр тала» фотдан кейин 17 ёшдан тортиб барча эркакларни ёппасига сафарбар қилганлар. Рим сенати калтис чора кўришга — қулларни қулдорлардан сотиб олиб, армия сафига чақиритишга мажбур бўлган. Уларга битта душманни ҳам ўлдирган киши озод бўлади деб ваъда қилинган. Римликлар Фабий Максим тактикасига

амал қилиб катта жангларга чап берган, кичик-кичик тўқнашишлар билан душманнинг сйлласини қуритганлар.

Уруш давомида Рим фойдасига бурилиш юз берган. Рим легионлари Сиракузани қамал қилгаи. Сицилиядаги энг катта шаҳарнинг мудофаасига доно математик инженер Архимед раҳбарлик қилган. У ясаган машиналардаи қамал қилаётган душманга жуда катта снарядлар отилган, ўқлар ёдирилган, машиналар воситаси билан кемалар бурнидан илинтирилган, улар қўндаланг айлантрилиб, ағдариб ташланган. Қамалдан тинкаси қуриган Сиракузани римликлар эрамиздан аввалги 211 йили ишғол қилганлар ва шаҳарни талаганлар.. Архимед эса ўлдирилган.

Рим сенати эрамиздаи аввалги 215 йилда Пергам подшоси Аттал I билан, Этолий иттифоқи ва бошқа грек давлатлари билан шартнома тузиб, Ганнибалнинг иттифокчиси бўлмиш Македония подшоси Филипп V га қарши уруш олиб борган. Биринчи Македония уруши эрамиздан аввалги 205 йилда Македониянинг тўла мағлубияти билан тугаган. Уша пайтда сенат қобилиятли ёш лашкар боши Публий Қорнелий Сципионни Иберияга юборган,, У Карфагеннинг Испаниядаги таянч пункти бўлган Янги Карфагенни босиб олган. Бу муваффақиятлардан кейин римликлар Италиянинг ўзида ҳам хийла жонлироқ ҳаракат қилишга журъат этганлар. Улар дастлаб Капуяни қамал қилганлар. Ганнибал римликларнинг кучларини Капуядан қалғитиш учун бутун уруш давомида биринчи марта Римга отланган, аммо яхши химоя қилинган шаҳарга ҳужум қилишга ботинмай, чекинган, Ганнибал Капуяга таъсирли ёрдам кўрсата олмаган.

Эрамиздан аввалги 211 йилда капуяликлар қолиблар ҳукмига бош эгиб таслим бўлганлар. Улардан қаттиқ ўч олинган, Шаҳардаги амал эгалари кириб ташланган, жуда кўп аҳоли қул қилиб сотилган, ерлари мусодара қилинган. Шаҳар ўзининг мухтор ҳуқуқларидан маҳрум қилинган.

Сўнгра Италиядаги Ганнибал иттифокчиларининг ундан ажралиш жараёни бошланган. Кампания шаҳарлари, Тарент римликлар қўлига ўтган. Ганкибал Италиянинг жанубида қамалиб қолган. У фақат сўнги ишончи, Ибериядан қўшин тортиб келиши лозим бўлган укаси Гасдрубалнинг мададига қараб қолган. Гасдрубал муваффақият билан Альпни ошиб ўтган бўлса-да, /Шимолий Италияда, эрамиздан аввалга 207 йили Метавра дарёси бўйидаги жангда унинг қўшинини римликлар тор-мор келтирганлар. Гасдрубалнинг ўзи ўлдирилган. ,

Эрамиздан аввалги 204 йили римликлар уруш ҳаракатларини Карфагеннинг Африкадаги территориясига кўчирганлар. Сципион қўмондонлиги остидаги Рим армияси Утика ёнида кемалардан тушиб Баград дарёси водийсидаги ҳосилдор ерларни фора қила бошлаган. Карфагеннинг қўшниси бўлмиш Нумидия подшоси Масинисса жуда яхши тайёргарлик кўрган Нумидия отлик аскарларини Сципкон ихтиёрига берган. Италия ерида

ўн беш йил даво-мида уруш олиб борган (ва бунда бирон мар! мағлубиятга учрамаган) Ганнибал Карфаген кенгашининг қаро рига мувофиқ Карфагенга қайтиб келган.

Эрамиздан аввалги 202 йилда Африкада Зам кишлоғи ён-да (Карфагендан жанубда) сўнги катъий жанг бўлган. Бутуи уруш йиллари давомида мағлубиятни билмаган Ганнибал бу жангда тор-мор келтирилган. Карфаген кенгаши римликлар лагерига келиб, Сципиондан сулҳ тўғрисида муаокара бошлаш-ни ялиниб илтимос қилган. Эрамиздан аввалги 201 йилда Карфаген учун жуда оғир шартлар билан сулҳ битимига қўл қўйш-ган. Шаҳар Африканинг ташқарисидаги мулкларидан маҳрум қилинган. Рим сенатининг ижозатидан ташқари ўз қўшниларига қарши уруш қилиши ман этилган. Карфаген 50 йил мобайнида Римга 10 минг талант миқдоридан товон тўлаши, 10 та сокчи ке-мадан ташқари бутун флотини, барча филларини Римга бериши., асирларни ва олган ўлжаларни қайтариши, ўз армиясини тар-қатиб юбориши, Африкадаги Рим армиясини боқиши, Карфа-геннинг энг мўтабар оилаларидан 100 кишини гаров қилиб бериши лозим бўлган.

Ганнибал эрамиздан аввалги 195 йилда Карфагендан Сурия-га қочиб кетган.

В. И. Ленин дастлабки икки Пуни урушининг мохиятини бел-гилаб, бундай деган эди: «Империалистик урушлар қулдорлик • замонида ҳам (Римнинг Карфагенга қарши олиб борган уруши хар *икки* томон учун империалистик уруш эди), ўрта асрлар-да ҳам, савдо капитализми даврида ҳам бўлган эди. Уруша-ётган хар икки томон ўлжани бўлишиб олиш, «кимнинг к'чпрок-зулм этиши ва талаши» кераклиги устида бир-бирлари билан уришиб., бошқа мамлакатларга ёки халқларга зулм қилиш учун олиб бориладиган хар қандай урушни империалистик уруш деб атамаслик мумкин эмас».¹

Римнинг ғолиб келиш сабаблари қўшинларининг_ сон жи-хатидан устунлиги, жанг қобилияти ва тайёргарликнинг юксак-лиги, моддий ресурсларнинг ҳам устун-бўлганлиги билан боғ-лиқдир. Рим қўшинининг асосий қисмини ташкил қилган кўч сонли Италия кишлок аҳолиси ўз ери учун жанг қилган.

Карфагенлик Ганнибалнинг ажойиб ғалабалари эса униш-саркардалиқ қобилияти, Италияга қўкқисдан бостириб кириши ва Рим конфедерациясининг вақтинча заифлашиб қолганлиги билан боғлиқдир. Лекин Ганнибалнинг ўз муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун зарур воситалари бўлмаган. Этник жиҳат-дан хйлма-хил бўлган ёлланма отрядларнинг жанг қобилияти ҳам пастроқ бўлган. Карфаген кенгаши Баркийлар хонадони-нинг кучайиб кетишидан чўчиб, қўшинни тўлдиришга ва моддий маблағларга ғоят мухтож бўлган лашкар бошига ёрдам кўрсат; маган. Ганнибалнинг Рим-Италия конфедерацияси тез вақт

¹ В. И. Л е н и н. Асарлар, 26- том. 155- бет.

- Ккскартишлар:
 Аа Аварик
 А С -Секстий акваси
 А Афина
 Бр Брундизий
- Г Генуя
 ГР Гиппон Регий
 М Мессана
 Мс Массилия
 Т Тарент

- 201 Римликлар территорияларни забт этган йил.
 АЗИЯ Осиё Рим вилоятларининг номи
 Х45 Пуни урушларидан кейинги жанг бўлган жойлар ва йиллар
 218 й.гача Карфаген мулклари чегараси
 Тигрон II даврида Арманистон чегаралари (тахм. 70 й.)
 ПОНТ Собиқ эллин давлатлари
 --- Энг муҳим савдо йўллари



Эрамиздан аввалги III—I асрларда Рим республикасининг кенгайиши.

ичида кулаб, тарқалиб кетади деган умиди ҳам чиппакка чик каи.

Пуни.урушидан кейин Урта денгиз давлатлари ҳаётида Карфагеннинг ҳеч қандай ахамияти қолмаган. Рим эса Ғарбий Урта денгизда энг қудратли қулдорлик давлатига айланган.'

Қўп йилларга чўзилган урушлар Рим жамиятининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган. Урушларнинг бевосита Италия тупроғида олиб борилиши, нарх-навонинг ошиб кетиши, оғир солиқлар туфайли маҳаллий аҳоли хоназайроп бўлган, Италиянинг қўп районлари хувиллаб қолган. Ганнибалга ёрдам кўрсатган баъзи шаҳарлар қисман ерларидан, мухтор ҳукукларидан маҳрум қилиниб, Римга қарам бўлиб қолган: Уруш йилларида Рим давлатидаги демократик асослар бўшашган. Бунга сабаб плебейлар уруғи томонидан қўйилган кишилар қўл остидаги Рим қўшинларининг Тразимен қўли ва Канна ёнидаги жангларда мағлуб бўлиши, уруш даврида зарур бўлган фавқулодда магистратура ўрнатилиши, мансаб эгаларининг ҳокимияти кучайганлигидир.

VII БОВ

ШАРҚИЙ ЎРТА ДЕНГИЗДА РИМЛИКЛАР ЭКСПАНСИЯСИ. РИМ РЕСПУБЛИКАСИНING ЖУДА КУЧЛИ УРТА ДЕНГИЗ ДАВЛАТИГА АЙЛАНГАНЛИГИ. / УЧИНЧИ ПУНИ УРУШИ

1. Эрамыздан аввалги III асрда Эллин давлати. Иккинчи Пуни урушида римликлар Карфаген устидан ғалаба қилганларидан кейин улар мунтазам равишда Эллин Шаркидаги давлатларга суқилиб кираверганлар. 50 йил давомида Рим олиб борган босқинчилик урушлари натижасида Рим ҳокимияти остида Урта денгизда қудратли қулдорлик давлати ташкил топган.

Римнинг Шарққа ҳужуми Рим савдо ва судхўрлик капиталининг қўп йиллар давомида Эллинистик давлатларга кириб бориб мустаҳкамланиш даври билан тайёрлангандир. Римликлар Шарқ давлатлари билан азалдан мустаҳкам иқтисодий алоқа боғлаб, маҳаллий зодагонлардан Римга мойил гуруҳлар вужудга келтирганлар. Рим дипломатлари айрим давлатлар ўртасида жуда усталик билан низолар туғдириб, эллинистик давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатларига таъсир кўрсатганлар.

Римдаги йирик қулдорлар ва катта ер эгалари, хонавайрон бўлган патриций уруғларининг аъзолари, савдогар ва пулдор доиралар Римнинг шарққа бостириб боришидан манфаатдор бўлганлар. Римнинг пуниларга қарши олиб борган қурашидан азобда қолган халқ оммаси яна уруш бўлишини, табиий, хоҳламаган.

Эллинистик давлатларнинг гички ваташқи аҳоли Рим босқинчилик сиёсатининг муваффақиятига" ёрдам берган. Эрамиздан аввалги III асрда Болкон ярим оролидаги давлатларнинг қишлоқ хўжалигида таназзул бошланган. Экилмай қолган ерлар пайдо бўлган, хунармандчилик ишлаб чиқариши пасайган, ички бозор касодга юз тутган. Қулдорликнинг ўсиши денгиз қароқчилигининг кучайишига олиб келган, ўзига қарам кишиларни чет мамлакатларга олиб бориб қул қилиб сотиш ҳоллари кўпайган.

Эллинистик давлатлардаги умумий таназзул билан бирга синфий ва социал кураш кескинлашган. Бир қанча мамлакатларда шаҳар ва қишлоқлардаги қулларнинг кўзғолонлари бўлган, эркин аҳолининг оммавий ҳаракатлари бошланган. Мисрда подшоерида ишловчи дехқонлар, хунармандлар ва аскарларнинг ғалаёнлари рўй берган. Греция полисларидаги аҳолининг энг камбағал қисми ерларни қайтадан тақсим қилишни, қарзларнинг бекор қилинишини, бой граждандарнинг мол-мулкин мусодара қилишни талаб қилиб чиққан.

Урта денгиз шарқидаги йирик монархия ва федерацияларнинг бир-бирлари билан доим рақобатда бўлиши, айрим полислар ўртасидаги адоват туфайли Болқон ярим ороли ва Олд Осиёда сиёсий вазият жуда таранг бўлиб қолган. Мазкур монархия ва федерацияларянги ерлар босиб олиш ва ўлжа топиш мақсадида муттасил уруш қилган дейиш мумкин. Эллинистик давлатлардан энг кучлилари бўлмиш Македония билап Сурия эллинистик дунёда биринчиликни эгаллаш ва Мисрнинг денгиз орқасидаги мулкларини бўлиб олиш учун уруш олиб борган.

2. **Иккинчи Македония уруши.** Эрамиздан аввалги 200 йилда римликлар иккинчи Македония урушини бошлаганлар (эрамиздан" аввалги 200—197-йиллар). Комициялар фақат сенатнинг тазйиқи остидатина бу урушни олиб боришга розилик берган. Римликлар македонларга қарши Пергам, Родос, Афипа, дарданлар, Этолия ва Ахея иттифоқидан иборат кучли коалиция тузганлар. Сурия подшоси Антиох III эса бетараф бўлиб қолган.

, Македониянинг Сурия билан иттифоқ бўлиб Мисрнинг денгиз орқасидаги мулкларини бўлиб олиш ниятидан хавфсираган Миср, Пергам ва Родос ёрдам сўраб Римга мурожаат қилган. Ана шу нарса Римнинг Македонияга қарши иккинчи уруш бошлашига баҳона бўлган. Римликлар Консул Тит Квинкий Фламинин қўмондонлиги остида Греция шимолига легионлар юборган.

Эрамиздан аввалги 197 йилда Фессалияда Киюскефали қишлоғи ёнида хал қилувчи жанг бўлган. Бунда Македония кўшини тамомила мағлубиятга учраган. Эрамиздаи аввалги 197 йилда тузилган сулҳ шартномасига қўра Македония авваллари Кичик Осиё, Эгей денгизи ва Грецияда босиб олган ерларидан махрум қилинган, олтита кемадан ташқари бутун флотини Римга берган, 1 минг талант товон тўлаш, армиясини 5 минг кишига келтириб қисқартириш, Рим сенатининг ижозатисиз уруш

қилмаслик мажбуриятини ўз устига олган, грек шаҳарларинимг эркинлигини тан олган.

Грек шаҳарларининг тақдирини сенат комиссияси қўлида бўлган. Бу комиссияга Киноскефали ёнидаги жанг ғолиби, филэллинга мойиллиги билан машҳур Тит Квинкий Фламинин бошчилик қилган. Эрамиздан аввалги 196 йили жуда кўп халойик тўпланган истмий ўйинлари вақтида жарчи грек шаҳарларининг гарнизонлардан, солиқлардан холи ва улар ўзларининг эркин давлатларини лузишлари мумкин эканлигини тантанали суратда эълон қилган. Бу эълония халойик гулдурос қарсақлар билан кутиб олган. Аммо грекларнинг хурсандчилиги узок давом этмаган. Римликлар мамлакатнинг ички ишларига аралаша бошлаганлар. Улар ўзбошимчилик билан Греция картасини ўчгартирганлар. Баъзи грек шаҳарларини улар ўз тарафдорлари бўлмиш Этолия ва Ахея иттифоқларига қўшиб берганлар. Ахейлар қўлига берилган Коринф қалъасига ҳатто Рим, гарнизони жойлаштирилган. Стратегия жиҳатидан муҳим бўлган Эвбея оролидаги Халкидика шаҳри билан Фесеалиядаги Димитриада шаҳрини римликлар ўз қўлларида қолдирганлар. Улар мамлакатнинг сиёсий ҳаётини назорат қилиб турганлар, шаҳарнинг Римга мойил маҳаллий аристократияси римликларнинг бу ишига ёрдам берган, негаки, улар мамлакатда ижтимоий ҳаракатлар юз берган тақдирда Римнинг амалий ёрдам кўрсатишидан умидвор бўлганлар. Римликлар Македония ва Грециядан жуда кўп бойликларни, санъат асарларини олиб кетганлар.

3. Сурия уруши (эрамиздан аввалги 192—188 йиллар). Иккинчи Македония урушида Македония енгилгандан кейин Сурия Урта денгиз шарқида энг таъсирли давлат бўлиб қолган. Карфагендан қочиб кетган Ганнибал Сурия подшоси Антиох III саройида ўзига бошпана топган. Иккинчи Пуни уруши тажрибасини назарда тутиб Ганнибал Сурия подшосига Римга қарши иттифоқ тузиб, урушни Италия тупроғида олиб боришни таклиф қилган. Лекин Антиох грек шаҳарларининг ёрдамига ишониб, урушни Греция тупроғида бошлаган. Бироқ унинг ишончи пучга чиққан. Фақат Этолия ва Беотия иттифоқларигина Антиох III га бир қадар ёрдам кўрсатганлар. Болқон ярим оролидаги бошқа шаҳарлар эса Сурия подшосига ёрдам кўрсатмаган.

Римликлар Антиох қўшинини Греция тупроғидан ҳайдаб чиқарганлар. Эрамиздан аввалги 190 йилда (Магнезия ёнида) Кичик Осиёда ҳал қилувчи жанг бўлган. Бу жанг сон жиҳатидан ўзидан кўра кўп кучга эга бўлган душман устидан римликларнинг ажойиб ғалабаси билан тугаган. Эрамиздан аввалги 188 йилда сулҳ биғими тузилган. Бу битимга мувофиқ Антиох III Европадаги ва Осиёда Тавр тоғларининг шимолдаги мулкларидан воз кечган, жами жанг филларини ва флотини Римга бериши, товон тўлаши лозим бўлган. Римликлар Ганнибални тутиб беришни талаб қилишган, бундан хабардор бўлган Гак-

нибал Суриядан қочиб кетган. Рим эллин давлатлари ўртасида адоватни қучайтириш мақсадида Кичик Осиёда босиб олган ерларни Пергам билан Родосга инъом қилган.

Римликлар Антиох III ни тор-мор қилиш билан энг йирик эллинистик давлат мағлуб бўлган. Салавкийлар давлати ўз мустақиллигини гарчи саклаб қолган бўлса-да, унинг ҳарбий қудрати тамомила путурдан кетган.

Римнинг энг ашаддий душманлари бўлмиш Антиох III билан Ганнибал тез орада ҳалок бўлган. Антиох III ўлжа олиш мақсадида Шарққа қилган юришида (эрамиздан аввалги 187 йили) ҳалок бўлган, у ўша ўлжа билан Римга товон тўламоқчи бўлган. Ганнибал Суриядан Вифинияга қочган. Вифиния подшоси уни римликлар қўлига тутиб беришга рози эканлигини эшитиб, Ганнибал захар ичиб ўлган (эрамиздан аввалги 183 йил).

4. Учинчи Македония уруши (эрамиздан аввалги 171—168 йиллар). Болкон ярим оролида аҳвол жуда тараққлашган. Урушлар натижасида эркин жамоатчилар сони камайган, шаҳарлар хувиллаб қолган, шу билан бирга македон зодагонларининг бир қисми (асосан аристократ ер эгалари) Рим билан иттифоқ тузишга мойиллик кўрсатган. Аҳолининг кенг демократик табақалари Рим таъсирининг қучайишидан, шунингдек маҳаллий зодагонларнинг Римга мойиллик сиёсатидан норози бўлганлар. Македониянинг ёш подшоси Персей (Филипп ўғли) бундан фойдаланган. Персей Римга қарши иттифоқ тузишга, Сурия ва Вифиния билан сулола алоқаларини мустаҳкамлашга қарор қилган. Кенг халқ оммасишг ўзига ёрдамни таъмин этиш учун бир қанча демагогик тadbирлар кўрган: қарзларни кечишни, бирон жиноят билан қамалган кишиларга умумий авф эълон этишни ваъда қилган. Лекин Персей Римга қарши иттифоқ туза олмаган ва натижада Македония деярли бутунлай, яқка қолган. Эрамиздан аввалги 171 йилда учинчи Македония уруши бошланганида фақат одрислар подшоси Котисгина македои подшосининг ишончли иттифоқчиси бўлиб қолган.

Эрамиздан аввалги 168 йилда Пидна ёнида ғайратли лашкар боши Лусий Эмилиий Павел қўмондонлиги остида Рим қўшинлари македонияликларни тор-мор келтирган. Персей қочиб кетган, аммо кейин аслим бўлиб, асирликда ўлиб кетган.

Македония билан урушда римликлар эришган муваффақиятнинг сабаблари Рим давлатининг иқтисодий жихатдан ва ҳарбий қудрати Македониядан устунлигидагина эмасдир. Маҳаллий зодагонларнинг римликларга кўрсатган ёрдамлари катта аҳамиятга эга бўлган.

Македония тор-мор қилингандан кейин бир-бирдан тамомнла ажратилган тўртта «мустақил» қисмга бўлиб юборилган ва ударнинг ҳар қайсиси республика деб эълон қилинган. Бу қисмлардаги аҳолининг бир-бири билан алоқаси—қиз бериб, қиз олиш, савдо-сотик қилиш, ер-мулк сотиш,—ман қилинган. Бу қисмларнинг аҳолиси Римга товон тўлаши лозим бўлган. Македон

подшоларига қарашли ерлар Рим цензорлари ихтиёрига берилган. Римликлар мамлакатнинг жуда кўп бойликларини Римга олиб кетганлар.

Бунгача яхлит ва ягона бўлиб келган давлатнинг иқтисодий, сиёсий, этник ва маданий алоқаларини зўрлик билан узиб қўйиш, Македониянинг ички ишларига Римнинг аралashi натижасида мамлакат ғоратликка учраган, хунар ва савдо таназзулга кетган.

Рим Македониянинг ҳамма тарафдорларидан қаттиқ ўч олган. Рим легионлари Эпирнинг 70 шаҳрини талаб, вайрон қилганлар, 150 минг аҳолини қул қилиб сотиб юборганлар. Римликлар жуда кўп грек шаҳарларининг чегараларини учинчи Македония уруши вақтида Римга садоқатли бўлганлар фойдасига ўзгартирганлар. Грециянинг ҳамма ерида ҳокимият тепасига Рим тарафдорлари чиқиб олган.

Македонияни тор-мор қилгандан кейин Рим шу қадар қудратли давлат бўлиб қолганки, урушэълон қилмасдан ҳам эллинистик давлатларга ўз талабларини буюраверган. Эрамиздан аввалги 168 йилда Сурия подшоси Антиох IV Мисрга ҳужум қилганида Рим сенати Сурия қўшинларини Мисрдан дарҳол олиб кетиш тўғрисидаги буйруқни топшириш учун Сурияга ўз элчисини юборган. Элчи Гай Попилий Ленат ўзига пешвоз чиққан Антиох IV нинг саломига ҳам алиқолмаган. У сенатнинг қарорини айтиб, ўзига Антиох IV атрофини ўраб қум устига доира чизган ва подшо сенатнинг қарорига жавоб бермагунча шу доирадан чиқмайди деган. Антиох IV ултиматумни қабул қилиб, қўшинларини қайтарган.

Кейинчалик римликлар Суриянинг ички ишларига аралашганлар, унда сунъий равишда сулолалар курашини кучайтирганлар. Салавкийларнинг ташки душманларига ёрдам кўрсатганлар.

Римликлар яна бир эллинистик давлат бўлмиш Пергам устидан назорат ўрнатганлар, улар бу давлатни Кичик Осиёда Рим таъсирининг таянч пункти деб билганлар.

5. Греция ва Македониянинг истило қилиниши. Македониянинг зўрлик билан бўлиб юборилиши, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эзилиши эрамиздан аввалги 149 йилда Римга қарши муайян социал тус олган озодлик ҳаракати бошланишига сабаб бўлган. Қўзғолонга ўзини Македония подшоси Персей ўғли Филиппман деб эълон қилган хунарманд Андриск бошчилик қилган. Сохта Филипп жуда хилма-хил табақалардан бўлса-да, анча куч тўплаган. Болкон ярим оролининг (римликларга ва маҳаллий зодагонларга қарши бош кўтарган) грек-македон аҳолиси ва Фракия қабилалари сохта Филиппни қўллаб-қувватлаганлар. У бутун Македонияни ўз қўли остига олган. Ҳаракат Грециянинг кўп шаҳарларига ёйилган, унинг таъсири Византияга ҳам бориб етган. Дастлаб қўзғолончилар римликлар устидан бир неча бор ғалаба қозонганлар, аммо кейинчалик

Македонияга юборилган янги армия сохта Филипп кўшинларига қашатқич зарба берган. Фракияликлар Андрискни Рим қўлига тутиб берганлар.

Римликлар Андриск устидан қилган ғалабаларини Македония устидан қилинган ғалаба деб билганлар ва Македонияни Рим вилояти деб эълон қилганлар. Эпир билан жанубиц 'Иллирияни Македонияга қўшиб ташкил этилган бу янги вилоятни римликлар бундан кейин Болконга ббстириб бориш учун харбий база қилиб олганлар.

Андриск кўзғолонининг мағлуб бўлишига сабаб Римда қулдорлик тузумининг мустахамлиги, унинг харбий қудрати, шунингдек, ҳаракат қатнашчиларининг социал ва этник жиҳатдан бир хил бўлмаганлигидир. Ҳаракатнинг стихиялилиги ва маҳаллий характерда бўлганлиги кўзғолончиларнинг еигилишини тезлаштирган.

Эрамиздан аввалги 146 йилда Ахея иттифоқи римликларга қарши кўзғалган. Кўзғолончилар қарзларни бекор қилишни, бойларга фавқулодда солиқлар солишни талаб қилганлар. Ул?ф армия сафига қулларни жалб қилганлар. Аммо Рим кўшинларк Римга қарши ҳаракат маркази—Қоринф шаҳрини ишғол қилган. Қоринф бутунлай вайрон қилинган.ва қуйдирилган. Унинг жуда кўп аҳолиси қул кидиб сотилган. Римликлар Грек шаҳарларининг иттифоқини тарқатиб юборганлар, олигархлар хоқимиятини тиклаганлар. Грек шаҳарлари Ахайя вилоятидаги Рим хоқимиятига бўйсундирилган. Спарта билан Афинаништина юзакки мустақилликлари сақланиб қолган.

6. Учинчи Пуни уруши. Испаниядаги уруш. Римнинг азалги душмани Қарфаген Урта денгиз бўйидаги мамлакатлар ичида бирдан-бир энг кучли мамлакат бўлган. Қарфагеи бу вақтга келиб ўзининг иктисодий аҳволини тузатиб, мустахамланиб олган. Қарфаген қулдорлари, савдогар ва судхўрлари ўзларининг бутун капиталларини кишлоқ хўжалигига сарф қилганлар. Бу ерда мой олиш ва вино пишириш кўпайтирилган. Хунармандчилик яхши ривож топган. Маҳаллий қабилалар билан савдо алоқалари тараккий қилган. Римнипг эиг агресив доиралари—ташки савдодан манфаатдор бўлгаи суворийлар ва нобиллар Қарфагеннинг кучайишини хавфсираб кузатиб турганлар. Улар Қарфаген билан уруш қилишга уринганлар, бу уруш натижасида шаҳар таг-туги билан вайрон бўлишини умид қилганлар. Эрамиздан аввалги 153 йили Қарфагенга келган ёзувчи, цензор Марк Порций Қатон шаҳарнинг иктисодий фаррвонлцгини кўриб хайрон қолгаи. У сенатдан бу шаҳарни йўк қилиб ташлаш чораларини кўришни қаттиқ туриб талаб қилган.- Қатон сенатда сўзлаган хар бир нутқини доим бир хил сўзлар билан «бошқа масалаларга келганда, мен Қарфаген вайрон қилиниши керак, дейман», деб тамомлар экан.

Эрамиздан аввалги 149 йилда Рим учинчи Пуни урушини бошлаган. Бу тўғрида Ф. Энгельс буни «уруш деб айтиш

мумкин бўлмаса керак; буни жуда заиф душманни ундан ўн баравар кучлининг шунчаки бўйсундириши бўлган...»¹,— деган.

Бу уруш бошланишига Карфаген билан Нумидия ўртасида чиққан жанжал баҳона бўлган. Нумидия подшоси Римнинг ёрдамидан фойдаланиб, Карфаген территориясини босиб ола бошлаган, натижада қуроли тўкнашувлар юз берган. Шундай бўлса ҳам Рим сенати карфагенликлар эрамиздан аввал 201 йилда тузилган сулҳ шартномасидаги шартларни бажармади деб, айбни Карфаген устига қўйган. Мазкур шартномага мувофиқ Карфаген Римнинг ижозатсиз ҳарбий ҳаракатлар бошлашга ҳақи бўлмаган. Рим Карфагенга қарши уруш эълон қилган. Карфагенликлар истаган шартлар билан сулҳ шартномасини тузишга тайёр турганлар. Улар Римнинг талабига кўра қуролини топширишга рози бўлганлар. Аммо римликлар карфагенликларга шаҳарни бўшатиб, денгиздан 80 стадий (15 километр) нари жойлашишни таклиф қилганлар.

Карфагенликлар охиригача ўзларини Ҳимоя қилишга қарор қилганлар. Улар шаҳар деворларини мустаҳкамлаганлар, шаҳарга озик-овқат ташиладиган коммуникацияни Ҳимоя қилиш учун дала армияси ташкил этиб, қулларни озод қилганлар. Қурол-яроғ устахоналари тинмай қурол ясаб турган.

Эрамиздан аввалги 149 йилда Рим легионлари кемалардан Африка қирғоқларига тушган. Карфагенни штурм билан ишғол қилиш мақсадидаги дастлабки уриниш муваффақиятсиз чиққан. Шундан кейин узоқ камал бошланган, лекин бу ҳам фойда бермаган. Фақат эрамиздан аввалги 147 йилда консул Публий Корнелий Сципион Эмилиан Африкага келиб тушгандан кейингина аҳвол ўзгарган. У Карфагенни тамомила қуршаб олишга муваффақ бўлган. Римликлар Карфагеннинг дала армиясини тор-мор келтирганлар. Чор атрофдан қуршалган шаҳар ичида қасалликлар ва очарчилик бошланган. Эрамиздан аввалги 146 йил ёзида Карфагенга ҳужум бошланган. Карфагенликлар олти кун давомида ҳар бир уй учун жасуруна қурап олиб борганлар. Салкам 50 минг карфагенлик римликларга таслим бўлган, римликлар уларни қул қилиб сотиб юборганлар. Шаҳар талаш учун легионлар ихтиёрига қўйиб берилган ва қўйдирилган. Шаҳар территорияси лаънатланган, яъни бу жойда турар жой қилиш ман этилган. Аввал Карфагенга қарашли ерларда Рим вилояти Африка таъсис қилинган.

Айни вақтда римликлар эрамиздан аввалги II асрда Испанияда узбққа чўзилган қонли уруш олиб борганлар. Иккинчи Пуни уруши вақтидаёқ (эрамиздан аввалги 206 йилда) улар Испания соҳилидаги территорияни ўзларига бўйсундирганлар. Аммо Римнинг Испанияда ўз мулкини яна кенгайтириш йўлидаги уринишига ибер қабилалари бўлмиш лузитанлар ва кельтиберлар қаҳрамонона қаршилиқ кўрсатганлар. Эрамиздан

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 8, стр. 221.

аввалги 154 йилда Испанияда Римга қарши қўзғолон кўтарилган. Икки йилга чўзилган курашдан кейин Рим қўшинлари эрксевар, жасур қабилаларни тор-мор қилган. Аммо бундан кейинги йилларда ҳам Римга қарши ҳаракат давом этаверган. Эрамиздан аввалги 150йилдабу ҳаракатжуда кенгкўлам олган, чунки бу ҳаракатга қобилиятли ташкилотчи ва ажойиб саркарда чўпон Вириат раҳбарлик қилган. Вириат бошчилигидаги лузитан отрядлари тўққиз йил давомида Рим легионлари устидан ғалаба қозониб келган. Эрамиздан аввалги 141 йилда римликлар қўзғолон йўлбошчиси Вириатни Лузитаниянинг¹ подшоси деб танишга мажбур бўлганлар. Аммо эрамиздан аввалги 139 йилда Вириат чодирда ухлаб ётганида ўз яқинлари (Рим сенатига ёлланган хоинлар) томонидан хоинона ўлдирилган.

Вириат ўлдирилгандан кейин Нуманция шаҳри римликларга қарши ҳаракат маркази бўлган. Бу Шаҳар Дуро дарёсининг бошида, ўтиб бўлмайдиган тоғликларда жойлашган. Яхши қуролланмаган нуманцияликлар римликларнинг агрессив ҳужумларини қайтарибгина қолмай, балки Рим қўшинларини қуршаб олиб, уларни таслим бўлишга мажбур этганлар. Эрамиздан аввалги 133 йилда Испанияга келган тажрибали саркарда Публий Корнелий Сципион шаҳарни қамал қилиб ҳар қандай ташки алоқадан маҳрум қилгандан кейингина, ниҳоят Рим легионлари Нуманцияни ишғол қилганлар. Шундан кейин римликлар шаҳарни вайрон қилиб, унга қарашли ерларни қўшинларига тақсим қилиб берганлар, аҳолисини эса қул қилиб сотиб юборганлар.

ушгов

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ II—I АСРЛАРДА ИТАЛИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТУЗУМИ

Бир неча бор босқинчилик уруши олиб бориш натижасида Рим республикаси ғоят катта давлатга айланган, унинг мулклари Апеннин ярим ороли кенгликларини ишғол қилибгина қолмай, ундан ташқаридаги узоқ ерларга ҳам ёйилган. Эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб Рим бир неча юз минг киши яшайдиган катта шаҳарга айланган ва Урта денгиз соҳилларининг энг муҳим сиёсий маркази бўлиб қолган.

Эрамиздан аввалги II асрнинг биринчи ярмида деярли тинмай олиб борилган босқинчилик урушларининг доим ғалаба билан тугаши, римликларнинг ўзлари ишғол қилган мамлакатларни шипшийдам қилиб талаши, у мамлакатлардан беҳисоб кўп бойлик ва кўп мингларча ҳарбий асир тўдаларини ҳайдаб кетиши ва уларни қулга айлантириши Рим ва Италияда қулдорликнинг ривожланишига жуда ҳам қулай шароит туғдириб бергая.

¹ *Лцзитания* — ҳозирги Португалия.


Ф.. Энгельс Урта денгиз сохилларидаги турли мамлқ.и лардэ ўрнатилган Рим ҳукмронлиғи.ни таърифлаб: «...Рим ҳукм ронлиғи истило қилинган вилоятларни шафқатеиз эксплуат.м ция қилишга асосланган эди...»¹ деб ёзган эди. •Римликлар Урғч денгиз мамлакатларидан биронтасини ўзига бўйсундирар экай у мамлакат аҳолисининг бир қисмини истило қилаётганда ёки истило қилиб бўлиши биланок қулга айлантирган.

Аммо Рим вилоятларидаги аҳолини тинчлик даврида ҳам қул қилиб сотганлар. Истило қилингандан кейин. вилоятда яшовчи аҳолининг ҳаммасига.оғир солиқлар солинган, бу солиқларни ижарадор (откупщик)ларнинг компаниялари (зост? lalez риВНсапогшп) тўплагай. Цензорлар Римда ҳар беш йилда бир марта вилоятларда солиқ-ва ўлпон тўплашни ким ошда савдоси билан сотишган, хазинага энг юқори нарх билан ҳақ тўлаган ижарадорлар бирон, маълум вилоятларда аҳолидан ўлпон тўплаш ҳуқуқини олганлар. Ижарадорлар еолиқ тўп-лар экан, улар хазинага. берган пулларини қайтариб олишги-на эмас, .балки кўпроқ фойда орттиришга ҳаракат қилганлар. Вилоят .аҳолисидан солиқни тўламаган киши оиласи билан бирга қул қилиб сотилган. Шунинг учун ҳам вилоят солиқлар-рдни тўловчи ижарадорлар («публиканлар») Рим, Италия -ва Грециядаги қул бозорларини янгидан-янги «жонли товар» тўдалари билан доим тўлдириб турганлар. Солиқ тўлашни со-тиб олган кишилар 200% дан 400% гача фойда олган. Бу ига шу қадар фойдали бўлганки, Рим суворийларининг кўпчилиги ва кўпинча нобилларнинг вакиллари ҳам ўзларининг озсд қил-инган қуллари орқали бу ишда иштирок қилишган.

Денгиз қароқчилари ҳам Италиянинг қул бозорларини қуллар билан таъминлаб турганлар. Эрамиздан аввалги II—I асрларда кичик Осиё (Киликия) сохиллари, Крит оролидаги ва Эгей архи-пелагининг бошқа оролларидаги шаҳарчаларнинг аҳолиси ҳам денгизда қароқчилик қилган. Делос оррида жуда катта халқаро қул бозори пайдо бўлган. Унинг нақадар катта бўлганлигин*и қадимгигеограф Страбоннинг гапларидан билиш мумкин, унинг ай-тишича, қулларнинг бирида Делосда бир қул ичида 10 минг қул сотилган. Бошқа катта қул бозорлари Италияда, биринчи нав-батда Римнинг ўзида ҳам бўлган.

Сотилган қулларнинг жуда кўп қисми нобиллар ва суворий-лар қўлига тушган. Римлик зодагон бойларнинг қасрларида бо-қиладиган қуллардан хилма-хил иш қиладиган ғоят кўп, неча юзлаб хизматқор тўдалари ташкил этилган. Улар ичида турли қасб эгалари: ошпазлар, югурдақлар, ҳаммоллар, шахсий соқчи-лар, хаттоғлар, бола боқувчи мураббий ва мураббиялар, уйда дарс берувчи муаллимлар, созандалар, раққос ва раққосалар, актёрлар, аравақашлар ва ҳоказолар бўлган. Шаҳардаги қуллар билан жуда каттик, кўпинча хаттоки инсон чидай олмайди/ав даражадашафқатсиз муомала қилганлар. Арзимаганхато ва айб

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 21, стр. 147.



Қишлоқ хўжалиги вилласи. Тикланган тасвири.

учун ҳам қуллар сазойи қшганган. Ҳар қандай жазоларни ўйлаб чиқариб, қулларини минг азобга соладиган хўжайинлар ҳам бўлган.

Хўжайинларнинг золимлиги, жабр-ситамига қарамай, шаҳар-Даги қулларнинг ахволи қишлоқ хўжалигида банд бўлган қулларнинг ахволидан кўра бир қанча тузук бўлган.

Қишлоқ жойларидаги қулларнинг асосий оммаси бемалака бўлган. Улар сахардан қун қорайгунча далада, токзорларда ишлаган, ғоят катта подаларни боққан ва эрамиздан аввалги II асрда пайдо бўлган вилла деб аталган катта имениеларда бошқа ҳар хил ишларни бажарган. Бу виллалар солиқ даромадидан ёки майдаерэгаларига қарашлиеручасткаларини тортиб олиб, ўша участкаларда бунёд қилинган. Аммо эрамиздан аввалги II—I асрларда ҳали бу имениелар эрамизнинг I асрида Латифундия деб аталган ғоят катта ҳажм олгани каби даражага етмаган.

Эрамиздан аввалги II асрдаги ва I асрнинг биринчи ярмидаги катта ер эгаларининг бир нечтадан имениеси бўлган. Умуман олганда улар катта ер эгалари бўлса-да, аммо уларнинг мулклари Апеннин оролининг турли областларига сочилган эди.

Марк Порций Катон (эрамиздан аввалги 234—149 йиллар) ўзининг «Дехқончилик» номи асарида авлодларга имениенинг ажойиб тасвирини қолдирган. Бу асарида у қишлоқ хўжалигининг усулларини муфассал тасвир қилган ва уни ташкил этиш

тўғрисида маслаҳатлар берган. Катой имение эгасининг куллар меҳнатидан самарали фойдаланишини энг муҳим масалалард.-ш биридеб билган. Катон кулларнижуда оғир шароитда сақлашни, уларни мумкин қадар кўп эксплуатация қилиб, боқишга мумкии қадар кам маблағ сарфлашни таклиф этган. Куллар хўжайиплар талабига жавоб берадиган даражада ишлай олмай қолгандан кейин, Катон ундай кулларни боқишга бекор маблағ сарфлашдан кўра сотиб юборишни тавсигс қилган.

Катоннинг маслаҳатлари куллар меҳнатидан фойдаланадиган Мамлакатлардаги кулдорлар учун гўё бир низом бўлган. Энг самарали тежам мумкин қадар оз вақт ичида кулларни мумкии қадар кўп меҳнат қилишга мажбур этишдан иборат бўлган.

Катон асаридан ва бошқа манбалардаги илмий маълумотлардан маълумки, хўжайинлар кулларни ярим оч сақлаган, уларга тамға б○сган, занжирбанд қилган, урган ва ниҳоят ўлдирганлар. Далада ва узумзорларда кулларнинг меҳнاتини назоратчилар кузатиб турган, улар кулларни қамчилаб қистовга солган. Қишлоқдаги куллар кечалари ярим ертўла-барак—зиндонларга (эргастуларга) қамаб қўйилган (хўжайинларнинг шахсий хизматида бўлган) ар ва назоратчилар улардан мустасно), зиндонлар маҳкам қилиб қулфланган, қуролли соқчилар ва қопоғон итлар билан қўриқланган.

Кулларнинг озгина қисми ўз аҳволини яхшилаш йўлини билган. Баъзан айрим куллар хўжайинларига кўрсатган яхши хизматлари эвазига озодлик олган. Римда «Либертинлар» (озод қилинган) деб аталган куллар собиқ хўжайинларига маълум даражада қарам бўлган. Хўжайинлар ўз хўжалиklarини идора қилишни кўпинча озод қилинган кулларга топширганлар. Баъзан куллар маблағ олиб, ўзларининг савдо дўконини очган. Баъзилари тегишли микдорда пул жамғариб тамомила озодлик олишга муваффақ бўлган. Озод қилинган куллар кўпинча хунармандчилик ва савдо билан машғул бўлган. Улардан бойиб кетганларининг фарзандлари Рим суворийлари тоифасига киришга ва шу билан ҳукмрон табақалар билан қўшилишга муяссар бўлган.

Италияда кулдорликнинг ривожланиши билан бирга бошқа бир ижтимоий процесс—Апеннин ярим оролининг турли қисмларида қишлоқ аҳоли оммасининг хонавайрон бўлиш процесси: давом этган.

Бу процесс Этрурия, Лация ва Қампанияда айниқса кучли бўлиб, кейинчалик секин-аста бошқа областларга ҳам ёйилган. Эркин майда дехқонларнинг хонавайрон бўлишига асосий сабаб сув текин куллар меҳнати рақобатининг кучайиб кетганлигидир. Бундан ташқари майда мулкдорларнинг узок вақт ҳарбий хизматда бўлишлари ҳам уларнинг хонавайрон бўлиш процессини тезлаштирган. «Ганнибал уруши» вақтида Италиядаги бир қанча областнинг ҳароб бўлганлиги, шунингдек эрамиздан аввалги II аср бошларида Апеннин ярим оролидан ташқарида Рим олиб борган босқинчилик урушлари даврида майда эркин дехқонлар-

пинг кўплаб легионлар каторига чақирилиши ҳам уларнинг хонавайрон бўлишига туртки бўлган. Айни замонда, истило қилинган областларнинг территорияларида колониялар қуриш камайтирилган, эрамиздан аввалги 70 йилларга келиб эса тамоман тўхтатилган. Жамоа майдонлари деб эълон қилинган ерларни кўпинча нобиллар орасидан чиққан бой «оккупаторлар» муддатсиз ижарага олган.

Нихоят, ўша пайтда Рим ва Италиянинг ғарбий соҳилидаги бошқа катта шаҳарларнинг бозорларида Сицилия ороли ва Африкадан келтирилган арзон буғдойнинг пайдо бўлиши ҳам майда деҳқонларнинг ҳолига ҳалокатли таъсир кўрсатган.

Қишлоқ хўжалигида, қурилиш ишларида ва хунармандчиликда ғоят кўп қуллар армиясининг шафқатсиз эксплуатация қилиниши, бир қанча областда эркин деҳқон аҳолисининг хонавайрон бўлиши эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб Римнинг ва унга ёндош Апеннин ярим ороли ғарбий соҳилидаги районларнинг хўжалик ҳаёти характерини тамомла ўзгартирган. Авваллари аҳоли зич жойлашган ва деҳқончилик гуллаб-яшнаб турган баъзи районларнинг аҳолиси жуда камайиб кетган. Хонавайрон бўлган кўпгина деҳқонлар ўз уйлари ва ерларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Улар қўшни шаҳарларга, асосан Римга кўчиб бориб «люмпен-пролетариат»га айланган. Майда эркин мулк эгаларининг ерларини римлик катта ер эгалари ва қулдор-нобиллар босиб ва қисман сотиб олганлар.

Янги мулкдорлар ўз ерларини ўрмон ва ов паркларига, шунингдек, яйловларга айлантирганлар, бу яйловларда қул подачилар назорати остида жуда кўп ва хилма-хил чорва моллар боқилган. Мулкларнинг марказий участкаларида боғ ва узумзорлар ташкил қилиниб, уларда қуллар ишлаган.

Грециянинг марказий областларида бўлгани каби эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб Рим гражданилиги ҳам асосан икки ижтимоий қатламга бўлинган. Уларнинг бири ердан ажраб хонавайрон бўлган ёки хонавайрон бўлаётган оч-яланғоч қишлоқ аҳоли оммаси ва шаҳар хунармандларидан иборат катта бир «қатлам бўлса, иккинчиси жуда кўп моддий бойликларни ўз қулларига тўплаган ва сиёсий ҳаётга танҳо ҳукмронлик қилаётган, зеб-зийнат ичига кўмилган нобиллар ва суворийлардан иборат кичик бир қатлам бўлган. Магистратурадаги барча лавозимларни зодагон оилаларнинг озгина вакиллари эгаллаган. Сайловлар рақобатчи тўдалар қурашига айланган, улар сайловчиларни очикдан-очик сотиб олишдан ҳам тап тортмаган. Доимий даромадлари бўлмаса-да ўзларининг гражданлик ҳуқуқларини сақлаб келаётган люмпен-пролетарлар пул берган ҳар бир кимса учун овоз • беришга тайёр турганлар.

Эрамиздан аввалги II асрнинг 30- йилларига келиб, Рим республикаси Урта денгиз соҳилининг энг юксак ривожланган қулдорлик давлати бўлиб олган, бунда қулдорлик жамиятининг ижтимоий тузилиши ўз тараққиётининг энг тўла фазасига эришган.

Бу процессни таърифлаб, Ф. Энгельс бундай деб ёзган »| «... Кул меҳнати бутун жамиятда ишлаб чиқаришнинг хукмрой усули бўлиши учун ишлаб чиқаришнинг, савдонинг ва ҒИЛИМ, жамғаришнинг даражаси яна ҳам анча кўтарилган бўлиш ЛО зим. Ер умумий мулк бўлган ибтидоий жамоаларда кулчшк I буткул бўлмаган ёки фақат тобелик ролини ўйнаган. Аввал бош да дехконлар шахри бўлган Римда ҳам ахвол шундай бўлган. Бу шаҳар «Жаҳон шахри» бўлиб, италий ер эгалиги ғоят даражада! бой. мулкдорлардан иборат бўлган ва оз сонни ташкил этган синф қўлида тобора кўпроқ тўпланган дехкон аҳолисини куллардан иборат аҳоли сикиб чиқарган...»¹.

IX БОВ

ЭЛЛИНИСТИК ДАВЛАТЛАР СИСТЕМАСИНING КРИЗИСИ. УРТА ДЕНГИЗ СОҲИЛИ МАМЛАКАТЛАРИДА ҚУЛЛАР ВЛ АСОРАТГА СОЛИНГАН АҲОЛИНИНГ ОММАВИЙ ҚУЗҒОЛОНЛАРИ

1. Эрамиздан аввалги II асрда эллинистик давлатлар. Кулларнинг қўзғолонлари. Александр Македонский ва унинг ворислари вужудга келтирган эллинистик давлатлар системаси эрамиздан аввалги II аср ўрталарида кризис ва қулаш даврига кирган.

Бир замонлар қадимги форс монархияси таркибидаги мамлакатларнинг аҳолисини грек-македон истилочилари шафқатсиз эксплуатация қилишлари натижасида қайта-қайта қўзғолонлар кўтарилган. Эрамиздан аввалги II аср ўрталарига келиб, эллинистик давлатларнинг энг каттаси бўлмиш салавкийлар монархияси қулаш ҳолатида бўлган. Унинг Месопотамиядан шарқдаги барча ерлари, шунингдек Арманистон билан Яҳудия ҳам ажралиб чиққан. Суриянинг ўзида эса салавкийлар сулоласининг турлинамомяндаларидоимбир-бирлари билануруш қилиб турганлар, Эрамиздан аввалги 140 йиллар охирида Сурияда подшо зодагонларининг жабр-зулмидан ғазабга келган майда эркин грек дехконлари қўзғолон кўтарган. Улар Апамея шахрини босиб олиб, ўзларининг лашкарбошилари ни подшо деб эълон қилганлар. Шиддатли курашдан кейингйа подшо Антиох УПСидет қўзғолонни бостирган. Мингларча қўзғолончилар ўлдирилган ва қатл қилинган. Кул қилинганларнинг сони ҳам ўлдирилган ва қатл қилинганлардан кам бўлмаган. Улар Делос ороли орқали Аттикага, Сицилия ороли ва Италияга сотиб юборилган.

Антиох VII қўзғолон кўтарган Сурия аҳолисининг қуйи табақаларини бостиргандан кейин ўз олдига салавкийлар давлатини тамомила тиклаш вазифасини қўйган. У қўзғолон кўтарган Яҳудияни ўз хукмронлигига бўйсундиришга муваффақ бўлган. Шундан кейинкутатта армия тўплаб, парфияликлар ишғол қилиб турган шарқий областларга йўл олган. Уни грек колонистлари

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, 202- бет, Уздавнашр, 1957,

ўчларига ёрдамга чақирган. Антиох VII ғалаба қилиб, парфия-лпкларни икки дарё оралиғи ва Мидиядан суриб чиқарган (эрамиздан аввалги 130 йил). Парфияликлар подшоси сулх талаб қилган. Антиох VII уруш тугаган деб ҳисоблаб қўшинларини кишлаш учун Мидиянинг турли районларига жойлаштирган. Унинг жангчиларй, айниқса харбий бошлиқлари шарқий областлар аҳолисини жуда қаттиқ талаган ва' жабр-зулм қўрсатган. Грекларнинг бундай муомаласидан ғазабга келган мидияликлар ва Эроннинг бошқа областларида яшовчи аҳоли парфияликлар билан махфий муносабат боғлаганлар. Қадимги замон тарихчиси Юстин ёзганидай, улар баҳорда «жилғалар тоғдан шаршара бўлиб оқиб туша бошлагандан кейин» қўзғолон кўтариб, Антиох VII қўшинларига қўққисдан хужум қилганлар (эрамиздан аввалги 129 йил). Айни вақтда парфияликлар уруш бошлаб Мидияга бостириб кирганлар. Греклар тор-мор қилинган. Антиох VII ҳалок бўлган. Парфияликлар қайтадан Эроннигина эмас, балки Месопотамияни ҳам қўлга киритганлар. Аммо бундан кейин улар ғарбга томбн юра олмаганлар, Ғрта Осиёдан келган кўчманчи қабилалар Эронга ва Парфиянинг ўзига бостириб кириб, парфияликларнинг ҳаракатини тўсиб қўйганлар (эрамиздан аввалги 129—128 йиллар).

Эрамиздан аввалги 130 йил ўрталарида кўчманчи саклар Грек-Бактрия подшогини тор-мор келтириб, Эронга бостириб кирганлар. Улар парфияликларнинг қўшинларини яқсон қилиб, Эрон ясси тоғлигининг шимолий областларини вайрон қилганлар. Саклар хужуми вақтида Урта Осиёда ва Эроннинг шимоли-шарқий областларида Александр Македонский ва унинг ворислари барпо қилган грек шаҳарларининг кули,, кўкка совурилган.

Айни вақтда Арманистон ва Яҳудия подшолари грекларга қарши отланиб, ўзларига қўшни грек областларини босиб олганлар. Қўпгина эллинистик ва эллинлаштирилган мамлакатларда (Миср, Пергам ҳамда Эгей архипелаги оролларида) қуйи табақа аҳоли ўртасида ғалаёнлар бошланган. Куллар ва камбағалларнинг янги оммавий қўзғолонлари бошланишидан қўрққан ва ўз кучларига ишонмай қўйган Эллин жамиятининг ҳукмрон қатламлари Рим республикасининг ёрдамига умид боғлай бошлаган. Рим республикасининг қўшинлари эса эрамиздан аввалги 146 йилда Ахея -иттифоқидаги камбағаллар қўзғолонини бостириб, «тартиб ўрнатган», эрамиздан аввалги 132 йили эса Сциция оролидаги кулларнинг катта қўзғолонини бостириб тинчитиб қўйган.

Римликларга авваллари ҳам кулларнинг қўзғолонларига қарши бир неча бор, курашишга тўғри келган. Римда куллар эрамиздан аввалги V аср охирларидаёқ биринчи марта қўзғолон қилишга уринганлар. Иккинчи Пуни уруши тугагандан кейин Италияга мингларча куллар ҳайдаб келтирилган. Эрамиздан аввалги 198 йилда Лацияда куллар ғалаёни юз берган.

Эрамиздан аввалги 196 йили Этрурияда куллар қўзғолон тарган, эрамиздан аввалги 185 йилда Италия жаиубидигн лияда подачи куллар қўзғолон кўтаришга уринганлар нисбатан кичик қўзғолонлар осонлик билан бостирил пш марказий ва ханубий Италиядаги, айниқса Сицилим ороди ги йирик кишлок хўжаликларида ишлаётган куллар омм.к инм секин-аста кўпайиб бориши билан эрамиздан аввалги II норш учинчичорагидакулларнингозодликхаракати кескин кучлш

Эрамиздан аввалги 150—130 йилларда римликлар ЯНИД янги даромадлар кетидан кувиб, куллар армиясйни тўлдир туришмақсадидаПиренейяриморолида ибер қабилаларш м ши боскинчилик ва талончилик урушлари олиб борганлар.

Нуманция билан бўлган урушда (эрамиздан аввалги Ю 133 йиллар) жонажон шаҳарларини қахрамонона химоя ҚТЛ Нуманция лашкарлари Рим қўшинларини бир неча бор каттикмағлўбиятгаучратган. Бу урушлардан бирида нумакци I ликлар консул Манцин бошчилигидаги Рим. армиясини кур шаб олиб, тоғ оралигига камаганлар. Рим армияси бу тат в волдан Манциннинг бош хазиначиси Тиберий Гракх Семпршиш олибборганмузокаранатижасидакутулган, у урушни тўхтатпш га ваъда қилган ва нуманцияликларни римликларга йўл очив беришга кўндирган.

Лекин Рим сенати нуманцияликлар билан бундай расво шартномани тасдиқламаган. Сенат Испанияга Римнинг эрамн I дан аввалги II асрнинг иккинчи ярмидаги энг яхши лашкарбошц Сципион Эмилианни юборган, у Нуманцияни камал қилиб, оя қолган шаҳар аҳолисининг қахрамонона қаршилигини синдирган (эрамиздан аввалгй 133 йил).

Рим армиясининг асосий куялари Пиреней ярим оролидаги урушлар билан банд бўлиб турганида Сицилияда кулларнинг оммавий қўзғолони кўтарилган (эрамиздан аввалги 138—132(йиллар).

2. Сицилияда куллар қўзғолони. Сицилияда эрамиздан аввалги V—IV асрлардаёк йирик кулдорлик хўжаликлари бўлч ган. Эрамиздан аввалги II асрдаСицилия кулдорлари, тарихчи Диодорнинг айтишича, жуда кўп куллар сотиб олганлар.

Эрамиздан аввалги 130-йиллар бошидаги куллар орасида Сурия қўзғолонининг собиқ иштирокчилари ҳам бўлган. Эрамиздан аввалги 138-йилда улардан бири, жодугар ҳисобланган Евн деган киши Энна шаҳри хукмдорларига қарши фитна уюшч тирган.

Қўзғолон кўтарган куллар шаҳарни эгаллаб олганлар ва ўз хўжайинларининг жабр-зулми ва шафқатсиз муомалалари учун улардан каттик ўч олганлар. Евн қўзғолончиларнинг йўлбошчиси қилиб сайланган.

Евн ўзини подшо деб эълон қилиб, Антиох номини олган. Уз подшолигини «Янги Сурия» деб атаб, қўзғолончиларга ўзларини «сурияликлар» деб аташни буюрган. Евн куллар ичидан подшо

қонғашини танлаб олган. Оролнинг ғарбий қисмида Киликияда туғилган Клеон деган киши бошчилигида кўзғолон кўтарилган. У ўз тарафдорларини Евн кўшинларига кўшиб, уни подшо билиб тан олган. Кўзғолончилар маҳаллий лашкарларга ва Рим қўшинларига зарба берганлар. Улар «Янги Сурия подшолиги»нинг прйтакти Эннадан бошқа яна бир неча шаҳарни эгаллаганлар. Тавромений шаҳри кўзғолончиларнинг истехкоми бўлган. Улар майда эркин дехқонларга тегмаганлар, ҳунармандларни эса ўзларига қурол ясашга мажбур этганлар. Сицилиядаги қуллар кўзғолони таъсирида бошқа жойларда ҳам қулларнинг ғалаёнлари бошланган.

Сицилиядаги воқеаларнинг кенгайишидан ташвишга тушган Рим сенати кўзғолонни бостириш учун оролга катта ҳарбий куч юборган. Аммо аввал бошда Рим қўшинлари муваффақиятсизликка учраган. Эрамиздан аввалги 132 йилдагина консул Рутилий каттиқ жанглардан кейин Тавроменийни эгаллаган, сал кейин хоинлар ёрдамида Эннани ҳам босиб олган. Кўзғолончилар қўшинининг лашкарбошиси Клеон жангда ўлдирилган, прдшо Евн эса асир тушиб, зиндонда қийнаб ўлдирилган. Рим қўшинлари бутун Сицилия бўйлаб кўзғолончиларни қон қақшатиб ўтганлар.

Сицилиядаги қуллар кўзғолони ҳали бостирилиб бўлмасданок Кичик Осиёда, Пергам подшолигида қулдорлик тузумйга қарши янги оммавий ҳаракат бошланган.

3. Пергамда Аристоник кўзғолони. Рим республикаси билан жуда яқин иттифоқ бўлиб олган Пергам подшолари эрамиздан аввалги II аср давомйда римликларга тобора кўпроқ қарам бўла борган. Македония, Греция ва Эгей архипелагида Рим босқинчилиги авж ола борган сари кўплаб Рим-Италия савдогарлари ва судхўрлари Эгей хавзасидаги мамлакатларга қатнайдиغان бўлган ва кўчиб кетган. Улар солиқлар тўшлаш ва 'бож олишни гаровга олиб, маҳаллий ҳукмдорларга пул берганлар, ҳукмдорлар қарзини тўламаган тақдирда уларга қарашли область аҳолисини қул қилиб хайдаб кетганлар.

Кичик Осиё аҳолиси грекларнинг эксплуатациясидан норози бўлиб, судхўрликдан ғазабга келган. Бу эса оммавий кўзғолон бошланишига замин бўлган. Пергам подшолигидаги эллинлашган зодагонлар воқеаларнинг ана шу тариқа ривож топишини олдиндан кўриб, ўзларининг кучига ишонмай, подшо Аттал III ўлгандан кейин (эрамиздан аввалги 133 йил) марҳум ўзининг васиятномасида ўз подшолигини «сенатга ва Рим халқиға» топширган деб эълон қилганлар. Рим сенати Пергам подшосининг меросини қабул этган ва Пергам подшолигини Римнинг Осиёдаги вилояти деб эълон қилган.

Лекин Пергам подшолигидаги халқ оммаси мамлакатда Рим ҳукмронлиги ўрнатилишини истамаган. Пергам подшосининг охирги қариндоши бўлмиш Аристоник халқнинг бу норозилигидан фойдаланган. У эркин камбағаллар ва қуллар ҳаракатиға

таяниб, Пергамда подшо хоким-иятини қўлга олишга уринп Аристоник римликлар ва уларнинг тарафдорларига қарши қ| I ғолон қилишга чакириб, ўзи ишғол қилган ерларда қулчилпмт тамомила йўқотишни эълон қилган. Аристоник . қулчилик бўл майдигандавлат тузиб, унга «Гелиополис» («Қуёш шаҳри») дл ном беришни, ўз тарафдорлари Пергам подшолигидаги кишЛОТ жойлар ва кичик-кичик шаҳарлар аҳолисини «гелиополисликлл рI деб аташни ваъда қилган. Аммо Пергамнинг ўзидаги, шуииг дек, сохилдаги грек шаҳарлари: Эфис, Смирна, Милет, ҚизийЯ ва бошқа шаҳарлардаги бой қулдорлар римликларни қўллаЯ қўзғолонга қўшилмаганлар.

Қўзғолончиларга қарши консул Публий Красс бошлиқ Рим қўшини юборилган. Қўзғолончилар бу қўшинни тор-мор келтир-ганлар, Красснинг ўзи эса ўлдирилган. Шундан кўп в-ақт ўт-май, янги Рим армияси пайдо бўлган. Бу армияга қўшни элли-лаштирилган подшоликлар — Понтия, Вифин, Пафлагон, Кап-падокия ўз қўшинлари билан, шунингдек грек шаҳарлари-нинг отрядлари ҳам қўшилиб, катта куч ҳосил бўлган. Аристо-ник қўшини тор-мор қилинган. Аристоник Стратоникей шаҳрига кочиб кетган, аммо у ерда асир тушиб, Рим турмасида ўлган. Гелиополисликлар қўзғолони бостиришиб, Осиё вилоятида қул-дорлик тузуми ва Рим ҳукмронлиги ўрнатилган.

Рим республикаси эллинистик қулдорларнинг ишончини оқ-лаб, бутун Урта денгизда қулдорлик тузумининг таянчи бўлиб қолган.

4. Эрамиздан аввалги 130 йилларда аграр реформа атрофи-да юз берган ижтимоий кураш (Тиберий Гракхнинг сиёсий фао-лияти). Эрамиздан аввалги II асрда Италияда юз берган ижти-моий табақаланиш (айниқса майда эркин дехқонлар сонининг камайиши ва жуда кўп қулларнинг пайдо бўлиши) Рим нобил-ларининг истикболни олдин кўрадиган баъзи вакилларини ташвишга солган, улар Рим республикасининг ҳарбий қудрати заифланишидан ва эски Рим урф-одатларининг инкирозидан хавфсираган.

Қуллар ва шаҳар люмпен-пролетариат оммасининг тинмай ўсиб бориши билан бирга ценз рўйхатларига киритилган гражд-данларнинг сони камайиб кетиши римлик зодагонларда хавф туғдирган, улар ўз пулига ҳарбий қурол-яроғ олишга қурби ета-диган ва ҳарбий хизматни бажаришга мажбур бўлган эркин кишлок граждандарининг срни камайиб бораётганлиги туфайли легионларни етарли. даражада жангчилар билан тўлдириб ту-риш борган сари қийинлашади деб хавотирга тушганлар. •

Римликлар Италия жануби ва Сицилиядаги грек шаҳарлари-ни забт қилгандан кейин эллинларнинг урф-одат ва тартибла-рини ўзлаштира бошлаганлар. Грек тили ўқимишли римликлар-нинг иккинчи тили бўлган.

Грекларнинг дабдабали хаёти Рим жамиятининг юқори қат-лами ичига сингиб кира бошлаган, Рим зодагонларининг баъзи

намояндаларига бу нарса хавфли бўлиб кўринган. Улар бу янгилик Рим гражданлигининг ҳарбий сифатларини бўшаштиради деб қараганлар, Римнинг ҳарбий-сиёсий ва маданий арбоби бўлмиш Марк Порций Катон Каттаана шундай қайфиятни энг ёрқин ифода қилган кишидир. Эрамиздан аввалги 184 йилда цензорлик қилган Катон дабдабага қарши қаттиқ қонунлар жорий қилган. Шу билан бирга у забот қилинган вилоятларга ва мағлуб бўлган душманга нисбатан жуда шиддатли сиёсат олиб боришни қаттиқ талаб қилган.

Катоннинг ўлимидан кейин ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлган аҳолик сонини ошириш масаласида кўп сиёсий арбоблар бош қотирганлар. Эрамиздан аввалги 140 йилда Карфаген ғолиби Сципион Эмилиан атрофида нобиллар ва Римда яшайдиган грек зодагонларининг маданий вакилларида иборат тўғарак таркиб топган. Сципион хотинининг укаси Тиберий Семпроний Гракх, грек тарихчиси Полибий, Лелий ва бошқалар бу тўғаракнинг аъзолари бўлган. Эрамиздан аввалги 141 йили Лелий жамоат даласидаги ерларни ижарага олиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисида қонун тузиб, уни сенат ва халқ мажлиси муҳокамасига қўймоқчи бўлган. Лекин унинг бу уриниши кўпгина катта ер эгаларида норозилик туғдирганки, Лелий қонун лойиҳасини қайтиб олишга мажбур бўлган, шундан сўнг унга «донишманд» деб лақаб қўйишган.

Эрамиздан аввалги 130 йилларда бундай тадбирлар зарур эканлиги қулларнинг кучайиб бораётган ғалаёнлари ва кўзғолонларидан хавфсираган римлик зодагонлар учун равшан бўлиб қолган. Тарихчи Аппиан бу тўғрида бундай деб ёзган: «...Халқ ...энди бундан кейин Италия унга етарли миқдорда иттифоқчилар бермай кўяди деб чўчирди, мавжуд ҳолат ҳам қулларнинг шунчалик кўпайиши туфайли хавфли бўлиб қолади...».

- Аграр реформа ўтказиш зарур деган ҳулосага келган Рим нобиллари гуруҳига Тиберий Семпроний Гракх бошчилик қилган. Гракх Рим зодагонларининг энг юқори тоифасига мансуб бўлган. Унинг буvasи ва отаси (Гракхнинг исми отасининг исми билан бир хил бўлган) йирик сиёсий ва ҳарбий арбоб бўлган. Онаси Корнелия эса Сципион Африкий Каттанинг қизи бўлган. Карфаген қамалида Тиберий Гракх ёш жангчи сифатида донг чиқарган. Кейинчалик у Испанияда консул Манциннинг бош хазиначиси бўлиб хизмат қилган. Тиберий Гракх Этрурия оркали ўтиб бораётганида, Плутарх ёзганидек, «Ерларнинг қаровсиз қолганини кўрган, қўшқис хам, подақис хам — ҳаммаси ваҳший, ёт ўлкалардан келган қуллар, ана шунда биринчи марта унинг мўясига бир фикр келган...»

Тиберий Гракх Римга қайтиб келгач, ўзининг плебейлар уруғидан бўлганлигидан фойдаланиб, эрамиздан аввалги 133 йили (Рим таъсис қилинганнинг 620 йили) халқ трибуни лавозимига ўз номзодини қўйган ва сайланган. У дарҳол аграр реформа ўтказишни таклиф қилиб чиққан. Гракх жамоат даласидаги

ерларни ижарага олиш ҳуқуқини чеклаш зарур деб билган. Бир гражданин 500 югер, иккита ўғли учун 250 югердан яна 500 югер, ҳуллас бир оила кўпи билан 1 минг югер ер ижарага олиши мумкин, деб ҳисоблаган. Гракх катта ер эгаларининг ортиқча ерларини давлат фондига олиб, ундан римлик ерсиз дехқонларга бўлиб беришни таклиф этган. У сотмаелик, ижарага бермаслик ва тортиқ қилмаслик шарти билан ворислик тартибидл фойдаланиш учун 30 югердан ерсиз дехқонларга бўлиб беришни таклиф қилган. Тиберий Гракхнинг таклифига кўра ер ислоти ўтказиш учун махсус аграр комиссия тузилиши ва унга ваколат берилиши лозим бўлган.

Тиберий Гракх ўзининг қонун лойиҳасини халқ мажлисига қўйиб, унда граждандарни лойиҳани қўллаб-қувватлашга чақирар экан, қуллар оммасининг кўзғолон кутариш хавфи борлигини айтган. Тарихчи Аппиан бундай деган: «Гракх қуллар оммасининг ҳарбий хизматга ярамаганлигини ғазаб билан гапирди. У хали яқиндагина Сицилияда дехқончилик ишлари учуе қуллар меҳнатига муҳтожликдан сони жуда кўпайиб кетган қуллар ҳукмдорларни не-не азобга солгаюгаи, кураш хийла узоққа чўзилиб, нақадар ва хилма-хил хавфли мушқулотлар келтирганини эслатиб ўтди...».

Аграр реформа ўтказиш тўғрисидаги таклиф Рим кишлоғидаги энг камбағал граждандарнинг оммавий ҳаракатини кучайтирган. Сенат Тиберий Гракх таклиф қилган қонун лойиҳасини очикдан-очик рад қилолмаган. Лекин бойлар: реформа ўтказилишига орқаворатдан тўсқинлик қилганлар, кейинчалик эса мўлжалланган аграр реформани тўғридан-тўғри йўққа чиқарганлар.

Эътиборли нобилларнинг васвасаси билан бошқа бир халқ трибуни — ўзи ҳам катта, ер эгаси ва жамоат далаларидаги ерларнинг ижарадори Марк Октавий кўзда тутилган реформа кўп Рим граждандарининг мулкый ҳуқуқларига, малол келтиради, деган баҳона билан Тиберий Гракхнинг қонун лойиҳасига вето қўйган (тақиқ қилган). Тиберий Гракх ҳам халқ трибуни сифатида магистратларнинг ҳар хил ишларига вето қўйиш ҳуқуқидан фойдаланиб, ўз муҳолифларига таъсир қилишга уринган* У давлат ҳазинасини бекитган, сенат ва магистратлардан чиқадиган барча фармойишларга вето қўйган. Лекин бу тадбирлар Марк Октавий ва бошқа реформа душманларининг саркашлигини синдиролмаган. Сўнгра Тиберий Гракх халқ мажлисида (триба комицияларида) Октавийга қатъий суратда қарши чиққан ва Рим халқининг бутун кўпчилиги манфаатларига қарши иш қиладиган киши халқ трибуни бўла оладими, деган масалани овозга қўйишни таклиф этган.

35 трибадан 17 таси Октавийни муддатидан олдин халқ трибуни составидан чиқаришга тарафдор бўлиб гапиргач, Тиберий Гракх овозга қўймасдан Октавийдан қонун лойиҳасига қўйган ветосини қайтиб олишни илтимос қилган ва ижарага олган ерининг қирқиладиган қисмдан келадиғанзарарни ўзинингшахсий

маблағидан қоплашга ваъда берган. Нобиллар тазйиқи билан Октавий Тиберий Гракхнинг илтимосини рад қилган ва овоз бериш натижасида Октавийнинг халқ трибуни номидан /махрум этилгашгаги эълон қилинган.

Тиберий Гракх ўзининг қонун лойихасини тасдиқлатишга муваффақ бўлган, аммо шу билан бирга у халқ трибуни бўлгани ҳолда халқ трибунининг дахлсизлиги тўғрисидаги қонунни бузган. Унинг муҳолифлари • трибунлик муддати тугагандан кейин уни судга берамиз деб дўқ қилишган.

Қонун лойихаси қабул қилингандан кейин уни жорий этиш учун аграр комиссия тузилган. Комиссияга Тиберий Гракхнинг ўзи, укаси Гай ва қайнотаси Тиберий Аппий Клавдий кирган.

Ерларни қайта тақсим қилишда аграр комиссия катта қийинчиликларга дуч келган. Ҳар бир ер участкасининг кимга тегишли эканини ажрим қилишга, шахсий ерларни кўпиича бир қанча киши қўлида бўлиб ўтган жамоат ерларидан ажратишга тўғри келган, Аграр комиссиянинг иши чўзилиб кетган. Бошлаган ишни охиригача олиб бориш, шу билан бирга Октавийни муддатидан олдин халқ трибунлигидан олиб ташлаттирғани учун суд жавобгарлигига тортишга уринаётган муҳолифлари таъсирининг олдини олиш учун Тиберий Гракх бу магистратурани бир йил муддатдагина бажариш тўғрисида илгаридан ўрнатилган одатни бузиб, халқ трибунлигига яна ўз номзодини қўйган.

Тиберий Гракхнинг душманлари бундан фойдаланиб, у подшо ҳокимиятини ўз қўлига олмакчи деб Римда гап таркатганлар. Римда ғоят танг сиёсий вазият юз берган. Бундан ташқари 621 йил (эрамыздан аввалги 132 йил) учун халқ трибуллари сайловини ўтказишни хоҳинлар Тиберий Гракх тарафдорлари бўлмиш қишлоқ аҳолисининг қўпчилиги дала ишлари билан банд бўлган ёз пайтига белгилаган.

Бундан фойдаланган Тиберий Гракхнинг Сципиои Назика бошлиқ энг актив муҳолифлари сенатда Гракхни подшо ҳокимиятини босиб олишга интилишда айблаб консулдап аввало уни камашни талаб қилганлар. Бу талаб рад қилингандан кейин улар халқ мажлиси бораётганда Тиберий Гракхга ва унинг тарафдорларига ҳужум қилганлар. Гракх ваг унинг тарафдорларидан 300 дан зиёдрок киши ўлдирилган (эрамыздан аввалги 133 йил).

Тиберий Гракх ўлдирилгандан кейин сенат унинг қўп тарафдорларини қаттиқ таъқиб қила ва қрн қақшата бошлаган. Улардан баъзилари қатл қилинган, баъзилари қочиб кетган. Шунга қарамай аграр комиссия ишни давом эттираверган. Ҳатто Тиберий Гракхнинг маслакдошларини Римдан ҳайдаб чиқарган консул ҳам мен «Жамоат далаларини подачилардаи тозалаб, у ерларни ғаллакор дехқонларга бўлиб берган биринчи кишиман» деган ёзув қолдирган.

Тиберий Гракхнинг ҳалок бўлишига сабаб, ислохотчини қўллаб-қувватловчидарда етарли даражада бирлик бўлмаган-

лигидир. Тиберий Гракх асосан кишлокдаги майда хўжайинла оммасига таянган. Аммо тақдири кўпинча бирдан-бир нобилга боғлиқ бўлган Рим люмпен-пролетариатининг кўпчилиги Тиберий Гракхга таъсирли ёрдам кўрсатмаган. Рим суворилари ҳам аграр реформани кўллаб-қувватламаган, улар нобиллар билан душман муносабатда бўлсалар-да, курашдан бир қадар четда турган.

Аграр реформа тарафдорларининг Римда тор-мор келтириши, Нуманциянинг ишғол қилиниши ва иберлар қаршилигининг бостирилиши, ниҳоят Пергамда Аристоник ва унинг тарафдорларининг ҳаракати тугатилиши Рим нобилларининг ахволини бир қанча вақтгача мустаҳкамлаган. Аммо Римдаги реформа таофдорлари сенатнинг маълум даражада ён беришига эришган-яар. Халқ мажлиси бирон кишинингхалқтрибунивазифасигақатор иккй йил ва балки ундан ҳам кўпроқ йил бадалида қайта сайланиши мумкин ва қонунийдир, деган қарор чиқарган. Бундан ташқари халқ мажлисида магистратларни яширин овоз билан сайлаш тўғрисида қонун жорий қилинган (эр. ав.. 131 й.)

5. Эрамиздан аввалги 120 йилларда Римдаги ижтимоий кураш (Гай Гракхнинг сиёсий фаолияти). Эрамиздан аввалги 125 йили аграр реформа тарафдорларидан бўлмиш консул Марк Фульвий Флакк реформа тарафдорлари доирасини кенгайтириш мақсадида Римга қўшни италик қабилаларнга Рим гражданилиги ҳуқуқларини бериш тўғрисида қонун лойиҳаси таклиф қилган. Аммо сенат бунга қаршилик кўрсатган. Фульвий Флакк Цизальп Галлиясидаги қўшинга қўмондон қилиб юборилган, унинг қонун лойиҳаси эса рад қилинган. Бунинг натижасида Аскул ва Фрегелли шаҳарларида кўзғолон кўтарилган, лекин бу кўзғолонлар харбий кучлар ёрдамида бостирилган.

Эрамиздан аввалги 124йили Тиберий Гракхнинг укаси—довжорйк ва ғайратли сиёсий арбоб, ажойиб нотик Гай Семпроний Гракх (эрамиздан аввалги 153—121 йиллар) Сардиния оролидан қайтиб келган.

Реформа муҳолифлари бир вақт сенатиинг Гайни Сардиния оролига вақтинча Рим ноибни (проквестор) қилиб юборишига эришганлар ва унинг ўрнига од-ам юбормай, атайин ушлаб турйшган. Гай Гракх Римга ўз хоҳишича қайтиб келган ва душманлари унинг устидан уюштирган судда жуда усталик билан ютиб чиқиб, халқ трибуни лавозимида ўз номзодини кўйган. Эрамиздан аввалги 123 йилги (Рим таъсис қилинганининг 630 йили) халқ трибуни қилиб сайланган ва эрамиздан аввалги 122 йилга қайтадан сайланган.

Акаси ўлдирилгани учун ўч олиш ва бошланган аграр реформани охирига етказишга қасам ичган Гай Гракх ўзи ва реформа тарафдорлари учун қудай сиёсий вазият юз бериш пайтини бир неча йил давомида сабот ва матонат билан пойлаган. Халқ трибуни қилиб сайлангач, Гай Гракх ўзиниег сиёсий фаолиятини сенатдаги нобилларнинг муҳолифларини бир гуруҳ ки-

ЙИБ уюштиришдан бошлаган. У суворийларнинг, бой корчалонларнинг, яъни вилоятлардага аҳолидан солиқ ва ўлпон тўпловчи публикан—откупшикларнинг асосий мағзини ташкил этган ва сснат тайинлаган вилоят ноиблари билан кўпинча душманлик муносабатида бўладиган судхўр ва савдогарларнинг уни сиёсий жихатдан қўллаб-қувватлашлари тўғрисида розилиklarини олишга муваффақ бўлган.

Гай Гракх суворийларнинг мададига эга бўлмоқ учун халқ мажлиси (триба комициялари) орқали вилоятлардаги ноибларнинг суиистеъмолларини текширадиган суд аъзоларини тайинлаш ҳуқуқини сенатдан олиб, суворийларга бериш тўғрисида қонун чиқартирган. Шу билан бирга Осиёнинг бой вилояти бўлмиш собик Пергам подшолигида солиқ тўплаш ҳуқуқи публиканларга берилган.

Гай Гракх шахар камбағалларини ўз томонига тортиш мақсадида катта жамоат ишлари, янги йўллар қуриш тўғрисида қонун чиқартирган. Бу тадбир Римдагиэркинаҳолинингэнг камбағал қатламларининг узок вақт иш билан банд бўлиб даромад топишига, шунингдек суворийларнинг фойдали катта пудрат ишлари олишига имкон берган. Шундан кейин Гай Гракх Рим граждaнларининг энг камбағал табақаларига давлат запасларидан жуда арзон баҳо билан дон сотиш тўғрисида қопуи чиқартирган ва бу билан Римдаги люмпен-прблетариат оммасини ўз томонига жалб қилган.

Фақат ана шундан кейингина Гай Гракх аграр комиссиянинг тўхтатиб қўйилган ишини давом эттириш ва акасиипг қотилларини жазолаш тўғрисида қарор чиқартирган.

Лекин жамоат далалари фонди тугай деб қолган. Римдаги ерсиз граждaнларни ер билан таъмин қилиш учун Италияда ер етмай қолган. Шунинг учун ҳам Гай Гракх Рим қишлоқ хўжалик колонияларини Апеннин оролидан четга чиқариш фикрига келган. Битта колонияни римликлар эндигина босиб олган Нарбон Галлиясида (ҳозирги жанубий Франция), яна биттасини эрамиздан аввалги 146 йили вайрон қилинган Карфагеида ташкил этишни таклиф қилган. Бу ерларни суворийлар ижарага олган эдилар, шунинг учун Гай Гракхнинг қонун лойихаси уларнинг манфаатларига жуда қаттиқ теккан.

Ғайратли ислохотчи четда бўлганида шухратига путур етказиш қулайроқ бўлар, деган фикр билан сенат Гай Гракхга аграр комиссиянинг аъзоси сифатида Карфагенга бориб, ўша жойнинг ўзида колония ташкил этишни таклиф қилган. Гай Гракх Карфагенда эканида бошқа бир трибун Ливий Друз халқ мажлиси' да бир неча демагогик таклифлар билан чиққан. У давлат запасларидан донни энг камбағал граждaнларга арзон баҳо билан сотиб бермай, балки бутунлай текин улаша беришни, иккита колония тузиш эмас, балки ўн иккита колония тузишни (тузганда ҳам уларни, вилоятларда эмас, балки Италия доирасида тузиб, колонистларни солиқлардан озод этишни) таклиф қилган.

Гай Гракхнинг душманлари бу таклифларни амалга оширишни хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар-да, ҳар ҳолда улар Гайнинг шухратини бўшаштирган. Айти вақтда Римда «лаънатланган» Карфагей ўрнида колония тузиш маросими «худоларга хуш келмаяпти» деган бвоза тарқалган.

Италиянинг иттифоқдош жамоаларига Рим гражданлик ҳукуки бериш тўғрисида Гай Гракхнинг қонун лойиҳаси унга жуда катта зарар келтирган. Гай Гракхнинг душманлари Рим камбағалларига Рим гражданларининг сони ўсган тақдирда текин дон олиш ҳукукига эга бўлган кишиларнинг ҳам сони кўпаяди, деб дарҳол маълум қилишган. Рим шаҳар камбағаллари бундан кўрққанлар ва бундай бўлишини хоҳламаганлар. Бундан ташқари суворийлар жанубий Италия шаҳарларидаги савдогар ва судхўрларнинг рақобати кучайишини истамаганлар. Гай Гракх ўзининг бу қонун лойиҳаси ҳеч ҳам манзур бўлмаганлигини кўриб, уни қайтариб олган. Бу ҳол эса эрамиздан аввалги 121 йилга халқ трибуларини сайлаш арафасида унинг таъсирига путур етказган. У, Плутарх айтганидай, «жуда • кўпчилик унга овоз берган бўлсада, учинчи марта халқ трибуни лавозимига эга бўлолмади: сайланганларнинг номларини эълон қилар эканлар, унинг шериклари (халқ трибулари — А. Б.) жиноий алдаш йўлига кирдилар...».

Гай Гракхнинг душманлари, биринчи навбатда янги консул Луций Опимий, бундан фойдаланиб, Гай Гракх тарафдорлари билан атайлаб тўқнашув уюштирган. Бу тўқнашув вақтида Опимийнинг ликтори ўлдирилган. Консул сенатни қақриб, Гай Гракхни ва шерикларини қотилликда айблаб суд жавобгарлигига тортишни талаб қилган. Гай Гракх ҳамда унинг энг яқин ўртоғи ва сафдоши Фульвий Флак бу қарорнинг ифво эканлигини билиб Рим халқ оммасини сенатга қарши кўтаришга ҳаракат қилганлар. Улар камбағалларни ва хатто кулларни ҳам кўзғолонга қақриб Авентий тепалигига мустаҳкам жойлашиб олишган. Бунга жавобан сенат ёлланма Крит ўқчиларини Римга олиб кириш учун ваколат берган. Опимий ўқчилари Гай Гракх тарафдорлари устига ёмғирдай ўк ёғдирганлар ва улар тумтарақай қочиб кетганлар. Фульвий Флак қўлга туширилган ва ўлдирилган. Гай Гракхнинг ўзи қочиб қутулмоқчи бўлганида Римга яқин жойда Опимий суворилари қўлига тушиб қолган, Гай Гракх ўзининг қулига ўлдиришни буюрган ва қул уни ўлдирган (эрамиздан аввалги 121 йил).

Гай Гракхнинг ҳалок бўлишита сабаб шуки, бошда. уни қўллаб-қувватлаган суворилар унинг ёрдами билан маълум имтиёзларни қўлга киритгандан кейин Италияда ва унинг ташқарисида ҳам Рим гражданлиги сифатида эгаллаб турган алоҳида мавқеларини қўлдан беришни истамаганлар, шунинг-учун ҳам улар ислохотчини қўлламай қўйганлар, текинхўр бўлиб яшашга ўрганиб қолган Рим люмпен-пролетариати эса аграр реформалардан манфаатдор бўлмаган. Рим қишлоқ аҳолисига

келганда, улар Гай Гракх душманларининг демагогик ваъдаларига алданиб бўлиниб кетган.

Шундай бўлсада, нобиллар аграр реформа оқибатларини дархол тугата олмаганлар. Реформалардан кейинги гражданлик цензи рўйхатида ҳарбий хизмат қилиши лозим бўлган кишиларнинг сони эрамиздан аввалги 130-йиллардаги рўйхатдан кўра 80 минг ортиқ бўлган (эрамиздан аввалги 136- йилда 317 933 граждан бўлган бўлса, эрамиздан аввалги 125- йили 394 736 граждан бўлган). Африкада Гай Гракх тузган кишлокхўжалик колонияси эрамиздан аввалги 118 йилда тугатилган. Сўнгра ер мулкига эгалик қилиш тўғрисидаги конун жиддий ўзгартирилган.

Ака-ука Гракхлар бошчилик қилган аграр реформа ҳаракати муваффақиятсизликка учраган. Гракхларнинг ер мулкининг бир қўлга тўпланиш процессига халакит бериш ёки уни тўхтатиш, хонавайрон бўлиб бораётган майда эркин деҳқонлар табақасини шу балодан қутқариш ва шу билан Рим давлатиинг ижтимоий базасини аввалги ҳолига етказиб тиклаш йўлида уринишлари натижа бермаган. Қичиқроқ ер участкаси олган майда ер эгалари хонавайрон бўлаверган, чунки уларнинг сув текин қуллар меҳнати билан рақобат қилишга қурби етмаган. Аслида Гракхлар фаолиятдан Рим гражданлигининг суворилар тоифаси билан қўшилиб кетган савдогар ва судхўрлар гуруҳи ютгап, холос. Жуда кўп пул тўплаган бу гуруҳ катта-катта ер мулкларини эгаллай бошлаган.

Х БОВ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ II—I АСРЛАР БУСАҒАСИДА РИМ-ИТАЛИЙ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУРАШ ВА РИМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Ч ХАЛҚАРО АҲВОЛИ

1. Югурта уруши.ва Гай Марийнинг ҳарбий реформалари. Эрамиздан аввалги 130—120- йилларда аграр реформалар натижасида ер ва қулларнинг бир қўлга тўпланиш процесси бир қадар секинлашган бўлсада, эрамиздан аввалги II аср охиригача келиб яна янгитдан кучайиб кетган. Эрамиздаи аввалги 111-йилда йирик ер эгалари («оптиматлар»)нинг ташаббуси билан халқ трибуни Спурий Торий янги аграр конунни ўтказган. Бу конунга кўра, шу конун эълон қилинган пайтда Рим граждандлари эгалик қилибтурганбарчаерларуларнинг хусусий мулки бўлиб қолган. Спурий Торий конунига кўра майда ер эгалари ўз ёрларига тўла хўжайин бўлиб қолганлар. Аммо шу билан бирга жамоат далаларидаги ерларни муддатсиз ижарага олиб фойдаланаётган катта ер эгалари ҳам ўз ерларига тўла хўжайин бўлиб қолаверганлар. -

Торий қонуни эълон қилингандан кейин кўпгина майда ер эгалари ўз мулкларини яна сота бошлаганлар. «Цензликлар», яъни ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлган граждандарнинг сони эрамыздан аввалги II аср охирига келиб аввалгидан кўра тез камая бошлаган. Бу ҳол албатта Рим армияси составининг ҳам сонига ва ҳам сифатига таъсир этмай қолмагън, бу ҳол Югурта уруши даврида (эрамыздан аввалги 111—105-йиллар) айниқса яққол сезилган.

Эрамыздан аввалги 146-йилда собиқ Карфагендаги мулкларнинг кўпгина қисми римликларга иттифоқдош бўлган Нумидия¹ подшолиги составига кирган.

Шундан кейинги вақтлар ичида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, четга жуда кўп ғалла, ёғ чиқарилиши ва шаҳарларда хунармандчиликнинг тараққий этиши натижасида Нумидия ғоят бойиб кетган; бу Рим савдогарлари, айниқса бундан фойда ҳосил қилишга кўзи етган публиканлар — вилоятларда солиқ тўплашни ижарага олувчи откупшикларнинг нафсини кўзғайдиган жой бўлиб қолган.

Эрамыздан аввалги 111-йилда Нумидиянинг кекса подшоши ўлгандай кейин Рим сувориларининг қаттиқ талаби билан Нумидия подшолиги мархумнинг учта неварасига бўлиб берилган. Улар Нумидиянинг сиёсий жихатдан бўлиниб кетиши ўз ишларини олиб боришга қулайлик туғдиради деб ҳисоблаган. Лекин мамлакат аҳолиси ва шахзодалардан бири—Югурта мамлакатда римликларнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилишини истамаган. Югурта фаросатли ва ғайратли жангчи бўлган. У Нумантия урушида нумидиялик жангчиларнинг иттифоқчи отрядига бош бўлган ва ўшанда Рим ҳарбий санъатини ўрганган, шунинг учун ҳам римликларга қарши курашиш мумкин деб билган.

Мамлакат бўлингандан кейин Югурта кўпчилик нумидияликларга таяниб ўз қариндошларининг мулкига ҳужум қилган. Улардан бири ўлдирилган, иккинчиси Римга қочиб кетган. Рим сенати Югуртани Рим судига чақирганида у Рим республикасининг пойтахтига дадил кириб борган ва бир қанча эътиборли шахсларни сотиб олиб ўзини оқлатишга муяссар бўлган. Сенат Нумидияни яна бўлган, лекин бу сафар икки қисмга бўлиб, бир қисмини Югуртага ва иккинчи қисмини унинг қариндошига берган. Югуртанинг қариндоши билан бирга Нумидияга Рим савдогарлари ва судхўрлари келган. Аммо Югурта яна уруш очган. Нумидия пойтахти Цитрани ишқол қилиб ўз рақибинингана эмас, балки кўпгина римликларни ҳам қириб ташлаган. Рим суворилари бундан қаттиқ ғазабга келган. Югурта иккинчи марта Римга чақирилиб суд қилинган ва Рим халқининг душмани деб эълон қилинган. Ю'УР¹а кетаётиб: «Соткин шаҳар! Харидор топилса сени таг-тугинг билан бемалол сотиб оларди!» деган.

¹ *Нумидия* — ҳозирги Жазоир.

Римликлар Африкада уруш ҳаракатларини сусткашлик билан олиб борганлар ва ҳеч ҳам муваффақият қозона олмаганлар. Оптиматлардан бўлган ҳарбий бошлиқлар сотқинлик қилган ва шу билан Рим кўшинларини қиришга йўл қўйиб берган. Майда ер эгаларидан тўпланган Рим жангчилари ўзларига ёт бўлган суворилар манфаати учун истар-истамас жанг қилишган. Рим армиясида интизом бўшашиб кетган. Кўшинларнинг жанговарлик қобиляти шу даража бўш бўлганки, ҳарбий бошлиқлар Югуртаучун қулай шартлар билан сулҳ тузишга тайёр туришган.

Армиянинг шу аҳволи тўғрисидаги хабарни эшитиб халқ мажлиси аҳли ғоят қаттиқ ғазабга келган. Суворилар укувсиз ҳарбий бошлиқларни армиядан бўшатиб судга беришни талаб қилганлар. Африкага обрўли ва қаттиққўл консул Цецилий Метелл юборилган, қобилятли жангчи Гай Марий унинг энг яқин ёрдамчиси бўлган. Арпин ёнидаги Рим колонияларидан бирида ўрта ер эгалари ичидан чиққан Марий Нумантия уруши вақтида ўзини кўрсатган. У эрамиздан аввалги 119-йили халқ трибуни қилиб сайланган, шундан бир қанча вақтдан кейин камбағаллашган бўлсада, патрицийларнинг зодагон Юлийлар¹ уруғидан бўлган Юлияга уйланиб, сиёсий арбоблар доирасига кирган ва претор бўлиб олган (эрамиздан аввалги 115-йил).

Марий Африкага келиб Мутул дарёси бўйидаги жаида Югурта армиясини тор-мор келтиришга ёрдамлашган (эрамиздан аввалги 109-йил). Югурта мамлакат ичкарасига чекиниб, қаршилик кўрсатаверган. Уруш чўзилиб кетган. Марий консул Метеллдан отпусқа олиб Римга қайтган ва эрамиздан аввалги 107-йилга консулликка ўз номзодини қўйиб, Рим армиясини соғломлаштириш ва унинг жанговарлик қобилятини тиклаш юзасидан бир қанча тадбирларни таклиф қилган. Марий консул бўлиб сайлангандан кейин Рим кўшинларига аскар тўплаш ва ташкил қилиш тартибларини ўзгартириш тўғрисида қонун чиқартирган. Гай Марий майда ер эгалари ва хунармандлар орасидан рекрутлар тўплаш ўрнига кўнгиллилардан легионлар тузган. Люмпен-пролетарлар ҳам кўнгилли бўлиб легионларга кириши мумкин бўлган. Жангчилар хизмат қилган вақтда хазинадан қурол-яроғ ва мояна олган, урушдан кейин уларга чек ерлар бериш ваъда қилинган. Бундан ташқари ўлжанинг ҳам бир қисми уларга берилган.

Гай Марий аскар тўплаш тартибини ўзгартириш билан бирга легионларнинг составини ва Рим легионерларини техника билан қуроллантиришни ҳам бошқача ташкил этган. Агар авваллари Рим легиони ўнга манипул ва ҳар бир манипул икки центурийдан иборат бўлган бўлса, Марий армиясининг легионлари ўнта

¹ Юлия — Юлий Цезарнинг аммаси. Цезарь Гай Марийни ўзининг амасиси деб билган.

когортага бўлинган ва шундан кеин когорта Рим пиедаларининг бўлинишида асосий бирлик бўлиб қолган.

Ҳар бир легионда ҳунармандларнинг ва ирғитиш машиналаридан отишни идора қиладиган усталарнинг алоҳида когорталари, шунингдек суворилар отряди ва иттифокчиларнинг когорталари бўлган. Ҳар бир легионда ўзининг умумий, значоги — кумушдан ясалган бургут сурати бўлган.

Марий легионерларини қисқа ирғитма найзалар (пилум) билан қуроллантирган, Рим жангчилари душманга яқинлашиб қолганларида бу найзаларни душман қаторларига итқитганлар. Душман жангчилари ўқлардан ўзларини қалқон билан химоя қилсаларда ҳар қайсисига бир нечтадан найза отилган. Отилган найзалардан қалқонлар оғирлик қилиб душман жангчилари уларни ташлашга ва легионерлар билан юзма-юз олишишга мажбур бўлган, бу эса римликларга катта устунлик берган. Марий жангчиларининг ўзлари мустаҳкамланган лагерь қурганлар, бунинг учун зарур тўсиқ воситаларини ўзлари билан олиб юришган.

Марий армиясида жуда қаттиқ интизом ўрнатилган. Жангчилар ё машқ билан ёки лагерни мустаҳкамлаш билан банд бўлганлар, ё бўлмаса йўл қурганлар, кўприк солганлар.

Ана шу ҳарбий реформалар натижасида Рим армиясининг жанговарлиқ қобилияти кескин ўсиб кетган. Югурта бошпана қидириб Мавритан подшоси бўлмиш қайнатаси олдига борган. Аммо бу ерга Гай Марийнинг хазиначиси зодагон патриций Луций Қорнелий Сулла етиб келиб Югуртани римликлар қўлига беришни талаб қилган. Сулла Югуртани ушлаб (эрамиздан аввалги 105 йил) Рим лагерига олиб келган. Югуртани ушлаб бергани эвазига Нумидиянинг бир қисми Мавритан подшосига тортиқ қилинган, қолган қисми Нумидия шахзодаларидан бирига берилган. Югурта устидан қилган ғалабаси учун Рим Гай Марийни ғоят катта тантана билан кутиб олган (эрамиздан аввалги 104-йил). Мқрий яна Консул қилиб сайлангаи ва Нарбон Галлиясидаги Рим армиясининг қўмондони қилиб тайинланган. У ерда Рим республикаси учун мудҳиш воқеалар юз берган.

2. Урта Европа марказида яшовчи кимвр ва тевтон қабиаларининг кўчиб кетиши ва уларнинг Урта денгиз мамлакатларига бостириб кириши. Сицилия оролида кулларнинг иккинчи кўзғолони, Эрамиздан аввалги 113-йилдаёқ номаълум сабабларга қўра ўзлари яшаб турган жойларни ташлаб, жойлашиш учун янги ерлар қидирган Урта Европа марказидаги Қабиаларнинг катта би[^] гуруҳи Апеннин ярим оролининг шимоли-шарқий чегараларига яқинлашиб кела бошлаган. Кўчиб келганларнинг асосий қисмини кимврлар қабиласи ташкил қилган. Улар оилалари билан араваларда юришган, зарур бўлиб қолганда ўша аравалардан истехком қурганлар. Улар забардаст кучли кишилар бўлиб, кўпинча ҳайвон териси ёпинганлар, темир найзали узун пишиқ ёғоч, найза ва учи тош ўқ билан қуролланганлар.

Рим консули Папирий Карбоннинг талаби билан кимврлар ва уларга қўшилган бошқа қабилалар Рим мўлкларидан нари кетган. Шундай бўлсада, Карбон уларга ҳужум қилган, лекин қаттиқ маълумиятга учраган.

Карбон қўшинлари устидан ғалаба қозонгандан кейин кимврлар Альп тоғларини айланиб ўтиш учун ғарб томонга юрганлар, у ерда жойлашиш учун янги ерлар қидириб юрган тевтон қабилалари билан бирлашиб, эрамиздан аввалги 109- йили Родан дарёсининг юқори оқимидаги ерларга бостириб кирганлар. Бу районда бошқа бир Рим қўмондони уларга ҳужум қилган. Лекин унинг қўшинлари ҳам Карбон қўшинларига ўхшаб тор-мор келтирилган. Эрамиздан аввалги 105-йилда кимврлар билан тевтонларнинг бирлашган галаси Родан дарёсининг қуйи оқимига қараб йўл олган. Араузион шаҳри районида римликларнинг иккита кучли армияси уларнинг йўлини тўсган. Лекин римликларнинг қўмондонлари ўртасида келишмовчилик чиқиб, натижада кимвр ва тевтонлар бу армияларни кетма-кет тор-мор келтириб, яқсон қилганлар. Италия ва Рим ёввойи галанинг бостириб кириши мумкинлигидан даҳшатга тушган. Лекин ғолиблар сира қутилмаганда орқаларига қайтиб, йўлларида учраган барча нарсага қирғин келтириб ва вайрон қилиб, Галлиянинг ғарбий областлари ва Пиреней ярим оролининг шимолий қисмига қараб йўл олишган.

Араузион ёнидаги ҳалокатли оғир ҳарбий муваффақиятсизликлар Рим аҳолиси орасида сенат ва оптиматларнинг гумашталарига қарши ғоят қатта норозилик туғдирган. Уларини Рим плебсининг йўлбошчилари деб атаган арбоблар — «популярлар» ҳалокатнинг сабабчилари зодагонлардан чиққан лашкар бошилари деб айбни уларга қўйишган. Лашкар бошилари-нинг баъзилари суд жавобгарлигига тортилиб, бадарға қилинган. Суворилар билан плебейлар Рим "республикаси-нинг ҳаётини таҳлика остига солиб турган даҳшатли душманга қарши урушда қўмондон қилиб Гай Марийни сайлашга муваффақ бўлганлар. Эрамиздан аввалги 104-йилда Гай Марий қобилиятли лашкар бошилари бўлмиш Луций Корнелий Сулла, Квинт Серторий ва бошқа тажрибали ҳарбийлар билан бирликда кимвр ватевтонларга қарши урушга аскар тўплашга киришган пайтда, қутилмаганда Сицилия оролининг кўп қисмига тарқалган янги қуллар қўзғолони (эрамиздан аввалги 104—101- йиллар) бошланганлиги тўғрисида хабар келиб қолган.

Гай Марий кимврлар ва тевтонлар билан бўлган урушда камайиб қолган Рим армияларини ёрдамчи когорталар, иттифокчиларнинг когорталаридаги жангчилар сонини кўпайтириш хисобига тўлдириб қўйиб бўлган. Марийнинг таклифи билан сенат иттифокчи қарам давлатлардан қўшинга яна одам тўплаб беришни талаб қилган. Сенатнинг бу талабига жавобан Вифин подшоси Никомед римликларнинг талабини бажо келтира олмаслигини айтган, бунга сабаб қилиб подшолигидаги ёш эркак-

ларнинг жуда кўп қисмини Рим судхўрлари қарз бадалига қул қилиб ҳайдаб кетганлигини кўрсатган. Янги аскарларга муҳтож бўлган Рим сенати Сицилия вилоятининг ноибига қулларни текширишни, ғайри қонуний равишда сотилган қулларни озод қилишни буюрган. Сицилия ноиби текширишни бошлаб бир неча юз кишини озод қилган, лекин кейин Сицилиянинг бой қулдорларига сотилган ноиб оролнинг ҳамма бурчакларидан тинмай оқиб келиб турган жуда кўп кишининг қонунга хилоф равишда қул қилиб сотилганини текширишни тўхтатиб қўйган. Бу эса қулларнинг оммавий кўзғолони бошланиб кетишига баҳона бўлган.

Кўзғолончиларга Сальвий деган киши ва киликиялик Афенион бошчилик қилган. Сицилиянинг жануби-ғарбий қисмидаги тоғликда жойлашган лагер кўзғолончиларнинг марказига айланган. Кўзғолончилар буни Триокола деб атаганлар. Кўзғолончилар Сальвийга Трифон номи бериб, уни подшо қилиб сайлаганлар. Афенион пиёда ва отликлардан иборат армия ташкил этган. Подшо ҳузурида кенгаш тузилган.

Биринчи кўзғолон вақтида бўлгани каби бу гал ҳам эркин аҳолининг энг камбағал қатламлари қулларга ёрдам берган. Улар орасидаги аскарий хизматга ярамайдиган, аммо хўжалик ишлари билан машғул бўла оладиганлари кўзғолончилар армиясини озик-овқат ва қурол-яроқ билан таъминлаб турган. Бошда кўзғолон муваффақиятли бўлган. Сицилиянинг анча қисмини, жумладан шаҳарларини ҳам инсургентларнинг қўшинлари ишғол қилган.

Эрамиздан аввалги 101- йилда Сальвий-Трифон вафотидан кейин, консул Маний Аквиллий кучли қўшин тортиб Сицилияга келгач, Афенион жангда ҳалок бўлган, сўнгги кўзғолончилар Триокалада қамалда қолиб, таслим бўлганлар. Римликлар уларнинг ҳаётини сақлаш тўғрисида ваъда берган бўлсаларда, асир қуллар Рим цирклари ва амфитеатрларида оломоннинг дилхушлиги учун бир-бирлари билан пичокбозлик қиладиган гладиаторларга айлантирилган. Шундай қилиб Сицилиядаги кўзғолон бостирилган.

Кўзғолоннинг муваффақиятсиз тугашига сабаб қулларнинг кабилавий ва маданий тарқоклиги ҳамда қатъиятсизлигидир. Баъзи қуллар кўзғолонда қатнашмаганлар, уларнинг хўжайинлари қулларга кўзғолонга аралашмаган тақдирда уларни ўа ихтиёрлари билан озод қилиш тўғрисида ёлғон ваъдалар берганлар. Хавф тугагандан кейин эса қулдорлар ваъдаларига вафо қилмаганлар. В. И. Ленин қуйидагиларни ёзганида қуллар оммасининг ана шундай тарқоклиги ва онгсизлигини назарда тутган: «Биз биламизки, қуллар кўзғолонлар қилдилар, тўполонлар кўтардилар, гражданлар урушлари очдилар, лекин улар ҳеч қачон онгли кўпчиликни, қурашга раҳбарлик қилувчи партияларни туза олмадилар. Улар қандай мақсадни қузатиб бораётганликларини аниқ тушуна олмадилар, ҳатто тарихнинг энг

революцион пайтларида ҳам ҳамма вақт ҳукмрон синфлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолавердилар»¹.

Сицилиядаги қулларнинг иккинчи қўзғолони ҳам биринчи қўзғолони каби Урта денгиз соҳилининг бошқа давлатларидаги қуллар оммаеига кучли таъсир кўрсатган. Италиянинг жанубида бир қанча майда қўзғолонлар бўлган. Агтикада Лаврион кумуш конларидаги қуллар қўзғолон кўтарганлар. Бу ерда қўзғолончилар денгиз бўйидаги истеҳкомни ишғол қилиб анча вақтгача қулдорларга қаршилик кўрсатиб тўрганлар.

Нихоят ўша йилларда Урта денгизнинг узок шимолий чеккасидаги антик давлат—Пантикапеяда грек қулдорларига қарши қуллар қўзғолони кўтарилган. Бу ҳаракатга бошчилик қилган скиф Савмак Боспор подшолигининг пойтахти бўлмиш Пантикапей шахрини босиб олиб, ўзини подшо деб эълон қилган. Қўшни областлардаги грек қулдорлари Савмакка қарши курашда ёрдам сўраб ПонтийподшолигинингподшосиМитридат УГамурожаат қилганлар. Бу подшоликнинг ерлари Эвксин Понтининг жанубий ва жануби шарқий қирғоқларига ёйилган бўлган. Митридат VI Боспор подшолиги ва Таврида Херсонесининг қўшни қисмларидаги грек қулдорларига ёрдам берган. Митридат VI юборган стратег Фиофант Херсонес шахрига ҳужум қилган скиф қўшинларини тор-мор қилиб, сўнгра Пантикапеядаги қуллар қўзғолонини бостирган. Лекин Митридат бекорга ёрдам берган эмас. У Эвксин Понтининг шимолий қирғоқларидаги грек шахарларини ҳам, Боспор подшолигининг ўша қирғоқдаги грек шахарларини ҳам ўз мулкига қўшиб олган (эрамиздан аввалги 107— 106-йиллар). Понтий подшолигининг мулки кенгайиши унинг харбий ресурслари ва сиёсий қудратини шу қадар кучайтирганки, кейинчалик Митридат VI ички ва ташқи ҳаётида бир қанча қийинчиликларни бошидан кечириб турган Рим республикасига қарши кураш бошлашга журъат қилган.

Рим қўшинлари Сицилия ва бошқа районлардаги қўзғолончи қулларга қарши кураш олиб бораётган бир вақтда тевтонлар билан кимврлар бир қанча областларни талаб, яна Италияга отланганлар. Тевтонлар шимоли-ғарб томондан Апеннин ярим оролига бостириб кириш ниятида Нарбон Галлияси орқали қирғоқ бўйлаб йўл олганлар. Кимврлар эса шарқ томон юриб, улар Альпни шимоғ томондан айланиб ўтиб, Альп тоғларининг шарқий қисмидаги тоғли водий орқали Италияга бостириб киришга қарор қилганлар. -

Эрамиздан аввалги 102- йили Гай Марий қаторасига тўртинчи марта консул қилиб сайланган. Бу воқеа халқ мажлисидаги шиддатли курашдан кейин халқ трибуни Аппулей Сатурниннинг қўллаб-қувватлаши туфайли содир бўлган. Гай Марий тевтонларга қарши ртланиб Аква Секстия деган Рим колонияси ёнида мустаҳкамланган позицияни ишғол қилган. Тевтонлар Рим лагерига ҳужум қилсаларда муваффақиятсизликка учраганлар.

¹ В. И. Л е н и н. Асарлар, 29- т., 506- бет.

Кейин улар Рим позицияларини айланиб ўтмоқчи бўлганлар, Марий уларнинг ўтишига йўл қўйиб берган, кейин эса уларнинг йўлини кесиб чиққан. У душманнинг янги хужумларини ҳам қайтарган: Ана шундан кейингина у сони ўз қўшинларидан кўп бўлган тевтонларга хужум бошлаган. Ғоят шиддатли ўтган жангда тевтон жангчиларининг кўпчилиги қириб ташланган. Римликлар душман лагерини эгаллаб олганлар. Кўпгина тевтон аёллари қулликка тушмаслик учун ўз-ўзини ўлдирган.

Марий армияси тевтонларни яқсон қилганида кимврлар консул Катул қўшинларини чекинишга мажбур этиб Италияга ёриб қирганлар ва Галлиянинг Транспада қисмини ишғол қилганлар. Эрамиздан аввалги 101-йилдагина Марий ўз қучлари билан Катул қўшинларини бйрга қўшиб, текисликдаги Верцелл шаҳри ёнида кимврлар ва иттифокчиларнинг лашкари билан тўқнашган. Луций Корнелий Сулла айниқса ботирлик кўрсатган, Бу шиддатли жангда римликлар армияси тўла ғалаба қозонган. Кимврларнинг кўп қисми қириб ташланган, қолганлари асир олиниб, қул қилиб сотилган. Шимолдан кимвр ва тевтонларюшг бостириб келиши; ва жанубда Сицилия қулларининг қўзғолони билан Рим республикасига таҳлика қилиб турган хавф ана шу тарика тугатилган.

»

3. Эрамиздан аввалги II—I асрлар бўсағасида Римдаги ижтимоий сиёсий кураш (Аппулей Сатурниннинг сиёсий фаолияти). Гай Марийнинг ажойиб ғалабалари унга Рим аҳолисининг халқ оммаси ичида ғоят катта шухрат ва обрў келтиргаш Хаттоки, Гай Марийни кўра олмайдиган оптиматлар ҳам Италия ва Рим-Ни шимолий қабилаларнинг бостириб киришидан у қутқазиб қолганлигини тан олганлар. Сенат ўнга Ватан Отаси (Pater Patriae) ва Римнинг Иккинчи асосчиси деган унвон берган. Лекин ғолиб саркарда ўз армиясининг кекса аскарларига давлат фондидан ер бўлиб беришни илтимос қилиб сенатга муро, жаат қилганида сенат унинг илтимосини рад қилган.

Гай Марий сенатнинг душманлик муносабатини енгиб, ўза* ро ёрдамлашиш тўғрисида популярларнинг бошлиқлари Луций Аппулей Сатурнинва Гай Сервий Гавций билан келишиб олган. Улар қайта-қайта оптиматларга қарши чиқиб, суворилар ва плебс манфаатига қаратилган бир қанча қонун чиқартирганлар. Эрамиздан аввалги 104-йилда Гавций вилоятларидаги ноибларнинг хиёнатларига доир ишларни тергов қиладиган суд комиссияларини суворидар қўлига топшириш тўғрисида Гай Гракх ишлаб чиққан суд қонунини тиклашга муваффақ бўлган. Сўнг эса эрамиздан аввалги 103-йили Аппулей Сатурнин плебсига тарқатиб бериладиган дон нархини хийла пасайтириш тўғрисида қонун чиқартирган. Ушанда Марий армиясининг ветеранларига Африкадан ер участкалари бўлиб бериш хақида қонун чиқартиришга ҳам муваффақ бўлган.

Эрамиздан аввалги 101-йилда Марий легионидаги жангчиларга бундан кейин ҳам ер бериш масаласи кўзғалган, аммо

сенат бунни рад қилган. Аввал бошда халқ мажлисида оптиматларнинг қаршичилигини енгиб, Марий, Аппулей Сатурнин ва Главций эрамиздан аввалги 101-йилга магистратлик вазифаларига: Марий консул қилиб, Сервилий Главций претор қилиб, Аппулей Сатурнин иккинчи марта халқ трибуни қилиб сайланган!

Магистрат бўлиб қолган иттифоқчилар Марий жангчиларига колонияларда катта ер участкалари (100 югердан) бўлиб бериш тўғрисида янги аграр қонун чиқартирган, колониялар эса Рим вилоятларидан ташкил этилиши лозим бўлган. У ерлар Марий жангчиларига тўла мулк қилиб бепул бериладиган бўлган. Чек ерларни Рим граждандари билан бир қаторда италиклардан бўлган ветеранлар ҳам олган, шундай қилиб улар граждандарга тенг қилинган. Колониялар тузишга раҳбарлик қилиш Марийга топширилган.

Бу қонун атрофида каттик кураш бошланиб кетган. Унинг тасдиқланишига оптиматларгина эмас, балки кўпгина суворилар ҳам қарши чиққайлар. Лекин уни мажлисда ҳозир бўлган Марий каттик олишувлардан кейин жангчилар ёрдамида ҳар ҳолда тасдиқлаттирган.

Аппулей Сатурнин сенаторларнинг янги аграр қонунни тан олиб қасам ичишларини талаб қилган. Қасам ичишдан фақат Метелл бош тортган ва у бадарға кетишга мажбур бўлган.

Зрамиздан аввалги 99-йилга халқ трибуналарнинг сайлашга тайёргарлик пайтида Римда жуда ҳам таранг вазият юз берган. Аппулей Сатурнингга тарафдор бўлган оломон халқ трибуни вазифасига оптиматлар томонидан номзоди қўйилган Гай Мемийни ўлдирган. Сенат бунга жавобан шаҳарда харбий ҳолат эълон қилиб, Гай Марийга консул сифатида қуроли кучларни ишга солиб шаҳарда тинчлик ўрнатишни топширган. Марий бу топшириқни бажаришда иккиланиб турсада, оптиматлар томонига ўтиб кетган суворилар тазйиқи остида ўзига топширилган вазифани бажаришга мажбур бўлган. Янги халқ трибуналари ўз вазифаларига киришган куни Рим форумида жанг бўлган. Сатурнин, Главций ва бошқа популярларнинг тарафдорларини Марий қўшинлари тум-тарақайтарқатиб юборган. Улар Қайитойга бекиниб олганлар ва ҳаётларини сақлаш шарти билан таслим бўлганлар. Лекин уларни сенатга олиб келганларида ёш оптиматлар ҳужум қилиб ўлдиришган. Бошқалар қатори популярларнинг бошлиқлари бўлмиш Аппулей Сатурнин ва Главций ҳалок бўлган (эрамиздан аввалги 100-йилнинг декабри). Узининг сиёсий дўстлари бўлмиш популярларга нисбатан хоинлик қилиши туфайли сиёсатчи сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам Гай Марийнинг обрўсига путур етган. Сенатда кўпчиликни ташкил этган оптиматларнинг унга ишонмаслиги ва душманлик муносабати, популярларга хиёнат қилгани учун плебснинг нафрати Марийни Улуғ она Кибела ибодатхонасини зиёрат қилишни баҳона қилиб Римдан Кичик Осиёга жўнаб кетишга ва сиёсий фаолиятини кўп вақт ташлабтуришга мажбур этган.

ОПТИМАТЛАР БИЛАН ПОПУЛЯРЛАР КУРАШИ. ЛУЦИЙ КОРНЕЛИЙ СУЛЛАНИНГ ДИКТАТУРАСИ

1. Эрамиздан аввалги I асрнинг 90-йиллари охирида Римдаги ижтимоий-сиёсий кураш (Ливий Друзнинг сиёсий фаолияти). Аппулий Сатурнин билан Сервилий Главций халок бўлгандан кейин Римда сиёсий устунлик сенат атрофига бирлашган оптиматлар қўлига ўтган. Популярлар қўпинча нобиллар орасидан ҳам чиққан. Зодагонлар ичидан чиққан аламзадалар ва сенатдаги кўпчиликдан норози бўлганлар. популярлар қаторига келиб қўшилган. Эрамиздан аввалги биринчи асрнинг 90-йиллари ўртасида популярларнинг йўлбошчилари сенат олигархиясига қарши курашишга ожизлик қилган.

Оптиматлар билан сувориларнинг Сатурнин билан Главцийга қарши кураш жараёнида таркиб топган иттифоқи мустаҳкам бўлиб чиқмаган. Вилоят ноибларининг хиёнатларини текширувчи суд комиссияларида сувориларнинг ҳукмронлиги публиканларнинг зўравонлигига айланиб кетган, улар,бирор нарса билан ўзларига ёқмай қолган халол ва беғараз кишиларни ҳам суд қилаверган. Уларнинг бу қилиғи сенаторлар орасида норозилик туғилишига сабаб бўлган.

Иккинчи томондан, жангчиларнинг кўп қисмини Рим армиясига бериб турган иттифокдош италийлар ўзларига Рим граждандлиги ҳуқуқлари берилишини тобора қаттиқ талаб қилганлар.

Эрамиздан аввалги I асрнинг 90- йиллари охирида ижтимоий зиддиятлар шу қадар кескинлашиб кетганки, янги социал ғалаёнлар чиқиш хавфи кўп сиёсий арбобларга аён бўлиб қолган.

Эрамиздан аввалги 92- йил охирида халқ трибуни вазифасига Марк Ливий Друз сайланган. Бу андишали сиёсий арбоб гарчи оптиматларнинг йўлбошчилари билан маҳкам алоқада бўлсада, бошланиб кетиши мумкин бўлган янги ижтимоий курашнинг олдини олиш учун баъзи бир реформалар ўтказиш зарур деган фикрга келган.

Эрамиздан аввалги 91-йилда Ливий Друз бир неча конун лойиҳасини сенат муҳокамасига қўйган. У вилоят ноибларининг хиёнатлари тўғрисидаги ишларни -сенатнинг суд комиссиясига топширишни, аммо сенатни 300 сувори билан тўлғазишни таклиф қилган. Шу билан бирга Ливий Друз арзон нарх билан дон тарқатишни кенгайтиришни, Рим граждандларининг колонияларини жамоат далалари ҳали бўлинмаган Кампания ва Сицилияга чиқаришни таклиф этган. Аммо Друзнинг Римнинг барча италий иттифокчиларига Рим граждандлик ҳуқуқларини тортиқ қилиш тўғрисидаги таклифи жуда муҳим тадбир бўлган. Гай Гракхнинг конун лойиҳаси рад қилингандан кейин иттифокчиларнинг ахволи жуда ёмон бўлиб қолган. Рим магистратлари иттифокчиларга нисбатан ҳар қандай ўзбошимчаликлар ишлат-

ган. Зодагонлар иттифоқчи қабилалар ва шаҳарлардаги жамоа ерларини босиб ола бошлаганлар. Рим вилоятлари билан савДо ва молиявий операцияларни олиб боришдан манфаатдор бўлган жанубий Италия савдогарлари ва судхўрлари ҳуқуқда римликлар билан тенгликни қаттиқ талаб қилганлар.

Иттифоқчи жамоалардаги зодагонларнинг баъзи намояндалари Ливий Друз билан махфий алоқа боғлаганлар, у иттифоқчиларга гражданлик ҳуқуқлари берилиши Рим республикасининг ахволини мустаҳкамлайди, деган фикрда бўлган. Айтилиши вақтда иттифоқчилар ўзларига Рим гражданлиги ҳуқуқлари тортиқ қилиниши тўғрисидаги қонун лойиҳаси рад қилинган тақдирда қуролли кураш тайёрлашни кўзда тутиб махфий ташкилот тузганлар,;

Эрамиздан аввалги 91- йил охирида халқ мажлисида Ливий Друзнинг қонун лойиҳалари муҳокама қилинаётган пайтда консул Марций Филипп бу лойиҳаларга қарши чиққан. Ливий Друз ўзининг халқ трибуни ҳуқуқидан фойдаланиб Филиппни, мажлисдан чиқариб юборган ва унинг қонун лойиҳалари қабул этилган. Аммо Ливий Друзнинг иттифоқчилар билан алоқаси сенатга маълум бўлгандан кейин Марций Филипп халқ мажлисининг қарори эътибордан соқит деб эълон қилинишига эришган. Шундан кейин Ливий Друз ўлдирилган.

Ливий Друзнинг қонун лойиҳаси рад қилингани ва унинг ўлдирилгани тўғрисидаги хабар кўпчилик иттифоқчи жамоаларнинг аҳолиси ўртасида қаттиқ ғазаб уйғотган ва иттифоқчиларнинг Римга қарши кўзғолон кўтаришларига сабаб бўлган. Бу кўзғолон тарихда Иттифоқчилар уруши ёки Марсий уруши номи билан машҳурдир (эрамиздан аввалги 88—91-йиллар).

2. Италиядаги иттифоқчилар уруши ва эрамизда аввалги I асрнинг 90-йиллари охирида **Урта денгиз дунёсининг халқаро** ахволи. Римликларга қарши кўзғолон Авскул шаҳрида бошланган. Шаҳар аҳолиси Ливий Друзнинг ўлдирилгани тўғрисидаги хабарни эшитиб театрда тўпланган. Мажлисада хабардор бўлган Рим претори ҳам театрда келган, унинг мажлис аҳлига қараб гапирган ҳақоратли нутқи ҳаммани ғазабга келтирган. Авскул аҳолиси дилозор ва унинг аскарларининг таъзирини берган, шундан кейин бошқа иттифоқчиларни ҳам кўзғолонга чақирган. Урта ва жанубий Италиянинг кўп қисмида кўзғолон кўтарилган. Йирик қулдорлик ҳўжалиги ривож топган Умбрий ҳамда Этруриянинг анча қисмигина Римга бўлган сadoкaтини саклаб қолган. Бундан ташқари Апеннин ярим оролининг турли областларида сочилиб турган колониялар римликларнинг таянчини ташкил этган.

Самнийлар, луканлар ва ўрта Италиянинг кичикроқ тоғ халқи бўлмиш марслар кўзғолоннинг энг ғайратли қатнашчилари бўлганлар. Марслардан Квинт Помпедий Силон ва самнийлардан Фай Папий Мутил кўзғолончиларнинг ҳарбий қучларини уюштирганлар ва уларнинг ҳарбий бошлиқлари бўлганлар. Улар

қўзғолончилар армиясини барпо қилар эканлар, римликларнинг ҳарбий ташкилотидан ва қурол-яроғларидан намуна олганлар.

Уруш оғир ва кескин тус олган. Рим армияси қаторларини тўлдириб туриш учун сенат легионларга озод этилган қўлларни олишга ва вилоятларда тўпланган отрядларни чақиришга буйруқ берган. Римда ғалла тарқатиш, суд ишларини кўриш тўхта-тилган. Кўшинларга қўмондонлик қилиш учун консулларга ёр-дамчи қилиб энг тажрибали лашқар бошилари, шу жумладан Гай Марий ва Луций Корнелий Сулла ҳам чақирилган.

Урушнинг дастлабки даврида қўзғолончилар муваффақият қозонганлар. Уларнинг отрядлари жанубий Италиядаги бир неча шаҳарни эгаллаган. Рим қўшинлари қаттиқ мағлубиятга учраган. Қўзғолончилар шаҳарларни ишғол қилиб маҳаллий қўлдор зодагонларни кийратган. Камбағаллар, баъзи жойларда қўллар ҳам қўзғолончиларга қўшилган. Мағлубиятлар Римнинг ўзида плебснинг ғалаёнига сабаб бўлган. Римликларга содик қолган этруск ва умбралар ҳам тараддудга тушган.

Қўзғолончи италиклар давлат ташкилотлари тузишга ҳаракат қилганлар. Корфиний шаҳрини улар пойтахт деб эълон қилганлар ва унинг номини Италия қилиб ўзгартирганлар. Унда қўзғолонга қатнашаётган турли шаҳарлар ва қабилаларда сайланган 500 аъзодан иборат «сенат» тўпланган. Сенат иккита консул ва 12 та претор сайлаган. Танга пул зарб қилинган, унда Рим бўрисини сузиб турган италий ҳўкизининг суратқ солинган.

Урушдаги жиддий муваффақиятсизликлар римликларни итти-фокчиларга бўлган муносабатларини ўзгартиришга мажбур этган. Эрамиздан аввалги 90- йил охирида Луций Юлий Цезарь Римга содик бўлиб қолган иттифокчиларга Рим гражданлик ҳуқуқларини тортиқ қилиш тўғрисида қонун чиқартирган. Эрамиздан аввалги 89-йил бошида янги қонун пайдо бўлган, бу қонунда у эълон қилинган қундан бошлаб йкки ой мобайнида қуролини ташлаган, яъни қаршилиқ кўрсатмай қўйган, барча иттифокчи қўзғолончиларга ҳам Рим гражданлиги ваъда қилинган.

Римликларнинг ён босиб кўрган бу тадбирлари қўзғолончилар орасидаги бирмунча бой гуруҳларнинг иккиланишига ва қўзғолондан қайтишларига сабаб бўлган. Лекин сўмнийлар, луканлар ва марслар ҳамда бошқа баъзи иттифокчи жамоалар қурашни давом эттирганлар. Шундай бўлса ҳам ҳарбий усту-нлик секин-аста римликларга ўтган. Римликлар қўзғолончилар-нинг қахрамоиона қаршилигини енгиб Корфинийни эгаллаганлар (эрамиздан аввалги 89-йил).

Қўзғолон кўтарган иттифокчиларнинг асосий қучлари тор-мор қилинган (эрамиздан аввалги 88- йил) бўлсада, баъзи тоғли районларда хали уруш бир қанча вақтгача давом этган. Аммо мағлуб бўлишларига қарамай, иттифокчиларнинг кўпчилиги

Рим гражданлиги ҳуқуқини олганлар. Бу янги граждaнларнинг таъсири кучайиб кетмаслиги учун сенат халқ мажлисида 35 трибдан фақат 10 тасигагина уларни киритишга қарор қилган. ? ! •

Италиядаги Иттифокчилар уруши тугамасданок Рим республикаеи Урта денгиз шаркидаги Понтия подшолиги билан оқир урушга киришишга мажбур бўлган. Бу давлатнинг ғайратли ва жасур подшоси Митридат VI Евпатор қудратли қуролли кучлар ва катта флот барпо қилган.

Митридат Арманистон подшоси Тихрон II билан иттифок тузган ва у билан қариндош ҳам бўлиб қолган. Митридат билан Тихрон салавқилар монархиясининг қулашидан Парфия давлатининг Урта Осиёдаги кўчманчи халқлар хужумига учраб вақтинча заифланиб қолганлигидан, Италияда социал сиёсий қурашнинг кескинлашишидан фойдаланиб ўз давлатларини кўп қабилали катта давлатларга айлантириш мақсадида босқинчилик урушларини бошлаганлар.

Эрамиздан аввалги 92-йилда Митридат кўшинларининг Каппадокия подшолигини босиб олишидан ташвишга тушган Рим сенати Корнелий Суллани шарққа юборган. Рим элчиси Каппадокияда фақат Понт.ва арман подшоларининг вакиллари билангина эмас, балки Парфия элчиси билан Ҳам учрашган ва уни менсимаслиги билан ҳақорат қилган.

Митридат римликлар билан парфияликлар ўртасидаги душманлик муносабатларидан ва Рим республикасининг ички қийинчиликларидан фойдаланиб яна Каппадокияни ва римликлар билан дўстона муносабатда бўлган Вифиния давлатини босиб олган. Бунинг устига понт подшолигининг агентлари Осиё цилоятларидаги аҳолини Рймга қарши кўзғолон кўтартирган. Лйни вақтда понт подшосининг кўшинлари Рим вилояти территориясига бостириб кирган, аҳоли уларни ўзларининг иажотчилари деб кутиб олган, минглаб Рим савдогарлари, маъмурлари на айниқса судхўрлар ва публиканлар Митридат буйруғи билап кириб ташланган. Озгина бой эллинистик қулдорлар римликлар-Га ^айрихоҳ бўлсалар-да, улар кучсизлик қилган, чупки Митридат Рим публиканлари куллиққа солган қарздорларнипг ҳаммасини озод қилишни буюрган.

Митридат Кичик Осиёда Эгей архипелатини эгаллаб ўз таъсирини Европа Грецияси ва Македонияга ўтказган. Афина Понт подшоси томонига ўтган. Айни вақтда Митридатнинг иттифокчиси Тихрон II шимолий Месопотамияни, Сурия ва Фаластинни ишғол қилган (эрамиздан аввалги 88-йил.).

3. Эрамиздан аввалги 80- йилларда Рим республикасида граждaнлар уруши ва Понт подшолиги билан биринчи уруш. Эгей ҳавзасидаги мамлакатларда римлимар ва италикларқир-НП қилиниши тўғрисидаги хабар Рим аҳолисида, айниқса, суво-|плар ичида қаҳр ва ғазаб уйғотган. Рим савдогарлари, судхўр-Лйри ва публиканлар ҳалок бўлган касбдошларининг қасдинн

олишга интилишгина эмас, балки иктисодий жиҳатдан риож топган Шаркий Урта денгиз мамлакатларини талаб катта бойлий орттиришни ҳам ният қилганлар. Шунинг учун ҳам улар Митридатга қарши урушда суворилар билан маҳкам алоқада бўлган киши қўмондонлик қилиши лозим деб билганлар. Бунинг учун улар назарида Иттифоқчилар уруши вақтида сафга қайтиб келган кекса Гай Марий энг мувофиқ номзод бўлган.

Аммо оптиматлар гуруҳи бошчилик қилган сенат Митридат билан урушга қўмондон қилиб эрамиздан аввалги 88- йили қопсул бўлиб турган Луций Корнелий Суллани тайинлагани. Сулла шарқдаги сиёсий вазиятни яхши билган. Иттифоқчилар урушида у ўзининг серғайрат лашкарбоши эканлигини исбот қилган ва қўзғолончиларнинг қаршилигини шафқатсизлик билан бос-тирган.

Сулла янги ҳарбий ҳаракат майдонларига отланишга тайёр турган кучли армияга бошчилик қилган. Сулла легионлари Брундизия томон йўл олганлар, улар бу ердан Болкон ярим оролига ўтишни ният қилганлар.

Шунга қарамай суворилар ва улар билан алоқада бўлган Гай Марий Митридатга қарши уруш олиб бориш масаласини ҳал этишни қаттиқ талаб қилганлар. Уларнинг вазиваси билан халқ трибуни Сульпиций Руф халқ мажлиси орқали Суллани қўмондонлик вазифасидан қақриб олиш ва унинг ўрнига Гай Марийни юбориш тўғрисида қарор чиқартирган. Айни вақтда иттифоқчилар бўлган янги Рим гражданини ҳамма 35 трибага бўлиш тўғрисида ҳам қарор чиқарилган ва натижада оптиматлар билан курашда популярларнинг мавқеи хийла мустаҳкамланган. Сульпиций Руф қонунларини сувориларнинг кўпчилиги ва Осиёдаги уруш майдонига бориб талончилик йўли билан бойишни орзу қилиб турган Гай Марий легионларининг ветеранлари қўллаб-қувватлаган. Халқ мажлисининг қарори Сулла армиясининг жангчиларига маълум бўлгандан кейин қўмондонлик состави қарорга бўйсуниб Римга қайтиб кетишга тайёр эканлигини билдирган. Аммо қатта-катта ўлжа олиш умидида турган рядовой легионлар улар ўрнини бошқа армия олишидан қаттиқ ғазабга келганлар. Улар Сулланинг қароргоҳини қуршаб олиб, армияни ўзларига зарур тартиб ўрнатиш учун Рим устига юришни талаб қилганлар. Сулла легионларининг шу қайфиятидан фойдаланиб армиясини Рим устига юришга бошлаган (эрамиздан аввалги 88- йил).

Марий ва унинг тарафдорлари қаршилик кўрсатишга уринганлар. Рим атрофида шиддатли жанглар бошланган. Сулла Римга ўт қўйиш билан қўрқитган. Унинг бу дўки таъсирсиз қолмаган: Сулла жангчилари Римни ишғол қилган. Сулланинг таклифи билан сенат халқ мажлисининг қарорини эътибордан соқит деб эълон қилган. Марий, Сульпиций Руф ва бошқа бир қанча кишилар Рим халқининг душмани деб эълон қилинган, уларнинг мулки мусодара қилиниши, ўзлари эса ўлдирилиши

лозим бўлган. Сульпиций Руф қўлга туширилиб ўлдирилган[^] пммо Марий ва унинг кўпгина тарафдорлари қочиб қутулганлар. Марийнинг ўзи омон-эсон Африкага етиб бориб, Карфаген харобаларида бекиниб яшаган.

Сулланинг таклифи билан сенат Римда таркиб топган давлат тартибларини ўзгартирувчи бир қанча қарбр чиқарган. Халқ мажлисининг ҳокимияти чекланиб, у фақат сенат муҳокама қилган масалаларнигина кўришга ҳақли бўлган. Халқ трибунлари эса фақат айрим Рим гражданининг манфаатларини ҳимоя қилиш билангина шуғулланидиган бўлган. Халқ мажлиси бундан кедин овоз беришни эрамиздан аввалги II—I асрларда одат бўлиб қолганидек, трибларда эмас, балки эски тартибга қайтиб центурийларда ўтказиши лозим бўлган. Шу билан бирга овоз беришни биринчи синф, яъни энг зўр бойлар бошлаб берар экан. Ниҳоят, сенат энг зодагон нобиллардан 300 вакил олиб ўлдирилган.

Сулла эрамиздан аввалги 88-йил охирида келгуси йилга (эрамиздан аввалги 87-йилга) консуллар сайловши ўтказиб Шарққа отланиши лозим бўлган, чунки Митридатнинг муваффақиятлари римликлар учун ғоят хавфли тус олган.

Сулланинг Эгей ҳавзасида янги уруш майдонига кетиши Марий тарафдорларини дадиллаштирган. Эрамиздап аввалги 87-йил сайланган консуллардан бири Луций Корнелий Цинна иопулярлар томонига ўтиб, Сулла ҳайдаб юборган барча Рим гражданини қайтариш Ни талаб қилган. Шу билан бирга Цинна иттифоқчи гражданининг барча 35 трибга бўлипишини тасдиқлашни ва халқ трибунларининг тўла ҳокимлигини тиклашни таклиф этган.

Оптиматларнинг тарафдори бўлмиш бошқа консул октавий Циннанинг таклифларига қарши чиққан. Цинна таклифларини муҳокама қилаётган халқ мажлиси жанг майдонига айлапган. Унда оптиматлар устун келган. Цинна Римдан қочиб кетишга мажбур бўлган. У италикларнинг шаҳарларини кезиб, ўзини ва бошқа Рим популярларини қурол кучи билан қўллаб-қувватлашга чақирган. Тезда Цинна қўл остига хийла катта куч тўпланган. Италияда бўлаётган воқеалардан хабардор бўлган Гай Марий ватанига қайтиб келган ва ўз ветеранларидап ва хатто озодлик ваъда қилинган қуллардан тўплаган отряди билан Цинна қўшинига қўшилган.

Цинна ва Марий қўшини Римни қамал қилган ва шаҳарда очарчилик бошланиб, сенат таслим бўлган. Марийчилар шаҳарга бостириб киргач кўпгина оптиматларни қириб ташлаганлар. Консул Октавий ҳам ҳалок бўлган. Аммо Марий ўз душманларига қарши қурашда қуллардан фойдаланиб уларга ҳомийлик қилгани учун озод Рим гражданининг кўпчилиги унга ёрдам бермай қўйишдан чўчиган. Шунинг учун ҳам у қул жангчиларнинг ҳаммасини бир жойга тўплаб, уларни қириб ташлаш тўғрисида лашқар боши Квинт Серторийга буйруқ берган. Кечаси

Сертбрийнинг жангчилари ухлаб ётган қулларни қуршаб оли 4 минггача кишини қириб ташлаган. Қулларнинг ана шу тари ваҳшиёна қирғин қилиниши популярларнинг ҳеч ҳам демокра арбобларбўлмаганини, балки ўзларининг сиёсий қарашлари в усуллари билан бошқачароқ қуллар гуруҳи эканини, ўзларини сиёсий душманлари оптиматлардан унча фарқ қилмаганлигин яққол кўрсатиб турибди.

Марийчилар Сулла ўрнатган барча сиёсий тадбирларни б кор қилиб ва халқ трибунларининг ҳамма ҳуқуқ ва ҳокимия ларини тиклаб иттифокчилардан бўлган янги граждaнларни 3 трибнинг ҳаммасига тақсим қилганлар. Суллани армия қўмон- дони вазифасидан бўшатиш ва уни Рим халқининг душмани деб эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарилган. Шундан кейин Цинна ва ГайМарий эрамиздан аввалги 86-йилга консул қилиб сайлан- ган, Лекин Марий касал бўлиб ўлган. Шунинг учун ҳам Мит- ридатга қарши юборилган армияга раҳбарлик қилиш Марий- нинг ўлиmidан кейин унинг ўрнига консул қилиб сайланган Луций Валерий Флаккга топширилган (эрамиздан аввалги 87-йил).

Римда ва Италияда ҳокимийатни популярлар қўлга олаётган вaқтда Митридатга қарши Сулла муваффақиятли уруш хара- катлари олиб борган. Эрамиздан аввалги 87- йилда Эпирда ке- малардан тушиб Беотияга йўл олган ва бунда Понт подшосининг стратегларидан бири қўл остидаги қўшинни тор-мор қилган. Шундан кейин Рим армияси Афинани камал қилган. Эрамиздан аввалги 87-йилнинг 1 мартада легионлар Афина ва Пирейга бостириб қириб, аҳолини талаганлар ва қирғин қилганлар. Афинани ишғол қилганнинг фақат учинчи куни Сулла шаҳар- ии вайрон қилишни тўхтатишга буйруқ берган.

Сулла Понт подшосининг янги катта армияси Македонияни ишғол қилиб Беотияга бостириб кирганини эшитиб, уни қарши олишга йўл олган ва Херонея тоғи ёнида понт қўшинларини яксон қилган (эрамиздан аввалги 86-йил). Орхомен ёнида бўл- ган иккийчи жангдан сўнг Митридат армиясининг қолган-қут- ганлари Осиёга кочиб кетган.

Римликлар билан олиб борилган урушдаги мағлубиятлар натижасида Митридат Кичик Осиё ва Эгей архипелаги оролла- рида ишғол қилган областларда яшовчи аҳолидан оладиган соли- кларни кўпайтиришга мажбур бўлган. Бу аҳолидан олинади- ган жангчилар сони ҳам кўпайтирилган. Бу ҳол ғулғула ва но- розиликларга сабаб бўлган, бундан эса римликларнинг тараф- дорлари фойдаланганлар. Эфесда ва баъзи бошқа шаҳарларда Рим тарафдорларининг кўзғолонлари авж олди. Ушбу ғулғула ва норозиликларга жавобан Митридат қарзларни тамоман ке- чишни, кўзғолон кўтарган шаҳарлардаги метекларга граждaн- лик ҳуқуқлари тортиқ қилишни ва' хатто римликларга хайрихоҳ бўлган граждaнларга қарши чиққан қулларни озод этишни ваъда қилган.

Эрамиздан аввалги 86-йил охирида Грецияда популярлар томонидан юборилган Луций Валерий Флакк қўмондонлигидаги Рим армияси пайдо бўлган.

Сулла армиясида легионерларга популярлар қўшинидагидан кўра кўпроқ мойна берилишини эшитиб, Флакк жангчиларида кўп киши Сулла лагерига ўта бошлаган. Флакк ўзига тобе кишиларнинг садоқатига кўзи етмай ва Сулла қўшинлари билан тўқнашишдан қочиб Македонияга йўл олган. Популярлар армиясининг командирлар состави Флаккнинг бу ҳаракатини ҳиёнат деб билган ва улар ўтасида бундан каттиқ норозилик туғилиб, улар Флаккни ўлдиришган. Армияга қўмондонликни дов юрак лашкар боши Гай Флавий Фимбрция ўз устига олган. У ўз армияси билан Пропонтида соҳилида Митридат қўшинларини каттиқ мағлубиятга учратган ва ундан Кичик Осиёга ўтиб Пергамни ишғол қилган. Айши вақтда Сулланинг легати Луций Лициний Лукулл Мисрдан Птолемей IX римликларга ёрдамга рборган катта ҳарбий флотни олиб келган. Кичик Осиёва архипелагоролидаги кўп шаҳарларда Римга хайрихоҳ кайфиятдаги гражданларнинг яна кўзғолонлари бошланган. Митридатнинг ахволи ниҳоятда чигаллашган ва у Суллага сулҳ музокаралари бошлашни таклиф этган.

Сулла билан Митридат ўртасидаги сулҳ шартномаси эрамиздан аввалги 85-йили унча катта бўлмаган Дардан шаҳрида тузилган. Дардан сулҳи шартларига кўра Митридат Вифиния ва Каппадокияда ишғол қилган Рим вилоятларини бўшатиб бериши лозим бўлган. Понт подшоси Суллага товон тўлаш ва ҳарбий кемаларнинг кўп қисмини римликларга топшириш мажбуриятини ўз устига олган. Аммо Понт подшоси ўз мулки ва ҳокимиятини ўз қўлида тўла сақлаб қолган. Сулланинг ҳам, Митридатнинг ҳам урушни давом эттиришга қурби етмаган: Митридат мағлубият орқасида жуда заифланиб қолган, Сулла эса душмани Фимбрция армиясининг пайдо бўлиши ва Италия билан Римда юз берган аҳвол туфайли ҳаракатни давом эттира олмаган.

Сулланинг ғалабалари тўғрисидаги хабардаи кейини Италияда популярларнинг ҳокимияти бўшашиб қолган. Циция янги армия тўплашга ҳаракат қилиб кўрган бўлсада мақсадига эриша олмай, исён кўтарган жангчилар томонидан ўлдирилган. Сулла Кичик Осиёда Фимбрция қўшинларига қарши отланган, лекин иш жанггача бориб етмаган. Фимбрция легионерларининг кўпи Сулла қўшинига қочиб ўта бошлаган. Фимбрция мутлақо ҳалок бўлишини сезиб ўз-ўзини ўлдирган (эрамиздан аввалги 85-йил охири).

4. Эрамиздан аввалги I асрнинг 80-йиллар охирида Рим республикасидаги гражданлар уруши. Луций Корнелий Сулланинг диктатураси. Сулла эрамиздан аввалги 85—83-йилларда Кичик Осиё ва Грецияда бўлиб, Италия ва Римда мустахкамланиб олган популярларга қарши курашга тайёргарлик кўрган.

У римликлар ва италикларни қирғин қилишда қатнашма Осиё ва Эгей архилелаги оролларидаги вилоятларнинг аҳолиси дан. шафқатсизлик билан ўч олган. Осиё вилоятига катта тово солган. Унда гарнизон сифатида собиқ Фимбрия армиясининг легионлари қолдирилган. Маҳаллий аҳоли бу гарнизонни барч зарур нарсалар билан таъмин этиш ва кундалик мойналарии тўлаб туришга мажбур этилган.

Шу билан бирга Сулла ўз душманларининг курашга тайё гарлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва популярла армиясининг жангчилари орасида ўз фойдасига ташвиқот иш лари олиб бориш учун Италияга ўзининг жуда кўп вакиллариини юборган.

Сулла ўз қўшинлари билан Осиёдан жўнаб, Афинадан Рим сенатига ўз дилозорларидан қасдини олиш учун келаётганини маълум қилиб хат юборган.

Эрамиздан аввалги 83-йил баҳорида Сулла армияси ҳеч қандай қаршиликка учрамай, Брундизияда кемалардан соҳилга тушган. Душманларнинг кучи сон жиҳатидан анча кўп бўлсада, сифат жиҳатидан Сулланинг Митридатга қарши урушда чиниққан ғолиб легионлари билан тенглаштириш сира мумкин бўлмаган. Циннанднги ўлимидан кейин популярлар армиясига Гней Папирий Карбон билан Марийнинг ўғли Гай Марий Кичик бошчиллик қилган, лекин бошда армияга мудофаани кўнгилдагидек ташкилэтаолмаган ваҳарбий ишда нўноқ консуллар бош бўлган.

Италия соҳилига келиб тушган Сулла армияси тезда қўшимча куч олган. Кўпгина зодагон оптиматлар унинг томонига ўта бошлаган. Улар ўзлари билан клиентлар ва қарам ер ижарадорлари — колонлардан тузилган бутун-бутун отрядлар олиб келган. Металлнинг ўғли, собиқ консул Луций Марций Филипп, ёш боён сувори Марк Лициний Красс ва ўзи билан учта легион олибкелган ғоят бой катта ер эгаси Гней Помпей Суллага қўшилган. Сулла Римга Кампания орқали йўл олган. У бунда битта консул қўшинини тор-мор қилиб, иккинчи консул жангчиларини ўз томонига" оғдиришга муваффақ бўлган.

Лекин самнийлар, луканлар ва бошқа италиклар қатъий равишда популярларнинг йўлбошчиларини қўллаганлар. Улар бир қанча жангларда Сулла қўшинларининг хужумига жиддий қаршилик кўрсатганлар. Аввало қутилмаганда Рим томонига ўтган ва Марий мудофаа қилиб турган Пренесте шаҳри қаршилик маркази бўлган. Бунда Римнинг шаҳар деворлари бўйида, Коллин дарвозаси ёнида гражданлар ўрушининг охирини хал қилувчи жанг бўлган (эрамиздан аввалги 82-йил, биринчи ноябрь). Сулла ғалаба қилиб барча асирларни қириб ташлашни буюрган. Популярларнинг баъзи йўлбошчилари (жумладан, Гай Марий Кичик ҳам) жангда ҳалоқ бўлган, бошқалари (Карбон, Квинт, Серторий) вилоятларга ва Испанияга қочиб кетган.

Сенат Сулла тарафдорларининг талаби билан уни муддатсиз диктатор деб эълон қилган-. Сулла ҳокимият тепасига келгач

душманларидан каттиқ ўч олган. У ҳамма душманларининг исмлари эсида қолмаганидан ўз яқинларига республика душмани деб эълон қилинган кишиларнинг рўйхатларини тузишни топширган. «Проскрипциялар» деб аталган бу рўйхатлар Рим форумида осиб қўйилган. Проскрипцияларда номлари ёзилган граждандар ўлим жазосига ҳукм этилган. Уларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, қуллари озод этилган. Уша рўйхатда кўрсатилган гражданди ўлдирган кишига унинг мулкидан бир қисми мукофот қилиб берилган. Натижада ўлдириш ва талаш оммавий тус олган. Сулланинг яқинлари кўпинча ўзларининг шахсий душманларини ёки мол-мулкини талаб олмақчи бўлган бадавлат кишиларни ҳам ўша рўйхатга киритганлар. Бу рўйхатлар натижасида Сулла тарафдорларининг кўплари талаш йўли билан ғоят катта бойлик орттирганлар. Айниқса Марк Лициний Красс жуда бойиб кетган.

Сулла ўзининг диктаторлик ваколатидан фойдаланиб оптиматларнинг тўла ҳукмронлигини таъминлаш мақсадида Рим давлат тузумини бутунлай қайтадан ташкил этган. Унинг фармойишига кўра 600 кишидан иборат сенат раҳбар давлат органи бўлган. Сенатасосан Сулла армиясининг лашкар бошилари-дан тўлдирилган.

Сенатнинг суд соҳасидаги вазифаларини кенгайтириш учун ундан ҳар хил суд комиссиялари ажратилган. Магистратлар, айниқса квесторлар сони (8 дан 20 тагача) жуда кўпайтирилган, Магистраторлик лавозимларини 30 ёшга кирган одамларгина эгаллай олган. Магистратлар сайлаганда бундан камида ўн йил бурун шу лавозимда бўлган кишиларнинггина 'Номзодларини кўрсатиш мумкин бўлган.

Халқ мажлисининг ҳуқуқлари каттиқ чегаралаб қўйилган. Сенат қабулида ўтган қонунларнигина халқ мажлиси қабул эта олган. Халқ трибунларининг ҳуқуқлари айрим граждандарнигина химоя қилишдан иборат қилиб қўйилган. Иптерцессия ҳуқуқи бутунлай йўққа чиқарилган даражада қискартирилган. Бундан ташқари халқ трибуни лавозимидаги шахс, бошқа магистратура вазифасини эгаллай олмаган. Сулла бундай қарор билан нобиллардан популярларнинг янги йўлбошчиси пайдо бўлишига ғов ташлаган. Ниҳоят плебсга ғалла тарқатилмай қўйилган.

Диктаторнинг таянчи унинг жангчилари ва проскрипцияга кирган шахсларнинг озод этилган қуллари бўлган. Бундай қуллар «корнелийлар» деб аталган (улар салкам 10 минг киши бўлган). Улар халқ мажлисида Сулла ва унинг тарафдорларининг таклифларини қўллаб-қувватлаганлар, Мусодара қилинган ерлар тақсим қилиб бўлингандан кейин Сулланинг жангчиларига Италиянинг турли қисмларида чек ерлар берилган.

Сулла Рим сенати қўл остидаги Италия территориясини Лдрийатика денгизига қуядиган кичикроқ Рубикон анхори билан чегаралаб қўйган. Италиянинг шимолий Альп тоғларигача Пи-

дус дарёси ирмоқлари водийси Цизальпин Галлияси деб эъ..... қилинган. Апеннин ярим оролининг қолган территорияси ўз-ўзи идора қилиш, ҳуқуқини олган кичик-кичик шаҳар округларш .I «муниципия»ларга бўлинган. Сулла ўз ветеранларининг маи.н ларини ташкил этган бир қанча Италия шаҳарлари Рим пра>Н данлари колонияси ҳуқуқини олган.

Эрампдан аввалги -79-йилда Сулла сиёсий фаолиятмд.ш кетишини билдирган. Аммо шундай бўлса-да, у ўз мухлислари орқали давлат ишларининг боришига таъсир кўрсатаверг.ш Сулла эрампдан аввалги 78-йилда ўлган.

Сулла ва мухлисларининг ҳукмронлиги қадимги Римнш республика тузумига қақшатғич зарба берган. Тилда республика сақланган бўлса-да, Сулланинг диктаторлик ваколоти уни Рим давлатининг якка-ягона ҳокими қилиб қўйган. У барпо қилган давлат тузуми Римдаги барча нобилларнинг ҳукмронлигини эмас, балки унинг озгина қисмининг ҳукмронлигини таъмин этган, яъни сиёсий олигархияни вужудга келтирган. Сулла ва мухлисларининг ҳукмронлиги қонуний тараққиёт ёки қонун чиқарувчи органлар қабул қилган қарор натижаси эмас, балки профессионал ҳарбийлар ёрдамида қўпол равишда зўравонлик билан босиб, олиш натижасидир. .Гай Марий тузган ёлланма армия сиёсий кураш қуролйга айланган ва бундан кейин ҳам Рим давлатида ҳокимиятни тортиб олиш талабгорлари учун намуна бўлган.

ХИБОВ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ I АСРНИНГ 70—60- ЙИЛЛАРИДА РИМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИНИНГ КРЙЗИСИ

1. Эрампдан аввалги 74—71-йилларда қуларнинг Улуғ италий кўзғолони ва Сулла олигархиясининг қулаши. Сулланинг ўлимидан кейин ҳокимият бир қанча вақтгача унинг мухлислари қўдида қолсада, уни сақлаш тобора қийинлашган. Рим ва Италия аҳолисининг қўпчилиги Сулла ва унинг тарафдорларига душманликназари билан қараган. Римда Сулла ўрнатган тартибдан суворилар, суллачилар, проскрипцияларга киритиб ўлдирилган ва таланганларнинг қариндош-уруълари, авваллари тарқатилиб келинган ғалладан маҳрум қилинган плебснинг қўпчилиги норози бўлганлар. Италияда чек ерлардан маҳрум бўлган Марий ветеранлари, яхши унумдор ерлари Сулла армияси ветеранларига бўлиб берилган, жуда қўп италий жамоалари суллачиларга қарши қайфиятда бўлган. Шунинг учун ҳам Сулла олигархиясига қарши чиққан бирон сиёсий арбоб пайдо бўлса, у Рим аҳолиси ва италийлардан ўзига жуда қўп тарафдор топган.

Сулла ўлгандан кейин тезда консул Марк Эмилий Лепид таклифи билан Рим плебсининг энг камбағал қисмига ғалла тарқатиш тикланган. Аммо сенат халқ трибунларининг ҳуқуқларини тиклаш ва Сулланинг бошқа бир қанча қарорларини бекор қилиш тўғрисида Лепиднинг таклифларини рад қилган.

Худди шу вақтда Этруриянинг маҳаллий аҳолиси Сулла легионларининг ветеранларига бўлиб бериш учун тортиб олинган ерларни қайтаришни талаб қилиб кўзғолон кўтарган. Лепид бу кўзғолонни бостиришни баҳона қилиб Этрурияга жўнаган, аммо ерда қўшин тўплаб, ўз кучлари билан Римга томон юрган (эрамиздан аввалги 77-йил).

Жанг шаҳар ичида Марс майдонида бошланган. Гней Помпей қўшинлари Лепиднинг отрядларини тор-мор қилган. Лепид қочиб кетган ва узоқ вақт ўтмай ўлган. Унинг тарафдорларидан бири — Марк Перперна армиянинг қолган-қутганига бош бўлиб Испанияга жўнаган. Бу ерда популярлар ҳукмронлиги вақтидаёқ (эрамиздан аввалги 83-йил) Лузитанияга ноиб қилиб тайинланган Квинт Серторий суллачиларга қарши кураш олиб бораётган бўлган.

Серторий эрамиздан аввалги 81-йили Сулла юборган одамлардан қочиб Африкага кетишга мажбур бўлган, аммо иккинчи йилиёқ, яъни эрамиздан аввалги 80-йилда Пиреней ярим оролига қайтиб келиб Сулла ноибига қарши — лузитанларнинг кўзғолонига бошчилик қилган. У иккита Рим ноибининг ҳам қўшинларини тор-мор келтирган ва Рим эмигрантларидан ҳамда Африка ва Ибер жангчиларидан кучли армия тузиб суллачиларга қарши муваффақиятли кураш олиб борган. Кўзғолон бутун Пиренея ярим оролига ёйилган дейиш мумкин (эрамиздан аввалги 79-йил).

Серторий Оску шаҳрини (ҳозирги Уэска) ўзининг қароргоҳига айлантириб, 300 та римликдан иборат сенат барпо қилган. Магистратлар сайланган. Энг муҳим лавозимларга у фақат римликларни тайинлаган, аммо маҳаллий аҳолига, айиикса ибер қабиласининг зодагонларига нисбатан юмшоқ муомалада бўлган ва адолат билан иш кўрган, шунинг учун ҳам у иберлар орасида ғоят катта обрў қозонган.

Испанияни суллачиларга қарши кураш базаси деб билган Серторий ўзига иттифоқчилар орттиришга ҳаракат қилган. Эрамиздан аввалги 73-йилда у Рим республикасига қарши яна уруш бошлаган подшо Митридат Понтийский билан сулҳ ва иттифоқ тузган.

Серторийнинг бу ҳаракатларидан Рим республикасини идора қилган суллачилар олигархияси каттиқ ташвишга тушган, Эмилий Лепид исёнини бостиришда иш кўрсатган. Гней Помпей кучли армия билан Испанияга юборилган. Лекин бошда у маҳаллий аҳоли қизғин кўллаб-қувватлаган Серторий қўшинларидан мағлуб бўлган. Аммо Серторийнинг ибер аҳолиси билан маҳкам алоқа боғлашга уриниши уни ҳалокатга олиб келган.

Эмшй Лепиднинг лашкарбоши Марк Перперна ва бошка рвмликлар ҳам Серторийнинг испан вилоятларидаги аҳоли билан бўлган силлиқ муомаласини Рим манфаатларига хиёнат деб билиб, унга нафрат билан караганлар. Эрамиздан аввалги 72-йилда римликлар фитна уюштириб, Серторийни зиёфатвактида ўлдиришган. Бу воқеа иберларнинг Перпернадан ваунинг тарафдорларидан юз ўгиришларига сабаб бўлган. Гней Помпей Перперна қўшинларини тор-мор қилиб, ўзини асир олган ва қатл қилдирган. Пиренея ярим оролидаги кўзғолон бостирилиб, Помпейнинг армияси кулларнинг гоят катта кўзғолони тахлика қйлиб турган Рим республикасини қутқазиш учун шошилинч равишда Италияга йўл олган.

Эрамиздан аввалги 74-йили бутун Италияда экин битмай очарқйлик бўлган. Бу эса кулдор Рим ҳукуматининг жабр-зулмига қарши кўзғолон кўтарилишига қулайлик туғдирган. Қадим замоннинг энг катта куллар кўзғолони бошланиб кетишига Капуя шаҳридаги гладиаторлар мактабидаги исён (эрамиздан аввалги 74- йил) туртки бўлган.

Эрамиздан аввалги I аср бошларидан эътиборан Римда «ўйинлар» деб аталган қонли томоша — йирткич хайвонларни уриштириш ва гладиаторларнинг қиличбозлиги жуда кенг тарқалган. Бу вахшиёна эрмаклар қадимги зодагонлар жасадини кўмганда кишиларни қурбон қилиш одатларидан келиб чикқан.



Гладиат;ор.

Улар Этрурияда ўлимга маҳкум қилинган жиноятчиларнинг дафн маросими пайтидаги жанги сифатида вужудга келган.

Эрамиздан аввалги II аср охири ва I аср бошларида цирк ва амфитеатрларда ўлим жаиги жамоат томошаларининг бир тури бўлиб қолган. Жангчилар жиноятчи ва сотиб олинган куллардан тўпланган. Улар «гльвиаторлар» («қиличбозлар») деб ном олган. Бу ном латинча «гладиус» («қилич») сўзидан олинган. Гладиаторларга эҳтиёж шу қадар зўр бўлганки, уддабурон корчалон— ланистлар¹ махсус мактаблар очиб, ундатладиаторлар махсус тайёргарлик кўрган, сўнгра улар «ўйин» ташкилотчиларига сотилган.

Лентул Батиат деган кишита; қарашли ана шундай мактаблар-

¹ Ланист — «гўшт билан савдо қилувчи».

дан бири Капуя шахрида бўлган..Бу мактабда бошқалар қатори фракциялик Спартак деган киши ҳам бўлган. Римнинг ёрдамчи отрядида хизмат қилган бу киши душман томонига ўтган, ярадор бўлиб асир тушган ва қочоқ сифатида гладиаторлар мактабига сотилган.

Спартакни таърифлаб Плутарх бундай деб ёзган: «...Спартак... ўзининг ажойиб мардлиги ва жисмоний кучи билангина эмас, балки ақл-фаросати, дилкашлиги ва хушфеллиги билан ҳам ўз мавқеи ва тақдиридан баланд турган; у ўз қабиласининг кишиси бўлишдан кўра чинакам эллин бўлгандир...»

Тарихчи Аппиан хикоя қилиб берганидек, «Спартак ўзининг етмишга яқин дўстларини озодликка чиқиш учун таваккал қилишга кўндирган. Спартак уларга театрда ҳаётини хавф остига қўйгандан кўра, ана шу йўл маъқул эканини уқтирган».

Сих ва ошпичоқлар билан қуролланган Спартак ҳамда унинг шериклари қоровулга хужум қилиб, шаҳарга чиққанлар ва Везувий тоғига жўнаганлар. Улар шу жойда мустақамланиб олиб атрофдаги яқин виллаларни қийратиб, қулларни озод қилганлар. Маҳаллий ҳокимият томонидан юборилган отрядлар тор-мор этилган. Шундан кейин Римдан 3 минг киши билан пропретор Гай Клодий юборилган. Римликлар тоғдан тушадиган йўлни тўсиб қўйганлар, аммо кўзғолончилар узум новдаларидан нарвон ясаб, қоялардан пастга тушганлар ва Рим лагеридан орқадан хужум қилганлар. Клодий отряди яқсон қилинган. Рим жангчиларининг қуроллари кўзғолончилар қўлига тушган. Бу жангдан кейин кўзғолончиларнинг қўшини тез ўса бошлаган ва бир неча мийг кишидан иборат армияга айланган.

Қуллар кўзғолони жанубий Италиянинг янгидан-янги районларига ёйилавергач, сенат кўзғолонни бостириш учун икки легиондан иборат армия юборган. Спартак римликларнинг бу қўшинини ҳам тор-мор қилган. Кўзғолон янада кенгайверган. Римликлар армияси намунасида тузилган Спартак қўшинлари Лукания ва Апулиядаги бир қанча қишлоқ ва шаҳарларни ишғол қилган. .

Кўзғолончилар армияси 70 минг кишига етган. Сулдачилар жабр-зулми остида қолган майда италий дехқонлари кўзғолончиларга қўшилган. Аммо ҳарбий муваффақиятларга ва кўзғолончилар армиясининг сони ўсиб боришига қарамай, Спартак ғоят кучли Ёрта денгиз давлати бўлган Рим республикасига қарши бундан кейинги курашда у ва шериклари муқаррар мағлубиятга ва ҳалокатга учрашини тушунган. Шунинг учун ҳам у собиқ қуллар- ўз ватанларига қайтиб бора олишлари учун армиясини Апеннин ярим ороли доирасида олиб чиқишга уринган.

Спэртак ўз қўшинларининг асосий қисми билан Италия шарқий соҳилидаги йўллардан шимол томонга юриб, Цизальпин Галлиясига етиб келган. Аммо кўзғолончиларнинг йўлбошчиларидан бири — Крикс кўзғолончилар эришган ғалаба Римга ҳу-

жум қилишга имкон беради деб ҳисоблаган. Крикс ва унинг ҳамфикрлари кўзғолончиларнинг асосий армиясидан ажралиб, Италиянинг жанубида тўхталиб қолган.

Армиянинг иккига бўлинишидан римликлар дарҳол фойдаланганлар. Эрамиздан аввалги 72-йили сенат консулларининг иккисини ҳам ўз армиялари билан бирга кўзғолончиларга қарши курашга жўнатган. Консуллардан бири ўз армияси билан Крикс отрядларига ҳужум қилиб, уларни Гаргано тоғларидаги ярим оролга ҳайдаб киргизган ва яқсон қилган. Крикснинг ўзи ҳам ҳалок бўлган.

Спартак бўлса, шимолга ўтиб кетиш билангина чегараланиб қолмай, унинг йўлини тўсмоқчи бўлган Цизальпин Галлияси ноибининг қўшинини Мутина шаҳри ёнидаги жангДа тор-мор келтирган.

Спартакнинг ўз сафдошларини Апеннин ярим оролидан олиб чиқиб кетиш плани амалга оширилишига яқин қолган. Лекин кўзғолончилар армияси бирданига яна Италиянинг жанубига қараб йўл олган. Кўзғолончиларни ўз планларини ўзгартиришга нима мажбур қилганлиги тўғрисида манбаларда ҳеч қандай маълумот йўқ. Эҳтимол Падус дарёсининг тошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган катта тошқин Спартак армиясининг шимолга ўтиш йўлини тўсган бўлиши мумкин.

Спартак жанубга қараб борар экан Пиценда ҳар икки консулнинг армияларини мағлубиятга учратган. Спартак ўз армиясини Лукания орқали Бруттийга олиб чиққан. У қўллар бунгача икки марта катта кўзғолон кўтарган Сицилияга ўтмоқчи бўлган. Шу мақсад билан Спартак ўз армиясини бўғоз орқали оролга ўтказиб қўйиш ҳақида денгиз қароқчилари билан келишиб қўйган. Аммо қароқчилар киоа ҳақини олсаларда, Спартакка ёрдам қўрсатмаганлар. Кучли довул туфайли зса қўшини солларда ўтказишнинг имкони бўлмаган.

Шу орада римликлар Понт подшоси Митридатга қарши ҳураш учун катта куч ажратиб юборишга мажбур бўлганлар. Чунки Митридат Италияда қўллар кўздон кўтарганини эшитиб, Римга қарши янги, учинчи урушни бошлаган (эрамиздан аввалги 74—63-йиллар).

Тарихчи Аппианнинг айтишича, «бу даҳшатли уруш уч йилдан буён давом этмоқда, аввал бу урушни мазах қилиб қилишган, бошда гладиаторлар билан уруш нима бўлади деб унга нафрат билан қараган эдилар. Римда янги магистратлар сайлови эълон қилинганида ҳаммани ваҳима босган ва Лициний Красс» кўмондонликни устига олмагунча ҳеч кимса ўз номзодини сайловга қўймаган. Красс олтита легион билан Спартакка қарши отланди. У жойга бориб етгандан кейин консулларнинг легионларини ҳам ўзига қўшиб олди...»

Красс қўшинлари Бруттий жанубида яриЦ оролни бир денгиз қирғоғидан иккинчи денгиз қирғоғигача кесиб ўтган истехкомлар қуриб, Спартак армиясининг ҳаракатини тўсиб қўйган.

Спартакнинг блокадани тўғридан-тўғри ёриб ўтиш йўлидаги уриниш натижа бермаган. Шундан кейин у «қорли ва бўроюга қишки кечалар келиши билан чуқурнинг бир қисмини тупрок, шох-шабба, булоқ-новдалар билан қўмиб... қўшиннинг бир қисминий... ўша орқали ўтказиб юборган...». Плутарх ана шундай хикоя килади¹. Бу ҳол эрамиздан аввалги 72-йилнинг декабри ва 71-йилнинг январида юз берган.

Спартак армияси Луканияга ёриб ўтгандан кейин уруш ҳаракатлари Италиянинг жанубида давом этган. Рим сенати Крассга ёрдамга Испаниядан Гней Помпей армиясини ва Фракиядан Марк Лукулл қўшинини чақиртириб олган.

Учта Рим армиясига қарши кураш олиб бориш мумкин эмаслигини тушунган Спартак Брундизий портини босиб олишга қарор қилиб, ўша томон йўл олган. Бу шаҳар атрофида Красс армияеи унинг йўлини тўсган. Спартак унга ҳужум қилган. Бундаги шиддатли жангда римликлар устун келганлар. Спартакнинг ўзи Красс қароргоҳига ёриб ўтишга уринганида ҳалок бўлган, унинг армияси эса тор-мор келтирилган (эрамиздан аввалги 71-йил).

Шимол томондан етиб келган Помпей қўшинлари қўзғолончилар армиясини тумтарақай тарқатиб, тамомила яқсон қилган.

Римликлар қўлларига тушган қўзғолончилардан шафқатсиз ўч олганлар. Олти мингдан зиёд асир Капуядан Римгача чўзилган Аппий йўли бўйлаб қоқилган салбларга михлаб қўйилган.

Кулларнинг Спартак бошчилигидаги буюк италий қўзғолони италий ижтимоий муносабатларни ва Рим кулдорлик республикаси давлат аппаратининг бутун системасини таг-туғи билан, ларзага келтирган. Қўзғолондан қўп йиллар кейин ҳам римликлар Спартакни ваҳима билан эсга олганлар, баъзи Рим ва грек тарихчилари эса уни куллар қўзғолонининг йўлбошчиси ботир лашкарбоши сифатида ҳалок бўлди, деб ҳурмат билан тилга оладилар.


Марксизм классиклари Спартакнинг шахсига ва унинг фаолиятига «Оят юксак баҳо берганлар. К. Маркс Ф. Энгельсга ёзган мактубида Спартакни тавсифлаб: «Улуғ саркарда... олижаноб характер, антик пролетариатнинг ҳақиқир²! иамояндаси» деган.

В. И. Ленин бундай деб кўрсатган: «...Спартак кулларнинг... энг катта қўзғолонларидан бирининг... энг атоқли қаҳрамонларидан Оири эди... Жуда куч-қувватли бўлиб қўринган ва батамом кулликка асосланган Рим империяси Спартак бошчилиги остнда қуролланиб ва тўпланиб, жуда катта армияга уюшган кулларнинг ғоят катта қўзғолонидан бир қанча йиллар давомида ларзага келиб, зарбага учраб турди... Синфий жамият бунёд-

¹ Италиянинг жанубий районларида декабрнинг иккинчи ярми, январнинг биринчи ярмида қор ёғиши мумкин.

² К Маркс' и Ф. Энгельс. Соч. т. 30, стр. 126.

га келгандан бери унинг бутун тарихида шундай гражданлар урушлари бўлиб келган. Мен hozir кулдорлик даврида бўлган шундай гражданлар урушларининг энг каттасини мисолга олиб айтиб ўтдим»¹.



Спартак армиясининг юришлари, Италия шимолига (Аянга)
 * — Сицилияга ўтиш учун —
 * — * — жанубга
 * — * — Сўнги юриш (Брундизийга)
 * — Регий Спартак инвоҳилини шаҳарлар
 А — Спартак ҳалок бўлган жой (тахминан)
 X 72 Кўзғолончи кулларнинг ғалабалари
 A 71 Кўзғолончи кулларнинг маълумиятлари

* Рим қўшилари
 * ҳаракати
 Рим қўшилари қамал қилган шаҳарлар.
 Римликларнинг исхемкомлари

Италия ва Сицилиядаги куллар кўзғолонлари.

чикиб, ўз ватанларига етиб боришларига имкон туғдиришга ҳаракат қилган. Кўзғолоннинг бошқа йўлбошчилари (чамаси, Крикс) Спартак ўз олдига қўйган мақсадга қўшилмаган. Бу нарса иккиланиш, келишмовчилик туғдирган ва кўзғолончилар лагерини заифлаштирган. Лекин шунга қарамай кулларнинг улуғ италий кўзғолони Рим жамияти ва давлатининг ундан кейинги ривожига ғоят катта таъсир кўрсатган.

Спартак ўз қўшинларини Рим легионларидан намуна олиб ташкил этган. Армиянинг яхши ташкил этилганлиги сабабли у римликларга қарши бир неча йил давом этган курашга бардош берган. Ундан олдин Сицилияда ўтган куллар кўзғолондариинг сардорлари ўзларини подшо деб эълон қилган бўлсалар, Спартак ўз ҳаракатида бунга интилмаган. У ўз лагерида жангчиларга киммат, баҳо нарсалар, олтин, қумуш йиғишни ман қилган, укурол-яроғясаш учун зарур мис ва темирнигина сотиб. Олган.

Лекин эрамиздан аввалги 74—71 - йиллардаги кўзғолон — стихияли кўзғолон бўлган. Кўзғолон йўлбошчиларида, биринчиданбатда, Спартакнинг ўзида ҳам аниқ программа бўлмаган ва у давр шароитида ундай программанинг бўлиши ҳам амри маҳол албатта. Спартак кўзғолон кўтарган кулларни Апеннин ярим ороли доирасидан олиб

В. И. Л е н и н. 'Асарлар, 29- том, 501- бет, 1953.

Рим кулдорлари олдида кулларнинг яна янги кўзғолон кўтариш хавфидан кулдорлар синфининг ҳукмронлик мавқеини сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи кўндаланг бўлган. Магистратлари алмашилиб турадиган, доимий армияси ва чиновниклар аппарати бўлмаган республика тузуми энди ҳукмрон синфнинг талабларига жавоб беролмайдиган бўлган. Уни кучлироқ ҳарбий диктатура тузуми билан алмаштириш замонавий масала бўлиб қолган.

2. Эрамиздан аввалги I асрнинг 60- йилларнда Римда ижтимоий-сиёсий кураш. Римликларнинг шарқий ўрта денгиз бўйидаги ерларни истило қилиши. Сулла олигархиясининг қулаши куллар кўзғолонининг биринчи натижасидир. Эрамиздан аввалги 70- йилга консул қилиб Марк Қрасс билан Гней Помпей сайланган. Улар бир-бири билан рақобатда бўлган. Гней Помпей сувориларининг манфаатларини кузатувчи сиёсий арбоб сифатида ўзига.етақчашк мавқеини таъминлаш ва плебс олдида обрў қозониш учун халқ мажлиси ва сенат орқали эрамиздан аввалги 82- йилда ҳукм сурган давлат тузумини тиклаш тўғрисидаги таклифни ўтказган. Халқ мажлислари ва халқ трибунларининг ҳуқуқлари тамомила тикланган. Бу тадбир дарҳақиқат Помпейни бир неча йил давомида энг машҳур Рим сиёсий арбоби қилиб қўйган. •

Сулла олигархиясининг қулаши Римда ижтимоий-сиёсий курашнинг жонланиб кетишига сабаб бўлган. Эрамиздан аввалги 70-йилларда ёш юрист Марк Туллий Цицерон (эрамиздан аввалги 106- йили туғилган) суворичилик билан боғланган сиёсий арбоблар ичида кўзга кўриниб қолган. Унинг келиб чиқиши Арпиндан бўлиб, иттифокчиларга қарши урушда қатнашган. Цицерон Римда илм таҳсил қилган, сўнгра Родос оролида файласуф ва тарихчи Посидонийнинг лекцияларини эшитган. Цицерон квесторлик вазифасини бажаргандан кейин Сицилия вилоятининг ноиби бўлган, бу вазифага ўша даврда ғоят кўпол суллачи Вересдан кейин ўтган. Цицерон сицилияликларнинг илтимосига кўра Верресни ҳар хил суистеъмолларда айблаб, уни судга берган. Цицерон қўйган айблар шу қадар асосли бўлганки, Верресуднингҳукмини кутмасданок бадарға кетган.

Веррес суди ёлғиз уди айбладан иборат бўлмай, балки бутун сулла тартиботига қўйилган айб бўлган. Цицерон аиа шу суд туфайли Римнинг энг обрўли сиёсий арбоби бўлиб майдонга чиққан.

Ғоят кенг тус олган денгиз қароқчилигига қарши кураш эрамиздан аввалги I асрнинг 60-йиллар бошидаги ижтимоий ҳаётнинг энг ақтуал масалаларидан бўлган. Қароқчиларнинг бутунбутун эскадралари Урта денгизни кезиб савдо кемаларига ва қирғоқдаги шаҳарларга ҳужум қилиб юрганлар. Қароқчилар Римга Сицилия ва Африкадан ғалла келтирилишига тўсқинлик қилганлар. Уларнинг қатори қочок куллар ҳисобига тўлиб турган. Қароқчилар Митридат VI нинг римликларга қарши кура-

шига ёрдам берганлар. Крит ороли ва Киликияда қароқчилнинг мустаҳкамланган базалари бўлган, улар ўша истехкомларда туриб римликларнинг сенат юборадиган ҳарбий флотилияларига қарши муваффақиятли кураш олиб борганлар.

Қароқчиларга қарши қатъий тадбирлар қўрилмаётганлига денгиз орқали савдо олиб боришдан манфаатдор бўлган сувориларни айниқса ғазабга келтирган.

Эрамиздан аввалги 67-йили халқ трибуни Авл Габиний халқ мажлисида Урта денгизни денгиз қароқчиларидан тозалаш учун консуллардан бирига фавқуллода ваколат беришни таклиф қилган. Бирор кишига алоҳида ваколат берилишидан хавфсираган сенатнинг бунга қаршилик қилишига қарамай халқ мажлиси қароқчиликнинг тугатиш учун ажратилган ҳарбий флот ва қурукликдаги қўшинга Гней Помпейни қўмондон қилиб тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган. Ваколат бир йил муддат билан чеклаб берилган.

Помпей Урта денгизни айрим районларга бўлиб, унинг ғарбий қисмини 40 кун ичида қароқчилардан тозалаб, кейин денгиз ва қурукликдаги барча қучларини Шарққа олиб келган. Крит ороли ва Киликия ишғол қилинган, қароқчиларнинг 120 та истехкоми эгалланган, қарийб 10 минг қароқчи қириб ташланган, коланлари эса таслим бўлган. Помпей Урта денгизни қароқчилардан тозалаш ишини уч ой ичида уддалаган. Бунинг натижасида суворилар ва муттасил оч қолиш хавфидан қутқарилган Рим плебси олдида унинг обрўси янада ошган.

Шу вақтда Рим сенати Митридатга қарши курашиш учун Сулланинг энг яқин дўсти ва унинг хизматида бўлган Луций Лициний Лукуллни қўмондон қилиб тайинлаган (эрамиздан аввалги 74-йил). Лукулл Кизик шаҳри ёнида Митридат армиясини тор-мор келтирган, Понт подшосининг ҳарбий қучларини Вифиниядан улоқтириб ташлаган ва Понт давлатининг ўзини забт қилган. Митридат ўзининг иттифокдоши ва қариндоши бўлмиш арман подшоси Тихрон II ёнига қочиб кетган. Арман подшоси Митридатни римликлар қўлига бериш тўғрисидаги талабни рад қилгандан кейин Лукулл Арманистон тупроғига бостириб кирган ва унинг пойтахти Тихроноцерт шаҳрига яқинлашиб келган. Тихрон II, бу шаҳарни ўзи йстило қилган шимолӣ Месопотамия тупроғида яқиндагина қурдирган бўлган.

Тихроноцертда яшовчиларнинг хийла қисми арман подшоси мажбурий равишда Сурия шаҳарларидан кўчириб келтирган эллинлаштирилган аҳоли бўлган. Шунинг учун ҳам Тихроноцерт аҳолиси Лукулл жангчиларига қаршилик қўрсатмаган ва ҳатто римликларни ўзларининг нажотчилари деб билган. Тихрон II нинг армияси шаҳар деворлари ёнидаги жангда тор-мор келтирилган (эрамиздан аввалги 68-йил). Лукулл Тихроноцертни ишғол қилгандан кейин Тихрон зўрлаб келтирган Сурия ва Кичик Осиёдаги эллинлаштирилган шаҳарларнинг аҳолисига ўзларининг эски жойларига қайтиб боришларига ижозат берган.

Шу билан бирга аҳолининг хайрихолигига сазовор бўлиш мақсадида у ўз жангчиларига шаҳарларни талашни, публиканларга эса Рим вилоятларидаги аҳолидан солиқ тўплаганда ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб суиистеъмом қилишни ман қилган. Лукуллнинг бу тадбирлари унинг жангчиларида ва сувориларда каттик норозилик кўзғатган.

Тихрон билан Митридат арманистоннинг марказий областларига қочиб кетган. Лукулл уларни таъқиб қилиб борган, аммо унга қарши фитна кўзгаган жангчиларининг ғалаёни туфайли таъқибни тўхтатишга мажбур бўлган (эрамиздан аввалги 67-йил). Лукулл легионерларининг юришдан бош тортганликларидан фойдаланган Митридат ва Тихрон янги армия тўплаб ҳужумга ўтганлар. Римда популярлар Лукуллнинг оптимат ва суллачи сифатида истеъфо беришини талаб қилганлар.

Эрамиздан аввалги 66- йилда суворилар халқ трибуни Гай Манлий ва уни қўллаб-қувватлаган Цицероннинг ёрдами билан Митридат VI Понтийскийга қарши уруш олиб боришни Помпейга топширганлар.

Биргаллашиб уруш олиб бориш тўғрисида Парфия подшоси билан келишиб олиб Помпей Понт подшосининг армиясига қарши қатъий ҳужумга ўтган.

Помпей Дажланинг юқори оқими кирғоғида кечаси бўлиб ўтган жангда Митридат қўшинларини яқсон қилган. Митридат бир қанча отлик жангчилар билан аввало Арманистонга ва ундан Колхидага ўтиб, эрамиздан аввалги 66—65-йиллар қишни ўша ерда ўтказган. Митридат Колхидадан собик Боспор подшолигига ўтган, у ерда ўзи ноиб қилиб тайинлаганўғли кўзғолан кўтарган бўлган. Митридат фитначи ўғлидан ўч олиб, римликларга қарши яна уруш бошлаш учун янги куч тўплай бошлаган. Аммо оғир солиқлар Пантикапияда ва Боспорнинг бошқа шаҳарлардаги грек аҳолисининг каттик норозилигига сабаб бўлган. Митридатнинг бошқа ўғли Фарнак бошлиқ фитна кўтарилган, қўшин ва флот Фарнак томонига ўтган. Уз саройида қамал қилинган Митридат ўз-ўзини ўлдирган (эрамиздан аввалги 63-йил).

Боспор подшолигида Митридатнинг ўлими билан тамомланган воқеалар содир бўлаётган вақтда Помпей Армаиистонга бостириб кирган, жануби-шарқдан унга парфияликлар ҳужум қилган. Икки душман ўртасида қолган Тихрон подшо Помпейга таслим бўлган (эрамиздан аввалги 64-йил). Сулҳ шартларига кўра Тихрон Рим фойдасига Суриядан кечган, товон тўлаганва римликларга қарам иттифоқчи бўлиб қолган.

Тихрон билан уруш тамом бўлгандан кейин Помпей Закавказьедаги Митридатни қувиб етмоқчи бўлган. Рим армияси тоғларда ашовчи қабилаларнинг қаршиликларини енгиб ва Иберия (ҳозирги Грузия) ва Албания (ҳозирги Озарбайжон) орқали ўтган. Аммо Митридатнинг Боспор подшолигига қочиб кетганлигини эшитиб Помпей ўтиш ниҳоятда қийин бўлган жой-

лардан юришни тўхтатиб Понтга жўнаган. Рим лашкарбошиси у ердан Рим вилояти деб эълон қилинган Сурияга ўтган (эрамиздан аввалги, 63-йил).

Помпей Сурияда эканида уни Яхудия кохин-подшосининг ўғиллари бўлмиш Гирка билан Аристабулнинг ҳокимиятини эгаллаш устидаги жанжалларини хал қилиш учун ҳакам қилиб чақиришган. Помпей уларнинг курашига аралашиб Яхудиянинг пойтахти Иерусалим (Куддус)ни ва унинг мустаҳкамланган ибодатхонасини эгаллаган ва Иерусалим кохинлари томонидан Яхудиянинг ҳокими қилиб қўйилган Гиркани Римга қарам қилган. Помпей Сурияни, Вифинияни ва Понтни Рим вилоятлари деб эълон қилиб Яхудия, Кападокия ва Галатияга Римга қарам подшоларни қўйиб, армиясини тарқатиб юборган ва эрамиздан аввалги 62-йил охирида Римга қайтиб келган. Унинг шон-шухрати чўкқисига чиққан ва у ғоят катта моддий маблағга эга бўлган.

3. Эрамиздан аввалги I аср 60-йилларининг иккинчи ярмида Римда сиёсий курашнинг кескинлашиши. Катилина фитнаси. Помпей Римда бўлмаган вақтда у ерда сиёсий кураш аввалги йиллардагидан кўра яна ҳам кескин тус олган.

Эрамиздан аввалги 65-йилда Гай Юлий Цезарь курул эдиларидан бири бўлиб қолган. У эрамиздан аввалги 101-йил 12 квинтилийда (июлда) туғилган. Юлийлар уруғи жуда эски патрицийлар авлодидан бири ҳисобланган, аммо эрамиздан аввалги II асрга келиб Юлийлар камбағаллашиб, Римнинг сиёсий ҳаётидаги мавқелари тушиб кетган. Цезарнинг аммаси Гай Марийнинг хотини бўлган, ўзи эса Марий қўлида хизмат қилган ва унинг дўсти бўлган Корнелий Циннанинг қизига уйланган, Сулла унга хотинидан ажралишни таклиф қилган бўлсада, Цезарь бу таклифни рад қилган. Шўнинг учун ҳам бир оз вақт яширишиб юришга мажбур бўлиб, авф этилгандан кейин Италиядан Родос оролига ихтиёрий сургунга кетган ва у ерда тахсилини тамомлаган.

Сулла ўлгандан кейин Цезарь Римга қайтиб келган ва аввал бошда Помпейни қўллаб-қувватлаган. Юлий Цезарь кишилар билан бетакаллуф муомаласи, ақли ўткир ва тили бийронлиги ҳамда ғоят зўр нотиклик қобилияти туфайли катта шухрат қозонган. Айтмиқса Цезарь ўзининг Гай Марий билан қариндошлигини доим таъкидлашга уриниши плебейлар оmmasига жуда маъқул келган. Цезарь курул эдили сифатида Марий ғалабалари шарафига солинган ёдгорликларни тиклаган (бу ёдгорликлар Рим форумида ўрнатилган бўлиб, кейинчалик Сулланинг фармони билан вайрон қилиб ташланган эди), шунинг-

¹ *Курул эдили* — бозорга алоқадор ишларни кўрадиган суд вазифаси ва крнунлар тузиш вазифасини бошқарувчи ҳамда сайланиб қўйиладиган вазифадир. Эдил латинча аёйез (ибодатхона) сўзидан олинган, чунки эдилларининг иш жойи ибодатхона бўлган. (*Тарж.*).

дек камбағаллар учун ғоят хашаматли тўй-томошалар ва жамоат зиёфатларини уюштирган. Бунинг натижасида у Рим плебсининг кизгин хурмати ва мухаббатига сазовор бўлган. Ниҳоят у бўйнидан қарзга ботган.

Пулга ниҳоятда мухтожлиги туфайли Цезарь Крассдан моддий ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Красснинг ўзи ҳам Рим халойиқи бошига кўтариб юрадиган арзанда билан яхши муносабат боғлашга мухтож бўлган.

Эрамиздан аввалги 64- йилда Римда сиёсий кураш кескинлашиб кетган. Эрамиздан аввалги 63-йилга консуллар сайловида камбағаллашиб қолган суллагч Луций Сергий Катилина ўз номзодини қўйган. У қарзларни бекор қилиш масаласини ўтказиш ниятида бўлган. Лекин сенаторларгина эмас, балки қарзларни бекор қилишни мутлақо истамайдиған суворилар ҳам Катилинага қарши чиққанлар. Биринчи консул лавозимига Марк Туллий Цицерон, иккинчисига эса Катилинага хайрихоҳ Гай Антоний сайланган. Аммо Цицерон Антонийни ўз томонига олдиришга муваффақ бўлган.

Жша йилнинг ўзида энг камбағал Рим граждaнларига ер бўлиб бериш тўғрисида халқ трибуни Публий Сервилий Рулл томонидан таклиф қилинган қоун лойихаси атрофида кураш вужудга келган. Бу қонун лойихаси Кампаниядаги жамоат далаларини Рим граждaнларининг энг камбағал қисмига бўлиб беришни, ер етмай қолган тақдирда эса, уни тўла ихтиёрий равишда айрим кишилардан сотиб олишни назарда тутган. Сервилий Рулл бунинг учун зарур маблағни вилоятлардаги давлат ер-мудкинни сотиш ва Помпей юриши вақтида шарқда қўлга туширилган ўлжанинг бир қисмидан фойдаланиш йўли билан топишни таклиф этган. Ушбу ер ислохотини ўтказиш учун ўн кишидан иборат комиссия тузиб, уларга фавқулодда ваколат бериш таклиф этилган.

Вилоятлардаги ерларни ижарага олган суворилар бундай қонуннинг қабул қилинишига мутлақо қарши бўлганлар. Цицерон ҳам бу қонун лойихасига қизгинлик билан қарши чиқиб, унинг салбий томонларини очиб ташлаган ва, Рим халқ оммасини ислохотчига қарши қилиб қўйган. Сервилий Рулл қонун лойихаси халқ мажлисида овозга қўйилгандан тасдиқланмаслигини билиб, уни муҳокама қилинмасдан қайтиб олган.

Эрамиздан аввалги 64—63-йилларда Сергий Катилинанинг таъсири кучайган.

Римда қарзлар масаласи тобора ўткир тус олган. Алоҳида хоналарни ижарага берадиган катта-катта уйларнинг* эгалари билан ўша уйлардаги хоналарни ижарага олиб яшайдиган баъзи камбағаллар ўртасидаги муносабатлар айникса кескинлашган.

Катилина худди ана шундан фойдаланган. Эрамиздан аввалги 63- йилда у консулликка яна ўз номзодини қўйган ва қўрадиган асосий тадбири қарзларни бекор қилиш ва сенатнинг ҳуқуқ-

ларини чеклаб қўйиш эканлигини халойиққа айтиб, шу тадбирларни ўтказишга ваъда берган.

Хонавайрон бўлган нобилларнинг ва сулла ветеранларининг баъзи қисми, айниқса Этруриянинг шимолий районларидагилар Катилинанинг ташвиқотига хайрихоҳлик билдирганлар. Бу ерда Катилинанинг мухлисларидан центурион Манлий зарур бўлиб қолган тақдирда ҳокимиятни босиб олиш мақсадида Римга отланиш учун отрядларга жангчилар тўплай бошлаган. Консул Цицеронни ҳокимият тепасидан олиб ташлаш мўлжалланган.

Эрамиздан аввалги 62-йилга консуллар сайлови жуда таранг вазиятда ўтган. Сайловларга раҳбарлик қилган Цицерон сайлов мажлисларига совут кийиб, ёш суворилардан танланган куролли соқчилар қуршовида келган. Энг камбағал граждандларни кўплаб сотиб олиш, Цицероннинг сиёсий вазиятни онгли равишда кескинлаштирган намойишкорона қилиқлари сайловларнинг оқибатига яна таъсир кўрсатган. Катилина яна муваффақиятсизликка учраган. Аммо Катилина қонуний йўл билан консулликка эга бўлолмагандан кейин ҳокимият учункурашдан бари бир қайтмаган, ҳокимиятни куч билан қўлга киритиш пайига тушган. Эрамиздан аввалги 63-йилнинг 21 октябрида Цицеронга Катилина тарафдорларининг яширин мажлиси ўтганлиги маълум бўлган, улар бу мажлисда ҳокимиятни, қўлга олиш учун кўзғолон кўтариш муддатини белгилаганлар. Цицерон сенатдан консулларга фавқулодда ваколат бериш тўғрисида қарор чиқартиришга муваффақ бўлган. Консуллар Римда осойишталикни таъмин этишлари, республикани ҳимоя қилшлари лозим бўлган. Бунинг кетидан Этрурияда Манлий кўзғолон кўтаргани ва Урта Италиянинг бошқа областларида ҳам ғалаёнлар бўлаётганлиги маълум бўлган.

Эрамиздан аввалги 63-йилнинг 6 ноябридан 7 ноябрига ўтар кечаси фитначилар мажлисида Манлий отрядининг ёрдамида Римда ҳокимиятни қўлга олиш ва сиёсий душманлардан ўч олиш ҳақида қарор чиқарилган. Аммо хиёнат орқасида бу план дарҳол Цицеронга маълум бўлган.

, 8 ноябрь кунин Цицерон сенатнинг фавқулодда мажлисини чақиртирган. Сенат Юпитер Капитолийский ибодатхонасига йиғилган. Унинг ҳамма кириш йўллари соқчилар қўриқлаб турган. Цицерон сенат мажлисида ҳозир бўлган Катилинани давлатда тўнтариш қилишга тайёргарликда айблаб нутқ сўзлаган. Сенаторлар унга тесқари қайфиятда бўлганлари учун Катилина Римдан чиқиб кетиб, Манлий қўшинлари олдига жўнаган! У ўз манфаатларини ҳимоя қилишни фитна уюштиришда энг яқин сафдошлари бўлмиш Лентулга, Цетегга ва собиқ халқ трибуни Авл Габинийга топширган.

Катилина кетгандан кейин Цицерон халқ мажлисида давлат тўнтариши қилиш мақсадида фитна уюштирилганлигини гапириб берган. Фитначилар Римдаги воқеалар ўз фойдаларига ҳал бўлаётганини кўриб, фитна бошлашни декабрь ўрталарига

мўлжаллаганлар ва галлар қабиласидан бўлмиш аллоброгларнинг мададини кўзлаганлар, бу вақтда аллоброгларнинг элчилари Римда бўлган. Фитначилар элчилар билан музокара бошлаганлар. Лекин аллоброглар фитначиларнинг ниятларини Цицеронга маълум қилишни ўзлари учун фойдали деб билганлар. Консул фитначиларни хиёнатчилар сифатида камашни буюрган. Шу вақтнинг ўзиде сенатнинг иккинчи фавқулодда мажлисини чақириб, унда фитначиларнинг хиёнаткорона ҳаракатлари тўғ-



Гней Помпей

рисида ахборот берган ва уларни дархол қатл қилишни талаб этган. Аммо Юлий Цезарь шикоят аризаси тўғрисидаги Валерий конунита асосланиб фитна қатнашчиларини сургун қилиш билан чекланиб, бемалол текшириш ишини олиб боришни ва шундан кейинги зарурий қарорга қелишни тақлиф этган.

Аммо Цицерон билан Марк Порций Катон Кичик (Порций Катоннинг эвараси) қаттиқ туриб ўз фикрларини ўтказганлар ва фитна раҳбарлари Капитолий ёнидаги Маметин тюрмасида бўғиб.. ўлдирилган. Катилина бошчилик қилган Маилий отрядига қарши консул Гай Антоний бошлиқ қўшин юборилган. Эра-миздан аввалги 62-йили ҳукумат қўшинлари Катилина отрядини Пистория (ҳозирги Пистоя) шаҳри яқинида қуршаб олган ва қириб ташлаган. Катилина жанг майдонида ҳалок бўлган.

Катилина тарафдорларининг қонунга хилоф равишда қатл қилиниши ва Катилина Манлий отрядининг қириб ташлаиши ҳақидаги хабар Римнинг энг камбағал аҳоли оммасида пушаймонлик ва норозилик туғдирган. Сенат Цицеронга ватан Отаси деб унвон берган бўлса, Рим аҳолисининг кенг қатламлари унта суворилар ва нобилларга мансуб энг катта бойлар мулкининг химоячиси деб қарайдиган бўлган. Юлий Цезарнинг шўхрати яна ошган. Аммо ана шундай қайфиятларга қарамай сенат олигархияси (энди Цицерон ҳам ўшанга қўшилган) Римда бир қанча вақтгача ҳукмрон сиёсий гуруҳ бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам Гней Помпей шарқдан Римга қайтиб келганида (эра-миздан аввалги 62-йил охири) сенат унинг обрўси кучайиб кетишни хоҳламаганлигидан Урта денгизнинг Шаркий соҳилида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни ва унинг легион-

ларидаги ветеранларга ер "бўлиб бериш ҳақидаги такли рад қилган,

- Қатилина фитнаси Рим тарихининг энг машҳур дамларидан-дир, негаки, Римда эрамиздан аввалги I асрдаги сиёсий курашнинг бу воқеаси жуда кўп манбаларда баён қилинган. Аммо Цицерон нутқларидаги ва қадимги тарихчиларнинг ҳикояларидаги ғаразғўйлик ғарбий Европа, революциядан олдинги рус тарихшунослигида ва ҳатто совет тарихшунослигида ҳам Қатилина тўғрисида узундан-узокка чўзилган мунозаралар туғдирган. Баъзи тарихчилар қадимги Римдаги ижтимоий муносабатларни модернлаштириб Қатилинани революция арбоби қилиб кўрсатишди, баъзилари эса уни анархист деб билишди. Рус революцион демократи Н. А. Добролюбов Қатилинани жуда яхши таърифлаб берган. У Қатилина билан Цезарнинг сиёсий мақсадларидаги бир-бирига ўхшашликни, яъни ҳокимиятни босиб олиш учун бўлган ҳаракатни қайд қилган эдики, бу ҳол Қатилинани тараккийпарвар, айниқса демократ, революция арбоби дейишга мутлақо асос йўқ эканлигини кўрсатади. Марксча-ленинча методологияга амал қиладиган тарихчилар фитнага ва унинг йўлбошчисига берилган ана шу баҳони қувватлайдилар.

4. Биринчи триумвират ва эрамиздан аввалги I асрнинг 50-йилларида халқаро муносабатлар. Қатилина фитнаси билан кураш пайтида таркиб топган оптиматлар билан суворилар иттифоқи сенатрлигархиясининг мавқеини мустаҳкамлаган ва Юлий Цезарь, Красс ҳамда Помпей қийин аҳволга тушиб қолганлар.

Цезарь эрамиздан аввалги 62-йилда претор эканида- унга Узоқ Испанияни идора қилиш топширилган. Аммо у энг муҳим ва дарҳол тўлаши лозим бўлган қарзларини унинг учун Красс тўлаб, қолганларини эса тўлашга ваъда берганидан кейингина тайинланган жойга кетиши мумкин бўлган.

Эрамиздан аввалги 61-йилда Цезарь лузитан кабилаларининг кўзғолонини шафқатсизлик билан бостирган. У мағлўб бўлган шаҳарларни талаб, ўн мингларча кишини қул қилиб сотиб жуда катта бойлик орттирганки, натижада барча қарзларини ҳам тўлаган ва бойиб ҳам қолган.

Юлий Цезарь эрамиздан аввалги 60-йилда Римга қайтиб келиб, консул лавозимига эришиш мақсадида дабдабали тантанадан воз кечган. Маънавий жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган Цезарь сенат атрофида уюшган оптиматларга қарши биргалашиб курашиш учун бунгача бир-бири билан душман муносабатда бўлган Красс ва Помпейни яраштирган. Мана шу махфий келишиш кейинчалик биринчи триумвират деган ном олган.

Мақзур учта сиёсий арбоб ўзаро тил бириктирар экан, уларнинг ҳар қайсиси ўз мақсадига эришишга интилган, Помпей Шарқий Урта денгиз тўғрисидаги қарор лойиҳаларини тасдиқлатишга ва ўз легионларининг ветеранларига ер бўлиб беришга Красс вилоятларда янги ва сердаромад операциялар қилиш имкониятига ва проконсул лавозимига эга бўлишга, Юлий Цезарь

эса сердаромад вилоятга ноиб бўлишга ва қўшин тўплаш ҳуқуқини олишга йнтилган. Красс ва Помпейнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Цезарь эрамиздан аввалги 59- йилга консулликка сайланган.

Лекин сенаторлар иккинчи консуллик вазифасига ўтакетган оптимат Бибулни ўтказишган, у Цезарь ва унинг тарафдорларига қарши курашиш пайида бўлган. Помпей ветеранлари ер таксимлаш масаласини муҳокама қилаётган халқ мажлисидан Цезарнинг душманлари зўрлик билан чиқариб юборилган ва Помпей тасдиқлаштишга интилган қонунлар қабул қилинган. Юлий Цезарь таклиф қилган аграр қонунга мувофиқ Помпей армиясининг ветеранларигина эмас, балки баъзи энг камбағал Рим граждандари ҳам чек ер олганлар.

Юлий Цезарь ўзининг консуллик даврида ўзини ва сиёсий иттифоқчилари Красс билан Помпейни вилоятларнинг проконсуллари вазифасига тайинлаш тўғрисида қарор чиқартирган. Красс Сурияни ва унга қўшни вилоятларни ҳамда 11 легион тўплаш ҳуқуқини олган, Помпей Испаниянинг икки вилоятини ва шунча легион тўплаш ҳуқуқини, Юлий Цезарнинг ўзи эса Цизальп Галлияси ва Иллирияни ҳамда икки легион тўплаш ҳуқуқини олган. Нарбон Галлиясининг "ноибни ўлгандан кейин Цезарь уни бошқаришни ва яна бир легион тўплаш ҳуқуқини олган.

Эрамиздан аввалги 59- йилда Цезарь „сиёсий фирибгар Клодий билан иноқлашган. Қадимги патрицийлар уруғидан чиққан, жанжалли можаролар билан донг чиқарган Клодийни плебей ўзига ўғил қилиб олган ва шу туфайли халқ трибуни лавозимини эгаллашга муяссар бўлган. Клавдий Катилина сафдошларини қатл қилгани учун ўч олиш мақсадида Марк Туллий Цицеронни ўзи магистрат бўлиб туриб норозилик шикоят тўғрисидаги Валерий қонунини бузгани, яъни Рим граждандарининг халқ мажлисига шикоят қилишига йўл қўймай уларни қатл қилдиргани учун Цицероннинг мол-мулкни мусодара қилибўзини Римдан ҳайдаб юбориш ҳақида қонун чиқартирган. Цицерон Грецияга жўнаган. Айни вақтда сенатнинг яна бир раҳбари Марк Порций Катон ҳам Римдан узоклаштирилган. Ўз мулкни римликларга васият қилиб қолдирган Кипр подшоҳининг меросини қабул қилиш учун Катон Кипр оролига юборилган. Шундан кейин Клавдий Катилинага қарши кураш пайтида тарқатиб юборилган шаҳар хунармандлари коллегиясини тиклаган. Уларда эркин граждандарига эмас, ҳатто қуллар ҳам бирлашган. У энг камбағал граждандарга текин дон тарқатишни ҳам қайтадан тиклаган ва қохиндарнинг бирон нобоп нарсани баҳона қилиб халқ мажлисига чақирилишига қарши чиқишларини тақик қилувчи қонун чиқартирган. Клодий шаҳар камбағалларидан отряд тузиб халқ мажлисида ҳукмронлик қилган. Унинг дружиналари Клодий ва триумвирларга қарши чиққан ҳар бир кишини мажлисдан ҳайдаб чиқарган.

Юлий Цезарь Римда ,ўзининг сиёсий мавкеини мустаҳкамл бўлгандан кейингина бошқариш учун ўзига берилган вилоятт жўнаган.

Римликлар ана шу вақтга келиб Апеннин ярим оролинитт римликлар галлар деб атаган келтлар яшайдиган шимолийкис-мини ва Урта денгиз бўйларини ўз ҳукмронликларига бўйсун-дирганлар. Улар Цизальп ва Нарбон- Галлиясини ташкил қил-ган.

, Альп тоғлари орқасидаги мамлакатларни римликлар Тран-зальп Галлияси деб атаганлар. Унинг аҳолиси ижтимоий-икти-содий тараққиётнинг турли босқичидаги кўпдан-кўп кабиЛалар-дан иборат бўлиб, улар кўпинча бир-бирлари билан урушиб тур-ганлар. Бу қабилаларга уруғ зодагонлари ва кохин-друидлар бош бўлиб, улар секин-аста катта-катта ер эгалари ва қулдор-ларга айланиб борган. Қабилалар ҳунармандлар ва савдогар-ларнинг мустаҳкамланган шаҳари атрофига тўпланганлар.

Галлар аҳолисининг турли табақалари ўртасида шиддатли социал тусдаги жанжаллар бўлиб турган, бу жанжаллар вақти-да асоратга солинган камбағаллар зодагонларга қарши чиққан-лар. Баъзи қабила зодагонлари Ренус (ҳозирги Рейн) дарёси орқасида яшаётган герман қабилалари бошлиқларининг жанг-чи дружиналарини ўзларига ёрдамга чақирганлар. Қабилавий ва социал душманлик, очикдан-очик куролли тўқнашишлар галларнинг ҳарбий кудратини заифлаштирган ва уларнинг ер-лариға истилочиларнинг бостириб киришларига қулай шароит тўғдириб берган.

Цезарь ядги ер ва қулларга эга бўлишни ният қилиб юрган эдуй қабиласининг галл зодагонларига таяниб, ўзлари яшаб турган эски жойларидан (ҳозирги Швейцариядан) ғарб томонга кўчиб кетиш ҳаракатидаги гелвет қабиласининг бостириб ки-ришидан галларни ҳимоя қилиш баҳонаси билан Транзальп Галлиясига бостйриб кирган (эрамиздан аввалги 58-йил). Бун-дан кейин бўлган урушларда эрамиздан аввалги 58—56-йиллар мобайнида Цезарь Рейн -қирғоқлари билан Альпдан тортиб то океан ва Пиреней сохилларигача бўлган ғоят катта терри-ториани Рим ҳукмронлигига бўйсундирган.

Галлия тупроғига бостириб кирган германлар йўлбошчиси Ариавист дружиналари Рейн орқасига суриб чиқарилган. Це-зарнинг ўзи ҳам бу дарёни икки марта кечиб ўтган. Аммо Гер-маниянинг ёввойи қалин ўрмонлар билан қопланган рбластла-рида римликлар на цитрон муваффақият қозона олган ва на ўл-жа топа олган, шунинг учун ҳам Цезарь. Галлияга чекинган. Эрамиздан аввалги 55—54-йилларда Цезарь денгиз орқасидаги Британия оролига бостириб киришни уюштирган. Иккинчи экс-педиция вақтида Цезарь армияси Темза дарёсигача бориб эт-ган, ҳатто уни кечиб ҳам ўтган. Аммо ўрмон ичига чекинган бриттларни бўйсундира олмаган ва Цезарнинг Галлияга қайтиб кетишдан бошқа иложи қолмаган.

Бу вақт Римда сиёсий вазият ўзгариб кетган. Эрализдан аввалги 57-йили сенат Цицеронни сургундан қайтаришга муваффақ бўлган Красс билан жанжаллашиб қолган Помпейга сенат Римни озик-овқат билан таъминлаб туришдек масъулиятли вазифа топширган. Ниҳоят, сенаторлар ўзларига фирибгар Тит Анний Милонни итг-ифокдош қилиб олганлар, у ҳам худд» Клодий каби халқ трибуни лавозимига сайланиб ва худди унга ўхшаб боскинчилар шайкасини тузган. Рим кўчалари Клодий билан Милон шайкалари ўртасидаги жанг майдонига айланган. Триумвират заифланиб, қудаш хавфи остида қолган. Шунинг учун ҳам Цезарь Помпей билан Крассга шахсан учрашиб маслаҳат қилишни таклиф этган.

Триумвирлар эрализдан аввалги 56-йили Лука (ҳозирги Лукка) шаҳрида учрашганлар. Бу учрашувда сиёсий иттифоқчилар бундан кейин қўрилиши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида келишиб олганлар. Учрашувда шундай қарорга келинганки. Помпей билан Красс эрализдан аввалги 55- йилга ҳам яна қопсул бўлиб қоладиган бўлган; вилоятларни бошқариш муддати-ни триумвирлар яна беш йилга, яъни эрализдан аввалги 50- йил охиригача чўзишадиган бўлган.

Красс Римда ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳарбий шон-шаарфага эга бўлишим керак деб ўйлаган. Бинобарин у Парфия иодшолигини тор-мор келтиришни, бир замонлар Александр Македонский давлати таркибига кирган территорияни яиа босиб олишни мўлжаллаган. Сенаторлар Красснинг плании каттик танқид қилишларига, халқ трибуналарининг бир қисми очикдан-очик унга қарши чиқишларига қарамай, Красс ўзининг консуллик муддати тамом бўлгунга қадар тўққизта легиондан иборат катта армияга бош бўлиб Сурияга жўнаган. У эрализдан аввалги 54- йил ёзида Фрот дарёсини кечиб ўтиб, парфияликлар банд қилиб ўтирган ерларга бостириб кирган. Красс бу ердаги Парфия ноибининг кичикрок отрядини тор-мор келтириб, қаршиликка дуч келмай, шимолий Месопотамиядаги бир неча грек шахрини ишғол қилган ва қишлаш учун Сурияга қайтиб келган.

Красс парфияликлар билан урушни давом эттиришга тайёргарлик қўриб, Сурия ва унга қўшни Яҳудия аҳолисини каттик талаган, Иерусалимдаги маъбуд Яҳва ибодатхонасидаги қимматбаҳо нарсаларнинг маълум қисмини олиб кетган. У Парфия подшоси юборган элчиларнинг сулҳ ўрнатиш тўғрисидаги таклифларини қўпол равишда рад қилган.

Эрализдан аввалги 53-йил баҳорида уруш ҳаракатлари яна бошланган. Парфияликлар анча ҳарбий куч тўплаб Шимолий Месопотамия шаҳарларида Красс қолдириб кетган Рим гарнизонларига ҳужум қилганлар. Жангчилар ўзларини ва минган отларини ҳам химоя қиладиган совут қийганлар, оғир қуроллар билан қуролланган отлик аскарлар парфияликлар армиясининг асосий ядросини ташкил этган. Бундан ташқари уларнинг фақат

ўқ-ёй билангина қуролланган энгил отлик аскарлари х бўлган.

Эрамиздан аввалги 53-йил апрелида Красс иккинчи марта Рим пиёдаларининг еттита легиони ва 4 минг отлик аскардан иборат (жами 40—45 мингтача киши) армияси билан Фротни кечиб, дарёнинг чап қирғоғи бўйлаб жанубга йўл олган. Аммо парфиялик лашкарбоши Суреннинг отлик аскарлари унинг орқа томонига ўтиш хавфини сезиб, Красс тезроқ душманга дуч келиш мақсадида шарқ томонга бурилган.

Лекин парфияликлар жангга киришмай, ўзларининг орқаларидан қувиб келаётган римликлар армиясини қийналиб чўл-сахро орқали ўтишга мажбур қилиб, орқага чекинганлар.

Парфияликлар фақат кичикроқ Балис дарёси қирғокларидагина Рим армиясининг бош қисмига хужум қилганлар. Красс парфияликларга қарши ўғли бошчилик қилаётган отлик аскарларни юборган. Парфияликлар ёш Крассни алдаб, пистирмага туширганлар ва кириб ташлаганлар. Шундан кейин улар римликларнинг асосий кучларига қарши хужум бошлаганлар. Минглаб отлик аскарлар легионерларнинг усларига ёмғирдай ўқ ёғдирганлар. Римликлар оғир талафот берганлар, аммо отлик аскарлари бўлмаганлигидан парфияликларни ҳайдаб юбора олмаганлар. Кечқурун Красс Карра шаҳрига чекиниш тўғрисида фармон беришга мажбур бўлган. Римликлар чекина бошлаганлар ва тезда тумтарақай қочишга тушганлар. Рим армиясининг бўлиниб кетган қисмлари ярадорларни ва обозларини ташлаб, тезроқ Сурияга етиб олишга уринганлар. Чекиниш пайтида Красснинг ўзи ва қарийб 20 минг аскар халок бўлган. Рим қўшинининг озгина қисмигина Сурияга етиб келган.

Рим армиясининг Карра шаҳри ёнидаги жангда мағлубиятга учраши ҳарбий-сиёсий жиҳатдан катта оқибатларга олиб келган. Бу мағлубият натижасида римликларнинг Шарққа юрйиши узок вақтларгача тўхталиб қолган. Парфия Арманистон билан Месопотамия устидангина эмас, балки Сурия устидан ҳам ўз ҳукмронлигини кўп марта даъво қилиб римликлар билан тортишган.

Карра ёнидаги жанг Римнинг ички тарихида ҳам муҳим оқибатларга олиб келган. Красснинг ўлими билан триумвират қулаган. Помпей оптиматлар билан яқинлашиб кетган, бунинг устига Цезарь Галлияда ғоят жиддий қийинчиликларга дуч келган.

Римликларнинг галлар ерига бостириб кириши, уларни таллаши, зўравонлиги, асирларнинг қўплаб қул қилиб сотилиши галларнинг келгиндиларга қарши қаттиқ ғазабини қўзғатган.

Эрамиздан аввалги 52-йилда галл аҳолиси римликларга қарши кўтарилган. Баъзи бир Рим отрядлари кириб ташланган. Қўзғолончиларга арверн қабиласининг ёш ва ғайратли йўлбошчиси Верцингеториг бош бўлган.

Бошда олиб борилган уруш ҳаракатлари Цезарь учун муваффақиятсиз бўлган. Аммо кейинчалик римликлар Верцингето-

риг армиясини тор-мор келтириб, Алезий кўрғонига камашга муяссар бўлганлар. Галларнинг қамалдагиларни қутқазшучун қилган ҳаракатлари муваффақиятсизликка учраган. Очлик Верцингеторигни ва унинг армиясини таслим бўлишга мажбур этган (эрамиздан аввалги 51- йил).

Цезарь Галлиядаги уруш вақтида ҳарбий шон-шарафга эга бўлиш билан бирга 13 легиондан иборат ўзига содиқ катта армия ҳам барпо қилган. Бундан ташқари у ғоят катта бойлик орттирган. Натижада у ўзининг ғоят кўп қарзларини батамом тўлаб, ундан қутилишгина эмас, балки Римдаги ҳар хил сиёсий арбобларни сотиб олишни ҳам машқ қилган. Цезарь ўз жангчиларига бошқа Рим лашкарбошилари бергандан кўра икки барабар ортик мойна берган. Бундан ташқари уларга саҳийлик билан ер ва қуллар тортиқ қилган. Шундай қилиб Цезарь Италия ва Римда ўзининг ишончли тарафдорларига эга бўлган.

Цезарь Галлияда уруш олиб бораётган вақтда Помпей Италияда туриб ўзининг легатлари орқали Испанияни идора қилиб турган.

Римда ижтимоий кураш тобора кескин тус олган. Аппий йўлидаги тўқнашишлардан бирида Милон тарафдорлари Клодийни ўлдирганлар. Унинг мухлислари дафн маросинини форумда ўтказишган, бу эса Римнинг марказида катта намоишга айланиб, тартибсизликлар бошланган. Сенат пойтахтда тартиб ўрнатийш учун Помпейни эрамиздан аввалги 52-йилга «коллегиясиз консул» қилиб, яъни яқка ҳоким қилиб тайинлаган. Оптиматларнинг кўп намояндалари Цезарга тобора тез-тез қарши чиқадиган бўлиб қолганлар. Триумвиратнинг собиқ иштирокчилари ўртасида низолар туғилиб келган ва бу низолар Рим давлатида ҳокимиятни кўлга олиш учун гражданлар урушига айланган.

XIII ВОБ

РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИНИНГ ҚУЛАШИ

1. Эрамиздан аввалги I асрнинг 40-йилларида гражданлар уруши ва Юлий Цезарь диктатураси. Эрамиздан аввалги 49-йилнинг 10 январида Цезарь пухта тайёргарликдан кейин душманларини ғафлатда қолдириб тўсатдан Рубикон дарёсини кечиб ўтган. Бу дарё Цизальп Галлияси билан Италиянинг Рим магистратлари идора қиладиган асосий қисми ўртасидаги маъмурий чеғара бўлган.

Цезарь Рубикон қирғоғига етиб келганида бир оз вақт иккиланиб турсада, кейин «чек ташланди!», нима бўлса бўлар деб қўшинларига дарёни кечишга буюрган. Цезарь бу билан қонунга мутлақо хилоф бўлган гражданлар урушини бошлаб, ўзини оқлаш учун, мен халқ тиб-унларининг поймол қилинган ҳуқуқларини химоя қилиб чиқаяпман деб эълон қилган.

Римга ҳужум қилиб келган Цезарь қўшини сон жихатидан кўп бўлмасида ғафлатда қолган Помпей ва у билан камалда қолган оптиматлар ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмаганлар. Помпей ҳамда Цезарга душман консуллар билан сенаторлар Римдан Брундизийга қочиб кетишган.

Шошиб-пишиб тўпланган отрядлар уларни Италиядан Дирахий (ҳозирги Дуррес)га ўтказиб қўйишни таъминлаган, холос. Цезарь Римни ишғол қилган. Унга Рим гражданлик ҳуқуқини олган Цизальп Галлиясининг туб халқигина эмас, балки ўрта ва жанубий Италиядаги бир қанча шаҳарларнинг аҳолиси ҳам мадад берган. Цезарь Римда хазинани қўлга олган ва шаҳарни "бошқаришни -таъминлаб, Помпей армияси жойлашган -Испанияга жўнаган. У галл легионларини Испаниянинг шимолига! тўплаб легатлар бошқариб турган Помпей армиясини сикиб боғриб Ибер (ҳозирги Эбро) дарёсининг Илерда шаҳарчасига яқин Жойдаги бурилишга ҳайдаб киргизган ва уни таслим бўлишга мажбур этган (эрамиздан аввалги 49-йил).

Цезарь Италияга қайтиб келаётиб йўл-йўлакай унга душманлик муносабатида бўлган бой грек шаҳри Массилияни қамал қилган. Цезарь шаҳарни ишғол қилиб, уни ер мулкининг кўп қисмидан маҳрум қилган ва Рим вилояти таркибига қўшиб қўйган.

Цезарь Римга қайтиб келгач диктатор деб эълон қилинган. Сулла замонида таъқиб қилинган барча кишиларнинг гражданлик ҳуқуқи Цезарнинг фармони билан узил-кесил тикланган. Шундан кейин магистратлар сайлови ўтказилган. Консул бўлиб сайланган Цезарь ўзининг ўринбосари вазифасига Марк Антонийни қўйиб, ўзи душманларининг асосий кучлари тўпланган Иллирияга жўнаган.

, Цезарь эрамиздан аввалги 49- йил охирида жанубий Иллирияда кемалардан тушиб Аполлония шаҳрини эгаллаган ва уни ўзининг таянч базасига айлантириб, Диррахия ёнида тўпланган Помпей армиясига қарши ҳужум бошлаган. Эрамиздан аввалги 48- йилнинг дастлабки ойларида уруш ҳаракатлари Диррахия ёнида давом этган.

Майда тўқнашувлар ниҳоят катта жанг билан тугаган ва бу жангда Цезарь легионлари жиддий муваффақиятсизликка учраган. Заифлашиб қолган армиясига Италиядан мадад кучи олиш ниятидан маҳрум бўлган Цезарь Диррахиядан чекинишга мажбур бўлган. У оч қолган жаиғчилариГа озиқ-овқат кидириб қўшинини Фессалияга олиб келган. Помпей унинг кетидан қувиб боргаи. Эрамиздан аввалги 48- йил ёзида бир-бирига душман икки армия Фарсал шаҳри ёнида бир-бирйга карама-қарши ҳолатда жойлашган. Бу ерда ўша йилнинг 6 июнида ҳал қилувчи ҳарбий тўқнашув бўлган.

Помпей қўшинига ёрдамга катта куч келаётган бўлган. Шунинг учун ҳам Цезарь душман армиясини жуда қисқа муддат ичида яқсои қилишга уринган. Мадад куч келишини кутмасдан

жанг бошлашга Помпейни унатган баъзи ёш оптиматларнинг гердайиши Цезарга ёрдам берган.

Жанг худди Цезарь кутгандай бўлиб ўтган. Икки томоннийг асосий пиёда кучлари тўкнашиб бир-бирини қирғин қилаётган пайтда Помпейнинг отлик қўшини Цезарнинг отлик аскарларини сиқиб кела бошлаган. Цезарнинг резервдаги отликлари Помпей отликларига тўсатдан қарши хужум бошлаб душманни тум-таракай қочишга мажбур этганлар. Цезарь легионлари чекинаётган Помпей отликларини қувиб бориб, душман асоий кучларининг ён томонларига ва орқасига ўтганлар ҳамда уларни қочиб кетишга мажбур қилганлар. Саросимага тушган Помпей ўз лагерида бекинишга ҳаракат қилган, лекин Цезарь легионлари унга ҳам бостириб қирганлар. Помпей қочишга мажбур бўлган.

Душман армияси тарқаб кетган. Бир қисми асир тушган, бир қисми ҳар ёқ-ҳар ёққа қочиб кетган. Цезарга таслим бўлганлар ичида Цицерон бошлиқ кўпгина Рим аристократлари бўлган. Помпейнинг ўзи эса, аввал бошда Лесбос оролида бекинган, ундан Сурия орқали Парсрия давлатига ўтиб, парфияликлар билан иттифокда Цезарга қарши яна кураш бошламоқчи бўлган.

Аммо Помпей армиясининг тор-мор қилинганлиги ҳақидаги хабар қочиб келаётган саркардадан олдиноқ бу ерга етиб келган. Помпей тайинлаган ноибларга қарши ғазаби қайиаб турган, Помпейнинг Цезарга қарши урушда ёрдам кўрсатиш учун Сурияни Парфия подшосига тортиқ қилиш ҳақидаги овозалардан ваҳимага тушган Шарқий Урта денгиз соҳилидаги эллинлашган аҳоли ва биринчи навбатда Сурия аҳолиси ёлиб томонига ўтишини эълон қилган, шунинг учун ҳам Помпей Миср қирғоғига йўл олган. Лекин Фарсал ёнидаги жанг тўғрисидаги хабар бу ерга етиб келган. Цезарнинг эътибор ва илтифотига сазовор бўлиш мақсадида Миср подшоси ва унинг маслахатчилари Помпейга қирғокқа тушишни таклиф қилганлар. Аммо кемадан тушиши биланок уни хоинона ўлдиришган.

Помпейнинг халок бўлиши билан гражданлар уруши тугамаган. Фарсал ёнидаги мағлубиятдан кейин омон-эсон колган Цезарь душманлари шимолий Африка ва Испанияга тўпланган.

Цезарь ўрта денгиз мамлакатларини қўлга олгандан кейин, Мисрдаги гражданлар урушига аралашган, унда малика Клеопатрани қўллаб-қувватлаб, унинг рақибларини тор-мор қилиб, ҳокимиятни Клеопатра қўлига топширган. Шундан кейин, Кичик Осиёни қўлга олишга уринган. Понт подшоси Фарнакни тор-мор келтирган.

Африка ва Испаниядаги Цезарь душманларининг муваффақиятларидан унга қарши кайфиятда бўлган бир қисм нобиллар ва суворилар жонланиб ҳаракатга келганлар. Шунинг учун ҳам Цезарь Римга қайтиб келганидан кейин плебс ва унинг йўлбошчиси бўлиши халқ трибуни Публий Корнелий Далабел-

ла билан келишиб иш қилиш йўлини тутишга мажбур бўлган. У энг камбағал бино ижарачиларининг бир йиллик қарзларини ва улардан талаб этилаётган процентларни бекор қилган.

Айни вақтда Цезарь легионерларнинг тўхтатиб қўйилган ҳамма маошларини тўлаб, улар ўртасидаги ғулғулани тинчлантирган. Бунга зарур маблағни қоплаш учун Цезарь ўлдирилган душманларининг, биринчи навбатда Помпейнинг ер мулкларини мусодара қилган. Цезарь бу ерларнинг бир қисмини сотиб, бир қисмини ветеранларига бўлиб берган.

Цезарь Рим ва Италияда ўз тарафдорларининг ахволини мустаҳкамлаб, Африкадаги вилоятда тўпланган душман армиясига қарши урушга жўнаган. Цезарь душманлари анча куч тўплашга муваффақ бўлганлар. Нумидийлар подшоши Юба уларга катта ёрдаод кўрсатган. Цезарь эрамиздан аввалги 46-йилда Папс шаҳри, ёнидаги душман армиясига хужум қилган ва шиддатли жангдан сўнг, уни тор-мор келтирган. Африка вилоятидаги кўп шаҳарлар Цезарга таслим бўлган. Утика шаҳри бошқалардан кўра кўпроқ қаршилиқ кўрсатиб турган. Бу ердаги гарнизонга сенат республикасининг ўтакетган мухлиси Катон Кичик қўмондонлик қилган. Африкада Цезарга қарши курашиш мумкин бўлмай қолганини кўргандан кейин "Катон ўз-ўзини ўлдирган.

Африкадаги уруш тугагандан кейин Цезарь дабдабали тўртта тантана ўтказган. Аммо Цезарнинг душманлари унга қарши уруш бошлаш учун бир марта уриниб кўришган. Помпейнинг Гней ва Секст деган ўғиллари раҳбарлигида Испанияда яна катта армия тўпланган. Цезарь у ерға шршилган. Эрамиздан аввалги 43-йили 'мамлакатнинг жанубида Мунд деган жой яқинида ғоят шиддатли жанг бўлган. Цезарь ғалаба қозонган. Помпей ўғилларининг катгаси Гней жангда ўлдирилган, кичйги Секст шимолий Испания тоғларига қочиб кетган.

Эрамиздан аввалги 49—45-йиллардаги гражданлар уруши Мунд ёнидаги жанг билан тамом бўлган. Цезарь ва унинг тарафдорлари душманларнинг қуролли кучларини йўқ қилиб бутун Рим давлати ва ўрта денгиз дунёсидаги ҳамда унга қарам қулдорлик давлатларининг ҳокими бўлиб қолганлар. Римга қайтиб келган Цезарь, абадий диктатордеб эълон қилинган (эрамиздан аввалги 44-йил). Ундан олдин (эрамиздан аввалги 48-йилда) Цезарь халқ трибуни ҳуқуқини олган. Эрамиздан аввалги 46-йилда эса Цензор ҳуқуқига эга бўлган. Олий қохин лавозимини эса у эрамиздан аввалги 63-йилдаёқ эгаллаган. Шундай қилиб республиканинг турли магистрлар ҳуқуқи унинг қўлида жамланган, бу эса унинг ҳокимиятини аслда чегарасиз қилиб қўйган. Цезарь ўз ваколатидан фойдаланиб сенатни ўз тарафдорлари билан тўлдириб, сенаторлар аонини 900 тага олиб келган.

Халқ мажлисининг ҳеч қандай сиёсий аҳамияти қолм'аган. Сайланиб қўйиладиган магистратлик вазифаларига номзодлар-

яи Цезарькўрсатган, мажлис эса унинг таклифи асосида итоат билан овоз берган, холос. Магистратлик вазифаларининг сони жуда кўпайтириб юборилганлигидан уларнинг кўпчилигининг сиёсий аҳамиятини нихоятда пасайиб кетган.

Рим давлатининг республика тузуми бйринчи навбатда ўзига содиқ легионларга таянадиган ҳарбий диктаторнинг яккаюягона бошқариши билан алмаштирилган.

Римда республика тузуми ўрнида ҳарбий диктатуранинг ўрнатилиши тасодифий ҳол бўлганми? Бу Юлий Цезарнинг ғоят зўр ҳарбий ва сиёсий донолиги натижасида содир бўлган эмасми? XIX асрнинг кўпгина тарихчилари, биринчи навбатда машҳур немис олими Т. Моммзен буни ана шундай деб таърифлашга мойил бўлган. Марксчи тарихчилар Рим республикасиинг эрамиздан аввалги I асридаги сиёсий тараққиётига берилган бундай талқинни қатъиян рад қиладилар. Римда ҳарбий диктатуранинг ўрнатилиши қулдорлик тузуми тараққиётининг муқаррар натижасидир. Эрамиздан аввалги IV аср охири ва III аср бошларида, яъни Рим республикасининг давлат аппаратини барпо қилиш тамомланаётган вақтда Римда ва унга қўшни Апеннин ярим оролининг марказий қисмидаги областларда қулдорлик муносабатлари ҳали тўла тараққий топмаган. Қуллар билан эркин аҳоли ўртасидаги муносабатлар ва эркин аҳолининг турли гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар ҳали эрамиздан аввалги I асрдаги каби кескин тус олмаган.

Эрамиздан аввалги II аср охири ва I асрда қулларнинг оммавий кўзғолонлари, ғоят катта ер эгалигининг ривожланиши, кўпчилик қишлоқ аҳолисининг пауперлашиши, кўпчилик шаҳар ҳунармандларининг моддий аҳолини бирданига ёмонлашиб кетиши, сув текин қуллар меҳнатининг рақобати муносабати билан ижтимоий қурашнинг жуда кескинлашиб кетиши социал зиддиятларнинг кескинлашишига, оммавий ҳаракатлар бошланиб кетиш ҳавфи доим таҳдид қилиб туришига сабаб бўлган. Магистратлари ҳар йили алмашиниб турадиган ва доимий армияси бўлмаган эски республика давлат аппарати Рим қулдорлик жамиятининг ҳукмрон табақаларига ўзларининг жонли ва жонсиз мулкларига тинчгина бемалол эгалик қилишни таъминлаб беролмайдиган бўлиб қолган.

Рим республикасининг нобиллар билан суворилардан иборат икки йирик қулдорлар гуруҳининг бойлик орттириш манбаи бўлиб хизмат қилувчи вилоятлари бўлган ғоят катта Урта денгиз давлатига айланиб кетиши ҳам давлат аппаратининг ғоят турғунлигини, доимий армия бўлишини ва марказлаштирилган ягона бошқаришни талаб қилган.

Давлат аппаратини мустаҳкамлаш ва уни марказлаштириш зарурлигини кўпгина сиёсий арбоблар, жумладан Цицерон ҳам тушунган. У ўзининг трактатларидан бирида республиканинг қандайдир «ректори» (ҳокйми) ни майдонга чиқаришни лозим билган.

Аммо сиёсий арбобларнинг қўпи Рим давлат тузумининг ислох қилиниши муқаррар эканлигини тушунсалар-да, ислохот» ни ўтказиш йўли ва, энг муҳими, давлатга раҳбарлик қилувчи шахс тўғрисидаги масала хилма-хил ҳал этилган. Катилина, Красс, Помпей, Цезарь Рим республикасининг сиёсий раҳбарлик илинжида бўлганлар. Лекин уларнинг ҳар қайсиси бунни ўзича тушунган ва бу мақсадга эришиш учун ўзича ҳаракат қилган. Эрамиздан аввалги 49—45-йиллардаги гражданлар уруши билан тугалланган ғоят қаттиқ сиёсий кураш натижасида Цезарь ҳокимиятни қўлга олган. Римдаги бевосита тарафдорлари ва ўз легионларидаги жангчилардан ташқари Цезарь вилоятлардаги қулдорларнинг ҳукмрон табақалари ичидан ўз ҳокимиятига таянч қидирган.

Цезарь Галлиянинг проконсули бўлиб турганида Цизальп Галлиясидаги шахар зодагонларининг намояндаларигагина эмас, балки Транзальп Галлиясидаги кўпгина зодагон галларга ҳам еахийлик билан Рим гражданлиги ҳуқуқларини тарқатган. У Рим республикасининг шарқий вилоятларида ҳам ўша сиёсатни қўллаган. Греция, Кичик Осиё ва Сурия аристократларининг кўпгина намояндalари Рим гражданлиги ҳуқуқларига эга бўлган. Эрамиздан аввалги 59-йилдаёқ Цезарь вилоятларда ўзларининг маъмурий мартабаларидан фойдаланиб вилоят аҳолисидан дўк-йўписа билан маблағ тўплаган шахсларга қаттиқ жазо бериш ҳақида қонун жорий қилган. Кейинроқ эрамиздан аввалги 44-йилда у муниципияларнинг ўз бошқармаси тўғрисида қонун эълон қилган. Айни вақтда Цезарь Цизальп Галлияси ва Испаниядаги кўпгина шахарларга, шунингдек ўрта денгиз соҳилидаги турли вилоятларда (Карфаген, Коринф, Кичик Осиё ва Суриядаги шахарларда) Рим граждaнлари ва италиклардан ўзи тузган бир қанча колонияларга муниципия ҳуқуқлари берган.

Рим билан вилоятлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек савдо-сотиқ ишларини ва пойтахтга озик-овқат келтиришни осонлаштириш учун Цезарь кўрсатмаси билан Рим-Остия портидаги гавань чуқурлаштирилган.

Римда биринчи марта олтин пул — динарий зарб қилинган, бу пуллар тезда Римда, Италияда ва Ғарбий Урта денгиз вилоятларида ягона пул бирлигига айланган.

Вилоятлардаги аҳолидан солиқ тўплашни тартибга солиш чоралари кўрилган. Публиканлар фақат воситали солиқларнигина тўплаганлар. Тўғри солиқларни эса шахарликлар ўз вакиллари орқали ўзлари тўплайдиган бўлганлар.

Цезарнинг кўрсатмаси билан календарь ислох қилинган. Эрамиздан аввалги 45-йил 1 январдан бошлаб эски қамар йили йўқ қилиниб йил ҳисоби куёш ҳаракати асосида кўчирилган. Александрияолимлари ҳисоблаб чиқарган маълумотга кўра йил 365 у 1/4 суткадан иборат бўлган. Тўрт йилда бир марта Рим йилининг 28 кундан иборат сўндти оyi — февралга яна бир кун қўшилган. Мана шу Юлий йил ҳисоби Рим империясининг шун-

дан кейинги асрларида ҳам ҳукм сурган ва Европада XVI—XIX асргача, бизнинг ватанимизда эса 1918-йил бошигача сақланиб келган.

Цезарь Рим нобилларидан бўлган душманлари устидан ғалаба қилгандан кейин демагоглик сиёсатини олиб бормай қўйган. Аксинча, у оптиматларнинг сиёсий қарашларига мос келадиган баъзи тадбирларни амалга ошира бошлаган. Давлатдан текин дон олиш ҳуқуқига эга бўлган Рим граждaнларининг сони кескин камайтирилган (320 мингдан 150 мингга келтирилган). Хунармандлар коллегияларини ташкил этиш яна тақиқланган.

Цезарь оптиматлар билан ярашишга интилиб, баъзи душманларини афв этиб, уларнинг Римга қайтиб келишига ижозат берган ва турли магистрлик вазифаларига кўтарган. Лекин Цезарнинг бу тадбирлари натижа бермаган. Цезарга ва унинг сиёсатига душманлик кайфиятидаги нобиллар жуда кўпчиликни ташкил этган. Рим зодагонлари Цезарнинг Рим граждaнлиги ҳуқуқларини сахийлик билан тарқатишидан айниқса норози бўлганлар. Цезарга қарши қайта-қайта фитналар уюштирилган. Эрамиздан аввалги 45- йилда Сурияда Цезарга қарши кўзғолон кўтарилган. Помпейнинг собиқ жангчилари Цезарь қўйган ноибни (проконсулни) ўлдирганлар, Цезарга содиқ харбий бошликлар уларга қарши чикқандан кейин эса кўзғолончилар парфияликларни ёрдамга чақирганлар. Цезарь Парфия подшолигани тор-мор келтиришга ва шу билан Красс армиясининг халокати учун ўч олишга қарор қилган.

Цезарь Шаркка катта юриш қилиш учун тайёргарлик кўра бошлаган. Римда олдиндан уч йил муддатга магистрлар тайинланган. Иллириянинг Аполлония шаҳрида катта армия тўпланган. Римда Цезарь ўзини подшо деб эълон қилмоқчи эмиш, чунки пайғамбар китобларида («Сивилла китобларида») Парфияни фақат подшогина енгар экан, деган миш-миш гап тарқалган.: Цезарь давлат марказини қадимги Троя ўрнидаги Иллион шаҳрига кўчирмоқчи экан деб ҳам гап тарқатишган. Цезарь халойиқ олдига доим ғолиблар қиядиган қирмизи ранг ёпинчик (тога) да чиқар экан, сенат унга фахрли олтин курсида ўтиришга ижозат берган, ниҳоят циркда томоша бўлиб турганида Цезарнинг энг яқин дўсти Марк Антоний унинг бошига • подшолар қиядиган тож кийдирмоқчи бўлиб, томошабинлар оммасининг ғазабини кўзгатган.

Нобиллар ўртасида янги фитна пайдо бўлган. Бу фитнага Красснинг собиқ квестори Гай Кассий Лонгин билан Иарк Юний Брут бошчилик қилган. Бу фитнада 60 тача сенатор қатнашган.

Фитначиларнинг максaди Цезарни ўлдириш ва эски республика тузумини тиклаш эди. Цезарга хужум қилиб, уни ўлдирish плани муфассал ўйланиб тузилган бўлсада, ундaн кейинги ҳаракатларда аниқлик бўлмаган,

Март идисиди (эрамиздан аввалги 44-йилнинг 15 мартини), яъни Юпитер байрами куни Цезарни огохлантиришларига қарамай, Шарққа жўнаш олдида сенат мажлисига борган. Шу мажлисда у фитначилар томонидан ўлдирилган.

Мажлисда ҳозир бўлган сенаторлар тум-тарақай қочиб кетганлар, уларнинг ваҳимаси аҳолига ҳам ўтган. Кишилар уй-уйларига беркиниб олишган, дўконлар ёпилган. Фитначилар яккаланиб қолган. Улар қўлларидидаги ханжарлари билан дўк қилиб сенит биносидан чиққанларида кўчалар бўм-бўш бўлиб қолган. Улар республика тузумининг тикланишини тантанали равишда эълон қилиш ўрнига Капитолийга жўнаганлар ва у ерда ўз клиент ва қуллари билан биргаликда баррикадалар орқасига бекиниб олганлар.

2. Эрамиздан аввалги I асрнинг 40-йиллар охири ва 30-йилларида граждандар уруши, республиканинг кулаши. Эрамиздан аввалги 44-йилнинг 17, мартада сенат мажлиси йиғилган. Фитначилардан баъзилари Юлий Цезарни давлат душмани деб эълон қилишни, у чиқарган қарорларнинг ҳаммасини бекор қилишни, ўлдирилган диктаторнинг жасадини қатл қилинган жиноятчи сифатида Тибр дарёсига ташлашни таклиф қилганлар. Аммо сенаторларнинг кўпчилиги, шу жумладан баъзи фитначилар ҳам Цезардан олган тортиқлар, мукофотлар Лэлавозимлардан маҳрум бўлишни истамай бу таклифга қўшилмаганлар. Цицероннинг мурасали таклифи қабул қилинган: Цезар ўлганда хисоблансин, фитначилар тўла равишда авф этилсин, ўлдирилган диктаторнинг фармонлари ва кўрсатмалари ўз кучида қолдирилсин, деб қарор қилинган.

Сенатнинг бу қарори Юлий Цезарнинг яқин дўстлари бўлмиш Марк Антоний ва Эмилий Лепидни руҳлантирган. Антоний консул лавозимини сақлаб қолган. Цезарнинг дафн маросимида у нутқ сўзлаб, маҳрум диктаторнинг васиятини ўқиб берган, Бу васиятга кўра Римдаги барча энг камбағал граждандар ва ветеранларнинг ҳар бири 3 минг динарийдан пул олган.

Цезарнинг жасади форумда қўйдирилган ва бир канча вақтдан кейин шу жойга меҳроб қўйилиб, у ерда илохий зот деб эълон қилинган Цезарнинг донолиги шарафига қурбон берилдиган бўлган.

Рим аҳолирининг кайфияти фитначиларни Римдан кўчиб кетишга мажбур этган. Сенатда Марк Туллий Цицерон республикачиларнинг раҳбари бўлиб қолган. Марк Антоний эса цезарчиларга бош бўлган. Бир-бирига душман бу гуруҳларнинг иккиси ҳам ўз кучига ишонмаган, хусусан Цезарнинг ўлиmidан кейин шаҳарда аҳолининг қўйи табақалари орасида Герофил деган киши донг чиқарган, у ўзини Марийнинг невараси қилиб кўрсатган ва зодагонлардан қатъий ўч олишга чақирган. Марк Антоний Герофилни қўлга тушириб, қатл қилдирган ва шу билан оммавий чиқишларнинг олдини олган. Антоний сенат билан

ўзаро муносабатни юмшатиш учун абадий диктаторлар лавозимини бекор қилиш тўғрисида қонун чиқартирган. Айтилган вақтда у харбий ветеранларга ер бўлиб, бериш мақсадида Юлий Цезарь чиқарган қонуннинг асосий мазмунини таъкидловчи аграр қонун чиқартирган.

Аммо тез орада бир томондан Антоний билан бошқа цезарчилар ва иккинчи томондан у билан республикачи сенаторлар ўртасида вилоятлардаги ноиблик лавозимларини бўлиб бериш устида жанжал чиққан. Мавжуд таксимотга кўра Цизальп Галлияси фитначиларга қўшилган Децим Брутга тегиши лозим бўлган. Антоний сенатдан ноибликларни қайтадан таксимлашни талаб қилган. Цицерон бошлиқ сенат унинг таклифига қарши чиққандан кейин Антоний вилоят ноибликларини қайтадан таксимлаш тўғрисидаги қонунни комициялар орқали тасдиқлашиб олган. Хар икки Галлиянинг проконсулликларини Антоний ўзига олган, цезарчиларнинг бошлиқларидан Публий Корнелий Долобеллага Сурия, Марк Эмилиий Лепидга Испания билан Нарбон Галлияси берилган.

Бу қонуннинг жорий қилиниши Антоний билан сенат ўртасидаги алоқанинг узилишига сабаб бўлган, хусусан шу пайтда Римга Помпейнинг ўғли Секстнинг Испанияда аскар тўплаб қўзғолон кўтаргани, Цезарь ноибнинг отрядини тор-мор қилиб, Ибер дарёсидан жануброқда кирғоқда мустақамланиб олганлиги ҳақида хабар келиб қолган.

Римнинг ўзида эса Цицерон Цезарнинг узоқ қариндоши (жиян невараси) Гай Октавийнинг Цезарга асраиди ўғил ва ворис бўлиши тўғрисидаги даъвосини қувватлаб цезарчилар қаторини бўлиб юборган.

Цезарь ўлдирилган пайтда Гай Октавий Иллирия Аполлониясида бўлган. Эрамиздан аввалги 44-йил апрелида Октавий Римга қайтиб келиб Цезарнинг ўлиmidан кейин Антоний олиб қўйган ғоят катта пул маблағни Цезарнинг васиятига кўра ўзига берилишини Антонийдан талаб қилган. Лекин Антоний Октавийнинг талабини қатъий рад қилган.

Октавий ёрдам сўраб Цицеронга мурожаат қилган. Цицерон эса Октавийни Антонийга қарши қўйиб цезарчиларнинг мавқеини заифлантириш мақсадида Гай Октавий Цезарнинг асранди ўғли эканига иқдор бўлиш ва уни Цезарь мол-мулкнинг қонуний вориси деб эълон қилиш тўғрисида сенат орқали қарор чиқартирган. Гай Октавий шу пайтдан бошлаб Гай Цезарь Октавиан деб атала бошлаган. Октавиан Цезарнинг асранди ўғли сифатида Цезарь васият қилиб қолдирган маблағни Римнинг энг камбағал граждaнларига тарқатган ва шу билан плебс оммаси ҳамда ветеранлар ўртасида катта обрў қозонган. Антоний Римда ўзининг таъсири бўшашганлигини кўриб Цизальп Галлиясига жўнаган, у ерда у проконсул вазифасийи бажаришга киришган Децим Брутни хайдаб юборишни ният қилган.

Сенат Антонийни республика душмани деб эълон қилган. Цицерон Антонийга қарши нутқлар сўзлай бошлаган, унинг бу вутқларини шиддатли нутқлар деб атаган. Аммо ўз армияси бўлмаган сенат Антонийга қарши жиддий кураш олиб боришга ожизлик қилган.

Мана шу пайтда Цицеронга Октавиан ёрдам қўлини чўзган. Агар магистраторлик вазифаларининг номзодлари учун белги-ланган ёш цензи тўғрисидаги қонунга хилоф равишда уни претор қилиш Цицероннинг қўлидан келса, шу шарт билан Октавиан ўз обрўсидан фойдаланиб Цезарчи жангчилардан сенат армиясини ташкил этишга ваъда қилган. Цицероннинг тавсияси билан сенат Октавианнинг шартини қабул қилган ва ўн тўққиз ёшлик йигит претор деб эълон қилинган. Шундан кейин Октавиан сенат консуллари Гирция билан Пансга Цезарь ветеранларидан армия тўплашга ёрдам берган. Икки консул ва Октавиан бошлиқ республика армияси Мутина шаҳрида Децим Брутни қамал қилиб турган Антоний қўшинига қарши жўнаган. Мутина яқинида бўлиб ўтган жангда Антоний қўшинлари тормор келтирилиб чекинишга мажбур бўлган, лекин республиканинг икки консули ҳам жангда ҳалок бўлган. Армияга ёш претор Гай Цезарь Октавиан бошчилик қилган (эрамиздан аввалги 43-йил).

Бу ғалабадан руҳланган сенаторлар Македонияда Марк Брутнинг, Сурияда эса Гай Кассийнинг ҳокимиятни қўлга олганликларини тан олганлар. Октавианнинг ўзини консул қилиб тайинлаш тўғрисидаги илтимосини эса рад қилганлар.

Сенатнинг бу қароридан хабардор бўлган Октавиан ўз армияси билан Децим Брутга қарши отланган. Брут қочиб кетаётганида ҳалок бўлган. Шундан сўнг Октавиан жангчилари Римни ишғол қилган. Айни вақтда Октавиан Антоний ва Эмилиий Лепид билан ярашиш ва иттифоқ тузиш тўғрисида музокара бошлаган.

Эрамиздан аввалги 43-йил кузида учта лашкарбоши Бонония шаҳри ёнида йиғилишиб, ўзаро иттифоқ бўлиш ва республика тарафдорларига қарши биргаликда кураш олиб бориш тўғрисида келишиб олишган. Шундан кейин тезда Октавиан жангчилари билан қуршаб олинган ком,ициялар ҳокимиятини «республика тузиш» учун триумвирлар сифатидаги учта цезарчи бошлик — Марк Антоний; Эмилиий Лепид ва Гай Цезарь Октавианга топшириш тўғрисида қарор қабул қилганлар.

Шундай қилиб биринчисидан расмий давлат органи бўлиши, ва фавқулудда ваколатларга эга бўлганлиги билан фарқ қиладиган иккинчи триумвират вужудга келган.

• Триумвирлар Цезарнинг қотилларига нисбатан берилган авф' бекор қилинганлиги ва проскрипциялар ўтказилишини ЗЪОН қилганлар. Иккинчи триумвиратнинг проокрипциялари ҳаддан ошиб кетган. Бунинг натижасида 300 та сенатор ва 2 минг сувори ҳалок бўлган. Дастлабки курбонлардан бирй Марк

Тулий Цицерон бўлган, у Марк Антоний талаби билан проскрипция рўйхатига киритилган.

Республика тарафдорларининг ҳарбий кучлари таҳдид қилиб турган триумвирлар ўзларининг ҳарбий ғазналарини тўлдириш учун сувориларни ва умуман бойларни кўплаб ўлдирганлар ва талаганлар.

Римда, Италия ва ғарбий вилоятларда ҳокимият цезарчилар кўлига ўтган бўлса, Марказий ва Шарқий Урта денгиз соҳилларида республикани тиклаш тарафдорлари устунликка эга бўлганлар.

Секст Помпей кўшин ва флот тўплаб Сицилия, Сардиния ва Корсикани босиб олган. Триумвирлар таъкиби остида қолган кишилар ва куллар Секст томонга қочиб ўтганлар (секст кулларни ҳарбий хизматга олган).

Секст Помпейнинг эскадралари Италия қирғоқларини қамал қилиб Римга ,озиқ-овқат келтирилишига тўсқинлик қилган.

Эрамиздан аввалги 42-йил бошида шарқий вилоятларда Марк Брут билан Гай Кассий тўплаган армия триумвирларга айниқса жиддий хавф туғдирган.

Брут Македонияни, Ахайя, Киренаика ва Осиёдаги вилоятларни босиб олган. Гай Кассий эса Суриядаги Цезарчи ноиб Долабеллани ўлдириб, бу бой вилоятни эгаллаган. Римга қарам бир неча подшоҳи, шу жумладан Миср маликаси Клеопатрани ҳам жуда катта товон тўлашга ва ёрдамчи отрядлар етказиб туришга мажбур этган.

Брут ва Кассий шарқий вилоятларнинг аҳолисини талаб ва зўрлик ишлатиб жуда катта моддий маблағ тўплашга, иттифоқчиларнинг ёрдамчи отрядларидан ташқари 18 легиоий тузишга муваффақ бўлган. Республикачилар кучларини бирлаштириб Диррахиядан Италияга кечиб ўтишни мўлжаллаб ғарб томон йўл олганлар. Лекин Филиппа шаҳри ёнида улар Марк Антоний ва Октавиан бошчилигидаги триумвирлар армиясига дуч келганлар. Триумвирлар армияси (20 легион) сон жиҳатидан Брут ва Кассийнинг кучларидан устун келсада, банд қилиб турган жойлари ноқулайроқ бўлган ва озиқ-овқатдан ҳам қаттиқ қийналишган.

Хар икки томон бир-бирининг актив ҳаракатини кутиб хийла вақт туриб қолганлар. Тасодифан бошланиб кетган жангда республикачилар қисман мағлубиятга учраганлар. Гай Кассийни ўз чодирида ўлган ҳолда топишган. Кассийнинг ўлими республикачиларни издан чиқарган. Брут бир қанча вақт тараддудда тургандан сўнг жанг бошлаган ва мағлуб бўлган. У душманга асир тушишни хоҳламай ўзини қилич устига ташлаган (эрамиздан аввалги 42-йилнинг ноябри).

Республикачилар армиясини Филиппа ёнида яқсон қилгандан кейин триумвирлар вилоятларни қайтадан тақсим қилишган: Антоний Шарқий Урта денгиз соҳилларидаги энг бой ва

маданий вилоятларни ўзига олган, икки Галлия, Иллирия ва Испанияни бошқариш Октавианга топширилган, Эмилий Лепид Африкани олган. Италия умуман триумвирларнинг бошқарувида бўлса ҳам, Антоний шарқда, Лепид эса Африкада бўлгани учун, аслида у Октавианхокимияти остида қолган.

Сицилия, Сардиния ва Корсикага триумвирларнинг ҳукм ўтмаган, унда Секст Помпей ҳукмронлик қилган, у хатто Италия жанубидаги бир неча қирғоқ шаҳарларни ҳам босиб олган.

Урта денгиз дунёсининг шу тариқа бўлинганлиги цезарчи бошлиқлар билан Секст Помпей ўртасида ҳокимият учун олиб борилган курашнинг маълум бир босқичи бўлган, холос. Триумвирларнинг ҳар бири ва Секст Помпий бугун Урта денгиз территориясига яқка ҳоким бўлишга интиланлар.

Тарсни қароргоҳ қилиб олган Антоний, қўпроқ пул тўплашни назарда тутиб бўлса керак, республикачиларга ёрдам кўрсатганлари учун тоvon талаб қилиш мақсадида Римга қарам шарқ подшоларининг ҳаммасини хузурига чақиртирган. Бошқалар қатори Миср маликаси Клеопатра ҳам Антоний хузурига келган ва у билан учрашганида триумвирни ўз таъсирига олган. Клеопатра Антонийни ўзи билан бирга Александрияга кетишга унатган. Антоний эрамиздан аввалги 42—41-йил кишини бекорчилик билан ўша ерда ўтказган. Эрамиздан аввалги 41-йил баҳорида парфияликлар Сурияга бостириб кириб, Рим ноибини қўшинини тор-мор келтирган ва Римнинг бошқа шарқий вилоятларини босиб олгандан кейин ҳам Антоний Миср-маликасининг меҳмони бўлиб қолаверган., Италиядан келган ташвишли хабарларгина уни ниҳоят бекорчиликдан кетишга мажбур қилган.

Филиппа ёнидаги жангдан кейин Италиядаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар жуда зўрайган. Проскрипциялар даврида кишиларнинг қўллаб ўлдирилиши, 18 та шаҳар аҳолисининг ерлар мусодара қилиниши, бугун йталий аҳолисига, шу жумладан Рим граждaнларига ҳам мол-мулкнинг ўн проценти миқдорида солиқ солиниши, ниҳоят Секст Помпей харбий флотининг Италияни денгиз қирғоғидан қамал қилганлиги туфайли; Римда ва унга яқин жойларда муттасил озиқ-овқат танқислиги триумвирлардан ва биринчи навбатда Октавиандан қаттиқ норозилик туғдирган.

Яқка ҳокимиятнинг Марк Антоний қўлига ўтишига интилан ўтган укаси Луций Антоний билан хотини Фульвия Римдаги бу ҳолатдан фойдаланишган.

Луций Антоний билан Фульвия триумвиратни тугатиб республика конституциясини тиклаш ширини илгари суриб қўзғолон кўтаришган. Уларнинг тарафдорлари қисқа бир муддатга Римни қўлга олганлар, аммо тезда Октавиан устун келадиган харбий қучларининг тазйиқига бардош беролмай Этрурияга чекинишга мажбур бўлганлар. Луций Антоний ва Фульвия ҳам-да уларнинг тарафдорлари Перузия (ҳозирги Перуджа) шах-

рида мустахкамланиб олган ва бу ерда Октавиан армияси уларни қамал қилган (эрамиздан аввалги 41—40-йиллар). Перузия уруши ғоят оғир бўлган. Қамалдагилар ҳужумларни қайтариб турсаларда, қаттиқ қамал натижасида очлик уларни қирғокларига флоти яқинлашиб қолган Антоний билан муносабатни бутунлай узишни, истамай, Луций Антоний билан Фульвияни қўйиб юборган, аммо уларнинг тар'афдорларининг таъзирини берган. Фульвия эрини кутиб олгани кетган, аммо йўлда ўлиб қолган. Антоний тезда Брундизияга келиб тушган ва унинг олдинги отрядлари Октавиан қўшинига қарши душманлик ҳаракатини бошлаганлар.

Лекин триумвирларнинг тарафдорлари уларнинг очикдан-очик уруш қилишига йўл қўймаганлар. Воситачилар ёрдамида Октавиан билан Антоний ярашганлар. Улар эски битимни таъкидлаб вилоятларни бошқаришни бўлиб олиш тўғрисида янги битим тузишга ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш тўғрисида ҳам битимга келишган: Антонийнинг парфияликларга қарши урушида Октавиан унга мадад берадиган бўлган. Антоний эса Октавианнинг Секст Помпейга қарши олиб борадиган урушига тайёргарлик кўриш учун унга флот беришга ваъда қилган. Уларнинг битими бева қолган Антонийнинг Октавиан синглиси Октавияга уйланиши билан мустахкамланган. , ,

Италия ва Рим аҳолиси озик-овқат танқислигидан азоб чекишган. Бундан ташқари қулларнинг Италиядан Сицилияга кўплаб кетиши италий қулдорларини шу қадар ташвишга солиб қўйганки, улар триумвирларни Секст Помпей билан ярашишга мажбур қилган, аммо ярашиш узокқа чўзилмаган.

Антоний легати шарқда ажойиб ғалабага эришгандан кейин Антонийнинг ўзи Фратта юриш қилган, сўнгра у яна Мисрга жўнаган. Унинг Қлеопатра билан ўзаро муносабати шахсий алоқа тусини олган. У Қлеопатрани «шоҳлар маликаси» деб эълон қилган, афтидан у Птолемей сулоласининг бу сўнгги намояндаси билан иттифокда бир замонлар Александр Македонский монархияси составига кирган кенг территория билан Рим республикаеига якка ҳоким бўлишга тезроқ эришармаи деб ўйлаган бўлса керак.

Эрамиздан аввалги 36- йили Антоний катта армия тўплаб Парфия подшолигига қарши юриш бошлаган. Парфия аристократияси орасидаги ички зиддиятлар ёрдам беради деган умид билан Антоний тоғли йўллардан юриб Арманистон орқали Мидияга бостириб қирган.

Рим армияси Мидиянинг бош шаҳри Атропатенани қамал қилган. Мамлакатнинг ҳокими Антонийга қаттиқ қаршилиқ кўрсатганки, у бундай бўлишини тасаввур ҳам қилмаган. Римликларнинг қарвони ва қамал қуроллари парфияликларнинг отлик аскарлари қўлига тушган. Қиш келган. АБТОНИЙ чекинишга мажбур бўлган. Антонийнинг шахсан жасорати ва ҳарбий

махоратига карамай Рим армияси чекиниш пайтида жуда катта талафот қўрган (уларнинг тўртдан бир қисми ҳалок бўлган).

Антоний путур етган ҳарбий раҳбарлик обрўсини сақлаб қолиш учун, Парфия монархиясига қарши юриш арман подшогининг хиёнати сабабли муваффақиятсиз чиқди, деб эълон қилган. Эрамиздан аввалги 35-йили Антоний Арманистонга бостириб кирган, арман подшоси Артаваздни асир олиб, Александрияда Арманистон устидан қилган ғалабаеининг тантанасини ўтказган ва асир подшони қатл қилдирган.

Антоний Парфияга қарши муваффақиятсиз уруш олиб борган вақтда Октавиан катта ҳарбий флот барпо этиб Секст Помпейга қарши ҳужум бошлаган.

Икки марта бўлган денгиз жангида Секст Помпейнинг эскадраларини тор-мор қилиб, Октавиан Лепид билан биргаликда Сицилия оролига тушган. Секст Помпей армияси таслим бўлган, ўзи эса Парфияга етиб бормоқчи бўлиб Қичик Осиёга қочи кетган. Лекин Антоний легатларидан бири уни тутиб олиб ўлдирган.

Бу вақтда Эмилий Лепид Октавиан легионерлари орасида уларни ўзига хизматга чақириб ташвиқот юргизган. Бу ишни сезган Октавиан ҳам худди ўша ишни қилган. «Цезарь фарзанди» нинг обрўси шу қадар баланд бўлганки, Лепид жангчилари Октавианни ўзларининг қўмондони деб эълон қилганлар. Эмилий Лепид Октавиандан шафқат қилишини сўрашга мажбур бўлган. Лепид умрининг охиригача ҳаёт кечириши учун ўз амлокларидан бирига юборилган (эрамиздан аввалги 36-йил). Шу тариха эрамиздан аввалги 36-йил охирига келиб Урта денгиз дунёсидаги ҳокимият Ғарбни бошқариб турган Октавиан билан Шарқни бошқариб турган Антоний ўртасида бўлинган. Уларнинг бир-бири билан тўқнашиши эса замона зайлига боғлиқ бўлиб қолган.

Октавиан Секст Помпейнинг ҳарбий кучларини тор-мор келтиргандан кейин Сицилияга қочи келган қулларнинг ҳаммасини хўжайинларига қайтаришни, эгасиз қулларни эса ўлдиришни буюрган. 30 минггача қул собиқ эгаларига қайтарилган, қарийб 6 минг қул крестга қўл оёқларидан миҳлаб ўлдирилган. Айна вақтда Октавианнинг ҳарбий флоти денгиз қароқчиларини ҳам тугатиб, Римга озиқ-овқат етказиб бериш таъмин этилган, бу эса Римда нарх-навонинг пасайишига ва очарчиликнинг тугалланишига сабаб бўлган. Рим-италий аҳолисининг афкор оммаси олдида Октавианнинг обрўси кўтарилган. Эрамиздан аввалги 36-йили Октавиан Секст Помпейга қарши юришдан қайтиб келгандан кейин копиялар унга умрининг охиригача халқ трибуни ҳуқуқини берганлар.

Рим-италий қулдорларининг раҳбар табақаси билан иноқлашиш учун Октавиан Рим граждандари тўлаб келаётган мажбурий солиқларни бекор қилган ва ерларни мусодара қилишни ҳам тўхтатиб қўйган.

Шу вақт Антоний Клеопатрага уйланганлигини ҳалойикка маълум қилган. У Клеопатрага ва ундан туғилган фарзандларига шарқий Рим вилоятларининг айрим қисмларини тортиқ қила бошлаган, ўзининг ва Клеопатранинг сурати солинган пуллар зарб қилган.

Антонийнинг Миср маликасига уйланганлигини расмий равишда эълон қилишдан ғоят нафратланган римликлар унинг бу қилмишларидан ниҳоятда қаттиқ ғазабга келганлар. Октавиан бутун чоралар билан бу кайфиятни кучайтирган. Ўз навбатида Антоний тарафдорлари ҳам Октавианга Лепидни ҳокимиятдан четлаб қўйгани ва бошқа ўзбошимчаликлари учун таъна қилганлар. Эрамиздан аввалги 32-йилда Октавиан ўз жангчилари билан сенатни қуршаб олиб, сенаторлардан Антоний душман деб, унга хилоф қарор чиқаришни талаб қилган. Шу билан бирга Антонийга хайрихоҳ кишиларнинг ҳаммасига Римдан чиқиб кетишга ва ўз бошлиқлари хузурига қўчиб боришга ижозат берган. Ҳар икки консул ва сенаторлардан 300 киши Октавианнинг ижозатидан фойдаланиб Римдан чиқиб кетган.

Шундан кейинок Рим сенати Рим мулкларини ўзиники қилиб олгани учун Миср маликаси Клеопатрага қарши уруш эълон қилган, Антоний ўзининг иттифоқдоши ва хотинини химоя қилиб чиққани учун у ҳам республика душмани деб эълон қилинган.

Бир-бирига душман икки лашкар боши ўз кучларини тўплашга киришганлар. Антоний билан Клеопатра кемаларга тушиб Италияга боришни мўлжаллаганлар. Уларнинг флоти ва армияси Грециянинг ғарбий қирғоқларига қараб йўл олган. Октавианнинг энг яқин дўсти ва истеъдодли лашкар боши Марк Випсаний Агриппа раҳбарлигидаги армия ва флоти душмanning режасини бузиб, Омбракий бўғози ёнида Эпир дарёси қирғоғида уни қарши олган.

Октавиан қўшинлари Антоний армиясининг орқа томонидаги баъзи пунктларни (Коринф ва бошқаларни) эгаллаб, унинг озиқ-овқат таъминотини қийинлаштирган. - •

Антоний лагерида бир томондан унинг сафдошлари ўртасида, иккинчи томондан Клеопатра билан унинг сафдошлари ўртасида ўзаро кураш чиққан, Рим жангчилари ва ҳатто Антонийдан норози бўлган кичик ҳарбий бошлиқлар ҳам Октавиан лагерига қочиб ўта бошлаганлар.

Клеопатра Антоний ҳарбий кучининг бўшашиб бораётганини кўриб курашни тезроқ ҳал этишни талаб қилган.

Эрамиздан аввалги 31-йилнинг 2 сентябрида Антоний флоти Омбракий бўғозидан денгизга чиқишга уриниб, Ақций бурнида Октавиан эскадрасига қарши жанг бошлаган. Жанг пайтида Клеопатра тўсатдан ўз кемаларига Мисрга қараб юришни буюрган. Антоний Миср флотини жанг бўлиб турган жойга қайтаришга уринган, лекин Клеопатра уни ўз кетидан юришга унатган. Антонийнинг лашкар бошлари жангни давом эттир-

ганлар, ammo йўлбошчиларининг қочиб кетганини билгач, жангни тўхтатишган. Антонийнинг курукликдаги армияси бир оз вақт кутиб тургандан кейин Октавианга таслим бўлган. Еолиб Грецияни, Эгей архипелагини ва Кичик Осиёнинг ғарбий областларини ишғол қилган. Октавиан ўз жангчиларини тиичлантириш учун эрамиздан аввалги 31—30-йилнинг қишини • Италияда ўтказишга мажбур бўлган. У ўзининг кўп жангчиларига фахрий истефо ва чек ер бўлиб берган. Эрамиздан аввалги 30-йили Октавиан армияси қаршиликка учрамай Сурияни ишғол қилган ва Фаластиндан ўтиб, Миср чегараларига етиб келган. Антоний душманнинг ҳаракатини тўхтатишга уринган, ammo кутилмаганда унга Клеопатра ўзини-ўзи ўлдирди деган хабарни етказишган. Антоний ўзини қилич устига ташлаб ўлар даражада яраланган. Улаётиб у ўзини Клеопатра ёнига олиб боришни буюрган, ammo малика ўлмаган, тирик экан. Сўнгги нафасини олаётган Антонийга у мен ҳам ўзимни-ўзим ўлдирман деган бўлса-да ўзининг таслим бўлиши тўғрисида Октавианга хабар қилган. Октавиан Клеопатра билан учрашганида унга ташвиш тортманг деса ҳам, Миср маликаси ўзига атаб олтиндан занжир ясаш буюрилгани ва Октавианнинг Римга зафарли, юришида Малика занжирбанд бўлиб бориши лозим эканлигини билиб қилган. Бундан қочиб, Клеопатра ҳам ўзини-ўзи ўлдирган.

Антоний ва Клеопатранинг ҳалокати ҳамда Октавианнинг Мисрни забт қилиши билан граждандар уруши даври тамом бўлган. Шу вақтдан бошлаб Октавиан ғоят катта Рим давлатининг яккаю-ягона ҳокими бўлиб қолган ва у Рим тарихида янги даврни— Рим империяси даврини бошлаб берган.

XIV БОВ

ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ VII—I АСРЛАРДА ИТАЛИЙ-РИМ МАДАНИЯТИ

Энг қадим замонда Рим шаҳри Тибр дарёси этагидан 20 километрча юқоридаги чап қирғокнинг қир-тепаликларига сочилиб турган кичикроқ бир манзил бўлган. Эрамиздан аввалги VII—V асрларда Рим шаҳар жамоа аҳолиси аралаш халқдан иборат бўлган. Шаҳар аҳолисининг Палатин тепалигини банд қилиб ўтирган асосий қисми латин қабиласига мансуб бўлиб, улар билан бир қатордаги Целий тепалигида сабин қабиласининг намояндalари, Палатин тепалиги билан Капитолий тепалиги ўртасидаги сохилда этрусклар яшаганлар (шаҳарнинг бир қисми ундан кейинги замонда ҳам Тус, яъни Этрус маҳалласи деб аталган).

VII асрда бир неча тепалик ва улар ўртасидаги (кейинчалик бозор майдонига, сўнгра эса шаҳарнинг марказий майдони)

ни — Рим форумига айлантирилган) халқоб пастлик тош деворлар билан қуршаб олинган ва бир бутун шаҳар жамоасига айлантирилган.'

Капитолий деб аталмиш ўпирма жарлиги бор тепалик шаҳар маркази бўлган. Бу ерда энг иззатли маъбудлар шарафига ибодатхоналар солинган. Капитолий этагида Тибрнинг тежис паст қирғоғида энг қадим замондан лашкар тўпланадиган бўлган, халқ мажлислари ҳам шу ерда йиғилган. Уруш маъбуди ва шаҳар аҳолиснинг номи билан бу жой Марс майдони деб аталган.

Шаҳарнинг шарқий дарвозасидан форум орқали шимолий ғарбга Капитолийга қараб тош ташланган узун йўл қурилган. Диний байрам намойишлари ва зафар тантаналарида ғолиб саркардалар бошлиқ Рим қўшинлари ана шу йўлдан юриб ўтган. Бу йўл Муқаддас кўча деб аталган.

Аввал бошда уйлар хом ғиштдан қурилиб томлари похол билан ёпилган.) Кейинчалик ибодатхоналар, жамоат бинолари ва бойларнинг шахсий уйлари пишиқ ғиштдан солиниб, деворлари маҳаллий арзон мрамор — травертин билан қопланган. Томлари черепица билан ёпиладиган бўлган.

Эрамиздан аввалги, III аср ўрталаридан эътиборан греклардан намуна олиб хашаматли уйлар қурила бошлаган, эрамиздан аввалги II—I асрларда шаҳарнинг ҳар хил жойида кўп қаватли бинолар пайдо бўлган, улардаги айрим уйлар ижарага берилган. Бу бинолар жуда омонат бўлган. Шаҳарда тез-тез бўладиган ёнғинларда бу бинолар куйиб кетган, баъзан ўздан-ўзи ҳам қулаб, унда истикомат қилганлар вайроналар остида кўмилиб қолган.

Қадим замонда Рим кўчалари бинолари бир-бирига ёпишиб турган эгри-бугри лабиринтдан иборат бўлган. Кўпчилик кўчаларга тош ётқизилмаган, гоҳ чанг, гоҳ тўзон булути билан қопланган, гоҳ юриб бўлмайдиган ботқоқликка айланган.

Ахлат ва ифлос сувларни оқизиб юбориш учун Римда, ривоятларга кўра эрамиздан аввалги VI аср охирида ер тагидан катта қувур — клоака ўтказилган. Эрамиздан аввалги III асрда қурилган осма тарновлардан тоғ сувлари оқиб тушиб катта фонтанларга қуйилган, шаҳар халқи шу тарика сув билан таъмин этилган.

Римдаги иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг тараққий қилган хийла катта этрусклар гуруҳи шахсан Рим маданиятининг ривожига кучли таъсир кўрсатган.

Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда этруск хунармандлари Рим хунармандлигига металлсозлик техникасини ўргатганлар. Римликлар қурилиш санъатининг асосий усуллари ва принципларини, шунингдек архитектура услубининг муҳим хусусиятларини ҳам этрусклардан ўрганганлар. Рим ибодатхонасининг энг қадимги тури — силлиқ устунлардан иборат пешайвок

билан қуршаб олинган тўгарак бинолар аслда ибодатхон ноларининг нусхасидир.

Зодагонлар киядиган кийимларни, дабдабали мебель нусхаларини, бир канча урф-одатларни, диний маросимларни, хусусан қурбон қилинган ҳайвонларнинг ичак-чавоғи ва қушларнинг учишига қараб истикболни айтиб беришни римликлар этрусқлардан ўзлаштирганлар. Латин алфавити ҳам этрусқлар таъсирида таркиб топган. Энг қадимги ва кўпроқ афсонавий Рим тарихининг энг муҳим пайтларига оид дoston ва қиссалар ҳам этрусқлар билан боғланган.

Италий-Рим маданиятининг вужудга келиши ва тараққий қилишига этрусқлардан ташқари бошқа қадимги италий халқлари, айниқса жанубий Италияда, қисман Кампанияда яшаган осклар ҳам анча таъсир кўрсатганлар. Оскларнинг ўз тилигина эмас, ёзувлари ҳам бўлган. Улар бошқа италий халқларидан олдин Апеннин ярим оролининг жанубидаги греклар билан маҳкам алоқада бўлганлар ва бошқа италий аҳолиси ичида, жумладан римликлар ичида ҳам грекларнинг маданий таъсирини ўтказганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярми ва III аср бошларида римликлар жанубий Италия аҳолиси ва бу областларда жойлашган грек шаҳарлари билан маҳкам сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар. Грекларнинг маданий таъсири қисқа вақт ичида Рим аҳолисининг шахсий ва ижтимоий ҳаётининг тараққийсига ниҳоятда кучли таъсир кўрсатган. Римликлар жанубий Италиядаги грек шаҳарларини ўзларига бўйсундиргандан кейин Римда жуда кўп греклар пайдо бўлган. Улар қисман ҳарбий асирлар, қуллар, қисман кўчиб келган кишилар — савдогарлар, хунармандлар, эркин касб эгалари бўлган. Греклар Рим жамиятининг ҳукмрон табақаларининг грек тилини — эллинизм даврида ўрта денгиз дунёси халқларининг халқаро тили бўлган грек тилини ўрганишларига катта ёрдам берганлар, уларни грек адабиёти, фани ва фалсафаси билан таништирганлар. Римда грекларнинг олимпия худодларини ҳурматлай бошлатанлар, натижада грек ибодатхоналари пайдо бўлган, грек архитектураси ва ҳайкалтарошлиги жорий қилинган.

Эрамиздан аввалги I асрга келиб Италияда ва Римнинг ўзида грекларнинг маданий таъсири шу қадар кучайганки, Рим шоири Гораций комил ишонч билан бундай деган:

Забт этилган Греция, асир айлаб музаффарларни,
Лацийга ҳам олиб келмиш санъату хунар...

Аввал бошда ҳар хил италий халқларининг ва шу жумладан римликларнинг ҳам диний тасаввурлари ларлар ва пенатлар деб аталмиш, оила ва рўзгор хомийлари деб ҳисобланмиш ажодлар руҳи ва маъбудларига сиғинишдан иборат бўлган. Эрамиздан аввалги II—I асрларда ҳам ажодларнинг суратлари,

ларлар ва, пенатлар Рим зодагонларининг уйларида, меҳмонхоналар (атрия) да, ўчоқ ёнида, кичикроқ қурбонгоҳ ўрнатилган муқаддас жойда сақланган.

Умум Рим рўзғори ҳомийси — маъбуда Вестани улуғлашга Римда айниқса катта эътибор берилган. Унга атаб солинган ибодатхона Рим форумида бўлган. Веста кохинлари — Римнинг энг зодагон уруғларидан бўлган қизлар ўша ибодатхоналарда яшашган. Уларнинг эрга тегишга ҳақи бўлмаган ва қурбонгоҳдаги ўтни ўчирмай сақлашлари лозим бўлган, ўтнинг ўчишига сабабчи бўлган киши қатл қилинган. «Муқаддас» Веста ўтининг бирон сабаб билан ўчиб қолиши ғоят катта ижтимоий фалокат ҳисобланган.

Римда жуда қадимдан осмон худоларига сиғинганлар, буни этрусклардан ўзлаштирган бўлсалар керак. Уларнинг энг муҳимлари: бош худо Юпитер, маъбуда Юнона, донишмандлик маъбудаси Минерва ва Рим ҳомийси ҳисобланган уруш худоси Марсдир.

Диний маросимларни ижро қилувчи кохинлар (понтификлар) ва турли аломатларга қараб худо иродасини айтиб берувчи фолбинлар (авгурлар) узок вақтларгача патрицийлардан сайлаб келинган. Улар Рим республикасининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатиб келганлар. Уларнинг каттаси—улуғ понтифик Римнинг бош кохини ҳисобланган.

Давлатнинг бирон тадбири муваффақиятли бўлиш-бўлмаслиги, айрим шахсларнинг тақдирини худо нишонларига, яъни момақалдиروқ ва яшинга, қушларнинг қай хилда учишига, олдиларига дон сепилган «муқаддас» товукларнинг ҳаракатига ва ҳоказоларга қараб қаромат қилувчи авгурлар ҳам Рим жамиятида озмунча роль ўйнаган эмас. Сўйилган қурбонликнинг жигарига қараб истикболни айтиб бериш ром очишнинг энг муҳим тури ҳисобланган.

Римликлар худо билан «Маслаҳатлашмасдан» туриб осойишталикда ҳам, уруш вақтида ҳам бирон-бир жиддий ҳаракат қилмаганлар.

Римликлар худолар билан ўзаро муносабатлар тўғрисидаги тасавурларини дуоларни бехато ва жуда аниқ ўқиш, қурбон бериш урф-одатларини мукаммал бажариш асосида қурганлар ва уларни ижро этиш пайтида худолар сиғинувчиларнинг илтижоларини қайтармайди деб ҳисоблаганлар.

Асосий жамоат топиниши ва хонаки топинишдан ташқари Рим жамиятида ҳар хил тушунчаларни, чунончи: шон-шараф (латинча «глория»), ғалаба (латинча «виктория»), битишув (латинча «конкордия»), жасурлик (латинча «виртус») ва ҳоказоларни илоҳийлаштириш кенг тарқалган.

Римнинг энг қадимги Юпитер Капитолийский ибодатхонаси этрусклар нусхасида эрамиздан аввалги VI аср охирларида қурилган. Римда Апполонга ва бошқа грек худоларига сиғиниш кенг кўлам олган, улар бу худоларни ўзларининг бурунги худо-

ларига (Юпитерни Зевсга, Юнонани Герага, Венерани Афродитага, Дианани Артемидага, Минервани Афинага, Вулканни Гефестга ва х. к.) ўхшатишган.

Эрамиздан аввалги II асрдан эътиборан Римда шарқ худоларига сиғиниш ёйила бошлаган. Масалан, Кичик Осиё юриигларидан кейин худоларнинг улуғ онаси Кибелга сиғиниш бошланган. Эрамиздан аввалги II аср ўрталарида Италия ва Римда Озирис ва Изидани азиз кўра ва Дионис (Вакх) шарафига байрамлар — вакханалиялар ўткази бошлаганлар. Эрамиздан аввалги I асрда эронликлар худоси Митрага сиғиниш пайдо бўлган.

Даствлабки вақтларда сенат чет эл худоларига, айниқса шарқий худоларга сиғинишни қоралаган ва хатто қисман ман қилган бўлса-да, кенг аҳоли оммаси ичида бундай сиғиниш, тобора кеиг ёйилиб кетган.

* *
*

Римда ёзув подшолар замонининг охирида пайдо бўлган. Римликлар Этрусклар алфавитини олиб, уни латин тилига мослаб бир оз қайтадан ишлаб чиққанлар. Эиг қадим замонларда қиска-қиска ёзувлар фақат қабр тошларига ўйилган ва расмий хужжатлар (масалан, XII жадвал конунларй)га ишлатилган. Эрамиздан аввалги III аср ўрталаридагина адабий асарлар, кейинчалик эса тарихий проза ва йлмий трактатлар пайдо бўла бошлаган.

Римликлар физика, математика соҳасида греклар олиб борган назарий тадқиқот ишларини ривожлантирмаганлар. Улар илмий ютуқларни амалга татиқ қилиш билангина қизиққанлар. Римда савдо арифметикасидан, қурилиш ишларидан, гидротехника ва агрономиядан қўлланмалар ишлаб чиқарилган. Қадимда биринчи марта ўлароқ шаҳар соатлари (даствлаб қуёш соати, кейин сув соати) пайдо бўлган. Календарни римликлар аниқроқ қилиб ишлаб чиққанлар.

Рим илмий тафаккурининг амалий характери Катон Катта билан Варрон асарларида айниқса ёрқин акс этгандир.

Римда тарихий адабиёт эрамиздан аввалги III асрда пайдо бўлган.

Кампанияда туғилиб ўсган Невий биринчи Пуни уруши тарихини шеър билан ёзган. Ундан кейинроқ Қалабриядан чиққан Қвинт Энний Римнинг энг қадим замонлардан бошлаб ўзи яшаган давр воқеаларигача бўлган тарихини (гекзаметр—олти туроқли) шеър билан ёзган.

Рим тарихи биринчи маротаба проза билан грек тилида Фабий Пиктор асарида тасвир этилган (эрамиздан аввалги II аср), лекин бу асардан қиска-қиска парчаларгина сақланган. Рим тарихининг латинча ёзилган обзоридан иборат Катоннинг «Бошланғич» асари ҳам сақланмаган.

Одатда катта анналистлар деб аталадиган авторларнинг тарихий асарлари эрамиздан аввалги II асрга мансубдир, Уларнинг кўпчилиги ҳозиргача сақланган қисқа-қисқа парчалардангина бизга маълумдир. Эрамиздан аввалги I асрда Рим тариди прозаси Гай Юлий Цезарь (эрамиздан аввалги 101—44-йиллар) ва Гай Саллюстий Крисп (эрамиздан аввалги 86—35-йиллар) асарларида камол топган. Саллюстий аслида Цезарь ва унинг тарафдорларининг манфаатларини химоя қилган тарихчи публицистдир.

Эрамиздан аввалги I асрга мансуб бошқа бир қанча тарихчи публицистлар — кичик анналистлар ўз асарларида бўлиб ўтган воқеаларни ўзларининг сиёсий майлларига қараб ёритишган.

Римда тарихий проза, билан бирга соф публицистика типидagi асарлар ҳам кенг тарқалган. Марк Туллий Цицерон (эрамиздан аввалги 106—43-йиллар) Рим публицистикасининг энг ёрқин намояндасидир. Цицерон судларда, сенатда, халқ мажлисларида сўзлаган нутқлар, бир неча («Давлат тўғрисида», «Вазифалар тўғрисида») трактат ва ғоят кўп хатлардан иборат бой адабий мерос қолдирган.

Цицероннинг еркин ва образли тилда, аниқ ва таъсирли қилиб ёзилган асарлари ўзлариниш адабий услуби билан қадим даврдаёқ классик асарлар бўлган ва ундан кейинги латин ёзувчилари учун ўрнак бўлиб қолган. Цицероннинг тили классик ёки олтин латин прозасининг энг гўзал намунасидир.

Эрамиздан аввалги I асрда Римда фалсафий асарлар ҳам пайдо бўлган. Рим нобиллари орасида стоиклар фалсафаси жуда машхур бўлган, аммо шу билан бирга Эпикур қарашлари ҳам ёйилган. Республика даврининг охиридаги Рим мутафаккирларидан энг машхури Римдаги материалист-файласуф эпикурчиларнинг намояндаси бўлмиш Лукреций Кардир (эрамиздан аввалги тахминан 98—54-йиллар). Лукреций олам, табиат ва кишининг яратилиши ҳамда ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги ўз қарашларини «Нарсалар табиати тўғрисида» деган ажойиб достонида баён қилган. Автор бу асарида ғоят мураккаб фалсафий проблемаларни кенг китобхонларга тушуниладиган қилиб осон бир шаклда, ажойиб маҳорат билан шеър тарзида ифодалаб, оммабоп дидактик поэзия намунасини яратган.

Лукреций Эпикурнинг материалистик фалсафий ғояларини ривожлантириб, К. Маркс айтганидек «Илоҳий сифатлардан холи табиатни ва оламдан холи илоҳийни»¹ тасвирлаб берган.

Лукреций оламда мавжуд ҳамма нарсанинг асоси материя деб билиб «ҳамма нарса материядан ўсиб чиқади ва у билан яшайди» деган. Лукреций Демокрит билан Эпикурнинг атом тўғрисидаги таълимотларини қувватлаб ва ривожлантириб, ма-

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Из ранних произведений. стр. 176.

териянинг бирламчи таркиби бўлмиш атомлар абадий, ўзгармас, бўлинмас ва демак бузилмасдир, улар бир-биридан фақат шакли билан фарқ қилади деб таъкидлайди. Хилма-хил табиат кўринишлари атомларнинг ҳар хил тарзда бир-бири билан кўшилиши ва бир-бирига уланиши натижасида вужудга келади ва шу тариқа «ўз ҳолатларини ўзгартириб табиатни ҳам ўзгартиради». Атомлар абадий ҳаракат ҳолатида бўлиб маконда ўрин алмашади. Коинотнинг чегараси чексиз бўлиб «унинг охири ҳам йўқ, хажми ҳам йўқдир», «Коинотнинг ҳеч қайси томонида- чегара йўқ». Лукреций жонни материядан ташқари ҳодиса деб уни инкор қилсада, рух ёки ақл тушунчасига йўл қўйган, аммо шунда ҳам уни фақат киши баданининг функцияси сифатида «рух ва жоннинг табиати жисмонийдир» деган. Лукреций жонларнинг абадий яшаши тўғрисида Платоннинг реакция, идеалистик таълимига айниқса қатъий қарши чиққан.

Диний тасаввурларни ҳам у қатъий ва кескин танқид қилган, дин илм-фан тараққиётига тўсқинлик қилади деб билган. Уз замонасидаги Рим жамиятининг иллатларини ҳам шундай қаттиқ қоралаган. Сиёсий курашлардан шахсан бойлик орттириш учун фойдаланувчиларга нисбатан айниқса кескин муносабатда бўлган.

. Юртдошларин конин тўкиб, орттирлар сармоя, давлат,
Бойлик тўплар очофатлар котилликдан тортинмай хатто..

К. Маркс бу қадимги ажойиб мутафаккирнинг асарларига юксак баҳо берган эди. «...Бамисоли табиат баҳорда очилиб ўз ғалабасига мухайё бор гўзаллигини ҳаммага, намоиш қилади, аммо кишда эса ўзининг хўрлик ва ожизлигини қор ва муз билан яширади, шу каби бағайрат, мард ва жаҳон шеърятининг ҳукмдори Лукреций ҳам ўзининг бачкана манманлигини ахлоққорива музи билан: беркитувчи Плутархдан фарқ қилади»¹. Кейинчалик идеалист файласуфлар, айниқса христиан рухонийларининг вакиллари Лукрецийнинг, яъни ўз назарлари билан ўз замонасидаги антик жамиятдан жуда ҳам рлдин кетган шу материалист файласуфнинг қарашларини қаттиқ танқид ўти остига олдилар. Фақат марксизм классикларигина инсониятнинг энг илғор ва прогрессив мутафаккирларидан бири сифатида Лукрецийни тақдирладилар..

Рим ва Италияда бадий адабиёт эрамиздан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Эрамиздан аввалги тахминан 240- йилда тарентлик асир грек Андроник (қулликдан озод бўлгандан кейин Марк Ливий Андроник номи билан Рим граждандлиги ҳуқуқини олган) «Одиссея» ва яна бир неча грек трагедияларини латин тилига таржима қилган.

Италия ва Римда секин-аста халқ ашулалари асосида лирик поэзия пайдо бўла бошлаган. Аммо қадимги Италия ва

, ' К. Маркс и ф. Энгельс. Из ранних произведений. стр. 169.

Римда сатира ва комедия шеърӣ ижодиетнинг энг характерли шакли бўлган. Қадимги италий адабий ижодининг бу турлари кишлоклардаги байрамларда айтиладиган ашулалар ва шеърлар асосида вужудга келган. Ана шу ашулалар асосида пародия шаклида ёзилган тақлидий халқ томошалари ракс ва ашулалар билан қўшиб давом эттирилган.

Сатира деган ном заҗига, яъни «аралаш овкат» сўзидан олинган. Дастлаб бу хил шеърларни Энний ёза бошлаган, аммо ўз шеърларида «сатира» номини ўз замонидаги Рим нобилларининг иллатларини шафқатсиз савалаган шоир Луцилий (эрамиздан аввалги 180—100-йиллар) қўллана бошлаган.

Дастлабки Рим комедиялари грек намуналарига тақлиддан иборат бўлган. Эрамиздан аввалги III аср охири ва II аср бошларида Римда комедиялар ижод қилган ғоят мохир ёзувчи Плавт (эрамиздан аввалги тахминан 253—184-йиллар) яшаган ва ижод қилган. Плавт кейинги маиший грек комедияларига тақлид қилиб ўз пьесаларининг сюжетини Рим жамияти ҳаётидан олиб ижтимоий иллатларни дағал бўлсада жуда бопта истехзо билан фош қилган. Плавтнинг ёш замондоши африкалик Теренций (бошда қул бўлган) грек намуналаридан ўрнак олиб, Рим нобилларига хуш келадиган комедиялар яратган.

Кейинчадиқ эрамиздан аввалги I асрда баъзи авторлар халқ томошаларини адабий жиҳатдан қайта ишлаганлар, ателландеб аталган бу асарларда доим бир хил образлар: очофат-махмадана, ахмоқ бой, фирибгар файласуф ва шу кабилар ифода қилинган. Эрамиздан аввалги I асрда Римда ва Италиянинг бошқа шаҳарларида комедиялар билан бирликда ўғрилар, фохишалар, қўшмачилар ва шу каби бошқа разиллар ҳаётидақ олиб ёзилган томошалар кенг ёйилган. Бу томошаларда мимик актёрлар ёки мимлар деб аталган актёрлар иштирок қилган.

Рим нобилларининг намояндаси бўлмиш Катутлиинг (эрамиздан аввалги 87—53-йиллар) ижодида республика Римининг лирик поэзияси ўз таракқийсининг чўққисига чикқан. Катутл аввал бошда грек лириклари таъсирида бўлса-да, ажойиб оригинал асарлар яратган. У ўзининг шеърларида севги қувончини, махбуба қилган бевафолик аламини ва акасининг вафоти келтирган ғам-ғуссани қуйлаган ва, ниҳоят, сиёсий курашда иштирок қилган, ўзининг шоирлик талантидан ҳалокатга учраган республикани химоя қилиш учун идеология куроли сифатида фойдаланган. Катутл ўз эпиграммаларининг бирида Юлий Цезарь билан дўст бўлишни мутлақо рад қилган.

...Жуда ўлиб турганим йўқ сенга мутлоқ ёқай деб, Цезарь,
Оқмисан ё қорамисан — билишни ҳам истамайман, хал

Римликлар тасвирий санъатда ҳам илм-фаи соҳасидаги каби омилкор бўлганлар. Аввал бошда улар рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъати усулида этрусқларга эргашганлар. Кейинчалиқ, эрамиздан аввалги II асрдан эътиборан Рим Сицилия-

дан, Греция ва Қичик Осиёдан келтирилган грек хайкалларига, шунингдек талаб олинган бошқа грек-эллин санъати асарларига тўлиб кетгандан кейин. Рим усталари грекларга тақлид қила бошлаганлар. Рим ва Италияда ҳаммадан кўра портрет хайкаллари авж олган. Ҳамма бойлар уйларига аждодларининг хайкал портретларини қўйган. Римнинг форумига, бошқа майдон ва кўчаларига лашкар бошлари ва сиёсий арбобларнинг хайкаллари қўйилган. Римзодагонларининг уруғ сағаналари (колумбариялари)га ўлган зодагонларнинг хайкаллари қўйилганлар. Шунинг учун ҳам римлик хайкалтарошлар портрет хайкаллари ясашда юксак камолатга эришганлар. „Бу хайкалларда тасвир қилинган шахснинг муҳим хислатлари б)ф)ттириб, аниқ килиб берилган. .

Амалий зарур бинолар куриш соҳасида римликлар греклардан кўра анча илгарилаб кетганлар. Бутун Италияда, кейинчалик Ўрта денгиз соҳилларидаги бошқа мамлакатларда ҳам жуда обод йўллар, бу йўлларда дарёлар, сой ва чуқурликлар орқали кўприклар курилган. Йўлларнинг ёқаларида ариқлар қазилган. Ҳар минг қадамда (миляда) йўл бўйларида Римга ва энг яқин аҳоли яшайдиган жойга неча миля қолганлигини кўрсатувчи ёзувлари бўлган тошлар ўрнатилган. Италия ва унинг вилоятларида аҳолини тоза сўв билан таъмин этиш учун осма қувурлар курилган. Махсус бинолар—цирк ва театр бинолари бўдганлиги Рим ва бошқа италий шаҳарларининг муҳим хислатидир. Байрамларда бу биноларда пьесалар қўйилган, пойга чоптирилган, ниҳоят қонли томбшалар— гладиаторлар жанги уюштирилган, ўлимга ҳукм қилинган жиноятчилар устига йирткич хайвонлар қўйиб юборилган. Қатор-қатор тош скамейкалар билан ўраб олинган узунчоқ бинолардан иборат цирклар ва театрлардан ташқари эрамиздан аввалги I асрда амфитеатрлар пайдо бўлган, улар эллипсоиднамо бино бўлиб, қум тўшалган сахнаси скамейкалар билан ўраб олинган ва бу сахналарда тамошалар қўйилган, қонли ўйинлар ўтказилган.

Эрамиздан аввалги I асрда Римда жамоат боғлари бунёд қилина бошлаган, бу боғлар атрофига жамоат ҳаммомлари (термлар) курилган, уларга доим тоза сув оқиб келиб турган. Ҳаммомнинг иссиқ ва совуқ сув тўлдирилган ҳовузлари, дам олиш хоналари бўлган. Эрамиздан аввалги II—I асрларда Римда ва бошқа шаҳарларда жамоат бинолари— баъзилеклар курилади бошлаган. Бунда судлар мажлис қурган, магистратлар ўз ишларини олиб борганлар, йиғинлар ўтказилган, йўл-йўлакка ёки тайин граждандар бу ерга кириб сиёсий ва ижтимоий мавзуларда суҳбат қурганлар.

Римда ва Италияда музыка, ашула ва ракс Грециядагига иисбатан жуда суст ривожланган. Созандалар кўпинча Римдан хайдаб юбориларди, ракс ва танцаларга зодагонлар бу— эркин кишиларнинг иши эмас, қуллар машғулоти, деб нафрат билан қараганлар.

ОКТАВИАН АВГУСТ ПРИНЦИПАТИ

1- Принципат тартибининг вужудга келиши. Августнинг идора қилиши. Антоний ва Клеопатрага қарши олиб борилган уруш Мисрни истило қилиш билан тугагандан кейин (Эрамиздан аввалги 30-йил) Октавиан бутун Рим мулкларининг ягона ҳокими бўлиб қолган, Эрамиздан аввалги 29-йили у Римга қайтиб келиб ғоят дабдабали зафар байрами ўтказган. Байрам тантанаси тамом бўлгандан кейинок худо Янус ибодатхонаси ёпилган.-Бу ибодатхонанинг ёпилиши бутун римликлар давлати тупроғида осойишталик ўрнатилганлигининг нишонаси бўлган.

Октавиан ўзининг триумвир лавозимини тантанали суратда бўйнидан соқит қилиб сенат ва комициялардан умрбод император унвонини олган. Лекин Октавиан бу билан давлат ҳукмдори сифатида ўзининг мавқеини ҳам етарли даражада мустаҳкам деб билмаган. У цензор сифатида сенатда тозалаш ўтказиб бундан Марк Антонийнинг дўстларини ва бошқа ўзига душман кишиларни чиқариб юборган. Октавиан легионерларининг кўп қисмини бўшатиб юборган, уларининг кўпига граждандар уруши вақтида триумвирларнинг душманларидан мусодара қилинган ерлардан бўлиб берган. У Рим давлатининг олий ҳокими сифатида-ўз мавқеини қонунлаштиришга бир йилдан кўпроқ тайёргарлик қўрган.

Эрамиздан аввалги 28-йил охирида Октавиан ўзининг қат*тиқ бетоб бўлганлигини маълум қилган, «срғайиб кетгач» эса январь идаларида (Эрамиздан аввалги 27-йил 13 январда) сенатнинг пухта тайёргарлик қўрган кенгашини чақирган. Унда Октавиан ўзининг мамлакатни қандай идора қилаётганлиги тўғрисида ҳисобот берган, граждандар урушининг бутуилай тугаганлиги ва бутун Рим тупроғида осойишталик ўрнатилганлиги тўғрисида ахборот берган, сўнгра эса соғлиги ёмонлашганлиги туфайли сенатдан ўз зиммасидаги вазифаларидан бўшатишларини илтимос қилган. Аммо сенат Октавианга ҳокимиятдан кетмаслик буюрилсин деб қарор чиқарган. Октавиан сенатнинг принцепси, ягона проконсул, легионларнинг қўмондони деб эълон қилинган. Унга авваллар худога қилинган мурожаатларда тилга олинган Август лақаби берилган.

Сенат Октавиандан Рим легионлари жойлашгап энг бой ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан муҳим вилоятларни — Галлия, Иллирия, Македония ва Сурияни бошқаришни давом эттиришни талаб қилган. Миср Рим томонидан истило қилингандан кейин у Октавиан мулки деб эълон қилинган.

Бу вилоятларнинг ҳаммасини Август тайинлаб қўйган ноиблар — император легатлари идора қилганлар. Баъзи кичикроқ областларни император прокураторлари бошқаришган. Легатлар ҳам прокураторлар ҳам тамомила императорга бўйсунгану

лар ва Августнинг фармони билан чакириб олинишлари мумкин бўлган. Император томонидан тайинланадиган Миср префекти ҳам тамомила унга қарам бўлган. Август ягона проКонсул си-фатида легионларга қўмондонлик қилиш ва вилоятлардаги ноибларнинг ишига раҳбарлик қилиш билан бирга кўшинни тўлғазиш учун аскар тўплаш, империядан ташқаридаги халқлар ва давлатлар билан музокара олиб бориш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш ҳуқуқини ҳам олган.

Харбий чикимларни таъмин этиш, хусусан жангчиларга ойлик тўлаш ва мукофотлар бериш учун Август империя ғазнаси — фиск тузиш ҳуқуқини олган, ғазна олтин ва қумуш пуллар зарб қилган, шаҳарнинг эски ғазнаси — эрарий эса фақат майда мис чақаларнигина зарб қилишга ҳақли бўлган.

Шундай қилиб Август харбий ва граждан ҳокимиятининг энг муҳим функцияларини ўз қўлига олган. Проскрипциялар вақтида талаб олган уруш ўлжаларидан тўплаган ва ўзи бошқариб турган вилоятлардан келадиган даромадлардан ҳосил қилинган бениҳоя катта бойликларга эга бўлган Август Рим давлатининг тўла ҳокимиятли ҳоқими ҳам бўлган, бу давлатнинг ички ижтимоий ҳаётининг ва ташқи сиёсатини у белгилаб берган.

Аммо Август Цезарнинг қисматини хотирида яхши сақлаган ва тутинган отасидан фарқ қилиб, давлатдаги ўз мавқеини ҳар қандай йўллар билан пардалашга уринган. У ҳеч қандай хусусияти билан зодагон римликлардан тафовут қилмасликка ҳаракат қилган: у кўчага ва жамоат йиғилишларига уйда тўқилган хонаки газмолдан тикилган кийим кийиб чиққан ва ҳеч қандай даража белгилари тақмаган, камдан-кам нутқ сўзлаган, бу ишни у ўзининг энг яқин дўстларига топширишни афзал кўрган.

Август обрусининг дастаги принципс қўлидаги ғоят катта моддий ресурслар, биринчи навбатда граждан урушларидан кейин ўзи ташкил этган жуда катта армия устидан, беназорат ҳокимлиги бўлган. Август аввал ўзининг ихтиёрида бўлган 75 легиондан эрамиздан аввалги 30-йилга келиб фақат 28 тасини қолдирган. Яхши уюштирилган, техника жиҳатидан ўз замонасининг харбий санъат талабларига тўламувофиқ куроллантирилган легионлар группа-группа қилиб харбий ва иқтисодий жиҳатдан энг муҳим вилоятларга жойлаштирилган. Ҳар бир легионда 10 тадан пиёда когорта (биринчи когорта 1000 кишидан, қолганлари эса 500 кишидан иборат бўлган), техника когортаси, ҳар бирида 300 та ал-суворидан иборат отлик отряд ва иттифокчилар когортаси деб аталган ёрдамчи отрядлар, шунингдек жангчилари вилоятларнинг аҳолиси орасидан олинадиган аллар бўлган. Шундай қилиб Август ва унинг ворислари идора қилган даврда Рим легионидаги умумий жангчилар сони 10 минг кишига етган.

Легионларнинг номерлари ва номлари бўлган, масалан III—Август номидаги легион, IV—Македонский, VI—Темир легион, XV—Яшиндай тез легион ва ҳоказо. Легионларнинг қўмондон-

лари — легатлар ва старший командирлар—харбий трибунларни император тайинлаган. Легионерларнинг хизмат муддати 20 йилч бўлган. Жангчилар хизмат давомида йиллик маош олганлар, бўшагандан кейин уларга махсус тортик (донатива) ва чек ер бўлиб берилган. Харбий хизматдан бўшаган катта ёшдаги жангчилар ветеран деган ном олган. Ветеран-жангчилар Рим империясининг турли қисмларида ўзларининг алоҳида мавзеларини ташкил қилган. Улар Рим ҳукмронлигининг таянчи бўлганлар. Маҳаллий магистратлар кўпинча ана шундай ветеранлардан сайланган.

Август Италияда ўз ҳукмронлигини сақлаш ва шахсий муҳофаза учун 9 та когорта ташкил этган; преторийлардан тузилган бу когорталарнинг ҳар бирида мингтадан (300 та отлик ва 700 та пиёда) жангчи бўлган. Бу когорталардан учтаси Римнинг ўзида, бошқалари шимолий Италия шаҳарларига жойлаштирилган. Преторий жангчиларининг маошлари легионерларникига нисбатан уч барабар ортик бўлган. Преторийлар 16 йил хизмат қилган. Преторийлар когортасига фақат Италияда тугилиб ўсган кишиларгина олинган. Аслида император гвардиясини ташкил этган ўша преторийлар корпусига иккита префект-преторий бошчилик қилган, кейинчалик улар императорларнинг энг яқин ишончли кишиларига айланган.

Денгиз йўлларида қароқчилик пайдо бўлиши мумкин бўлганлигидан бу йўллارни кўриклаш учун Урта денгизда харбий кемаларнинг иккита доимий эскадраси тузилган. Эскадраларнинг бири Римга яқин жойлашган Анций портига, иккинчиси Адриатикденгиздаги Равеннага жойлаштирилган. Бундан ташқари Галлия кирғокларини муҳофаза қилиб турган флотилия билан бирга Эвксин Понтида ҳам яна бир флотилия бўлган. .

Август даврида Рим империясидаги қуролли кучларнинг умумий сони 300 минг кишига етган. Август ташкил қилган доимий Рим армияси қарийб тўрт юз йилгача мавжуд бўлган. Бу тарихда энг биринчи мунтазам армия бўлиб, Рим империясининг ҳокимлари ички ва ташқи сиёсатларида ана шу армияга таяниб иш кўрганлар.

2. Августнинг ички сиёсати. Августнинг ички сиёсати яққол кўриниб турган синфий характерда бўлган. Эрамыздан аввалги 36-йилдаёқ Секст Помпейнинг орол давлатини тор-мор келтиргандан кейин Август Сицилияда қўлга тушган қочоқ қўллارни жазолаш учун хўжайинларига қайтаришни" буюрган. Кейинчалик у сенатдан улни сотиб олгандан кейин 20 йил ўтмай туриб озод этишни ман қилувчи қарор чиқартирган. Қул эгаси қулни озод қилгандан кейин унинг нархининг 5%, и миқдориди солиқ тўлаш лозим бўлган.

Эрамыздан аввалги 10-йилда Август таклифига мувофиқ сенат гуё эсдан чиқиб кетган қадимги қонунни тиклаш баҳонаси билан шундай қарор чиқарганки, бу қарорга кўра қул ўз хўжайинини ўлдирган тақдирда, воқеа содир бўлган пайтда уйда

бўлган барча қуллар ва озод қилинган собиқ қулларнинг ҳам ҳаммаси қатл қилиниши лозим бўлган.

Август ғайри қонуний қул қилинган эркин кишиларни озод қилиш баҳонаси билан қишлоқлардаги қуллар қамаладиган (тюрьмалар (эргастуллар)ни қатъий текширтирган. Аммо у қуллар билан хўжайинлар ўртасида бўладиган муомалаларга ҳеч қачон аралашмаган, хўжайинлар қулларига нисбатан нима қилса қилаверган, буни хўжайинларнинг ўзларига қўйиб берган.

Граждан урушлари тамом бўлгандан кейин Август Рим сенати аристократларининг имтиёзли ҳолатини турли йўллар билан таъкидлаб турган. Ундан олдин сенат аъзоларининг сони ўсиб 600 кишига етган бўлса, Август уни хийла қисқартирган, сенат тоифасидаги шахслар учун бир миллион сестерций миқдорида мулк цензи белгилаган, қадимги патрицийлар хонадонларига ҳар жихатдан ҳомийлик қилган, уларга турли имтиёзлар берган ва ҳатто моддий ёрдам ҳам кўрсатган.

Август суворилар тоифасини ўз ҳокимиятиининг таянчи қилишга интилган. У суворилар учун 400 минг сестерций миқдорида мулкий ценз белгилаган. Ҳар йили сувориларнинг кўриги ўтказилган. Августнинг энг яқин қариндошлари бир неча марта сувориларга бошлиқ қилиб тайинланган. Август кўпгина ҳарбий командирлик ва вилоят прокураторлигига суворилардан танлаб қўйган. Вилоятларда солиқ тўплаш иши аввалгидек суворилар қўлида бўлган. Суворилар қатори секин-аста ҳарбий



Пантеон.

ветеранлар билан тўлиб бораверган, натижада улар Рим империясининг харбийлар табақасига айланиб кетган.

Август текин ғалла тарқатиш, пулли совғалар бериш, циркларда қайта-қайта гладиаторларнинг оммавий ўйинларини (хатто бир марта эса Римга яқин кўллардан бирида денгиз уруши машини — наумахия) ўтказиш орқали Рим плебсининг кўнглини овлаш билан бирга, Рим граждaнларининг энг камбағал табақасининг қайфиятини диққат билан кузатиб борган. У Римда осойишталик ва тартибни сақлаш учун учта соқчилар когортасини тузган, ёнғин ўчириш ишларини ҳам ана шу когорталар олиб борган. Бундан ташқари алоҳида тунги соқчилар ҳам бўлган.

Комицияларда шаҳар магистратларини сайлаш вақтида мажлисга номзодларни Августнинг ўзи тавсия қилган. Бир куни Август йўқлигида Эгнатий Руф деган одам навбатдаги сайловларда ўз номзодини кўрсатгани учун камалиб, тюрмада ўлиб кетган. Баъзи Рим тарихчилари, Август вилоятларда туғилган кишиларга Рим граждaнлиғи ҳуқуқларини беришда қизғанчлик қилган, десалар: да, ёзувчилардан маълумки, вилоятлардаги кўпгина зодагонларга, айниқса злинлашган аристократ кулдорларнинг намояндаларига "бундай ҳуқуқлар берилган. Август Киренаикада Римдан кўчиб келганларнинг суиистеъмолларига қарши курашда маҳаллий зодагонларга хатто ёрдам кўрсатган.

, Август италий шаҳарларининг аҳолисига айниқса кўп хомийлик қилган. Альп тоғларигача бутун Апеннин ярим ороли Италия деб атала бошлаган. Италий шаҳарларидаги аҳолининг ҳукмрон табақаларига Рим граждaнлик ҳуқуқлари берилган, италий зодагонларининг баъзи намояндалари суворилар тоифасига ва хатто сенат тоифасига ҳам киритилганлар. Италий савдогарлари Рим империясининг ҳамма вилоятларида ва империя ташқарисида ҳам савдо-сотик қилганлар.

Римда ва давлатнинг бошқа қисмларида ҳам Август даврида катта қурилиш ишлари олиб борилган, Римда 82 та ибодат-

хона тикланган ва янгитдан қурилган, форум ёнида махсус архитектура комплекси — Август форуми, Августнинг жияни Марцелл номига қўйилган мухташам театр биноси, ҳамма худоларга атаб ибодатхона— Пантеон, ғоят гўзал «жахон қурбонгохи» ва бошқалар қурилган. Ривоятларга кўра Ромул Римга асос солган Палатин тепалигида Август ҳашаматли бир уй қурдирган, у шаҳарнинг сиёсий ва маданий ҳаёт марказига айланган. Кейинчалик императорлардан кўплари ўз қасрларини ўша тепаликда бино қилдирганлар. Шундай қилиб Римда «Палатин» сўзи «император қасри» сўзининг синоними бўлиб қолган.

Август даврида бир неча юз минг аҳоли яшайдиган ғоят катта шаҳар бўлиб қолган Римнинг сув ва ғалла билан таъминланиши яхшиланган. Бунинг учун Тибр бўйида ва Римнинг Остия портида катта-катта омборлар қурилган, янги осма қувурлар ўтказилган, эскилари ремонт қилинган. Римнинг ғалла таъминоти билан аннона префекти, сув таъминоти билан эса сувлар префекти шуғулланган. Шаҳарнинг бутун идора ишларини олиб бориш учун шаҳар префекти тайинланган, тарихчи Тацитнинг айтишича, унинг энг муҳим вазифаси «қуллар ва фитначи граждандарнинг тез адабини бериш ва уларни жиловлаб қўйиш» дан иборат бўлган.

Аммо Август ўз ҳукмронлигини фақат зўравонлик йўли билангина сақлаб туришга интилан эмас. Унинг атрофидаги шахслар, хусусан унинг энг яқин ходимларидан бири Гай Цильний Меценат ўз уйларига римдаги шоирларни тўплаган, уларга моддий ёрдам кўрсатган, хомийлик қилган, у Августни ва унинг ишларини мактаб асарлар ёзишга шоирларни мажбур этган. Брут ва Кассий армиясининг собиқ ҳарбий трибуни Гораций Флакк, триумвирлар томонидан ери мусодара қилинган Вергий Марон ва унинг замондошлари Тибулл ва Проперцийлар ҳам Меценат тўғарагидаги шоирлар қаторида бўлган.

Август қадимги диний эътиқодлар ва ахлоқни тиклаш йўли билан таассублик кайфиятини мустаҳкамлашга уринган. Эмилий Лепиднинг ўлиmidан кейин олий коҳин (улуғ понтифик) бўлиб олгач, Август кўп ибодатхоналарни ва қадимги байрамларни тиклаган, бу байрамларда унинг ўзи, оиласи, яқин кишилари ва жуда кўп Рим граждандари иштирок қилганлар. Эрампиздан аввалги 17-асрда ўтказилган секуляр (юз йиллик) ўйинлар айниқса дабдала бўлган. Тунги намойиш ва тунда қурбон бериш билан тамомланган бу байрам римликларга янги аср бошланганлигини уқтириши лозим бўлган.

Римда илоҳий Юлий култи ўрнатилган, кўп вилоятларда эса Августнинг донолиги иззат қилинган, унга ибодат қилиш учун махсус коҳинлар коллегияси ташкил этилган, ибодатхоналар бино қилинган ва қурбонгоҳлар қурилган.

Одоб ва ахлоқни юксак даражага кўтариш тадбирлари диний сиёсат билан маҳкам боғлаб олиб борилган. Август аввал бошда шоирлар (хусусан Гораций) ёрдамида никоҳсизликка

қарши компания олиб борган. Сўнгра уч ваундан ортик фарзанди бўлган граждандарга хар хил имтиёзлар берилиши тўғрисида қарорлар чикартирган. Кейинчалик, оилада вафодорликни бузган, ахлоқсизлик қилган кишиларга жазо бериш тўғрисида сенат қарорлари эълон қилинган.

3. Ташқи сиёсат. Августнинг ташқи сиёсати ҳам ички сиёсати каби Рим қуддорларининг ва шарқий вилоятлардаги эллиништирилган аристократларнинг ҳукмрон табақалари манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бу сиёсат Римга тобе территорияни кенгайтириш ва қўпдан қўп ҳарбий асирлар қўлга тушириш йўли билан қуллар билан сонини тўлдириб туриш мақсадини кўзда тутган. Нихоятда зхтиёткорлик билан иш қўриш Август олиб борган ташқи сиёсатнинг характерли хислати бўлган.

Август эрамиздан аввалги 30-йиллардаёқ Иллирия билан Паннонпяда босқинчилик урушларини бошлаган. Римликлар иллирий ва паннон қабилаларининг тарқок бўлсада қахрамонона қаршиликларини енгиб Адриатик денгизнинг шимоли-шарқий қирғоқларидан кадамма-кадам силжиб борганлар. Марк Антонийга қарши олиб борилган уруш бу силжишни тўхтатиб қўйган, аммо уруш тугаши билан римликлар аввалги юришларини яна давом эттирганлар. Улар тоғларни ошиб ўтиб, Дунай бўйига чиққанлар. Бу ерда улар мез қабилаларини ўзларига бўйсундирганлар. Эрамиздан аввалги 12-йилга келиб римликлар Дунай дарёсининг бошланишидан то Қора денгизга қуйиладиган этагигача бутун водийда ҳукмрон бўлиб олганлар.

Эрамиздан аввалги 26-йилда римликларнинг катта армияси Пиренея ярим оролининг шимоли-ғарбий қисмидаги ибер қабилалари — кантабр ва астурулар яшайдиган территорияга бостириб кирган. Августнинг ўзи бошчилик қилган Рим армияси Пиренея тоғларида яшовчи аҳолининг жуда қаттиқ қаршилигини бостириб, эрамиздан аввалги 25-йил охирига келиб мамлакатни забт қилган. Мингларча кантабр ва астурулар қулликка тушиб, римликлар қурган конларда металл қазиб чиқара бошлаганлар.

Аммо бир неча йил ўтгач эрксевар қабилалар қўзғолон қўтарганлар. Римликлар бу сафар уларга ҳам денгизда, ҳам қуруқликдан ҳужум қилганлар. Кантабр ва астурулар охиригача ўзларини ҳимоя қилганлар. Эрамиздан аввалги 19-йили Випсаний Агриппа қўзғолонни тугатган. Айна вақтда римликлар Галлиянинг граждандар уруши даврида Цезарнинг ўлимидан кейин Рим дукмронлигидан қутилиб олган жануби-ғарбий қисмини яна бўйсундирганлар. Шундан бир неча йил кейин Рим қўшинлари Альпнинг тоғлиқ областларини ҳам ишғол қилганлар ва аҳолисини қул қилиб сотиб юборганлар.

Эрамиздан аввалги 16-йилда герман қабилаларининг дружиналари Рейн дарёсининг чап қирғоғига чиқиб олиб Рим лашкар бошиси Лолийни мағлубиятга учратишган. Римликлар бу-

нинг қасдини олиш мақсадида герман қабилалари банд қилиб ўтирган территориянинг ичкарасига бир неча марта босқинчилик юришлари уюштирганлар. Рим лашкар бошиларидан Домиций Агенобарб ва Августнинг ўғай ўғли Друз римликлар Альба (Ок) деб атаган катта дарё бўйигача бориб, бу ерда шайдиган герман қабилаларини ўзларига бўйсундирганлар. Аммо римликлар бу районларда бутунлай мустаҳкам ўрнашиб қола олмаганлар.

Шарқий чегарада — Арманистон билан Парфияда жиддий қийинчиликлар юз берган: арманлар римликлар тайинлаган подшони ҳайдаб юборишган, Парфияда ўзаро сиёсий низолар бошланган. Эрамиздан аввалги 4-йили Яҳудияда римликлар томонидан зўрлаб тайинланган ҳокимлар ва Римга қарамликка қарши катта қўзғолон кўтарилган. Суриянинг ноиб Квинтилий Вар бу қўзғолонни шафқатсизлик билан бостирган. Аммо сиёсий қийинчиликлар мураккаблашиб бораверган.

Дунайдан шимолда герман йўлбошчиларидан бири Маробод раҳбарлигида герман қабилаларининг катта бирлашмаси вужудга келган. Қабилаларнинг бу йттифокидан хавфсираган римликлар уларга қарши хужумга тайёргарлик-қўра бошлаганлар. Эрамиздан аввалги 6-йилда Августнинг ўғай ўғли Тиберий Марободга қарши уруш қилиш учун паннон ва иллирий қабилалари орасидан жангчилар тўплаб бошлаган. Бу бутун Иллирия ва Паннонияга ёйилган ғоят катта қўзғолон, чиқишига сабаб бўлган. Қўзғолончилар римликларнинг баъзи отрядларини тор-мор қилганлар. Римда уларнинг Италияга бостириб киришидан хавотирда бўлишган. Римликлар қўзғолон кўтарилган районга 15 легион юборган бўлсаларда, паннон ва иллирийлар уч йил давомида (эрамизнинг 9-йилигача) муваффақиятли равишда қаршилик кўрсатиб турганлар. Римликлар йўлбошчиларидан бирини, хиёнатга унатиб, шу билан ҳаракатга раҳна солганлар ҳамда мудҳиш шафқатсизлик ва қаттиқ жабр-зулм ишлатиб қўзғолонни бостирганлар.

Эрамизнинг 9-йили Римда иллирий-паннон қўзғолонини бостириш муносабати билан тантана ўтказилаётганида шахарта мудҳиш хабар етиб келган: Германияда Рим армиясининг заифлашиб қолганлигидан фойдаланиб германлар қўзғолон кўтаришган. Рим тарафдори деб ҳисобланган герман оксоколи Арминий Рим ноиб Квинтилий Варни алдаб, уч легиондан иборат армияси билан бирга ботқоқликдан иборат Тевтобург ўрмонига олиб кирган ва уларни қисмларга бўлиб юбориб, қириб ташлаган.

Варнинг ўлдирилганлиги ва легионларининг ҳалокати тўғрисидаги хабар-римликларни саросимага солиб қўйган. Улар германларнинг Галлияга бостириб кириши ва кулларнинг қўзғолон кўтаришидан ваҳимага тушганлар. Аммо герман дружиналари босқинчиларни ҳайдаб юбориб, ўз жойларига қайтиб кетишган. Галлиянинг саросимаси босилган. Қуллар итоатда

колдирилган. Лекин илгари ҳам Августнинг ҳукмронлигидан оғирсиниб ва сенат республикасини тиклашни хаёл қилиб юрган Рим зодагонларининг норозилиги яна кўчайган.

Рим империяси германлар зарбасидан секин-аста ўзига келса-да кенг кўламда босқинчилик сиёсати юргизиш тўғрисида энди сўз бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Август умрининг сўнги йиллари нотинч бўлган. У кетма-кет харбий ва сиёсий муваффақиятсизликларга дуч келган. Шахсан ўз оиласида ҳам чинакам фожиа ҳукм сурган. Севимли ўғай ўғли Друз ўлган, кейинчалик кекса принцепс ўзига ворис қилмоқчи бўлган иккита невараси ҳам вафот этган. 44 йил давом этган ҳукмронликнинг охири ана шундай бўлган. Эрамининг 14-йилида кекса принцепс Римга яқин кичкина Ноле шаҳрида вафот этган.

Ахвол шу қадар хавфли бўлганки, Августнинг бева хотини Ливия Друзилла эрининг ўлимини ворис бўлиб қолган ўғай ўғли Тиберий Италиянинг шимолидан қайтиб келгунича атрофдагилардан бир қанча вақт бекитишга мажбур бўлган.

XVI ВОБ

I АСРДА РИМ ИМПЕРИЯСИ. ЮЛИЙЛАР — КЛАВДИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ИМПЕРАТОРЛАРИ ИДОРА ҚИЛГАН ДАВРДА ПРИНЦИПАТ ТАРТИБОТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ ВА РИВОЖ ТОПИШИ

1. I аср бошларидаги кризиснинг тугатилиши. Сенат Тиберийни принцепс лавозимида Августга ворислигини тан олган бўлсада, унинг ахvoli ғоят чигал эди. Светонийнинг маълум қилишича, Тиберий ўз ахvoliни аниқлай туриб, бўрини нақ қулоғидан ушлаб турибман, деган экан.

Римнинг энг зодагон патрицийларидан баъзилари давлат тўнтариши қилишга тайёргарлик кўришган. Италияда ўзини Августнинг энг кичик невараларидан Агриппа Постумман деб эълон қилган қаллоб ҳам пайдо бўлган, ҳолбуки Агриппа бува-сининг ўлиמידан кейин — оқ Ливия Друзилланинг буйруғи билан қатл қилинган. Нихоят Илирика билан Германияда легионерларнинг кўзғолони бошланган. Жангчилар тўланмай қўйилган маошларини тўлашни, харбий қурол-яроғларининг ҳақини тўлашни, интизом жазоларини енгиллаштиришни, легионларда 20 йил хизмат қилган ветеранларни бўшатишни талаб қилишган.

Фитначи жангчиларнинг бир қисми Рейн легионларининг командири Тиберийнинг жияни Германикни принцепс деб эълон қилмоқчи бўлишган. Аммо Германик фитначилар ёрдами билан ҳокимиятга эга бўлишни истамай, бу таклифни қатъий рад қилиши Тиберийнинг қисман ён бериб ва ваъдалар туфайли

жуда катта кийинчилик билан легионерлар кўзғолонини бостиришига ёрдам берган.

Фитна тинчлантирилгандан кейин Германик эрамизнинг 9-йилида римликлар қўлдан берган Германиянинг ғарбий областларини яна босиб олишга уринган. Эрамизнинг 15—17-йилларида Рим қўшинлари Германияга бостириб кирганлар ва герман қабилаларининг лашкарларини тор-мор келтира бориб Альба дарёсигача етиб келганлар. Аммо римликлар босиб олган ерларида мустаҳкам ўрнашиб қолаолмаганлар ва ҳар сафар кишки совуқлар бошланганда кўп талафот бериб Рейннинг нариги томонига чекинишга мажбур бўлганлар. Рим қўшинлари жуда кўп талафот берган учинчи урушдан кейин Тиберий Германия чегараларидаги урушни тўхтатган. Германик чакириб олинган ва Шаркқа юборилган.

Қаллобни қўлга тушириш ва Рим зодагонларининг ғалаёнини бостириш ҳам осон бўлмаган. Ғалаёнчилар намояндаларининг бир қисми қатл қилинган.

Тиберий қаддини ростлаб, мавқеини мустаҳкамлаб олиш учун приторий қогорталарининг ҳаммасини Римга тўплаган, уларга Рим атрофида лагерь қурдириб берган. Бундан ташқари у трибут ва центурия комицияларини чакирмай қўйган, магистратларни сенат сайлайдиган қилган. Тиберий молия экономикаси тежамига риоя қилиб томошалар ва ҳар хил улашишларни жуда камайтириб қўйган, вилоятлардаги аҳолига солинадиган жон боши солиғини қўпайтирган. Бу тадбирлар Рим аҳолиси қуйи табақаларининг норозилигига ва вилоятларда кўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлган.

Римликлар бир неча йил давомида (эрамизнинг 17—24-йиллари) Африкада буюш кўтарган аҳолига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. Эрамизнинг 21-йилида Галлия билан Фракияда кўзғолон кўтарилган. Бу кўзғолонларни вилоятлардаги зодагон қулдорлар ёрдамидагина бостириш мумкин бўлган, чунки улар Рим ҳукмронлиги мавжуд бўлган тақдирдагина ўзларининг имтиёзли мавқеларини ва қулдорликни сақлай олишларини билишган.

Эрамизнинг 24-йилида собиқ преторий жангчиларидан бири Италиянинг жанубида тоғ яйловларида пода боқувчи қуллар кўзғолонини кўтаришга ҳаракат қилган. Бу тўғридаги хабар Римда саросима кўзғалишига сабаб бўлган.

Рим аристократиясининг намояндалари ҳам аҳолининг норозилигидан фойдаланишга уринишган. Улар Германикни Тиберийга қарши қўйишган. Германик Сурияда ўлиб қолган, унинг бева қолган хотини, Августнинг набираси Агриппина норози аристократларга бош бўлган. У императорни эрини заҳарлаб ўлдиришда айблаган. Тиберий Агриппинанинг бу ҳаракатига жавобан сенатдан жаноби олийни ҳақорат қилишга қарши қонун чиқартирган, бу қонунга мувофиқ принцепс душманларидан кўп киши ҳукм қилиниб, жазога тортилган. Агриппина Италия

кирғокларига якин ороллардан бирига сургун қилинибўша ерда ўлиб кетган, унинг қатта ўғиллари эса қатл қилинган.

Тиберий идорасининг сўнги йилларида Римдан Капрея (ҳозирги Капри) оролига кетган, Римга эса ўзининг ноиби қилиб преторий гвардиясининг префекти Сеянни қолдирган, у эса фитна кўзғаб ҳокимиятни қўлга олишга шайланган. Аммо бу ҳақда Тиберийни огоҳлантириб қўйишган. Сеян қўлга туширилиб, қатл қилинган. Шундан кейин принцепсга лаганбардорлик қилувчи сенаторлар Сеяннинг жуда кўп тарафдорларинигина эмас, балки бир қанча бегуноҳ кишиларни ҳам ҳукм қилиб юборганлар. Ҳокимият учун муттасил курашавериб руҳий касалга мубғало бўлган Тиберий эрамизнинг 37- йили Капрея оролида вафот этган.

2. Республикани тиклашга уриниш. Сенат ва преторий префекти Германикнинг жазога учрамай соғ қолган кичик ўғли Гай Цезарни Тиберийнинг вориси деб эълон қилишган. Болалигиданок Калигула деб ном олган Гай Цезарь империяни фақат тўрт йил идора қилган холос (эрамизнинг 37—41-йиллари).

Калигула Рим аҳолиси ичида ўзига обрў қозониш учун даб-дабали томошалар уюштирган, жангчилар ва камбағал табакаларга кўцлаб Рим граждaнлиги ҳуқуқларини берган. У тежаб-тергаб иш кўрган Тиберий жамғарган маблағни тез вақт ичида сарфлаб қўйган. Калигула ўз принципатининг биринчи йили охирида оғир касалга дучор бўлиб, бу касаллик унинг руҳига таъсир қилган.

Калигула гоҳ Британияга юриш қилган, гоҳ ҳеч қандай зарурати бўлмаган иншоотлар қурдирган, гоҳ бўшаб қолган хазинасини тўлдириш учун дўк-пўписа билан пул тўплаган. У ўзини ердаги худо фараз қилиб, ўзига нисбатан иззат ва ҳурматни ўрнига қўймасликни ҳақорат ҳисоблаган. Яҳудия аҳолиси Иерусалимдаги Яхва ибодатхонасида унинг ҳайқалини ўрнатишни истамаганини эшитиб Калигула итоатсизларни жазолашни буюрган. Сенат унинг бу фикрига қаршилик кўрсатар деган гап бўлганида, Калигула бунга ждвобан миниб юрган отини сенатор қилишини айтган.

Бўшаб қолган ғазнани тўлдириш учун Калигула чақимчилар гапи билан ёки фитнада шубҳа қилинган кўпгина сеиаторларнинг мол-мулкани мусодара қилиб ўзларини қатл қилдирган. У қулларга ўз хўжайинлари устидан чақишга йўл қўйиб берган. Қулдорлик негизига путур етказган бу буйруғи Калигўлани ҳалок қилган. Сенат аристократияси ва преторий гвардиясиқомандирлариорасида фитна кўзғалган. Фитначилар императорни ўлдириб бошқаришнинг республика формасини тиклаш фикрига келишган. Эрамизнинг 41-йил январида Калигула цирқдан саройга қайтиб келаётганда Палатин тепалигида ўлдирилган.

Сенат республика эълон қилишга уринган. Аммо преторий харбийлари бунга қатъий равишда қарши чикқанлар. Улар Гер-

маникнинг укаси Клавдийни импёратор деб эълон қилганлар. Бунгача эса Клавдий ижтимоий фаолиятдан четда туриб тарих ва филология илмини ўрганиш билан банд бўлган.

Бошда сенат янги императорни тан олишдан бош тортган, аммо ҳарбийларнинг ўз фикрларида қаттиқ туриб олишлари ва вилоятлардаги зодагонларнинг баъзи намояндалари янги императорни қўллаб-қувватлаганликлари туфайли сенаторлар республика тузумини тиклаш тўғрисидаги ўз фикрларидан қайтишга мажбур бўлганлар.

3. Бюрократик аппаратнинг мустахкамланиши. Клавдий принципати (эрамизнинг 41—54-йиллари). Сенаторларнинг таслим бўлиб Клавдийни император деб тан олишлари республикани тиклаш тарафдорларининг сиёсий маневри бўлган, холос. Эрамизнинг 42-йилидаёқ Иллирик ноиб Камилл Скрибониан республикани тиклаш учун қўзғолон кўтарган ва кўшинини Римга томон йўналтирган. Аммо юришнинг учинчи куни унинг жангчилари Камиллни ўлдириб Клавдийга содиқликларини эълон қилганлар. Айна вақтда Римда ҳам Камилл Скрибонианнинг маслакдошлари бўлмиш бир қисм сенаторларнинг фитнаси фош қилинган. Клавдий ўзини тахтдан ағдариш учун бўлган уринишга жазо чоралари билан жавоб берган. Императорнинг ижозатсиз сенаторларнинг Римдан ташқарига чиқишлари ман қилинган, уларнинг баъзилари қатл этилган, баъзилари сургун қилинган.

41—42-йиллардаги воқеалар шуни кўрсатадики, ҳарбийлар ҳам, Рим люмпен-пролетарит оммаси ҳам, вилоятлардаги қулдорлар аристократияси ҳам аристократлар, республикасини тиклаш тарафдорларини қўлламаганлар. Ҳарбийлар ва Рим граждандигининг энг камбағал табақалари садақа ва совғалар бериб турилишдан манфаатдор бўлишган, вилоятлардаги зодаган қулдорлар император ҳокимияти мол-мулк ҳуқуқларини химоя қилишни таъминлайди деб билишган ва бу ҳуқуқларнинг янада мустахкамланишига кўз тутганлар.

Клавдий ва унинг озод қилинган қуллардан иборат энг яқин кишилари мавжуд сиёсий вазиятни ҳисобга олишган. Улар сенат ичидаги оппозицияга қарши курашларида армияга ва вилоятлардаги қулдор зодагонларга таяниб иш кўришга уринганлар.

Клавдий вилоятлардаги зодагонларни ўз томонига оғдириш учун Рим граждандлик ҳуқуқларини вилоятда туғилиб ўсган ва иттифоқчилар қогорталари ҳамда алаларида хизмат қилган кишиларгагина эмас, балки баъзи шаҳарларнинг бутун эркин ахолисига ҳам берган. Эрамизнинг 48-йилида Клавдий Галлиядаги эдуйлар қабиласидан бўлган олий аристократларга Рим сенатида иштирок қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида сенатнинг қарорини чиқартирган. Аввал бошда Клавдий хатто шарқдаги қарам подшоликларни қайтадан тиклаган. У Яҳудияни идора қилишни Ирод Великий уруғидан бўлган Агриппага топширган,

аегаки Клавдийни император деб эълон қилиш пайтида Агриппа уни қувватлаб чиққан эди. Клавдий Иерусалимдаги худо Яхва ибодатхонасида императорлар хайкалини ўрнатмасликка ижозат берган. Клавдий Миср. Александриясининг аҳолисига шаҳардаги яҳудийларга душманлик муносабатда бўлишни тақиқловчи махсус мактуб юборган.

Клавдий ҳукмронлиги вақтида империяни бошқаришда осонлик туғдириши учун идоралар ташкил этилган ва бу идораларга ўзи озод қилган қуллар бошлиқ қилиб қўйилган. Вилюятдаги прокураторларга суд қарорларини чиқаришда мустақиллик берилган. Клавдий Римдаги люмпен-пролетариат орасида обрў қозониш учун циркда дабдабали ўйинлар уюштириб турарди. У Рим аҳолисининг озиқ-овқаттаъминотинияхшилаш мақсадида Остиядаги Рим гаванини қайта қурдириб кенгайтирган, яхши водопровод қурдирган.

Клавдий принципати давомида Мавритания билан Британия забт қилиниб, Рим империясига қўшилган, империянинг Данубия (ҳозирги Дунай) дарёси бўйлаб ўтган чегараси мустаҳкамланган ва Фракия подшолиги Рим вилюятлари составига киритилган.

Клавдий идорасининг охирига келиб Боспор подшолиги тамомила Рим империясига қарам қилинган. Аини вақтда римликларнинг Арманистонда мустаҳкамланиб олиш йўлидаги интилишлари парфияликлар билан уруш ҳаракатларининг яна бошланиб кетишига сабаб бўлган. Парфия билан уруш чўзилиб кетган, устунлик гоҳ у томон, гоҳ бу томон ўзгариб турган, бу уруш Клавдий принципатининг охиригача чўзилиб, эрамининг I асри 60-йиллари ўрталаридагина тугаган.

Маъмурий-бюрократик аппарат тузилиши, вилюятлардагнзо-> дагонларга муносабат, императорга душман бўлган сенаторларнинг қирғин остига олиниши зодагонларнинг қаттиқ ғазабини қўзғатган. Аммо императордан норози бўлган Рим аристократияси республика тикланишини хохламаган преторий ва легионерларнинг кайфиятини ҳисобга олиб Клавдийнинг энг яқин кишиларини четлаштиришга ва ўзини бошқа принцепс билан алмаштиришга уринган, холос.

Аввало Клавдийнинг хотини Мессалина эрига хиёнат қилишда ва унга қарши фитна уюштиришда айбланиб қатл қилинган. Сўнгра Клавдийни ўзининг жияни, Германикнинг қизи, бир вақтлар император билан душманлик муносабатида бўлган зодагон сенатор Домиций Агенобарбнинг бева хотини Агриппина Кичикка уйланишга унатишган. Рим қонунига хилоф бўлган бу никоҳни сенат маъқуллаган. Агриппина император маликаси бўлиб олганидан кейин, биринчи эри Луций Домиций Агенобарбдан бўлган фарзанди Неронни Клавдийдан ўзига 5-йил қилиб олишни талаб этган ва бунга эришган ҳамда унга Нерон Клавдий Цезарь номи берилган. Аини вақтда Неронни Клавдийнинг қизи Октавияга уйлантиришган. Шундан кейин

Агриппша Клавдийнинг яқинларидан ўзига ва ўз яқинларига ёқмаган кишиларни ундан четлаштирган. Аммо бир қанча вақтдан кейин Клавдий Агриппинага ён беришларидан пушаймон бўлган. У ўз фарзанди Британикка нисбатан қилган адолатсизлигини очикдан-очик таъкидлаб, уни ўз вориси қилиб тиклаш ниятида эканлигини айтган. Клавдийнинг ўз ниятини амалга ошириб қўйишидан хавфсираган Агриппина уни захарлаб ўлдирган. Шундай қилиб Агриппинанинг ўгли Нерон (эрамизнинг 54-йили) император бўлган.

4. Нерон принципати (эрамизнинг 54—68-йиллари). Агриппина, Бурр, Сенека ва бошқалар тантик ва ахлоқи бузук ўн ети яшар ўсмир Неронни гоят катта Рим давлатининг ҳукмдори деб эълон қилишар экан, улар Рим-италий зодагонларининг имтиёзли аҳолини тиклаш ва вилоятлардаги аҳоли ҳисобига бойлик орттиришдан иборат ўз сиёсий планларини ёш император итоат билан бажаради деб ўйлашган.

Дастлабки вақтларда Нерон Рим сенатидаги аристократларнинг ишончини оқлагандай бўлган. Тарихчи Тацит «Нерои бошқарган биринчи беш йил республикани зслатарди» деб ёзган эди.

Нерон император бўлиши биланок атрофдагиларнинг маслаҳати билан, сенатга ҳурмат.юзасидан барча давлат масалаларини ҳал қилишни унга топширишини, ўзи эса- легионлар жойлашган вилоятлар.билангина машғул бўлишини расмий равишда эълон қилган.

Шундан кейинги вақтларда вилоятлардаги ноибларни ва вилоятлардаги аҳолидан солиқ тўловчиларни сенат тайинлайдиган бўлган. Ёш императорнинг устози Сенека бундан сал олдин бўйсундирилган Британияда солиқлар тўплаб гоят катта бойлик орттирган. Ноиблар ва солиқ тўловчилар устидан вилоятликлар шикоят қилишга уринганларида сенаторлар уларнинг шикоятларини қатъиян рад этишган.

Сенат кулларга нисбатан ҳам шафқатсиз сиёсат олиб борган. Эрамизнинг 61-йилида Римпрефекти Педаний Секундни 5'зининг кули ўлдирган. Бу воқеа сенатда муҳокама қилинаётганида баъзи сенаторлар ўлдириш пайтида уйда бўлган кулларнинг ҳаммасини қатл қилиш тўғрисида эрамизнинг 10- йилида чиқарилган қонунни татбиқ қилмаслик керак, деган фикрни билдиришган. Аммо сенаторларнинг кўпчилиги бу эски қонунни яна тасдиқлашган. Халқ оммасининг норозилигига қарамай Педаний Секунднинг 400 та кули қатл этилган.

Аваллига Нерон давлат ишларига аралашмай ўйин-кулги. билан вақт ўтказган. У театрда артистлик қилган, ашула айтган, шеърлар ёзган, ўзининг шоирлик ва артистлик истеъдодига маст бўлиб юрган. Аммо уни атрофдагилар тез орада ҳокимият учун кураш доирасига тортишган. Бу кураш жараёнида у Клавдийнинг ўгли Британикни, ўзининг хотини ва ҳатто онаси Агриппинани ҳам ўлдирган.

Нерон, обрў қозониш учун ғоят катта ўйинлар, томошалар уюштирган, оммавий суратда садақа ва совғалар тарқатган. Унинг бу ишлари ғазнани қуритган. Император ўз маблағини тўлдириш учун бой мулкдорларни бўлмағур айблар билан айблаб, мол-мулкларини мусодара қилган, ўзларини эса қатл қилдирган. Плинийнинг айтишича: Нерон Африка вилоятидаги рлтига энг бой ер эгаларининг мол-мулкларини мусодара қилган.

Эрамизнинг 64-йили ёзида Римда ғоят катта ёнғин бошла-^{*}ниб, ©ли кунгача давом этган. Шаҳарнинг 14 та районида, учтаси тамоман қуйиб кетган, еттита районда жуда қўп бинолар қуйган ва вайрон бўлган. Ёнғинда минглаб кишилар ҳалок бўлган. Уй-мулк ва озиқ-овқатдан маҳрум бўлган энг камбағал аҳоли безовталаниб, ташвишга тушган. Нерон ёнғиндан зарар кўрганлар учун сарой боғларини очиб қўйишни ва уларга озиқ-овқат тарқатишни буюрган. Аммо Рим аҳолиси ўртасида гўё император Трояннинг ҳалокати тўғрисида дoston ёзиш' учун ёнғиндан руҳланиб илхом олиш мақсадида ўзи шаҳарга ўт қўйдирган эмиш, деган • гап тарқалган. Гарчи бу миш-мишлар учун етарли асос бўлмаса ҳам, тарихчи Тацит бу ҳақда император ва унинг атрофидогилар оммани тинчлантириш учун бу фалокатнинг «айбдорлари»ни топиб жазолашни лозим топишган деб ёзган. Нерон ва унга яқин сарой аҳли «ўт қўювчилар» деб эълон қилган ҳар хил шарқий сектантларни камаш ва жазолаш оммавий тус олган. «Оломон кимни христиан деган бўлса, ўшани» қатл қилишган, деб кўрсатган эди Тацит.

Нерон империянинг қуйиб кетган пойтахтини тиклаб ғоят гўзал шаҳар бунёд этишни ният қилган, аммо бу иш жуда катта маблағ талаб қилар эди. Бу маблағни топиш учун Нерон вилоятлардаги аҳолидан тўпланадиган солиқларни жуда ошириб юборган. Айти вақтда у вилоятлардаги сенат тайинлаган бир неча ноибни суиистеъмоллари учун суд қилиб, 'мол-мулкларини мусодара қилган ва ғазна манфаатини кўзлаб публиканлар фаолиятини чеклаган. Бу тadbирлар император билан сенат ўртасидаги муносабатларга раҳна солган.

Арманистон учун Парфия билан олиб борилган уруш чўзилиб кетган. Эрамизнинг 63-йилида легат Гней Корбулон парфияликлар билан уларга ён бериб сулҳ тузган. Римликлар Парфия подшоси Волгогазнинг укаси Тиридатни Арманистон подшоси сифатида тан олишга рози бўлганлар, аммо у подшодлик тожини император Нерон қўлидан олиши шарт бўлган.

Сенат билан муносабат узилиши, Арманистодати ҳарбий мағлубият, Британиядаги кўзғолон, ёнғин, қатл ва мусодара қилишлар вилоятлардаги аристократияни ҳам, Рим аристократларини ҳам ғазабга келтирган. Эрамизнинг 65- йилида Неронга қарши фитна кўзғалган. Бу фитнада сенаторлар, преторийларнинг командирлари, иккита преторий префектининг бири иштирок этишган. Фитначилар Неронни ўлдириб, унинг ўрнига

Кальпурний. Пизонни император деб эълон қилмоқчи бўлишган, Фитнага кўплар, жумладан Сенека ҳам хайрихоҳлик қилган. Аммо фитначиларнинг ҳаракатида қатъият бўлмаган, улар жуда секинлик билан иш кўришган. Ораларидан хиёнатчи чиққан. Қидириш, шафқатсиз жазолаш, шубҳа қилинганларни қатл қилиш бошланган. Кўпгина сенаторлар, преторий командирлари, Пизон, Сенека, Лукан ва «Сатирикон»нинг автори шоир Петроний ҳалок бўлган, Домиций Корбулонга ҳам ўлим жазоси бериш тўғрисидаги ҳукм юборилган, аммо у ўзини-ўзи ўлдирган.

Эрамизнинг 66-йили баҳорида Яҳудияда кўзғолон кўтарилган. Кўзғолончилар Иерусалимдаги римликлар гарнизонини қириб ташлашган, шаҳарни қайтиб олмақчи бўлган Сурия ноиби Цестий.Галл армиясининг хужумини қайтаришган.

Нерон ўз обрўсини сақлаш учун Парфия шахзодаси Тиридатни Арманистонга подшо қилиб тайинлаш маросимини ата-йин тантана билан ўтказган. Нерон форум ўртасидаги тахтда ўтиргани ҳолда олдида тисланиб ўтирган Тиридатга тож кийгизган. Сўнгра император, гарчи ўша маҳал Яҳудия билан Британияда қаттиқ уруш бораётган бўлсада, гулчамбарни тантанали суратда Капитолийга кўтариб олиб борган ва Янус ибодатхонасининг дарвозасини кулфлаб кўйган.

• Эрамизнинг 67- йилида Римда юкумли касал тарқалиб, аҳоли жуда қаттиқ азобда қолган. Нерон Грецияга кетишни афзал кўрган.

У Грецияда эканида шоир ва ашулачиларнинг барча мусобақаларида қатнашган, олимп ўйинларида эса жанг арава миниб иштирок этган. Хушомадгўй греклар унга беҳисоб ғолиблик чамбаракларини мукофот қилиб берганлар, бунинг эвазига Нерон Грецияни «озод» деб эълон қилган.

Рим империясининг аҳволи мушкуллашган. Британия империя составидан чиқиб кетган, Яҳудиядаги кўзғолон кенг қўлам олган, Галлия аҳолисининг норозилиги кўзғолонга айланиб кетиш хавфи туғилган, Римда императорга қарши янги фитналар фoш қилинган, ғазна бўшаб қолган, баъзи легионларда жангчиларга маoш берилмай кўйган. Нерон Римда қолдириб кетган эркин қуллар унинг тезроқ қайтиб келишини ўгиниб илтимос қилишган.

Эрамизнинг 68-йили бошларида Нерон қайтиб келиши биланок Италияда Аквитания ноиби Юлий Виндекснинг императорга қарши кўзғолон кўтарганлиги тўғрисида хабар олинган. Виндекс Неронни ағдаришга чақириб ғарбий вилоятлардаги бошқа проконсулларга ҳам мурожаат қилган. Пиреней ярим оролидаги вилоятларнинг ноиблари ҳам кўзғолонга қўшилишган.

Нерон аввалига кўзғолонга жиддий ахамият бермаган. Юкори герман легионлари Виндекс қўшинини тор-мор қилиб ташлаганини эшитиб, Нерон тантана қилган. Лекин бу дегионлар

нинг жангчилари ҳам бошқа император сайлаш тарафдори экашгакларини билгач, бундан кути ўчиб Миерга кочиб кетмоқчи бўлган. Прет-орийликлар императорнинг ниятидан хабардор бўлган кўзғолончилар томонига ўтиб кетишган. Эрамизнинг 68-йили ёзида Нерон саройдан озод кулининг вилласига қочиб кетган ва ўша ерда ўзини-ўзи ўлдирган.

• Нероннинг ўлими билан эски Рим патрицийлар сулоласига мансуб, Август бошлаб берган ва шартли равишда Юлий-Клавдийлар сулоласи деб аталадиган группанинг сўнгги намояндаси гўрга кирган. Бу сулоланинг кулаши эски Рим кулдор зодагонларининг империяда якка-ягона ҳукмронлигининг тугашини ҳам билдиради.

5. Эрамиз Гасрининг 60-йиллари охирида империядаги сиёсий кризис ва граждaнлар уруши. Нероннинг ҳалокати эрамизнинг I асрининг 60- йиллари охирида Рим империяси қадам қўйган чуқур сиёсий кризиснинг биринчи босқичи бўлган, холос. Бу кризис Рим давлатига бирлашган кулдорлик жамияти Урта денгиз системасининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёти натижаси бўлган. .

Географик ҳолати, ҳўжалиги ва социал шароити ҳар хил , бўлган Урта денгиз соҳилидаги қисмларда, Ғарбий ва Марказий Европанинг бепоён территорияларида, Кичик ,Осиё, Сурия, Фаластин, Мисрда ва Африканинг шимолий соҳилидаги қолган бошқа мамлакатларда Рим кулдорларининг сиёсий ҳукмронлиги, ўрнатилганлиги мазкур мамлакатларда кулдорлик муносабатларининг ривожини тезлаштиришига ҳамда уларнинг ижтимоий тузуми, маданияти ва маиший ҳаёти ма"Блум даражада бараварлаштиришига ёрдам берган.

Бир томондан бў мамлакатларнинг қўпи Италия билан аввалгидан кўра мустахкамроқ алоқа боғлаган — улар империя пойтахти- Римга эрамизнинг I асри ўрталарига келиб аҳолиси билан бир неча юз минг кишига етган ана шу шаҳарга озик-овқат ва ҳунармандлик маҳсулотлари олиб келган. Бу эса йирик кулдорлик ҳўжалигининг ривожини кучайтирган ва шу билан бирга вилоятлардаги аҳолининг социал табақаланиш процессини тезлаштирган. Переней ярим ороли вилоятлари, Галлия, Сицилия. ва бошқаларнинг айрим қисмлари ўртасидаги тафовутлар ҳам аниқроқ намоён бўлиб қолган.

Иккинчи томондан, Рим граждaнларидан ташкил топган император армияси легионларини доим тўлдириб,туриш зарурлиги вилоятлардаги туб аҳолининг оммавий суратда Рим граждaнлик ҳуқуқлари олишига ёрдам берган. Иттифокчи ал ва когорталарнинг жангчилари фахрли истеъфога чиққандан кейин латин граждaнлари бўлиб • олганлар, уларнинг ўғиллари эса харбий хизматни ўтаб .бўлиб, тўла Рим граждaни бўлиб олишган. Шунда^! қилиб эрамизнинг I асри ўрталарига келиб қўп минглаб вилоятликлар Рим граждaнлари қаторига кириб олишган, Император Клавдий кўрган сиёсий тадбирлар натижасида

бу процесс тезлашган. Эрамиз I асрининг 60-йиллари охирида оддий жангчи легионерларнинг кўпчилигини вилоятлик Рим граждандлари ташкил қилиши билан бирга империя армияси командирлари составининг ҳам анчагина қисмини ўшалардан ташкил этишган.

Тацитнинг айтишича, бир маҳал император Тиберий ҳам, Рим хўжалик жихатидан вилоятларга қарамдир, Римга озиқ-овқатни ўшалар етказиб беради, деган экан. Кейинги вақтларда бу қарамлик яна кучайган. Вилоятлардаги аҳолининг қуйи табақалари кўзғолон қилганида Рим ўшбу вилоятлардаги қулдор зодагонларнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган. Гарчи маълум бир вақтда империянинг ўзаги билан қолган бошқа территориялари ўртасидаги эски муносабатлар сақланиб қолган бўлса-да, Италиянинг давлат маркази сифатидаги роли секин-аста пасайиб борган.

Нерон идора қилган дастлабки йиллардаги сенат реакцияси ва кейинчалик унинг қилган ишлари — катта-катта солиқлар солиниши, ноибларнинг талаши, мусодаралар—вилоятлардаги қулдор зодагонларни императорга ва унинг арпонларига қарши, қаттиқ ғазабга солган. Аммо вилоятлардаги қулдорлар, айниқса Римда давлатнинг шарқий қисмидаги эллинилашган зодагонларнинг асосий кўпчилиги империянинг қулашини хоҳлашмаган. Улар фақат ўз сиёсий ҳуқуқларининг Рим-италий аристократиясининг ҳуқуқлари билан баравар бўлишига интилишган, ана шу туфайли Рим-италий аристократияси армия ва маъмурий аппаратдаги муҳим мавқеларини тобора кўп қийинчилик билан сақлаб туришган.

Нероннинг қулаши Урта денгиз мамлакатларидаги қулдор аристократик гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун шиддатли курашнинг бошланиши бўлган, аммо бу кураш вилоятлардаги қуйи табақа аҳолисининг кўзғолонлари билан мураккаблашиб борган. Қулдор зодагонлар Рим давлатининг турли қисмларида жойлашган легионларнинг ҳарбий командирлари билан мустақам алоқада бўлганликлари сабабли бу кураш айрим қўмондонларни император деб эълон қилиш ва вилоятлардаги Рим армиялари ўртасидаги ўзаро уруш шаклини олган. Нероннинг ҳалокатидан сўнг Рим империясида вужудга келган сиёсий вазиятни таърифлаб, Ф. Энгельс бундай деб ёзган эди: «...фитнада Римдаги преторийларгина эмас, балки вилоятлардаги лашқар бошилар ҳам иштирок этишган: ҳамма ерда ўз легионлари билан Римга отганишга тайёрлик кўриб турган янги тахт даъвогарлари пайдо бўлган. Империя ўзаро урушлар ҳукмига бериб қўйилгандай кўринган, унинг емирилиб кетиш вақт-соати яқин бўлган»¹.

¹ К. Маркси Ф, Энгельс. соч. т., 22, стр. 488.

Юлий Виндекс Неронга қарши қўзғолон бошлаганида шахсан унинг ўрнига император бўлишни даъво қилмаган. У Неронни тахтдан тушириб ўрнига бошқа император сайлаш таклифи билан император легатларига мурожаат қилган. Пиреней ярим оролида Неронга ва ўз вилтрятларидаги Нерон тарафдорларига қарши ҳаракатга бошчилик қилган легатлар қўзғолонга қўшилишган. Испан аристократлари ва шимолий Испания легионлари ўзларининг легати бўлмиш, эски Рим нобилларининг намояндаларидан бири, тажрибали лашкар боши ва маъмур Сервий Сульпиций Гальбани император деб эълон қилишган. Преторийлар қўзғолонидан кейин сенат Гальбани тан олган. Янги император Римга кириб келган. Аммо бу вақт у ўзига қарши катта норозилик туғдирган. Неронга содиқ қолган ва янги императорни тан олиш-олмасликни ҳали мулоҳаза қилиб турган кишиларнинг ҳаммасини қаттиқ жазолаган. Гальба Рим ёнига етиб келганида Нерон тўплаган легион жангчиларининг барини кириб ташлашни буюрган. Бўшаб қолган ғазнани тўлдиришга уриниб ўз тарафдорлари томонидан преторийларга ваъда қилинган совғаларни Гальба бермай қўйган. У хатто Нерон берган совғаларни ҳам тортиб олган, Гальба қўзғолон бошида ўзига ёрдам кўрсатган Сальвий Отонни алдаб, таниқли зодагон сенаторлардан бирини ўзига ўғил қилиб, ворисликка тайинлаган. Алданган Отон преторийлар орасида унга қарши фитна уюштиртан. Эрамизнинг 69- йил 15 январида преторийлар Гальбани ва унинг асранди ўғлини ўлдириб Отонни император деб эълон қилганлар. Вилюятларнинг кўпчилиги, шунингдек Иллирияда ва империя шарқида турган легионлар Отонни император деб тан олган бўлса-да, Рейндаги- армия, шунингдек Шарқий ва жануби-шарқий Галлия аҳолиси, Қуйи Германия вилюятининг легати Авл Витеялийни император деб эълон қилишган. Вителлий ичкиликка берилган, баднафс ва атрофидаги лашкар бошиларнинг амридан ташқари иш қилолмайдиган ўтакетган пасткаш одам бўлган. Улар иккита қучли армия тузиб, бу армиялар билан Альп орқали қисқа йўлдан Италияга қараб жўнаганлар.

Сенат Отоннинг императорлигини жуда катта норозиликлар билан аранг тан олган. Отон ана шу кайфиятда душманга қарши чиқишга мажбур бўлган. Бир неча лашкар бошиларининг иккиланишини кўриб Отон' ўзига ёрдамга келаётган Иллирия легионларининг етиб келишини кутмасданок Кремона шаҳрига яқин Бедриак қишлоғи ёнида Вителлий армияларидан бирига ҳужум бошлашни буюрган. Преторийлар мардона жанг қилган бўлсаларда, мағлубиятга учрашган (эрамизнинг 69-йил, апрели). Қўшинининг мағлуб бўлганлиги хабарини эшитиб Отон ўзини-ўзи ўлдирган. Легионлар ва Рим сенати Вителлийни император деб тан олишган.

Янги император қўшинлари Галлиянинг жануби-шарқий об*ластларини вашимолий Италияни худдиди душман территориясидан ўтгандай босиб ўтишган. Жангчилар ва уларнинг бошликларидан аҳолини талаганлар, зўрлик ишлатиб, турли хил жазоларга дучор қилганлар. Баъзи шаҳарлар вайрон бўлишдан сақланиш учун катта товон тўлаган. Дммо Вителлий легионерлари неча минглаб кишини ўлдирган ва жуда кўпини кул қилиб сотиб юборган. Вителлий ўз жангчиларининг бебошлигини, жиловлаш учун ҳеч қандай чора кўрмаган.

Вителлий Римга кириб келганидан кейин ҳар куни бир неча марта лаб зиёфат ва базмлар уюштирган, ҳамма ишларни лашкар бошларга топшириб, ўзи ичкиликка берилиб кетган. Вителлий қўшинлари ва ноибларининг босқинчилиги, зўравонлиги, империянинг, турли вилоятлари (Галлия, Понт)ни ларзага сола бошлаган қўйи табақа аҳоли кўтарган қўзғолонлар, Эгей архипелагида ўзини Нерон деб атаган бир қаллобнинг пайдо бўлиш кулдорлари ташвишлантirmай қўймаган. Шарқий вилоятлар — Сурия, Фаластин, Миср ва. Осиё аҳолиси ўз ҳол-аҳолининг нима кечиши тўғрисида айниқса қаттиқ ташвишга тушганлар. Улар яҳудийлар қўзғолонининг фитначи вилоятлардан чиққан жуда кўп киши яшайдигин қўшни вилоятларга ёйилиб кетишдан чўчирдилар. Улар парфияликларнинг бостириб киришидан ҳам хавфсирашган.

Эрамизнинг 69- йил ёзида Финикиянинг Берит (ҳозирги. Байрут.) шаҳрида Рим империяси шарқий вилоятларнинг ноиблари маҳаллий кулдор зодагонларнинг вакиллари, шарқий вилоятларда жойлашган, шунингдек, қўзғолонни бостириш учун Яҳудиёга тўпланган Рим легионларининг лашкар бошилари йиғилишган, Улар яҳудийлар қўзғолонига қарши кураш олиб бораётган Рим армиясига Нерон қўмондон қилиб тайинлаган эски, тажриба қор маъмур ва лашкар боши Флавий Веспасианни император қилиб сайлашган.

Эрамизнинг 69- йил 1 июлида зрталаб ўз чодирдан чиқиб келаётган Веспасианни- жангчилар янги император деб қутиб олишган. Шарқий вилоятларнинг ҳаммаси унинг ҳокимиятин тан олган. Тезда Дунай армиясининг легионлари, Африка, Испания, Лузитания ва жануби-ғарбий Галлия легионлари ҳам Веспасиан томонига ўтишган. Италия аҳолиси янги императорга тамомила хайрихоҳ бўлса-да, Вителлийнинг жангчиларидан чўчиб туришган.

Веспасиан Яҳудия қўзғолончиларига қарши олиб борилаётган курашни охирига етказишни ўғли Тит Флавийга тошнириб, ўзи Мисрнй ишғол қилган ва у ердан Римга ғалла юборишни тўхтатиб қўйган. Айни вақтда унинг тарафдорлари ўз кўшинлари билан Кичик Осиё орқали Балкон ярим оролига ва. Шарқий Италияга қараб йўл олишган. Аммо Иллирия легионларининг қўмондони галлиялик Антоний Прим улардан олдин ҳаракат бошлаган. У ўз армиясини бошлаб тўсатдан шимолий Ита~

лияга бостйриб кирган ва Кремона шаҳри ёнида Вителлийнинг бебош армиясини трр-мор келтирган. Вителлий таслим бўлишни ният қилсаДа, жангчилари курашни давом эттиришга қарор қилишган. Римнинг ўзида жанглар жуда шиддатли бўлган. Жаяг қизигида Капитолий ёниб кул бўлган. Номард Вителлий яшири-ниб олган жойидан ушлаб олинган ва хўрлаб ўлдирилган (эрамизнинг 69-йил декабри). Эрамизнинг 70-йил январига келиб империяда граждaнлар уруши тугаган.

6. Империя бирлигининг тикланиши. Веспасиан принцйпати.

Сенат ва барча легионлар Веспасианнинг- хокимиятини тан олишган бўлса-да, у ўзининг ўн йиллик ҳукмронлигининг (эрмизнинг 69—70- йиллари) дастлабки йилларида Яхудия, шимолий Галлия ва қуйи Германиянинг қўзғолон қўтарган ақолисига қарши, шунингдек бошка жойларда чиқиб турган ғалаёнларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлган.

Яхудиядаги қўзғолон, Миср ва Қирендаги яхудийларнинг ғалаёнларини бостириш айниқса зўр 0еришни талаб қилган. Яхудия қўзғолони эрамизнинг 66- йили кирғбқдаги Цезарей юз берган тўкнашиш кетидан Иерусалим ақолисининг Рим гарнизонини қириб ташлаши билан бошланган. Сўнгра ҳаракат бутун Яхудияга ёйилган. Лекин қўзғолончилар орасида қўзғолоннинг мақсади тўғрисида ҳам, кураш усуллари тўғрисида ҳам яқдил-лик бўлмаган.

Иерусалимдаги коҳинлар билан аристократлар ўзларининг ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтиришга ҳаракат қилишган. Улар халқ оммасининг римликларга қарши, қўзғолонининг олдини олмокчи бўлишган, аммо уларнинг ниятига қарши, ҳар ҳрлда қўзғолон бошланган, шундан кейин Иерусалим.коҳинлари римликлар билан ярашиш учун мумкин бўлган барча чораларки- кўра-бошлашган.

Рим ноиблари ва ҳарбийларидангина эмас, балки олий ва ўрта коҳинлар (саддукейлар ва фарисейлар) ичидан чиққан маҳаллий катта ер эгаларидан ҳам жабр-зулм кўраётган яхудий халқ оммаси Рим зolimларидангина эмас, балки маҳаллий, ердорлар ва сарроф-судхўрлар чангалидан ҳам озод бўлиш учун курашолиб борган. Улардан баъзилари (зелотлар) римликларга; ва барча иккиланувчиларга Қарши қатъик кураш олиб боришни қаттиқ туриб талаб қилишса, бошқалари мулкий жиҳатдан тўла тенглик ўрнатишни, катта ер эгаларининг ерлариний мусодара қилишни талаб этишган ва зодагонларнинг намояндаларини ўлдира бошлашган, шунинг учун ҳам уларга ханжарбоз деган лақаб берилган. .


Қўзғолончилар Сурия ноиби Цестий Галлнинг армиясини Яхудиядан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлишган, аммо ундан кейинги эрамизнинг 67-йилида римликлар Веспасиан қўмондонлиги остида яна Яхудияга. бостириб қириб, қўзғолончилар, ни Иерусалимга томон сиқиб бора бошлаганлар. Галилеяни мудофаа қилиш учун синедрион томонидан тайинланган лашкар

«боши Юсуф бен Маттафия кўзғолоннинг муваффақият қозонишига ишонмаган ва мудофаа тадбирлари кўрмай, Рим аскарлари хужум бошлагач, таслим бўлган. Кўзғолончиларга парфияликлар ёрдами тўғрисидаги умидлар пучга чиққан. Эрамизнинг 9- йили гражданлар уруши бошланиб кетганлиги туфайли римликлар бу ердаги уруш ҳаракатларини тўхтатиб қўйишган. Бу пайтда кўзғолончилар орасида олий қохинларнинг намояндалаш билан зелотлар (римликларга қарши охиригача курашиш тарафдорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар ғоят кескинлашиб кетган.

Зелотлар зодагон қохинларнинг баъзиларини қириб ташлаган ва Яхва ибодатхонасининг бош қохини қилиб оддий бир қишлоқини сайлаб қўйишган, аммо улар ханжарбозларга қарши чиққан эдилар. Эрамизнинг 70-йил баҳорида, Италияда гражданлар уруши тугагандан кейин Тит Флавий бошчилигидаги Рим армияси Йерусалимни қамал қила бошлаган. Диний кўк-лам байрами (пасха) муносабати билан. шаҳарга ҳамма" томондан жуда кўп зиёратчилар тўғалана бошлашган, шунинг учун ҳам қамалдагилар тезда озик-овқат танқислигини сеза бошлашган ва пировардида танқислик очарчиликка айланган. Очликка ва ички курашга қарамай, кўзғолончилар-ар ўзларини мардона мудофаа қилишган. Римликлар шаҳарнинг ҳар бир қисми, ҳар бир бурчагини ғоят машаққат билан қадамма-қадам ишғол қилишган. Сион тепалигидаги худо Яхва ибодатхонаси учун олиб борилган жанг айниқса шиддатли бўлган. Римликлар бир неча кун давом этган жанглардан кейин ёниб қулга айланган харобазорларни эгаллаб, қолган-қутганини ер билан яқсон қилганлар.

Йерусалим тамомила вайрон қилинган, аҳолисининг бир қисми жангларда қирилиб кетган, бир қисми қул қилиб сотилган. Аммо кўзғолончилар тоғдаги Масаду қўрғони ва Фаластин жанубидаги бошқа истехкомларга таяниб курашни давом эттирганлар. Уларнинг элчилари Миср ва Киренадаги яҳудий аҳолисини римликларга қарши қўзғотишга уринишган. Римликлар эрамизнинг 73- йилидагина Масадуни эгаллашга ва Фаластиннинг бошқа қисмларидаги қаршиликни бостиришга муваффақ бўлганлар. Мисрда кўзғолончиларнинг элчиларини ушлаб берган аристократ яҳудийлар римликларга ёрдам кўрсатишган: Киренада Рим қўшинлари яна кўзғолон қўтармоқчи бўлганларни шафқатсизлик билан бостирган.

Веспасиан яҳудии босқинчиларига қарши шиддатли кураш олиб бориш билан бирга Галлиянинг шимолий чеккаларида ҳамда Рейн дарёсининг этагида яшовчи ва римликларга тобе герман қабилалари орасидан чиққан хавфли кўзғолонни ҳам бостиришга мажбур бўлган. Кўзғолонга германларнинг батавлар қабиласи оксоколиЮлий ЦивилиС бошчилик қилган. У Вителлий яқинларидан қаттиқ хафа бўлиб римликлардан қочиб кетган ва қабиладошларини кўзғолонга даъват қилган. Аввал бошда Цивилис батавлар фақат Влт.едляйгл қарши чиқади деб эълон қилган!!.



Колизей. Юкоридан кўриниши.

Аммо Веспасиан ғалаба қилгандан кейин Цивилис ўзининг асл мақсадини яширмаган, римликларни тамоман ҳайдаб чиқариш учўн кураш олиб боришни очикдан-очик айтган.

Рим армиясининг иттифоқчи ал ва когорталаридаги кўп жангчилар ва, шунингдек, баъзи зодагон галлар кўзғолончиларга кўшилишган. Цивилис томонига ўтиб кетган галл аристократлари (Тутор ва Классик) Галлия империяси тузиш фикрини ёқлаб чикканлар. Аммо Марик деган бир киши бошчилигидаги куйи табақа аҳолининг кўзғолонидан хавфсираган кўпчилик зодагон галлар Рим ҳукмронлигини сақлаш зарур деб ҳисоблаганлар. Кураш зодагон галларнинг ғалабаси билан тугаган. Цивилис римликларга қарши курашни тўхтатишга мажбур бўлиб, германлар орасига кириб бекинган. Соликларни камайтириш тўғрисида ваъда берилгандан кейин батавлар римликларга бўйсунган.

Веспасиан кўзғолонларни бостириб, осойишталик ўрнатгандан кейин империяни ларзага келтирган сиёсий кризисни тугатишга киришган.

У Рим сенати билан дўстонамуносабат ўрнатган. Сенат давлатнинг олий ҳокими сифатида Веспасианга берилган ҳуқуқлар тўғрисида махсус қарор чиқарган. Бу қарорга кўра Веспасианга ўтмишдошлари зға бўлган барча ҳуқуқларни бериш билан бирга, шунингдек, авваллари чиқарилган қонунларни бекор қилувчи фармойишлар чиқариш ҳуқуқи ҳам берилган. Веспасианнинг

хар қандай кўрсатмаси ваҳарқандай фамойиши империядагн бутун аҳоли, Римдаги барча ҳарбий ва граждан маъмурлари учун мажбурий бўлган. Сенатнинг бу қарори билан Веспасиаянинг ҳокимиятига легал негиз қурилган.


Бўндан ташқари Веспасиан ҳар йили консуллардан бири лавозимига сайланган, бу эса сенатнинг принцепс ҳолати билан бирга Веспасиан ҳокимиятининг легал характерини таъкидлайди.

Эрамизнинг 73-йили Веспасиан цензор лавозимини олиб Рим сенатининг бутун составини қайта кўриб чиққан. Рим тарихчиси Светоний бундай деб ёзган: «Тинмай қатл қилишлар натижасида олий табақа сийраклашиб ҳолган ва таназзулга юз тутган... Уларни тозалаш ва тўлдириш учун у сенатни ва сувориларни қайтадан кўриб чиққан, ярамайдиганларини четлаштирган, рўйхатни италийлар ва вилоятлардан энг муносиб кишилар номи билан тўлдирган...». Маълумки, асосан Испания ва Галлиядаги вилоятлик энг таниқли зодагон қулдорлардан мингтаси Римга кўчириб келтирилган ва шу билан Рим зодагонларининг қаторлари тўлдирилган. Веспасианнинг бу тадбирлари ғоят катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Ана шу ваҳтдан бошлаб Рим империяси бутун Урта денгиз дунёсидаги барча қулдорлар империяси бўлиб қолган. Вилоятлардаги зодагонлар орасидан чиққан кишилар империянинг ҳарбий ва гражданлик маъмуриятида Юқори мавкени эгаллаганлар, унинг давлат аппарати вилоятлик зодагон қулдорларининг этник чиқишидан қатъи назар, мулкый ҳуқуқлари ва имтиёзларини кўриқлайдиган бўлиб қолган. Веспасиан империянинг социал негизини мустаҳкамлаш билан бирга, молия кризисини йўқотиш мақсадида вилоятлардаги аҳолидан олинадиган солиқларни жуда оширган. У Нероннинг Греция аҳолисига берган имтиёзларини бекор қилган, Родос, Ликия, Византий, Самосни ва шунингдек тоғлик Киликия билан Коммагенни вилоятлар составига киритган.

Веспасиан жуда режали, совға ва мукофотлар тарқатишга келганда ниҳоятда тежамлик билан иш кўрадиган бўлишига қарамай, жанубий Галлияда ветеранларнинг катта-катта колонияларини тузиб, уларни ер билан таъминлаган. Римда янги уй кўришни истаган ҳаммага ер участкаси ажратиб берилишига рухсат этган. Неча ўн минглаб киши сиғадиган ғоят катта Колизей амфитеатри унинг замонида қурила бошлаган, Вителлий тарафдорлари билан кураш вақтида ёниб кетган Капитолий қайтадан тикланган. '.

Веспасиан принципати охирига келиб империянинг молиявий аҳолини тиклашга, армияда интизом ўрнатишга, шарқдаги хавфли қўшниси — Парфия билан муносабатларни яхшилашга муваффақ бўлган.

• Амма империядаги ҳамма аҳоли ҳам унинг сиёсий фаолиятдан қаноат ҳосил қилган эмас. Веспасиан вилоятлардаги қулдорларга ҳомийлик қилиш жараёнида империянинг ғарбий қис-




Колизей.

мига—Испания, Галлия, Африкага кўпроқ эътибор бериб, Урта денгиз сохилларидаги шарқий областлар ёмонроқ шароитга солиб қўйилган. Бу ҳол грек файласуфларинингмаълум гуруҳларида оппозиция туғилишига сабаб бўлган.. Императориинг ишларини сурбет файласуфлар айниқса қаттиқ танқид қилишган. Веспасиан бунга жавобан эрамининг 71-йилида файласуф ва астрологларнинг ҳаммасини Римдан ҳайдаб чиқаришни буюрган.

Эрамининг 79- йили Веспасиан вафот этган. Тит Флавий унинг ўрнига император бўлган. Тит аввалроқ, Фаластинда Римга қайтиб келгандан кейин отасига ҳокимдош-император деб эълон қилинган эди.¹

Тит ўзининг қисқа муддат ичидаги принципати (эрамининг 79—81-йиллари) давомида вилоятлардаги аҳолиганисбатан отаси олиб борган сиёсатни давом эттирган. Эрамининг 80-йили қонеул қилиб биринчи марта африкалик — Пактумей сайланган. Тит сенат билан жуда иноқ бўлиб иш олиб борган. Унинг идораси даврида, эрамининг 80- йили Колизей қурилиши тугалланган.

Эрамининг 79-йид августида Везувий вулкани отилиб чиққан.. Вулкандан чиққан бениҳоя кўп тугун, кул ва булут Рим райониғача етиб келган. Шундан кейин вулкандан оқа бошлаган лава кўп қишлоқларни, вилаларни ва бир неча шаҳар (Помпей, Геркуланум, Стабий)ни босиб кетган.



Помпеядаги форум. Олиса Везувий чўққиси.

7. Принцес билан сенат ўргасида низо келиб чиқиши. Император Домицианнинг империяни идора қилиши (эрамизнинг 81—96-йиллари). Тит ўлгандан кейин ҳокимият Веспасианнинг накинчи ўғли Домициан қўлига ўтган. Уни преторийлар император деб эълон қилганлар. Домициан отаси ва акасига зид ўларок сенат билан ҳисоблашмасдан иш юритган. У ўзига «таксирилолам», «худо» деб мурожаат қилишларини буюрган. Домициан ўз атрофига чақимчиларни тўплаб олган. У ҳарбийларга йўл қўйиб, Римдаги люмпен-пролетарлар орасида обрў қозонишга уриниб преторийларга ва Рим аҳояисининг энг камбағал қисмига оммавий суратда совғалар тарқатишни тиклаган. Шу билан бирга циркда дабдабали томошалар уюштирган. Унинг бу ишлари ғазнага таъсир этмай қолмаган ва ғазнани тўлдириш учун у энг бой сенаторлар мулкини мусодара қилиш тартибини тиклаган.

Домициан Италиянинг хўжалик аҳволини мустаҳкамлаш, мақсадида тоқзорларни кенгайтиришни ман қилган, деҳқонлардан дон экишни тиклашни талаб қилган, вилоятларда ҳам янги тоқзорлар қилиш камайтирилган. Аммо бу тадбирлар кишлоқлардаги ер эгаларининг ғашига тегсада, Италияда ҳам, вилоятларда ҳам кишлоқ хўжалигининг характерини ўзгартира олмаган.



Помпея кўчаларидан бири.

Домициан ймперияни идора қилган даврда Рим қўшинлари Германиянинг жануби-ғарбий кисмини, Рейн дарёси билан Дунай дарёсининг юкори оқимлари ўртасидаги ерларни эгаллаган. «Десятинали далалар» деб аталган бу ерга Рим колоиистлари кўчиб келиб жойлашиб олишган ва бу колония шимоли-шарқдан чуқур хандақ ва орқасидаги кўтарма устига солинган қозик девор билан мустаҳкамланган чегара линияси билан ҳимоя қилинган. Кўтарма бўйлаб бир-биридан маълум масофада тош миноралар (кастеллар) солинган ва уларга отиш қуроллари (палахмонлар) ўрнатилган. Кўтарма орқасидан тош тўшалгав йўл ўтган, бу йўлдан Рим қўшинлари хавф туғилган чегара районларига тезлик билан етиб бориш учун фойдаланганлар.

Лекин шарқ томонда, Дунай этагида, Болкон ярим оролидаги Рим вилоятлари хавф остида қолган. Дунайнинг Шимолий қирғоғида дак қабилалари яшаган. Эрамизнинг I асри охирида дак қабилаларининг уруғ-қабилла тузуми бузилиб, бу процессқабилаларнинг бирлашишига олиб келган, бирлашмага эса ғайратли ташкилотчи ва ҳарбий йўлбошчи Децебал бош бўлган.

Децебал Дунайнинг қуйи қирғокларига яқин даштда яшагав сарматлар ҳамда германларнинг маркоманлар қабиласи билан биргаликда ҳаракат қилиб чегарадаги Рим қўшинларига қаттиқ зарба берган. Дақлар ва уларнинг иттифокчиларига қарши

торишга Домицианнинг ўзи бошчилик қилгац. Гоҳ у ва гоҳ бу томоннинг ғалабаси билан давом этган шиддатли жанглардан кейин император Децебал билан сулҳ битими тузишга мажбур бўлган (эрамизнинг 89-йили), Даклар Рим чегарасини тинч қўйишни зиммаларига олишган, аммо бунинг эвазига Домициан уларга ҳар йили пул билан катта «совға» бериши лозим бўлган. Бу битим Римни ғазабга келтирган.

Римликлар Британияда ҳам оғир кураш олиб борганлар. Лашкар боши Публий Валерий Агрокола ҳозирги Англия тупроғида Рим ҳукмронлигини тиклаган, шимолда мустаҳкам линия қурган ва кемаларга тушиб, Британиядан сал шимол томонга жўнаган.

Римликларнинг шарқий чегарадаги ҳаракатлари бундан кўра ёмонроқ бўлган. Агар Веспасиан принципати даврида Рим қўшинлари марказий Закавказьеда Дарьян дараси районигача бориб етган ва бу ерда шарқий вилоятларни кўчманчилар ҳужумидан мудофаа қилиш учун чегара истехкомлари қурган бўлса, энди Каспий денгизи қирғоқларига чиқадиған йўллари ишғол қилиш учун бўлган уринишлар тамомила муваффақиятсизликка учраган. Римликлар Апшерон ярим ороли районида Каспийқирғоқларига чиқиб олганларида яна оркага улқтириб ташланган ва Кичик Осиёнинг шарқийобластларини мудофаа қилиш билан чекланишга мажбур бўлишган. . . :

Мана шу ҳарбий муваффақиятсизликлар Домицианнинг обрўсига путур етказган. Эрамизнинг 89- йили Қуйи Германия легати Антоний Сатурнинни ўз легионлари император деб эълон қилишган. Домициан бу кўзғрлонни бостиришга муваффақ бўлган. Аммо у кўпгина сенаторларнинг Сатурнингга хайрихоҳ эканликларини яхши билган. Оммавий равишда қатл. қилишлар йошланган. Валерий Агрикола Британиядан чақириб олинган ва кейинчалик қатл қилинган. Жазолар императорнинг ахволини мустаҳкамлай олмаган. Улар душманларининг ғазабини ррттирган, холос. Эрамизнинг 96- йили яна фитна кўзғалиб, император ўз саройида ўлдирилган.

XVII БОБ

ЭРАМИЗНИНГ II АСРИДА РИМ ИМПЕРИЯСИ. «ОЛТИН ДАВР»

1. Рим агрессиясининг сўнги учқуни. Траян принципати (эрамизнинг 08—117-йиллари). Домициан ўлдирилгандан кейин кекса сенатор М. Кокцей Нерва император деб эълон қилинган. Бу преторийларнигина эмас, балки чегара вилоятларидаги легионерларни ҳам қаттиқ ғазабга келтирган. Ҳарбийларнинг норозилигидан янги императоргина эмас, унинг томонини олган сенаторлар ҳам чўчиб қолган. Нерва ўз атрофдагиларнинг мас-

лаҳати билан юкори Германия легионларининг легати Марк Ульпий Траянни ўзига ўғил қилиб олган (эрамизнинг 96-йили).

Траян Пиреней ярим оролида жойлашган Рим колонияси Италиқдан келиб чиққан бўлиб, асли испан миллатидандир. Траян Рим тахтига ўтирган биринчи "ажнабийдир.

Траян икки йил давомида (эрамизнинг 96—98- йиллари) Нервага ҳокимдош ҳисобланган, у ўлгандан кейин (эрамизнинг 98- йили) империя ҳокими бўлган.

•Траян сенат билан жуда дўстона муносабатда бўлган.. Энди бу вақтда сенат эски Рим ва италий нобиллари вакилларида кўра кўпроқ вилоятлик зодагонлардан ташкил топган. Траян янги империя зодагонлари орасида обрў қозониш учун Рим шаҳарларидаги магистратларнинг обрўсини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келган.

• Сенаторлар истаган фикрларини очик баён қилиш учун тўла ижмоиятга эга бўлганлар. Сенатда принцепс учун қилинадиган тантанали ибодатга: «...агар у ҳамманинг фароғати учун ва яхши идора қиладиган бўлса...» деган сўзлар қўшилган. Сенат яна вилоятларнинг ноибларини тайинлаш, уларнинг ишларини назорат қилиш ва уларни суд қилиш ҳуқуқини олган.

Домициан империяни идсра қилган вақтда пасайиб кетган Рим армиясининг обрўсини тиклаш ва олдинги даврда камайиб кетган қуллар сонини кўпайтиришга уриниб, Траянидора қилинъга киришган дастлабки ойлардаёқ урушларга тайёргарлик кўра бошлаган.

Унинг агрессив планларининг дастлабки мақсади қуйи Дунайнинг шимолий қирғоқларига жойлашган ва Домицианнинг римликларга қарам қилиб қўйиш йўлидаги уринишларини муваффақият билан қайтарган дақлар подшолигига қаратилган. Эрамизнинг 101 йилида Траян Дакияга қарши уруш очган. Римликларнинг катта армияси Дунайни кечиб, Дакия давлатининг пойтахти Сармизегетузага томон йўл олган. Дақлар аҳоли яшайдиган ҳар бир жойни, ҳар бир тоғ тепалигини, пойтахтга олиб борадиган йўл устидан ҳар бир дарани каттиқ химоя қилиб, мардларча қаршилиқ кўрсатишган, Дунайнинг чап қиртоғидан Сармизегетузага борадиган йўлдаги энг муҳим истехком — Апула қўрғони ёнида айникса шиддатли жанглар бўлган. Апулани римликлар ишғол қилиб, улар учун Дакия пойтахтига йўл очилгандан кейингина Децебал Траянга таслим бўлган (эрамизнинг 101-йили).

Император қабул қилДирган сулҳ шартларига кўра Дакия подшоси қочиб келган қулларни ва жангчиларни қайтариб бериш, бундан кейин Рим империясидан келган биронта қочоққа бошпана бермаслик, қўрғонни кўмиб ташлаш, ҳарбий отиш машиналари ва маълум миқдор қўлга ушлайдиган қурол-яроғларни римликларга бериш мажбуриятини ўз устига олган. Дакиянинг баъзи аҳоли пунктларига Рим қўшинлари жойлаштирилган.

Децебал оғир сулх шартларини қабул қилиб, шахсан бўйсунини билдириб, фурсат пойлашга ва яна кураш бошлаш учун тайёргарлик кўришга ҳаракат қилган. Римликлар кўшинларини мамлакатдан олиб кетган замон Дакия подшоси Рим империясидан келган қочқинларни яна қабул қила бошлаган, кўшни қабилаларни Римга қарши уруш учун бирлашишга чорлай бошлаган ва ҳатто олисдаги Парфия билан иттифоқ тузишга ҳам уриниб кўрган. Аммо Децебалнинг Парфияга бораётган элчисини римликлар ушлаб олганлар. Дақларнинг янгидануруш бошлаш учункўраётган бошқа чораларидан ҳам Траян хабардор бўлиб қолган.

Траян дамашқлик машхур архитектор Аполлодорга Дунай дарёси орқали кўприк қуришни буюрган. Римликлар ҳозирги, Темир дарвоза яқинида Дунай суви тикка қояли қирғоқлардан оқиб кетаётган жойга ғоят катта тош кўприк қурдирганлар. Кўприк олди кучли истехкомлар билан мудофаа қилинган.

Эрамизнинг 105- йили дақлар катта куч билан келиб, тўсатдан кўприк олдидаги истехкомларга хужум қилишган, аммо уларнинг хужуми қайтарилган. Шундан кейин 106- йил бошида Траян Дунай ёнида яна ҳам кўп ҳарбий куч тўплаб Дакияга бостириб кирган. Траян армияси дақлар дружиналарининг қаршилигини синдира бориб, Сармизегетузага яқинлашиб келган. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги кул бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрган. Мингларча киши ўзини-ўзи ўлдирган. Децебал тоғларга яширинмоқчи бўлган, лекин баъзи дақ оқсоқоллари унинг яширинган жойини душманга кўрсатиб бергач, Дакия подшоси ўзини-ўзи ўлдирган. Дакия Рим вилоятига айлантирилган (эрамизнинг 107-йили),.

Траян бу ғалабанинғ ёдгорлиги қилиб янги катта форум солдирган. Марс майдонини, эски Рим форумидан ажратиб турган тепаликнинг бир қисми текислаб ташланган. Очилиб қолган майдонга кутубхона биноси тушган, бу бино янги майдонни уч томондан қуршаб турган. Майдон ўртасига баландлиги 40 метрли устун ўрнатилган, устундақлар билан бўлган уруш воқеаларини акс эттирувчи лавҳалардан иборат бўртма расмлар билан копланган.

Траян Дакияни забт қилиб, унда ветеранларнинг, шунингдек, Италиядан ва ғарбий вилоятлардан кўчирилганларнинг кўпданкўп колонияларини тузган, сўнгра янги урушга, Парфия давлатига қарши яна ҳам катта агрессив урушга тайёргарлик кўра бошлаган.

Рим кўшинлари аввало Синай ярим оролини ва (Арабистоннинг Тошлоқ Арабистон деб аталадиган) шимоли-ғарбий қисмини босиб олганлар. Улар бу билан жануби-шарқдан Миср билан Суриянинг хавфсизлигини, шунингдек Қизил денгиздан Арабистонни ўраб, жанубий Осиё мамлакатларига ўтадиган денгиз йўлларининг хавфсизлигини таъминлаганлар.

Траян эрамизнинг Ш-ййлай Парфияга хужум қилиш тайёргарлигини тутган. Парфия давлатининг шарқий чегараларида бундан бир неча йил мўқаддам кучли армия пайдо бўлганлигидан Траян хабардор бўлган. Серлар давлати бу ерларга унча маълум бўлмаса-да, зодагонлар ўз кийимлари учун ишлатадиган ғоят қимматли газмол—ипак Рим империясига ўша давлатдан келтирилганлигини билишган, албатта.

Траян парфияликларнинг ички ўзаро урушлар билан банд эканлиги вауларга шарқтомондан ҳам душман таҳлика қилиб турганлигидан римликларга қаттиқ қаршилик кўрсата олмаслар, деб ўйлаган ва Рим армиясининг катта бир қисмини шарқий чегараларга олиб келган. Парфия подшоси ҳар қалай тинчлик сақлашга уринган бўлса-да, Траян унинг таклифларини кескин рад қилган ва эрамизнинг 114-ййили Арманистонга бостириб кирган. Траян Арманистонни ишғол этгац, уни Рим вилояти деб эълон қилиб, армиясига Дам бериш учун Сурияга олиб кетган. У армияси билан Антиохияда эканида қаттиқ зилзила юз бериб, неча минглаб қрши, шу жумладан жуда кўп жангчи зилзиладан қулаган бинолар тагида қолиб халок бўлган.

115-ййил кўкламида уруш ҳаракатлари яна давом эттирилган. Рим қўшинлари Дажла Дарёси бўйлаб силжиб боришган. Парфияга қарам бўлган баъзи кичик подшоликлар римликлар томонига ўтиб кетган. Траян армияси Парфия подшолигининг пойтахти Ктезифон шахрини эгаллаган. Парфия подшоси шўқадар шошиб, эсавқираб қолганидан, хатто тахтини ҳам олиб кетишга улгурмаган. Икки дарё оралиғининг Дажла бўйидағи ғоят катта шахри бўлмиш Салавкия аҳолиси римликлар томонига ўтган. Траян армияси Форс қўлтиғига бориб етган. Римликлар бу ерда кемалар қуришган. Оссурйя Месопотамия ва Бобил Рим вилоятлари деб эълон қилинган. РимлийҚДар бу Мамлака*лардаўлпон, солиқлар тўплаш ва Мажбурйятлар бажартирйишда



Лсиргк

ўз тартибларини жорий қилишган, Рим қўшинлари аҳолини таллаган. Парфия подшолари ҳокимияти вақтида икки дарё оралигининг кўп қисмларида маҳаллий ҳокимлар ва династлар мустақил идора қилганлар. Римликлар маҳаллий ҳукуматларни тугатиб аҳолини ўзларининг вилоят маъмуриятларига бўйсундирганлар. Римликларнинг бу тadbирлари Икки дарё оралиғидаги аҳолини ғазабга келтирган.

Рим сенати Шарқда олиб борилган урушни тугаган ҳисоблаб, Траянга янги фахрли унвонлар берган. Траян флотни куриб бўлиб, кемаларда Форс қўлтиғига чиққан. Ғоят кенг территорияларни эгаллаган Рим империяси шон-шавкат ва қудратининг чўққисига чиққандай туюлган" пайтда, Траян ва римликлар учун: сира қутилмаганда улар босиб олган Икки дарё оралиғидагинэ эмас, балки империянинг ўзининг шарқий вилоятларида ҳам кўзғолонлар бошланган (эрамизнинг 116-йил охири ва 117-йил бошлари). Шимолий Месопотамиянинг яҳудий князликдаги аҳоли бошлйб берган кўзғолон шимолий Мисрга, Киренаикага ва Кипр оролига ёйилган. Кўзғолончилар маҳаллий гарнизонларни тор-мор келтириб, бир қанча шаҳарни ишғол қилганлар.

Империянинг шарқий вилоятларидаги кўзғолонларни бостириш учун Траян ўзининг шарқдаги армиясидан анчагина қисмини ажратиб беришга мажбур бўлган, бу эса парфияликларнинг янги қўшинлари пайдо бўлган Икки дарё оралиғидаги уруш ҳаракатларининг боришига таъсир кўрсатмай қолмаган. Кўзғолончилар ва парфияликлар Рим қўшинларининг бир қисмини кириб ташлашга муваффақ бўлишган. Аммо римликлар кўзғолон кўтарган Салавкияни эгаллаб, унинг аҳолисини йиртқишларча қон-қакшатганлар. Парфия армияларидан бири тор-мор қилинган. Аммо Траян Парфия сулоласи аъзолари ўртасига ихтилоф солишга беҳуда уринган. Парфия тахтига ўз кишисини ўтказиш учун қилган ҳаракатидан ҳам натижа чиқмаган.

Эрамизнинг 117-йили ёзига келиб римликлар аввало Икки дарё оралигининг жанубини ва Месопотамиянинг бошқа қисмларини тозалашга мажбур бўлганлар. Сони жуда камайиб, муваффақиятсизликлардан силласи куриб, руҳан эзилиб қолган Рим армияси Фрот дарёсининг орқасига ўтиб кетган.

Траян мағлубиятни тан олгиси келмаган. У яна Шарққа отланишни кўзлаган, лекин Рим армиясининг жанговарлик кучи тугаб бўлган. Парфияликларга қарши яна уруш бошладанаввал шарқий вилоятлардаги кўзғолонларни бостириб, империянинг ўзида осойишталик ўрнатиш лозим бўлган. Армияни маблағ ва янги кучлар билан таъминлаш зарур бўлган.

Траян Римга жўнаб кетган. У йўлда кетаётиб (Киликияда) касал бўлиб ўлиб қолган (эрамизнинг 117-йили).

Шарқдаги уруш муваффақиятсиз бўлса-да, Траян Римнинг қулдор зодагонлари назарида мукамал ҳокими намунаси бўлиб қолган. Унга «энг яхши» принцепс лақаби берилган.

2. Империя ҳукуматининг мудофаа сиёсатига ўтиши (император Адрианнинг империяни идора қилиши). Траян ҳаётининг сўнги ойларида хотинининг қариндоши Публий Элий Адрианни ўзига яқин тутиб юрган. Траяннинг ўлиmidан кейин Адриан унга ўғил қилинган ва вориси этиб тайинланган, деб эълон қилинган. Шарқий армия легионлари Адрианнинг Траянга ўғил қилинганлигини тан олиб, уни император деб эълон қилганлар.

Янги император Сурия проконсули бўлгани ҳолда парфияликларга қарши урушни знди давом эттириш мумкин эмаслигини тушунган. Мисрда, Киренада ва Қипр оролида қўзғолонлар ҳали бостирилмаган, Яҳудия, Британия ва Мавританияда ғалаёнлар бошланган, Дунай чегараларида сарматлар ва роксоланлар таҳдид солиб туришган эди. Шунинг учун ҳам Адриан Фрот дарёси бўйлаб чегарани тиклаш ва асир тушган парфиялик зодагонларни қайтариб бериш шарти билан ярашиш тўғрисида Парфия шохига таклиф қилишни афзал кўрган.

Шарқда Арабистондан бошқа истило қилинган жойларнинг ҳаммасидан кечиш армиянинг олий қўмондонлигида қаттиқ норозилик туғдирган. Траяннинг энг яқин сафдошлари Адрианга қарши фитна уюштиришган. Амма фитна фoш қилинган ва Адриан фитначиларни шафқатсиз жазолаган. Унинг бу ишидан янги императорни жуда кечикиб тан олган сенат норози бўлган (сенат янги императорни эраМизнинг 118-йилидаги таан олган). Адриан Римга қайтиб келгандан кейин сенаторларни тиичлантириш учун суд сенаторлар ишини ҳал қилмагунча ўлдирмасликка ваъда берган.

Адриан империяни идора қилиш даврида (эраМизнинг 117—138-йиллари) ўздан олдин ўтган император олиб борган агрессив ташқи сиёсат натижасида Рим империяси дуч келган ғоят танг аҳволни тугатишга уринган.

У ҳар қандай ҳужумкорлик урушлари олиб боришни қатъий тарк қилган. Адриан осойишталикни қаттиқ сақлаб, давлатлар ва элатлар билан бўладиган жанжалларни музокаралар йўли билан тугатишга уринган. Адриан идора қила бошлаган даврдан эътиборан Рим империяси ўзининг ташқи сиёсатида стратегик мудофаа йўлига кирган.

Адриан қўшинлари билан тинч муносабат сақлаб, империянинг ҳарбий қучларини диққат билан мустаҳкамлаб борган. У (Британияда, Германияда, Дунай чегарасида ва шимолий Африкада) мустаҳкамланган чегара линиялари ва мустаҳкам қўрғонлар қурдирган, чегарадаги гарнизонларга шахсан ўзи бориб текшириб турган, шу мақсад билан империянинг энг узоқ бурчакларига ҳам сафар қилган.


Адриан вилоятлардаги ғалаёнларни бостиргандан кейин давлат аппаратини мустаҳкамлаш ишига эътибор берган. У Рим давлат муассасаси сифатида принцепс кенгашини расмий йўлга қўйган. Принцепс кенгаши Август вақтидаёқ вужудга кел-



12222 *P²¹¹ 44й.даРим респ.территориеси

- рим империяси истилолари
- Эр.нинг 14 й.гача (Август даврч)
- Эр-инг 15-93й.гача(Августдан Трдянгача)
- Эр.нинг 98~Шй.гача(Траян даври).

к « * Траян даврида вадинча истило килинган
территориялар(эр-нинг 114-Шй)
шмиш Эр-нинг 138 й'да Рин империяси чегаралари
£___) Ринга қарам территориялар



Эрнинг 80й. Рим флотининг йули
 Рим императорлариинг кэриши ва йиллари
 93 V Мух,им жанглар булган жой п) «а ййялар эр.ав.»(31)
 Эр.нинг I асрида Рим легиоклари тургай жойлар

Рим флотитўхтайдиган мух,им жоилар
 Гермаи қабилаларининг Италияга бостириб кириши
 ГУТЛАЛ р... истеккомлари
 Асосий ,денгиз-савдо йўллари

ган бўлса-да, хусусий кенгаш бўлиб, давлат ишларини хад қилишга ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаган. Адриан бу кенгашни давлат муассасасига айлантирган. Император учун ҳар хил фармонлар (эдиктлар) ва қонунга доир бошқа ҳужжатлар тайёрлаш вазифаси ана шу кенгашга юкланган. Шунинг учун кенгашга се? наторлар билан бирга энг кучли қонуншунослар—«юрислар» киритилган. Кенгаш аъзоларига қилган ишларига қараб мукофот берилган. Аммо император ҳамма вақт ҳам кенгаш қарорларига қараб иш қилмаган.

Суд қилиш ишларини яхшилаш мақсадида «Абадий эдикт» наشر этилган. Бу тўплам суд ишларини олиб бориш тўғрисида муфассал дастур бўлган. Уни ўша даврнинг таникли юристи Сальвий Юлиан бундан аввалги замонларга мансуб кўпдан-кўп преторий эдиктларини кўриб чиқиб, ўшалардан танлаб олиб тайёрлаган. «Абадий эдикт»га Рим билан Италиядагина эмас, балки вилоятларда ҳам амал қилинган.

Император идоралари (канцеляриялари) нинг сони кўпайтирилган, уларга бошлиқ қилиб, озод этилган қуллар ўрнига зодагон суворилар қўйилган. Адриан вилоятлардаги аҳолида «ўлпон ва солиқлар тўплаш ҳуқуқини сотиш тартибини бекор қилган. Шунингдек, жуда кўп ўлпон боқимондаларни кечиб юборган. У хўжайинларнинг қулларни ўз ихтиёрларича жазолашларини таъқиқ қилган ва қулни фақат суд ҳукми билангина жазолаш тартибини ўрнатган. Марказ билан империя вилоятлари ўртасидаги алоқа ишларини мустаҳкамлаш учун давлат почтаси ташкил этилган. Солиқ тўловчиларнинг, судьяларнинг ва бошқа маъмурият вакилларининг феъл-атворини назорат қилиб туриш учун Адриан вилоятларга «мураббийлар» («кураторлар») тайинлаган.

Баъзи жойларда Рим граждандари легионларда хизмат қилишдан бош тортганликлари сабабли Адриан легионлар қаторига Рим граждандлиги ҳуқуқига эга бўлган вилоятликларнигина эмас, балки умуман эркин вилоятликларни ҳам қабул қилиб олган. Шу вақтдан бошлаб, Рим легионлари ўзларининг римликларга хос характерларини тамомила йўқотиб, Рим қурол-яроғлари билан қуролланган, хизмат тили қилиб ўзида латин тилини сақлаб қолган ва турли-туман қабилалардан ташкил топгак қўшинга айланган.

Вилоятлардаги аҳоли аҳолининг енгиллашиши Фаластиндаги яҳудий аҳолисида Иерусалим — Қуддуси шариф диний жамоасини тиклашга умид туғдирган. Лекин бу умидлар пучга чиккан. Яҳудияда яна кўзғолон кўтарилган. Бу кўзғолон салкам уч йил давом этган (эрамизнинг 132—135-йиллари). Кўзғолонда мамлакат аҳолисининг кўпчилиги қатнашган. Кўзғолончилар Улик денгизнинг фарбий қирғоғидаги тоғлик районларга жойлашиб олишган. Бу ерда ғорлар ичида пана жойлар тайёрланган, улар қурол-яроғлар сақлайдиган омбор хизматини ўтаган, шунингдек зарур пайтларда кўзғолончиларнинг ўзлари ҳам ана

шу ғорларга яширинишган. Қўзғолонга Бар-Қохба («юлдуз фарзанди») лақабини олган Симон деган киши бошчилик қилган.

Римликлар жуда катта армия тўплаб, шиддатли жанглардан кейингина қўзғолончиларни енгишга муваффақ бўлганлар. Жуда кўп қўзғолончилар ва Яҳудия аҳолиси қул қилиб сотилган. Иерусалим ўрнида римликларнинг ҳарбий колонияси тузилиб,, унга Элия Капитолина деб ном берилган.

Адриан ўз саёхатлари вақтида бир неча марта Афинада бўлган. Акрополнинг қадимги бинолари ўша вақтда тикланган ва янги катта Зевс ибодатхонаси ҳам ўша вақтда қурилган, бу ибодатхонанинг харобалари ҳозиргача сақланиб келмоқда. Адриан Мисрга келиб-кетишигина эмас, балки Александрияда бир қанча вақт туриб қолган, бир неча марта қадимги Фивада бўлган, бу ерда унинг фармони билан Мемнон колосслари тикланган. Бу вақт Фракияда Адрианополь деб ном олган катта шаҳар бунёд қилинган.

Адриан эрамизнинг 138-йили вафот этган. Унинг жасади катта мавзолейда дафн қилинган. Бу мавзолей ўрта асрларда папа кўрғони ва турмага айлантирилган.

3, **Рим империясининг «олтин даври» (Антонин Пий принципати).** Адрианнинг фарзанди бўлмаган. Улим тўшагида ётган император энг зодагон ва ғоят бой сёнаторлардан бирини, галлиялик Тит Аврелий Антонинни ўзига ворис қилиб қолдиришга қарор қилган, аммо шу шарт биланки, у ўз навбатида Адриан хотинининг жияни Марк Анний Север билан ёш бола Луций Элий Верни ўзининг ворислари деб эълон қилиши лозим бўлган. Адриан вафотидан кейин Тит Аврелий Антонин император қилиб сайланган ва унга Антонин Пий деб ном берилган.

Рим тарихчилари, уларга эргашиб Европа тарихчилари ҳам, Антонин Пий принципати даврини (эрамизнинг 138—161-йиллари) «олтин давр» деб атаганлар. Аммо ҳозирги вақтда обидалардаги материалларни ўрганиш натижасида Рим империясининг эрамизнинг II асри ўрталаридаги иктисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволига берилган бу тавсифни шартли равишдагина қабул қилишга тўғри келади.

Антонин Пийни ҳатто кўкларга кўтариб мақтаб ёзилган таржимаи ҳолида ҳам «у ўзининг легатлари воситаси билан жуда кўп урушлар қилган» деб ёзилган. Бу урушлар Рим империясининг чегара областларида ва уларга туташ районларда олиб борилган.

Британияда Рим қўшинлари Андриан кўтармаларидан бир қадар шимолга жилиб, янги чегара истехкомлари қургағлач. Мавританияга ҳарбий экспедиция уюштирилган, дақлар қўзғолони бостирилган, чегарадаги герман қабилалари, аланларнинг хужумлари қайтарилган. Бу ишларнинг ҳаммаси катта ҳарбий куч, моддий маблағлар талаб қилган.

Шарқий Урта денгиз сохилларидаги вилоят областларини

хонавайрон қилган табиий офат ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирган, Зилзила тўлкини Эгей архипелаги ороллари ва Кичик Осиёни ҳам тебратиб ўтган. Родос шаҳри ва Кичик Осиёдаги шаҳарлар жуда қаттиқ вайрон бўлган. Бундан ташқари Рим, Нарбон, Антиохия, Карфаген шаҳарлари ғоят қатта ёнғинлардан қаттиқ зарар кўрган.

Эрамининг 152-йили Миср билан Фаластинда бир вақтнинг ўзида қўзғолон кўтарилган. Римда эса озиқ-овқат танқислиги туфайли ғалаёнлар бошланган. Антонин империя пойтахтидаги аҳолининг энг камбағал қисмига кўплаб текин вино,, ун ва ёғ тарқатишга мажбур бўлган. Хайр-эхсон фонди ўша пайтда кенгайтирилган, хўжайинларнинг ўз қулларига нисбатан мавжуд ҳуқуқлари ҳам ўша пайтда яна чекланган. Агар Адриан хўжайинларга ўз қулларини ўлдиришни тақиқ қилган ва ҳукм сузлар томонидан чиқарилишини талаб этган бўлса, Антонин қулни ўлдиришни эркин граждanni ўлдириш билан барабар қилиб қўйган ва хўжайиннинг ғазаб^ ва жабр-зулмидан қочиб, ибодатхоналардан бошпана қидириб келган қулларни собиқ эгаларига қайтармаслик тўғрисида қарор чиқарган.

Антонин шарқдаги қўшинлари билан тинч яшашга интилган бўлса-да, Траян юришида Парфия подшосининг тортиб олинган тахтини қайтариб беришдан бош тортган. У парфияликларни Арманистонга бостириб киришдан қатъий оғохлантириб қўйган. Қора денгиз бўйларида Рим қўшинлари аланларнинг босқинига қарши Ольвия шаҳри аҳолисига ёрдам кўрсатишган. Антонин Боспор подшолиги, Иберия ва Колхидадаги аҳволни диққат билан кузатиб турган. Антонин Пий ўлгандан кейин (эрамининг 161-йили) ворислик ўғай ўғиллари Марк Аврелий билан Луций Верга ўтган. Луций Вер вафотига қадар (эрамининг 169-йили) империяни улар биргалашиб идора қилишган. Аслида эса улардан қаттаси Марк Аврелий империяга ҳокимлик қилган (эрамининг 161—180-йиллари).

4. Ички ва ташқи зиддиятларнинг қучайиб бориши. Марк Аврелий принципати. Марк Аврелий империяни идора қила бошлаши биланоқ жиддий қийинчиликларга дуч келган ва. бу қийинчиликлар унинг принципатининг охиригача давом этиб, шиддатли урушлар ва иктисодий жихатдан заифлашиб бориш даврига айлантирган.

Антонин Пий ўлимидан сўнг узоқ вақт ўтмай Рим империясининг чегарасида Парфия билан икки ўртада шиддатли уруш чйққан. Икки буюк давлатнинг ҳарбий тўқнашишига Арманистонга таъсир ўтказиш устидаги 'мунозаранинг' кескин тус олиб кетиши сабаб бўлган. Негаки Ўрта ва Шарқий Осиёдан Рим империясининг шарқий вилоятларидаги савдо марказига келадиган қарвон йўллари ана шу Арманистонда бир-бирига туташган.

Парфия подшоси Вологаз III Антониннинг вафотини ва иккита принципсининг унга ворислигини эшитиб, Рим империясида тезда

ўзаро урушлар бошланади деб ўйлаган ва бундай уруш бошланишини кутмасданоқ Арманистонни ишғол қилган. Каппадокиядаги Рим ноибни ўз легионлари билан Арманистон тупроғига бостириб кирган бўлса-да, Элегея шаҳри ёнида (Фратнинг юқори оқимида) куршовда қолиб, армияси билан бирга ҳалок бўлган (эрамизнинг 162-йили), Парфияликлар Сурияни ишғол қилишган.)

Парфияликларни Арманистон билан Суриядан суриб чиқариш учун римликлар Рейн ва Дунай-чегараларини заифлаштириб бўлса-да, бу ердаги легионларни олиб шарққа юборишга мажбур бўлганлар. Шарқий армиянинг қўмондони номига ҳокимдош Луций Вер бўлса-да, ҳақиқатда бу ердаги ҳарбий ҳаракатларга қобилятли лашқар бошилар Авидий Кассий билан Стаций Приск раҳбарлик қилишган.

Улар парфияликларни Арманистондан суриб чиқарганлар ҳамда ҳужумни давом эттириб, шимолий Месопотамияни ишғол қилганлар ва Салавкия билан Ктезифонгача, етиб борганлар (эрамизнинг 165-йили). Лекин Рим қўшинлари қўлга киритган ерларни ушлаб қолмаганлар. Икки дарё оралиғида юқумли касаллик тарқалган. Римликлар бундан ўзларини сақлаш учун шршилиб сулҳ тузишган. Шунга қарамай, оғир касаллик Рим, қўшинига ҳам тарқалган. Бунинг устига улар чекинаётганларида касалликларни дастлаб шарқий вилоятларга, сўнгра Италияга ва ғарбий вилоятларга тарқатганлар. Бу касалликлар бир неча йил давомида гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб, Рим империясининг шаҳар ва қишлоқларини хувиллатиб қўйган.

Шарқдаги урушни давом эттириш мумкин бўлмай қолган. Эрамизнинг 166-йили Парфия билан сулҳ битими тузилган. Битимга мувофиқ Месопотамиянинг шимолий қисми Римга қўшилган. Арманистон деярли бутунлай Рим империясига қарам бўлиб қолган. Аммо Рим империяси буларни қўлга киритгани билан, берган катта талафотларини қоплай олмаган.

Эрамизнинг 167-йили Дунай орқасида яшаётган германларнинг маркоман, сармат, квад ва ёзинг қабилалари Римнинг чегара истехкомларидан ўтиб, империя тупроғига бостириб кирганлар. Ахвол шу қадар таҳликали бўлганки, Марк Аврелий гладиаторлар ичидан ҳам* жангчилар тўплашга мажбур бўлгак. Эрамизнинг 169-йили ҳокимдошларнинг иккиси ҳам маркоман вауларнинг тифокдошларига қарши урушга жўнашган. Аммо Луций Вер тўсатдан ўлиб қолган. Марк Аврелий империя тупроғига бостириб кирган қабилаларни каттиқ жанглардан кейин чегарадан ташқарига суриб чиқаришга муваффақ бўлган. У Дунайни кечиб, бу қабилаларни ўзига бўйсундиришни ният қилган, лекин шарқий вилоятларда ахвол бирданига кескинлашиб кетиши уни Дунайдаги урушни тўхтатиб, шошилишч равишда шарққа кетишга мажбур этган. Эрамизнинг 175-йилида тузилган битимга кўра маркоманлар императорнинг олий ҳокимиятини тан олишган, Улардан баъзилари Рим қўшинларида хизмат

«ай!

4

/*\

тж; шм....



тт



*II

Марк Аврелий колоннасидаги бўртик тасвир — барельефнинг бир қисми.

қилишга рози бўлиб, қарам кўчқинлар сифатида чегарада жойлашиб қолишган.

Эрамининг 172-йили шимолий Мисрда маҳаллий аҳолининг кўзғолони бошланган. Нил этакларида пода боқаётган подачилар кўзғолон кўтаришган. Улар маҳаллий соқчи отрядларини ва Рим кўшинларини тор-мор келтиришган. Сурия ноиб Авидий Кассий кучли армияси билан уруш майдонига етиб келгандан кейингина кўзғолон бостирилган. Аммо шундан кейинок Авидий Кассийнинг ўзи олий ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлиб, ўзини император деб эълон қилган. Марк Аврелий фитначи лашкар бошига қарши отланишга мажбур бўлган. Аммо унинг кўшинлари фитначилар армияси билан тўқнашишидан олдин Авидий Кассий ўлдирилган ва шу тарика империянинг бирлиги яна тикланган.

Эрамининг 180-йили Рим армияси ичида яна юкумли касаллик авж олган. Касаллик бошқалар қатори императорга ҳам юккан. У чегарадаги Виндобон (ҳозирги Вена) кўрғонида ўлган.

Эрамининг II асрида ўтган императорлар сенатдаги қулдор зодагонлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар билан келишиб иш қилишга уринганлар. Уларнинг кўпи ўз замонининг илмли кишилари бўлган. Адриан грек илм-фани ва санъатининг мухлиси бўлган ва ўзи ҳам хайкалтарошлик қилган. МаркАвре-

лийнинг «Ёлғизликдаги ўйлар» номли китоби тамомила стоицизмга хос фалсафий асардир.

. Лекин антик зиёлиларнинг бу билимдон намояндаси қуллар ва қашшоқ бўлиб қолган эркин кишиларнинг ҳуқуқсиз аҳволини ўзгартириш учун ҳеч бىр иш ёки деярли ҳеч бир иш қилмаган.

5. Эрамизнинг **II асри охирларида иктисодий ва социал зиддиятлар**нинг кескинлашиши. Эрамизнинг 180—192-йилларида империяни Марк Аврелийнинг ўғли Коммод идора қилган. У отасининг тамомила акси бўлган. Коммод кўпол, шафқат-«сиз, цирк томошаларининг муҳлиси бўлиб, енгилмас жангчи— гладиаторликни орзу қилган. У Геркулесни идёал билган ва унга эргашиб халойиқ олдига факат арслон терисига бурканиб чикар экан.

Коммод шошилиб маркоман ва квадлар билан битим тузган, тинчликни сақлаш эвазига уларнинг оқсоқолларига катта пул тўлаб туришни зиммасига олган. Пойтахтга қайтиб келгандан кейин Коммод тамомила ўйин-томошага берилиб кетган.

Умумий норозиликни юмшатиш учун император жангчи преторийларнинг маошини оширган, дабдабали ўйинлар қилиб берган, Римдаги халойиққа жуда кўп совғалар ва бепул озиқ-овқат тарқатган. Бу ишларга сарф бўладиган маблағни император зодагонларнинг мол-мулкани мусодара қилиб топишга ҳаракат қилган. Аммохокимиятнинг барбодлиги борган сари кўзга яққол кўрина бошлаган. Римда озиқ-овқат танқислиги бошланган. Империянинг турли қисмларида аҳолининг қўйи табақаларининг ғалаёнлари вужудга кела бошлаган.

Аҳоли оммаси ичида алғов-далғовлар ва зодагонларнинг ниҳоят даражада норозилиги фитна уюштирилишига сабаб бўлган. Император атрофдаги энг яқин кишилари ҳам фитнага қатнашишган. Эрамизнинг 192-йили 31 декабрида Коммох ўлдирилган.

Коммоднинг ҳалокати билан Антонинлар сулоласи тугагаъ. Рим Урта денгиз империясининг нисбатан тинч тарихий тараққиёт даври ўтиб кетган, у иктисодий, ижтимоий ва сиёсий зиддиятларнинг кескинлашиш даври—эрамизнинг III аср кризиси даврига кирган.

XVIII БОБ

"X:

ХРИСТИАНЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖ ОЛИШИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ

1. Христиан жамоаларининг вужудга келиши. Эрамизнинг 68—69-йилларида Рим империяси оғир сиёсий кризисга дуч келган даврда Яҳудия ва бошқа шарқий вилоятлар айниқса қаттиқ жафо чеккан. Римликларга қарши кўзғолон кўтарган яҳудий

аҳолийси худо Яхва уларга «мёсся» (халаскОр) юборади ва «ёвузлар»нинг ҳукмронлигини емириб «минг йиллик худо под» шоллигини» ўрнатади деб ишонган. Бу ғоя яхудийлар орасида «пайғамбарона» асарлар тариқасида тарқалган ва бу асарлардан бири (эрамизнинг 69-йилида ёзилган) Апокалипсис номи билан христиан диний адабиётининг «муқаддас» китоблари қаторига кирган. Аммо кўзғолончиларнинг умидлари пучга: чиккан. Римликлар яхудийларнинг кўзғолонини бостирганлар.. Мингларча яхудийлар кириб ташланган ва қул қилиб сэттилган, бошқалариқочибкетиб Кичик Осиё, Греция, Македония ва хатто Италияга бориб жойлашишган.

Вилоятлардаги аҳоли бу мағлубиятдан жуда қаттиқ умидсизликка тушган. Ер юзидаги ҳаётда римликлар ҳукмронлигидан қутулишга бўлган умид йўқолган. Қандайдир хуфия бир ҳолат -ва мўъжизадан нажот кидиришга интилиш кучайган.

Ф. Энгельс бу замонни тасвирлаб бундай деб ёзган эди: «Моддий озодликдан умид узиб, унинг ўрнига рухий озодлик, ўзларини тўла умидсизликдан халос қила оладиган онгдан нажот кидирган кишилар ҳамма синф ичида маълум миқдор бўлиши керак эди... Нажот албатта диний шаклда келиши лозим эди...»¹

Император култи ҳам, эски маҳаллий маъбудларга еғиниш ҳам халқ оммасини энди қаноатлантирмагандан кейин янги динларни тарғиб қилиш учун қулай шароит туғилган. Ф. Энгельс эрамизнинг I асри охирида Рим империясининг шарқий вилоятларида ҳукм сурган ижтимоий қайфиятни таҳлил қилиб бундай деб ёзган эди: «Битта Фаластинда эмас, балки бутун Шарқда шундай дин таъсирчилари бижғиб ётган эдики, улар орасида худди Дарвинчасига ғоявий, тирикчилик учун кураш ҳукмрон ўрин тутади дейиш мумкин.»²

Эрамиз I асрининг сўнги чорагида Кичик Осиёнинг ғарбий-қирғоқларидаги шаҳарларда ва Рим империясининг бошқа* шарқий вилоятларида худо Яхва ваъда қилган мессия (худонинг махсус вакили-грекча Христос) келибди деган ва бунга ишонган кишилар гуруҳи пайдо бўлган. Аммо худонинг вакили шлибона харбий йўлбошчи сифатида эмас, балки оддий воиз сифатида пайдо бўлиб, барча меҳнатқашларга ва машаққат тортаётганларга рухий озодлик ва келгусида уларнинг тирилишига ишонч келтирган эмиш. Бу воизни Иерусалим қохинлари қатл қилган эмиш.

Қумрон қўл ёзмаларини ўқиб ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, яхудий кўзғолонларидан олдинги қўл ёзмаларда ҳам қандайдир «ҳақиқат устози» тилга олинган. Унда қандайдир «ёвуз қохин» тўғрисида ҳам гап бор, ёвуз қохин «устоз»ни; таъқиб қила бошлаган ва кейин ўлдирган эмиш. Аммо кунлар?

¹ К. Маркси Ф. Энгельс. Соч. т., 19, стр. 312—313!

² Ушаасар, 314-бет.

тугаш олдида (махшарда) «хакикат устози» яна пайдо-бу'либ, оёқ ости қилинган адолатни тиклар змиш. Диндорлар ораеида ер юзидаги хаётнинг охири (қиёмат қоим) тўғрисида кароматлар—Апокалипсислар ҳам юрган, қиёматда «худонинг элчиеи» ўлганларни тирилтириб, ўлганларни ҳам, тирикларни ҳам сўрок қилар эмиш.

Бу кароматлар Александриялик Филоннинг (эрамиздан аввалги тахминан 20-ва эрамизнинг 54-йиллари «логос» (сўз) — гўё ер юзига юборилган «худо фарзанди» тўғрисидаги таълимоти билан қўшилиб, секин-аста гўё Яхудияда Тиберии идорасининг охирларида (эрамизнинг 30—33-йилларида) воизлик қилиС юрган «худо фарзанди» Иесус Христ (Исо пайғамбар) тўғрисидаги қиссалар таркиб топган.

Дастлаб Иоаннинг Апокалипсисидида худонинг элчиси «худо кўзиси» деб аталган. Ундан кейинги асарларда «худо фарзанди» дейилади ва ниҳоят афсонавий воиз Павелга нисбат берилгаа «Номалар»да янги диний таълимотнинг асосчиси сифатида Христос деб аталган.

Шарқий вилоятларда дастлаб шаҳар камбағалларидан ташкил топган диний жамоалар мессияининг яна қайтиб келишига шай бўлиб туришни тарғиб қилувчиларни кўпинча авлиё деб, қабул қилишган.

Эрамизнинг I асри охири ва II асри бошларидахаёт.воизлар, - азоб-укубатлар, ўлим ,ва Исонинг тирилиб қайтиб келиши тўғрисида қиссалар пайдо бўлган. «Инжил» деб ном олган бу қиссалар турли жойларда пайдо бўлган ва ҳар хил авторлар томонидан ёзилган.

Кейинчалик эрамизнинг IV асрида христиан диний бирлашмаларининг раҳбарлари (гўё Матфей, Марк, Лука ва Иоанн томонидан ёзилган) тўртта инжилни «хақиқий» (каноник) инжиллар деб эълон қилганлар. Исонинг хаёти ва фаолияти тасвир этилган бошқа кўп асарлар қалбаки (апокрифик) деб эълон қилинган. Христиан руҳонийлари узок вақтларгача қалбаки инжилларни йўқотишга уриниб келганлар.

Христиан динининг афсонавий талқини эрамизнинг II асрида узил-кесил таркиб топган ва у ҳозирги давргача христианлик этиқодларининг асоси бўлиб сақланиб келмоқда.

2. Қадимги христиан жамоалари ва эрамизнинг II—01 асрларида уларнинг ривож топиши. Илк христианлик тарихининг черков (каноник) талқини ягона диний оким сифатидаги дастлабки христиан жамоаларининг ривожидан иборат. Бу талқинга кўра йўлдан адашган айрим гуруҳлар (еретиклар—муртадлар) гина Исо ва унинг шогирдлари (апбстол-хаворилар)кинг таълимотини бузган.

Қадимги христиан диний адабиётининг таҳлили ва энг қадимги христиан жамоаларини тасвирлаб ёзган ўша замондаги антик авторларнинг гувоҳлиги черков талқинининг хақиқий тарихга тамомила номувофик эканлигини кўрсатади.

Эрамизнинг I асри охири ва II асри бошларида Исога этикод килувчи ҳар хил жамоалар бўлган. Аммо уларнинг диний таассуротлари кўпинча бир-биридан жуда кам фарқ қилган. Ҳали у чоғда Исо тўғрисида умум қабул қилган, ҳеч қандай ягона таълимот бўлмаган. Айрим воизлар жамоадан жамоага ўтиб, ҳар хил диний асарларга таяниб, Исо тўғрисидаги таълимотни турлича баён қилиб юришган. Бировлар Исонинг тезда яна қайтиб келишига ишонганлар, оилавий ҳаётни ва бутун ҳаёт тий фароғатни тарк қилиб қиёматга шай бўлиб туришга даъва қилганлар; Бошқалари хийла беозор тасаввурларга амал қилишган. Христианлардан баъзилари христиан жамоасига кирадиган киши яҳудий динини қабул қилиши ва бундай пайтда жорий этилган яҳудий дини маросимларини ўташи лозим деб ҳисоблашган. Воиз Павел тарафдорлари бу «яҳудий христиан» ларга қарши чикқанлар, улар Исо таълимоти қадимги яҳудий динининг ўрнини босганлиги учун христиан жамоаларининг янги аъзолари яҳудий дини маросимлари ва урф-одатларини бажаришга мажбур эмас, деб ҳисоблаган.

Сурия билан Мисрда ва бир қанча вақтлардан кейин Кичик Осиёнинг турли вилоятларида пайдо бўлган бир қанча жамоаларда ўзларини «гностиklar» (билиб олувчилар) деб атаган воизларнинг таълимоти кенг ёйилган. Қадимги Эрон диний тасаввурларидаги қоидаларни ўзлаштириб олган гностик таълимот воизлари оламда олий рухий ибтидо билан моддий дунёни, шу жумладан кишини ҳам ижод қилган моддий ижодкор ибтидо (демиург) ўртасида кураш боради деб ҳисоблаган. Аммо илоҳ кишининг танасига ўлмайдиган жон берган эмиш. Уша илоҳ моддий дунё ерга ўзининг рухий элчилари—эонларини юбориб турар эмиш. Кишиларнинг параклети (тасалли берувчиси) бўлмиш Исо ана ўша эонларнинг бири эмиш.

Исо ҳақиқий киши шахси қилиб кўрсатилган инжил қиссаларининг тарқалиши ўзига хос идеалистик реакция кўзгаган. Баъзи воизлар гностиклар таълимотини инжил қиссаларига мослаштириш мақсадида «логос» («худо фарзанди»)нинг дунёвий киши сифатида гавдаланиши реал ҳақиқат эмас эди, деган фикрни баён қилганлар.

Илк христиан гуруҳларининг ҳаммаси бир-бирлари билан ғаят шиддатли мунозара кураши олиб боришган. Бу кураш давомида «апостол» Павел қарашларига ва инжил қиссаларидаги-қарашларга тарафдор бўлганлар фақат секин-аста устунликка эга бўлиб борганлар, эрамизнинг II аср охири ва III аср бошларида улар ўзларини бирдан-бир ҳақиқий (ортодоксал) христиан ҳисоблашган ва бошқа мафкуравий оқимларни адашганлар (мўртадлар) деб атаганлар.

Мессия (Исо)га ишонган энг қадимги жамоалар аввал бошда шах-ер аҳолисининг қуий қатламлари — куллар, кулликдан озод қилинганлар, майда хунармандлар ва майда савдогарлардан иборат бўлган. Эрамизнинг II аср охири ва III аср бошларида

Рим империясида сиёсий зиддиятнинг кескинлашиши диний-рухий таскин ва нажотга интилишни кучайтирган. Христианлар ичвда дастлаб хукмрон табақаларнинг айрим намояндалари, кейинчалик кўпинча зодагон қулдорлар, ҳарбийлар ва империя маъмуриятларининг хизматчилари пайдо бўлган.

Христиан жамоалари яшаган энг қадимги даврда жамоа аъзолари кечалари ёки эрта азонда киши кўзидан пана жойларда, шаҳардан ташқаридаги уйларда, омборхоналарда, баъзан жамоа аъзоларининг жасадлари қўмилган дахмаларда, ер тагидаги гўристон (катакомба) ларда йиғилишган. Улар Исо шарафига мадҳиялар ўқишган, ўзини «Худо руҳининг қуроли» (Харизм) деб билган ҳар қандай кишининг ваъз-насихатларини эшитишган, Исо тўғрисидаги қиссаларни ўқишган. Бу мажлислар оқ нон ва сув қўшилган қизил винодан иборат оддийгина зиёфат билан тамом бўлган. Сайлаб қўйилган жамоа оксоколи — пресвитер мажлисга раҳбарлик қилган. Эркак ва аёл хизматкор руҳонийлар — диакон ва диаконисалар унга ёрдамлашишган.

Замон ўгиши билан қатта-қатта жамоаларда алоҳида хўжалик раҳбарлари — епископлар пайдо бўла бошлаган.

Эрамиз II асрининг иккинчи ярмида Исонинг адашган кўзини қўтариб борган меҳрибон ёрдамчи сифатидаги сурати пайдо бўлган. Сўнгра Исони ўсиқ малла сочи елкасига тушган, малла соқол, пушти ранг тоға устидан кўк ранглиплашташлаб қўйган еш йигит қилиб тасвирлайдиган бўлишган. Ундан кейин кўлига гўдак Исони ушлаб турган онасининг сурати пайдо бўлган. Бу сурат Улуғ она (Кибела) ва Исиди, культидан ўзлаштирилгандир. Сўнгравоиз Иоанн (Чўқинтирувчи Иоанн) ва апостолларнинг суратларини тасвирлай бошлаганлар. Биринчи марта ўлароқ бундай суратлар эрамизнинг III асрида Миср Александриясидаги ибодат қилинадиган уйларнинг деворларига (ўша вақтда бундай уйлар мавжуд бўлган) ёки алоҳида тахталарга солинган. Диндорлар бундай тахталарни тоза гуллар билан ўраб олиб, олдига жин чироқ ёкиб қўйишган.

Христиан жамоалари аъзолари ичидаги турли гуруҳларнинг ахволи ўзгариб турган. Энг қадим замонларда епископлар билан пресвитерларнинг бошқа аъзолар оммасидан ҳеч қандай фарқи бўлмаган. Аммо жамоаларга бадавлат ва зодагон кишилар аъзо бўлиб қира бошлагач, оксокол ва раҳбарларни ўшалар орасидан сайлайдиган бўлишган. Эрамизнинг III асри ўрталарига келиб, епископлар жамоаларнинг ягона раҳбарлари бўлиб қолишган. Аёл диаконислар йўқола борган, «клириклар» (оксоколлар ва руҳонийлар) одатга кўра махсус (оқ ранг) кийимлар киядиган бўлишган. Ибодат мажлисларини фақат клирикларгина бошқарадиган бўлган. Махсустаомил билан ўтказиладиган байрам ибодатлари пайдо бўла бошлаган. Исонинг «гирилиши» айниқса қатта тантана билан нишонланган. Байрам бошланиши олдидан Исонинг ўлимий ва унинг дафн маросими ўтказилган, бу маросим

шунга ўхшаш Озирис шарафига ўтказилган байрамдан намуна олиб қилинган. Христианлар баҳорда ўтказиладиган бу байрамни қадимги яҳудийлардан намуна олиб «пасха» деб атайдиган бўлганлар. Энди мажлис охиридаги умумий зиёфат худонинг баданидан юлиб олинган бир бўлак (бир бурда оқ нон) ва конни (бир қултум қизил винони) қўшиб тамадди қилиб, диндорларнинг худо билан мавҳумий бирлигини ифодаладиган бўлган.

Жамоаларнинг мбддий аҳволи ҳам ўзгарган. Эрамизнинг I асри охири ва II асри бошларида жамоанинг маблағини тўлдириб турадиган бирдан-бир манба аъзоларнинг ихтиёрий равишда берадиган бадаллари бўлган. Эрамизнинг III асрида жамоалар бой диндорлар васият қилиб қолдирган ерлар, уйлар ва қулларга эга бўлган. Брай диндорлар бу билан ўлгандан кейин клир аъзоларининг дуолари туфайли нариги дунёда абадий фаровонликка эришишни умид қилганлар.

Эрамизнинг II асри охири ва III асри бошларида христиан дини бирлашмалари кичик-кичик мазҳаб сектантлик гуруҳларидан қудратли ижтимоий кучга айланган ва унга Рим империяси ҳокимларининг ғоят жиддий эътиборини жалб қилган.

3. Эрамизнинг II ва III асрларида император ҳокимияти билан христианликнинг ўзаро муносабатлари. Кейинроқ христиан жамоалари деб ном олган сектантлик жамоалари энг қадимги даврда (эрамизнинг I асри охири ва II асри бошларида) императорлар ва Рим вилоятларида маъмуриятларда шубҳа туғдирган. Траян идора қилган даврда махфий мажлислар ва жамиятлар императорнинг махсус фармони билан тақиқ қилинган.

Ҳам Италия, ҳам вилоятларнинг аҳолисидан император «доҳийлигини» ҳурматлаш маросимида ва қурбон базмида расмий равишда иштирок этиш талаб қилинган. Бу маросим идора қилувчи империя ҳокимининг ҳайкали олдида баъзан символик тарзда, баъзан реал равишда қурбонлик қилишдан ва қурбон базми ўтказишдан иборат бўлган.

Сектантлик жамоаларининг аъзолари императорларнинг ҳайкалини ҳурматлаш ва қурбон базмида иштирок қилишдан бош тортишган. Улар ўз жамоаларига қулларни, эркин аҳолининг энг камбағал табақаларини жалб қилишган. Рим маъмурияти ва қулдорлар жамоаларнинг бу ишларидан норози бўлишган. Сектантларнинг кечаси ёки саҳарда ўтказиладиган мажлисларнинг сирлилиги шубҳани янада кучайтирган. Маҳаллий ибодатхоналарнинг коҳинлари, қурбонлик моллар билан савдо қилувчи савдогарлар, маҳаллий культлар учун худоларнинг суратларини ва бошқа «муқаддас» буюмлар ясайдиган хунармандлар бадхоликни ҳар нима қилиб бўлса-да қизитганлар.

Сектантлик жамоаларининг баъзи нисоятдалари қўпчилик аҳолининг эътиқоди ва культларга нисбатан ёмон муомалада

бўлганларида баъзан улар жазога тортилган. Бадхохлик христианлар устидан чақимчиликка айланган.

Хар бир христиан жамоасида аъзолар сони кўпайиб, бундай жамоалар Рим империясининг ғарбий вилоятларида (Галлия, Испания, Африкада) ҳам пайдо бўла бошлаган сари христианларни жазолаш ҳоллари кўпайган. Яҳудийларнинг иккинчи (115—117) ва учинчи (132—135) қўзғолонларидан кейин ҳар хил махфий ва ярим махфий жамоалар ва мажлислардан император маъмуриятчилиги вакиллариининг шубҳа ва норозиликлари айниқса кучайган.

Эрамизнинг II асри ўрталарида христиан жамоаларининг энг илмли аъзолари публицистик «Апология» дарида.¹ христиан дини эътиқодининг моҳиятини тушунтириб беришга ва Рим ҳокими пати назарида яҳудий қўзғолончилари билан ҳеч қандай алоқалари йўқлигини исботлашга уринишган. Бундай асарлар кейинги вақтларда ҳам пайдо бўлган. Эрамизнинг II асри охирида Карфаген жамоасининг пресвитери Тертуллиан, эрамизнинг III асри бошларида эса ўша жамоанинг епископи Киприан шундай мунозарали асарлар чиқарган. Тертуллиан ва Киприаннинг асарларидан христиан дини қоидаларидаги асосий эътиқодларни ҳимоя қилиш билан бирга христианларнинг ўзларини қизиқтирган мунозарали масалалар тўғрисида ҳам фикр юритилган.

Христиан черковининг хийла кейинги ривоятларига кўра империя ҳокимларининг христианларни таъқиб қилиши Нерон давридан бошланган, бунда жуда кўп христиан Римга ўт қўйишда' (эрамизнинг 64-йили) айбланиб, қатл қилинган. Сўнгра ривоятда император Домицианнинг таъқиблари гапирилади.

Аммо совет тадқиқотчиларининг манбаларни таҳлил қилиб ўрганиши шундай ҳулосага олиб келдики, эрамизнинг III асри ўрталаригача Рим империяси ҳукумати христианларга нисбатан диний эътиқодлари учун онгли равишда ташкилий қуввон уюштирамаган. Унғача христиан динидаги айрим шахслар ёки буауи бир гуруҳни жазога тортиш ҳоллари бўлган бўлса ҳам, бу оломон қилиш, айрим шахсларнинг чақими ва христианларнинг ўзларининг бузуқ қиликлари натижасида юз берган.

Рим империяси ижтимоий, сиёсий тузумининг кризиси кескинлашиб бораётган, узлуксиз ва ўзаро урушлар бўлиб турган бир шароитда христианлик тобора кенг ижтимоий табақаларнинг маънавий паноҳи бўлиб қолган. Ф. Энгельс бундай деган эди: «... Барча миллий динларни ва уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган урф-одатларни...инкор қилиб ва бетафовут барча халқларга мурожаат қилиб, христианликнинг ўзи биринчи марта мумкин қадар жаҳон дини бўлиб олади...»²

¹ Христианларнинг диний адабиети. *Тарж.*

² К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т* 19, стр. 313.

ЭРАМИЗНИНГ III АСРИДА ЎРТА ДЕНГИЗ РИМ ИМПЕРИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КРИЗИСИ

1. Кулдорлик **экономикасининг кризиси**. Эрамизнинг II асри охирларидан бошлаб, Рим экономикаси жиддий қийинчиликларга дуч келган. Барча қарам аҳоли қатламларини эксплуатация қилишнинг кучайиши, зодагон ва амалдорларнинг суиистеъмоллари бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан манфаатдорлигини йўққа чиқарган. Жуда кенг тарқалган юкумли касалликлар қуллар ва аҳолининг меҳнаткаш табақаларига ғоят катта қирғин келтирган.

Эркин дехқонларнинг хонавайрон бўлиши, қуллар ва колонларнинг сони камайиши натижасида иш кучининг танқислиги кучайган. Экилмай ташлаб қўйилган ерлар жуда кўпайган. Ғарбий вилоятларнинг баъзи областларидаги жамоаларнинг ўзаро алоқалари сусайиши ерларни биргалашиб суғориш ва қўриқ очиш ишларининг камайишига ва умуман ерни ишлаш сифатиянги пасайишига олиб келган. Майда якка хўжаликларнинг қимматбаҳо қурооллари, чунончи оғир плугларни, пресслар ва ўриш машиналарини ишлатишга қурби етмаган. Жамоа ўрмонзорлари ва ўтлоқларининг қўлдан кетганлиги ҳам майда хўжаликларни юргизиш негизига путур етказган. Галлия ва Рқпанияда ботқокликлар кўпайган, экин майдонларини дарахтзорлар босиб кета бошлаган.

Шаҳар хунармандлари ўзларқнинг устахоналарини ташлаб катта амлоқларга иш кидириб кета бошлаганлар. Мармар ва руда қазиб чиқариш камайган. Урта денгиз мамлакатларининг Шарқ, Марказий ва Шарқий Европа билан одатдаги савдо алоқалари сақланса-да, савдо умуман пастлашиб кетган. Рим экономикасида натурал унсурлар кучая бошлаган. Эрамизнинг бутун III асри давомида пул муомаласида асл металл камчилиги ҳукм сурган. Бойлар олтин ва қумушни хилватгоҳларга бекитишган. Рим ҳукумати металл пулларни доим бузйшга мажбур бўлган. Эрамизнинг III асри ўрталарида Рим динарийсида атиги 11% қумуш бўлган. Пулнинг нархи тушган сари нарх-наво ортиб борган.

Рим **эОномикасида рўй берган жиддий ўзгаришлар чуқур социал кризис билан боғлиқдир**. Кулдорлик тартибининг бузилиши эса ўша кризиснинг ифодасидир. Унумдор меҳнатда банд бўлган қуллар сони камайган. Уларнинг баъзилари қўйиб юборилган, бошқалари ерга биркитилиб, колонларга айлантирилган. Шу нарса характерлики, эрамизнинг II асри охирларидан бошлаб, урушда енгилган аҳоли қулларга айлантирилмай, балки давлат ерларида ишловчи колонларга айлантирилган.

Колончиликнинг ривожланиши эксплуатациянинг кулдорлик тартиби кризисини яққол кўрсатиб турарди. Уз меҳнатидан хийла манфаатдор хизматчи сифатида колонлардан фойдаланиш тартиби антик экономиканинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида маълум вақтгача меҳнат унумдорлигини оширишга имкон берган. Аммо эрамизнинг III асрида колонларни эксплуатация қилиш кучайган: отработка (ишлаб бериш) куни (6 куй ўрнига) 12 кунга айлантирилган.

Колонлик муносабатлари таъсирида кулларни пекулийга чиқариш кенг қўлланила бошлаган. Кулларга мустақил равишда хўжалик тебратишга имкон берилган. Кул. пекулийга боғланиб қолган. Одатда кул пекулийдан ташқари ва пекулий қулдав ташқари сотилмаган. Қўл ўзи қилган ноҳужа иши учун ўз мулкидан жарима тўлаган, аммо аввалгидек шартнома юзасидан хўжайин учун жавобгар бўлмаган.

Кулларнинг хўжалик тебратишдаги мустақиллиги ошиб бориши билан кулдорлар кулларнинг оила мустақамлигини ҳам тан олишга мажбур бўлишган: амлоқлар бўлинганида кулларнинг оиласи бўлинмаган. Бойиб қолган куллар озодликларини сотиб олганлар ва хўжайинларига ҳар қандай моддий қарамликлардан қутулганлар, уларга фақат ҳурмат ва садоқат сақлаганлар. Озод қилинган куллар шаҳар аҳолисининг хийла қиомини ташкил этган, улар касб-хунар ва савдо-сотик билан шуғулланишган. Лекин ҳали кулдорлик Рим экономикасида анча ўрин тутган. Хунармандлар, қўшчилар, чўчкабоқарлар ичида куллар кўп бўлган.

Кулдорлар кулларнинг малакаларини ошириш йўли билан меҳнат унумдорлигини оширишга интилишган. Қулни ўқитиш техникани яхшилашдан кўра фойдалироқ ҳисобланган. Аммо бу иш назоратнинг кучайтирилишини талаб қилган. Эрамизнинг II асри охирларидан эътиборан қонун гуноҳ қилган кулларни айниқса қаттиқ жазолайдиган бўлган. Уз хўжайинининг соғлиғи ва ҳаётини фолбиндан суриштирган қулни қўл-оёқларидан миҳлаб қўйишга, фолбинни эса қонга ёки оролга сургун қилишга ҳукм қилинган. «Қулнинг жонини йўлдан оздирган», яъни хўжайинга нафрат руҳини сингдирган, қулни қўпол қилиқ ва ёмон фикрларга йўллаган қимсага махсус жазо чоралари белгиланган. Шу билан бирга, хўжайинининг ҳам кулларни ҳаддан ташқари шафқатсизлик билан жазолаши: ўлдириш, эргас-тулага қамашни, умрбод занжирбанд қилиб қўйиши таққ қилинган. Куллар билан инсоний муомалада бўлишни, кулларни эркин кишиларга яқинлаштиришни тавсия қилувчи насихатномалар ишлаб чиқилган.

Кулларни эркин кишиларга яқинлаштиришга интилиш Рим империясининг кейинги давридаги социал ҳаётнинг муҳим хусусиятидир. Эрамизнинг III асридаёқ ерга ўтказиб қўйилган куллардан, озод бўлган куллардан, қочқоқ куриаллардан ва жамоатчи эркин деҳқонлардан иборат хийла қатта зироатчи-

лар қатлами ташкил топган. Жамоачи эркин деҳқонлар жамоа ер эгаллиги сақланган областларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муҳим роль ўйнаган. Шаҳар ташқарисидаги ерлар ва қабила ерлари хусусий қўлларга ўтган ёки давлат мулкига айлантирилган, жамоачи деҳқонлар эса эксплуатация қилинувчи колонлар бўлиб қолган.

Эрамининг III асрида Рим жамиятининг ҳукмрон табақлари бир-бирига қаршӣ курашаётган икки гуруҳдан: катта ер эгалари бўлмиш зодагонлар билан хийла катта табақани ташкил этган ўрта ва майда ёр эгалари бўлмиш қулдорлардан иборат бўлган. Биринчи табақа асосан колонларни эксплуатация қилган, иккинчи табақа (қуриаллар, ветеранлар ва эркин деҳқонлар) аввалгидек хўжаликни қуллар ёрдамида олиб борганлар. Катта ер эгалари ўз мулкларини кўпинча шаҳар ерларини зўрлик билан тортиб олиб ёки сотиб олиб, асосий қулдорлар синфи бўлмиш шаҳар мулкдорлари, қуриаллар ҳисобига кенгайтирган,

Шаҳар ер эгаллигининг камайиб бориши ва ерларнинг катта ер эгалари қўлига тўпланиши антик шаҳарнинг ердорлар ва қулдорлар коллективи сифатида социал сиймосини ўзгартириб юборган. Шаҳарда кескин социал тафовутлар рўй берган. Бой муниципаллар озик-овқат нархини ошириб, спекуляция қилиб, бойликларига катта-катта бойлик қўшганлар. Улар аввалгидек болаларини Римга юбориб ўқитганлар, ўз шаҳарларининг граждандарига йирткич хайвонларни уруштириш ўйинларини уюштирганлар, текин улашувлар, катта тўй-томошалар ташкил этганлар. Муниципал зодагонлар муниципал мажбуриятлардан озод бўлишга эришиб, деқурионлар табақасининг асосий оммасидан ажралиб чиқишган. Баъзи сенаторлар доим ўзларининг вилоятлардаги амлоқларида яшаб, ҳатто сенат мажлисларига ҳам келмай қўйишган. Шаҳарнинг ўлпон, солиқлар ва литургиялар (жамоат мажбуриятлари) дан қийналган асосий мулкдорлар оммаси хонавайрон бўлиб борган. Деқурионлар ўз қуриятларини ташлаб шахсий имениеларнинг колонлари қаторига киришни афзал қўрганлар.

Шаҳарларнинг ер фонди ва аҳолисининг камайиши муниципал ташкилотларнинг заифлишига олиб келган. Катта амлоқдорлар қишлоқларни хўжалик, сиёсий ва диний марказларга ўхшатганлар: хунармандчилик ишлаб чиқаришини ташкил қилганлар, ҳаммомлар, меҳмонхоналар, дўконлар, ибодатхоналар, истехком миноралари қурганлар, бозорлар уюштирганлар. Шаҳарлар хувиллаб, ўзларининг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини йўқота бошлаган.

Қулдорлик хўжалиги тараккий қилган областларда, чунончи: Италияда, жануби-шарқий Испанияда, Галлиянинг марказий, жанубий ва жануби-шарқий областларида социал-иқтисодий кризис айниқса қаттиқ сезилган. Рим империясининг асосий марказларида ишлаб чиқаришнинг камайиши, чекка ўлкаларида

жўжалик ҳаётининг жрнланишига олиб келган. Италиядаги аграр кризис, хусусан тоқчиликнинг пастлаб кетиши унинг Галлияда, Британияда ва Иллирияда ривожтопишига сабаббўлган. Эрамизнинг III асрида Рейнда шишасозлик ва қулолчилик тараккий қилган, ҳарбийлар ва вилла эгаларига хизмат қилган • савдо-сотик ишлари жонланган.

Африкада кризис аломатлари бирмунча кейин пайдо бўлган. У ердаги шаҳар ташкилоти суғориш шохобчаларига коллектив равишда эгалик қилишга асосланган ва хийла маҳкам бўлган. Императорга қарашли ва хусусий сальтуслар асосан Нумидия ва Мавританиядаги жамоа территориялари хисобига ўсиб борган.

Дунай бўйи вилоятларида қулчилик яхши ривожланмагани туфайли кризис ҳам қаттиқ бўлмаган. Шарқда социал кризис анча чўзилиб кётган. Шарқий вилоятлар одатдаги савдо алоқаларини давом эттирган ва бу ердаги транзит савдосидан муниципия зодагонлари катта даромад олишган. Эрамизнинг III асрида Шарқда социал тафовутлар яна ҳам чуқурлашган, синфий кураш яна кескинлашган.

2. Эрамиз III.асрининг биринчи ярмида Рим императорларининг ички сиёсати. Рим жамиятидаги, ҳукмрон табақаларнинг социал зиддиятлари солдат ва сенат императорлари деб аталганларнинг курашида ўз ифодасини топган. Солдат императорлари армиядаги кенг муниципия доираларининг манфаатларини ифода қилган бўлса, сенат императорлари катта ер эгалари бўлмиш зодагонларнинг манфаатларини ифода қилган.

Эрамизнинг II асри охирида Северлар сулоласи ҳокимият тепасига келган (эрамизнинг 193—235-йиллари). Сулолага асос солган Септимий Север (эрамизнинг 193—211-йиллари) эркин деҳқорлар кўпчиликини ташкил этган ва кам романлашган Рейк бўйи, Фракия ва Дунай бўйидаги областлардан жангчилар тўплаб, ўшалар хисобига армия составини кўпайтирган. Бу вилоятлардаги қулдор доираларнинг вакиллари Рим армиясидаги олий командирлик лавозимларини эгаллашга муяссар бўлганлар. Шу туфайли вилоят муниципияларининг имтиёзли тоифаси Септимий Севернинг таянчи бўлган ва анча тўлатилган.

Рим вилоятларидаги муниципия доираларининг империя сиёсий ҳаётига аралаштирилиши шаҳар территориясидаги барча эркин аҳолига Рим гражданлик ҳуқуқлари бериш тўғрисидаги эдикт билан қайд қилинган; буэдикт, эрамизнинг 212 йили, Септимий Севернинг Карахалла деб ном олган ўғли Аврелий Антонин вақтида (эрамизнинг 211—217-йиллари) чиқарилган. Рейн, Дунай ва бошқа областлар территорияларидаги кишлоқ аҳолиси аввалгидек бу ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолаверган.

Северлар вилоят муниципияларидаги ўрта ва майда ер эгалари бўлган ва армия составига кирган кенг қулдорлар доирасига таяниб, император ҳокимиятининг шон-шухратини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Улар сулола алоқаларини сақлаб, ўз

хокимиятларининг муқаддас хокимият эканлигини уктиришган» Септимий ва унинг ўғиллари идора қилган даврда сенатнингва сенаторлар тоифасининг ҳеч қандай сиёсий аҳамияти қолмаган. Ириқ ер эгалари бўлмиш зодагонлар қувғин остига олиниб, мол-мулки мусодара қилинган. Сенаторлик мафкураеининг ифодачилари ачиноиб: императорлар олий лавозимларни «ҳаёти[^] хизмати, ёши, уруғ-насаби ва иши ҳеч қимга маълум бўлмаган» янги кишиларга сотишган, деб айтишган. Тоифалар тафовутига эътибор бермаслик натижасида Рим империясининг сиёсий таш> килоти негизига путур етган. Императорларни армия эълон қилган. Императорнинг ўз номзодини қўйган армияга қарамлиги замондошларини ҳам хайратга солган: «Тепантда хавф солиб бехисоб қиличлар ўйнайди, чор атрофингни найзалар ўраб олган, ханжар қуршовидасан, ҳаттоки соқчилар ҳам таҳлика остига олган ва ҳаттоки яқий кишиларинг ҳам сенга даҳшат туғдириб туради. Овқатинг татимайди, ўз хоҳишинг билан сафар-қиллолмайсан, урушни ҳам ўз қароринг билан қиллолмайсаи, қуролни ҳам ўз истагинг билан ушлай олмайсан». Император шахсига шубҳа ва беқарорлик чуқур из солган.

Социал жанжаллар билан тўлиб-тошган мураккаб сиёсий вазият эрамизнинг III асрида императорлар олиб борган ички сиёсатга жуда ҳам зиддиятли бўлган. Бир томондан муниципия мажбуриятларини декурионлар гарданига қўйиш йўли билан шаҳар ташкилотини сақлаб қолишга уриниб кўрилган. Иккинчи томондан эса ветеранлар декурионлар ичида энг кўп сонли табақа бўлиб, улар мажбуриятлардан озод қилинган. Бу сиёсат катта ер эгалари бўлмиш аристократларнинг ҳам, армия ичидаги юқори мансабларни эталлаб турган доираларниг ҳам в» асосий жангчилар оммасининг ҳам норозилигини* туғдирган. Шунчалик бир-бирига зид социал кучларнинг ҳаммасига ёқишга уриниш сиёсати эрамизнинг III асрида императорларни кўпин-Ча ҳалокатли оқибатга олиб келган, улар легионер жангчилари томонидан ўлдирилган.

Северлар сулоласининг сўнги намояндаси бўлмиш Алексидр Север (эрамизнинг 222—235-йиллари) империянинг ички сиёсий аҳволини мустаҳкамлаш учун жиддий тадбирлар қўришга ҳаракатқилган. У империяни идора қилгандаврда давлатнинг олий лавозимларидаги юристлар Рим ҳуқуқларининг асосини тузишган ва қонун чиқаришдаги асосий сиёсий принципини ифодалаб беришган: «императорга манзур бўлган нарса қонун кучига эгадир».

Александр*Север шаҳарларга алоҳида ҳомийлик қилган. Шаҳарларнинг ички фаолиятини жонлантириш, ташқи қиёфаларини янгилаш мақсадида савдогарлар ва расомларга турли имтиёзлар берган, солиқлардан тушган даромаднинг бир қисмини кўшқларни асраш, шаҳар қурилиши ва шаҳар камбағалларига нафақа учун тортиқ қилган. Молиявий ишларни тузатиш ниятида ҳатто ўзининг шахсий харажатларини ҳам камайтирган.

Александр Север тоифалар тафовутини тиклаган ва катта ер эгалари бўлмиш зодагонларга нисбатан душманлик сиёсатидан воз кечиш билангина чекланмай, балки император ихтиёридаги ерларнинг кўп қисмини улар ихтиёрига берган. У армияни ёрдамчи қисмлар ва маҳаллий милиция отрядлари билан тўлдириб ва жангчиларга чегара областлардан ер бўлиб бера бошлаган. Аммо бунда у катта ер эгаларининг манфаатига заррача зарар келтирмаган. Александрнинг бу янги тадбирлари мунтазам кўшинлардаги легионерларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган, чунки улар кўшиндан бўшаб кетганларида ер ололмай қолишларидан хавфсираганлар. Александр Северни бир ривоятга кўра ветеранлар ўлдирган, бошқа ривоятга кўра лашкарбоши Максиминнинг янги олинган аскарлари ўлдирган.

3. Рим империясида сиёсий кризиснинг кескинлашиши. Александр Север ўлдирилгандан кейин харбийлар фракциялик Максиминни император деб эълон қилганлар. Бу солдат императорлари деб аталган императорлардан биринчиси бўлган.

Сенат ҳамда вилоятлардаги ердор ва муниципия зодагонлари Максиминнинг сиёсатига ташкилий қаршилик кўрсатишган. Гражданлар урушида император ҳалок бўлиб, унинг боши Римга келтирилганида сенат миннатдорчилик ибодатини ўтказган. Аммо сенат тайинлаган императорлар сиёсати ҳам муниципиялар доираларида қаттиқ норозилик туғдирган.

Хукмрон синфларнинг бир-бири билан курашаётган гуруҳлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиб боришига эрамиз III асрнинг 30-йиллари охирида бошланган кескин сиёсий кризис сабаб бўлган. Сенат, вилоятлар ва легионлар бирининг кўлидан бири ҳокимиятни тортиб олиб, императорларни алмаштираверишган. Эрамизнинг 235-йилидан то 284-йилгача 19 та «қонуний» император ва 30 дан ошдиқ узурпатор келиб кетган.

Социал сиёсий кризис Рим армиясининг жанговарлик қобилиятига ҳам таъсир қилган. Императорлар харбий лавозимларни лаёқатсиз командирларга сотаверганлар, сарой аҳли эса император буйруқлари билан савдо қилиб, римликларнинг харбий планларини душманга очиб беришган. Рим гарнизоиларида интизомсизлик, бебошлик ҳукм сурган. Понт флотининг асосий базаси бўлган ва икки қават муҳофаа деворлари билан қуршаб олинган Трабзунни варвар скифлар қамал учун ишлатиладиган ҳеч қандай қурол-яроқлари бўлмаган ҳолда осонгина ишғол қилишган. Шарқда форс кўшинлари Месопотамияни, Сурия ва Кичик Осиёни муттасил талаб, хароб қилиб туришган. Эрамизнинг III асри ўрталарида Рим Арманистондан маҳрум бўлган. Форс кўшинлари Шарқнинг «бой хазинаси ва метрополияси» бўлмиш Антиохияни босиб олишган. Бу ердаги Рим армияси ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай таслим бўлган. От устида гердаиб ўтирган форс давлатининг янги подшоси Шопур олдида хор бўлган Рим императорининг тиз чўкиб, раҳм-шафқат кутиб, ёлво-

риб тургани тасвирланган ғоят катта бўртма еурат форсларнинг ана шу ғалабасини ифодалайди.

Эрамиз III асриянинг иккинчи ярмида герман ва дунай қабилаларининг тазйиқи кучайган, бу эса уруғ ва қабилалар бирлашиб, варвар халқлари вужудга келганлигидан далолат беради. Африкада бербар қабилалари Мавританияни ва Нумидиянинг бир қисмини босиб олишган. Рейнда франк ва алеманнларнинг қабила иттифоклари хужумга ўтишган. Дунайда маркоманлар, сарматлар ва готлар Дакиянинг катта қисмининг қўлга киритишган. Қуйи Дунайдаги қабилалар Мезия ва Фракия орқали Македонияга бостириб киришган. Сарматлар, аланлар, илк славян қабилалари Қора денгиз соҳилларига, Болқон ва Қичик Осиё вилоятларига хужум қилиб, бу ерларни хароб қилганлар.

Бу воқеалар ўша давр кишиларига фалокат бўлиб туюлган.

Ғоят қобилиятли ҳоким ва билимдон киши бўлмиш император Галлиеннинг (эрамизнинг 253—268-йиллари) Рим давлатини кризисдан қутқазиш йўлидаги уринишлари натижа бермаган. Галлиеннинг муниципияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати, армиянинг ролини кучайтириши сенат ва катта ер эгаларининг норозилигини туғдирган, варварларнинг зодагонларини харбий хизматга жалб қилишини армиядаги ҳатто имтиёзли қисмлар ҳам мутлақо ёктиришмаган, -бу ишга душманлик назари билан қарашган.

Рим империяси сиёсий ташкилотининг заифланиши варварларнинг тазйиқи вилоятлардаги ҳукмрон доираларни ўз имтиёзларини сақлаб қолишга ва чегараларни мудофаа қилишга қобил сепаратистик давлатлар тузиб нажот йўлини қидиришга мажбур этган. Бошқа областлардан олдин Шарқ ажралиб чиққан. Шарқий вилоятларнинг империя доирасидаги иккинчи даражали сиёсий роли уларнинг иктисодий ролига мос келмай қолган. Эрамизнинг III асрида шарқий вилоятлардан бўлган сенаторлар сенада 30—35 процентни ташкил қилган. Императорлар деярли бутун армияни империянинг шимолий ва ғарбий чегараларига тўплаб, шарқий областларнинг форслар томонидан таланишига йўл қўйиб берганлар.

Эрамизнинг III асри бошларида шарқда ажралиб чиқиш ҳаракатининг маркази Пальмира бўлган. III асрнинг иккинчи ярмида Миср ва Шарқдаги Рим мулкларининг кўпчилиги қисми Пальмира давлати составига кирган.

259-йили Галлия, Британия ва Испания территориясида Галлия империяси ташкил топиб, пойтахти Трир бўлган. Катта ер эгаллиги эндигина таркиб топа бошлаган Дунай вилоятларида ажралиб чиқиш ҳаракати сустроқ бўлган.

Рим ҳукуматига қарши қаратилган сепаратизм ҳаракатига Римнинг жабр-зулмига қарши курашга отланган халқ оммаси хайрихоҳлик билан қараган. Рим ўрта денгиз ҳукумати парчаланиб борган.

4. Эрамизнинг III асрида халқ оммаси ҳаракати. Моддий му-
сибат, ҳарбийларнинг бебошлиги, варварларнинг вайрон қилув-
чи ҳужумлари муҳтожликни кучайтириб, қарам ва эркин киши-
ларнинг турли қатламларини золимларга қарши актив курашга
<Ўйрлаштирган. Қуллар, колонлар ва асоратга тушган жамоачи-
ларнинг кўплаб қочишлари ғоят кенг ҳаракат тусига кирган.
Вилоятларда «йўлтўсарлар»га қарши курашиш учун махсус хар-
бий постлар ташкил этилган. Шаҳарларда худди шу мақсад
-билан ёшлар ва маҳаллий зодагонлардан иборат ҳарбийлаш-
тирилган ташкилотлар тузилган. ;

Эрамизнинг III асрида территориал жамоаларга ҳужум ва
эркин деҳқонларни асоратга солиш кучайиб кетган катта ер зга-
ликлари районларида халқ ҳаракатлари куч ва қўлами жиҳати-
дан айниқса зўр бўлган. Нумидия ва Мавританияда болта ва
калтаклар билан қуролланган колонлар ва қуллар амалдор-
ларни ўлдирганлар, легионерларни ҳайдаб юборганлар. Галлия-
даги «багаудлар»—қўзғолон қўтарган деҳқонлар, колонлар ва
қуллар ўзларининг йўлбошчилари Аманд билан Элианни импе-
ратор деб эълон қилганлар. Қўшчилардан пиёда ва подачилар-
дан сувори қисмлар тузиб багаудлар ҳатто мустаҳкамланган
шаҳарларни ҳам босиб олганлар. Бу ҳаракатда империядан аж-
ралиб, жамоа тартибларини тиклашга уриниш ҳам юз берган
бўлиши мумкин.

Марказий ҳокимият заифланиб, сиёсий кризис давом этаёт-
ган бир шароитда босиб келаётган кучли халқ ҳаракати тўлки-
ни олдида ожизлик қилаётган Рим жамияти ҳукмрон табақала-
ри ноилож император ҳокимияти билан мураса қилишга мажбур
бўлганлар. Уз навбатида эрамизнинг III асри охирларида импе-
рияни идора қилган «солдатлар» императорларидан Аврелиан
(эрамизнинг 270—275- йиллари) ва Проб (эрамизнинг 276—282-
йиллари) ер аристократиясининг моддий манфаатлари билан
ҳисоблаша бошлаганлар ва маҳаллий қабилалардан аскар тўп-
лаб уларни чегарадаги ерларга жойлаштирганлар. Муросагаке-
лиш натижасида кўп қийинчиликлар билан бўлса-да, вилоятлар-
даги сепаратизмни синдиришга халқ ҳаракатини боостиришга ва
империя бирлигини тиклашга муваффақ бўлинган. Аврелиангот-
ларни Дунай бўйи вилоятларидан ҳайдаб юборган ва Италияга
бостириб киришга уринаётган алеманларни, улоқтириб ташлаган.

Аврелиан империя пойтахтини хавфдан сақлаш учун Римни
ағоят катта қалъа деворларй билан ўраб олган. Бу девор ҳозир-
гача қисман сақланган. 273- йили Аврелиан қўшинлари шарқий
• сепаратистик давлатнинг маркази Пальмирани ишғол қилиб, бу
• бой шаҳарни вайрон қилганлар. Пальмиранинг ғоят катта ха-
робалари бизнинг давримизгача сақланиб келмоқда. Сепаратис-
тик Галлия давлатининг ҳокими Тетрик бага'удларнинг кенгайиб
жетган ҳаракатидан чўчиб, «осойишталикни тикловчи» (гезУ-
лилог оғЫз) деган ифтихорли унвон олган Аврелианга ўз хоҳиши
билан бўйсунган.

Аврелианимперия бирлигини сақлаш мақсадида «Енгилмас куёш» деган янги умумдавлат динини жорий қилиб, ҳамманинг шу худога сиғинишини талаб этган. Ана шу дин маросимларида иштирок этишдан бош тортган кишилар фитначи ҳисобланиб, ғайри фикр эгалари, шу жумладан христианлар ҳам таъқиб ва жазога дучор қилинганлар.

275-йили фитначилар Аврелианни ўлдиришган. Аврелиан сиёсатини Проб давом эттирган. У Рим империяси чегараларини муваффақиятли равишда химоя қилган, аммо жангчиларнинг босқинчилигини енга олмаган, ниҳоят армия сафларида интизом ўрнатишга уринаётганида жангчилар томонидан ўлдирилган (282-йил).

И[^]Н

ХХ БОБ

СУНГГИ РИМ ИМПЕРИЯСИ — ДОМИНАТ

1. Диоклетиан ва доминат тартибининг вужудга келиши. 284-йили жангчилар император гвардиясининг командири Диоклетианни тахтга ўтказганлар. Далмациялик озод қилинган кулнинг ўғли туғма ақл соҳиби ва давлат ишларида ажойиб истеъдод эгаси бўлмиш Диоклетиан 305-йилгача империяни идорлаш қилган. У ғоят катта Рим империясини яқка ўзи идора қила олмаслигини тушуниб, ўзига ҳокимдошлар тайинлаган. Улардан бири Максимиан Галлиядаги багаудлар ҳаракатини ва Африкадаги «ғоят ёвуз» Мавритан қабилаларининг кўзғолонини бостирган. Диоклетиан ва унинг ҳокимдошларининг ҳар бири муайян территорияда императорлик ҳокимиятига эга бўлганлар, у ерда уларнинг ҳар қайсисининг ўз қароргоҳлари бўлган., Диоклетианнинг ўзи ва дўсти Максимиан Август деб, яна иккита ҳокимдоши эса Цезарь деб аталган. Цезарлар Августларнинг вори ҳисобланганлар, яъни император ҳокимиятининг ворислик тартиби ўрнатилган. Диоклетианнинг фикрича, бундай тартиб империя бирлигини сақлашга ёрдам бериши, вилоятларда ҳокимиятнинг зўрлик билан тартиб олиниш имкониятига йўл қўймаслиги ва шунингдек, Рим мулклари чегараларини қўриқлаш вазифасини осонлаштириши лозим бўлган.

Диоклетиан саройда дабдабали тантаналар расм қилиб, император ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Император билан саломлашишнинг алоҳида тартиби унинг алвон либос этагини ўпиб, йотлпиз (уй эгаси, хўжайин) деб мурожаат қилиш тартиби жорий қилинган. Диоклетиан ўрнатган бошқаришнинг бутун тартиби тарихда «доминат» деб ном олган.

Доминатнинг сиёсий негизини мустабид ҳокимият (монархия) ва ривож топган бюрократик идора аппарати ташқил қилган. Император саройи ва ётоқхонаси бу аппаратнинг маркази бўл-

гзн. Умумдават мулки ва императорнинг шахсий мулки дегап тушунчалар фарқ қилинмасди. Олий амалдорлар «комиталар» деб, яъни император йўлдошлари деб аталган. Ҳар бир олий амалдорнинг ўз идораси ва ходимлари бор эди. Африка проконсули идорасининг ўзида 400 та амалдор ишлаган. Кичикнинг катгани ҳурмат қилиши ва мутелигига каттик амал қилинган. СенаТ ўзининг сиёсий аҳамиятини йўқотган, аммо •сенаторлар тоифаси энг ҳурматли тоифа ҳисобланган, олий мансаб эгалари бўлган амалдорлар шу тоифага мансуб бўлганлар.

Катта заминдор зодагонлар доминатнинг ижтимоий таянчи •бўлган бу зодагонлар Диоклетианни «Олтин давр» отаси деб атаганлар. Шу билан бирга ҳукумат вилоятлардаги зодагонларнинг кучайиб бораётган таъсирини кесиш учун муниципаль ер эгалигини қўллаб-қувватлаб турган. Императорнинг фармонлари — эдиктлари майда мулкларни, зўрлик йўли билан тортиб •олишни чеклаб қўйган, қарз берган кишининг қарздор ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши, жуда арзон нарх билан сотиш тақиқлаб қўйилган.

Ҳукумат шаҳар ҳаётини тиклаш ва жонлантириш тадбирларини қўриб; чиққан. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб кетишитуфайлишаҳардабўладиган ғалаёнларнинг олдиниолиш мақсадида 301-йили истеъмол буюмларининг энг юқори баъхолари ва ҳар хил меҳнатга тўланадиган ҳақлар тўғрисида эдикт чиқарилган. Бу эдикт иқтисодий натижа бермаган, чунки ундаги умумий баҳолар бутун империя кўламида олиниб, маҳаллий хусусиятлар назарда тутилмаган эди.

2. Диоклетиан **ислохотлари**. Умумий асорат тартибининг вужудга келтирилиши. Диоклетиан империянинг ички бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча ислохотлар ўтказган. Янги маъмурий бўлинишга мувофиқ Италия ўзининг аввалги алоҳида мавқеини йўқотган империянинг бутун территорияси 12 диоцезга ва диоцезлар эса 114 та вилоятга бўлинган.

Солиқ солиш ҳам тартибга келтирилган. Жон боши солиғи билан бирга янги замин солиғи жорий қилинган, бу солиқнинг ҳажмини белгилашда ер, иш кучи ва хайвонларнинг сони ҳисобга олинган.

Диоклетианнинг молиявий ислохоти нарх-навонинг ошишини тўхтата олмаган. Чунки муомалага чиқарилган, тўла қимматга эга бўлган пуллар муомаладан чиқиб кетган.

Диоклетиан аҳолининг маънавий бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида манихейчилик ва христианликни тақиқ қилган (303-йил). Христианларнинг ибодатхоналари бекитилган, черковларнинг мулки мусодара қилинган. кўп клириklar вахристиан жамоаларининг минглаб аъзолари конларга сургун қилинган ва баъзилари ваҳшиёна қатл қилинган. Аммо христиан жамоалари яширин ҳолатга ўтиб ўзларини сақлабгина қолмай, балки аъзоларининг сонини ошириб борганлар. Шундай қилиб Диок-

летианнинг диний сиёсати тамомила муваффақиятсизликка учраган.

Диоклетианнинг сиёсати гарчи Рим империясининг сиёсий ташкилотини мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлса-да, ижтимоий-сиёсий крйзис билан боғлиқ зиддиятларни ҳал қила олмаган ва йўқота олмаган, Хукуматга нисбатан оппозициянинг (айниқса шарқий вилоятларда) кучайиб борганлигидан. Диоклетиан 305- йилда ҳокимиятдан воз кечишга мажбур бўлган.

3. Христианларнинг ғалаба қилиши. Қонстантиннинг империяни бошқариши. Бундан кейин юзберган тахт талашишида цезарлардан бирининг ўгли Қонстантин (306—337) ғолиб чиққан. У шарқий вилоятлардаги зодагонларга таяниб иш кўпган ва жамраларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш йўлини тутган. 313-йили, ўзининг асосий муҳолифини тор-мор келтиргандан кейин иккинчи йили император МеДиоланда диний эътиқодлар эркинлиги тўғрисида эдикт чиқариб, бу билан христианларни бундан кейин яна таъкиб қилиш имкониятига барҳам берган. Ф. Энгельс айтганидек, «шуҳратпараст Қонстантин бу динни қабул қилиш Рим дунёсининг мустабид ҳокими даражасига кўтарилишининг энг яхши воситаси деб билган»¹.

Император ҳокимияти билан муросага келган расмий черковнинг сиёсати ва мафқураси илк христианлик принципларига содиқ бўлган ва демократик кайфиятдаги унсурларнинг кескин танқидига дуч келган. Кураш диний таълимот ва черков ташкилотининг тузилиши масалаларидаги диний мунозара тусини олган.

Расмий черковга муҳолиф оқимлар ересь (бидъат) деб эълон қилинган. Кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланган ереслар золимларга қарши олиб борилаётган синфий курашнинг ўзига хос шакли бўлиб қолган.

Ереслар кетма-кет пайдо бўлавериb, эрамизнинг IV асри охирларига келиб 150 тадан ошиб кетган.

Ересларга қарши курашда ҳукмрон черковнинг обрўсинк мустаҳкамлаш вазифасини черков кенгашлари, епископларнинг мажлислари бажарган. Мустақил равишда тадқиқ қилиш. йўлидаги ҳар қандай уринишларини «черков оталари» сохта билимдонлик қилиш деб билишган ва улар мулоҳаза қилишга эмас ишонишга таълим беришган.

Император ҳокимияти диний мунозараларга актив равишда қатнашиб ҳукмрон расмий черков таълимотини қўллаб-қувватлаган. Император Қонстантин Карфаген черковидаги ажралишни тугатишга уринган, негаки, Африкада кенг тарқалган ересь-донатизмни (епископ Донатнинг номи билан аталган диний оқимни) ўша ажралиш юзага келтирган. Сепаратизм кайфиятидаги заминдор зодагонлар ва расмий черков сиёсатини Рим ҳукуматининг сиёсати билан тенг билган халқ оммаси ора-

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 19, стр. 307.

сида донатизм тарафдорлари озмунча бўлмаган. Император тасдиқ қилган черков кенгашларининг қарорлари ҳам, донатист епископларга қарши қўлланилган жазо чоралари ҳам бу ересни тугата олмаган.

Инсоннинг табиати тўғрисидаги мунозаралар асосида Александрияда ересь пайдо бўлган. Бу ересни таъеис қилган Александрия пресвитерий Арий епископлар ҳокимиятига, рўзаларга ва ўлганлар рухига қйлинадиган ибодатларга қарши чикқан. Император Никея кенгашининг Арий таълимотини қоралаб чиқарган қарорини тасдиқлаб (325- йил) пресвиторни ва унинг тарафдорларини сургун қилган. Аммо арийчиларнинг тарқалишига барҳам бериш мумкин бўлмаган. Кейинчалик уни ҳатто Константийнинг ўғли Костанций II ҳам тан олган.



Константи. Таигадаги тасвир.

Христиан черкови расмий мафқурасининг ташкил топишда Никея кенгаши катта роль ўйнаган: христиан черковининг маъмурият тартиби ва эътиқоднинг Никея символи (христиан дини таълимоти асосий принципларининг қисқача баёни) ўша кенгашда қабул қилинган. Рим, Александрия ва Антиохия епГс Гия^ле¹сГ^{риархлардеб}эълон^{ЧН}лннг^гРим^б / КексХ ?алик^{Ен}н^{Тч} <<Папа>> дбган фзХрлн уйвон бе^Рн. Кейин-епископ^н хам^п патриарх^{деб} эълон қилинган. Константинополь

н^о?, н^{стиа}ч^ер^{кови} империядаги ижтимоий-сиёсий ва мафнин^{Га}х^иамий^ун^гбу^{ре}акцион^{Ро}ли билангина чекланмайди. Чи^чум^{да}ражада "Рогрессив роли хам бўлган, чунки у кулдорлик тузумининг мафқуравий негизига путур етказган мн^{Тм}я^ги¹е^хнатга^{ху}р^{матини} таъкидлаган ва барча кишилар"нинг маънавий тенглигини эълон қилган

ят^вГ^мя^К?^Ларчи^обн^гта^рч^{алган} бўлса-да, қадимги маданият ва мафқура сунгги Римнинг маданий ва сиёсий ҳаётига кучн!^ча^кур^{сатган} - Баъзи қадимги худолар культини, чу^{на}ль^иини^им^рл^ин^гр^{инг}у^{сеш}к^уль^чф^злаба^{маъб}уд^{аси}Виктория^бяй^пя»^Жа^окул^{лаб}н^{ку}в^{ва}ча^{га}н^н - Қадимги удум-расмлар ва келган^ррим^{нинг}ма^иши^йхас^чд^ау^{зоқ}вактларгача сақланиб


Қадимги культлар, удум-одатлар ва мафқуранинг узоқ вақтлар сақланиб келганди христіанлар мажусийлик деб атай бошлаган бу культлар қисман христіанликка сингиб қиргандир. Христіан черковлари қадимги ибодатхоналардан нусха олиб қурилган, ибодатларга яқка ашула, хор ашулалари ва музика жўр бўлган.

Мажусийларнинг қўпгина маъбудлари христіанларнинг авлиёларига айлантирилган. Черков байрамлари мажусийларнинг худолари иззат қилинадиган кунларда ўтказиладиган бўлган. 25 декабрь куні (Митри туғилган кун) эса 354-йилдан бошлаб Исо туғилган кун деб нишонланадиган бўлган.

Умуман олганда Константиннинг диний сиёсати эски консерватив италий аристократиясининг манфаатини ҳам, шарқий вилоятлардаги йирик христіан зодагонларининг манфаатини ҳам ҳисобга олган. Император ер магнатларининг манфаатларини қатъий равишда изчиллик билан ҳимоя қилган, у заминдор зодагонларни ва христіан черковини тортқлар ққлиб, давлат ерларини ва қарздор қуриалларнинг шахсий мулкларини сотиб бериб бойитган. Константин қуриаллар тоифаси ичидаги *ажра*лишни қуқурлаштириб шарқий шаҳарлардаги савдо молия қатламининг заминдор зодагонлар билан қўшилиб бораётган ва ғарбдаги аристократия билан тенг мавкеида бўлишни даъво қилаётган бу қатламнинг юқсалишига ёрдам берган.

Константин Византиядаги греклар колонияси ўрнида янги пойтахт таъсис қилган (330-йил). Бу пойтахт шарқдаги савдосотик билан боғлиқ заминдор зодагонларнинг сиёсий ва иқтисодий маркази бўлиб қолган. Шаҳар 10 йил давомида қурилган. Ғоят қатта иншоотлар қад қўтарган: император саройи, қўшқлар, қутубхона ва қатта ипподром қурилган. Константин янги пойтахтда император номи билан аталган уйни асраб турмоқ шарти билан Қаппадокиядаги давлат ерларидан мёрос амлоқлар тарқатган. Уз хотиржамликлари учун императордан миннатдор бўлган янги зодагонларнинг вақилларидан иборат Константинополь сенати тузилган. Константинополни бино қилишдан сиёсий мақсадлар ҳам назарда тутилган: биринчидан, янги пойтахт Боспорда стратегик жихатдан таянч пункти бўлган, иккинчидан, унинг бино бўлиши билан империянинг Маъмурий соҳадаги ислохоти тугалланган, натижада Италия билан Рим бошқариш системасидаги имтиёзли мавкеини йўқбтган. Шарқ бўлса, ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва диний хусусиятларига қўра империянинг Ғарби билан тенг мавкега эга бўлган.

Доминатнинг бюрократик аппаратини тузиш иши Константин идора қилган вақтда тугалланган. Империянинг бутун территориясида ягона маъмурий бўлиниш вужудга келтирилган, тўртта префектура тузилган, уларнинг ҳар бири диоцезга ва вилоятларга бўлинган. Мансаб эгаларининг иши қаттиқ назорат остига олинган. Гражданлик ҳокимияти ҳарбий ҳокимиятдан ажрати-



РЛ;<~У!;•;*С"в~!^«»^|«Жк»«:*,й

Константиннинг триумфаль (тантанавор) арки.

либ, бу билан ҳокимиятни зўрлик йўли билан тортиб олиш имконияти йўқ қилинган.

325—326-йилларда шаҳарлар (куриаллар) аҳолиси истикомат"қйлиб турган жойга биркитилган. 332-йили колонлар ўз участкаларига абадий биркитиб қўйилган. Хунармандлар армия ва маъмуриятни ўз махсулотлари билан таъмин қилиб туришга мажбур этилган, Рим ва Константинополга ғалла ва бошқа озиқ-овқат махсулотлари етказиб бериш савдогарлар зиммасига юкланган. Император сафарга чикканида унинг мулозимлари, элчилари ва ўтиб кетаётган қўшинларини аҳоли боқиб турган. Куриаллар жамоат биоларининг ремонтини қилишга ва интизомсиз солиқ тўловчиларнинг қарзларини тўлашга мажбур бўлганлар.

Харбий ислохот катта аҳамиятга эга бўлган, у Зосим айтганидек варварларнинг Рим халқи устидан ҳукмронлик қилишига кенг йўл очиб берган. Зарур бўлганда бир вилоятдан иккинчисига юбориш мумкин бўлган ички қўшинлардан ташқари чегара қўшинлари тузилган, бу қўшинлар чегараларни қўриқлаш шarti билан Рим территориясига жойлаштирилган варварлардан тўлдириб турилган. Мазлум дехкон аҳолини қўшин хизматига жалб қилишдан қўрққан Рим ҳукумати чегараларни варварлардан ҳимоя қилиш учун варварларнинг ўзларини жалб қилишга мажбур бўлган.

4. Эрамизнинг IV асри ва V асрнинг **биринчи ярмида империянинг** иқтисодий аҳволи. Диоклетиан билан Константиннинг ялпи биркитиш тартиби эрамиз IV асрининг биринчи ярмида Рим империяси вилоятларидаги иқтисодий ҳаётни бир қадар жонлантириб юборган. Иқтисодий марказнинг шахсий именьларга кўчирилиши муносабати билан Ғарбда майда шаҳарларнинг аввалги аҳамияти йўқолган. Аммо ғарбни шарқ билан боғлаб турган катта савдо шаҳарлари, чунончи, Медиолан, Турин, Верона қабилар яна жонланган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини сақлаб қолган вилоятлар аграр кризис ҳукм сурган районларга озик-овқат маҳсулотлари етказиб турган. Африка дон билан зайтун мойи, шимолий Италия ғалла етказиб бериб турган (бу ерда 400-йилдан бошлаб-ғилдирақли Плуг ишлатилиши туфайли дон хўжалиги ривож топган). Бу областларда товар-пул муомалалари бир қадар сақланиб қолган. Гарчи савдонинг жонланиши пул элементининг бирмунча кучайишига олиб келган бўлса-да, ер солиғи натура билан олинаврган.

Давлат фондидаги ташлаб кўйилган ерлар енгил шартлар (эмфитевзис) билан ижарага берилиши туфайли ўзлаштирилганлиги экономика аҳволини яхшилашга ёрдам берган. Ижарадорнинг ерга ағалик қилиш ҳуқуқини олиши, фавқулодда мажбуриятлардан ва дастлабки йилларда ижара пулини тўлашдан озод қилинганлиги, сўнгра эса ҳар йили ижара ҳақини тўлаб туриши ердан олинадиган даромадни ошириб боришга, рағбатлантирган.

Умуман олганда эрамизнинг IV асрида ҳам Рим империясининг иқтисодий аҳволи оғир бўлиб қолаверган. Меҳнатқашлар оммасининг мушкул аҳволи, кўп шаҳарларнинг инқирозга юз тутиши, молия кризиси, жуда кенг ерларнинг экилмай ётганлиги (Кампания билан Сицилияда бундай ерлар 0,5 миллион югерни ташкил этган) ана шу оғир аҳволдан далолат берган. Ҳосил бўлмаётган қадимий тақдирда ёки дон етказиб берадиган вилоятларда кўзғолон кўтарилганида империянинг кўп областларида дарҳол очарчилик юз берган. Ҳукумат хазина (фиск) зулмини секин-аста кучайтириб борган. Аммиан Марцеллиннинг гапига қараганда императорлар ҳар қандай—ҳам тўғри, ҳам эгри йўллар билан ҳамма жойда пул тўплашга ҳаракат қилганлар. Аммо пул тўловчиларнинг очкўзлиги пулдан кўра кўпроқ нафрат кўзгатган. Солиқларнинг мунтазам суратда келиб туришини таъминлаш мақсадида майда мулкдорлар—майда ер эгалари, хунардорлар ва савдогарлар ўз вазифалари ва мажбуриятларига биркитилган.

5. **Янги заминдор** зодагонлар. Сўнги Рим империясида катта ер эгалари бўлмиш зодагонлар ҳукмронлик мавқеини эгаллаганлар. Бу зодагонлар тоифаси Рим аристократиясидан, олий граждон ва ҳарбий бюрократиядан ҳамда шаҳар аҳолисининг юқори табақасидан таркиб топган. Улар давлат ихтиёридаги ерларни эмфитевзис сифатида ёки енгил шартлар билан сотиб

олиб ўз мулкларини кенгайтириб юборганлар. Бу именьларни харид нархидан бирмунча кўпроқ пул бериб улардан мутлако солиқ олинмайдиган қилиб ҳам сотиб олиш мумкин бўлган. Шаҳар ер-мулки эгалигининг камайиши давом этаверган. Антихияда эрамиз IV асрининг биринчи ярмида куриалларниг сони 600 тадан 60 тагача камайган. Шаҳарнинг жамоат ерларини давлат тортиб олган. Натижада эркин дехқонлар меҳнатидан кенг фойдаланиб, хўжаликни янгича олиб борган янги зодагонлар ўз мавкеларини кучайтириб олганлар.

Христиан черкови катта ер эгаси бўлиб олган. Черковларнинг мулклари ҳамма солиқлардан озод қилинган, шунинг учун ҳам иш кучини ўзига жалб қилишдан манфаатдор бўлган черков ўзида ишлайдиган дехқонларга қулай шароит туғдириб берган, қулчиликдан кўра эксплуатациянинг юмшоқроқ шаклларида фойдаланган. Епископлар юриш-туришда ва турмуш тарзида зодагонлардан қолишмаганлар. Улар бежирим либослар кийиб, мухташам файтунларда сайр қилганлар, дабдабали базм ва зиёфатлар ўтказганлар.

Сўнги Рим империяси даврида катта заминдор зодагонларнинг юқори ҳукмрон табакаси ичидаги зиддиятлар кескинлашган. | Рим сенатининг зодагонлари давлат тепасида янги кишиларнинг пайдо бўлишига ва янги пойтахт таъсис этилиши билан ўз таъсирларининг йўқолишига чидаб тура олмаганлар. Улар ҳали оддий халқ ўртасида тарафдорлари кўп бўлган мажусийлар дини ёрдамида ўзларининг таъсир-эътиборларини тиклашни хаёл қилганлар, мажусийларнинг ибодатхоналарида жуда кўп камбағаллар — эшик қоровуллари, хизматкорлар, созандалар, хунармандларнинг куни ўтиб турган. Бундаги гаруспиклар ва бошқа фолбинлар ўз хунарлари билан тирикчиликларини ўтказганлар. Янги зодагонлар эса манфур аристократияни яқсон қилишни ва мажусийликка қарши ҳужум бошлаб, шу билан аристократия ҳисобидан яна бойлик орттиришни хаёл қилганлар, эски зодагонлар билан янги зодагонлар ўртасидаги кураш христианлар билан мажусийлар ўртасидаги диний кураш тусини олган.

6. Мажусийлар реакциясининг уринишлари. Константин ворисларидан бири бўлган унинг жияни император Юлиан (361—363-йиллар) билимдон, антикмаданият муҳлиси важонутаниби билан мажусийликка берилган киши бўлган. Юлиан император Константинни новаторлиги учун, эски қонунларни ва қадимги урфодагларни бузувчи деб қойиб, давлат органлари орасидаги янги зодагонлар, шарқий вилоятлардаги шаҳар аҳолисининг юқори қатлами ва варварлар томонидан иккинчи навбатга суриб қўйилган Рим аристократияси ва муниципия зодагонларининг намояндаларини ўзига жалб қилиб олган. У янги заминдор зодагонларга зид равишда муниципия ташкилотини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган: шаҳарларнинг мусодара қилинган «рларини ўзларига қайтариб берган, боқимандаларни кечган,

муниципия мажбуриятларидан озод қилишларни бекор қилиб курияларни тўлатган. Император кулдорлик жамиятининг мафкуравий негизини тиклашга уринган — • мажусийлар динини христиан черков ташкилоти типига бурмунча ўзгартириб жонлан-тирмоқчи бўлган, бунинг учун христиан историографияси Юлианни «Муртад» деб атаган, аммо унинг маслакдошлари уни «эркинликни тикловчи» деб атаганлар, негаки у кул билан хўжайиннинг рухий-диний ҳаётининг муштараклилик принципини қоралаб: кул билан хўжайин ўртасидаги чегарани тиклаган. Юлиан форслар билан бўлган урушда ҳалок бўлган.

Юлианнинг ижтимоий ва диний сиёсати муваффақият қозона олмаган. Унинг ҳамма фармонлари бекор қилинган ва христиан черковининг хукмронлик мавқеи тикланган. Император Валентиниан вақтида (364—375) христианликнинг мажусийликка қарши кураши эски Рим аристократияси билан муниципия зодагонларини оммавий суратда қувғин остига олиш учун баҳона бўлган.

Кейинги императорлар мажусий динига қарши кескин ҳужум олиб бордилар. Чунки унга тарафдорлик Рим аристократиясига император ҳукумати учун оппозиция (душманлик позицияси)га ўтишига баҳона бўлган.

Эрамининг IV асри ва V аср бошларида Римда антик ҳудодлар ва қахрамонларнинг нотик, файласуф ва шоирларнинг суратлари, афсоналар ва томошалардан лавҳалар сурати солинган чақа пулга ўхшаш мисдан нишонлар зарб қилиб чиқарилиши христианликка қарши олиб борилган пропаганда шаклларида бири бўлган. Маъбуда Рома ибодатхонасининг меҳроби устидаги тантанали базм тасвири ва ИКВ5 Кота Нелсеппа, яъни «Рим абадий шаҳар» деб битилган ёзув христианликка қарши олиб борилган пропаганданинг сиёсий мазмунини очиб беради»

XXI ВОВ

ИМПЕРИЯ ДАВРИДА РИМ МАДАНИЯТИ (ЭРАМИЗНИНГ I—V АСРЛАРИДА АНТИК МАДАНИЯТ)

1. Моддий маданият. Эрамининг I—III асрларда Рим ўрта денгиз империясининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт марказигина эмас, балки маданий ҳаёт маркази ҳам бўлган. Бу шаҳарнинг аҳолиси бир-бир ярим миллионга етган.

Империя пойтахти билан бирга ғоят катта давлатнинг айрим қисмларида бошқа катта-катта шаҳарлар пайдо бўлиб, улар ўрта денгиз атрофидаги бирон областнинг бошқариш ва ижтимоий ҳаёт марказини ташкил этган.

Аҳолиси салкам 500 минг кишидан иборат Миср Александрияси, Суриянинг Оронт бўйидаги бошқарув маркази бўлган Антиохия, Осиё вилоятининг сиёсий бошқарув маркази бўлган

ғоят катта Эфис шаҳри ана шундай маҳаллий марказларнинг энг муҳимларидир. Грециянинг Коринфи, Африканинг шимолий қирғоғидаги Карфаген империя давридаги ғоят катта шаҳарлардир. Бу шаҳарларнинг иккиси ҳам Юлий Цезарь харобаларидан тикланган.

Империя пойтахти билан бир қаторда бошқа шаҳарлар ҳам кўпгина ажойиб бинолар — ибодатхоналар, вилоят ноиблари ўзларининг маъмурий ва суд вазифаларини ўтайдиган саройлар, чилустунли бинолар, сайргоҳлар, театр бинолари, амфитеатрлар ва цирк билан безатилган.

У даврда катта ёки кичик театр бинолари, кўпинча униси ҳам буниси ҳам бўлмаган шаҳарнинг ўзи бўлмаган. Бу биноларнинг кўпи бизнинг замонимизгача сақланиб келган. Ҳозирги Ливиянинг Сабрат шаҳридаги Рим театри биноларидан бири айниса яхши сақланган.

У замонда театр биноларида трагедия ва комедияли спектакллар қўйилган бўлса, бошқа томошахоналарда— амфитеатр ва циркларда йиртқич хайвонларни уриштирганлар, гладиаторлар жангини ўтказганлар, ўлимга ҳукм қилинганларни халойиқ олдида қатл қилганлар. Бундан ташқари циркларда икки жуфтдан от қўшилган араваларда («квадрига»ларда) пойгалар қилинган. Эрамизнинг 80-йилларида солинган ғоят катта Рим амфитеатри Коллосей (оддий тилда Колизей) дан ташқари, Веронда, Капуяда, Помпей, Пул, Париж, Арлда амфитеатр қолдиқлари ва бундан ташқари Африкада ҳам иккита амфитеатр харобалари сақланган. Бу амфитеатрлар темир тўсин ва кўрғошин бириктиргичлар билан уланган катта-катта харсанг тошлардан қурилган. Улар ажойиб санъат асарлари—бўртма суратлар ва ҳайкаллар билан безатилган.

Тош тўшалган кўчалар, осма сув қувурлари (акведуклар), ифлос сувларни окизиб юбориш учун ер Тагига ётқизилган қувурлар (клоаклар) эрамизнинг I—III асрларидаги шаҳарларга хос хусусиятлардир. Эрамизнинг II—V асрларида Римнинг ўзида ўн битта водопровод ишлаб турган. Бу водопроводлар (осма қувурлар) қатор тизилган устунларга ўрнатилган сопол қувурлардан иборат бўлиб, олис-олис тоғлардан оқиб келадиган сув ўша қувурлар орқали шаҳарларга берилган. Қувурлар шаҳар ичида ер тагига ётқизилган ва ундан сув халойиқ учун майдонлардаги жамоат ҳовузларига, саройлар, ибодатхоналар ва катта-катта бойларнинг ҳовлиларидаги шахсий ҳовузларга ва фонтанларга оқиб тушган. Римда ҳозирги кунда ҳам қадимги икки осма қувур сув бериб турибди. Катта-катта водопроводларнинг қолдиқлари Стамбулда (Константинополда), Франциянинг жанубида (Арль шаҳри ёнида) ва кичик Осие билан Африканинг турли жойларида сақланган.

Шаҳарларнинг шарқда агора, ғарбда форум деб аталган марказий майдонлари ибодатхоналар, чилустунли бинолар ва пешайвонлар билан безатилган бўлган. Майдонларда зафар дар-

возалари қад кўтарган, отлик ҳайкаллар ва бошқа шундай ҳайкалтарошлик асарлари ўрнатилган.

Римнинг марказий қисмидаги форум айниқса гўзал бўлган. Республика давридаги форумга императорлар яна янгиликлар кўшганлар. Айниқса Траяннинг форуми ўзининг ҳашамати билан ажрадиб турган. Майдоннинг марказида баландлиги 27 метр бўлган устун кўтарилган. Марказдаги устунга бурама қилиб Траяннинг дақларга қарши урушини тасвирлаган бўртма суратлар солинган. Устуннинг тепасига императорнинг ҳайкали ўрнатилган. Майдонни кутубхона биноси ўраб турган, бу бинонинг айвонидан устундаги бўртма суратларни томоша қилиш мумкин бўлган.

Август бино қилдирган «Гинчлик меҳроби», Август макбара-си (бу макбарага бошқа императорлар: Тиберий, Нерра, Отон, Веспасиан ва Тит Флавий ҳам дафн қилинган) «хамма худолар» га атаб Август лашкар бошиларидан Агриппа бино қилдирган ва император Адриан қайтадан қурдирган ғоят катта ибодатхона — пантеон (гумбазнинг диаметри 43,2 метр келади) ҳам ажойиб иморатлардир. Палатин тепалигидаги император саройлари ҳам ҳашаматли архитектура ансамблидан иборат бўлган. Август вақтида бино бўлган бу саройлар Флавий ва Северлар даврида янада кенгайтирилган.

Римда, шунингдек вилоятлардаги кўпгина катта шаҳарларда Жамоат сув саройлари (термлар)нинг ажойиб бинолари қурилган, уларда срувк ва иссиқ сувли ҳовузлар, гимнастика заллари, оромхоналар бўлган. Император Каракалла даврида Римда қурилган чўмилиш уйлари айниқса ҳашаматли бўлган.

Эрамининг II асрида Рим империясида жами 80 минг километрга чўзилган тош ётқизилган 372 та йўл бўлган. Бу йўллар трассаси текисланган. Йўлларнинг икки томонидан ҳам ариқлар ўтган, дарёлар ва чуқур жарликлар орқали кўприклар солинган, ҳар минг кадам (миля) жойда энг яқин аҳоли яшайдиган жойларга ва Римга қанча масофа қолганлиги кўрсатилган, тош устунлар ўтказилган. Рим форумида тепаси олтин билан қопланган устун қад кўтариб турган. Бу устун Рим империясидаги барча йўлларнинг боши ҳисобланган ва «Хамма йўллар Римга олиб боради» деган таъбирга асос бўлган.

Порт шаҳарларда харсангдан кема бойлаб қўйиладиган жойлар, юклар сақланадиган омборлар, дентиз тўлқинларидан химоя қилувчи тош деворлар қурилган.

Ибодатхоналар/, саройлар, чилустунли айвонларнинг, бой қўлдорларга қарашли уйларнинг поллари ғоят нафис ишланган кошинкор нақшлар ва ҳатто бутун-бутун картиналар билан безатилган бўлган. Шимолий вилоятларда кўп уйлар иссиқ ҳаво билан иситилган: печларга уланиб пол татидан ўтказилган қувурлардан хоналарга иситилган ҳаво юбориб турилган.

Жамоат бинолари ва бойларнинг уйлари чиройли безатилган ва ҳар қандай қулайликлар билан таъмин этилгани ҳолда кўп-

чилик аҳоли яшайдиган уйлар ниҳоятда фақирона бўлган. Қишлоқ аҳолиси ёғоч уйларда ёки наридан-бери тош териб солинган похол томли кулбаларда яшаган, бу кулбалар уйнинг ўртасида ўйилган ўчоқларга ўт қўйиб иситилган. Рим, Александрия, Эфес ва ҳоказоларда кўп қаватли (уч-тўртвахатто олти қаватли) уйлар ҳам қурилган. Бу уйлардаги айрим хоналар ва баъзан кватиралар ижарага берилган. Улар наридан-бери қилинган омонат уйлар бўлиб, кўпинча ўзидан ўзи йиқилган ва хонадонлар харобалар тагида қолиб кетган. Бундан ташқари, улар мўрилари яхши ишламаганлигидан кўпинча ёниб кетар эди. Бундай уйларда водопровод бўлмаган, юқори қаватларда яшаган хонадонлар хар бир қумғонсув учунпастига тушибюришга мажбур бўлишган.

2. Тасвирий санъат. Жамоат уйлари, император саройлари ва бойларга қарашли уйларнинг деворлари, шифтлари ва полларидаги нақш ва кошнлар қисман бизнинг замонамизгача сақланиб келган. Масалан, Римда, Палатин тепалигида Августнинг хотини Ливия Друзилла хоналарининг бир қисми казиб олиingan, Помпейдаги бойларга қарашли баъзи уйларшюг, шунингдек, шимолий Африкада (Тунис ва Жазоирда) Рим империяси давридаги виллаларнинг деворларига солинган нақшлар сақланган. Мана шу асарлар ва бошқа жойлардан топилган бир қанча бадий парчалар асосида у даврнинг рассомчилик санъати ва Рим рассомлари қўлланган усуллар ҳақида фикр юритиш мумкин. .

Деворларга солинган нақш ва суратларнинг асосий сюжети сув билан кўкат бўлган. Грек ва Рим афсоналаридаи олиб чирилган айрим кўринишлар ўша замоннинг янада сеvimли сюжетларидан биридир. Рангдор кошнкор орнамент ва суратлар билан тарихий воқеаларга оид реал манзаралар тасвир этилган. Империя вилоятларидаги биноларнинг топилган қолдиқларидаги суратлар ва ҳаётий манзараларда: ов, ҳосил йиғим-терими, оилавий байрамлар кўп учрайди.

Биноларнинг деворларини мрамр билан қоплаб безаш қамойга етказилган. Ҳар хил рангдаги тоштахта ва уступлар биноларни кўркам қилиб турган.

Империя даврида портрет ҳайкалтарошлиги кен' қўлам олган. Бу даврдан императорлар, маликалар, саркардалар, шоирлар, файласуфлар ва империяда яшовчи эркин аҳолиинг турли ижтимоий табақаларига мансуб оддий кишиларнинг юз бичими ,гоят. усталик билан тасвир этилган жуда кўп портрет ҳайкаллар, бюстлар ва бўртма суратлар сақланиб қолган.

Портрет ҳайкаллар билан майдонларни, кўчаларни, биноларни безатганлар. Улар қабрларга ҳам ўрнатилган. Баъзан қабр тошларида мархум ўз оиласи билан бирга ^тасвир этилган, аммо кўпроқ жангчилар, хунармандлар, уй эгаларининг хотинлари ва ҳатто гладиаторларнинг портретлари солинган. Эрамизнинг I—II асрларига оид ҳайкаллар ва бўртма расмлар айниқса мукаммадир. Эрамизнинг III асрдан зътиборан тасвирларнинг те-

ника гўзаллиги пасайган, эрамизнинг IV—V асрларида тамомила айниб кетган.

3. Маориф ва илмий ҳаёт. Римда ва империянинг вилоят шаҳарларида бошланғич таълим хусусий ўқитувчилар қўлида бўлган. Улар пул бадалига болаларни тўплаб, уларга ўқишни, ёзишни ва ҳисобни ўргатганлар. Болалар ўқитувчининг уйида, баъзида бирон пешайвонда ёки жамоат боғида ўқиганлар. Уқувчилар домланинг оғзидан чиққан овоз ва сўзларни унинг кетидан баланд овоз билан такрорлар ва ёд олар эдилар. Кейинчалик ўқитувчи мумланган тахтага ҳарфлар ва сўзларни ёзган, ўқувчилар эса уларни қўчириб ёзишган ва ёд олишган. Бошланғич мактабда ўқиш 7 йилдан 12 йилгача давом этган.

Бошланғич мактабдан кейинги босқич «грамматика» мактаби деб аталган. Бу мактаб одатда греклар тасарруфида бўлган. Бундай мактабда ўқиш тўрт йил давом этган. Мактаб биноси адиблар ва файласуфларнинг бюстлари билан безатилган. Талабалар шоир ва адибларнинг асарларидан парчалар ўқиганлар, бу асарларни изоҳлаб, шарҳлаб берганлар, ёзувни машқ қилганлар. Грек адабиёти билан латин адабиётини алоҳида-алоҳида ўрганишган. 16 ёшга етган талабалар «риторика» («нотиклик») мактабига кирганлар. Бу ҳозирги олий ўқув юртига ўхшаган мактаб бўлган.

Ижтимоий ҳаёт таназзулга юз тутганлигига қарамай Рим империясида нотиклик санъатига юқори баҳо беришган. Баъзи императорлар махсус латин ва грек риторика мактабларини очиш ва уларни сақлашга катта-катта пул ажратганлар. Риторлар (нотиклик санъатидан дарс берувчи ўқитувчилар) зодагонларникида тез-тез меҳмон бўлиб турар эдилар. Улар ўз талабаларини сўзлардан чиройли жумлалар тузиш маҳоратига, ҳозиржавобликка, нутқни атайин чертиб гапиришга ўргатганлар. Талабалар тажриба тариқасида муайян мавзуда: «ўзининг болаларини қурбон қилаётган Медея нутқини», «жанг аравасини Фаэтонга бергани учун Зевснинг Гелиосни койигани»ни, «ўз болаларининг жасади устида йиғлаётган Ниоб»нинг азасини ва ҳоказоларни сўзлаб беришлари лозим бўлган. Талабалар ўртасида мусобақа ташкил этилган. Мусобақада ютиб чиққан талабага Август замонидан бошлаб китоб ҳадя қилинадиган бўлган.

Июннинг ярмидан октябрнинг ярмигача ўқувчилар таътилда бўлганлар, бундан ташқари улар диний ва ижтимоий байрамларда, шунингдек, ҳар бир тўққизинчи кунда—«нундин»ларда, яъни бозор кунлари ўқишдан озод қилинган.

Эрамизнинг I—IV асрларида энг катта эллинистик ва Грек шаҳарларидан Александрия, Пергам, Родос ва Афина Рим империясининг илмий фаолият марказлари бўлиб қолаверган. Улар билан бир каторда Рим, Қарфаген ва Массилия ҳам маориф марказларига айланган.

Александрияда кутубхона ва Мусейон Афинада Афлотун (Платон) ташкил этган (Академия) ва Арасту (Аристотель) танъ

жил этган (Ликейон) фалсафа мактаблари ишлаб турган. Кўп зодагонлар ўзларининг билимларини камолотга етказиш учун Родосга келганлар. Пергам ёнида мухим илмий-медицина маркази—Асклепон вужудга келган, айна вақтда бу ҳам маъбуд Асклепияга сиғинадиган жой ҳам врачлар мактаби, ҳам сув ши-фохоиаси ва машхур курорт ҳам бўлган.

Империя яшаган биринчи асрларда қурилиш техникасидан қўлланмалар пайдо бўлган. Улардан бирини Августнинг замондоши Витрувий Поллион ёзган. Унинг «Архитектура хақида» деган трактатида бинокорлик механикасига оид билимлар системаси баён қилинган. Эрамизнинг I аср охириларида бошқа бир автор Фронтин «Осма қувурлар тўғрисида» деб номланган гидро-техникага оид қўлланма ёзган.

География билимларига катта эътибор берилган ва бунинг натижасида география ва этнографиядан бир неча илмий асар майдонга келган. Страбоннинг (эрамиздан аввалги 65-ва эрамизнинг 25-йиллари) «География» номи билан эрамизнинг тахминан 20-йилларида нашр этилган китоби ана шундай асарларнинг тўнғичидир. Страбон ўзининг бу ажойиб асарида грек ва римликларга маълум бўлган дунёни тасвир қилган. Географиядан Помпоний Мела қаламига мансўб бўлган бошқа бир трактат эрамизнинг I асри ўрталарига тааллуқлидир.

Эрамиз I асрининг иккинчи ярмида Плиний Секунд деган Рим лашкарбошиси «Табиёт тарихи»ни ёзган. Бу грек ва римликларга маълум бўлган барча ўрта денгиз дунёси мамлакатларининг физик географиясидан, ботаника, зоология ва минералогиясидан ўзига хос бир энциклопедиядир.

Рим тарихчиси Тацитнинг Шимолий ва Шарқий Европада яшаган ҳамда Рим империясидан ўз мустақилликларини сақлаб қолган қабила ва элатларнинг маиший ҳаёти ва ижтимоий тузумини тасвир этган «Публий Валерий Агриколанинг фаолияти» билан «Германия» деган иккита асари эрамизнинг I асри охири ва II асри бошларида майдонга келган.

Эрамизнинг I асри, айниқса Пасрида медицина фани катта муваффақиятларга эришган. Август идора қилган вақтда Римда врачлар тайёрлайдиган мактаб таъсис этилган. Худди шундай мактаб Асклепионда ҳам бўлган.

Табиёт фанлари соҳасидаги прогрессив кашфиётлар ва техника соҳасидаги муваффақиятлар билан бирга эрамизнинг II асридаёқ маданий тараққиёт нишонлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Александрия Мусейони империянинг астрономия билимларига оид маркази бўлиб қолаверган. Эрамизнинг II асрида у ерда географ Клавдий Птолемей раҳбарлик ролини ўйнаган, Птолемей ҳам Стабонга ўхшаб «География» номи билан катта трактат ёзган. Аммо Птолемей астрономия соҳасида Аристрах-Самосскийнинг ажойиб илмий муваффақиятларидан ва мавжудотни тушунишда у кашф этган гелиоцентрик назарияни қабул қилишдан брш тортган. Бунинг ўрнига у қуёш системасини

мар-кази Ер, Куёш ва осмондаги бошқа жисмларнинг ҳаммаси*-ер атрофида айланади деган назарияни таклиф этган. Бу хато-назарияни Александрия олимлари, кейинчалик христиан рухонийлари ҳам қабул қилишган, у оламнинг тузилиши тўғрисидаги ўрта аср тушунчасига асос бўлган. Эрамизнинг III асрида; Рим империясида сохта фан бўлмиш астрология жуда машхур бўлган. Римликлар буни Месопотамиядан ўзлаштириб олганлар..

Эрамизнинг I—II асрларида Афина фалсафани ўрганиш мар-кази бўлиб қолаётган. Илк империя даврида стоицизм ва эпи-курри фалсафий тафаккурининг ҳукмрон оқими бўлган. Рим-зодагонлари орасида стоицизм айниқса кенг тарқалган. Уша-замоннинг сиёсий арбоби Анней Сенека (эрамизнинг I—65-йил-лари) стоицизм фалсафасининг энг кўзга кўринган намояндаси? бўлган. У бир қанча трактат, Лицшгайга 124 та очик хат, импе-ратор Клавдийнинг ўлимига бағишлаб сатирик дoston ва бир неча трагедия ёзган. Эрамизнинг II асрида стоицизм фалсафа-сининг мафкурачиси сифатида император Марк Аврелий май-; донга чиққан. Жамиятнинг қуйи табақалари орасида саёклик килувчи сурбет файласуфлар машхур бўлган, улар кўпинча? ҳукмрон синфларнинг намояндаларини каттиқ танқид қилиб чи-кар эдилар.

4. Адабиёт. Урта денгиз дунёсининг марказий районларида? гражданлар урушининг тугаб, тинчлик ўрнатилиши Рим ва Ита-лияда маданий ҳаётнинг тикланишига ёрдам берган. Август ва унинг арконлари ҳокимият учун курашдаги муҳолифларини енг-гач, энг машхур ёзувчилардан ўз обрўларини мустаҳкамлаш? учун фойдаланишга урина бошлаганлар. Гай Цильний **Меценат** (эрамиздан аввалги тахминан 74—8-йиллар) бу ишда Августга ёрдамлашган.

Меценат ўз замонасининг истеъдодли шоирларини тўплаган,, моддий жиҳатдан қўллаган ва уларга ҳомийлик қилган. Верги-лий Марон (эрамиздан аввалги 70—19-йиллар), Гораций Флакк. (эрамиздан аввалги 65—8-йиллар), Секст Проперций (эрамиз-дан аввалги 50—15-йиллар) ва номи унча машхур бўлмаган бошқа шоирлар Меценат тўрагагининг аъзолари бўлган. Верги-лий срг? эканидаёқ унинг адабий шон-шухрати баланд бўлган.

Вергилий Меценатнинг илтимрси билан дехқончилик тўғриси-да «Георгиклар» иомли достонини ёзган, ҳаётининг охири йил-ларида эса Августнинг хоҳиши билан катта эпик досхон устид? ишлаган, Гомер достонлари греклар учун қандай ахамиятга эга бўлса, Вергилийнинг ҳам бу достони римликлар учун шундайзур? асар бўлиши лозим экан. Шоир император талаб қилган «Энеи-да» достонини ёзган бўлса-да, охиригача ишлаб тугата, олмай ўлиб кетган.

Вергилий «Энеида»сида Гомер достонларининг сюжетига таклид қилиб троянлик Энейнинг элма-эл юришини ва Италияда пайдо бўлишини тасвирлаган, дoston қахрамони Эней Рим пат-рицийларидан Юлийлар уруғиининг афсонавий асосчиси • бўлиб,а

достонда Юлий Цезарь ҳам ўша уруғдан келиб чиққан деб кўрсатилган.

«Энеида» кейинчалик латин шеъриятининг чўққиси ҳисобланган: Римда бирон-бир шоир Вергилийдаи, олдин ҳам, кейин ҳам бундай ўткир, хушоҳанг ва кучли, шеърий образ ва тавсифларк шунчалик ёрқин асар яратмаган.

Меценат тўғарагидаги бошқа, бир. шоир,— Гораций, Флакк ижодида латин шеърияти шакл жиҳатидан ўзининг энг буюк ва комил тараққийсига эришган. Гораций бир. нана кўшиқлар тўплами ёзган. У ўзининг бу тўпламларида Августнинг, шахсини ва фаолиятини, Рим кўшинларини, шунингдек, муҳаббат ва дўстликнинг қувончини, файласуф шоирнинг мушоҳадали тинч ҳаётини мактаган. Гораций ўз замонасининг маиший ҳаётини, Рим жамиятининг урф-одатларини жонли равишда тасвирлаб, ундаги элатларни танқид қилиб сатирик шеърлар, шунингдек, хатлар шаклидаги шеърлар—«Мактублар»ини ёзган. Августнинг илтимоси билан Гораций шеър билан тантанали гимн ёзган ва бу гимнни император ташкил этган «юз йиллик ўйинлар» байрамида ғоят катта хор билан ижро этиб келинган. «*»;

Шоир Альбий Тибулл (эрамиздан аввалги 10~19-йиллар) билан Секст Проперций Вергилий билан Горацийнинг замондошлари бўлишган. Булар соф лирик шоирлар бўлиб, ўз шеърий асарларида шахсий кечинмалар ва тинч қишлоқ, ҳаётини куйлаганлар.

Овидий Назон (эрамиздан аввалги 43-йил—эрамизнинг 17-йил) Август пршипати даврининг энг атоқли шоиридир. У дастлаб элегиялар тўпламини яратган, кейин «Қаҳрамон аёллар» достонини ёзган. Овидийнинг маъшук бўлиш пайидаги ошиқлар учун ўзига хос кўлланма бўлган «Ишк саъяти» доетони Августнинг ғазабига сабаб бўлган, император шоирнинг бу шеърларини зодагонларнинг оилавий ҳаётини мустаҳкамлаш тўғрисида ўзи чиқарган қонунларига пародия деб билган. Овидий Рим ва Италиядан олисга, Понт чегарасидаги Томи шаҳарчасига (ҳозирги Констанцага) сургун қилинган. Овидий яна «Дард-аламлар» ва «Понддан мактублар» номли иккита тўплам яратган. У ўзининг бу тўпламларида атрофдаги табиат ва кишиларни тасвирлаган, ўзининг яқинлари ва туғилиб ўсган жойларини, қайғу-аламини ифода қилган. Овидийнинг барча асарларида унинг шеъриятидаги ажойиб истеъдоди барқ уриб турадики, натижада унинг ҳамма ёзганлари латин поэзиясининг классик асарлари бўлиб қолган. Рим адабиётининг тарихчилари Августга замондош бўлган шоирларнинг асарларини латин поэзиясининг «Олтин даври» деб атаганлар.

Кейинчалик Рим поэзияси ва прозаси кенг қўлам олган. Эрамизнинг I—II асрларида Рим жамиятининг юкори табақалари ўртасидаги кўп киши, жумладан императорлар ҳам адабиёт соҳасида куч синайдиган бўлганлар. Император Нерон шеърлар ёзган, ундан олдин ўтган Клавдий этрусқлар тарихи ва

латиц грамматикасининг тахлили билан шуғулланган. Аммо Рим поэзияси ва прозасининг кўпдан-кўп намоёндаларидан оз* гинаси улардан кейинги авлодлар хотирида сақланиб қолган.

Шоир Марк Анней Лукан (эрамизнинг 39—65- йиллари) Нерон идораси даврида ижод қилган. Сенат республикаси тарафдори бўлган Лукан принципатнинг сиёсий тартибига, айниқса император Нероннинг ўзига салбий муносабатда бўлган, У «Фарсалия ёки гражданлар уруши тўғрисида дoston» номли асарини ёзган. У ўзининг бу достонида Помпейни мактаб, Юлий Цезарни қойган. Лукан Неронга қарши фитнада қатнашгани учун қатл қилинган.

Проза билан ёзилган «Сатирикон» номли ёркин сатирик асар ҳам Нерон даврида пайдо бўлган. Уни императорнинг яқин кишиларидан Петроний ёзган дейдилар. Автор бу асарда иккита беватан саёқнинг Италия бўйлаб саёхатини тасвирлаб, ўз замонасидаги жамиятнинг турли табакалари ҳаётини кўрсатади.

Шоир Марциал (эрамизнинг 42—102-йиллари) ўз асарларини танкидий оҳангда ёзган. Римда клиент бўлиб, мухтожликда, хор бўлиб яшаган шоир ўзини қуршаб турган жамиятнинг феъл-атвори ва хулқ-одатларини қаттиқ танкид қилган. Марциал 1200 га яқин эпиграмма ёзган. Бу эпиграммаларда шоир аҳоли Оммасининг қашшоқлигини, Рим зодагонларининг такабурлиги, бағри тошлиги ва золимлигини хикоя қилган.

Рим жамиятининг феъл-атвори ва хулқ-одатларини фош қилган сатириклардан бири Юний Ювеналдир (эрамизнинг тахминан 55—132-йиллари). У 16 та сатира ёзган, бу сатираларда у 5*3 замонидаги рим жамияти ҳаётининг салбий хислатларини Марциалдан ҳам: кўра дадилроқ савалаган.

Апулей эрамиз II асрининг атоқли ёзувчисидир. У афсонавий равишда эшакка айланган ёш йиғит Луцийнинг саргузаштларини хикоя қилган ўйга хос ҳаёлий асар—«Метаморфозалар ёки олтин эшак» нинг авторидир.

5. **Тарих.** Қадимги Рим ва Рим империясининг ўтмиши тўғрисида кўп асарлар ёзилган бўлиб, улардан бир қисми замонамизгача сақланиб келган, бошқаларининг эса фақат авторлари ва номларигина бизга маълум. Август принципати даврида Тит Ливий 142 трактатдан иборат «Римнинг таъсис қилинганидан буёнги тарихи» ни ёзган.

Эрамиздан аввалги I аср охирида Дионисий Галикарнасскийнинг Августга ҳарқанақасига хушомад қилган ва грекларни этник жиҳатдан римликларга яқин деб, шу фикрни исботлашга уринган «Рим археологияси» деган китоби пайдо бўлган.

Эрамиз I асрининг иккинчи ярмида Катта Плиний катта тарихий асарлар ёзган, аммо унинг асарлари бизгача етиб келмаган. Эрамиз I асрининг 70-йиллари охири ва 80- йиллар ймпида Юеуф бен Маттафиннинг асарлари майдонга келган. Кўпроқ Юсуф Фалавий номи билан машҳур бу тарихчи эрамизнинг 66—73- йилларида Яҳудияда бўлиб ўтган қўзғолонда иштирок қил-

ган. У ўзининг «Яхудийлар уруши тўғрисида» ва «Яхудиянинг қадимги ёдгорликлари» номли асарларида ўз ватанининг тарихига доир марокли материаллар бериш билан бирга эллинистик давлатлар ва Рим империясининг биринчи асри тарихи тўғрисида ҳам ғоят қимматли маълумотлар келтирган.

Римнинг энг йирик тарихчиси, ёзувчи ва жаҳоннинг энг машҳур тарихчиларидан бири бўлмиш Корнелий Тацит (эрамизнинг тахминан 54—120-йиллари) ўзининг иккита асосий асарида эрамизнинг биринчи асридаги Рим империяси тарихини ёзган. Қадимги Рим сенати зодагонларининг мафкурасига хайрихоҳ бўлган Тацит республика тузумини идеаллаштирган ва ўз замонасининг сиёсий тартибларига жуда қаттиқ душманлик кўзи билан қараган. Тарит асарларининг «тарих» деб аталган биринчи асари эрамизнинг 68—69-йилларидаги граждандар урушини ва Флавийлар замонини муфассал баён қилган, «Аналлар» («Илломалар») номли иккинчи асари Августнинг ўлиmidан тортиб то Нероннинг ўлимигача бўлган вақт ичидаги воқеалар қиссасига бағишланган.

Плутархнинг (эрамизнинг тахминан 46—126-йиллари) адабий фаолияти ҳам ўша вақтларга тўғри келади. У хилма-хил мавзуларда асарлар ёзган («Ахлоқ тўғрисида мулоҳазалар», «Музыка ҳақида трактат») ҳамда Греция ва Римдаги бир қанча тарихий шахсларнинг жуфт-жуфт қилиб таржимаи ҳолларини тайёрлаган. Бу ғоят катта серияни ташкил этган «Қиёсли ҳаётномалар» нинг бир қисми сақланган ва кўпдан-кўп китобхонлар уларни ҳозир ҳам мароқ билан ўқиб келмоқдалар.

Машҳур Рим маъмури Аппиан (170-йилларда вафот этган) грек тилида «Рим тарихи»ни ёзган. Аппианнинг, асари хронология тартибда ёзилмасдан, темаларга бўлинган ҳолда езилган. Улар Урта денгизнинг турли қисмларида римликларнинг ўз ҳокимиятларини ўрнатиш тарихидан айрим-айрим воқеалар тасвиридир. Аппиан Римнинг кейинги республика давридаги граждандар урушини батафсил баён қилган.

Эрамизнинг III асридаги тарихчи авторлар орасида империя бошқармасида раҳбарлик вазифаларини эгаллаб келган зодагон грек аристократи Дон Қассий (155—235) алоҳида ўрин тутади. У ўзига яқин замондаги воқеаларнинг боришини муфассал баёк қилган катта «Рим тарихи» ни ёзган.

6. Сўнги Рим империяси маданияти. Эрамизнинг IV асридаги Рим маданияти тарихида антик традицияларни қайта жонлантириш йўлидаги ҳаракатлар кўрсатилган.

Римнинг бинокорлик техникаси аввалгидек ғоят юксак бўлган. Константин равокиннинг бўртма суратларида бадий санъаткорликнинг тушқунлиги сезилса-да ва кишилар танасидаги аъзолар таносиби нотўғри бўлса-да, ҳар ҳолда бу равоқ Рим архитектурасида эришилган энг яхши муваффақиятларни ўзида мужассамлаштирган. Вилоятлардаги архитектура иншоотлари улғурорлиги жиҳатидан Рим иншоотларидан қолишмаган. Улар

хайкаллар билан безатилган, мрамар билан копланган, аммо хашаматли декор қўпол кўрингаи ва бадиий диддаги назорат-яннг йўқолиб борганлигидан далолат берган.

Кўпгина хайкалтарошлик асарлари классик Рим ва эллинистик санъат асарларининг ғоят маҳорат билан ишланган нусхалариданиборатдир.

Сўнги Рим даврида декоратив санъат, айниқса кошинкорлик санъатнинг энг кўп ёйилган тури бўлган. Торевтика, яъни қимматли металллар ва бронзадан ҳар хил буюмлар ясаш санъати жуда тараккий этган.

Археолоғлар нозик ва нафис бўртма суратлар билан ишланган катта-катта кумуш товоқлар, никобсимон спиралли дубулғалар, совутлар, отларга кийгизиладиган кўкракчалар, мохир усталар нақшлар солиб ишлаган ва отларнинг бошига пана бўладиган уч тавақали тахталар топишган.

Тасвирий санъат сўнги Римнинг, маданий ҳаёти таракқиётидаги зиддиятлар тенденцияларини ўзида, акс эттирган. Классик намуналарни яратган нафис маҳорат билан бирга ишлаш техникасида атайин йўл қўйилган пала-партишлик қўшилиб кетган. Классик афсоналардаги сюжетларнинг намуналари билан бирга замон келтирган мотивлар ҳам жой олган, образлар талқинида антик дунёга хос кшди ва табиат бирлигида яқинлик сезилиши билан бирга христианлик ахлоқи руҳидаги тарки дунё ҳам кўзга ташланади.

Сўнги Рим даврида афсонавий сюжетлардан ташқари, хайвонлар, ов, римликларнинг варварлар билан бўлган жанглари, қишлоқ манзаралари: виллалар тасвири, хўжайиннинг поместьёда бўлиши ва шу кабиларни тасвирий санъат асарларида акс эттириш одат тусига кирган. Янги сюжетлар, шунингдек, классик санъатнинг мукаммал шаклларини назарга илмайдиган бошқача ижро усули ғоят катта Рим империясидаги турли областлар маданиятида маҳаллий анъаналарнинг жонланганлигидан далолат беради.

Мажусийлик маданияти ва классик санъат билан Рим жамиятининг юқори қатламлари: Рим аристократлари ва муниципия зодагонлари қизиккан бойлик орттириш ва иззат-нафси қондириш планлари билан банд бўлган янги зодагонлар антик маданият билан қизикмаганлар. Уларнинг замондошлари Римда маърифатнинг тушқунликка юз туганидан ҳасрат қилий келганлар. У ерда билимдон кишилардан ўзларини четга олиб юрганлар, уларни дилгир, фойдасиз кишилар деб билганлар. >

Рим аристократияси ва зиёлиларнинг намояндалари ўтмишдаги маданий мерос тўғрисида гапирганларида, ўзларининг эски сиёсий идеалларга тарафдорэканликларини таъкидлашган. Патрицийлардан чиққан машҳур нотик ва давлат арбоби Симмах (335—415-йиллар) Антихия ритори Либаний (314—393-йиллар) и ва император Юлиан (332—363 йиллар) антик дунёнинг классик санъати ва мажусийлик мафқурасининг содиқ мухлислари бўл-

танлар. Мажусий мутафаккирлари ва файласуфлари мажусийлик маданиятини тарғиб қилишда катта хизмат кўрсатганлар, улар ёзган асарлар антвк фалсафа дин ва мифологиядан ғоят қимматли маълумотлар манбаи бўлиб хизматқилди.

Мафкуравий кураш эрамизнинг V асрида айниқса кескин тус олган. Христианлар билан мажусийлар Рим бошига тушган бахтсизликнинг сабабчилари қилиб бир-бирларини айблашган. Христианлар орасида ишончсизлик ва умидсизлик кайфиятй пайдо бўлган. Африка епископи Августин (354—430- йиллар) христианларни ва христиан черковини химоя қилиб чиққан. У ўзининг асарларида христиан дини Рим давлатини мустахкамлашга ёрдам беради, христиан черковини («илохий жаҳон давлатини») кўллаб-қувватлаган тақдирда кишилик тарихининг ҳамма даврлари қанча яшайдиган бўлса, бу черков ҳам шунча яшайди, деган.

Августин ўзининг «Илохий шаҳар тўғрисида» номли асосий асарида ўз замонасидаги сиёсий вазифаларни назарда тутиб, черков ҳокимиятининг дунёвий ҳокимиятдан устунлик ғоясини ифодалаган.

Эрамизнинг IV асри христиан нутқининг энг гуллаган давридир. Черковнинг мажусийлик билан кўпдан-кўп тортишув ва музғозаралари ғоят кўп христиан адабиётларини вужудга келтирган. Бу адабиётлар антик дунё риторикасининг бутун коидаларига тамомила мувофиқ равишда бунёд қилинган.

Адабиёт ва шеърият соҳасида шонли аждодлари тарихи ва мажусийлик тараққиётининг бутун қадимги тарихи айниқса мароклидир.

Клавдий Клавдианнинг (эрамизнинг V асри бошлари) шеъриятй ғоявий чуқур, ватанпарварлик руҳи кучли ва сиёсий турғун шеъриятдир. Рим сенатор зодагонларининг бу мафкурачиси унинг шарқдаги муҳолифларини, империя бирлигини бузишда айбдор бўлган сенатор-оталарни мазах қилиб қулган. Империянинг сиёсий ва тарихий маркази сифатида Римнинг устунлиги ғоясини қаттиқ қилиб химоя қилиб шоир «Улуғ Рим осмонидай абадий яшайдиган, енгилмас жаҳон пойтахти» тўғрисидаги эсдаликларни жонлантирган.

Шоир Пентадийнинг асарлари антикжамяятнинг ҳалок бўлиши даврига хос ҳаддан ташқари индивидуализм ва умидсизлик руҳи билан суғорилган. «Баҳор яқинлашмоқда» номли шеърида уйғониб келаётган табиатда ҳаётнинг тирилиши билан кишининг маюслиги ўртасидаги кескин тафовутни таъкидлаган шоир киши тўғрисида ёзар экан, олам. унинг учун ўзининг шахси билан, х«мен» билан чекланади деган.

Антик шаҳарнинг заволи шаҳар маданиятининг тушқунлигини белгилаб берган. Империяда яшовчи аҳолининг асосий омман мажусийлик динига берилиши билан сеҳрга, ром очишга муражаат қилган театр ва цирк томошаларига хирс қўйган.

хайкаллар билан безатилган, мрамр билан қопланган, аммо хашаматли декор қўпол кўринган ва бадий диддаги назоратнинг йўқолиб борганлигидан далолат берган.

Кўпгина хайкалтарошлик асарлари классик Рим ва эллинистик санъат асарларининг ғоят маҳорат билан ишланган нусхалариданиборатдир.

Сўнгги Рим даврида декоратив санъат, айниқса кошинкорлик санъатнинг энг кўп ёйилган тури бўлган. Торевтика, яъни қимматли металллар ва бронзадан ҳар хил буюмлар яшаш санъати жуда тараққий этган.

Археологлар назик ва нафис бўртма суратлар билан ишланган катта-катта кумуш товоқлар, ниқобсимон спиралли дубулғалар, совутлар, отларга кийгизиладиган кўкракчалар, мохир усталар нақшлар солиб ишлаган ва отларнинг бошига пана бўладиган уч тавақали тахталар топишган.

Тасвирий санъат сўнгги Римнинг, маданияи ҳаёти тараққиётидаги зиддиятлар тенденцияларини ўзида акс эттирган. Классик намуналарни яратган нафис маҳорат билан бирга ишлаш техникасида атайин йўл қўйилган пала-партишлик қўшилиб кетган. Классик афсоналардаги сюжетларнинг намуналари билан бирга замон келтирган мотивлар ҳам жой олган, образлар талкинида антик дунёга хос киши ва табиат бирлигида яқинлик сезилиши билан бирга христианлик ахлоқи руҳидаги тарки дунё ҳам кўзга ташланади.

Сўнгги Рим даврида афсонавий сюжетлардан ташқари, ҳайвонлар, ов, римликларнинг варварлар билан бўлган жанглари, кишлок манзаралари: виллалар тасвири, хўжайиннинг поместьёда бўлиши ва шу кабиларни тасвирий санъат асарларида акс эттириш одат тусига кирган. Янги сюжетлар, шунингдек, классик санъатнинг мукамал шакллари назарга илмайдиган бошқача ижро усули ғоят катта Рим империясидаги турли областлар маданиятида маҳаллий анъаналарнинг жонланганлигидан далолат беради.

Мажусийлик маданияти ва классик санъат билан Рим жамиятининг юқори қатламлари: Рим аристократлари ва муниципия зодагонлари кизикқан бойлик орттириш ва иззат-нафси кондириш планлари билан банд бўлган янги зодагонлар антик маданият билан кизикмаганлар. Уларнинг замондошлари Римда маърифатнинг тушқунликка юз тутганидан ҳасрат қилийкелганлар. У ерда билимдон кишилардан ўзларини четга олиб юрганлар, уларни дилгир, фойдасиз кишилар деб билганлар.

Рим аристократияси ва зиёлиларнинг намояндалари ўтмишдаги мадагога мерос тўғрисида гапирганларида, ўзларининг эски сиёсий идеалларга тарафдор эканликларини таъкидлашган. Патрицийлардан чиққан машхур нотик ва давлат арбоби Симмах (335—415-йиллар) Антихия ритори Либаний (314—393-йиллар) ва император Юлиан (332—363 йиллар) антик дунёнинг классик санъати ва мажусийлик мафқурасининг содиқ мухлислари бўл-

танлар. Мажусий мутафаккирлари ва файласуфлари мажусийлик маданиятини тарғиб қилишда катта хизмат кўрсатганлар, улар ёзган асарлар антик фалсафа дин ва мифологиядан ғоят қимматли маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий кураш эрамизнинг V асрида айникса кескин тус олган. Христианлар билан мажусийлар Рим бошига тушган бахтсизликнинг сабабчилари қилиб бир-бирларини айблашган. Христианлар орасида ишончсизлик ва умидсизлик кайфияти пайдо бўлган. Африка епископи Августин (354—430-йиллар) христианларни ва христиан черковини ҳимоя қилиб чиққан. У ўзининг асарларида христиан дини Рим давлатини мустаҳкамлашга ёрдам беради, христиан черковини («илоҳий жаҳон давлатини») қўллаб-қувватлаган тақдирда кишилик тарихининг ҳамма даврлари қанча яшайдиган бўлса, бу черков ҳам шунча яшайди, деган.

Августин 5-зининг «Илоҳий шаҳар тўғрисида» номли асосий асарида ўз замонасидаги сиёсий вазифаларни назарда тутиб, черков ҳокимиятининг дунёвий ҳокимиятдан устунлик ғоясини ифодалаган.

Эрамизнинг IV асри христиан нутқининг энг гуллаган давридир. Черковнинг мажусийлик билан қўпдан-қўп тортишув ва мунозаралари ғоят қўп христиан адабиётларини вужудга келтирган. Бу адабиётлар антик дунё риторикасининг бутун коидаларига тамомила мувофиқ равишда бунёд қилинган.

Адабиёт ва шеърият соҳасида шонли аждодлари тарихи ва мажусийлик тараққиётининг бутун қадимги тарихи айникса мароклидир.

Клавдий Клавдианнинг (эрамизнинг V асри бошлари) шеърияти ғоявий чуқур, ватанпарварлик руҳи кучли ва сиёсий турғун шеъриятдир. Рим сенатор зодагонларининг бу мафкурачиси унинг шарқдаги муҳолифларини, империя бирлигини бузишда айбдор бўлган сенатор-оталарни мазах қилиб қулган. Империянинг сиёсий ва тарихий маркази сифатида Римнинг устунлиги ғоясини қаттиқ қилиб ҳимоя қилиб шоир «Улуғ Рим осмонидай абадий яшайдиган, енгилмас жаҳон пойтахти» тўғрисидаги эсда-йикларни жонлантирган.

Шоир Пентадийнинг асарлари антик жамиятнинг ҳалок бўлиши даврига хос ҳаддан ташқари индивидуализм ва умидсизлик руҳи билан суғорилган. «Баҳор яқинлашмоқда» номли шеърида уйғониб келаётган табиатда ҳаётнинг тирилиши билан кишининг маюслиги ўртасидаги кескин тафовутни таъкидлаган шоир киши тўғрисида ёзар экан, олам унинг учун ўзининг шахси билан, «х_{мен}» билан чекланади деган.

Антик шаҳарнинг заволи шаҳар маданиятининг тушкунлигидеи белғилаб берган. Империяда яшовчи аҳолининг асосий оммани мажусийлик динига берилиши билан сеҳрга, ром очишга мувожаат қилган театр ва цирк томошаларига хирс қўйган.

Эрамизнинг IV—V асрларидаги антик маданият арбоб ва мухлислари унинг тушкунликка юз тутишининг олдни билмаган бўлсалар-да, уларнинг зўр бериши туфайли аптш даният хазинаси келгуси авлодга мерос қолган.

ХХПБОВ

ҒАРБИЙ РИМ ИМПЕРИЯСИНИНГ ҚУЛАШИ

1. Майда деҳқонларни эксплуатация қилишнинг кучайиши. Заминдор зодагонлар доминат даврида ўз мавқеларини муслт камлаб олиб кишлоқлардаги эркин ва қарам аҳолининг турлм туркумларини эксплуатация қилишни кучайтирганлар. КатТ! мулкларда қуллар ёрдамчи роль ўйнаган. Кўпинча улар уйдаги зеб-зийнатлар сингари хўжайиннинг бойлигини кўрсатувчн нарса бўлиб хизмат қилганлар. Эксплуатация қилинадиган асосий табақа колонлар бўлган. Колонлар орасида бор-йўғидан ажралган деҳқонлар, озод қилинган қуллар ва варварлар пайдо бўлган. Замондошлар уларни кашшоқ ва бахтсиз кишилар деб атаганлар ва уларнинг хаддан ташқари қаттиқ эксплуатация қилинганликларини тан олганлар.

IV асрда колонлар эркин кишининг гражданлик ва сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлар: уларни ер эгасининг иЖозатидан ташқари давлат хизматида фойдаланиш мумкин бўлмаган, колонлар энди ер эгасини патрон деб эма<?, хўжайин, жаноб деб атайдиган бўлганлар. Колоннинг ҳамма мулки хужайин мулки бўлиб ҳисобланган. Колон судда хўжайинига қарши чиқишга, эркин аёлга уйланишга ҳақи бўлмаган. Қулларга қандай жазо чоралари кўрилса, колонларга ҳам деярли шундай жазо чоралари кўрилган. IV аср ўрталарида заминдорлар колонлардан давлат солиқлари олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бу ҳол колрнларнинг қарамлигини янада кучайтирган, уларни эксплуатация қилиш имкониятини ҳам янада кенгайтирган. Жойлашишда ўзларига қулай шароитни танлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган колонлар ерга ўтказилган қулларга кўшилиб квТПН.

2, Рим империясининг феодаллашуви. Турли туркум ҚИШЛЮҚ аҳолисининг қарамлиги кучайганлиги натижасида йирии мулклардаги эркин ва қарам деҳқонларнинг аҳволи бир-биршл яқинлашиб, тенглашиб борган. Эркин деҳқон ҳам, қарам деҳқон ҳам мустақил рўзғор тебратган, ўзининг ер участкасига боғланиб қолган ва маълум мажбуриятларни ўтаган. Ер муносабатлари асосида вужудга келган қарамлик эксплуатациянинг янги феодаллик формаси бўлган. Қарамликнинг янги формасининг вужудга келиши бутун қулдорлик тартибининг кризиси билан боғланган, бу кризис қулларни янгича эксплуатация қилишни ва ерни ишлашга бор-йўғидан ажрагаи деҳқонларни жалб қилишга мажбур этган.

Прекарий эркин дехқонларни қарам дехқонларга айлантириш усулларидан бири бўлган. Заминдорлар қарздорларнинг ерини тортиб олмаганлар, балки маълум мажбуриятларни бажариш шарти билан унинг ўзига қолдираверганлар. Шундай қилиб қарздорнинг мулки қўлидан кетиб қорандага айланган, мулки эса прекарий мулк, яъни илтимос қилиб олинган ер бўлиб қолган.

Муҳтожлик ва давлат амалдорларининг жабридан эзилган йўқснл эркин дехқонлар ўз мулкларидан воз кёчиб «қудратли хонадонлар қаноти остидан» паноҳ излаганлар. Уз хомийсининг ерида улар мустақил хўжалик тебратиш учун маблағ олишган ва қоранда сифатида мажбуриятлар бажарганлар. Хомийликнинг ана шу шакли патроциний деб аталган. Амалда эса у эркинлик ҳуқуқларини гўё ўзгартирмасдан шахсий қарамликка олиб келган.

Йирик мулклар ўз ҳунармандчилиги ва савдо-сотик алоқалари бўлган муетақил хўжалик комплексларига айланган. Зодагонларнинг мулкларини давлат ҳокимиятининг аралашшидан холи қиладиган дахлсизлик аломатлари пайдо бўлган.

Заминдорларнинг ўзлари солиқ тўплаганлар, варварлардан тўпланган ёлланма отрядлар ёрдамида қарам аҳолини бостириш вазифасини хусусий суратда ўзлари бажарганлар.

Аммо Рим империясининг феодаллашувига жамиятнинг •қулдорлик устқурмаси, қулдорлик давлати ва ҳуқуқлари ғов солиб турган. Дехқонлар қарамлигининг кучайишига қулдорлик ҳуқуқи нормалари нуқтаи назаридан қаралган. Давлат ўзининг жуда ривож топтирган солнқлар системаси воситаси билан яққа дехқон хўжаликлари ташаббускорлигининг юксалишини бўғиб заминдорларнинг даромадларини чеклаб қўйган. Заминдорлар ўз даромадларини сақлаш учун колонлар етиштирган ҳосилнинг деярли ҳаммасини тортиб олганлар замондошларнинг иқроп бўлишича, хўжаликни яхшилаб тебратиш учун ёки хатто ерни биноии ишлаш учун ҳеч нима қолдирилмаган. Дехқонлар «давлат қувғини дастидан ўлиб кетмаслик учун» варварлар орасига қочиб кетганлар.

3. Сўнги Рим империясида синфий кураш. IV асрнинг 40-йилларидан бошлаб синфий кураш яна кескинлашиб кетган. Рим қулдорлик давлати жабр-зулмининг асосий оғирлигини бошидан кечираётган дехқон аҳолисининг қўзғолони ғоят катта куч ва қўлам олган. Айниқса қаттиқ норозилик илк христианликнинг демократик принципларини эсига ҳам олмай қўйган расмий. христиан черковига қарши қаратилган. Ересларнинг диний тус олган халқ ҳаракати тоза дин учун курашни асосий мақсад қилиб қўйган IV аср охирларида ҳар уч-тўрт йилда бир марта ересларни тақиқ қилиш тўғрисида қонунлар чиқзриб турилган.

IV асрнинг 30—40-йилларида Африкада кучли халқ ҳаракати авж олган. Бу вилоятнинг иқтисодий аҳволи хийла тузук бў-

лишига қарамай, Африка қишлоқларида ахвол жуда оғир бўлган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга обориб сотадиган савдогарлар қишлоқ бозорларидан ғалла ва ёғни жуда арзон нарх билан сотиб олганлар, катта ер эгалари эса катта фойда пайида бўлиб, қарам) колонларни эксплуатация қилишни тобора кучайтирганлар. Бундан ташқари давлатйўлибилан Римга озиқ-овқат маҳсулоти етказиб бериш кўпайтирилган, чунки Константинополь бино бўлгандан кейин Миср янги пойтахтни озиқ-овқат билан таъминлаб турадиган бўлган. Каттаерэгаларива муниципия зодагонлари аннонанинг бутун оғирлигини қишлоқ меҳнатқашлари ва майда деҳқонлар гарданига юклаганлар.

Нумидияда асоратга қарши кураш олиб борилаётган эркин деҳқонлар ҳаракатига христианларнинг III асрдаёқ пайдо бўлган донатистлар мазҳаби бошчилик қилган. Бу мазҳаб аъзолари ўзларини Исо жангчилари—«агонистиклар», «ёвуз кучларга қарши курашчилар» деб атаганлар.

Агонистиклар адолат тантана қилиб, бойлардан ўч олинадиган «худонинг фароғат дунёсини» яқинлаштиришга уриниб, дон ва вино омборларини вайрон қилганлар, бойликларни, қарз тилхатларини тортиб олганлар, қулларни қўйиб юборганлар, қаршилиқ қилган бойларни савалаб, уларнинг уйларига ўт қўйганлар. Бу ҳаракатда эксплуатацияга қарши стихияли норозилик курашнинг диний мафкурага хос пассив шакллари билан қўшилиб кетган. Агонистиклар аскитизм (тарки дунё) ва азоб тортишни тарғиб қилиб «адолатсиз дунё»нинг ҳалокатини гўё тезлаштиришга уринганлар, улар ўзларини ўтга, сувга, яланғоч қиличга, жарга, ташлаб ўлдирганлар, бошқалар ҳам ўз-ўзларини шундай жазога гирифтор қилиши учун уларни ўлдириш билан кўрқитганлар. Улар ёвуз дунёни тан олмасликни уйланмаслик, бир жойда муқим турмаслик ва ишдан воз кечиш билан ифода қилганлар. Қишлоқ меҳнатқашлари буни ерга биркитишга ва мажбуриятларни оширишга қарши норозилик деб қабул қилишган. Бу тарғибларга жиддий хайрихолик кўрсатган қишлоқларда агонистикларга овқат беришган. Шунинг учун ҳам уларни «циркумцеллионлар» («деҳқонларнинг қулбалари атрофида санкиб юрувчилар») деб атаганлар.

IV асрнинг 70- йиллари бошларида Мавритаияда кўзғолон бошланган. Вилоятда Рим маъмуриятининг тамагирлигидан ғазабга келган аҳоли кўзғолончи барбарларнинг бошлиғи Фирмни император деб эълон қилган. Рим қўшинининг бир қисми Узурпатор томонига ўтиб кетган. Кўзғолон аранг бостирилган. Қабила бошлиқларидан бирининг хоинлиги туфайли ҳаракат бошлиғи Фирм ушлаб олинган.

V аср бошларида ағешиетиклар ҳаракати яна авж олган. Рим ҳокимлари агонистикларга қарши курашга оғизлик қилганлар, давлат хазинасининг амалдорлари ўзлари иш кўрган районларда солиқларни тўплай олмай қолганлар. Африкадаги халқ ҳаракатининг диний мафкураси ижтимоий норозиликка ғоятзўр

мирувчи куч берган, халқ оммасини жамиятни қайта куриш билан боғлиқ вазифаларни хал этишдан чалғитган»-

Галлиядаги багаудларнинг ҳаракати бошқача тусда бўлган. Бу ҳаракат III асрда бошланиб, V асргача -давом этган. Бу вақтда катта йўлларда ҳам хавф аримаган. Багаудларнинг ку-ролли отрядлари Рим магистратларини ҳайдаб юбориб, ўзлари»нинг маҳаллий идора органларини тузганлар ва бўш романлаш-тирилган областларда жамоа ташкилотларини тиклаганлар. Эркин дехқонлар ҳаракатининг асосий кучи бўлган куллар ва колонларнинг кўплари уларга қўшилишган. Рим жабр-зулмига қарши, жамоатчилик тартибларини тиклашга қаратилган бу ҳа-ракат сепаратистик тус олган. Ҳаракат Испаниянинг қадимги ибер жамраларининг қолдиқлари сакланган районларга ёйилган.

IV асрнинг 60- йилларида Рим империясининг шарқий област-ларида синфий кураш кучайиб кетган, 365- йилли Константинот полда ҳокимиятни маҳаллий киликия зодағони Прокопий босиб олган. Бу воқеа Болқон ва Қичик Осиё вилоятларида кенг ижти-мой ҳаракат бошланиб кетишига сабаб бўлган, бу ҳаракатга, колонлар, шаҳар плебсларининг анча қисми, олтин қонларида ишлаётган кишилар қўшилишган. Ҳаракат раҳмсизлик билан бостирилган.

IV асрнинг иккинчи ярмида Римда, Константинополь, Аитио-хия, Александрия ва империянинг бошқа катта шаҳарларида шаҳар қўйи табақаларининг ғалаёнлари тез-тез бўлиб турган. Шаҳар магистратларидан кўпи ўзларининг ёвуз ишлари учун хун тўлашган, мулкларга ўт қўйилган. Озиқ-овқат танқислиги туфайли бошланган кўзғолонлар Рим ҳокимлари учун айниқса хавфли эди. Шаҳардаги майда мулкдорлар сони камайиб кети-ши, куриал-ер эгаларининг хонавайрон бўлиши натижасида маҳаллий бозорга маҳсулот кам кирадиган бўлиб қолди, катта ер эгалари, шаҳар зодагонлари ва савдогарлар нарх-навони чек-сиз ошириб бордилар.

Кейинги Рим империясидаги синфий курашнинг хусусияти эркин кишилар билан кулларнинг бирдамлигидир, бунинг саба-би турли табақа дехқон аҳолисининг бир-бирига яқинлашган-лигидир. Синфий курашни ҳаракатга келтирувчи кучлар колон-лар билан асоратга! солинаётган эркин жамоачилар бўлган. IV—• V асрлардаги халқ ҳаракатида империядаги маълум омманинг варварлар билан иттифоқи ва Рим давлатидан ажралиб чиқиш-га интилиши кўринади. Бундан ташқари халқ ҳаракати Рим империясининг ҳарбий кучларини чалғитиб, варварларнинг империяни истило қилишини осонлаштирган.

4. IV асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий инқироз ва варвар-ларнинг империяга бостириб кириши. IV асрнинг 40-йиллари-дан эътиборан империя яна қаттиқ сиёсий кризис палласига кир-ди. Император -тахти ҳокимият учун шиддатли кураш объектига айланди. Ҳокимдошларни белгилаш ҳам қўшиннинг ҳукмига боғлиқ бўлиб қолган. Императорларда қатъият ва шахдамлик

йўқ эди, улар ракиб ва узорпаторлардан кўркиб яшар эдилар. Баъзиларини ваҳима босиб Давлатни идора қила бошлашлари биланоқ қавм-қариндошларининг барини қириб ташлашган. Вилоятларда ажралиб чиқишга интилиш кайфиятининг кучайиши император ҳокимиятининг заифланганлигидан далолат беради. Император тахтини даъво қилиб чиқувчилар Галливода, Британия ва Иллирияда кўп эди.

Бошқаришнинг бюрократик системасидаги барча иллатлар очилиб қолган. Саройдаги низо, интригалар натижасида олий мансаб эгалари давлат манфаатларига зид ишларга қарши мустақил равишда кураш олиб боришга шошилишган ва натижада қаттиқ мағлубиятга учрашган.

Олий амалдорларнинг идораларида давлат мулкни талаш, порахўрлик ва суиистеъмол ҳукм сураб эди. Ҳазиначилар жангчиларга берилиши лозим бўлган кўпдан-кўп маош Булдарини чўнтақларига ураб эдилар, армияга зарур озиқ-овқатни аҳолидан тортиб олиб, вилоятларни вайрон қилар эдилар. Армия кўпинча тортиб олинган ўлжалар билан қаноатланиб қолишга мажбур эди, армия Рим вилоятларидаги аҳолини талашдан ҳам тап тортмасди. Рим армиясида интизом бўшабди. Қулдорлик ахлоқининг инкирози Рим жангчисининг ахлоқига таъсир этди: «Ҳар ким фақат ўз ғамини эра, бошқа билан иши бўлмас эди. Жангчи ҳарбий кўшиқлар айтиш ўрнига варварларнинг ашулаларини куйларди, жангчилар ўзларининг шамширларидан оғирроқ қадаҳларни қидиришар, энди сопол идишдан ичишни уят деб бйлишар эди, энди фақат мрамр қасрлардагина яшашни исташар» эдилар».

Кейинги Рим империясидаги ички зиддиятларнинг кучайиб бориши унинг ташқи хавф-хатарни даф қилиш қобилиятини сусайтирди. Форслар деярли қаршилиққа учрамай, шарқий вилоятларни талайвердилар. Рейн орқасидан франклар билан алеманилар, Дунай орқасидан квадлар билан сарматлар, шимолий Африкада эса мавр қабилалари ҳужум бошладилар. IV асрнинг иккинчи ярмида варвар қабилаларнинг ҳарбий фаолиятлари кучайганлигига сабаб улардаги ибтидоий жамоа тузумининг бузилиш жараёни кучайганлигидир. Ҳарбий ўлжалар билан бойлик орттириш варварлар жамиятининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлган, қабилалар ва бутун-бутун элатлар иттифоқининг вужудга келиши уларнинг сиёсий жипслашишига ёрдам берди. Варварларнинг бостириб кириш хавфи Рим императорларини доим ваҳимага солиб турар эди.

IV аср охирларида бутун варварлар дунёси ҳаракатга келди. Готлар империянинг энг хавфли душмани бўлиб қолди. Осиё даштлари ичкарасидан келган хуннларнинг таъйиқи остида герман қабилаларидан бўлмиш готлар III асрда Скандинавиядан Қора денгиз бўйининг шимолига кўчиб келиб кейин Ғарбга интилдилар. Гот қабилаларининг остготлар деб аталган қисмини хуннлар ўзларига бўйсундирдилар, бошқа қисми вестготлар эса Рим

императори Валент ижозати билан Мезия ва Фракияни ишғол қилдилар. Бу одатдаги ҳарбий юриш бўлмай, балки бутун бир халқнинг кўчиб келиб жойлашиши эди. Тотлар тўда-тўда бўлишиб, кечаю-кундуз кемаларда ва ғўлаларни ўйиб ясалган қайиқларда Дунайни кечиб ўтишган. Кўп кишилар ғарқ бўлиб кетган, чунки дарё тошиб, сув қирғоқлардан чиқиб кетган, кемалар эса одамга лиқ тўла эди.

Вестготларнинг асосий қисмини эркин кишилар ташкил этган эди, улар зодагон уруғлардан қуролларни, шунингдек суд ва диний вазифаларни ҳам бажарувчи ҳарбий бошлиқларни сайлаб қўяр эдилар. Римлиқлар уларнинг дружиналаридан ёлланма Ҳарбий кучлар сифатида фойдаланишарди.

Рим ҳукумати вестготларнинг кўчиб келиб жойлашишларини одатдагича варварларнинг солиқлар тўлаш ва ёрдамчи жангчи отрядлар бериб туриш шарти билан давлат ерларига жойлашиши каби бир ҳол деб қаради. Аммо Рим маъмурлиги зўр бериб солиқлар тўплаган бўлса-да, варварларга ваъда қилинган озиқ-овқатни бермай қўйди, натижада улар ўртасида очарчилик бошланди. Рим лашкар бошилари ўз мавқеларидан фойдаланиб, озиқ-овқатни ғоят баланд нархларда сотар, уни қимматли рўзғор буюмларига, қулларга ва ҳатто болаларга айирбош қилар эдилар. Готлар тарихчиси Йорданнинг айтишича исталган бир қўлни битта нонга ёки ўн пайса мол гўштига сотишган, сўнгра готлар ўзларини бир қултум бемаза винога, бир бурда нонга қул қилиб сотишга мажбур бўлган. Готларнинг қаҳр-ғазаби кўзғолонга айланиб кетди: Фритегерн билан Алавива кўзғолонга бошчилик қилдилар. Готларнинг қул қилиб сотилган қабиладошлари маҳаллий колонлар, кон ишчилари дарҳол кўзғолончиларга қўшилди. Улар нотаниш жойларда кўзғолончиларга йўл бошлаб, бекитилган ғалла ўраларини, бойларнинг махфий жойларини кўрсатиб ва ўзларини тутиб бердилар,

Гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг ғалабаси билан тугаган бир неча жангдан кейин император Валент Рим армиясининг энг яхши қисмларига бош бўлиб, кўзғолончиларга қарши отланди. 378-йил Адрианополи ёнида жанг бўлиб, бу ерда Рим кўшинлари тор-мор қилинди, жангчиларнинг асосий кадрлари ва кўп лашкар бошилари, 35 та трибун-сиёсатдон ҳамда Валентнинг ўзи ҳам ҳалок бўлди. Фритигерн варвар қабиаларидан катта; бирлашма тузиб, иттифокқа кўчманчи хунн ва алан қабиаларини ҳам жалб қилган эди. Унинг армияси ʘутун Болкон ярим оролини ишғол қилиб, Константинополга яқинлашиб қолди. Шу вақт герман қабиалари бўлмиш алеманнлар Галлияга бостириб кирдилар. Император деб эълон қилинган лашкар боши Феодосий готлар билан сулҳ тузишга ва уларнинг жойлашиши учун стратегик жиҳатдан ғоят муҳим жой ва Италиянинг қалити бўлган Иллирияни беришга мажбур бўлди. Готлар эса Рим армиясига ҳарбий отрядлар бериб туриш мажбуриятини гардапларига олдилар.

IV аср охирларидан бошлаб варварларга қарши урушиш доимий ва шиддатли тус олди. Арзимас муваффақиятга эришганларида ҳам Рим лашкар бошилари маҳаллий варвар аҳолисини жудақаттиқ қон-қақшатган. Легионерлар экин далаларига ўт қўяр, чорва молларни ҳайдаб кетар, наридан-бери қилинган енгил уйларни вайрон қилар, хотинларни, болаларни ва кексаларни савалар ва тирик қолганларни гала-гала қилиб қулликка ҳайдаб олиб кетар эдилар.

Аммо Рим императорлари варварларнинг Рим вилоятлари ичкарисига кириб боришларига секин-аста қўниқишга мажбур бўлдилар. Бу вилоятларни талаш ва зўравонликдан қандай бўлса-да омон қолмоқ учун императорлар ҳар икки томоннинг ён беришини шарт қилиб, варварлар билан қелишувга ўтдилар. Рим ҳукумати варварларнинг жойлашувини тан олди, варварлар эса рёкрут—аскарликка одам бериш, давлатга фойдали хизматлар кўрсатиш мажбуриятини гарданларига олдилар. Рим аҳолисининг варварлар билан иттифоқ тузиши (хатто жангчилар ҳам кўп вақт улар томонига ўтиб турар эди) варварларнинг империя ичига кириб кела боришини осонлаштирди.

5. Сўнги Рим империясининг варварлашуви. Рим вилоятлари территориясида варварлар қўплашиб келиб жойлашган ерлар, Фракия билан Иллирияда готлар ва сарматлар жойлашган ерлар, Галлия билан шимолий Италияда франк ва алеманнлар жойлашган ерлар, Паннонияда вандал ва аланлар жойлашган шахристонлар найдо бўлди.

Адрианополи ёнидаги жангда асосий кучларини йўқотган Рим армияси IV аср охирларидан бошлаб кўпроқ Рим чегараларига қўчиб келиб жойлашиб олган варварлардан ва маош олиб хизмат қилишга ёлланган варварлар отрядларидан иборат бўлиб қолди. Аввалгилари ўзлари истиқомат қилаётган вилоятларда ҳарбий хизмат ўтар, кейингилари иттифоқ тўғрисидаги битимга мувофиқ хизматқилар ва улар федератлар деб аталар эдилар. Варварларнинг қироллари ва лагйкар бошилари бошчилик қилган федерат қўшинлари секин-аста Рим империясининг асосий ҳарбий кучи бўлиб қолдилар.

Рим армиясининг қўмондонлиги ва император саройининг олий амалдорлари орасида варварлар ичидан чиққан кишилар кўп эди. Улардан баъзилари Рим сенати зодагонлари устидан судлар уюштирган. V аср бошида саройдаги варварлар партияси хийла қучли партия бўлиб олиб, императорликка ўз кишиларининг номзодларини қўйишга уринган. Империяда хизмат қилувчи варвар саркардаларига фахрли консул ва патриций унвонлари берилган. Муҳим тантаналарда улар Рим расмий шахслари қиядиган серхашам кийимлар, масалан, консуллар трабеясини—олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зарбоф тўнларни кийиб чиқишарди. Варварлар одатда узун соч қўяр, мўйнадан тикилган енгил кийим кияр ва доим қурол тақиб юрар эдилар.

Империя пойтахтларида «варварлар удуми» Рим ёшлари орасида гот. ёки хунн костюмларини кийиш одат бўлган.

Рим тупроғида эркин варварларнинг йайдо бўлиши варварларнинг социал тузумидаги хусусиятлар билан ҳисоблашишга мажбур этар эди. Ердан фойдаланиш муносабатларига асосланган жамоачиларнинг асосий оммасини эксплуатация қилиш рҳакларай юмшаган. Рим империясининг варварлашуви варварларнинг ўзларининг ижтимоий тузумига ҳам таъсир кўрсатди. Дехқончилик меҳнатига кўчиш ва маҳаллий аҳоли билан никоҳ тузиш кўшничилик алоқалари билан боғланган дехқончилик жамоасининг пайдо бўлишига олиб келди. Варвар зодагонлар бойиб кетдилар, Рим ахлоқ ва удумларини, Римнинг ҳаёт тарзини ўзлаштирдилар. Бу ҳол варварлар орасидаги социал табақаланишни кучайтирди, сўнфлар ташкил топишига ва давлатчиликнинг ривожланишига ёрдам-берди.

Рим империясининг давлат ташкилотига варварларнинг кириб олиши унинг ички ваташқихавфга қарши курашишга ожизлиги оқибатидир. Ҳукумат ўзининг яшаши учун олиб борилаётган курашда кучларни активлаштиришнинг сўнги тадбирини кўришга — бу курашга варварларни жалб қилишга мажбур бўлган.

6. **Рим** империясининг бўлиниб кетиши. Рим империясининг варварлашуви вилоятлардаги сепаратчилик Ҳаракатини янада кучайтирди, ҳукмрон доиралар ичидаги зиддиятларни чуқурлаштирди ва империянинг бўлиниб кетишига жиддий замин тайёрлади.

Ғарбда мажусийлик оппозициясига бошчилик қилган Рим аристократияси IV асрнинг 90-йилларида тахтга ўз кишиси-ни ўтқизди. Император Феодосий I (379—395) кўп куч сарф қилиб империянинг ғарбий ярмида ўз ҳокимиятини аранг тиклаб олди. Унинг ўлимидан кейин империя пойтахти Қонстантинополь шаҳри бўлган шарқий қисмга ва аввал пойтахти Медиолан, кейин эса Равенна бўлган ғарбий қисмга узил-кесил ажралиб кетди. Феодосий I нинг ўғиллари—Гонорий ғарбда, Аркадий шарқда император эди. Ғарб билан Шарқнинг социал, сиёсий ва маданий жиҳатдан бир-биридан тафовути Рим империясининг бўлиниб кетишини тақозо қилди.

Рим мажусий аристократияси билан IV, асрда иктисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмронлик қилган янги Ковстантинополь зодагонлари ўртасидаги кураш кескинлашиб кетди. Варварлар таъйиқининг кучайиши Ғарбнинг ажралишини тезлаштирди, чуқи чегараларни варварлар ва форслардан мудофаа қилиш вазифаси умумдавлат манфаатларидан кўра маҳаллий манфаатларни кўзда тутиб иш кўришга мажбур этди.

Рим империясининг бўлиниш жараёни шундай ҳам таранг сиёсий вазиятни баттар мураккаблаштирди. Шарқ императорлари ғарбий мулкларга даъволарини давом эттирдилар. Ғарбнинг ҳукмрон доиралари аввалгидай империянинг бутун ишига олий раҳбарликни даъво қилар эдилар. Гонорий билан Аркадий

саройдаги варвар зодагонларнинг каттиқ таъсири остида иш кўрар эдилар. Сенаторлар тоифасининг намояндалари «ўзларига муносиб бўлмаган бемаъни ҳолатни» бошидан кечираётган эдилар. Ҳақиқатда ҳокимият армия магистрлари қўлида эди.[^] Ғарбда ҳукумат васийси сифатида вандал Стилихон, Шарқда Руфин бошчилик қилди. Шарқий ҳукумат Италияга кирол Аларих бошчилигида вестготларни юбориб, Стилихоннинг тажовуз-корона ниятининг олдини олишга муваффақ бўлди.

Вестготларнинг ғарбга силжиб бориши варвар қабилаларининг янги ҳаракатига олиб келди. 406- йили вандаллар ва аланлар «бой мамлакатда бебошлик, ваҳшийлик қилдилар, бутун Галлия битта гулханга айланди». 409-йили вандаллар, аланлар ва свелар Испанияга келдилар, 429- йили эса Африка кирғоқларига сузиб ўтдилар.

V аср бошларида вестготларнинг йўлбошчиси Аларих Италияга уч марта юриш қилди. Стилихон гарчи Аларихнинг йўлини тўсишга ва сулҳни сотиб олишга муваффақ бўлса-да, империядаги варвар унсурларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлган[^] Рим аристократиясининг сарой партиясига қаршилик кўрсата олмади. Стилихоннинг варварлар йўлбошчилари билан маҳкам алоқа қилган, уларни раҳбарлик ҳарбий вазифаларга кўтарган вақтлари бўлган. Стилихоннинг бу иши норозиллик ва ишончсизлик туғдирди, чунки Рим аристократияси Константинополь зодагонларини ҳам, варвар зодагонларини ҳам хавфли рақиб деб билар эди. Армиянинг анча қисми Стилихонга қарши бош кўтарди, у ўғли билан бирга (408- йилда) қатл этилди.

Стилихон ағдарилгандан кейин варварларга қарши партия кучайиб кетиб, Аларих билан тузилган битимни бекор қилдирди. Шундан кейин вестготлар яна Италияга бостириб кириб, 408- йили Римни қамал қилдилар. Рим қамали вақтида Аларихнинг талаби билан вестготларга 40 минг кул озод қилиб берилди ва катта товон тўланди.

Аммо 410-йили Аларих яна Римга яқинлашиб келди. Афсонага кўра қуллар Рим дарвозаларини очиб қўйиб, вестготларни шаҳарга киргизган. Варварлар ва уларга қўшилган қуллар уч кун давомида шаҳарни талаганлар. Сўнгра вестготлар ўрта ва жанубий Италиядаги шаҳарларни хонавайрон қилганлар. Аларих Бруттияда бирданига ўлиб қолган. Вестготлар Аларихнинг жасадини жуда қўп хазина билан дарё ўзанига кўмган, ўзлари ворис Атаульф бошчилигида Римга қайтиб келиб, омон қолган бойликнинг барини шипшийдам қилиб талаган. Вестготлар Римдан жанубий Галлия ва Испанияга йўл олган. Рим ҳукумати Атаульфнинг юришига тўсқинлик қилмаган ва унинг Галлия билан Испанияни босиб олишига тан берган. Бу территорияда варварларнинг илк давлатларидан бири — Вестгот киролиги ташкил топган.

Вестготлар Италияга бостириб кириб, Римни тор-мор келтиргандан кейин аслда ғарбий империянинг умри тугади. Вило-

ятлар Рим императори ҳокимияти таъсири остидан чикиб кетдилар. V аср ўрталарига келиб Африка, Британия ва Паннония ҳам қўлдан кетди. Рим императорининг империяни таркалиб кетишдан сақлаб қолишга қодир, жанговар қобилиятли армияси ҳам йўқ эди. Италияда варвар федератлари отрядларининг бошлиқлари хўжайинлик қила бошлади.

Бу вақт Шарқ томондан яна янги хавф вужудга келди: Атила бирлаштирган хуннлар ва бошқа қабилаларнинг босқинчи қўшинлари «қор бўрони» сингари Европага ёпирилиб кирди, бу қўшинлар ўзларининг қаҳри каттиқлиги ва ваҳшиёна қилиқлари билан китъа аҳолисини даҳшатга солди.

Шарқий империянинг ҳокими Аттилага олтин бериб, ундан қутилди ва хуннлар Галлияга бостириб кирдилар. Ғарбий империянинг истеъдодли саркардаси, варварларнинг уруш олиб бориш усулларида яхши хабардор бўлган патриций Аэций Аттилага қарши отланди. Аэций моҳир сиёсатчи ҳам эди. У империянинг азалий душманлари бўлмиш вестготлар, франклар, сарматлар, бургундлар, сакслар, аланлар ва бошқа қабилаларин иттифокка жалб қилди. 451-йили Каталаун майдонида¹ икки иттифок ўртасида жанг бўлди. Иорданнинг айтишича, жанг «жуда шиддатли, ўзгарувчи, ваҳшиёна ва қаттол бўлган». Хуннлар майдонни ташлаб, лагерларига бориб бекинишган. Лекин хуннларга қарши тузилган иттифок шундан кейин узоқ яшамай таркалиб кетган.


452-йили Атила Италияга бостириб кирди. У Шимолий шаҳарларни шипшийдам талаб, Дунай орқасидаги вилоятларга қайтиб келди. 458 йили Атила ўлгандан кейин унга тобе қабилалар кўзғолон кўтардилар ва шу тарихи хуннлар иттифокининг умри битди.

Рим император саройида партиялар кураши давом этмоқда эди. 455-йили Римни вандаллар жуда қаттиқ таладилар. Варварларнинг Римга қилган бу босқинчилиги кўп вақтларгача халқ хотирида сақланган. Вандализм инсоният яратган маданий ва моддий бойликларни беҳуда йўқ қилишнинг синоними бўлиб қолган.

V асрнинг иккинчи ярмидаги даврни замондошлар «варварларнинг шафқатсиз идораси» деб атаган; шундан икки юз йил ўтгандан кейин тарихчи Павел Дьякон «Ҳамма жойда бузғунчи кучлар иш кўрди...» деб ёзган эди. Ғарбий империя императорларининг ҳатто империя хизматидаги варварларни ҳам жиловлаш қўлларида келмади. Ҳарбий ҳаракатлар варвар лашкар бошиларининг хоҳиши билангина бошланар эди. Энг кучли ва энг таъсирли қўшин бошлиқларининг ҳокимиятни босиб олиш йўли билан император сайлаши одат бўлиб қолган эди.

V асрнинг 50—70-йилларида Ғарбий Рим императорлари-

¹ Каталаун майдони — Франциянинг Лаура дарёси шимолидаги маркавий райони.



Рим империясига қўшни кабилаларнинг бостириб кириши.

нинг тахти учун варварларнинг бошлиқлари қўйган кишилар, Рим аристократияси ва Шарқ императори ўртасидаги кураш кучайди. Вилоятларда варварлар ва золимларга қарши курашга қўтарилган қуйи табақа аҳолидан иборат «йўлтўсарлар» ҳукмронлик қилар эдилар. Италия варварларга тўлиб кетган, эди. V асрда варварларнинг отрядларидан иборат қўшин маош ололмаганлигидан жойлашиш учун ер берилишини талаб қилди. 476 йили қўшин ўзининг бошлиғи Одоакрни қирол деб эълон қилди ва у Римнинг сўнгги императори ўн беш ёшли бола Ромул Августулни тахдан ағдариб ташлаб, император унвони нишонларини Константинополга юборди. Шу билан Ғарбий Рим империясининг ҳеч бўлмаса соясини сақлаб қолиш йўлидаги уринишларга ҳам барҳам берилди.

Ғарбий Рим империясининг кулаши билан қулдорликка асосланган ижтимоий мудосабатлар тартиби—қулдорлик ижтимоий формацияси ҳам тугади. Собиқ Рим империяси территориясида таркиб топган синфий жамиятлар энди бошқа феодализм типдаги синфий жамиятлар эди.

XXIII БОБ

ҚАДИМГИ РИМНИНГ ИСТОРИОГРАФИЯСИ

Г. Қадимги Рим тарихининг ўрта аср Европасида ва Русда ўрганилиши (IV—XVIII асрлар). Рим тарихи билан қизиқиш бутун ўрта аср ичи Византияда ҳам, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Русда ҳам давом этган эди.

Эрамининг IV асридаёқ Рим империясида Рим тарихидан қисқача очерклар майдонга келиб, улар мактаблар учун қўлланилма бўлди. Евтропий ёзган кичикроқ асар ана шундай ижодлардандир.

Анча кейинроқ Византияда баъзи номларга, Рим арбобларининг отларига, изоҳлар берилган маълумотнома луғатлар, қадимги тарихчиларнинг асарларидан олинган парчалардан тузилган ва ҳозирги хрестоматияларни эслатадиган тўпламлар ҳамда мустақил тарихий хроникалар пайдо бўла бошлади.

XIV—XV асрларда шимолий Италия шаҳарларидаги ўзгариб кетган социал-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар шаҳар аҳолисининг юқори қатламларида антик ёдгорликларга қизиқиш туғдира бошлади.

Дастлаб антик маданият ҳаваскорлари ва мухлислари—«гуманистлар» қадимги танга пулларни, санъат ёдгорликлари ва қадимги қўл ёзмаларни тўплай бошладилар. Гуманист Пожио Брачиолини (1380—1459) энг қўп қадимги қўл ёзма йиққан эди. Пожионинг ҳаракати билан Цицерой, Тацит ва материалист-файласуф Лукрецийнинг нобуд бўлган деб ҳисоблаб келинган асарлари топилди. XV аср ўрталарида Римда Ватикан кутубхонасида дастлаб латин ва қадимги грек қўл ёзмалари мажмуаси вужудга келди. Уша вақтнинг ўзида Византия музейи—антик давр, асосан Рим санъати асарлари йиғиндиси барпо қилинди.

XV аср охирлари ва XVI асрда Францияда, кейинроқ Англияда, Германия, Чехия ва Польшада университетлар, шунингдек латин ва қадимги грек тили, адабиёт ва тарих ўқитиладиган махсус мактаблар (гимназиялар) қадимги ёдгорликларни, Рим ва Греция тарихини ўрганиш марказлари эдилар.

XVII. аср охирларида англиз лорди Арундель биринчи марта Италия жанубидаги қадимги шаҳарлардан бирининг жойида қазув ўтказган. Эрамизнинг I асрида Везувий вулкони отилиб чиққанида вайронага айланган қадимги Рим шаҳри Помпея ўрнида 1748 йилдан қазувлар бошланди. XVI—XVII асрларда Нидерландияда голланд олимларининг шарҳлари билан антик авторларнинг асарларидан ҳосил қилинган тўпламлар пайдо бўлди.

XVII аср охири ва XVIII асрда француз олимлари Рим тарихини ўрганиш соҳасида жуда самарали иш олиб бордилар. Парижда аббат Ленэ де Тиллемоннинг биринчи марта қўп томли «Христиан черковининг дастлабки олти асрида идора қилган императорлар ва бошқа ҳокимларнинг тарихи» (1690—1738) нашр. этилди. Бу Рим тарихининг энг муфассал баёнидир. 1739—1749 йилларда Ш. Ролленнинг «Римнинг бино бўлишидан тортиб то Акциум ёнидаги жанггача бўлган тарихи» босилди. Айни вақтда Утрехтда француз тадқиқотчиси Луи де Бофорнинг «Дастлабки беш асрдаги Рим тарихининг асосизлиги ҳақида мулоҳазалар» деган асари эълон этилди. Олим бу асарида Тит Ливий қиссаларининг бир неча жойидаги зиддиятларни кўрсатиб беради. Бу асар фақат адабиётдаги маълумотларга таяниб энг қадимги Рим тарихини илмий негизга солиш мумкинлигига шубҳа туғдиради.

Италиялик Д. Вико француз Ш. Монтескье билан Ф. Вольтернинг тарихий-фалсафий асарлари қадимги Рим тарихини тушуниш учун ғоят муҳимдир.

Д. Вико «Миллатларнинг умумий табиати тўғрисидаги янги фаннинг таъсис этилиши» деган социологик асарида (1725 йил) одамзод ривожнинг турли босқичидан ўтгани сингари халқлар ҳам тараккиётнинг ҳар хил босқичларидан ўтишини исбот этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у Рим империясининг заифланиши ва қулаши худди кишининг қариб ўлиши сингари қонуний деб. билади.

Француз йаърифатпарварлигининг машҳур арбоби Ш. Монтескье «Римликлар улуғворлиги ва таназзулининг сабаблари тўғрисидаги мулоҳазалар» деган трактатида (1734) Рим қудратининг вужудга келиши, унинг заифланиши ва таназзули сабабларини текширган.

Ф. Вольтер «Тарих фалсафеи» асарида (1765) антик тараккиёт проблемаларига мурожаат қилади. У ўзининг бу асари билан урушлар ва ҳокимлар тарихига қарши, халқлар ва маданият тарихи тарафдори бўлиб майдонга чиқади. Вольтер тарихчилардан қадимги езувчиларнинг қиссаларига танқидий назарда бўлишни талаб қилади.

XVIII асрнинг сўнги ўн йилида Англияда машхур инглиз тарихчиси Э. Гиббоннинг «Рим империясининг таназзули ва емирилиши» номли кўп томли асарлари эълон қилинади. Э. Гиббон Рим давлатининг заифланиб ва бўлиниб кетишининг асосий сабаблари қилиб император ҳокимиятининг зулмкорлигини ва сиёсий лоқайдликка ояиб келган христиан мафкурасининг салбий таъсирини кўрсатади. Инглиз тарихчиси социал ҳаракатларга кўп эътибор беради. Гиббоннинг асари тарих фанининг тараққийсига, ғарбий Европа ва Россияда Рим тарихини ўрганишга катта таъсир кўрсатди.

* * *

*

Славянлар Рим ва Рим империясига доир умумий маълумотларни Византия империяси билан доимий алоқалар натижасида ҳам, айниқса князь Владимир чўкинтирилгандан (988 йил) кейин христиан черкови адабиётидан ҳам ҳосил қилган эди. XI—XII асрларда баъзи рус шаҳарларида (Киев, Новгород Великий) черков ва князларнинг кутубхоналари вужудга келди.

Рус давлатининг Италия билан алоқалари. XV асрда ўрнатилган. Иван III София Палеологга уйланганидан кейин Москвага қадимги грек ва латин китобларидан иборат кутубхона олиб келинади.

1512-йили Москвада «Катта йилнома ёки Хронограф» тузилади, бунда қадимги давлатлар тўғрисида, шу жумладан Рим империяси тўғрисида ҳам маълумотлар бор эди. Унда рус давлати Рим Византия империясининг сиёсий вориси—«Учинчи Рим» деб қаралади.

1685 йили Москвада очилган Славян-грек-латин академиясида қадимги тиллар ва тарих ўқитила бошланди.

XVIII аср бошларида Россияда антик авторларнинг асарлари нашр қилина бошланди. 1725 йили Россия Фанлар Академияси ва Академияга бўлгуси ходимлар тайёрлаш учун гимназия очилди: Шу вақтдан эътиборан Рим тарихига доир чет тиллардаги асарлар рус тилига таржима қилина бошланди. XVIII аср ўрталарида Петербургда ажойиб музей Эрмитаж пайдо бўлди. Музейда Рим санъатининг кўпгина асарлари, танга пуллар ва бошқа буюмлар тўпланган эди.

XVIII аср охирида Москва университети гимназиясида ва губерна шаҳарларидаги гимназияларда Рим тарихи ўқитила бошланди. Қадимги Грекия ва Рим тарихчилари кўпчилик асарларининг таржималари пайдо бўлди.

Рус революцион мутафаккири ва ёзувчиси А. Н. Радищев (1749—1802) Рим тарихининг айрим сюжетларини олиб қайта-қайта асарлар ёзди, уўзининг «Тарихий кўшиғи»да энг қадимги замондан бошлаб эраизмнинг II асригача бўлган Рим тарихини тасвир этади.

XVIII аср охирига келиб, Ғарбий Европа ва Русияда қадимги Рим тарихини илмий асосда ўрганишга Негиз солинди.

2. XIX асрда (Империализм? давригача) ғарбий Европа ва Россияда Рим ва Рим империяси тарихининг ўрганилиши» XVIII асрдаги француз революцияси ўша асрнинг 90- йилларидагина эмас, балки XIX асрнинг дастлабки ўн йилларида ҳам Рим тарихини ўрганишнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Агар XVIII аср тарихчилари асосан Рим империяси даврини ўрганган бўлса, XIX асрда Рим империясининг тадқиқотчилари илк республика даврини ўрганишга киришдилар. К. Маркс шу ҳолни «гасвираб бундай деб ёзган эди: «Буржуа жамиятининг гладиаторлари Рим республикасининг антик традицияларида ўз курашларининг буржуача тор мазмунини ўзларидан ўзлари бекитиш, ўз завқларини улуғ тарихий фожиа юксаклигида сақлаш учун зарур идеалларни, бадий шакл ва ҳом ҳаёлларни топдилар...»¹..

Тадқиқотларнинг умумий йўналиши ҳам ўзгарди. Француз маърифатпарварларининг асарлари таъсирида XIX аср олимлари ҳокимлар тарихигагина эмас, балки айрим халқларнинг ўзларига хос хислатлари, маиший ҳаётлари, маданиятлари ривожланишига ҳам эътибор бердилар. XIX аср тадқиқотчилари манбаларни танқидий назар билан ўргана ва антик авторларнинг асарларидан олган маълумотларни археология қазувлари ва этнография материаллари билан тўлдира бошладилар.

Қадимги Рим тарихини дастлаб ана шу тариқа ўргана бошлаган олим даниялик Б. Нибурдир (1776—1831). У Рим тарихининг энг қадимги даври тўғрисида антик тарихчиларнинг қиссалари тўғрилигини инкор қилиш билангина чекланиб қолмай, этнографик маълумотларига таяниб, таққослаш усули билан воқеаларнинг ривожланиш манзарасини тиклашга уринган. Нибурнинг асосий асари «Рим тарихи» тугалланмай қолган. Нибурнинг тарихий-танқидий усули замондошларига ва ундан кейинги тадқиқотчиларга ғоят катта таъсир кўрсатди.

1500 га яқин катта-кичик асари босилиб чиққан немис тарихчиси Т. Моммзен (1817—1903) Нибурнинг тадқиқотларини давом эттирди, унинг кўп тилларга таржима қилинган «Рим тарихи» дан бошқа яна «Рим давлат ҳукуқи», «Римнинг >пул зарби тарихи», «Цезаргача бўлган Рим хронологияси» асарлари энг муҳим асарларидандир. 1863йили Т. Моммзен раҳбарлигида 16 томлик обидалардаги латин ёзувлари («Согриз Іпзсг{р110пит БаИпагит») нашр қилина бошланди. Бундан ташқари Т. Моммзен Рим тарихининг айрим масалаларига доир жуда кўп мақола ва мулоҳазалар эълон қилди.

Т. Моммзеннинг асарларидан «Рим тарихи» ҳозир ҳам машҳурдир. Т. Моммзен тарих баёнини энг қадим замондан бошлаб, асарнинг учинчи томида Тапс ёнидаги жанг (эрамиздан аввалги 46-йил) гача оlib келган. Асарнинг анча кейин нашр этилган тўртинчи томи эрамизнинг 68-йилигача бўлган Рим тарихининг

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч, т. 8, стр. 120.

кискача очеркини ташкил қилади. Рим империяси вилоятларининг эрамиз I асридаги тарихи бешинчи томда баён қилинади.

«Рим тарихи»нинг дастлабки уч томи оммабоп китобдир. Т. Моммзен ўзининг асарини 1848 йилги революцион воқеалар таъсирида ёзган. Германияни миллий жихатдан бирлаштириш буржуа революциясининг сиёсий мақсадларидан бири эди. Немис буржуа зиёлиларининг баъзи гуруҳлари қандайдир «демократик монарх»га умид боғлаган, монарх немис буржуазиясининг сиёсий орзуларини амалга оширади деб ўйлаган эдилар. Т. Моммзен Рим тарихининг дастлабки даврини қискача тасвирлаб, римликларнинг Апеннин ярим оролини истило қилганликларини батафсил баён этади ва буни Италиянинг бирлашуви деб атайди. У ўзининг баёнида Юлий Цезарнинг «Демократик монархияси» пайдо бўлишини қонуний ҳол деб исбот қилишга уринади ва уни ҳаддан ташқари кўкларга қўтариб мактайди. Т. Моммзен Рим нобилларини герман юнкерлари билан, суворийларини буржуазия билан таққослашдан ҳам тап тортмайди, Римда қасб-хунар васавдонинг тараққий қилишида капиталистик муносабатларни кўради. Т. Моммзен кулдорликнинг ривожланишини писандқилмайвақуллар қўзғолони тўғрисида лом-лим демай, эрамиздан аввалги 74—71 йиллардаги қўзғолон йўлбошчиси Спартакни «қароқчиларнинг дохий—йўлбошчиси» деб атайди,

Т. Моммзеннинг асари ғоят субъектив руҳда бўлиб, унда ирқчилик, модернизм ва ўта танқид аломатлари кучлидир. Т. Моммзеннинг бошқа асарларида ҳам буржуа олимларига хос махдудлик, айниқса ўтакетган немис шовинизми аниқ сезилиб турса-да, унинг фаолияти тарих фанининг кейинчалик тараққий қилишига кучли таъсир кўрсатди.

Немис тарихчиси К. Нич (1823—1880) Рим республикасининг эрамиздан аввалги II аср охирларидаги аграр қонунлари атрофида юз берган курашни тадқиқ қилади. У ўзининг «Грақхлар ва уларнинг салафлари» номли асарида Рим зодагонларининг фазилатларини таъкидлаб, Грақхлар -фаолияти даврини Рим давлатчилигининг тараққий чўққисига чиққан замони деб ҳисоблайди. К. Нич «Рим республикаси тарихи» лекцияларида ҳам ўша фикрни айтади. Унинг «Рим аналитикаси бошланишидан Валерий Анциатгача» номли монографияси илмий жихатдан то ҳозиргача муҳим асар бўлиб келмоқда. (

XIX асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида Рим тарихини француз олимлари тадқиқ қилдилар. А. Валлон (1812—1914) «Қадимги кулчилик тарихи»да фактларга асосланган ғоят кўп материалларни жамлади, асарда қадимги дунёнинг ҳўжалик ва ижтимоий ҳаётида кулчиликнинг ахамиятини кўрсатди.

Консерватив йўналишдаги тарихчи Г. Буасье (1823—1908) Рим тарихидан айрим мавзуларда ҳар хил м.анбалардан олинган қимматли маълумотларга асосланган монографиялар ёзди. Унинг «Рим бўйлаб археологик сайр», «Августдак тортиб Антонийларгача Рим дини рчкерклари», «Цицерон ва унинг дўстлари»

номли монографиялари hozir ham maърифий bilim beruvchi ma-
рокли asarlardir.

Н. Фюстель де Куланжнинг (1830—1889) «Антик жаМОЯ па
«Рим колонлари» номли asarлари энг марокли ва Евронпд.ч Ж\ ца
машхурдир.,У «Антик жамоа» асарида идеалистик нуктаи на шр
да бўлса-да қадимги замонни модернлаштиришга қаршичтл n,

Фюстель де Куланж колончиликнинг ривожланиши тўғрИ(и
даги текширишларини шимолий Африкадан янги топилгаи оби
далардаги ёзувлардан фойдаланиб тузган. У колонларншп
мустакилликларини секин-аста йўқота боришини уларнинг ер
эгаларига қарзларининг кўпайиши билан изохлайди, колонлар
нинг шу ҳоли кейинчалик императорнинг қонунлари билан яна
кучайтирилган эди.

1850 йили инглиз Ч. Мериваль ўзининг саккиз томли «Рим-
ликларнинг империя давридаги тарихи»ни нашр қилади. Бу
Э. Гиббоннинг классик асарига гўё бир кўшимчадир. Ч. Мери-
валнинг «Тарих»и Юлий Цезард^н тортиб то 180 йилгача бўлган
даврни ўз ичига олади.

XIX асрнинг бйринчи ярмида Помпейдаги археологик қазув-
лар давом эттирилди. Римда қисман катакомбалар, шунингдек
форум ва Палатин тепалигида қазувлар олиб борилади. Тоска-
нада этрусқларнинг қабрлари очилиб ўрганилади. Шимолий
Африкада, Сурия ва Шарқий Урта денгизнинг бошқа жойлари-
да муҳим эпиграфик кашфиётлар қилинади. Европа ва Урта
денгиз шаҳарларида янги музейлар очилади ёки эскилари янги
материаллар билан бойитилади. Шуларнинг ҳаммаси қадимги
замон тарихига доир манбалар доирасини хийла кенгайтиради.

* *
*

XIX аср ўрталарйда К. Маркс билан Ф. Энгельснинг қадим-
ги тарихни ва қисман Рим тарихини ўрганишда чинакам илмий
ёндашиш учун замин яратган asarлари пайдо бўлади.

В. И. Ленин Қ. Маркс илмий меросининг ахамиятига баҳо
бериб бундай деган эди: «...Маркс жамиятхоқимларининг иро-
дасига (ёки барибир жамият ва ҳукуматнинг иродасига) қараб
хар қанақасига ўзгартирса бўла берадиган, тасодикий пайдо
бўлиб, тасодикий ўзгариб тура берадиган якка одамлар тўпла-
мидан иборат деган қарашга хотима берди ва ижтимоий-икти-
содий формация маълум ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи
деган тушунчани яратди ҳамда бундай формациялар тараккиёти
табiiй-тарixий тараккиёт эканлигини исбот қилиб, социологияни
биринчи марта илмий асосга қўйди»¹.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз asarларида Рим тарихи пробле-
маларидан баъзиларини таҳлил қилганлар. Масалан, «Немис
идеологияси» асари ва «Капиталистик ишлаб чиқаришдан ол-
динги шакллар» деган кўл ёзмада мулкнинг антиқ Шакли

характери масаласи таҳлил қишнади. «Капитал»нинг учинчи томида қадимги савдо айирбошлаш проблемаси талқин қилинади. Кулчилик ва кулдорлик ҳўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги масала қайта-қайта («Сиёсий иктисод танқидига доир», «Капитал» ва «Анти-Дюринг»да) гапирилади. К- Маркс мактубларидан бирида ер учун курашнинг Рим республикаси ички шёсий ҳаётининг ривожланишига таъсир кўрсатган асосий сабаб сифатидаги аҳамияти кўрсатилади.

Рим империяеидаги социал муносабатларни тушунишда Ф. Энгельснинг «Бруно Бауэр ва дастлабки христианлик» асари, христианлик мафкурасининг вужудга келишини тушунишда эса унинг «Янгиликларни очиб берувчи китоб»и муҳим ўрин тутди. Яяхоят, Ф. Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг]елиб чиқиши» асарида илк Рим жамиятининг ажойиб тавсифи >ерилади ва синфсиз жамиятдан синфий жамиятга ўтиш жараёнининг тугалланиши кузатиб борилади, шунингдек, Рим империя-ининг инқироzi ва ҳалокати сабаблари таҳлил қилинади.

Ф. Энгельс «Қадимги германлар тарихига доир» асарининг қўл ёзмасида римликларнинг германлар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида гапириш билан бирга Рим империяси қуролли кучларининг эволюцияси ва уларнинг стратегиясини ҳам тасвирлайди.

К. Маркс билан Ф. Энгельснинг илмий мероси ўзларининг дунёқараши билан фалсафий материализм позициясидан узок турган тарихчиларга ҳам ғоят кучли таъсир кўрсатди ҳамда XIX аср рхири ва XX асрдаги илмий-тарихий тафаккур тараққиётининг асосий йўналишини ташкил этди.

XIX аср бошидаёқ Россияда янги университетлар ва лицейлар барпо қилиниши, Херсонес ва Керчда археология қазувлари уюштирилиши, музейлар таъсис этилиши туфайли бир қанча янги илмий марказлар вужудга келди, тарихчилар доираси кенгайди.

Д. Л. Крюков (1809—1845) Рим тарихидан ихтисослашган р>с олимларининг тўнғичи эди. У «Рим патрицийлари билан плебейларининг диний масалада аввал бошдаги фарқлари» номи монографиясида патриций билан плебснинг этикодидаги фарқни аниқлади.

Т. Н. Грановский (1813—1855) тарих кафедрасида Д. Л. Крюковнинг издоши эди. У ўрта асрлар тарихига кириш сифатида Рим тарихидан дарс берди. У Римнинг республика тузумидан империяга ўтишининг прогрессив аҳамиятини кўрсатиб ўтди. Т. Н. Грановский Диоклетиан маъмурий фаолиятининг ижобий аҳамиятини қайд қилади. У Э. Гиббоннинг фикрига зид равишда христиан динини ундан олдинги динларга нисбатан прогрессив дин деб билди. Шу билан бирга Т. Н. Грановский Рим империя-

1 В. И. Ленин. Асарлар, 1-том, 143-бет.

сидаги эркин аҳоли қуйи табақаларининг моддий ва ҳуқуқий. ахври мудхйш эканлигини, бу Ҳол кул ва колонларнинг доимий кўзғодонларига сабаб бўлганлигйй, кўзғолонлар эса варварларнинг босғйрб киришини осонлаштирганини ва Рим давлатининг қулашини тезлаштирганини таъкидлади.

! Т. Н. Грановскийнинг оммави лекциялари замондошларига. ғоят кучли таъсйр кўрсатган. Ш

С. %. Ешевский (1829—1865) Т. Н. Грановскийнинг энг истъедодли шогирдларидан эди. Уйинг «Аполлинарий Сидониш 5-аср Галдиясининг адабий ва сиёсий ҳаётидан парчалар» асариди. Ғарбий Рим империясининг қулаши арафасиди Галлиядаги халқ турмуши ва сиёсий ҳаёти ёритилган. С. В. Ешевский-багаудлар отрядларини ташкил этган кишлок аҳолисининг оммавий кўзғолонлари ҳақида кизгин хайрихоҳлик билан ёзиди, ва Тарбий Рим империясининг хотимасини тезлаштиришда бу кўзғолонларнинг ахамиятини кўрсатиб ўтади. Рим империясининг тарихий тараққиётга дастлаб С. В. Ешевский, эътибор берган эди, у вилоятлардаги аҳолининг маданий ҳаёти тўғрисида жуда кўп материал тўплаган ва бу материал авторынинг «Рим давлатининг маркази ва унинг вилоятлари» деган очеркида акс этган. С. В. Ешевский «Тарихда ирқларнинг ахамияти тўғрисида» деб ёзган мақоласиди қадимги Ўрта денгиз давлатларидаги ижт-имоий тузумни тасвифлаб: «Барча қадимги эркин давлатлар Қулчиликнинг мустаҳкам негизиди ўзларининг хилма-хил давлат формаларини тузган...» деб ёзиди.

Революцион демократлар В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов ва Д. И. Писаревларнинг мақолалар рус тарих фанининг тараққиётиди муҳим ўрин тутиди.

В. Г. Белинский Рим адабиёти тарихи проблемалари, шунингдек Рим жамияти ва давлатининг умумий тараққиёт шараёни тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён қилиб айрим Рим жоирлари ва ёзувчиларининг ижодига таъриф берган. Н. Г. Чернишевский Рим империясининг қулаш сабаблари тўғрисида рецензия-мақола ёзган.

Н. А. Добролюбов Саллюстий ва Юлий Цезарь асарларининг таржималарига ёзган рецензиясида Рим жамиятининг эрампиздан аввалги I асрининг 60-йилларидаги аҳолини таҳлил қилади.. Н. А. Добролюбов Катилинага жуда ҳам салбий баҳо беради.. У Катилина билан Цезарь иккиси ҳам бирдек ҳокимиятни қўлга кйрйтишга уринган, аммо Цезарь Катилинанинг муваффақиятсизликка ўчраганлигининг сабабларини ҳисобга олиб, Катилинадан кўра муваффақиятлироқ иш кўрган деб ёзиди.; Д. И. Писарев Апполоний тўғрисидаги тадқиқотида Рим империясидаги мафкуравий курашни таҳлил қилади.

3. Империализм даврининг биринчи босқичиди (XIX аср охири ва XX аср бошларида) Ғарбий Европа ва Россияда Рқм тарихининг ўрганилиши.. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб археология материаллари тобора кўпроқ тўплаилганлигида;

Римва Рим империясининг 'тарихини ўрганиш' оsonлашди.' Ук минглаб ббйдалардагй каДймги ёзувлар топилди ва .э.ло.н. килди.' Мисрда эллинизм ва Рим империяси даврига оид папируслар топилди.

Шў билан бирга кадимги тарихни ўрганишда' якинлашаётг^ак тушкунлик аломатларй кўрина бошлади. «Эркин» фаолиятнинг капиталистик монополиядар ҳукмронлигйга айланиши," имре-1 риалистларнинг Дунёни бўлиш сиёсати илмий ҳаётнинг тараккийсига таъсир этмай қолмади. Буржуа рлимлари тарихнинг умумий проблемаларидан секин-аста хусусии : масадаларни, ўрганишга ўтдилар. Бундан ташқари, янги социологияназарияларйда сиёсий реакцион қарашларни Ҳимоя қилиш учун, ҳаммадан кўра социалистик ишчилар ҳаракатига қарши курашиш учун пронаганда мақсадларйда .фойдаланиш.майллари сезила; бошдади.' Бўндаи майллар кадимги замонни ўрганишда янги тарихий-социологик назариялар пайдо бўлишига, олиб келди. Бу бир томондан антик авторларнинг кўп гувоҳликларини (айниқса энг кадимги Рим тарихига нисбатан) шубҳа остига олиб, инкор этишдан иборат бўлиб, у гиперкритицизмга "(ўтя танқидчиликка), яъни тарихий танқид усулидан қайтиб, маълум манбаларни бутунлай инкор қилишга, у авторларнинг маълумотларини фаразияларга алмаштиришга олибкелди. XIX аср охири'учун яна бир характерли ҳол қатор тарихчиларнинг, кадимият билан ҳозирги замон ўртасидаги тафовутни йўқотиюга, Интиқликни модернлаштиришга уринишидан йбор.ат эди., Айрим буржуа тарихчилари тарихий жараённи.марксча ••илми# тушунишнирад этишга интилиб, ўша ҳар икки майлни ўзларида мужассам қилган эдилар.

Гиперкритицизм ва модернизм немис тарихчиларининг асарларида айниқса ёркин акс этган. Э.Мейер (1855^—1930) буйўналишларнинг энг машҳур намояндасидир. У ўзининг «Қадимги дунё тарихи» номли катта асарида энг кадимги маданият.вўжудга келган вақтдан бошлаб то' эрамыздан аввалги V" аср ўрталаригачаўтган давричиДа Олд бсиё ва Урта денгиз мамлакатлари ва халкларнинг тарихий. таракқиётини'баён қилади," " Э. Мейернинг тарихий назарий қарашлари унинг «Қадим'и Дунёнинг иктисодий таракқиёти» ва «Қадимги қўлчилик» дегад докладларида ифода қилинган. Унинг икки доклади хйм ғоят мунозарали бўлиб, кадимги ижтимоий тузум.қулдбрлик тузумй деб бёрилган марксча таърифни рад қилишга қаратилган. Э. Мейер назарига кўра, жамият ёпик, доира—циклда ривоЖла.нади ва'капитализмнинг қулаши Европамаданиятини таназзул., га олиб кёлади.

Э. Мейер «Қадимги қулчилик» номли докладда маълум йан-; баларга кўз юмишдан тап .тортмай, Қадимги дунё мамлакатларида қўллар жуда'оз бўлган' дёб, шу фикрни исботлашга ва уларни эксплуатация қилиш манзарасини бўяб юм.нгатишга уринг^ан^эди.

Э. Мейер Римда республика тузумининг кулаши хақидаги «Цезарь монархияси ва Помпей принципати» номли катта асарда аҳоли қуйи қатламларининг ҳаракатидан кўз юмган, Рим республикасининг кулаши олдидан ундаги сиёсий курашнинг муҳим ҳислатларини модернлаштирган, Помпей билан Август сиёсатларини бир-бирига ўхшатишга уринган.

Гиперкритицизм ва модернизм Италия историографиясида ҳам, айниқса Г. Ферреро (1871—1942) билан Э. Пайс (1856—1939) асарларида кенг ўрин олган.

«Римнинг улғуворлиги ва кулаши» Г. Ферреронинг асосий асаридир. Шаклан гўзал бу кўп томли асарда Римнинг эраמידан аввалги I асрдан бошлаб, эрамининг 14 йилигача бўлган давр ичидаги тарихи муфассал баён қилинади.

Г. Ферреро тарихий жараёни стихияли ходиса деб қарайди. Унинг фикрича, бунда воқеалар гарчи бир-бирига маълум даражада таъсир қилса-да, улар ҳам халқ оммаси ва ҳам айрим сиёсий арбобларнинг ирода ва хохишидан қатъи назар содир бўлади. Узига хос мана шу фатализмда катта ер эгалининг ўсишини ҳам, Рим граждандари кўпчилигининг пролетарлашувини ҳам, Рим жамиятидаги юқори табақанинг маънавий тушқунлигини ҳам тилга олган. Г. Ферреронинг идеалистик дунёқараши ўз ифодасини топган.

Римнинг Шарқий Урта денгиздаги босқинчилигини ҳар қандай мақомга солиб макташ Г. Ферреро асарларининг ўзига хос ҳислатидир. Г. Ферреронинг асарида Урта денгиз районининг катта қисмини мустамлакачи Италия империясига айлантиришни XX аср бошларида ҳаёл қилиб келган итальян буржуазиясининг орзуси акс этган.

Э. Пайс ўзининг «Дастлабки беш асрдаги Рим тарихи» номли катта асарида римликларнинг тарихий афсона ва йилнома-ларини ҳам, қадимги Римнинг илмий тарихини яратиш имкониятини ҳам инкор қилади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида рус олимлари археология соҳасида чет мамлакатлардаги кашфиётларни ҳисобга олиб, ўзлари ҳам Қора денгиз бўйидаги антик мавзедар бўлган жойларда археологик қазувлар ўтказдилар. Уларнинг ўз замонларида илм-фан соҳасида рўй берган муваффақиятларни диққат билан кузатиб яратган асарлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятичи йўқотган эмас.

XIX асрнинг 60-йилларида рус олимлари орасида Римда аграр муносабатларнинг ривожланиши тўғрисида мунозара бўлди. 1861 йили профессор П. М. Леонтьев Москва университетидида қилган расмий докладида Рим империясида қишлоқ аҳолисини асоратга солиш жараёнини социал ходиса деб таърифлади. П. М. Леонтьевнинг нутқи колончиликнинг ривожланишини факат юридик нуктаи назардангина ёритиб келган консерватив арбобларда эътироз туғдирди.

1880 йили профессор П. Г. Виноградов ўзининг «Лангобард

Италиясида феодал муносабатларнинг келиб чиқиши» номли асарида колончилик муносабатларининг ривожланиши Ни социал ходиса деб таърифлаб, П. М. Леонтьевнинг далилларини тасдиқлади.

XIX аср охирида Петербург университетининг профессори И. М. Гревс (1860—1941) ўз тадқиқотларини Римдаги аграр муносабатлар проблемасига бағишлади. У «Римдаги ер эгаллиги тарихидан очерклар»ида битта йирик италий мулкани тавсифлайди. Лекин Италия экономикасига идеалистик баҳо берйш ва эрамиз I асрдаги италий қишлоқ хўжалигидаги натуралликни кўпиртирганлиги И. М. Гревснинг баъзи хулосаларини баҳсли қилиб қўяди.

Италияда ва Рим империясининг вилоятларида ер эгаллиги хамда колончилик муносабатларининг ривожланиши масалалари XX аср бошларида нашр этилган бир қанча асарларда тахлил қилинади. М. И. Ростовцев бу муносабатларни эллинистик мамлакатларда кенг тарқалган мажбурий ижара тартибидан ўзлаштирилган муносабатлар деб таърифлайди. М. И. Ростовцевнинг қарашлари ғарбий Европадаги модернчи реакциОн тарихчилар тутган назарий йўлга мос келади.

Рус тарихчилари Рим империясининг тараққийси ва умумий тарихий аҳамияти проблемалари билан хам қизиққан. Рим империясининг тарихий аҳамиятига дастлаб эътибор берганлардан бири украин професори М. П. Драгомановдир (1841—• 1895). М. П. Драгоманов «Рим империясининг тарихий аҳамияти тўғрисидаги масала ва Тацит» монографиясида ғарбий Европа тарихчиларини, биринчи навбатда немис тарихчиларини Рим империяси тарихини ўрганишни писанд қилмасликка олиб келган сабаб—герман миллатчилиги, шунингдек, католик тадқиқотчиларининг хаддан ташқари бир ёқламаликларидир, деб кўрсатади.

Прогрессив рус тарихчиси В. И. Модестов (1839—1907) Тацит ижодини, шу билан бирга Рим империяси яшаган биринчи асрни ўрганишга кўп диққат-эътибор берди. В. И. Модестов «Рим адабиёти тарихи»ни хам нашр қилди. В. И. Модестов ҳаётининг сўнгги йилларида Италия ва Римнинг энг қадимги тарихини ўрганиш билан шуғулланди.

Археология кашфиётларидан хосил қилинган маълумотлар билан Қадимги адабиётдаги. ривоятларни кўшиб олиб бориш лозим, деб билган В. И. Модестов «Рим тарихига кириш» номли икки томли катта асарини нашр қилди.

Республика тузумининг кулаши ва принципатнинг пайдо бўлиши проблемалари Р. Ю. Виппернинг (1859—1954) «Рим империяси тарихидан очерклар»ида муфассал баён қилинади. Автор бу асарини 1905—1907 йиллар революциясидан кейин, шу революция таъсирида ёзган. Р. Ю. Виппер асарининг тузилишида Г. Ферреро асарларининг таъсири сезилса-да (Рим республикасидаги социал, иқтисбдий муносабатларнинг таърифида Р. Ю. Виппер модернлашга йўл қўяди, куллар харакатини назарга ол-

маган), автврРим. жамиятидаги социалва сиёсий курандинг кескинлашувини аниқ кўрсатиб беради ва император хокимиятининг «демократизм» хақидаги бир ёклама фикрларини катъий қоралайди: ' •

Рим тарихи устида ишлаган бошқа рус олимлариданпррфессор И. В. Нетушил (1850—1928) билан академик С. А. Жебелевни (1867—1941) айтибўтиш кёрак. И. В. Нетушил ўз диққат-этиборини Рим тарихининг энг қадимги даврини ўрганишига бағишлайди:-С. А; Жебелевнинг Рим давридаги Грециятари: хйга оид иккйта асари («Эрамиздан аввалги 229—31 йиллардаги Афина тарихидан» ва «АХАЕКА») ҳам обидалардаги |зувларни ўрганиш асосида яратилган.

4. Рим тарихининг ғарбий Европа ва Америка Қушма Штатлари)йда империализмнинг хозирги ялли даврида ўрганилиши. Биринчи жаҳон империалистик уруши, шунинг кетидан юз берган революцион крйзис, Русияда улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ғарбий Европа мамлакатларида ва АКШ да умуман истриография, хусусан Рим тарихининг ўрганилишига кучли таъсир кўрсатди. >

Ву вақтда немис археологлрининг фаоллиги пасайганлиги, қадимги Рим тарихидан ёзилган немис китоблари, вақтли матбуотдаги мақола, очерк ва бошқалар камайганлиги кўринади. Икки империалистикурушўртасидафранцуз ва инглиз тадқиқотчилари ҳамда нашриётларибу соҳада Хадсиз фарлик кўрсатди. * Ғарбий Европа ва Шимолий Америка буржуа историографиясининг муҳим хислати шундан иборатки, унда Рим тарихини ёритишда реакцион майллар сёкин-аста кучайиб боради. . . .

Атар биринчи жаҳон урушидан кейинок Рим тарихидан иашр қишнган асарларда фақат социал-иктисодий проблемаларга этибор бермай қўйилган бўлса, 30-йиллар бошига келиб Италия ва Германияда фашистик ҳукуматлар хокимият тепасига келгач, тарихий асарларни илм.-фан билан мутлако алоқасиз пропаганда аДабийётига айлантиришга уриниш кучаяди, Фаюист тарихчиларининг Рим тарихини «ирқ назарияси» нуқтаи назаридан талқин қилувчи асарлари пайдо бўлади. Бундай асарларда социал кураш тарихи Римнинг айрим рақобатдош зодагон хонадонлари ва тарафдорларининг кураш тарихи биланалмаштирилади. Бундай «тарихчилар»нинг асарларида асосан Рим олий борган урушлар баён қилинади ва урушлар «истилочи халқнинг зафарли намоиши» қилиб кўрсатилади. Рим империясининг заифланишига сабаб қилиб «олий», «арий» халқнинг (римликларнинг) бошқалар—«таги паст» халқлар билан аралашиб кетганлиги кўрсатилади.

; 40- йилларнинг ўрталарига келиб, сёкин-аста АКШ олимлари капиталистик мамлакатлардаги Рим тарихини ўрганувчиларнинг етакчи гуруҳи бўлиб олади.

АКШда муҳожирликда яшаган М. И. Ростовцев ўзининг «Рим империясининг социал иктисодий тарихи»да Рим империя-

сидати ижтимирий муносабатларни модернлаштиради, у, императорлар дастлаб италий «буржуазия»сига, кейинроқ эса виолетлардаги «буржуазия»га таяниб йш кўрган дейди. Д. И. Ростовцев эрамининг III асридаги кризисни. кишлоқ аҳолисининг шаҳар буржуазиясига қарши «революцияси» деб атайди, император армияси легионерларини. курулланган «пролетар ва дехконлар» дейди. Хуллас М. И. Ростовцевнинг сохта илмий асарий советларга қарши рухга бўялган пропаганда трактатиДан иборатдир'. Ҳар хил авторлар томонидан ёзилган кўп. трмили асарлар серияларикапиталистикмамлакатлардагитарих фанига хос воқеадир. Дастлаб ана' шундай сериялар Францияда: чиқарилган «Эди.» «Халқлар ва маданиятлар» номи билан нашр қилинган серияда Рим тарихига икки том ажратилган. Бу томлардақ биринг' («Рим истилолари», 1927 йил) ;автори А. Пиганьоль, иккинчисининг («Рим империяси», 1929 йил) автори Э. Альбертнингидир. «Инсоният эволюцияси» сериясида Рим тарихига, бир неча алохида жуз багишланган. Улардан энг жиддийси Ж. Тутеннинг «Антик хўжалик» (1927) китобидир. 1925—1939 йилларда Францияда Ж. Глотц таҳрири остида «Умумий тарих» нашр қилинди. Тури ва илмий қиммати хилма-хил бўлган бу нашр Рим тарихини ўрганишга биронта янгилик киритмади.

. Бу хил кўп томли сериялардан энг муваффақиятлиси Буюк Британияда чиқарилган «Кембриж қадимги тарихи»дир (1923—1939): бу серияда Рим тарихига олти том ажратилган. Французларнинг «Умумий тарихи» каби кўп авторлар томонидан ёзилган «Кембриж қадимги тарихи»нинг ҳам турли қисмларий бир хил қимматга эга эмас, аммо шундай бўлса-дабу томларда жуда бой фактик материал тўпланган. Ҳар бир қисмда манбалар ва адабиётлар рўйхати берилади.

*"" 1927—1938 йилларда АҚШда Т. Франк таҳрири остида беш томли «Римнинг иқтисодий тарихи» нашр этилди. Серияда жуда бой фактик материал берилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка реакцияон йўл тутгай• рий-м историографияси бор кучини Рим республикасининг ташқи босқинчилик сиёсатини оқлашга сарф қилди. Ҳозирги замонАмерикаси тарихий адабиётидаги реакцияон майлларнинг бошқа бир аломати христиандикка асос солган шахс масаласини бошқача талқин қилишга уринишдир., Американинг баъзй католик тарихчилари Исо тарихий шахс деб, унинг инжилида ёзилган таржимаи ҳоли тўғри деб, шунини иботлашга уринган асарлар билан майдонга чиқйшди. Фаластинда Қумрон қўл ёзмалари тР-пилгандан кейин бундай уринишлар яна авж олиб кетди.

Аммо бу хил кит'блар билан бирликда Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ да Рим тарихий ва археологиясига дойр хусусий масалалардан шундай тадқиқотлар нашр этилдики, улар тарих фаниинг прогрессив йўлдан тараққий қилишига ёрдам беради; Бундай асарлардан аввало қадимги аҳоли яшган жойларда ўтказйлан қазувларнинг натижалари баён қилинган тад-

кикотлардир. Бундан ташқари прогрессив авторларнинг марксист-методологиянегизидатирибёзган асарлари пайдо бўла бошлади, бунга мисол қилиб италян олими Д. Луцаттонинг «Италиянинг иктисодий тарихи» асарини (1949) кўрсатиш мумкин.

5. СССРда Рим ва Рим империяси тарихининг ўрганилиши. СССРда 1920 йиллар бошида Рим тарихидан нашр қилинган китоблар ичида С. А. Жебелевнинг ғоят мазмундор асари алоҳида ўрин тутди. Бу асарда Рим тарихининг энг муҳим фактлари қисқача баён қилинади, шунингдек кўрилатган мавзуга доир манбалар ва адабиёт обзори берилди.

1926 йил В. И. Ленин асарларининг биринчи нашри тамом бўлиши биланнишонланганэдиЧВ.И, Лениннинг «Давлаттўғри-*сидаги» лекциялари ғоят қим.матли асардир. В. И. Ленин бу асарда қадимги Греция ва Рим жамиятлари қулдорлик жамиятлари ва давлатлари бўлганини аниқлаб, у даврдаги сннфий кураш шакллари ва хусусиятлари тўғрисида, қуллар кўзғолонларининг муҳим хусусиятлари ҳақида (жумладан лекцияда Италияда бўлиб ўтган Спартак рақбарлигидаги қуллар кўзғолонининг тарихий аҳамияти ҳам гапирилади) марксча таълимотни баён қилиб берган эди. В. И. Ленин ўзининг бошқа асарларида қадимги замонда босқинчилик урушлари бўлганини айтади ва антик дунё тарихини модернлаштирувчи олимлар йўл қўйган хатоларни кўрсатади. В. И. Лениннинг «Юлиус брошюрасн тўғрисида» сарлавҳали танқидий мақоласида тарихнй тараккиётнинг бориши ҳақида айтган фикрлари тарихнй илмий тушуниш ва ўрганишда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

1920 ва 30-йиллар мобайнида бутун дунё тарихидагн айрим даврларнинг мазмуни ва бу даврларни таърифлаш ҳамда ижтимоий-иктисодий формацияларни марксча тушуниш тўғрисида илмий мунозара ўтказилди. Бу мунозарада қадимги дунёдаги қулдорлик тузуми маеаласи узил-кесил аниқлаб берилган эди, Бунгача антик дуне хўжалигини модернлаштириш чет эл Рим тарихи адабиётидагина эмас, балки Рим тарихига доир совет адабиётида ҳам ўрин олиб келар эди, мазкур мунозара вақтида бундай модернлаштириш илмий жиҳатдан мутлақо асосиз эканлиги кўрсатилган эди.

Рим тарихидан умумий курснинг вужудга келтирилиши совет илмий адабиёти ривожининг шундан кейинги босқичи бўлди. Рим тарихидан марксча курсни яратишда асосий ишни тарихчи олим С. И. Ковалев (1886—1960) билан профессор В. С. Сергеев (1883—1941) қилдилар, С. И. Ковалев 1936 йили икки томли «Антик жамият тарихи»дан лекцияларини нашр этди. Иккннчи томнинг бир қисми Рим тарихига бағишлангандир. Бу асарда қадимги Рим жамияти қулдорлик жамияти бўлганлиги биринчи

1 Ҳозир В. И. Ленин асарларининг рус тилида бешинчи нашрндаи «берат тўла мажмуасн бор. Леннн асарларн русча 4-нашридан ўзбекчага таржима қилиниб 50—60- йнлларда нашр қилинган эди, ҳозир В. И. Ленин асарларининг русча бешинчи нашрига мувофиқ ўзбекча нашири чиқарила бошланди.

марта айтилган. Сицилия ороли ва Италиядаги куллар кўзғолонлари тарихига эътибор берилган.

В. С. Сергеевнинг «Қадимги Рим тарихидан очерклар» (1938) номли икки томли катта асари анча мукамал бўлиб чиқди. В. С. Сергеев ўзининг баёнида антик авторларнинг ва марксизм классикларининг асарларидан парчалар келтиради, бу эса баёнларни жонлантиради, китобхоннинг Рим тарихидаги методология жихатидан мураккаб ёки жанжалли проблемаларни тушунишига ва англаб олишига ёрдам беради.

1934 йили С. А. Жебелев билан С. И. Крвалевнинг «Эрамндан аввалги I—II асрларда кулларнинг улуғ кўзғолонлари» тўплами нашр қилинди. Шундан икки йил кейин А. В. Мишулиннинг «Спартак кўзғолони» китоби чиқди. Китобда кулларнинг бу энг катта кўзғолони батафсил баён этилади ва бу воқеа тўғрисида антиктарихчиларнинг барча айтишлари илова қилинади.

1937 йилдан эътиборан «Вестник Древней истории» номли махсус журнал чиқарила бошлади, журналда қадимги тарих, жумладан Рим тарихи проблемаларига доир тадқиқотлар, ахборотлар, қадимги авторлар асарларининг янги таржималари ва бошқа материаллари босилади.

1947 йили Н. А. Машкиннинг «Қадимги Рим тарихи» номли ўқув курси, 1948 йилда эса С. И. Ковалевнинг «Қадимги Рим тарихи» деган ўқув курси нашр қилинди.

Р. Ю. Виппер ўрта асрлар тарихидан лекцияларида Рим империяси жамияти ва давлатининг сиёсий ва социал тараққиёти очеркини беради. Бундан ташқари унинг қадимги христиан жамоаларининг вужудга келиши ва ривожланишининг дастлабки босқичлари ҳақида: «Христиан адабиётининг вужудга келиши» (1946) ҳамда «Рим ва илк христианлик» (1954) номли иккита монографияси нашр этилди. А. Б. Ранович Рим империяси вилоятларининг иқтисодий-социал тараққиётини («Эрамызнинг I—III асрларида Рим империясининг шарқий вилоятлари») ва илк христианлик тарихини тадқиқ қилди. М. Ё. Сергиенконинг асарлари Рим ва Италиянинг маданияти ва маиший ҳаётига бағишланади. Булар «Помпея» (1949), «Қадимги Рим ҳаёти» ва «Қадимги Италиянинг оддий кишилари» номли асарлардир (иккиси ҳам 1964 йили нашр этилган). Олима Е. М. Штаерман «Рим империясининг ғарбий вилоятларидаги кулдорлик тузумининг инкирози» (1955) деган йирик тадқиқотини, шунингдек «Рим империясидаги мазлумсинфларнинг ахлоқивадани» номли асарини (1961) нашр қилди. Е. М. Штаерманнинг Римдаги кулчилик тарихидан ёзган асари ҳам («Рим республикасида кулдорлик муносабатларининг гуллаб яшнаши») муҳим аҳамиятга эга. С. Л. Утченко Римда республика тузумининг кулаши ва принципатнинг пайдо бўлиши проблемаларини тадқиқ қилиб, уни ўзининг «Республиканинг кулаш арафасида Римдаги ғоявий-сиёсий кураш» (1952) ва «Рим республикасининг инкирози ва кулаши» (1965) номли иккита ажойиб монографиясида баён қилиб берди.

ҚАДИМГИ РИМ ТАРИХИДАН ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

эр. ав. II минг йиллик-
нинг биринчи ярми
эр. ав. II минг йиллик-
нинг иккинчи ярми
эр. ав. II минг йиллик-
нинг охири—I минг йил-
ликнинг боши
эр. ав. X—IX асрлар

IX аср

794—3

VIII—UGасрлар

VII аср охири—

VI аср ўрталари

5T»

Апеннин ярим оролининг шимолий қисмидаги қозғоқ йоратли қишлоқлар. По дарёсидан жануб томондаги қозғоқ йоратли қишлоқлар («террамлар»).

«Виллан» типдаги мавзе.

Рим шаҳри территориясидаги энг қадимги мавзелар.

Апеннин ярим оролининг марказий қисмида этрусқ шаҳарларининг пайдо бўлиши.

Рим шаҳри бунёд этилингининг анъанавий санаси, Рим тарихида «Подшолук» даври.

Этрусқ ҳокимларининг Римни бўйсундириши.

Римда подшо Сервий Туллийга нисбат қилинадиган ижтимоий тузум ислохоти.

Римдаги подшо давлат тузумининг қулаши.

Рим республикаси даври

494

451—450

449

445

V аср ўрталари

390 (387?)

367

340—338

327—304

326

321

298—290

287

280—275

279

275

265—

264—241

260

256—255

241

241—238

Халқ трибуналари мансаби ўрнатилиши.

«Децемвирлар» комиссияси.

Рим граждaнларининг ҳуқуқлари, ҳақида Валерий ва Гораций қонуналари.

Никоҳлар тўғрисида трибун Канудей қонуни.

Кельт қабилаларининг шимолий Италияга бостириб кириши. Этрусқ шаҳарларининг вайрон қилиниши. Кельтларнинг По дарёси водийсини босиб олиши. Кельтларнинг Лациумга бостириб кириши. Римнинг вайрон қилиниши.

Халқ трибуналари Лициний ва Секстий қонуналари.

Римликларнинг латин иттифокчиларига қарши уруши.

Римликларнинг самнитларга қарши иккинчи уруши.

Рим граждaнларининг қарз қуллигини тақққлаш тўғрисида трибуи Петелий қонуни.

Кавди дарасида римликларнинг мағлубияти.

Римликларнинг самнитларга қарши ўчинчи уруши.

Диктатор Гортензий қонуни (плебейлар, билаи патрицийлар қурашининг тугалланиши).

Римликларнинг эпир подшоши Пиррга қарши уруши.

Аускул ёнидаги жанг («Пирр ғалабаси»).

Беневент ёнидаги жанг.

Римликларнинг этрусқлар шаҳри Вольсинияни бўйсундириши. Марказий ва жанубий Италияга римликлар ҳукмронлигининг қарор топиши.

Биринчи Пуни уруши.

Мила ёнидаги жанг.

Римликларнинг Африкага бостириб кириши.

Эгат ороллари ёнидаги жанг. Карфаген билан Рим ўртасида сулҳ битими тузилиши;

Карфагенда ёлланма қўшинлар ва тобе қабилалар қўзғолони,

237	Гамилькар Барка бошчилигидаги Карфаген кўшинларининг Ибер ярим оролига бостириб кйриши.
229	Римликларнинг иллирийларга қарши биринчи уруши.
223	Римликларнинг 'Пр дарёси водийсидаги кельт (галл) қабилаларини бўйсундириши.
218	Ганнибал бошлиқ Карфаген армиясининг Альпни ошиб ўтиши. Тицина ва Требиядаги жатч Тарзимен кўли ёнидаги жанг.
217	Канн ёнидаги жанг.
216	Македониянинг Ганнибал билан иттифоқи.
215—205	Римнинг Македонияга қарши биринчи уруши.
• 211	Римликларнинг Капўя ва Сиракуз шаҳарларини ишғол қилиши. Ганнибал армияси Рим дарвозаси олдида.
210—206	Римликларнинг Ибериядаги Карфаген мулкларини истило қилиши.
207	Метаврдаги жанг.
202	Зам ёнидаги жанг.
201	Карфагеннинг таслим бўлиши.
200—197	Римликларнинг Македонияга қарши иккинчи уруши.
497	Киноскефал ёнида жанг.
192—188	Римнинг Антиох III га қарши уруши.
190	Магнезия ёнида жанг.
171—168	Римнинг Македонияга қарши учинчи уруши.
168	Падна ёнидаги жанг. Македония подшолигиник ҳалокати.
154—139	Лузит қабилаларшганг мустақиллик учун кураши. Вириат.
149—148	Македония кўзғолони. Сохта Филипп.
149—146	Учинчи Пуни уруши.
146	Римликларнинг Карфаген билан Коринфюг-вайрон қилиши.
138—133	Нумант уруши.
138—132	Сицилияда қулларнинг биринчи кўзғолони.
133	Тиберий Семпроний Гракх трибунати.
132—139	Пергам подшоллғи ахалисининг Аристоник бошчилигидаги кўзғолони.
123—122	Гай Семпроний Гракх трибунати.
121	Гай Семпроний Гракхнинг ҳалок бўлиши.
III—105	Римликларнинг Нумидия подшоси Югуртага қарши уруши.
111	Трибун Спурий Трийнинг аграр қонуни.
104—101	Сицилияда қулларнинг иккинчи кўзғолони.
302	Секстий Акваси ёнидаги жанг.
101	Верцелл ёнида жанг.
100	Трибун Аппулей Сатурнин бошлиқ популярларнинг Хужуми.
91—88	Италияда Иттифокчилар уруши.
89—84	Понт подшоси Митридат VI нинг Римга қарши биринчи уруши.
88	Сулла армиясининг Римни бўйосиб олишга.
37—82	Римда популярлар тарафдорларининг ҳукмронлиги.
83—82	Италия ва Римда. гражданлар уруши.
82—79	Луций Корнелий, Сулланинг диктатураси.
80—72	Сертрийнинг Испанияда суллагиларга қарши кураши.

74—7)	Италияда Спартак бошчилигидаги куллар кўно лони.
74—63	Митридат VI нинг Римга қарши учинчи уруши.
67	Габиний қонуни. Гней Помпейнинг қароқчиққи;! қарши қураши.
66—62	Гней Помпейнинг шарқий юришлари.
63—62	Сергий Катилина фитнаси.
60	Биринчи триумвират.
58—50	Юлий Цезарнинг Галлияда олиб борган урушл; - ри.
53	Қарр ёнидаги жанг. Триумвиратнинг бўлиаб қс- тиши.
49-45	Юлий Цезарь ва унинг муҳолифлари ўртасидаги гражданлар уруши.
48	Фарсал ёнидаги жанг. Гней Помпейнинг халок бўлиши.
48-47	! Александрия уруши
45	Мунд ёнидаги жанг.
44	Юлий Цезарнинг ўлдирилиши.
43	Мутина уруши. Иккинчи триумвират.
42	Филипп ёнидаги жанг.
36	Марк Антонийнинг парфияликларга қарши юри- ши. Октавианнинг Сицилияда Секст Помпей ҳуқумронлигини йўқ қилиши.
31	Акция буруни ёнидаги жанг.
30	Октавианнинг Мисрни истило қилиши. Марк Ан- тоний билан Клеопатранинг халок бўлиши.

Машҳур маданият арбоблари

253-184	Драматург Тит Макций Плавт.
190—159	Драматург Публий Теренций Афр.
239—169	Шоир-тарихчи Эний.
тахм. 180—100	Ҳажвчи шоир Гай Луцилий.
тахм. 87—тахм. 54.	Шоир Гай Валерий Катулл.
тахм. 98—тахм. 54.Файласуф Тит Лукреций Кар.
234—149	Тарихчи агроном Марк Порций Катон.
116—27	Қомусяи олим Теренций Варрон.
106—43	Ҳуқуқшунос, нотнк, публицист Марк Тулвий Цицерон.
86—35	Тарихчи Гай Саллюстий Қрист.
	Рим империяси даври

Эрамиздан аввалги
30—эрамизнинг 192 й.
»р. ав. 30—эр. 14 й.
эр. ав. 27 й.

»р. ав. 19 й.
эр. ав. 16—15 йй.
эр. ав. 12—9 йй.

Эрамизнинг 4 й.
Эрамизнинг 6—9 йй.
9

10

14-37
14

Илк империя—«принципат».
Август принципати.
Октавиан ҳокимиятининг юридик расмийлашуви.
Октавианга Август номи берилиши.
Испаниядаги урушларнинг тугаши.
Норик ва Рециянинг забт қилиниши.
Паннониянинг забт қилиниши. Римликяриинг
Германияга бостириб кириши.
Кулларни озод қилишни чеклаш ҳақидаги қону»
Долмация ва Паннониядаги қўзғолон.
Германияда қўзғолон. Гевто^ург ўрмонидаг
жанг.
Куллардан бири хўжайинини ўлдирган тақдирда
ҳамма кулларни қўшиб қатл этиш ҳақида қонун.
Тиберий принципати.
Паннония ва Германияда харбий исёнлар.

17—24		Нумидияда кўзғолон.
21		Фракия ва Галлиядаги кўзғолонлар.
37—41		Гай Цезарь (Калигула) принципати.
41—54		Клавдий принципати.
42		Мавританиянинг забт қилиниши.
43		Британиянинг забт қилиниши.
54—68 -	—	Нерон принципати.
64		Рим ёнғини.
66—73		Яхудияда кўзғолон.
68		Галлияда кўзғолон.
68—69		Рим империясида гражданлар уруши.
69—96		Флавийлар династиясининг империяни идора қилиш.
69—79		Веспасиан Флавий принципати.
73		Рим сенатининг цензи. Унга вилоятлардаги қулдор зодагонларнинг ҳам киритилиши.
79		Везувий вулканининг отилиб чиқиши. Помпей Геркуланум, Стабия шаҳарларининг ҳалок бўлиши.
81—96		Домициан Флавий принципати.
96—192		Антонинлар династиясини янги империяни идора қилиши. (Рим империясининг «Олтин асри») Траян принципати.
98—117		Дакиянинг забт қилиниши.
101—106	<;•• ;	Арманистон ва Парфияга қарши уруш.
114—117		Кирина. Миср ва Кипрда яхудий аҳолининг кўзғолони.
115—117	-	Император Адриан ҳукмронлиги.
117—138		Яхудияда Симон Бар-Кохба бошчилигидаги кўзғолон.
132—135	;	Император Антонин Пий ҳукмронлиги.
138—161		Император Марк Аврелий ҳукмронлиги.
161—180		Парфияликлар ҳужуми ва улар билан уруш.
161—165		Рим империяси аҳолиси ичида оммавий эпидемия (вабо?).
тахм. 165		Маркоманларнинг Рим вилоятларига бостириб кириши. Маркоман урушлари.
167—180		Император Коммод ҳукмронлиги.
180—192		Рим империясида гражданлар уруши. Император тахти учун кураш.
193—197		Северлар сулоласи ҳукмронлиги.
193—235		Рим империясидаги барча эркин аҳолига Рим
212	/	гражданлик ҳуқуқларини инъом этиш тўғрисидаги эдикт.

Рим империясининг сиёсий инкирози. «Солдат императорлари» даври

260 йиллар		Варварлар қабилаларининг империя доирасига ёппасига бостириб кириши. Сицилияда қуллар кўзғолони.
280 йиллар		Галлияда қишлоқ аҳолиси («багаудлар») кўзғолони.

Доминат даври

284—305		Император Диоклетиан ҳукмронлиги.
293		Маъмурий ислохотлар.
301		Пул реформаси. Нарх-наво эдикти.
303—394	, I	Христианларга қарши эдиктлар. Христианларни оммавий суратда таъқиб қилиш ва қатл этиш.

306—337	Император Константин ҳукмронлиги.
313	Дин эркишгаги тўғрисида Милан эдикти.
316	Куриалларни биркитиш ҳақида эдикт. • 1г
325	Никиядг'. хрйстиан епископларининг кенгаши (би* <
330	ринчи «олам кенгаши»).
332	Константинополь Рим империясининг иккинчи пойтиахти деб эълон қилиниши.
361—363	Колонларни ўз ёр участкаларига абадий биркитиш тўғрисида эдикт. <
378	Император Юлиан, ҳукмронлиги.
379—395	Адрианополь ёнидаги Жанг.
394	Император Феодосий I ҳукмронлиги.
395	Христианлик Рим империясининг давлат динв деб эълон қилиниши. Олимп ўйинларининг тақик, қилиниши, ибодатхоналарнинг ёпилиши ва вайрон қилиниши. • .о ;
410	Рим империясининг узил-кесил Гарбий ва Шарқий икки қисмга бўлиниши. . ;
429	Аларих гртларининг Римни ишғол этиши ва хароб қилиши.
455	Вандалларнинг Афинани забт қилиши. . ; <
476	Вандалларнинг Римни вайрон этиши.
	Император Ромул Августулнинг тахтдан туширилиши (рим империясининг кулаши).. < • >
	! Антик
эр. ав. 70—19 йй.	маданиятнинг энг машхур арбоблари
эр. ав. 65—8 йй.	Шоир Публий Вергилий Марон.
эр, ав. 65 й. ва эрамининг 25 й.	Шоир Квинт Горацій, Флакк.
эр. ав. 59 й. ва эр-нинг 17 й,	Географ Страбон
эр. ав. 43 й. ва эр-нинг 17 й:	Тарихчй Тит Ливий
ар-нинг 23—79 йй.	Шоир Публий Овидий Назон.
тахм. 37—90 йй.	Қомусчй ояим Плиний Секунд Катта. "
39—65	Тарихчи йосиф Флавий.
42—102	Шоир Анней Лукан.
тахм. 46—тахм. 126,	Шоир Марк Валерий. Марциал.
тахм. 54—тахм. 120	Ёзувчи-тарихчи Плутарх. "
62—114	Тарихчи Корнелий Тацит.
тахм. 70—160	Ёзувчи Плиний Кичик.
тахм. 10 й. туғилган	Тарихчи Гай.Светоний Транквилл. . ; ,
тахм. 120—180	Тарихчи Агшиан.
II аср	Сатирик ёзувчи Лукиан Самосатий.
тахм. 129—200	Ёзувчи АппулеК
II аср	Медик Гален (Жолинус),
тахм. 155—235	Астроном Клавдий Птолемей", (Батилймуc).
тахм. 263—340	Тарихчи Дион Кассий.
314—393	Христиан тарихчиси Евсевий. '
тахм. 330—400	Ритор Либанйй.
354—430	Тарихчи Аммиан Марцеллин.
	Христиан ёзувчиси Августин.

МУНДАРИЖА

КАДИМГИ ГРЕЦИЯ
К И Р И Ш

I боб.	Қадимги Греция тарихига ва эллинизм даврига оидманбалар	6
II боб.	Қадимги Грециянинг табиати ва аҳолиси	15
III боб.	Энг қадимги Эгей цивилизациялари	19
IV боб.	Эрамиздан аввалги XI—IX асрларда Греция	33
V боб.	Антик Грецияда синфий жамиятнинг бошланиши.	39
VI боб.	Эрамиздан аввалги VII—V асрларда қадимги Спарта	49
VII боб.	Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда қадимги Атика	56
VIII боб.	Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда грек маданиятн	70
IX боб.	Греция-Эрон урушлари	80
X боб.	Эрамиздан аввалги V—IV асрларда Грециянинг социал-иқтисодий тузуми	93
XI боб.	Афия қўлдорлик демократиясининг равақ топиши	100
XII боб.	Пелопоннес уруши (эрамиздан аввалги 431—404-йиллар)	107
XIII боб.	Классик даврдаги грек маданияти	118
XIV боб.	Эрамиздан аввалги IV асрда Греция.	137
XV боб.	Грецияда Македония гегемониясининг ўрнатилиши	147
XVI боб.	Александр Македонский монархияси	153
XVII боб.	Эллинистик давлатлар	164
XVIII боб.	Эллинистик маданият (эрамиздан аввалги III—I асрлар)	183
XIX боб.	Шимолӣ Кора деигиз бўйларидаги грек шаҳарлари ва давлатлари	195
XX боб.	Қадимги Греция ва эллинизм даври историографияси	201
	Хотима	220

КАДИМГИ РИМ

К И Р И Ш

I боб.	Қадимги Рим тарихининг манбалари	225
II боб.	Қадимги Италиянинг табиати ва аҳолиси.	239
III боб.	Рим тарихининг келиб чиқишича энг қадимги даври	248
IV боб.	Илк Рим республикаси	253
V боб.	Римнинг Италияни истило қилишн ва Рим қўлдорлик конфедерациясининг ташкил топиши	266
VI боб.	Эрамиздан аввалги III асрда Римнинг Урта денгиз гарбида устунлик қилиш учун Карфаенга қарши кураши	274
VII боб.	Шарқий Урта денгизда римликлар экспансияси. РИМ республикасининг жуда кучли Урта денгиз давлатига айдангашиги. Учинчи Пуни уруши	288
VIII боб.	Эрамиздан аввалги II—I асрларда Италиянинг иқтисодий тузуми	295
IX боб.	Эллинистик давлатлар системасининг кризиси. Урта денгиз соҳили мамлакатларида куллар ва асоратга солинган аҳолининг оммавий қўзғолонлари	300
X боб.	Эрамиздан аввалги II—I асрлар бўсағасида Рим-Италия жамиятидаги ижтимоий-сиёсий кураш ва Рим республикасининг халқаро аҳоли	311
XI боб.	Оптиматлар билан популарлар кураши. Луций Корнелий Сулланнинг диктатураси	320
XII боб.	Эрамиздан аввалги I асрнинг 70—60-йилларида Римда республика тузумининг кризиси.	330
XIII боб.	Республика тузумининг кулаши	349
XIV боб.	Эрамиздан аввалги VII—Г асрларда Италия-Рим маданиятн	364
XV боб.	Октавиан Август принципати	373
XVI боб.	I асрда Рим, империяси. Юлийлар—Клавдийлар сулоласининг императорлари идора қилган даврда принципат тартиботининг мустахкамланиши ва ривожланиши	381
XVII боб.	Эрамизнинг II асрда Рим империяси. «Олтин давр»	400
XVIII боб.	Христианликнинг вужудга келиши ва ривож олишининг биринчи босқичи	413
XIX боб.	Эрамизнинг III асрда Урта денгиз Рим империясининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий кризиси	420
XX боб.	Сўнги Рим империяси — доминат	428
XXI боб.	Империя даврида Рим маданияти (эрамизнинг I—V асрларида антик маданият)	436
XXII боб.	Ғарбий Рим империясининг кулаши	448
XXIII боб.	Қадимги Римнинг историографияси.	469

На узбекском языке

| Н. Н. ПИКУС, [Ю. С. КРУШКОЛ, Н. Ф. МУРИГИНА,
И. А. ДБОРЕЦКАЯ, А. Г. БОКШДНИН.

ИСТОРИЯ ДРЕВНЕГО МИРА, Ч. II

Учебное пособие для педагогических институтов

Перевод с издания М., «Просвещение», 1971 г.

Издательство «Укитувчи» Ташкент — 1975

Махсуе редактор *Мирхолиқов А.*
Редакторлар *Каримова Л., Ҳасанов А.,*
Бадиий редактор *Ведерев Г.*
Техн. редакторлар *Сорокина Н.*
Ахтямова С.
Вильданова Э.

Корректор *Мирхолиқов Р.*

Теришга берилди 7/1-1975 й. Босишга рухсат этилди 30/У1-1975 й. Қоғоз № 3. 60Х90/16.
Физ. б. л. 30,0+0,25 вкл. Нашр. л. 33,8+0,18 вкл. Тиражи 10000.

«Укитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, *о/в*. Шартнома 35-73. Баҳоси 95 т. Муковаси 20 т.

УзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг 2-босмаҳонаси, Янгийул, Самарканд кўчаси, 44. 1975 й. Зак. № 62.

Типография № 2 Государственного Комитета Совета Министров УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Янгийоль, Самаркандская, 44.